



Шарқ Юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

12

1988

57-йил чиқиши

Бош редактор:
Ўткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Саид АҲМАД
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ
Омон МУҲТОРОВ
(проза бўлими мудири)
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ
(бош редактор ўринбосари)
Умарали НОРМАТОВ
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Муҳаммад СОЛИҲ
Хайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Туроб ТУЛА
УЙГУН
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
(масъул секретарь)
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

УШБУ СОНДА



Драматургия



Туроб ТУЛА

ҚАБУЛ КУНИ

Драматик қисса

Хаёл кишининг аламини юмштади, йўлини ёритади... Тўғри, айбинг йўғ-у, айбдорсан. Шунга ҳам шукур қилиш керак. Айбдор деганларнинг ўзлари айбдор эканликларини ҳис қилиб, ич-ичларидан зил кетадилар. Улар барибир қўрқадилар. Бу эса, менинг ғалабам! Шуларни ўйласам, кўнглим юмшайди, тинч ухлайман. Ҳа, ҳа, хаёл сурилинг...




Шеъриният

Равшан ФАЙЗ

УХЛАЕТГАН ОДАМ

Поэма

Шеърим «Уйғон!» дея бекорга толма,
Ухлаётган одам уйқуга тўйсин.
Оромини бузиб гуноҳга қолма,
Шу кўр уйқу унинг кўзларин ўйсин.




Портретса тизимлар



Норқул ТИЛАВОВ

ДАРАЛАРНИ ГУМБУРЛАТГАН ДУМБИРА

Қодир бахшидан аввал ўзини таниганман. Кейинчалик бу бетакрор халқ куйчиси билан кўп бор учрашдим, мулоқотда бўлдим. Эслаб кўрсам, умрзоқ термалар, дostonлар яратган санъаткор менда мўл таассурот қолдирибди. Шу бахши тўғрисида... ёзиш нияти туғилди. Эътиборингизга ҳавола этилаётгани шу ниятимнинг бир парчасидир.



Эркин Юсупов,
СССР Фанлар академиясининг
мухбир аъзоси

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР ВА МИЛЛИЙ МУАММОЛАР

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқидан СССР халқларининг дўстлиги — Октябрь туфайли қўлга киритилган буюк ғалабалардан бири эканини, Совет ҳокимиятининг асосий бузилмас таянчи ҳамда дунё тарихида нодир ҳодиса эканини алоҳида таъкидлади. XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси материалларида ҳам халқлар дўстлигини янада ривожлантиришга, мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча миллатлару элатларнинг бирлигини мустақкамлашга жуда катта эътибор берилди. Бу йўлда аниқ тадбирлар белгиланди. Жумладан, тез орада миллий масалаларга бағишланган махсус пленум ўтказишга қарор қилинди.

Маълумки, бизда миллий масалага пролетариат интернационализи принциплари асосида, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида мамлакатимиздаги барча халқлар ва элатларнинг тенглигини, ҳақ-ҳуқуқда бараварлигини таъминлашдек олижаноб мезонга суянилган ҳолда ёндошилади. Иқтисодий ҳаёт муштарак манфаатга бўйсундирилган шароитда ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам истиқболлари кенгайверади, хилма-хил маданиятлар бир-бирининг тараққиётига самарали таъсир кўрсатади, шовинизмга — буюк давлатчилик тарафдорларига ҳамда буржуа миллатчиларига қарши аёвсиз кураш олиб борилади, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида, интернационализм руҳида тарбиялашга кенг ўрин берилдики — булар социалистик жамият қуриш, уни такомиллаштиришнинг муҳим шартларидир. Шулар туфайли нафақат тарихда мисли кўрилмаган ижтимоий-иқтисодий ғалабаларни, маънавий бойликларни қўлга киритдик, балки кескин курашларда социализм ютуқларини ҳам сақлаб қолдик, бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминладик, империализмнинг агрессив ниятларини барбод қилдик, ҳозирги замондаги реакцион кучларни жиловладик. СССРда халқлар дўстлигининг мустақкамланиши натижасида кўп миллатли мамлакатимиз ва ундаги ҳар бир халқ ва элат камол топди.

Ленинча миллий сиёсат ҳаётга татбиқ этилиши оқибатида миллий зулмнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ғоявий негизлари батамом бартараф этилди, тарихда биринчи марта халқлар ва миллатлар ўртасидаги оға-иниларча ҳамкорлик, ўзаро ёрдам йўлга қўйилди, ҳар бир халқ, ҳар бир миллат иқтисодий, маданий жиҳатдан ривожланиши учун шароит яратилди. Совет ҳокимияти йилларида, социалистик тузумнинг афзалликлари шарофати билан, жонажон Коммунистик партиямиз раҳбарлигида, рус ва мамлакатимиз бошқа халқларининг беғараз ёрдами туфайли ўзбек халқи ва Ўрта Осиёнинг барча республикалари халқлари эришган ғалабалар бунга ёрқин мисол бўла олади. Ўрта Осиё халқлари бор-йўғи 70 йил мобайнида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча жабҳаларида қўшни хорижий мамлакатлар халқларидан анча илгарилаб кетишди.

Шунга қарамай, бизнинг барча тарихий ютуқларимиз миллий муносабатларда ҳеч қандай муаммо йўқлигидан далолат бермайди. Мамлакатимиздаги жамики миллатлар, элатлар ижтимоий ва маданий турмуш тарзидаги ўзига хосликни асраб-авайлаб, ривожлантириб, тил, урф-одат ва анъаналарини доимо бойитган ҳолда узоқ замонларгача ер юзиде муқаррар туражак. Шунинг учун ҳам бизнинг советлар диёрида миллий муносабатлар миллий манфаатларни теран ҳисобга олган ҳолда ривожлантирилиши аввал ҳам кун тартибиде турган долзарб вазифа эди, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Шубҳасизки, миллатларнинг ўз-ўзини англаши бу масалаларни ҳал этилишига таъсир этади, миллий муносабатлар борасида туғилаётган ва бундан кейин ҳам туғилиши мумкин бўлган муаммолар бизнинг фаҳм-фаросатимизга, ижодий ёндошмоғимизга муайян даражада боғлиқ бўлади. Бундай нозик, қалтис оқибати ҳал этиш чоғида кечаги ёки

бугунги ҳодисалар қобифига ўралашиб қолиш ярамайди. Миллий масала бўйича келажакда рўй бериши мумкин бўлган ҳар қандай вазиятни олдиндан кўра билиш, ҳисобга олиш лозим. Бунинг учун эса ҳозирги кунларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-сиёсий тадбирларнинг натижалари ҳақида аниқ маълумотга эга бўлмоқ даркор. Бундай фикр туғилишига сабаб — фақат 30- ёки 50- йилларда миллатлараро муносабатларни белгилаш, интернационал тарбияни йўлга қўйиш чоғида рўй берган жуда катта хатолару камчиликларгина эмас, балки кейинги йилларда миллий масалага ёндошиш бобида йўл қўйилган хатолар ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Назаримда ана шунақа салбий ҳолатлар ийғилиб-ийғилиб, охири Олмаоқа, Тоғли Қорабоғ Болтиқбўйи республикалари, Ёкутистон ва мамлакатимизнинг бошқа районларида юз берган кўнгилсиз ҳодисаларга замин яратди. Нисбатан хийла жонланиб қолган миллатчилик, буюк давлатчилик, қорағуруҳчилик ғоялари, миллий калондимоғлик, миллий худбинлик, экстремизм кўринишлари маълум маънода айнан ўша эски хатолардан озиқланди дейиш мумкин.

Жамият ҳаётини янада демократлаштириш, ошкораликни чуқурлаштириш шароитида назокатни сақлаган ҳолда, барча миллатлар ва элатларнинг ўзига хослигию манфаатини камситмасдан доимо халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, ёшларни интернационализм ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлларини қидирмоқ зарур. Миллатлараро муносабатларда зигирча бўлсин адолатсизликка йўл қўйиб бўлмайди; қайсидир масаладан, жумладан, жойларда кадр танлаш ва уларни тақсимлаш масаласида ҳам бирорта миллатга имтиёз берилишига қарши изчил курашмоқ керак. Бир қолипдан чиққан шiorларга маҳлиё бўлиш, муайян тадбирнинг амалий, ижтимоий самарасини ҳис эта олмаслик ҳам фақат зарар келтиради, холос. Айни чоғда Совет ҳокимияти йилларида муайян миллат ва мамлакатимиз халқлари эришган ютуқлар баъзи бир хатолару камчиликлар соясида қолиб кетишига-да тоқат қилиб бўлмайди — СССРда қўлга киритилган миллий масала соҳасидаги тарихий тажрибалар ҳаққоний баҳоланмоғи лозим.

Миллатлараро муносабатни такомиллаштириш жараёнида миллий манфаатларнинг асл моҳиятини, пайдо бўлиш шаклларини ўрганиш айниқса муҳим аҳамиятга эгадир: аниқ ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-тарбиявий, сиёсий, ташкилий вазифалар ҳал этилаётган пайтда улар ҳар томонлама ҳисобга олинishi шарт. Афсуски, муаммоларни пайдо бўлиш назарияси, миллий манфаатларнинг асл моҳияти бизнинг илмий адабиётларда шу вақтга қадар чуқур, холисона ўрганилмаган.

Доҳиймиз В. И. Ленин Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йиллардаёқ бу масалага алоҳида эътибор берган эди. 1922 йили у шундай ёзган: «Миллий манфаатларга нисбатан бирдан-бир тўғри муносабат шундан иборатки... миллий манфаатлар имкони борица қондирилади ва ана шу борада рўй бериши мумкин бўлган ҳар қандай тўқнашувларга барҳам берилади». Миллий манфаатлар — теран ижтимоий-психологик ҳодиса бўлиб, миллатларнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётини ҳар томонлама қамраб олади. Токи миллатлар мавжуд экан — миллий манфаатлар ҳам барқарордир. Миллатларнинг ўз-ўзини англаш жараёни такомиллашган сари миллий манфаатлар ҳам доимий равишда ортиб, улғайиб бораверади; фақат бир миллат доирасидаги муаммоларни эмас, балки миллатлараро муносабатларни ҳам қамраб олади.

М. С. Горбачев 1988 йил 18 июль кuni СССР Олий Совети Президиуми мажлисида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, «биз мамлакатимиздаги бирор вазифани, бирор муаммони ҳатто энг мўъжаз элатнинг манфаатини менсимасдан ҳал қилолмаймиз. Бу ленинча миллий сиёсатнинг асосий моҳиятидан келиб чиқади».²

Социализмни, халқлар дўстлигини, миллатлар ва халқлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш учун, қайта қуриш ва жадаллаштириш сиёсатини амалга ошириш учун миллий манфаатларни, талаб ва эҳтиёжларни имкон қадар тўлароқ ўрганиш, қондириш муҳим аҳамиятга моликдир. Сир эмаски, баъзи ҳолларда миллий манфаатлар ғоявий-сиёсий мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилиши мумкин, яъни айрим пайтлари миллатчилик, буюк давлатчилик, экстремистик, миллий худбинлик кўринишларида ҳам намоён бўлиши эҳтимол. Бундай кўринишлар — маҳдуд миллий манфаатлар, миллатлараро муносабатларни кескинлаштиришга хизмат қилади холос, бунинг устига, шубҳаю ишончсизликни кучайтиради. Муайян миллатнинг кўпчилиги ва айни чоғда кўп миллатли совет халқи манфаатини тўла-тўқис акс эттирган орзу-ниятларни, соғлом миллий манфаатларни доимий равишда топиб, ўрганиб, уларни қондириш йўлларини изламоқ лозим. Ленин «бир томонлама қатнов» характеридаги, қайта қуриш ва жадаллаштириш сиёсатига, Совет кишиларининг бирлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмайдиган ўта «шахсий» тор миллий манфаатлар атрофида ўралашиб қолиш ҳам тўғри эмас.

Миллий манфаатларни қарама-қарши қўйиш, муайян ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммоларни мамлакатимиздаги қайсидир миллат ва халқларнинг манфаатларига хилоф равишда ҳал этишга интилиш, миллий манфаатлар баҳонасида миллий худбинликни, текинхўрликни олқишлаш — миллатлараро муносабатлар тараққиётига салбий

¹ В. И. Ленин, ТАТ, 45 том, 240-бет.

² «Правда» газетаси, 1988 йил 20 июль сонн.

таъсир ўтказади. Бир миллатнинг манфаатлари бошқа миллат ва элатларнинг манфаатларидан, талаб ва эҳтиёжларидан ажратилмаган ҳолда, Бутуниттифоқ миқёсидаги долзарб манфаатларни диққат марказидан қочирмаган ҳолда ўрганилиши зарур. Мамлакатимиз шароитида барча халқлар ва элатларнинг тараққиётини таъминлайдиган муҳим шартлардан бири — совет кишиларининг умуммиллий манфаатларидир. Улар регионал, республика манфаатлари кўринишида ҳам кун тартибига қўйилиши мумкин. Иттифоқдош республикалар манфаатини ўрганиш, қондириш натижасида ҳам умуммиллий муаммолар ҳал этилади, бутун мамлакатимиз тараққиётига имкон яратилади. Республикалар манфаати у ерда яшаётган барча миллат вакилларининг — мамлакатимизнинг ажралмас қисми бўлмиш халқларнинг манфаатини акс эттиради. Айни чоғда бошқа бир нарсани ҳам эътибордан соқит қилмаслик лозим. Ҳатто республикалар, регионлар манфаати назарда тутилаётган пайтларда баъзан шундай ҳоллар бўладики, улар мамлакатимизнинг умуммиллий манфаатларига мос тушмайди, балки маҳаллийчилик, текинхўрлик кўринишларини акс эттиради, холос. Кўпинча миллий манфаатлар доирасига сиғмайдики маҳаллийчилик, аслини олганда, умуммиллий масалаларни ҳам ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатмайди. Ҳақиқий интернационализм фақат миллий, регионал, республика манфаатларини теран англашдангина иборат эмас, балки умуммиллий, жадаллаштириш ва қайта қуриш вазифаларини адо этиш йўлида мамлакатимиздаги барча регионларнинг имкониятларидан тўла-тўқис фойдаланишни тақозо этади.

Миллий манфаатларни назар-писанд қилмаслик, чеклаш хунук ижтимоий-сиёсий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунга 1988 йилнинг баҳор ва ёз фаслида Тоғли Қорабоғ автоном областида рўй берган кўнгилсиз воқеалар ёрқин мисол бўлади. Бу воқеалар миллий масалаларни оқилона ҳал этиш лозимлигини яна бир марта тасдиқлади, миллатчилик ва буюк давлатчилик кайфиятларини кўзғатилишига асло йўл қўйиб бўлмастлигини кўрсатди.

Урта Осиё республикаларида ҳамда Қозоғистонда миллий манфаатларни ўрганиш ва уларни қондириш борасида бир қатор муаммолар тўпланиб қолди. Бу муаммолар назар-писанд қилинмаса, миллатлараро муносабатлар тағин мураккаблашиб кетиши мумкин.

Миллий манфаатлар ва уларни қондириш бизнинг мамлакатимизда мавжуд бўлган миллий-давлат чегаралари доирасида чекланиб қолмаслиги керак. Ватанимизнинг турли районларида яшайдиган совет кишилари миллатларидан қатъий назар ҳамма жойда ва ҳамма вақт ўзларнинг ранг-баранг миллий эҳтиёжларини қондира олишлари даркор. Бу ҳол территориял автономияга эга бўлмаган халқларга ҳам тегишлидир, уларнинг миллий манфаатлари одилона ҳимоя қилиниши зарур. СССР — ҳар бир совет киши учун туғилган уйдаи азиз ягона Ватандир.

Турғунлик даврида йўл қўйилган хатолар, камчиликлар баъзи бир кишиларда фақат алоҳида мустақил миллий давлат бўлган тақдирдагина миллий манфаатлар қондирилади, деган фикр туғдирди. Ҳозирги кунларда иттифоқдош республикалар аҳолисининг миллий састави тобора ўсиб бормоқда, бу эса иқтисодий, ижтимоий, маънавий тараққиётга ижобий таъсир этмоқда. Аслида, Ватанимиздаги ҳар бир иттифоқдош республика автоном республика кўп миллатли давлатимизнинг ажралмас бўлагидир; бунда туб жой аҳолининг манфаатларигина эмас, у ерда истиқомат қиладиган барча совет кишиларнинг манфаатлари ҳам ҳимоя қилиниши керак.

Демак, қардош республикаларда яшаётган миллат ва элатларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳар томонлама ўрганиш, уларни қондириш йўлларини излаш ҳамда мамлакатимизнинг умумий манфаатига мувофиқлаштириш ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Бироқ муайян республикадаги миллат ва элатларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга зўр бериб, миллий маҳдудликка, худбин манфаатларга асир бўлиб қолиш ҳам ярамайди. Чунки бу ҳол муайян республиканинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий равнақига ҳисса қўшмайди, аксинча салбий миллий туйғуларнинг кучайишига олиб келади. Миллий манфаатларнинг моҳиятини белгилаш, ҳимоя қилиш чоғида йўл қўйилган хошма-шошарлик, ўйламасдан ташланган ҳар бир қадам оғир оқибатларга олиб боради. Шозир адабиётларни, журналду газеталарни миллий тилда чоп этиш ҳақида, телекурсувларни ва радио эшиттиришларни миллий тилда олиб бориш тўғрисида кўпгина талаблар баён этилмоқда. Миллий манфаатларни ҳурмат қилган ҳолда бир нарсани айтиш мумкинки, иттифоқдош республикаларда яшаётган барча миллат ва элатлар учун махсус мактаблар очишга, китоблар, газета-журналлар чоп этишга ва бошқа кўплаб вазифаларни бажаришга имкон йўқ. Назаримда, миллий ва умуммиллий турмушимизнинг барча жабҳаларини, иқтисодий ва маънавий ҳаётимизни диалектик равишда чуқур анализ қилиш, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўрсатиб бериш вақти келди. Шунинг учун миллий манфаатлар, талаб ва эҳтиёжлар бу мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий, маънавий тараққиётга нечоғлик самарали таъсир этиши ҳисобга олинган ҳолда, жамятиимизнинг объектив истеъмол қуввати, ишлаб чиқариш имкониятлари нуқтаи назаридан ёндошилмоғи даркор.

Ҳақиқий миллий манфаатлар — бу муайян миллат вакилларининг кўпчилиги қўллаб-қувватлаётган талаб ва эҳтиёжлар йиғиндиси. Лекин у бошқа халқларнинг, бутун мамлакатнинг манфаатларига зид бўлмастлиги керак. Манфаат моҳиятини белгилайди-

*Камчиликнинг ҳақиқий-ҳудудий қадаму келаси?
Ҳудуднинг талабларини баъзибни ҳам ҳурмат
қилиши керак эмасми?*

Ҳақиқатдан абвал келгилек кўрн диллари, кейин у
кўнмилеклик барқарорлиги ўн "Дар суғам" фароғатлар узакдаги
урсаи илмий-тарбиявий келгилек?
ган бошқа мезон йўқ ва булиши ҳам мумкин эмас. Асл миллий манфаатларни бир тутам экстремистлар, радди мардумлар, миллатчилик, буюк давлатчилик дардига мубтало бўлган кимсалар эмас, балки меҳнаткашлар оммаси ифода этиши мумкин. Мамлакат ёки республика доирасида миллий ва умуммиллий манфаатлар ўзаро боғлиқ ҳолда, ажралмас кўринишларда намоён бўлади. Уларни якка-ёлғиз, алоҳида ҳолда тақдим этиш асло мумкин эмас.

Мамлакатимизда соғлом миллий манфаатларни ўрганиш ва қондириш соҳасида муайян ижобий тажриба тўпланган. Бугунги конкрет вазифаларни ҳал этиш учун бу тажрибаларни чуқур ўрганмоқ ва ҳаётга тадбиқ этмоқ лозим.

Бундай долзарб масалалар кўпмиллатли Ўзбекистонда ҳам мавжуд. Агар 30-йилларда Ўзбекистонда олтмишга яқин миллат ва элат вакиллари яшаган бўлса, ҳозир уларнинг сони юздан ортиқдир. 1979 йили ўтказилган аҳоли рўйхатиغا биноан республика-миз халқининг 68,7 фоизини ўзбеклар, 10,8 фоизини руслар, 4,2 фоизини татарлар, 4,0 фоизини қozoқлар, 3,9 фоизини тожиклар, 1,9 фоизини қорақалпоқлар, 1,1 фоизини корейслар, 0,9 фоизини қирғизлар, 0,7 фоизини украинлар, 0,6 фоизини яҳудийлар, 0,6 фоизини туркманлар, 2,6 фоизини эса яна бошқа миллат вакиллари ташкил этадилар.

Бутун мамлакатимиз, республика-миз манфаати — ўзбек халқи манфаатининг ажралмас қисмидир. Республика меҳнаткашлари манфаатининг шундай томонлари борки, уларни ҳал этиш, қондириш мамлакатимиз, республика-миз имкониятларига боғлиқ. Бу манфаатлик ҳозир асосан республика экономикаси ва маданиятини кўтаришдан, турғунлик даври асоратларини енгиб ўтишдан, ижтимоий жабҳада ва иқтисодий тараққиёт ва моддий фаровонлик соҳасида. Иттифоқимизнинг ўртача даражасига етишдан, ишчи кучлари ва аҳоли сонининг ортишига реалистик ёндошишдан, миллий маданиятни, тилни, прогрессив анъаналарни, урф-одатларни, миллат табиатига хос ижобий сифат, халқ психологиясини ривожлантиришдан ҳамда ўтмишда рўй берган салбий ҳодисаларга бир томонлама баҳо бериш касалидан қутулишдан, мамлакатимиз экономикасига, маданиятига республика меҳнаткашлари қўшаётган улушни ҳаққоний баҳолашдан иборат. Юқорида қайд этилган вазифалар билан чамбарчас боғланган масъул манфаатдорлик бир вақтнинг ўзида ҳам миллийдир, ҳам умуммиллий аҳамиятга моликдир. Жадаллаштириш ва қайта қуриш учун бу талаб-эҳтиёжларни идрок этишнинг ўзигина кифоя қилмайди, балки айни пайтда уларни ҳал этиш — қониқарли ҳал этиш йўлларини топиш лозим. Ўзбек халқининг 80 фоиздан ортиқ қисми қишлоқларда яшаётгани тўғрисида қишлоқни иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш, қишлоқ меҳнаткашлари турмуш даражасини юксалтириш, деҳқончиликда пахтанинг «якка ҳокимиятчилиги»га барҳам бериш ва озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш йўлларини қидириб топиш, алмашлаб экишни тўлатуқис ҳаётга тадбиқ этишга эришиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни кучайтириш ва бошқа долзарб вазифалар ўзбек халқи миллий манфаатларининг ажралмас қисмини ташкил этади.

Бу соҳада ҳам эътибор бериш керак бўлган муҳим муаммолар борки, уларни асло диққат марказидан қочириб бўлмайди. Ўзбек халқининг жамиятимиз тараққиётига қўшган ва қўшаётган ҳиссаси, миллий маънавий бойликларни, маъданий меросини баҳолашга одилана ёндошиш ҳам миллий манфаатларнинг таркибий қисмидир. Турғунлик йилларида ўзбек тилида чоп этилаётган илмий адабиётларнинг сони камайиб кетди. Тошкентдек шаҳри азимда ўзбек тилида ёзилган эълонлар ва транспарантлар яқиндагина пайдо бўла бошлади. Шаҳар кутубхоналарида ўзбек тилидаги илмий ва бадиий адабиётларнинг сони камайиб кетди. Л. Н. Толстой номли кутубхонада ўзбек тилидаги китоблар фақат 10 фоизни ташкил этади ҳолос. «Средазкабель» бирлашмаси кутубхонасидаги 40 мингдан ортиқ адабиётлар орасида бирор донга ҳам ўзбекча китоб йўқ. Бундай аҳвол кишиларнинг миллий ҳис-туйғуларига таъсир этмаслиги мумкин эмас.

Ўзбекистонда яшаётган рус, украин миллатига мансуб аҳолининг ўзига хос талаб ва эҳтиёжлари мавжудки, уларни ўрганиш, қондириш ҳам катта аҳамиятга молик. Ҳозир улар туб жой аҳоли тилини ўрганишлари учун барча имкониятларни яратиб бериш ҳамда республикада рус, украин, белорус халқлари адабиётидан, тилидан, маданиятидан баҳраманд бўлишлари учун янада қулайроқ шароитлар туғдириш; рус тилида олиб бориладиган телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар миқдорини кўпайтириш лозим. Назаримда, кейинги пайтларда Ўзбекистонда рус тилидаги телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар сезиларли даражада камайганга ўхшайди. Эҳтимол, бу ҳолни республика телевидениеси ҳамда радиоси орқали марказий телевидение, Бутуниттифоқ радио программалари мунтазам равишда эфирга тарқатилаётгани билан изоҳлаш мумкиндир. Лекин бундай аҳволни қониқарли деб бўлмаса керак. Чунки Ўзбекистонда яшаётган руслар, украинлар, белоруслар шубҳасиз республика экономикасида, ижтимоий ва маънавий ҳаётида рўй бераётган янгилıklar билан қизиқадилар. Бундан ташқари, рус тилидаги эшиттиришларни нафақат Ўзбекистонда, балки Урта Осиё республикаларида яшаётган қардош халқлар ҳам бемалол тинглаши, тушуниши мумкин. Ҳалигача республика-мизда кўп асрлик рус халқи маданиятини пропаганда қиладиган этнографик ансамбллар ташкил этилмаган. Рус тилини ўрганиш масаласи ҳам, айниқса Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида кунгилдагидек йўлга қўйилмади.

Миллий маданиятлар, урф-одатлар, анъаналар ҳар томонлама ривожлантирилиши, бир-бирини бойитиши зарур. Рус, украин халқлари турмуш тарзида, анъаналарида, табиатида психологиясида учрайдиган бир қанча прогрессив хусусиятлар ўзбек ва бошқа халқларнинг маънавий олами аажиб қисмига айланиб кетди. Ўзбекларнинг баъзи бир ижобий миллий характери, маънавий бойлигини руслар ҳам, украинлар ҳам қабул қилишди. Шунинг учун Ўзбекистонда кўпдан буён яшаётган руслар, украинлар ўз характерлари ва бошқа ахлоқий-руҳий хусусиятларига кўра Уралда, Сибирда, Узоқ Шарқда, Украинада истиқомат қилаётган ўз қавмларидан ажралиб турадилар.

Республикамизда 50 йилдан бери корейслар яшаб, меҳнат қилишмоқда: улар ниҳоятда меҳнатқаш, республика экономикаси ва маданияти ривожланишига муносиб улуш қўшмоқдалар. Корейсларнинг куч-ғайрати туфайли анчагина кўриқ ерлар ўзлаштирилди, шоликорлик ривожланди. Лекин бу халқнинг тарихини, маданиятини ўрганиш, тилини, анъаналарини, урф-одатларини сақлаб қолиш борасидаги ишларни қониқарли деб бўлмайди. Ҳозиргача республикамизда корейс театри йўқ, жойлардаги бадий ҳаваскорларнинг даражаси ҳам кишини қувонтирмайди. Корейс адабиётини ўрганиш ва оммалаштиришга алоҳида эътибор берадиган пайт келди, корейс тилини ривожлантириш бўйича жиддий тадбирлар белгиланиши зарур. Корейс ёшларининг маълум қисми ўз она тилини унитиб қўйганлигини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Ошкоралик ва демократия шароитида барча халқларнинг, ҳатто, сон жиҳатдан камчиликни ташкил этадиган халқларнинг ҳам тили, маданияти кенг кўламада ривожланиши шарт. Агар бирорта тил ер юзидан йўқолиб кетса ёки ривожланишдан тўхтаса, тарих, келажак бизни ҳеч қачон кечирмайди.

Ўзбекистоннинг кўпгина областларида қозоқлар, қирғизлар истиқомат қилишади: улар колхоз-совхозларда, завод-фабрикаларда ишлайдилар, бир қисми чорвачилик соҳасида бетимсол мутахассис ҳисобланадилар, зиёлилари ҳам анчагина. Бизнес тилларимиз, анъаналаримиз бир чашмадан сув ичади, эндиликда азалий дўстлигимизнинг мисли кўрилмаган олмос қирралари намоён бўлмоқда. Аммо бу борада ҳам ечимини кутаётган муаммолар анчагина. Жумладан, қозоқ тилида, имкони бор жойларда эса қирғиз тилида машғул олиб борадиган мактаблар сонини кўпайтириш керак; бадий адабиётлари таржимасини янада жонлантириш зарур, тарихи ва маданиятидаги унутилмас саналарга бағишланган тантанали кечалар уюштириш лозим. Республикадаги бир қанча олий ва ўрта махсус таълими билим юртларида қозоқ тилида ўқитиладиган группалар ташкил этиш вазифаси долзарб бўлиб турибди. Агар республикамизда яшаётган қозоқлар 800000 кишидан зиёд эканини ҳисобга оладиган бўлсак, қозоқ тилида чиқадиган республика газетаси ташкил этиш ҳақида ўйлаб кўришга тўғри келади.

Қорақалпоқ халқининг маданиятини, адабиётини, бутун ижодий потенциалини ривожлантириш соҳасида ҳам талайгина долзарб вазифалар турибди. Албатта, кейинги йилларда бу борада кўплаб ишлар қилинди. Лекин булар доимий равишда ўсиб бораётган халқнинг талб ва эҳтиёжларини тўла-тўқис қондиrolмайди. Халқнинг бадий маданиятини янги, юксак даражага кўтариш пайти келди, қорақалпоқ тилида китоб чоп этадиган бадий, илмий, илмий-оммабоп нашриётлар базасини янада мустаҳкамлаш, юқори малакали ишчи кадрлар тайёрлашни яхшилаш, халқ ҳўжалигининг турли соҳаларини етуқ мутахассислар билан таъминлаш лозим. Автоном республикадаги мураккаб экологик вазиятни оқилона ҳал этиш чораларини белгилаш керак; халқнинг ижтимоий аҳволини юксалтириш учун янги санат корхоналари бунёд этиш талаб қилинади, мактаблар, шифохоналар қуриш, қишлоқнинг турмуш маданиятини тубдан яхшилаш зарур. Қорақалпоғистон АССРнинг экономикаси, маданияти республикамизнинг, бутун мамлакатимизнинг тарақиётидан орқада қолмаслиги лозим. Бу масалада ҳали жуда кўп ҳал этилмаган жумбоқлар бор.

Маълумки, ўзбеклар билан тожиклар азал-азалдан бир тану бир жон бўлиб яшаб келишади. Бу халқлар қадимги замонларда ва ўрта асрларда яратилган ноёб маданият обидаларининг меросхўрларидир. Агар уларнинг тилларидаги фарқни бир четга қўйиб турсак, феъл-атвори ҳам, маданияти, анъаналари, турмуш тарзи, маиший ҳаёти, ишлаб чиқариш фаолияти ҳам деярли бир хилдир. Шунинг учун ҳам ўтмишда ўзбек билан тожикнинг йиғласа — қайғуси бир, куйласа — чолғуси бир, дейишган. Ҳатто ўзбеклар билан тожикларнинг келиб чиқишию эволюцияси, жисмоний тузилишлари ҳам бир-бирига ўхшаш. Бу халқлар ўртасида минг йиллар мобайнида узлуксиз равишда қон-қардошлик давом этган — бир-бирига қиз олиб, қиз беришган. Мен тарихда маданияти, урф-одатлари, маросимлари, турмуш тарзи ўзбеклар билан тожиклардай яқин бўлган бошқа биронта халқни билмайман. Бу халқлар — битта улуғвор дарахтнинг қўшалок шохидир, битта палакнинг меваларидир, ҳар хил шевада гаплашадиган ягона бир халқдир, десак хато бўлмайди. Айнан шунинг учун ҳам баъзи бир жаҳолат ботқоғига ботган, ғоявий жиҳатдан ғўр кимсаларнинг бу икки халқ тарихини, маданиятини бир-бирига қарши қўйишга уринишлари, орага миллий калондимоғлик, айирмачилик уруғини сочаётгани кишини ажаблантиради.

Ўзбекларнинг Ўрта Осиё маданиятига алоқадорлиги масаласида илмий жиҳатдан асосланмаган баъзи бир куракда турмайдиган мулоҳазалар аввал ҳам айтилган эди,

ҳозир ҳам айтиляпти. Бу масаланинг асл моҳиятини англашни истаган киши миллий худбинлик асоратидан халос бўлмоғи, тарихий ҳақиқатни сохталаштирмаслиги, қайсидир бир халқнинг «ҳоқиму мутлақ»лиги тўғрисидаги бўлмағур ғояни илгари сурмаслиги лозим. Ҳеч шубҳа йўқки, тожиклар Урта Осиёда яшаётган энг қадимий халқлардан бири ҳисобланади. Айни чоғда ўзбекларнинг асосий қисми Урта Осиёда минг йиллар мобайнида яшаган, деҳқончилик, ҳунармандчилик билан шуғулланган этник қатламлардан ташкил топган. Ўзбеклар билан тожикларнинг бобокалонлари сўғд, бақтрия, хоразмияр тилларида сўйлашганлар; бу тиллар кейинчалик ер юзидан йўқолиб кетди — ўлик тилларга айланди. Уша тилларнинг харобалари устида Урта Осиёга жанубий-шарқдан форсийда сўзлашадиган, шимолий-шарқдан эса туркийда сўзлашадиган халқларнинг узлуксиз оқиб келиши натижасида бу ерларда форсий ва туркийда сўзлашадиган аҳоли ташкил топади. Туркий халқ ҳукмрон бўлган ўлкаларда туб жой аҳолиси уларнинг тилини қабул қилишга мажбур бўлган, форсий халқлар ҳукмрон бўлган ўлкаларда эса эроний тилда сўзлашадиган сўғдийлар билан бақтрияликлар форсийлар тилини қабул қиладилар — улар кейинчалик тожиклар деб аталади. Бундан ташқари, масаланинг бошқа томонлари ҳам бор; халқларнинг келиб чиқиш тарихи билан халқларнинг номланиш тарихини аралаштириш мутлақо ярамайди. Айтайлик, ўзбекларнинг ота-боболари Урта Осиёда минг йиллардан буён яшаётган бўлсалар-да, «ўзбек» деган этник номнинг шаклланиши Шайбониҳон бошчилигидаги кўчманчилар XVI асрда Урта Осиёни босиб олиши билан боғлиқдир. Уша пайтларда Урта Осиёда кўчманчи ўзбекларнинг давлати барпо этилади. Кейинроқ бориб ўзбек деган этник атама туркий тилда сўзлашадиган маҳаллий ўтроқ аҳолига ҳам тарқалди. Демак, ўзбек халқи Урта Осиёда «ўзбеклар» деган ном пайдо бўлганидан анча илгари шаклланган. Шунинг учун ҳазрат Навоий, Мирзо Бобур сингари улўф ўзбек шоирлари ўзларини «ўзбек» деб аташмаган, бироқ ўз халқининг маданияти, адабиёти, адабий тили тараққиётига мисли кўрилмаган даражада улкан ҳисса қўшганлар. Урта Осиёга «ўзбек» деган номни олиб келган кўчманчи қабилалар ўзларининг келиб чиқиши жиҳатидан, маданияти, турмуш тарзи ҳамда ишлаб чиқариш фаолияти билан ўтроқ ўзбеклардан кескин фарқ қилардилар; улар маданиятнинг даражаси бўйича анча қолоқ эдилар, шунинг учун узоқ пайтгача ўзбек халқи орасида этник гуруҳ бўлиб қолди.

Агар этник тарихни этник номлар билан боғлайдиган бўлсак, Урта Осиёнинг энг қадимий халқларидан бўлмиш қозоқларнинг этник тарихини ажрим қилиш ниҳоятда мушкул бўлиб қолади. Инқилобгача «қозоқ», деган ном камдан-кам ҳоллардагина ишлатиларди, ҳолос. Вахоланки, тилдош, маданияти, турмуш тарзи бир хил уруғлар, қабилалар қадимдан яктан бўлиб яшаганлар. Ҳатто 30-йилларда ҳам кўпинча қозоқларни «қирғизлар» қирғизларни эса «қора қирғизлар» деб аташарди. 20-30-йиллардаги архив ҳужжатларида ҳам шундай қайдларни учратиш мумкин. Тарихда турли-туман халқларнинг этник номлари бир неча марта ўзгарган, бироқ уларнинг асл моҳияти, ўзига хослиги ҳеч қачон ўзгармаган. Тарихий тараққиёт жараёнида украин халқининг номи ўзгаргани бунга ёрқин мисол бўла олади.

Битта заминда яшаган ўзбеклар билан тожиклар азал-азалдан зуллисонайн эди: ўзбеклар тожик тилини, тожиклар эса ўзбек тилини пухта билишарди. Бизнинг кўплаб шоирларимиз, ёзувчиларимиз, олимларимиз нафақат ўтмишда, балки яқин-яқинларда ҳам икки тилда ижод қилишарди. Афсуски, бу анъана кейинги йилларда хийла бўшашиб кетди. Энди қайси бир буюк зотни қай бир миллат вакили эканлиги масаласига келсак, бу ўринда фактларни сохталаштирилган шаклда талқин этиб бўлмайди. Шубҳасиз, 20-30-йиллари республикамиз аҳолисини қайси миллатга тегишли эканини белгилаш чоғида баъзи бир хатоларга йўл қўйилган, бу масала ўзбошимчилик билан ҳал этилган. Бундай асоссиз ишлар Ўзбекистонда, Туркменистонда, Қозоғистонда, Тожикистонда, Гуржистонда ва бошқа республикаларда амалга оширилган. Булар 60 йил муқаддам бўлган эди. Кимнинг қайси миллат вакили экани — ҳар кимнинг ўз ихтиёрига қараб аниқланиши керак. Агар кимда-ким вазият тақозосига кўра ёки мансабпарастлик мақсадида ўз миллатини ўзгартириб кўрсатган бўлса, бунга фақат унинг ўзи айбдор. Шунинг учун бундай ҳолларни қандайдир ижтимоий, миллий сиёсатнинг натижаси деб баҳолаш унчалик тўғри бўлмайди ва асоссиз равишда шов-шув кўтариш ҳам ярамайди.

Ҳар ким ўзи хоҳлаган тилда ўқиши керак. Бу масалага ўзбошимчилик билан, маҳаллийчилик кайфиятида ёндошилса бизнинг умумий ишимизга зарар етказилади. Маҳаллий худбинлик, миллий маҳдудлик ва калондимоғлик билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди, бу ишда жамиятимиз, республика меҳнаткашлари фойда кўрадиган жиҳатлар кўпроқ эътиборга олинishi лозим. Ўзбекистонда тожик тилида дарс ўтиладиган мактабларда 120000 атрофида ўқувчи билим олмақда. Юқори ташкилотларга келаётган хатларда, улар мактабларни битирганларидан сўнг ўзбек ва рус тилларида ўқув машғулотлари олиб борилаётган олий ўқув даргоҳларига, техникумларга кириб ўқишни давом эттириш имкониятига эга эмасликларини кўрсатмоқдалар. Бунинг учун албатта зарурий базага — ўқитувчиларга, дарсликларга, методик қўлланмаларга эга бўлмоқ лозим. Бундай муаммо Тожикистонда, Қозоғистонда, Туркменистонда, Қирғизистонда ўзбек мактабларини битирган ёшлар олдидан ҳам кўндаланг бўлиб турибди. Равшанки,

бу масалани жиддий ўйлаб кўриш керак ва уни бутун мамлакат миқёсида ҳал этмоқ даркор. Тожикистон мактабларида 293 минг ўқувчи ўзбек тилида таълим олаяпти. «Ўқитувчи» наشريёти ўқувчиларнинг бу контингентини ҳисобга олган ҳолда дарсликлар нашр этишга киришди. Қардош республика мактаблари бююртмаси билан у ерга 96 номдаги 1 миллион 391 минг китоб юборилди. Булар орасида она тили ва адабиёти, химия, физика, математика ва бошқа дарсликлар бор. Умуман 1988 йилда Ўзбекистондан ташқарида ўзбек тилида ўқийдиган ўқувчиларнинг эҳтиёжи учун 2 миллион 311 минг дарслик, ўқув қўлланмалари юборилди. Республикамиздаги ўқув машғулоти тожик тилида олиб бориладиган мактаблар учун Тожикистондан 62 номдаги 477 минг китоб олинди. Бу Ўзбекистон мактаблари ўтган йилларда қардош республикадан олган дарсликлар, ўқув қўлланмаларидан бир неча марта кўпдир.

Ўзбекистонда сўнги йилларда тожик мактаблари миқдори кўпайди. Бу йил Самарқандда янги 8 та тожик мактаби очилади. Шаҳардаги тожик мактабларининг умумий миқдори 20 тага етди. Олий, ўрта махсус ўқув юрларида, ҳунар-техника билим юрларида ўқув машғулоти тожик, қозоқ тилларида олиб бориладиган группалар, факультетлар кенгайди. 1988 йилда Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги олий ўқув юрларида тожик ёшлари 18 ихтисос бўйича кириш имтиҳонларини ўз она тилларида топширдилар.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида педагог кадрларни айрибошлаш кучаймоқда. Самарқанд, Тошкент олий ўқув юрларини битирган кўплаб мутахассислар Тожикистон мактабларида, ўрта махсус билим юрларида ишлашаёпти. Ўз навбатида Душанбе олий ўқув юрларини, Ленинобод Давлат педагогика институтини тамомлаган талайгина кишилар Ўзбекистонда меҳнат қилмоқдалар.

Миллий масалада суғий, ўйлаб топилган муаммоларни ҳадеб рўқач қилавериш ҳам ярамайди, бундай пайтларда миллатлараро муносабатлар янада кескинлашади, холос. Кун тартибидаги муаммолар ҳозир ҳам, келажакда ҳам оқилона ҳал этилмоғи шарт.

Зиёлиларни, ёшларни интернационализм, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида масъулият билан ёндошмоқ керак. Зиёлилар миллатнинг ўз-ўзини англашининг аҳамиятини, миллий кадр-қимматни, миллий ғурурни ҳамдадан олдин идрок эта бошлайди. Зиёлиларнинг миллий ўз-ўзини англаш даражаси, хусусияти халқ оммасининг ғоявий-сиёсий етуклигига бевосита таъсир қилади.

Илм-фан соҳасида, ижодкорлар орасида баъзан шундай зиёлилар ҳам учрайдики, улар миллий манфаатларни ҳимоя қилиш баҳонасида миллий манманликни, миллий худбинликни тарғиб қиладилар, ўтмишни, маданиятни, айниқса ўз миллатиникини идеаллаштиришдан, замонага мослашдан ҳам қайтмайдилар. Улар миллий ватанпарварлик байроғи остига яшириниб, ёшларга салбий таъсир кўрсатишади, кишиларни миллатчилик, буюк давлатчилик дардларига мубтало этишади. Агар бу миллатлараро муносабатлар соҳасида рўй берган кўплаб салбий ҳодисаларнинг ташаббускорлари зиёлиларнинг айрим айрим вакиллари, раҳбар ходимлар эдилар, десам ўйлайманки, унчалик катта хатога йўл қўймайман. Ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ўзларининг ички олами, турмуш тарзи, ишлаб чиқариш фаолиятига кўра изчил интернационалистлардир. Уларни ҳаёт, меҳнат, ижтимоий манфаатларнинг бирлиги, ўйлари, орзу-ниятлари шунга ўргатади. Ўзбекистон қишлоқларида ўзбеклар билан бир қаторда тожиклар, қозоқлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайдилар. Улар бақамти меҳнат қиладилар, тўйларини ҳам бошқа расм-русмлари, маросимларини биргаликда нишонлайдилар, бир-бирларининг қувонч ва ғамларига шерик бўладилар. Ўрталарида олижаноб, самимий муносабатлар ҳамиша барқарор, бир-бирлари билан ака-ука, эгачи-сингил тутинадилар, қуда-қудагай бўладилар. Минг йиллар мобайнида шундай бўлиб келган. Инсоний муносабатлар миллат танламайди, бундай муносабатлар айниқса совет воқелиги шарофати билан мисли кўрилмаган даражада ривожланиб кетди. Мамлакатимизнинг оддий меҳнаткашларига миллий манманлик мутлақо ётдир, улар ўтмишни идеаллаштиришга ҳам, бирор миллатни кўкларга кўтаришга ҳам, одамларни миллати ёки диний эътиқодига кўра қарама-қарши қўйилишига ҳам ҳеч қандай эҳтиёж сезмайдилар. Уларнинг асосий шиори — ҳалол яшаш ва меҳнат қилишдан иборатдир, атрофидигилар билан рисоладагидек инсоний муносабат ўрнатишдир. Оддий инсонлар онгини миллий маҳдудлик, миллий худбинлик каби салбий тушунчалар билан заҳарлашни, уларни беҳуда безовта қилишни асло оқлаб бўлмайди.

Халқ зиёлиларининг юксак сиёсий ва ғоявий-назарий етуклиги, унинг интернационализм, ватанпарварлик идеалларига содиқлиги — кўп миллатли мамлакатимизнинг кенг меҳнаткашлари орасидаги ғоявий-тарбиявий ишларнинг муваффақиятини таъминловчи муҳим омилдир.

Ўзбекистонда кўплаб татарлар, бошқирлар яшайдилар: уларнинг ўзига хос маънавий эҳтиёжларини ўрганиш ва қондириш зарур. Бу соҳада республикамизда талайгина ишлар қилинаёпти. Жумладан, Қозон, Уфа шаҳри театрларининг, артистларининг гастроллари, ҳар хил ансамблларнинг чиқишлари уюштириляпти, бадий ҳаваскорлик тўғрақлари ривожлантириляпти. Эндиликда татар ва бошқирд тилларида яратилган адабиётлар савдосини ташкил этиш, бу халқларнинг тарихини, маданиятини, республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига қўшаётган ҳиссасини ўрганиш лозим; ривожланаёт-

ган миллий маданиятни пропаганда қиладиган ҳаваскорлик ансамбллари ташкил этилса нур устига нур бўларди.

Қрим татарлар масаласи ҳамон ниҳоятда кескин бўлиб турибди. Шубҳасизки, қрим татарларнинг кўпчилиги асосан равишда репрессия қилинган эди. Истеъдодли, меҳнатқаш халқнинг уруш йилларидаги ва урушдан кейинги йиллардаги фожиясини мен ўз кўзим билан кўрганман. Қрим татарлар Ўзбекистонда ўзларининг иккинчи Ватанини топдилар, туб жой меҳнатқашлари уларга қўлларидан келган ғамхўрликни қилдилар. Айни чоғда бу халқ вакиллари ҳам республикамиз экономикаси, маданияти ва илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар. Шунга қарамай қрим татарлар масаласини ҳал этишда шошма-шошарликка, калтабинликка йўл қўйиб бўлмайди. Миллий адолатсизликнинг бир кўринишига қарши курашаман деб бошқа шаклдаги адолатсизлик томон тойиб кетиш ярамайди. Ахир, Қримга кўчириб олиб борилган совет кишилари у ерда ярим асрдан буён яшамоқдалар. Қримда туғилган гўдак ҳозир салкам пенсия ёшига етиб қолди; у ўша ерда фарзанд кўрди, неварачеварали бўлди, энди у Қримни ўз ватани деб ҳисоблашга ҳақлидир. Бундай шароитда қрим татарларни босқичма-босқич — янги иш жойлари бўшатилишига ҳамда янги ерлар ўзлаштирилишига қараб кўчириш лозим бўлади. Ҳозир баъзан кўнгилсиз воқеалар ҳам учраб турибди: айрим қрим татар оилалари экстремистлар таъсирига берилиб, зудлик билан уй-жойини, мол-мулкни сотяпти-да, Қримга кўчиб кетяпти, лекин у ерда зарурий шарт-шароитлар йўқлиги туфайли яна изларига қайтиб келиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Қрим татарларни бир йўла кўчириб бориш янги қийинчиликларни вужудга келтиради, миллатлараро муносабатларни кескинлаштириб юборади, СССР халқлари дўстлигига путур етказилади.

Қрим татарларнинг миллий маданияти, тили ва адабиёти ривожланиши учун барча имкониятлар яратиб берилиши зарур. Бу халқни кўчириш аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилаётгани туфайли ҳам ушбу вазифаларни пайсалга солиб бўлмайди. Буларнинг барчасини республикамизнинг илмий имкониятларидан фойдаланиб ҳал этиш мумкин. Қрим татар тилида таълим берадиган мактаблар очилса, кадрлар тайёрланса, илмий, ўқув-методик адабиётлар нашр этилса мақсадга мувофиқ бўларди. Миллий маданият ва адабиётга доир масалаларни ўрганиш, тараққиёт йўлларини белгилаш борасида узилиш бўлмастгиси лозим. Айрим қрим татар ёзувчилари ва шоирларнинг асарларини СССР халқлари тилларига таржима қилиш тўғрисида жиддий ўйлаб кўрадиган пайт келди. 1989 йилдан бошлаб «Ўқитувчи» нашриётида қрим татар тилида дарсликлар нашр этадиган редакция ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Республикамизда яшаётган туркманлар, арманлар, яҳудийлар, озарбайжонлар, уйғурлар, туркларнинг маънавий эҳтиёжларини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Республикамиз музейлари экспонатларида совет кишиларининг кўп миллатли маданияти ёрқин акс эттирилиши лозим. Жумладан, адабиёт музейида рус, қозоқ, татар, тожик, қрим татар, қорақалпоқ ва республикамизда яшаётган бошқа халқлар адабиётига ҳам муносиб ўрин ажратилиши керак.

Ўзбекистон ССР тарихи ёзилаётган пайтда барча миллат ва элатларнинг республикамиз экономикаси, маданияти ривожланишига қўшган улушлари тўла-тўқис, ҳаққоний тасвирланиши ҳам қарз, ҳам фарздир. Бахтга қарши, бундай қалтис ижтимоий-психологик муаммони кўпинча тарихчи олимларимиз четлаб ўтадилар. Бу фақат тарғибот чора-тадбири эмас, балки шундай қилинса интернационал туйғулар мустаҳкамланади, ривожланади, республикамизда истиқомат қилаётган халқлар ўртасида ишончсизликка барҳам берилади. Катта концерт программалари, бадий ҳаваскорларнинг чиқишлари, радиоэшиттиришлари, телекўрсатувлар ҳам шундай руҳ билан суғорилмоғи шарт. Мен ўзбекча қўшиқ айтаётган корейс йигитни кўрдим: у шу йўл билан халқимизга, маданиятимизга бўлган ҳурматини изҳор қиларди. Ўзбек, рус артистларининг репертуарида корейсча, татарча, қозоқча, туркманча қўшиқлар, рақслар нега жуда кам ёки деярли йўқ ҳисоби. Ахир бу бизнинг норасмий бурчимиз-ку; битта республикада яшаётган, саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда, ўқув юртларида, илмий даргоҳларда ён-ён ишлаётган ўртоғимиз олдидаги қарзимиз-ку! Булар биз ҳалигача миллий туйғуларни, миллий ғурур ва миллий қадр-қимматни нақадар нозик эканини, нақадар муҳим эканини ҳис эта билмаслигимиздан далолат беради. Республикамызда яшаётган барча миллат вакиллари ўзларини доимо туғилган уйда, туғишганлари орасида, қалбини, юрагини тушунадиган инсонлар қуршовида ҳис этишлари учун қўлимиздан келадиган ҳамма ишларни қилишимиз даркор. Шундагина улар ҳам бошқаларни ҳурмат қилишга интилади.

Ҳозир меҳнатқашлар Ўзбекистонда яшаётган миллатлар ва элатларнинг тилларида адабиётлар, газета ва журналлар чоп этиш масаласини кун тартибига қўймоқдалар. Бу жуда муҳим масала, уни эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Лекин айни пайтда фақат ижтимоий омилларинигина эмас, молиявий, иқтисодий муаммоларни ҳам ҳисобга олмоқ лозим. Ҳар қандай нашриёт маҳсулоти ўз-ўзини қоплаши керак, бунинг учун эса маълум миқдорда обуначилар жалб этилиши тақозо этилади. Бундан ташқари, республикамизда истиқомат қилаётган барча халқларнинг тилларида газета-журналлар, илмий ва

бадий адабиётлар босиб чиқаришни таъминлай оладиган полиграфия базасини вужудга келтириб бўлмайди. Шу билан бир қаторда етарли миқдордаги юқори малакали ношир-мутахассисларни топиш ҳам амри маҳол. Ҳозирги кунда Ўзбекистон меҳнаткашларининг ранг-баранг ўқув қўлланмаларига, методик адабиётларга, илмий, бадий асарларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ички имкониятларни сафарбар этиш билан бирга республика китоб савдоси бошқармаси қардош республикалардаги нашриётлар билан ўзаро шартномалар тузишлари зарур. Мактаблар миқдорини, у ёки бу миллат вакиллари умумий сонини ҳисобга олган ҳолда адабиётлар, газета-журналлар чоп этишни шунга қараб планлаштириш ва уларни талаб тушган областлар, районлар, шаҳарлар бўйлаб тақсимлаш керак. Республикамиздаги китоб дўконларида СССР халқлари тилларида нашр этилган адабиётлар билан савдо қиладиган махсус бўлимлар ташкил этилса айти мурддао бўларди.

Республикамиздаги нашриётлар бирор китобни чоп этишдан аввал қардош республикаларда яшайдиган ўзбекларнинг эҳтиёжларини ҳам албатта инобатга олишлари лозим.

Республикамиздаги барча кутубхоналар СССР халқлари тилларида нашр этилган зарурий адабиётлар билан таъминланиши керак. Миллатлараро муносабатлар тўғри йўлдан ривожланиши учун кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, моддий ва маънавий бойликларни тақсимлаш, ёшларни олий ва ўрта махсус билим юртларига қабул қилиш чоғида ижтимоий адолат принципига оғишмай амал қилиш шарт. Маълумки, республикамиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ҳар йили қорақалпоқча, тожикча, қозоқча ўрта мактабда таълим олган ёшлар кириб ўқимоқдалар. Ҳар бир ўқув даргоҳида миллий группалар ташкил этиш ниҳоятда мушкул вазифа. Лекин баъзи бир йирик олий ўқув юртларида абитуриентларнинг умумий миқдорини назарда тутган ҳолда кириш имтиҳонлари пайтида олинadиган ёзма ишларни она тилларида ёзишга имкон яратиб бериш мумкин. Бу масалани ҳал этиш йўлларини ўйлаб кўриш лозим.

Амалиётда мақсадга мувофиқ, оқилона миллий манфаатларни ўрганиш ва уларни аста-секин қондириш, шубҳасиз, СССР халқлари дўстлигининг мустаҳкамланишига ижобий таъсир этади. Бу масалаларнинг барчасини кўп миллатли совет социалистик тузумимиз янада раванқ топишини кўзлаб, интернационализм позициясидан оғишмай; миллий худбинликка, миллий манманликка, буржуа миллатчилигига, буюк давлатчилик ғояларига қарши доимо аёвсиз зарбалар берган ҳолда, эгоистик мақсадли ҳамда экстремистик кайфиятдаги унсурларнинг ёвуз ниятларини фoш этиш орқали ҳал этиш лозим.

Булар қайта қуриш ва жадаллаштириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишнинг, миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштиришнинг, жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида ижтимоий адолат принципларига оғишмай амал қилишнинг муҳим гаровидир.



Равшан Файз

УХЛАЁТГАН ОДАМ

ПОЭМА

Сабаб

Соатнинг фиғони фалакка етди.
Кўзғалдим,
 кўз очдим, кўз олдим туман —
Кўройдин (кўрганим — туш, малак кетди.) —
Қолдим хаёлларим, ўз-ўзим билан.
Тун ярми чирқиллаб турарди соат,
Ухларди ҳазилкаш ҳамхоналарим.
Яна ғолиб келиб танамда тоқат,
Ўйландим, уйқую оромим ярим.
Мени олиб кетди хотира, хаёл,
Сайр этдим ўтмишу келажак кунга.
Аслида менинг ҳам бошқалар мисол
Ухлашим шарт эди бу узун тунда.
Ахир узоқларда имилларди тонг,
Тун сочин тарарди ҳали кўчада.
Мени адо қилди пароканда онг
Ҳамхоналар ухлаб ётган кечада.
Яшадим нима ҳам қиларим билмай,
Тонгнинг отишини кутавердим жим.
Қайта ухлай десам уйқу ҳам келмай
Шу тунни ўтказдим мисли мунажжим.
Кейин такрор айлаб бор сабоқларни
Яна бир тонг отди — уфқлари алвон
Ва биз талабалар дарс, сабоқларни
Қолган жойларидан этказдик давом.
Курсдошлар домлага саволлар берди.
Кун бўйи дарсларни тинглайвердим жим,
Кўзларим киртайиб юмилаверди —
Мен ҳали бу тонгга тайёр эмасдим.

Болаликнинг узун тунлари

Акам кечки мактабда ўқирди. Шу ваздан у эрталаб чиққанича алламаҳалда келарди-да, наридан-бери тамадди қилиб уйқуга кетарди, мен билан ўйнамасди. Мен эса ўйин боласи эдим. Акам билан олишишни, уни йиқитишни жудажуда истардим. Ухлаётган акамни от қилиб минардим. Онам мени койиб берарди, кейин бошимни силаб овутишга тушарди, тушунтиришга ҳаракат қиларди.

— Болам, яхшиямки дунёда тун яралган. Йўқса одамзот уйим-жойим деб ишнинг, ташвишнинг остида ғимирлаб-ғимирлаб ўлиб кетармиди?.. Кундуз одамнинг жисму жонига муқаддас бир чарчоқ бағишлайди. Тун эса ана шу чарчоқни олади. Тунда ухлаш керак, болам, ҳали чарчоқ нималигини билмайсан, ерга урса кўкка сапчийсан, қайнаб борасан. Эсингда бўлсин, ҳеч маҳал ором олаётган одамга халақит берма, уйғотма. Гар уйғотмоқ бўлсанг, ўйла: бу иш шунчалик зарурми? Ухлаётган одам анқайиб кўз очса, айтадиган бирон жўяли гапнинг борми? Унга: «Тур, кўкрагингга ер ботиб кетди», дейиш ниҳоятда кулгили. Чунки ернинг ботган-ботмагани ҳар кимнинг ўзигагина маълум. Шунинг учун фақат ўлим хабари туфайлигина ухлаётган одамни безовта қилса, уйғотса бўлади. Қолган жамийки хабарларни айтиш учун тонгни кутиш керак. Тонг — уйғониш фасли. Унинг келиши муқаррар.

Мен ростданам: дунё, тун, чарчоқ нималигини билмасдим. Мен бор-йўғи аллаларнинг адоси эдим, ширин гапнинг гадоси эдим. Шу ваздан онамнинг ипакдек овозига алданар, аллаланар ва юмшоқ ниманингдир бағрига чўкаверардим, чўкаверардим; кўзларим юмилаверарди. Кейин, кейин қанот пайдо қилиб учиб кетардим. Дарахтларнинг уч-учларида минг-минглаб қушларга қўшилиб учиб юрардим, улар билан гаплашардим. Чумчук, қалдирғоч, мусичаларнинг ошёнига меҳмон бўлиб борардим.

Воқеа

Куз келиб, йўлларда боғлар, боғчалар
Кириб қолганида тупроқ тусига,
Акам-ла шаҳарга айладим сафар,
«Қўшработ-Самарқанд» автобусида.

Ҳангома қизиди йўлда тобора,
Ияк-жағин еди гапчиноз бир чол.
Шунданми гўдаклар йиғлаб овора,
Шундан овутолмай оналар беҳол?!

Ҳар манзилда тўхтаб борардик аста,
Атрофда кўп салқин паллалар эди.
Автобус гоҳ ўрлаб, гоҳида пастлаб
Бизларни бетиним аллалар эди.

Боламан — кўзларим ҳайратга чанқоқ,
Бўм-бўш эгатларга боқиб тўймадим.
(Билсам, бу далалар тақдир экан, воҳ,
Билсам, бу ғўзалар қадимдан-қадим.)

Ҳар кимнинг бошида ўз ғам, ўз дарди,
Йўл юрдик, мўл юрдик, дала, чўл юрдик.
Ҳайдовчи ҳар замон қўшиқ айтарди
Ва акам йўлакда мудрар эди тик.

Ҳангоманинг авжи пасайиб аста,
Чандир чақалоқлар тинчиди, тинди.
Сўнг бор одамларнинг, қаранг, бирпасда
Қовоғи юмилди, кўзи илинди.

Мен ўйин боласи, менга не зарур,
Агар ухлашмаса, ундан нарига?!
Бобой ҳам хурракни тортганча хур-хур,
Бош кўйди бир қизнинг елкачасига.

Шундай етиб келдик Самарқандга ҳам,
Кўзи илинганлар бир-бир уйғонди
Ва ола хуржунли анов чол бирдан
Ҳайдовчига қараб тутади, ёнди:

— Ҳой болам, мен йўлда тушмоқчи эдим,
Нега уйғотмадинг, шўрим курибди?..
— Бобой, бекатларда тўхтатиб келдим,
Қайда тушишингиз ким туш кўрибди?

Ҳар қалай, бобойга бўлди кўп ёмон,
Биров етдимикан унинг додига?!
Болаликда бўлган ушбу ҳангома
Муҳрланиб қолди фикру ёдимга.

Муносабат

Шошмайман. Йилларим қийинми, осон,
Иложини қилиб яшаб боряпман.
Шошганлар бўлмишлар ер билан яксон,
Уларнинг синиғин мана, теряпман.

Шошиб нима қилдим, вақт ўзи чопқир,
Яшайман, яшаган умрим қолади.
Юрмайман фасл излаб — фасллар топқир,
Бири қўйиб, бири топиб олади.

Баҳор чечакларин сочар барибир,
Уларнинг бўйига нега бўлмай маст?!
Ҳар кун, ҳар лаҳзасин яшайман, ахир,
Йил фақат баҳордан иборат эмас.

Шошиб нима қилдим, «вақт — олий ҳакам» —
Қанча қўмсамайин мен пахта васлин,
Унга етмоқ учун (ёниб ётса ҳам)
Ишлашим керак-ку уч ой ёз фаслин.

Жадаллаб не қилдим, бу вақтнинг ўзи
Илдамроқ-ку мендан, олсак аслини.
Демак яшаш керак қуёшранг кузу
Олтин ёз, кумуш қиш, баҳор фаслини.

Улар-ку адашмай келар муттасил:
Ҳаволарин симир, сувларини ич.
Дилим, сен одимла фаслма-фасл,
Дилим, сен яшайвер босқичма-босқич.

Болаликнинг узун тунлари

Сирдошларим — дарахтлар кўйлақларини кийди, ечди, фасллар кетидан
фасллар кечди. Бир қадар улғайдим. Онам энди мени қучоғида олиб ётмас,
аллаламас эди. Энди мен онамдан эртақлар эшитардим. Эртақларда нуқул
Тоҳирнинг қиличи синар, Кенжаботир хиёнатга учрар, Равшан алданар, Зулху-
мор йиғлар, Зухро ўлар, Қоработиру Қорахонлар эса ғолиб келаверарди. Ҳар

куни шундай бўларди, ҳар куни. Бирор кун йўқ эдики, Тоҳирнинг қиличи синмаса, Равшан алданмаса, Фарҳоду Ширинлар мурод-мақсадларига етишса. Мен эса:

— Нега нуқул Тоҳирнинг қиличи синаверади? Равшан нега алданаверади? Кеча ҳам алданган эди, бугун яна нега ўша гапларга ишонди? Нега? Қоработирга нима етишмайди ўзи? Қорахонга-чи?! — деб сўрардим онамдан.

— Ҳа-а, болам, ҳали ёшсан, — дерди ҳар гал онам, — катта бўлсанг биласан. Ҳозирча кичкинасан, дунёнинг ишларига бўйинг етмайди, бўйинг етса ҳам ўйинг етмайди. Қани ухла. Йўқса, кўзларинг қизариб кетади. Ҳали айтдим-ку, Қоработирнинг ҳам, Сарикдевнинг ҳам, Ёсуманнинг ҳам кўзлари қизил экан, деб. Улар уйқуга тўймаган, ўйи тиниқлашмаган, билдинг?! Шунинг учун ҳам улар дунёни остин-устун қилиб, тараф-тараф, гуруҳ-гуруҳ бўлиб юришибди. Ўзининг кўлидан келмагач, ўзгаларнинг пойидан чалишяпти. Ҳаётда ҳам бунақалар кўп ва ўшалар туфайли эътиқод кўйганларинг пуч, тилла деб ушлаганларинг мис чиқаверади. Улар мол-дунё учун, ёғлиқ паловлар учун ҳамма нарсани сотиб юборадиган майда, хомкалла бандалардир. Қани, болам, энди сен ҳам кўзларингни юм, ухла. Бўлмаса кўзларинг қизариб кетади ва сен ҳам ўшаларга ўхшаб хомкалла бўлиб қоласан...

Онамнинг гапларини тинглаб туриб кўзларим юмила-юмила пахтадай юмшоқ ниманингдир оғушига чўкаверардим. Аммо энди мен қушларга қўшилиб учиб кетмасдим, учсам ҳам камдан-кам учардим. Энди мен кўпроқ Тоҳиру Алпомиш, Кенжаботиру Равшанбеклар сафида туриб Ёсуман, Қоработир, Қорахонларга қарши уришардим. Тонгда уйқудан турсам, ҳовлида куймаланиб юрган онам: «Калланг пишдим, болам?» — деб сўрарди.

Мен эса дунёнинг ишларини, хусусан онамнинг шу биргина гапини бўйлашга бўйим етмай, бўйим етса ҳам ўйим етмай, лол, ҳайрон турардим.

Даҳрий

Сени раббим дедим, эй муҳтарам зот!..

Ўзинг қиблагоҳим, мен бир художўй,
Ҳар кун ҳузурингга кетардим ҳажга.
Юрагим кўлимда, бош — итоатгўй,
Пою патак бўлиб қилардим сажда.

Сенинг шарафингга, сенинг шонингга
Фарзандлар Худоёр, Эгамқул бўлди.
Бир ишонч югурди жисму жонимда
Кўксимга, кўнглимга эътиқод тўлди.

Сендан сўнг бошланди ҳаётга ҳурмат,
Йўлингга номимни қурбон ҳам қилдим.
Шундай... раво бўлиб бир ўлиб кўрмак,
Оллоҳим, мен сенинг кимлигинг билдим.

Тирилмоқ — бўлмаган воқеа ёки
Насиб қилмаган у ҳеч бир марҳумга.
Лекин менинг учун сунгил, эй соқий,
Мен, ахир, барибир тирилдим қайта!

Ўраб дафн этганлар боқдилар ҳайрон,
Юмшоқ феъл дўстларим йўқотди ҳушин.
Ўзим ҳам гоҳ шодмон, гоҳида вайрон,
Ўйладим: «Бу асли ўнгимми, тушим?»

Кейин келавердим кафанни судраб,
Туш десам, кўрганим битмади сира:
«Нечун тирилганман алҳазар, ё раб!»
Бир мавҳум, тумандай кечди хотира.

Демак, савол менга, менинг ўзимга:
Қай йўсин тирилдим, қай йўсин, ахир?
Оломон анқайиб боқар кўзимга,
Эслашим, эслашим керак бирма-бир.

...Қабрда сўровга келмади ҳеч ким,
Фақат сас-садолар турди гулдираб.
Шунда калимага айланди тилим:
«Қайдасан, мадад бер, ё қодир эгам!..»

Ўзи — муҳтарам зот бўлмади пайдо,
Мени алдаб кетди бир ишонганим,
Қулоғимни эса йиртди ул садо:
«Сўйлагин, кимсан, эй бандаи мўмин?»

Сен ким? Сўйла насл-насабларинг ҳам,
Пуч эмас эдими дунёда ўрнинг?!»
Мен-чи, шивирладим: «Қайда шажарам,
Ўзинг ёрдам бериб, қўлла мен кўрни!..»

Ердан садо чиқди — у-чи, бесадо,
Кўкдан садо келди — у эса бесас.
Шундай пайдо бўлди ишончимда доғ
Ва яна қанотлар — ўн тўрт-ўн беш газ.

Қабр деганлари шу қадар кенгким...
(Хоҳласанг қушлардай чаппар уриб уч.)
Садо келаверди: «Ҳей, сен ким, сен ким?»
Уятдан танамда пайдо бўлди куч.

Сўнг қабр тошини ёрди бир довул,
Фақат дуч қилмади бунга ҳеч кимни.
Лаҳад лабидаги чўчиб тушган гул,
Сен кўрдинг қабрдан қувилганимни.

Гулим, ўлим бизга шу қадар тенгки...
То яшар экансан шу сезим, ҳис-ла,
Қулоғингда мудом янграсин: «Сен ким?»
Ва сен шул саволга жавоблар изла.

Мен эса биринчи — энг гўзал умрим,
Имкон, иложларим қўлдан берибман.
Оллоҳим не деса хўп деганча, жим,
Кимлигим билмасдан «ўлаверибман».

...Хотирам тикланди, шукр, ҳар қалай
Ҳамма-ҳаммасини аниқ эсладим.
Демак, мен ўзимнинг кимлигим билмай
Жувонмарг бўлганим учун тирилдим!

Тушунтириш хати

Онам айтган гапларни бўйламоқни орзу қилдим. Орзуйим мени ҳаётнинг кенг, ёруғ, тор ва ниҳоят боши берк кўчаларида узоқ етаклади, адаштирди.

Талабаликдаги ҳамхоналарим узун кечалари қўнғироғига тоб берилган соатни қулоғим тагида қолдириб (ҳазиллашиб) хато қилдилар, хато қилмоқ бир-ла бедор тунлар ато қилдилар. Менинг ҳар адашишим фикримга бир сабоҳ, ҳар алданишим умримга бир сабоқ бўлди. Инчунин, қарорлар қиладиган, ҳукмлар чиқарадиган, одамларнинг кўзига тик қараб кўнглимдан кечганини айта-

диган бўлдим. Онам эса, беимон, бедин бўлма, андишали бўл, деб тарбия берар эдилар. Уйлаб қарасам, аллақачондан буён даҳрийман. Аммо онамнинг назарида ҳамон гўдаклигимча, дунё олдида ҳали ҳам миттилигимча, болалигимча қолибман. Чунки дунё мени танймайди, билмайди. Мен эса улғайгандайман, онам гапларининг маънисини туйгандайман, дунёни суйгандайман, суйиб сўнг куйгандайман. Атроф-муҳитни тасаввур қилгандайман, дунёни билиш мумкинлигини, ўзимнинг кимлигимни билгандайман.

Янаям ким билади, дейсиз?..

Менким...

1

Менким, фуқаролар ичра фуқаро,
Бировдан ортиғу бировдан камман.
Кенг ҳаёт, минг-минглаб одамлар аро
Ўзини ахтариб юрган одамман.

Ўзимни ахтардим тунларни ича,
Бу ҳақда ҳеч кимга бир сўз демасдан
Ва билдим шу узун кечалар ичра
Ўзим билан ўзим ёлғиз эмасман.

Инсон юрагидир менинг ишхонам,
Билмадим, шунданми ичим кўп тордир?!
Аммо қай тошларга урай пешонам,
Шу тор ичимда ҳам бир одам бордир.

Унинг гап-сўзлари, ўйлари гулдор,
Яшайди ўзини кўп доно билиб,
Касби-кори қадим, амали қулдор,
Сотиб юборади дўстни қул қилиб.

Шу сабабдан менинг йўқ бирон дўстим,
Яна шу сабабли душманим бисёр.
Эҳ, қандай бу қадар узоқ яшадинг,
Кўп тор ичимдаги кўп йўғон қулдор?!

2

Тунлар Навоийдан келди бир садо:
«Ҳар одам ўзича битта Ватандир...»
Демакки, менинг ҳам оламда танҳо
Ватан эканлигим маълум бир гапдир.

Унда шеър, қўшиқлар ёзмайин нега,
Ахир, тўрт мучаси тугал бир танман?!
Бой тарих, кўп салқин иқлимга эга,
Муҳри, ҳужжати бор митти Ватанман.

Фақат ёзганларим — шеърларим нигун,
Тақдири талотўп, толейи талхман.
Теграмда дунё-дун жилмаяр беун,
Ўзининг кимлигин билмаган халқман.

Агарда (хоҳласа) бирикса боши,
Муштга айланувчи бешта бармоқман.
Аммо мен отилган палахмон тоши
Мисоли, жуда ҳам, жуда тарқоқман.

Яшайман ўзимнинг қадримга етмай...
Гарчанд бир пулга ҳам қимматдир сўзим,
Улкан йиғинларда уялмай-нетмай
Мақтаб чарчамайман ўзимни-ўзим.

Ўзимни қарғаб ҳам толмайди тилим,
Ғийбатлар қиламан кетгунча ҳолдан.
Ҳаммага ёт бўлган менинг бу феълим,
Феодал тарқоқлик давридан қолган.

Оқибат

Шеърим, «Уйғон!» дея бекорга толма,
Ухлаётган одам уйқуга тўйсин.
Оромини бузиб гуноҳга қолма,
Қўйгин, уйқу унинг кўзини ўйсин.

У ҳам бир одам-ку — хотираси бор,
Балки болалигин туш кўраётгандир..
Балки бедорлардан бўлгунча безор,
Қора ғафлатини хуш кўраётгандир.

Ҳар қалай, бу сенга боғлиқмас, ахир,
Ҳар тугул, бизлардан танаси бошқа.
Кўз очган бўлсанг сен ўн бешга кириб,
У уйғонар балки ўн олти ёшда.

Индама, бу ғафлат то суягига
Етиб боргунича бемалол ётсин.
Ухлайверсин, кўкси ё курагига
Юмшоқ кўрпалари тош бўлиб ботсин.


Шунда бисотида соб бўлиб сабр,
Ғафлат бандасининг кўзлари ёнар.
Шеърим, ухлаётган одам, бари бир
(Агар тирик бўлса) бир кун уйғонар.

Мен кўрдим: бағри кенг манов ҳаётда,
Айтолмай кўнглида борлигин не ғам,
Яшаб ўтяпти кучли ҳаёда
Уйқуга тўймаган минг-минглаб одам.

Улар-ку недандир эрта уйғониб,
Хоб аралаш ҳамон билмас кимлигин..
Уйларда ўзаро ғавғолар солиб,
Ташқарида тошни енгар жимлиги.

Шундай... уйғотишдан наф йўқдир сенга:
Яхшиси қўйгин, у хуррагин отсин.
Кутгин, у уйғонар тош уйқусидан,
Фақат ер кўксига, кўнглига ботсин.

Шеърим, «Уйғон!» дея бекорга толма,
Ухлаётган одам уйқуга тўйсин.
Оромини бузиб гуноҳга қолма,
Шу кўр уйқу унинг кўзларин ўйсин.



Суннатулла Анорбоев

ҚОРА ИКРА

Ҳикоя

Қўнғироқ жиринглади.

— Ҳозир!— ровондаги тошойна олдида туриб ўзига оро бераётган бўйи новдадаггина келинчак узун икки ўрим кокилининг биттасини кўксига ташладида, кўча эшикка шошилди.

Унинг эгнидаги саккиз тепки «Кремль» нусха атлас кўйлаги, почасига ироқи жияк тутилган лозими, оёғидаги гулдор шиппагига қадар ботаётган офтоб шуъласида ял-ял товланар, гўё эгасининг юрак энтикишини ифодалаётгандай унсиз кулар, қаҳқаҳа урарди.

У такрор: «ҳозир» деб қўйиб, эшик зулфинини суғурибоқ ланг очди-ю, беихтиёр «вой» деди.

Йўқ, кечгача соғина-соғина кутган кишиси Мирзафирдавснинг ўзи, лекин кўзларида негадир совуқ сўлғинлик.

— Уйда ким бор?— сўради у остонада турган қайлиғига лоқайдлик билан.

— Онангиз...— дея олди Салима ўксиниб.— Сизга бир нима бўлдим, акамулло?!

Мирзафирдавс чимирилиб, дарвозахонага қараб юрди.

Одатда, у ёқ-бу ёққа аланглаб, дарвозахонани хилват топиб, эшик очгани чиққан Салимани қучоғига олиб ҳарорат ила ўпабошлайдиган Мирзафирдавснинг бугун машқи паст эди.

Салима киприкларига сурмалар, қалам қошларига ўсмалар қўйиб, келинлик либосларининг гоҳ унисини, гоҳ бунисини кийиб-ечиб, ўзини ойнага солиб, ахир унинг учун ясанмаганмиди?!

— И-би?!— Салима дарвозахонадан ўтиб бораётган эрининг орқасидан қараб туриб ранжиди.

Чой дамлагани ошхонага кираётганида, ёғоч қошиқда овқатнинг тузини кўраётган қайнонасига ўғлининг шахди паст кўринганини гап орасида билдириб қўйди.

Мирзафирдавс эса бу пайт хосхоналарида ечинаётган эди. Енги калта одми йўл-йўл кўйлак, кўк трикода меҳмонхонага чиқиб, ўзини кўрпачага ташлади. Болишни кўксига тортиб, юзтубан ётганича кейинги ҳафта-ўн кун ичида босган

ҳар бир қадамни қайта бошдан хаёлидан ўтказди. Янги жойга тайинланганига ярим ой ҳам бўлмасдан-а?! Қандай қилиб?..

Кооператив институтида ёмон ўқимади. Битиргач, аввал оддий ошпаз бўлиб иш бошлади. Эрталабдан ёш-ёш шоғирдчалар қаторига ўтириб олиб картошка арчишга тушади. (Армияда картошка тозалашнинг жуда машқини олган). Ёғ қизигунча гўштми, пиёзми — борини тўғраб тахт қилади. Кейин жиз-жиз қовуради-ю, сув қуяди. Қарабсизки, тушликка шўрва тайёр. Сабзи тўғрашга келганда уқуви йўқроқ. Неча бор қўлини кесиб олган. Шефнинг айтишича: «бунақа нозик иш учун анжанлик бўлиб туғилиш керак»миш. Ўзи Фарғона водийсидан. Қаерлик эканини пеш қилишни яхши кўради. Ойлик оз — саксон сўм, холос. Бироқ ҳар ҳафтанинг охирида шеф ўн-ўн сўмдан мукофот тутқазарди. Қорин тўқ, қайғу йўқ эди. Фақат дадаси райондан қайтган кунлари ҳазилми ёки чин: «Лапашанг! Сенинг дипломинг менинг қўлимда бўлса, аллақачон ошхоналар трестигами ёки ресторангами директор бўлиб олардим!»— деб тергашга тушарди.

Онаси эса Мирзафирдавснинг қўлидан икки килограмм гўшт солинган тўрвани олатуриб:

— Муслмонлик ҳам аста-аста,— дея ўғлини ҳимоя қилишга уринарди.

Ўзи бўлса отасига эътироз билдирарди:

— Ниҳояти бир йил бўлди-ку, иш бошлаганимга!

— Бир йил тўлган бўлса, ариза бер партиёга!— дадаси азбаройи қизишиб кетганидан ровондаги диванда ётган жойида болишдан бошини кўтариб ўшқиради:— Санги эронийнинг боласидан сенинг қаеринг кам? Чорраҳада лағмонхона очиб юборибди! Тепасига ка-атта қилиб: «Национальные блюда» ёздириб ҳам қўйибди.

— Уч йил бўлди, дада, унинг иш бошлаганига. Мени...

— Ишга эпи йўқ-ку, гап қайтаришга чечан!— отаси унинг гапини эшитишни ҳам истамай тўнғиллайди-да, лорсиллаган қорнини ёпиш учун йўл-йўл чолворини тартади.— Эртагаёқ ариза ёз! Тавсияномаларингни тўғрила. Ўзим керакли одамни топиб телефон қиламан!

Мирзафирдавс дадасидан таъна эшита-эшита кандидат ҳам бўлди. Шунинг натижасимикан, бир чоғроқ завод ошхонасига шеф қилиб ҳам кўтаришди.

Илгари у: «Нима, тўрт йил олий мактабда ўқиб, битта ошхонани эпложмайманми? Дипломсизоқ қойилляпти-ку, анжанлик Аширвали мўйлов?» деб юрарди. Мустақил иш бошлаганида эсанкираб қолди. Янги шефимиз қандай одам, қизғанчиқмасмикан, дегандай ходимлари чекка-чеккадан зимдан тикилишади. Хўрандалар эса, айниқса ишчи халқи қўли қошиқда, аммо кўзи ошпазларда бўлади. Ҳа, юлғичлар, дегандай ола қарашади. Улардаги ана шундай ғайри муносабатни ўзгартириш, шўрва ёки шавла мазали бўлибди, деган сўзни эшитиш учун чиндан ҳам энг шимариб ишга киришди. Озодаликка айниқса риоа этди, шикоят ва таклифлар дафтари тутди; хўрандалар аини гавжум пайтларда залда айланиб ҳам юрди. Мулозаматни ўрнига қўйиб, айримларидан қалай, деб сўраб ҳам кўрди. Улар эса чапиллатиб чайнаб, ёки хўриллатиб ичиб туради-да, елка қисади. Буни кўрган ошпазу идиш-товоқ ювувчилар бир-бирига қараб мийиғида қулиб қўйишади.

Ишонишмайди! Инсоф, ҳалоллик борлигига ишонишмайди улар!

Алам қилар экан кишига. Тўғри, бўрининг есаям, емасаям оғзи қон. Лекин ўз бурчингни виждонан уддалаб, овқатни сифатли пиширишинг, туз-намагини тўғрилаб, хўранданинг ҳақиқа ҳиёнат қилмай сузиб олдига қўйишинг мумкин-ку, ахир?!

У бир ҳафта босим ишлади. Ёрдамчилари ҳам чаккимас, аммо сарфхаражат билан даромадни чўтга солиб қараганида баланс тўғри келмади. Уч юз сўм... Уч юз сўм зарар кўрибди! Бу вақт ичида уйига ҳеч нарса кўтариб келмаган бўлса, бошқаларга ҳам ўз қўли билан ҳеч нима бермади. Тўғри, пешинда ҳамма қатори ошхонада тушлик қилади. Аммо уч юз сўм?!

Мирзафирдавс онасининг меҳмонхонага қандай кириб келганини ҳам пайқамасди. Елкасига кимнингдир иссиқ қўли текканида болишдан энгагини узиб, ёқтирмайгина қаради.

— Бир гап бўлдими ўзи?

«Салима етказибди». Онасига эркалиги қолмаган Мирзафирдавс инжиқлик билан деворга юзини ўгириб ётиб олди.

— Ҳа, майли, айтгинг келмаса айтма,— дея онаси унинг пешонасини силади.

Бироқ онасига айтмаганда кимга айтади? Дадасигами? У кишининг жаҳли чиқиб кетади-да, лапашангдан олиб лапашангга солади.

Айтди. Онаси озгин, рангпар аёл. Бадтар ранги ўчиб кетди. Лекин у дадасининг акси — бундай вақтда индамай, жаҳлиниям, дардиниям ичига ютади. Илк бор Салима ҳақида оғиз очиб: «Уйлантирсангиз ўша қизга уйлантиринг, қариндошингизнинг қизи бўлмайди», деб сўзини чўрт кесганида ҳам онаси мана шундай, нафаси ичига тушиб кетгандай ранги ўчиб, узоқ ўтириб қолган...

Ниҳоят оғир уҳ тортиб:

— Камомаднинг ревизияда очилдими, ё?...— деб сўради.

— Йўғ-э! Узимча хомчўт қилдим,— Мирзафирдавс бош чайқади.

Онаси инқиллаб-синқиллаб меҳмонхонадан чиқиб кетди. Бир оздан кейин қайтиб кирди-да, дастурхон четига уч юз сўм пул қўйди.

— Тишларимни тўғрилатарман деб йиғиб юргандим...

Мирзафирдавс ўрнидан туриб, чордана қуриб ўтирди. Билар эди онасининг ундан ҳеч нимани аямаслигини. Лекин манави саҳовати этини жимирлатиб юборди. Андак хижолат ҳам тортди. Аммо кўзлари қувончдан чақнаб, пулни калта энгли кўйлагининг кўкрак чўнтагига солар экан:

— Дадам билмасин-а?— деб тайинлади.— Худо хоҳласа ўзим тилла тиш қўйдириб бераман. Оғзингизни тўлатиб.

— Тилла тишмас садафдан бўлсаям кошкийди. Фақат ота-бола икковингиям кўп қалтис-да, ишларинг. Э, худо, оч қорним — тинч қулоғим.

Мирзафирдавс онасининг оҳ-воҳларини эшитишни истамай сапчиб турди. Кўкрак чўнтагида дўппайган пул унинг кучига куч қўшгандай эди.

Эртаси куни эрталаб қозонга тушадиган масаллиқлар тушиб бўлгач, эски ишхонасига борди. Аширали мўйлов ҳам чўмич-капгирларини ёрдамчиларига ишониб топшириб, ўзи ошхона ортидаги ҳовлида чой ичиб ўтирган экан.

— Ия, келсинлар, шеф! Ж-жа, унутвордилар!— деб қўйди у, скамейкада ўтирган ўрнида қайрилиб қараб.

Мирзафирдавсга мўйловнинг ўзини бойваччанамо тутиши, муомаласидаги манави каландимоғлик ёқмаса-да:

— Сизни-я, устоз?! Мана, келдик-ку, йўқлаб,— дея қўл бериб кўришгач, ёнига ўтирди.

Аширали мўйлов устига оқ сочиқ ташлаб қўйилган чойнақдан зарҳал ҳошияли пахта гулли пиёлага кўк чой қуйиб узатаётди:

— Тинчликми?— деди тевалаб қараб.— Бир нимани яширяпсиз-а, мендан?

Мирзафирдавс пиёлани қўлидан олиб:

— Аксинча, айтиб, маслаҳат сўрагани келдим,— деди ва узундан-узоқ ҳол-аҳвол сўрашни бир чеккага йиғиштириб, тўғри муддаога кўчақолди.

Аширали мўйлов бодомқовоқ кўзларини қисиб индамайгина эшитаётди:

— Ука,— дея пишиллаб нафасини ростлади,— янги жойда иш бошлаганингизга икки ҳафта ўтмай бўйнингизга уч юз сўм қарз тушган бўлса уйингиз куяди-ку?

— Ҳа-да! Куяди!

Мирзафирдавс бу гапдан ҳали отасининг беҳабар эканини, камомадни тўлаш учун онасидан қарз олганини ҳам гапириб берди.

— Ука, ошхонангиз бедарвоза эмасдир?

«Хўп гапни олиб қочади-да, бу мўйлов». Мирзафирдавс мийиғида кулиб қўйди.

— Гоҳ обшепитга чақиршади, гоҳ райкомга. Ҳеч қаерга чақиршмади-я, деб шукр қилганингда завод касаба союз ташкилотидан қўнғироқ қилишади, соат палонга марҳамат этасиз, дейишиб. Шунақа устоз. Тезроқ йиғиштира қолинглар, мен эшикни қулфлайман, деб кутиб ўтиролмайман-ку? Ахир бирга ишлаганингдан кейин атрофингдагиларга ишонмасдан бўладими?

— Узингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма, деган қадимдан қолган нақл бор, молодой шеф Пир-р-давс.

«Пирдавс» эмас, Мирзафирдавс, деб оғзига урмоқчи эди манави мактаб кўрмаган устозни. Аммо ҳозир иззатталаб қилиб гап талашадиган пайт эмас. У тилини тийди.

— Завотти эшигида кирган-чиққанга кўз-қулоқ бўлиб турадиган қоровул бордир-а?— деб сўради кўзини юмганча ўтирган Аширали мўйлов.

— Йўғасам-чи? Пропуска билан кириб-чиқилади.

— Ундай бўлса, молодой шеф, мени маслаҳатим, ўшалар минан алоқани яхшиланг. Мен сизга айтсам, одамни бошига иш тушганда узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни кўпроқ асқотади. Ҳа, ўша қоровуллар тушликка келганда ўзингиз кутиб олинг. Ёнингиздан меҳмон қилмасангиз ҳам тавозе минан... Ҳа-да! Хода ютгандай қотиб турмай, мундай эгилиб...

Мирзафирдавс қийқириб кулди. Мўйлов уни «бўйдан олиб чирпирак қилиб» урган бўлса-да, маслаҳати ёқди.

— Бажонидил, устоз! Айтганингиздай бўлади. Институтдаги савдо этика-сидан дарс берган домламиз ҳам «хода ютгандай» иборасини кўп ишлатардилар. Сиздан ўргангандир, ҳойнаҳой.

У қайтаётганида ҳам чехрасида табассум, Аширали мўйлов ҳақида оғиздан-оғизга кўчиб юрган афсоналарни эслаб кетди. Илгари шаҳар милиция бошқармасида узоқ вақт бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлаб, яқинда истеъфога чиққан подполковник, фаолиятини лейтенантликдан бошлаган чоғида ошхонадан қандайдир камчилик топибди. Акт тузаётганида Аширали мўйлов келиб қолиб, уни ичкарига бошлабди. «Сизга қанча керак?» деб дангал сўрабди. Олдига минг сўм чиқариб ташлаб, ҳеч нима бўлмагандай хайрлашган экан. Кейинчалик унинг тўйини ҳам ўзи ўтказиб берганмиш.

— Аширали мўйловнинг шунақа жўмардлиги ҳам бор,— дея хўрсиниб қўйди Мирзафирдавс.

Шу куни у тушликка келган вахтерни ўзи кутиб олди. Ўзи мулозамат кўрсатди. Пул тўламоқчи эди, кўнмади. Атиги бир сўму ўн тийин. Қоровул хурсанд бўлиб, «спасибо» устига «спасибо»лар айтди. Яна обшепитга боришга тўғри келиб қолди. Кетаётиб қоровулхонада тўхтади. «Не служба, а дружба, дорогой», деб қоровулнинг қулоғига илтимосини айтди.

Обшепитдаги кенгашда янги топшириқларини олиб, боз устига ваъдаларни катта қилиб, кун ботаётганда заводга қайтса, қоровулхонада ранги ўчиб Биби Марям ўтирибди. Идиш-товоқларни ювиб, ошхонани супуриб-сидирадиган ходима. Унинг номи кўпдан ҳурмат тахтасидан тушмайди. Ўзи чиндан ҳам меҳнаткаш. Ҳаммаёқни ялагудек қилиб қўяди. Икки юзидан қон томгудек пахлаван аёл. Ана, олдида иккита, катта-катта челақда лим-лим қолган-қутган нон бўктирилган овқат чиқитлари. Қирқ килограмм келар-ов. Шуни хотин боши билан ўзи кўтариб кетади ҳовлисига. Лекин сиёсатдон. Ҳо-о, сўқади. Шунинг учун коллективдагилар ҳурмат қилишади. Тўғрироғи чўчишади. У талашиладиган жойда ҳеч кимдан тап тортмайди. Юзгачопар. «Биби Марям ҳаққи, хўй!» дея гап бошлайди қўлини пахса қилиб. Профгруппорг сайлаш керак бўлганда кекса ошпаз: «Биби Марям бўла қолсин. Юқоридагилардан ҳақ-ҳуқуқимизни ҳимоя қила олади», деб таклиф киритди. Шу билан унинг номиям Биби Марям бўлиб кетган эди.

Мирзафирдавс остонадан ўтиши билан Биби Марям сапчиб туриб жаврай кетди. Бу пайт унинг хинали жигарранг сочининг нуқси афти-ангорига уриб, ҳатто бурнининг учигача бўртиб, жигарранг тусга кирган эди.

Мирзафирдавс ўзини ҳеч нарсадан беҳабар одамдай тутиб қоровулдан: — Тинчликми?— деб сўради.

Биби Марям унга оғиз очгани қўймай, «Мир Ақобирич»лаб чулдирай кетди. Унинг ҳовлисида чўққалари бор эмиш. Манави қолган-қутганларни олиб бориб ўшаларга едирар эмиш. Бу билан партиянинг «Озиқ-овқат программаси»ни бажаришда бир ҳалол гражданин сифатида ўз ҳиссасини қўшаётганмиш.

— Жуда яхши!— Мирзафирдавс бош ирғади.

Қоровул эса ерга қараганича мийиғида кулиб бош чайқар эди.

— Тўғри-ку, ахир! Шунча озуқани ювинди ўрага тўкиб исроф қилгунча чўққага берилса, нимаси ёмон!

Қоровул тумшайиб, Мирзафирдавсга «ёш бола экансан» дегандай бир қараш қилди-да, чўлоқланиб ҳовлига чиқиб кетди. Дам ўтмай, теша-сопидай таёқча кўтариб кирди. Қўлидагини пақирга тикди. Кўпи билан беш энлик ботди. Таёқчани суғуриб, иккинчисига тикди. Деярли ботмади ҳисоб.

— Қотган нон бор тағида!— Биби Марям ишонтирмоқчи бўларди.

Қоровул таёқчани азбаройи кучаниб босганидан кўзининг оқигача қонташиб, жаҳл билан пишиллади:

— Ҳар қандай нон бўлгандаям таёқ учи тешиб, пақир тагига тақиллаб теккан бўларди!

— Нон бўлмай нима ахир? Горбушка-да! Ҳа-а, горбушка...— ҳеч кимга сўз бермай вижирлар эди Биби Марям.

— Йўғасам нима қилай? Милиция чақирайми, озиқ-овқат программасини бажаришга қўшаётган ҳиссангни аниқлаш учун, а?— қоровул тумбочкадаги телефонга қўл чўзди.

Биби Марям қоровулхонани бошига кўтариб додлашга тушди.

— Сенга ўхшаган инвалид менинг эрим ҳам, виждонсиз!..

Мирзафирдавс қоровулни тўхтатиб қолди. Биби Марямни эса нарсаларини кўтартириб ошхонага олиб кетди. Пақирдагиларни бўш тоғорага ағдаришганда, икковидан ҳам иккита целлофан халтада лаҳм гўшт чиқди. Камида ўн килограмм.

Биби Марям энди паст тушиб, нуқул шайтонни қарғар — уни шайтон йўлдан оздирибди. Бундай номаъқулчиликни ҳечам қилмайман деб онт ичар эди. Икки яшарлигидан қўлида ўсган, ҳозир ўнинчи синфда ўқиётган «бокира, бирам моҳира, оқила, сулув» набирасининг бугун туғилган куни эканини айтиб ялинар, шунга олақолган экан бу икки халта гўштни. Мирзафирдавснинг ўз сўзларига бўшашиброқ қулоқ солаётганини кўриб:

— Сизния, Мир Ақобирович, аслида таклиф қилиш кўнглимда бор эди, — деди Биби Марям кўзида ёш, чеҳрасида ҳадик аралаш табассум билан.

«Мендан ўмариб, ўзимга едирмоқчи. Вой безбет-эй!»— Мирзафирдавс чимирилиб шартта ўгирилди. Агар нари кетмаганида тепиб юбориши ҳеч гап эмас эди. «Биби Марям қўйишибди, бошқа лақаб қуриб қолгандай!» Мирзафирдавснинг кўзига анави ҳазилкаш, қариб қуйилмаган ошпаз ёмон кўриниб кетди. «Биби Марямга қаери ўхшар экан бунинг? Турган-битгани бир ҳурпайган алвасти-ку!»

У ўзини босиш учун Биби Марям атрофида гир айланиб, нари бориб, бери келарди. Шунда «савдо этикаси»дан дарс берган домлалари кўз ўнгига келди. «Харидор билан муомала қилиш санъати...» дея мароқ билан сўзга тушиб кетарди у киши. «Фалокат оёғинг остида. Яхши гапга илон инидан чиқади. Наинки инидан чиқади! Яхши сўз, яхши куйга ҳатто кўзойнакли илон ҳам балқиб кетади; соллана-соллана зикр тушади...»

— Раҳмат!

Мирзафирдавс кўрслик қилганини пайқаб, Биби Марям қаршисида тўхтади ва ўзини мулозаматли тутишга ҳар қанча уринмасин бўлмади.

— Миннатдорман Биби! Тузланган бодринглару помидорлар, аччиқ-чучук чимчилару ҳар хил хушхўр газаклар билан буғи бурқираган қовурмалар тортилгач, ранг-баранг этикеткали шишалар ҳам қўйилса керак-а, дастурхонга?

Ҳали-ҳозиргача чеҳрасида ҳадик аралаш табассум бўлгани билан кўзларида ёш жавдираб турган Биби Марям бирдан ўзгариб:

— Албатта!— деди хинага бўялган жигарранг сочларини танноз жувонлардай силкитиб. Ҳа, у йигирма ёшга яшариб кетгандай эди.— Туғилган кунни нишонлаш, шишаларсиз қизиги бўларканми! Жо-он, Мир Ақобирович, бора қолинг-а. Набирамнинг бир-икки дугоналаридан бошқа ҳеч қандай бегоналар бўлмайди.

Яна у сўзининг таъсирини кучайтириш учун «бари диркиллаган дўндиқчалар», деб кўзини қисиб ҳам қўйди.

Мирзафирдавснинг юраги бир орзиқиб тушса-да, ичида: «Вой, алвасти-ей!» дея сўкинди. Сочини жигаррангга бўятган бу кампирнинг қўлидан ҳар қандай бало келишини хаёлидан кечириб:

— Набирангизни менинг номимдан туғилган куни билан табриклар қўясиз. Уни «бокира қиз» дедингиз-а? Жуда яхши. Ҳаром-ҳалолнинг фарқига етадиган одбли қиз бўлиб ўссин,— деди.

— Бу яхши тилакларингизни унга албатта етказаман, Мир Ақобирович.

— Етказинг,— мийиғида кулди Мирзафирдавс.— Лекин бугун неварангиз — бокира қизнинг туғилган куни экан, кеча кимнинг туғилган куни эди? Утган куни-чи?

Биби Марямнинг маъюсланиб турган чеҳраси қотди-қолди.

— Нима деганингиз бу, Мир Ақобирович?!

— Бу, бугунгина ўғирлик қилишингиз эмас, деганим! Кечаям, ўтган куниям ташигансиз. Мудирини ёш, тажрибасиз деб.

— Тухмат қилманг одамга! Бу нимаси?! Мен бу ошхонада етти йилдан бери ишлашман. Мени етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма биледи...— У ошхонани бошига кўтариб жаврай кетди.

— Фақат мен билмаган эканман,— деди Мирзафирдавс унинг шаллақилигига эътибор бермай.— Вахтер гувоҳ. Акт тузиб милицияга топшираман...

Биби Марям дудуқланиб қолди. Кейин тиз чўккудек бўлиб, қизи битта бола ортириб, унинг қўлига ташлаганча «қайси гўрда санқиб» юрганини, эри эса ичаича оёғини совуққа олдирган, майиб, оилада ишга яроқли битта ўзи эканини, агар ишдан ҳайдалиб, қамалгудай бўлса, «дурустгина битта совет оиласи» хароб бўлишини, «бокира набира»си кўчада тентираб қолиши, ҳатто бузуқ йўлга кириб кетиши мумкинлигини айтиб ёлборишга тушди. У бокира Биби Марямни ўртага солар, қасам ичар, арақхўр эрини қарғар, уни бу эгри йўлга бошлаган ҳам ўша такасалтанг, касофат эканини қайта-қайта айтиб ишонтирмоқчи бўларди.

«Қилғиликни қилиб қўйиб, айбни бошқага тўнкайди»,— Мирзафирдавс ғижинди. Бироқ, у жаҳлини жиловлаб, бундай ўйлаб қараса, бу сочини хинага бўятиб, ҳурпайтириб, ўзини ёш жувондай олиб юргани билан ёшини яшаб қўйган кампирдан ниманиям ундира оларди?! Милицияга, судга ва прокуратурага қатнаб юрганида яна шунча чиқимдор бўлиши ҳеч гап эмас. Бунинг устига ҳар хил майда-чуйда гап-сўзлар кўпаяди. Хуноби ошиб қийналгани қолади. Хўп, бунисини бўшатиб, бошқасини олди. Бироқ бошқаси ташимаслигига ким кафил бўла олади?

Биби Марямнинг манави дод-войида ёлғондан кўра ҳақиқат кўпроқдай туюлди унга. Одамгарчилик юзасидан ўйлаб қаралса, бувиси жавобгарликка тортилса, мактабни битираётган анави «бокира» неваранинг ҳоли нима кечади? Ёнида оғзига тутадиган ғамхўри, тергаб йўлга соладигани йўқ. Бўй етган қиз. Яхши еб, яхши ичишни, яхши кийиниб, ўйнаб-қулишни хоҳлайди. У ёғи маълум: «Билмайин босдим тиканни...» Йўғ-эй, пушаймон ҳам емайди. Қарабсизки, жамиятдаги бузуқлар ёнига яна бир эгри оёқ, балки гиёҳванд қўшилибди.

Целлофан халталардаги гўшт тарозида тортилганида ўн килою юз эллик грамм келди.

Мирзафирдавс акт тузди. Вахтерга ҳам қўл қўйдирди-да, тўрт буклаб ички чўнтагига солди.

— Ҳозирча милицияга топширмайман. Ишдан ҳам бўшатмайман. Сўз бердингиз...

— Худо урсин агар!... Биби Марям ҳақи...

— Мана, қасам ичдингиз. Энди рухсат.

Биби Марям тоғорадаги ювиндиларни челақларига қайта қўйиб тўлатди-да, кўтариб зинғиллаганча кетди.

Мирзафирдавс катта ишга қўл урмасданоқ уч юз сўм чиқимдор бўлганига ичи ачишса-да, Биби Марямга нисбатан қўллаган манави тадбиркорлигидан ўзи ҳарқалай мамнун эди. «Пул — қўлди кири», дейишади Мўйловга ўхшаган кўпни кўрганлар. Топиладиган нарса.

— Бош-кўзимдан садақа Биби Марям йўлига.

Онаси ҳам фотиҳа қилди: «Садақа — раддибало».

* * *

«Папашка биздан хурсанд». Мирзафирдавс ўтган оқшом дастурхон атрофида ўтирганларида дадасининг «Мирзо ўғлим» деб елкасига қоққанини эслаб ўзича сўзланди.

Ҳа, чиндан ҳам мартабаси баландлаганига уч ҳафтача бўлди. Марказий ошхона ва унинг серқатнов чорраҳаларида очилган бўлимлари — чучварахона, лағмонхона, кабоппазлик, сомсапазлик... Жами ўн еттита «точка». Бинобарин, уларнинг барини гўшт-ёғ, ун-дон, сабзи-пиёз билан таъминлаш, хўрандаларнинг оғзига ёқадиган таомлар тайёрлатиб, касодга учрамаслик чорасини кўриш асосан ўз зиммасида.

Албатта амал курсиси яхшику-я, етказганига шукр қилиб ўтираверса иш чиқмайди. Ҳаракатда — баракат, деб қўйибдилар! У «точка»ларни айланиб юриб, блишипазликда тўхтади. Кўнгли сезган эди-я. Қаранг, эгизак Ҳасан-Ҳусан пашша қўриб ўтиришибди. «Ҳа?» деса, бефаросат болалар-да, ўринларидан ҳам туришмайди. «Берган гўштингиз урвоқ ҳам бўлмади», дейишади. Стол устида қорилган хамирдан ортгани қанзиб, тўғралган пиёздан қолгани сўлиб ётибди. Бундай исрофгарчиликни кўрганда сочлари тикка бўлиб кетади.

Мирзафирдавс беихтиёр қўлини бошига югуртирди. Панжасини тароқ қилиб, пешонасига тушиб, ўнг қошини ёпган сочини тараб, силаб қўйди. «Пиёзнику, тўғрашибди, орттириб олиб қолиб нима қилишарди? Вой, уқуви йўқ латтачайнарлар!» У қозиқ қилиб қоқиб юборгудек бир важоҳат билан Ҳасан-Ҳусанларга қаради. Аммо уларнинг елкаларини қисиб, ер чизиб туришларини кўриб жаҳлидан тушди. Икки ой бурун ошпазлик мактабини битириб келган болаларда, ҳа, хайр. Мирзафирдавс «шайтонга ҳай бериб» қўл силтади. Қара, қовурғалари саналиб турибди. Эй-й!

— Ўтираверасизларми лаллайиб?— деди.

— Ўтирмаганда нима қиламиз?

Бу «ҳозиржавоб» Ҳасаними ёки Ҳусаними — Мирзафирдавс ажратолмади. Икковиям оқ пешбанд, оқ сурп қалпоқда. Қулоқлари қанқайган чуваккина болалар.

— Мияни ишлатиш керак!— Мирзафирдавс ўзининг орқа чўнтагининг устига лотин ҳарфлари билан ялтироқ тамға босилган бежирим жинсисига бу эгизакларнинг ҳаваси келибми зимдан қараб-қараб қўяётганини пайқаб, башорат бармоғи билан пешонасига тўқ-тўқ уриб қўйди.— Савдода чаққон бўлмасанг, без териб қолаверасан, билдингми?

— Биламиз,— деди ўша тили югуриги.

Блишихона панасидаги қўнғизнусха кўк «Запорожец» машинаси ҳойнаҳой шу эгизакларники эканини фаҳмлаган Мирзафирдавс буюрди:

— Машинангни ўт олдир. Бўл, кетдик.

Ака-укалар бири-бирига қараб, уятчанлик билан илжайишди:

— Жуд-до эски-ку?

— Эринмай ҳаракат қилсанг, эскиям янги бўлади!

У «Мирзо»лик поғонасига кўтарилганидан бери ўзига тобе одамларга мана шундай насиҳатомуз муомила қиладиган, лафзида ҳикматли ибораларни аралаштириб ишлатадиган бўлиб қолганини пайқаб, сиртида жиддий кўрингани билан ичида кулиб қўяди.

Чиндан ҳам Ҳасан-Ҳусаннинг «Запорожец»лари ўзларига ўхшаб пачоққина. Мирзафирдавс олдига ўтиришга ўтирди-ю, катта кўчадан юришга ор қилди. Таниш ҳамтовоқлари кўрса, кунинг шунга қолдимми, дейишмайдими. Камқатнов, соявурроқ тор кўчалардан ҳайдатди. Бозорга етганларида ичкарига кирмай машинани кушона режгилари, калла-поча билан савдо қиладиган дўконнинг нақ орқа эшигида тўхтаттирди.

Иккинчи бор тақиллатишга тўғри келди. Ҳартугул бор экан: ичкарида стулми, нимадир ғижирлади. Зулфин шиқ этди. Олдига пешбанд таққан япасқи жуссали, кўзтаниш қассоб кўринди. Савдоси юришмай эснаб ўтирган шекилли, қовоқлари шишиб кетибди.

— Мана, биз келдик,— деди Мирзафирдавс.

Қассобнинг карахт чеҳрасида табассум йилт этгандай бўлди.

— Хуш кепсизлар,— деди-да, эшик олдидан жилиб, йўл берган бўлди.

Пештахта устидаги териси шилинган қип-қизил мол калласига назари тушганида Мирзафирдавс ичида «хайрият» деб қўйди. Ўзининг омади бор йигит эканлигидан қувониб:

— Калла борми? — деб юборди.

— Қанча керак сизга?— қассоб саволга савол билан жавоб қилди.— Беш юз киломи ёки минг кило?

— Таги мўл, денг! Ҳа, яхши. Анави машинага сиққунча ортамиз.

— И-би!— деди лабини буриб қассоб.— У мошинга бори-йўғи тўртта калла сиғасям...

— Камситманг-эй, Ҳасанбойди машинасини! Нима деб ўтирибсиз?! У резинадай гап, қанча босилса шунча сиғиб кетаверади.

Қассоб каллаларни тарозида тортар, Ҳасанбой ташиб машинасига ортар, Мирзафирдавс эса булар блишига айланганда келадиган фойдани хаёлида ҳисоблар эди. Ахир ҳар бир калладан камида уч килограммдан лаҳм гўшт тушади. Уч кило қиймага уч кило пиёз аралаштирилса, қанча блишига масаллиқ бўлади.

Мирзафирдавс:

— Калла гўшти емабсан, оламга келмабсан!— дея болта-пичоқлар қўлла-рида ишга тушиб кетган эгизакларга тегишган эди, ўша тили югурик Ҳасани бур-нини жийирди:

— Ҳидланиб қолибди.

— Ҳидланган бўлса марганцовкада юв! Шуниям билмайсанми? Ошпазлик-ка ким ўқитган сени?!— Мирзафирдавс пўписа қилди.— Нимтатир қалампир сеп. Пиёзни аяма лекин! Ана унда чубарагинг талаш бўлмаса мен кафил! Онанг-ни отангга бепардоз кўрсатма деган мақолни эшитганмисан, валломат? Ҳа, ўз фойдасини билмаган бола!

Иложи қанча, бу соҳада ҳам оғзинг қани деса қулоғини кўрсатадиган но-шудлар йўқ эмас. Ундайларни тартибга чақирасан, дўқ-пўписа билан, баъзан рағбатлантирасан ширин сўз билан. Лекин аксари «делавой» ишчан одамлар. Газеталарда ёзишяпти-ку, «моддий манфаатдорлик» деб. Ҳа, ўша моддий ман-фаатдорлик оёғини илдам босадиган қилиб қўйган одамларни. Ундан ташқари, план бор савдо-сотиқда ҳам. Бажармай кўр-чи! Айниқса ой охири ёки квартал охирлай деганда, ҳа-а, қурт тушгандай типирчилаб қоласан, киши.

Ана шундай вазият юз берганда Мирзафирдавс Ақобирович ҳатто абжир ёрдამчиларига ҳам ишонмай, бирдан Тошкентга от қўйди. Борган куниёқ икки юк машинасига тўла «Пепси-кола» ортиб қайтишга ҳам улгурди. Омади келган йигит-да! Бўлмаса шарбатли ичимликлар заводи олдида машиналар тирбанд. «Пепси-кола» фонддаги ҳисобли мол. Лекин ичига иккита кўк қоғоз солинган конверт заводдагиларнинг столи тортмасига тушганидан кейин «фонддаги мол» эканиям эсларидан чиқиб кетди. Шундай, Мирзафирдавс мийиғида кулиб қўйди. Қарс икки қўлдан чиқади. Биздан бугина, сиздан угина. Кўраверсанг кўзинг пишиб кетар экан.

Айни офтоб тобида. Бундай пайтда чанқоқдан лаблари қақраган харидор-нинг кўзига аллақандай сариқ чақа кўринадими? Муздай «пепси-кола»ни стакан-га тўлатиб қуяди.

Мирзафирдавс ичимликнинг ранги, рангидан ҳам бижир-бижир қайнашини томоша қилиб, завқланиб турганида эшикдан ҳовлиққанча Ҳусан кириб келди. Сўзлашга тили келмайди.

— Б... Б-босишди...— деди дудуқланиб.

«Об-бо». Мирзафирдавснинг кайфи учди. У беихтиёр телефонга қўл чўзди. «Устоз»нинг андак лоқайдлик билан боқувчи қиёфаси кўз ўнгига келди. «Тин-читвор қўй!» дея имлагандай бўлди.

Мирзафирдавс трубкани қўйиб, ўрнидан вазмин қўзғалди.

«Пепси-кола»дан келган фойда бу чўнтакка эмас, у чўнтакка тушди. Шу би-лан ўз пайтида ўт ўчирилди ҳисоб.

Идорада ёлғиз қолганида у кресло суянчиғига куракларини тақаб: «Қаерда янглишдим экан?» дея ўйга толди. Анчадан кейин кўзини очиб, ўнг қўли панжа-ларининг орқасини чап қўли кафтига аста уриб қўйди:

— Э-эй!

Ўтган ҳафта «мирзо»ликка эришганидан бери илк бор базадан унинг ихтиё-рига бир неча банка қора икра беришди. Қизилиям, қорасиям фактурадагина аҳёнда кўриниб қолгани билан, одатда омборхонадан бери келмасди. Уша ер-дан ими-жимиди тарқатилиб гумдон қилинар эди.

— Нечун худо ёрлақаб?— Мирзафирдавс ажабланди. Шунда бирдан те-лефон жиринглади. Шефнинг овози. У киши томоқ қириб қўйди:

— Мирзафирдавс,— деди-да, андак сукут сақлади. Ҳа, шефнинг шундай одати бор. Сухбатлашадиган одамнинг исм-шарифини айтади-да, чуқур тушган кўзларини лўқ қилиб, узоқ тикилиб қолади. Бу ҳам бир раҳбарлик услуби бўлса керак. Аммо у киши билан мулоқотда бўлмаган одам саросимада қолиши ҳеч гап эмас.

— Мирзафирдавс!

— Лаббай, ассалому алайкум,— эрталаб идорада бўлганида қўл олиб кўришганига қарамай, тагин салом берди.

— Ҳалигини қандай реализация қилишни биласиз-а, буфет орқали?

— Ҳа-ҳа...— Мирзафирдавс стол тортмасидан устига «Акобирову» деб ёзилган конвертни олиб, шошганича очаётганида шеф трубкани қўйиб қўйди. «Секретарингиз рўйхат берган», демоқчи эди, улгурмади.

Пихини ёрган одам-да, шеф,— дея хаёлидан ўтказди Мирзафирдавс.— Буфет эмиш. Мабодо бирор гап бўлса, топшириқ берганман, деб қутулмоқчи. Қора, қизил икралли буттербродлар Москва ресторанларида, Съездлар саройи буфетларида тортилмаса, бундай чет жойларда расм эмас.

У рўйхатга тикилди. Дастхатидан маълум, рўйхатни шеф шахсан ўз қўли билан тузган... Мирзафирдавс керакли одамлар рўйхатига тикилиб туриб ҳасадланди. Узининг, ҳатто шефнинг тақдири ҳам ўшаларнинг қўлида. Улар қўллашса кўтарилади. Бўлмаса судралиб қолаверади, етган ерим шу экан, деб. У чуқур сўлиш олди: мана шундай рўйхатга тиркаладиган замон келармикан?

Хап! Таппа босди! Йў-ўқ! Рўйхатда фақат бошлиқлар. Келиб босган эса даражаси бундайроқ одам. Агар билганида ярим кило, атиги ярим кило қора — қоп-қора икра билан оғзига урар эди-я!

Шахсан ўзи унча хуш кўрмайди қора икрани. Ранги хунук, балчиққа ўхшайди. У бурнини жийирди.

Уша ёш, погонининг оҳори кетмаган сипоҳининг аслида икра еб суяги қотганмикан?! Ақалли мазаси қандоқ бўлишини билармикан? Йў-ўқ! Манманликка боришади. Ўзи оғзига олмаса ҳам, палончига бор, нега менга йўқ? Ундан менинг қаерим кам? Хап сеними, деб пайт пойлашади!. Муюлишга тикилганча гоҳ овозини чиқариб, хаёлидаги «ўртоқлар»га нисбатан ичидаги аламини тўкаётганида эшик олдида кимдир турганини пайқаб қолди.

Салима экан, кўзларини мўлтиратиб...

— Ҳа-а?!— Мирзафирдавс аzza-базза қўрқиб кетди. У намиққан кафтларини столга тираб ўрнидан тураётганида қайлигининг атлас кўйлакни туртиб турган қорнига кўзи тушди.— Нима қилиб юрибсан бу ёқда?

— Қўшни кампир...— Салиманинг киприкларидан икки томчи ёш юмалаб ёноқларини ювди.

— Қазо қиптими?

Қайлиги кафтининг орқаси билан кўзларини сидира туриб бош чайқади.

— Кўчадан гап топиб келди. Сизни...

— Ҳа, бўлди-бўлди!— Мирзафирдавс кўнгли тинчиб, илжайганча аста жойига ўтирди.

У хотиржам кўрингани билан юраги бежо эди.


— Ўзингизни ўйламасангиз ҳам, акамулло,— Салима кафтларини қорнига босди,— бизни ўйласангиз бўларди. Онангиз ҳам бетоқат бўлиб, бориб хабар ол-чи, деб мени юбордилар.

— Сизларни ўйламай, бошқа ўйлайдиганим борми?! Қизиқ гапларни гапирасан-а!— Мирзафирдавс унинг кўмагига, наинки кўмаги, бир оғиз ширин сўзига муҳтож, инон-ихтиёрим сизда-ку ахир, дегандай жавдираб турган қайлиғига ясама бўлса-да, қирра бурнини жийириб тегишди.— Тинчитвордим! Вой-бўй!

— Бу сафар-ку, тинчитибсиз...

— Бас!— Мирзафирдавс бақариб берди. У ўтирган курсиси мустаҳкам эканини намоиш этгандай чайқалиб қўйиб, столга тирсақларини тираганча ялпайиб ўтириб олди.— Ишимиз ўзи шунақа нозик. Лекин ошиқни гарткам деб отаверамиз, гоҳо чикка тушади, гоҳо пукка. Бор, бора қол энди. Онамга, бари жойида экан, дегин.

Салима кетди. Аммо у қолдириб кетган жумбоқ Мирзафирдавснинг нотинч қилиб қўйган эди.



Барот Бойқобилов

«КИМ СОКИН ЯШАЙДИ ЎЗБЕКИСТОНДА?»

(Шу номли китобдан)

Еттинчи қитъа

Олти қитъа — олти миллиард дард, Золимлардан олиб қочмас бош,
Олти миллиард қувонч ва алам. Жанг қилади яккама-якка.
Ҳаёт тукқан олти миллиард мард, Ўлимларга беради бардош,
Юрагида тўй билан мотам. Ҳаёт ўтин солар юракка.

Олти қитъа қисмати билан Эл қарғаган сотқинларга у
Нафас олар еттинчи қитъа. Жой бермагай бағридан асло.
Тутқунликдан жони бўғилган Ширин умри кечса-да оғу,
Наъра тортар озодлик истаб. Ботирларга бўлгай раҳнамо.

Наъра тортар у банди шердек, Барча миллат яшар унда тенг;
Занжирини узар бўйнидан. Оға-ини, қавму қариндош.
Қитъаларга дахлдор эрдек Байналминал қўшиғи унинг,
Отिलाди зулм қўйнидан. Бор эканки фалакда қуёш.

Ер куррасин кўрай дер озод, Ҳаловатсиз еттинчи қитъа
Гарданида ўлим шамшири, Тақдирини берган халқимга.
Инсон уйи бўлмаса обод, Қуёш каби озодлик истаб,
Озод бўлмас дунё тақдири. У яшайди менинг қалбимда!

Лайлатул-қадр

Эртақлардан излайман ҳаёт,
Ишонаман афсоналарга.
Шафқат билан тилайман сабот
Ҳаётдаги девоналарга.

Ҳушёр эди улар бир маҳал,
Доно эди ақлу фикрда.

Адолатга қидириб тамал,
Бечун эди илму зикрда.

Сиғдирмади уларни ҳаёт,
Ақлу ҳушдан айлади жудо.
Жоҳилларни сийлади-да, бот,
Телбаларча қувонди дунё.

Шоҳни гадо этди ва лекин
Гадони шоҳ қилмади ҳаёт.
Нишон қилиб камонга кўксин
Қонли булоқ яратди, ҳайҳот!

Имон бермай ҳушёр нодонга,
Девонага берди диёнат.
У суиқасд қилса виждонга,
Бу билмади — нима хиёнат?

Болаликдан лайлатул-қадр
Афсонаси мени этди банд.
Тилаб келдим қалбимга сабр,
Эртақларга бўлиб ҳавасманд.

Эсимдадир қадр кечаси:
Кўкка боқдим ўтар деб дулдул.
Болаликнинг ғўр тушунчаси
Оғушида яшайди кўнгул.

Учиб ўтар чоғи оқ дулдул
Само бўлмиш нуридан равшан.
Айланармиш олтинга буткул
Нима тутган бўлсанг дафъатан.

Дулдул учиб ўтар ёки йўк,
Сўнгра сира бўлмади ишим.

Ҳаёт нечун бермади буйруқ,
Етиб ортди бошдан ташвишим.

Эртақ эмас, ҳаётда кўп бор
Ўтру келдим «девона»ларга.
Ҳавас билан тикилдим такрор
Фисқ-фужурдан бегоналарга.

Ақлу ҳуши жойида мутлоқ,
Кўп нарсага етар фикрати.
Қалб торлари нозик ва титроқ,
Зарифларки — элнинг зийнати.

Аммо, эсим бор деган тентак,
Дарвиш дебон қилмайди писанд.
Илму фанда гарчи у кесак,
Бермоқ иши жунунларга панд.

Тентақларга солмайин қулоқ,
Кашф билан банд аҳли «девона».
Хусуматдан яшайди йироқ
Ўзи билан ўзи овора.

Бўлса энди лайлатул-қадр,
Дулдул ўтса — нидо қилгайман.
Мен ҳеч нарса сўрмайман, тақдир,
Одамларга қадр тилайман!

Ўзбек адабиётининг харитаси

Ўзбек адабиётининг харитасини
Кўрмоқ бўлсанг, меҳр билан эл қалбига боқ.
Тинглаб ундан шоирларнинг ўтли сасини,
Не ажабки, юрагингда чакнаса чакмоқ.

Минг йилларки, имон каби бу харита пок
Авлодлардан-авлодларга ўтмоқда мерос.
Жон уйида асрар уни халқимиз бебок,
Қону қардош элларда ҳам уйғотиб ихлос.

Замонларнинг суронидан омон ўтиб у:
Янги мазмун, янги шакл этди инкишоф.
Оламшумул хазинадан жой олиб мангу,
Мафкуравий жабҳаларда қилди Инқилоб.

Бу харита юзи узра Ҳирот улуғ менг —
Адабиёт давлатининг ғолиб пойтахти!
Манфаатин кўзлаб донғи таралган элнинг
Мангуликка кулди унда Навоий бахти.

Самарқанддан сайқал берди унга Саккокий,
Лутфий бўлиб Деҳи Канор кўрсатди жамол.
Бобур ёзди Андижонни дард билан боқий,
Кўҳна Урганч қисматидан Мунис боқди лол.

Фурқат ўзга ўлкаларда кезса беватан,
Ҳамза бўлиб Инқилобни куйлади Қўқон.
Аваз Ўтар шердек наъра тортса Хивадан,
Ғафур Фулом, Ойбек бўлиб Тошкент топди
шон.

Жиззах номин битди шодон Ҳамид Олимжон,
Зулфиядан Тошкент бўлди яна муалло.
Миртемирга шодиёна чалар Туркистон,
Шайхзодадан ўзбек юрти топди тасалло.

Харитага умид билан боқар истиқбол,
Авлодларга нидо қилар эркин замона:
«Навоийнинг каломига берингиз камол,
Байналминал қўшиғини куйланг мардона!»

Яна қанча шаҳар-қишлоқ йўқ харитада:
Ўз масканин кўрмоқ истар ҳар аҳли қалам.
Орзулари жило топсин зар саҳифада,
Кошки, унга ёза олсам Ургутни мен ҳам!

Шиорбозлар

Шиорлар — афиша, боқма қаёққа:
Биолар қошида, кўча бошида.
Аршин-аршин ҳарфлар туриб оёққа,
Бонг урар, ҳаттоки, тоғлар тошида.

Шиорсиз мазгил йўқ, шиорсиз йўл йўқ,
Шиорлар жар солар бекатларда ҳам.
Ҳар қадамда гўё беради буйруқ,
Қуруқ хитоблардан гангийди одам.

Кўз толиб, дил нолиб ўйга ботасан:
Шиорлар мазмуни эди-ку бечун!
Ҳайрат ёқасида тошдек қотасан:
Сийқаси чиқдимми ёинки бугун?

Ўтли шиор эди олий мақсадлар
Боболар инқилоб ясаган даврон.
Жанговар шиорлар бўлмаса агар
Урушдан чиқмасдик ёлиб қаҳрамон.

Фурсат ўтган сари тушдимми қадри,
Ё турғун даврнинг акс садоси бу?
Қайга кетди ўтли шиорлар амри?
Лоқайдмиз келганда энди рўбарў.

Халқ дейди: яхшидир шакарнинг ози,
Кўп бўлса, тегади бир кун меъдага.
Шиорлар оз бўлиб — саз бўлса кошки,
Адолат бонгини урса ўлкага.

Аммо, шиорбозлар ҳамон авжида,
Эски корхонаси ёпилган эмас.
Бурилиш даврининг ўйнар саҳнида,
Қайтадан қурмоқни, балки ўйламас.

Бас, етар! Камайса қуруқ шиорлар,
Ишимиз орқага кетмас, эҳтимол.
Шиорларсиз меҳнат қилса шунқорлар,
Нафасин ростласа ўлка бемалол.

Ишсиз қолмас асло шиорбозлар ҳам,
Кўкрагин кермагай, балки минбарда.

Замон талабига мосласа қадам,
Қуруқ шиор билан қилмаса зарда!

Қайта қуриш даврин талаби янги:
Ҳаёт холи бўлсин шиорбозлардан.
Шиорсиз қизисин меҳнат оҳанги,
Эл қочсин шиорга ишқибозлардан!

Шиорлар мазмуни қайтсин аслига,
Беҳуда муҳитга бермасин ҳашам.
Шиор керак бўлса Ленин наслига
Доҳий номи билан ичгайдир қасам.

Дилга шиор бўлсин эътиқод, имон,
Умрни безасин виждон, диёнат.
Ошкоралик туғин кўтарди даврон,
Шиор билан элга қилма хиёнат!

Хотира ҳукми

Биз тирикмиз хотира билан,
У туфайли бошимиз баланд.
Замонларни лол этиб келган
Хотирамыз — бизнинг Самарқанд.

Биз мағрурмиз хотира билан.
Тутқунлик ёт бу олам аро.
Минорадек кўкка юксалган
Хотирамыз — бизнинг Бухоро.

Биз ғолибмиз хотира билан,
У — эрк бонгин чалган қадим Шош.
Маърифатга ташна туғилган
Хотирамыз — бизнинг Кўкалдош.

Биз закиймиз хотира билан,
У, дунёга бергусиз ганждир.
Хоразмнинг меҳри тўкилган
Хотирамыз — кўҳна Урганчдир.

Биз ғолибмиз хотира билан,
У — қирғоққа элтгувчи кема.
Самумлардан бағри тилинган
Хотирамыз — бизларнинг Хива.

Биз улуғмиз хотира билан,
Машриқ аро қолган яхши от.

Навоийга соябон бўлган
Хотирамыз — муқаддас Ҳирот.

Биз бунёдкор хотира билан,
Бағишладик мозийга сайқал.
Дўстлик меҳри билан яралган
Хотирамыз — бизнинг Тожмаҳал.

Биз сахомиз хотира билан,
Тарихларда қолдирдик ёдгор.
Маъмор бўлиб нурга йўғрилган
Хотирамыз — Уш билан Ўтрор.

Хотирамыз азалдан бутун,
У ҳеч кимга бўйсунмас юрак.
Бизни таслим этмоқлик учун
Хотирамыз ўлдирмоқ керак.

Қайси дажжол саҳнага чиқиб,
Ҳужум қилса хотирамызга.
Унга тоғни отгаймиз йиқиб,
Дош беролмас ҳеч кимса бизга.

Биз боқиймиз хотира билан,
У юракда яшаган жондир.
Ўзбек бўлиб дунёга келган
Хотирамыз — Ўзбекистондир!

Минора

Зилзиладан шаҳар бузилди,
Ночор улус қидирди чора.
Иморатлар жони узилди,
Омон қолди якка минора.

У ҳам, аммо, лат еган — пора,
Минорасиз бўлмайдди шаҳар.
Жипслашдию улус тобора,
Шаҳар бўйлаб қизиди ҳашар.

Иморатлар юксалди бир-бир,
Лекин тамом битмади яра.
Улус қанча кўрмасин тадбир,
Тикланмади янги минора.

Эскисига қилди қаноат,
Таъмир этиб бўлмас — начора?
Ёдгорликмас, у бир харобат,
Нажот излар вайрон минора.

Аросатда қолиб бош меъмор,
Дардларига ахтарар чора.
Қулатмоққа бермас ихтиёр,
Омонатдир гарчи минора.

Ваҳм босар — йиқилса бехос,
Қанча қисмат бўлгайдир қора.
Замон билан талашиб мерос,
Савлат тўкар бошсиз минора.

Учинчи қутб

Икки қутб мавжуд — абадий музлик:
Бириси жанубда, бири шимолда.
Уртада шоирдек турибди ўзбек,
Учинчи қутбни кўзлаб шикорда.


Абадий музликдан асар йўқ унда,
Қор ёғса — бир дамда эриб кетадир.
Севги кемалари асов тўлқинда,
Қирғоқдан-қирғоққа сузиб ўтадир.

Галаён кўтариб яшар денгиздек,
На кундуз, на кеча билмас ҳаловат.
Жавоҳир изловчи ғаввосдек ўзбек,
Муҳаббат қўшиғин қилар тиловат.

Икки қутбни у забт этган қачон,
Барча синовлардан саломат ўтиб.
Бир қутбни, аммо, ололмас ҳамон,
Одамлар қалбида бу олис қутб!

* * *

Кимки замин фарзанди —
азиз жигарбанд менга,
Тили ўзга, дили бир —
жон ила пайванд менга.
Меҳримни чароғ қилиб
дил уйида ёқурман,
Иқбол ўғлони дебон
жаҳон орзуманд менга.
Тинчлик ниҳоли билан
Эрк боғин яшнатурман,
Дунё кўзин қувнатган
мевалари қанд менга.
Жумла жаҳон иқболин
қўриқлайман хатардан,
Қалбига ғам қўнмасин,
барчаси дилбанд менга.
Сидқ-вафо гулшанида
қадрини тутдим баланд,
Улуғлар падар бўлса,
кичиклар фарзанд менга.
Аҳд қасрини қурғали
дилимга сўзлар башар,
Беҳунар киши йўқдир,
барча ҳунарманд менга.
Не бахтдирки, қисматга
зар билан ёзди Ватан:
Олам боғи сизгаю,
ёлғиз Самарқанд менга.



Саид Аҳмад

ЖИМЖИТЛИК

Роман¹

ИККИНЧИ ҚИСМ

Юлдуз сўқмоқлари

Белингадаги пичоғингни, минган отингни, никоҳингдаги хотинингни бировга ишонма, болам...

XVII

Райкомнинг биринчи секретари эрталаб парткомга телефон қилиб, Мирвали у ёқ-бу ёққа кетиб қолмасин, ўн бирларда бораман, деб айтиб қўйган эди. У айтган пайтида келди. Аммо эшик олдидаги навбатчи йўлини тўсди. У мен райкомнинг биринчи секретариман, қўйиб юборинг, деса ҳам кўнмади. Хўжайин ҳеч кимни киритма, деганлар, деб туриб олди. Жаҳли чиққан секретарь телефон трубкасини олиб директорга улашни сўради. Қабулхонадаги қиз олди.

— Директорга райком секретари Қодиров кепти, денг...

Қиз хўп, ҳозир кириб айтаман, деганча анча ҳаяллаб қолди. Кейин трубкадан овози келди:

— Ҳозир қабул қилолмас эканлар, эртага келсин, дедилар.

Райком секретари шунча йил ҳар хил лавозимларда ишлаб бунчалик мулзам бўлмаган эди. Бу қанақаси? Уз қўл остидаги одам шундай деб турса...

Қодиров қайтиб кетди. Райкомга келиб обкомнинг биринчи секретарига бўлган воқеани телефонда айтиб берди.

— Да-а,— деди обкомнинг биринчи секретари Маҳкамов,— жуда шишиниб кетиптилар-ку. Бурниларини ерга ишқаб қўйиш керакка ўхшайди. Мундоқ қилинг. Кечқурунга бюро чақиринг. Мен ҳам қатнашаман. Жуда бошимизга чиқариб юбордик уни.

— Битта шу масалага бюро чақирсак қанақа бўларкин?

— Ахир, пишиб турган масалалар кўп-ку. Масалан, чорванинг қишга тайёргарлиги. Авжи ем-хашак тайёрланаётган пайт. Ахборотларини эшитайлик. Ундан кейин кўп профилли касалхона қурилиши масаласи ҳам бор. Бўпти, кечқурун ўша ерда гаплашамиз.

Аммо кечқурун гаплашиш насиб қилмади. Телефонда гаплашиб қўя-қолишди.

— Қодировмисиз? Укам, энди шундоқ бўлиб қолди. Бюрони қолдиришга тўғри келади. Тошкент билан гаплашган эдим, кўнишмади. Ҳозирча бу масала очик қолатурсин. Сиз диққат бўлмайд ишингизни қилаверинг.

¹Охири. Аввали ўтган сонларда.

Қодиров кеч салқинда бир-икки хўжаликнинг тамакисини кўрмоқчи эди. Кўнглига сиғмади. Шофёрига жавоб бериб, ўзи уйига пиёда кетди.

Мирвали шу куни киночилар билан банд эди. Кино комитети у тўғрида ҳужжатли фильм қилишни планлаштирган, аллақачон ижодий группа ҳам тузиб қўйган эди.

Киночилар сал тантиқроқ, бачканароқ халқ бўлади. Улар куни билан боғда трусичан, майкачан бўлиб, ишни нимадан бошлашни маслаҳатлашишарди. Боғ этагидаги ялангликда овоз ёзадиган, электр токи берадиган автобуслар, ҳар хил прожекторлар ортилган юк машинаси турарди.

Тақирбош, серсоқол режиссёр қўлларини силкиб, олинажак фильмнинг қандоқ бўлишини Мирвалига тушунтирарди.

Расулбек машина панасида туриб Мирвалини имлаб чақирди. У анча ташвишли кўринарди.

— Келавермайсанми? Қиз боламисан, уяласан!

— Э, буёққа келинг, хўжайин. Зарур бўп қолди.

Мирвали режиссёрнинг гапларига астойдил қизиқиб кетган экан, шундоқ суҳбатни бўлган Расулбекни саннаб олди борди.

— Нима дейсан?

— Исроилдан айрилиб қолдик.

Мирвали бир дам эсанкиради. Исроил анчадан бери касал эди. Ғўзага сепиладиган доридан қони бузилиб қийналиб ётганди. Бир марта қонини алмаштиришди ҳамки, ўзига келолмади. Ана кетаман, мана кетаман, деб энгак ташлаб ётганди. Ахийри бўлмапти-да. Э, аттанг, қандоқ йигит эди-я!

Мирвали бир сўз демай режиссёр олди борди. Бўлган воқеани айтиб кинога олиш бир-икки кун кечикадиган бўлди, дедию идорага қараб кетди.

Исроил кўксига «Олтин юлдуз» таққан қаҳрамонларнинг биринчиларидан эди. Ҳалол ишларди. У бошчилик қилган пахтачилик бригадаси сира фирромликсиз, йилдан-йилга ҳосилни ошириб борарди. Шунинг учун ҳам уни Олий Советга депутат қилиб сайлашган. У сира ўзини аямасди. Менга дори таъсир қилмайди, деб дори пуркаётган трактор орқасидан кетаверарди. Самолётдан сочганда ҳамма қочардию у далада қолаверарди.

Идора олдида активлардан етти-саккиз киши тўпланиб туришарди. Мирвали уларни эргаштириб биринчи қаватдаги каттакон хонага олиб кирди. Улар қачон дафн қилиш тўғрисида ундан гап олишмоқчи эди. Мирвали уларнинг дамини қайтарди.

— Исроил кичкина одам эмасди. У республика миқёсидаги қаҳрамонлардан эди. Маслаҳатни Тошкентга солиш керак. Қачон, нима қилишимизни ўшалар айтишади. Обком билан, ЦК билан гаплашиб, аниғини айтаман.

У шундай деб столда турган телефон трубкасини олиб:

— Тошкентни тез ула. ЦКни ол,— деди.— Биринчининг номерини биласан. Код билан тер!

У яна битта телефонни олди.

— Областни ула. Обком секретарини уйда бўлса уйдан, районда бўлса райондан топ. Шошма, аввал область телефон стансасини чақир. Менинг номимдан айт, барча йўлларни очиб қўйсин!

Ҳамма жим. Ҳеч кимдан садо чиқмасди.

— Райкомга ҳам телефон қилиб қўйиш керак эди,— деди партком секретари.

У ҳали жуда ёш, фақат Мирвалинигина тан олар, ундан бошқа ҳеч кимнинг гапини олмасди. Мирвали қаёққа борса, орқасидан соядек эргашиб юрарди. — Райкомга ўзинг хабар қил. У сенинг ишинг. Бор, бошқа ёқдаги телефондан хабар қил. Бу линияни банд қилма!

Бир чол: ўликни олиб келавериш керак эди, касалхонада ётмасин, деб қолди. Мирвали уни ҳам силтаб ташлади:

— Ҳавони кўряпсизми? Тирик одам сасиб кетяпти-ку. Аввал қачон чиқазишни билайлик. Ундан кейин бу ёғини ҳал қиламиз.

У гапини тугатмаган ҳам эдики, телефон зарб билан жиринглади. Мирвали трубкани олди.

— Алло, мен Мирвали Рихсиевман, Саломалайкум. Раҳмат, раҳмат. Отaxon ўзларидаларми? Енларида одам борми? Илтимос, ниҳоятда зарур гап бор.

Ҳозир айтмаса бўлмайдиган гап.— У трубкани қулоғига қўйганича анча вақт кутиб турди. Кейин бир йўталиб гапира бошлади.— Ассаломуалайкум. Раҳмат. Ота, Исроилдан айрилиб қолдик... Бугун, шу топда... Нима қилайлик? Сиз нима десангиз, ўшандоқ қиламиз... Хўп. Хўп бўлади. Майли. Кутамиз. Раҳмат.

Мирвали трубкани қўйиб ўрнидан турди.

— Ҳозир отахон катталарни йиғиб маслаҳатлашадиган бўлдилар. Қачон, қай тартибда маросим ўтказишимизни айтадилар. Энди гап бундоқ. Эртага тумонат йиғилади. Саҳардан иккита бригадани кўчаларни тозалашга ташлайсизлар. Сиз ҳозир,— у агрономга қаради,— ҳозир Исроилнинг уйига боринг. Девор-тошлари нураб кетган бўлса ажаб эмас. Бориб кўринг, ремонт зарур бўлса кечаси билан одам ишлатинг. Тошкентдан келадиган раҳбарлар кўнгил сўраш учун уйига киришади. Уятли бўлиб қолмайлик. Иккала новвойхона кечаси билан ишласин. Беш-олти жойда самовар қайнаб турсин. Тоза чойнак-пиёлалардан беринглар.

Кейин у бир оз ўйланиб туриб, инженер йигитга қаради.

— ГАИга хабар қилинг. Етти-саккиз инспектор Қайнар томонда тахт турсин. Айтинг, дурустроқ кийиниб олишсин.

У иккинчи телефон трубкасини кўтарди.

— Нега жимиб кетдинг? Қидиряпти? Районда эканми? Айт, рация билан қидиришсин. «Нега вақтида айтмадинглар» деб минғиллаб юради. Топ. Қидир!

Мирвали ўрнидан туриб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Эртага иккита водавоз олиб келиш керак. Иссиқда одамлар қийналиб қолмасин. Обшепитга айтинглар, икки-уч юз яшик минерал сув олиб келсин.

Телефон жиринглади.

— Мен Маҳкамовман. Кенглик станциясидаман. Академик Шеглов билан станцияни кўряпмиз. Нима гап?

Мирвали обкомнинг биринчи секретарига бўлган воқеани айтди.

— Обкомга келиб шу иш билан шуғулланаман. Сизлар нима қилясизлар?

— Тошкентга хабар қилдик. Жавоб кутяпмиз. Нима дейишса шу бўлади,— биринчи телефон ҳам жиринглади. Мирвали сабр қилинг, Тошкент чақириб қолди, дедию трубкани олди.

— Гап бундай. Эшитяпсизми, Мирвали ўғлим. Эртага Тошкентдан бир группа одам боради. Эрталаб йўлга чиқишади. Узим ҳам боришим мумкин. Кеч соат бешларни мўлжаллайверинглар. Маҳкамовга айтинг, область районларидан вакиллар ташкил қилсин. Мен телефонда тополмаяпман.

Мирвали орага гап суқди:

— У киши Кенглик станциясида экан, ҳозир гаплашиб турган эдим.

— Бояги гапни тайинлаб айтинг унга. Ҳозирча хайр.

Телефон трубкаси ту-тулаб қолди.

— Эртага кеч соат бешларга чиқазадиган бўлдик. Жасадни бугун олиб келмаймиз. Касалхона музхонасида ётатурсин. Бўлмасам иссиқда уриниб қолади. Бўпти. Ҳамма ўз ишини билиб қилсин.

Активлар бирин-кетин тарқай бошладилар. Мирвали ҳам ташқарига чиқди. Райкомнинг машинаси арча тагига келиб тўхтади. Қодиров ҳали ҳам аламдан тушмаган, Мирвали билан гаплашишга унчалик хоҳиши йўқдек эди.

— Гаплашсак мумкинми? Ё эртага келайликми?— деди пичинг билан.

— Менга қара, ука. Олифтагарчиликни кейин қиласан. Ҳозир битта улуғ одам ўлиб ётибди. Бунақа пайтда гина-гудрат йиғштириб қўйилади. Билдингми? Агар хоҳишинг бўлмаса кетаверишинг мумкин. Битта ўликни амаллаб кўмиб олармиз.

Райком секретари Қодиров унга жавобан гап тополмади. Паст келишдан бошқа иложи ҳам йўқ эди. Умуман, қахрамон ва депутат раислари бор район раҳбарларига қийин. Улар райкомдан ошиб катталар билан гаплашиб иш битқазиб кетаверадилар. Айниқса Мирвали бор экан, районга райком чидамасди. Кўпчилик: бу районнинг райкоми кундалик газетага ўхшайди. Бир кунда эскиради, деб кулишарди. Қодиров ҳам ўзининг худди шунақа эканлигини, Мирвали билан тенг келиш ўт билан ўйнашиш эканини биларди-ю, баъзан чидамай кетганда бир пов этиб ёниб қўярди. Кейин, аламининг устини кул босиб, совиб қоларди.

— Қандай қарорга келдинглар?— деди Қодиров паст тушиб.

— Маслаҳат пишган. Эртага Тошкентдан, область районларидан келганларни яхшилаб кутиб олсак бўлди. Буёғидан хотиржам бўлавер,— деди Мирвали.— Илтимос, район ГАИси оёққа турсин. Милицияни ҳам жалб қилинглр. Шу текилинча ҳар хил қаланғи-қасанғилар ариза кўтариб отахонимизни безовта қилмасин. Бунақа ишлар ҳозир кўнгилларига сиғмайди.

Қодиров ичида, тавба, райком секретари менми ё уми, топшириқ беришини қаранг-а, деб ёғиниб қўйди. Аммо тишини-тишига босишга мажбур эди.

Мирвали меҳмонхонага кирганда киногруппа аллақачон кайф қилиб, биллиард суришарди. Режиссёрни четга чақириб, уларни Чорчинорга кўчиришини айтди.

— Бу ерга Тошкентдан келган раҳбарлар киришади. Бир кун минг кун эмас, чидайсизлар,— деди.

Режиссёр соқолини тутамлаб унга бир гап айтди:

— Ҳали сиз чиқиб кетганингизда бир антиқа деталь ўйлаб қўйдим. Эртага мотам маросими ўтаётганда марҳумнинг тепасига борасиз. Биз шу моментни суратга туширамыз. Кўзингиздан юм-юм ёш тўкасиз.

— Ёш келмаса-чи?— деди Мирвали ҳайрон бўлиб.

— Буёғини бизга қўйиб беринг. Пипитка билан милкингизга бир-икки томчи сув томизиб қўямиз. Худди йиғлагандек бўлади. Кейин, маросим тугаб, одамлар кетганда тоғ йўлидаги тошда пешонангизни ушлаб, чуқур ғамга толиб ўтирасиз. Энг қадрдон дўст учун алам-изтироб чекаётганингизни акс эттирамыз. Бу дўстликка садоқат рамзи сифатида томошабинларни ларзага солади.

Мирвали ўйлаб қараса бу режиссёр жуда кучли кўринади. Жуда таъсирли кино қиладиганга ўхшайди.

— Бир қанча ўткир кадрлар бўлади. Чўққида парвоз этаётган бургутларга ҳавас қилиб қараб турган пайтингизни оламыз. Бу инсон парвози симболи бўлади. Тонг отиш, яъни қуёш чиқиш пайтини ҳам оламыз. У томондан тоғ ортидан қуёш кўтариляпти. Бу томондан сиз тоққа кўтариляпсиз. Бу инсоннинг юксалиши тимсоли бўлади. Экранда бир сиз, бир қуёш, бир сиз, бир қуёш кўринаверади.

Режиссёрнинг анчагина кайфи бор эди. Қўйиб берса ҳали кўп гапирадиган. Мирвали унинг тирсагидан ушлаб:

— Болаларга айтинг, Чорчинорга кўчиб ўтишсин. Манаву катта машиналар ҳам бу ерда турмасин,— деди.

У шундай деб меҳмонхонадан чиқиб кетди.

У эрталаб келганда кўчалар аллақачон супурилиб, сув сепиб қўйилган эди. Юк машинасида олиб келинган самоварлар ҳар икки юз метр жойга тушириллар, қутида олиб келинган кўмир-ўтинлар бирпасда қаланиб ўт олдирилларди. Устига оппоқ дастурхон ёпилган столларда янги чойнак-пиёлалар.

Мирвали идорага олиб борадиган йўлларни бир айланиб чиқди. ГАИ ходимларига, милиция офицерларига нималарнидир тайинлаб қайтди. Меҳмон кутадиган жойларни кўздан кечирди. Бугунги қилинаётган ишларни ташқаридан кузатаётган одам Мирвали жанозага эмас, тўйга тайёргарлик кўряпти, деб ўйлаши мумкин эди. У Исроилнинг ўлигини унутиб, келадиган отахонни қандоқ хурсанд қилиб юборишни ўйларди. Қопқоғига ёқут қадалган ён соатига қаради. Саккиздан ўтипти. Ошпаз Абдулазизга радиони олиб чиқишни буюрди. Абдулазиз «ВЭФ» транзисторини столга қўйиб кетди. Мирвали радиони буради. Сўнги ахборот берилаётган экан. Қўлоқ солди. Иттифоқ хабарларидан кейин радио бир нафас тинди. Дикторнинг мотамсаро овози янгради. «Машҳур пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Исроил Маликов 19 август куни оғир касалликдан кейин вафот этди...» Диктор Исроилнинг ҳаёт йўлини, пахтачиликка қўшган ҳиссасини, олган орденларини бирма-бир айтиб ўтди. Кейин таъзияномага имзо чеккан партия-ҳукумат раҳбарлари, атоқли пахтакорлар номини айтди. Улар орасида Мирвалининг ҳам номи зикр этилган эди. Диктор ахборот охирида об-ҳаво маълумотини эшитдирди. «...Республика жанубида иссиқ 45 даражага чиқади...» Демак биз томонда 42 бўлади, деб қўйди Мирвали. Жаноза пайти айна дим тортган маҳал бўлади. Телефон жиринглади. Коммутатордаги қиз Тошкентдан келадиган делегация соат ўн бирда машинада йўлга чиқиши тўғрисида телефонограмма олганини айтди. Ўнларда йўлга чиқишса довонга бир яримларда етиб келишади.

Кутиб олишга обкомнинг биринчи секретари билан икковимиз чиқсак бўлади. Райком секретарининг чиқиши шарт эмас. Бу ердаги ишларни ташкил қилиб турсин.

Соат ўн иккиларга яқин Исроилнинг уйига олиб борадиган йўлга одам сиғмай кетди. Кўчанинг икки бети қатор териб қўйилган скамейкалар билан тўлган. ГАИ инспекторлари бу томонга машиналарни ўтказмаяпти. Радиоузел юракни ўртовчи мақом куйларини тинмай эшиттириб турипти. Ҳаво қизигандан қизиб боряпти. Водопровод кранларидан бирон томчи сув келса-чи. Бир ҳафта бўлган, область халқ контроли комитетининг буйруғи билан тоғдаги қувур боши пломбалаб ташланган. Кетган харажатларни ҳисоблашяпти. Ҳар гал водавоз келганда одамлар ёпирилади. Бири коса, бири шиса банка тутиб сув ичади. Уч юк машинасига ортиб келинган уч юз қути минерал сув икки соатга етмади. Суви бўшаган водавозлар яна Қайнарга қараб йўл олди.

Мирвали директорлик қиладиган совхоз тасарруфидаги жойларнинг ҳаммаси тоғ-тошлардан иборат.

Бу жойларда фақат чорва боқилади. Тамаки экилади. Уч-тўрт минг гектар боғ ҳам бор.

Омонқутондан то Ҳазрат Баширнинг нарёғидаги силсилаларга уланиб кетган тоғ тизмаларигача ана шу Мирвали хўжайин. Ундан берухсат бирон хўжалик бу тоғларга эчки ҳайдаёлмайди. Пичан ўролмайди.

Совхоз катта даромад олар, республикадаги энг илғор хўжаликлар қаторида тилга олинади. Аммо негадир Мирвалининг бунга ҳам кўнгли тўлмасди. Пахта экмасанг дурустгина оғизга тушмайсан, деб ўйларди. Аммо пахта эскулик бир қарич ҳам текис ери йўқ эди.

Тоғнинг кунгай томонида тахминан саккиз минг гектар ўр-қирли бўз ер бор. Бу адирларга сув чиқмаганидан, бекор ётади. Кўклам паллаларида қип-қизил лолақизғалдоқларга бурканадию майнинг ўрталарига бориб қовжираб қолади.

Мирвали кўпдан шу адирга кўз тикиб юрарди. Агар сув олиб келинса минг йиллардан бери чорва қийлари қатлам-қатлам бўлиб кетган бу жойда пахтадан энг баланд ҳосил олса бўлади, деб ўйларди. Аммо бу жой бошқа область, бошқа районга қарайди. Бордию шу жойни обод қилиш керак бўлса биронта хўжалик бошлиғи юрак ютиб иш бошлаёлмайди.

Дўнгликларни текислаш, сув олиб келиш унча-мунча одамнинг қўлидан келмасди. Аммо Мирвали бу ишни эплаёларди. Унинг қўли узун, пичоғи кескир. Катталар билан гаплашаолади, кирган идорадан бирон нимани юлиб чиқаолади. Шавкат Раҳимович бир келганда Мирвали шу адирдан гап очиб қолди.

— Шу жойни менга беринг, ота. Пахта экиш қанақа бўлишини бир кўрсатиб қўяй.

Раҳимов сап-сариқ малла тўнга бурканиб ётган адирга қараб бош чайқади.

— Эпполмайсиз, ўғлим. Сув керак. Кўп сув керак.

— Сув бўлади. Битта гап айтиб қўяй, ота. Агар менга ишонсангиз ишни бошлаб юбораман. Келаси йили худди шу пайтда бир келасиз. Шу адирларнинг икки минг гектарида тизза бўйи пахта ўсиб ётганини кўрасиз. Аммо-лекин Ирсовхозстрой раҳбарларига тайинлаб қўясиз. Нима сўрасам берсин.

Раҳимов унинг гапларига ишонинқирамай, хўп, деди. Мирвали учун мана шу биргина хўп, деган сўз керак эди.

Эртасидан бошлаб Мирвали адирларни икки-уч айланиб чиқди. Дилида нималарнидир хомчўт қилди. Кейин бир даста қоғоз кўтариб Тошкентга кетди. Орадан ўн кунлар ўтиб ўнлаб булдозерлар, тракторлар, скреперлар адир томон ўрмалади.

Тахти қорача довонидан бетон лоток юклаган азамат машиналар ошиб ўтиб яна кучанганча адирга чиқа бошлади.

Мирвали эса адирга кўтариллиш жойига иккита вагон-уй келтириб кўчиб кирди. Тўртта водавоз тинмай сув ташиб турипти. Саккиз ўчоқда икки маҳал овқат пиширилади.

Ҳаммаёқ чанг, ҳаммаёқ тўзон.

Катта Ўзбекистон трактидан ўтаётган машиналардаги одамлар, бу томонда нима бўляпти ўзи, деб ҳайрон қараб ўтишади.

Адирларда кечасию-кундузи мотор гуриллайди. Баъзан шамол эсган пайтларда адирдан кўтарилган тўзонни боғлар устига тортади.

Кенглик станциясидаги олимлар хуноб. Ахир, бутун Ўрта Осиёда ғуборсиз тиниқ ҳаво шу ерда. Шунинг учун ҳам юлдузларни кузатиш қулай. Аммо адирдан кўтарилган чанг-тўзон ҳавога таралиб осмонни хиралаштиряпти. Юлдузларни кузатиш қийинлашяпти. Тошкент обсерваториясидан, академиядан одамлар келди. Ҳатто академик Шчегловнинг ўзи келиб бу бемаъни ишни тўхтатишни талаб қилди. Министрлар Совети адирда ишни тўхтатиш тўғрисида топшириқ берди. Аммо Мирвали ҳамма топшириқларни рад қилди. Бир дақиқа ҳам ишни тўхтатмади.

Кенглик станциясида телескопнинг ноёб линзаларига чанг ўтираверганидан ғилоф кийдириб қўядиган бўлишди.

Мирвали ана шунақа ўжар, ана шунақа қўли узун раҳбарлардан эди. Айтган жойидан кесар, ушлаган жойини узиб оларди.

Адир уч ой чанг-тўзонда қолди. Термез, Қарши, Жиззах, Мирзачўл ерларини ўзлаштираётган бульдозерларнинг ҳаммаси шу адирда. Юзлаб техника кунни тунга, тунни тонгга улаб ер сурди.

Сув хўжалиги министрлигининг техникаси канал қазиш билан банд. Уч жойга кучли насос ўрнатяпти. Уч тегирмон сув эллик метр баландликка кўтарилади. Юқори вольтли электр линиялари тортиб келинати.

Ноябрь шамоллари эса бошлаган кунлари адирнинг икки ярим минг гектар жойи кафтдек теп-текис бўлди. Мирвали баъзан текисланган ердан бир сиқим тупроқ олиб кафтида эзиб кўради. Сап-сарик, олтинга ўхшайди. Эзғиласанг, берч бўлиб қўлингга ёпишмайди. Уқаланиб кетади.

Шавкат Раҳимов Термезга кета туриб Мирвали билан адирга чиқди. Уч ярим ойда қилинган ишларни кўриб ҳайрон бўлди. У бунчалик тез бўладиган иш эмас, деб ўйлаган эди.

Шунда Мирвали кафтига тупроқ олиб Шавкат Раҳимовга уқалаб кўрсатди.

— Қаранг, ота. Бу тупроққа одам экса ҳам кўкаради. Келинг, бас бойлашайлик. Келаси йили шу ердан гектар бошига олтмиш центнердан пахта олиб бераман. Агар сўзимнинг устидан чиқмасам кўкрагимдаги Олтин юлдузимни чиқариб қўлингизга бераман. Агар сўзимнинг устидан чиқсам сиз нима қиласиз?

Мирвали Раҳимовнинг эркаси эди. У билан худди бирга тепкилашиб ўсган ўртоғидек бемалол гаплашаварди.

Раҳимов унинг гапларидан яйраб кулди.

— Агар сўзингизни устидан чиқсангиз, юлдузингиз иккита бўлади. Келишдикми?

Икковлари шу жойда, ҳали жўяк олинмаган, сув келмаган тап-тақир бўз ерда қўл олишишди.

Мана шу воқеага ҳам ўн етти йил бўлди. Адирда йигирмага яқин янгича уйлар қурилди. Бу бўз ерга биринчи бўлиб Исроил пахта экди. Уша йили ҳар гектардан ўртача олтмиш беш центнердан ҳосил кўтаришди. Шавкат Раҳимовнинг ўзи келиб Мирвали билан Исроилни табриклаб кетди. Икки йил ўтиб Исроил қаҳрамон бўлди. Аммо Мирвалининг бир юлдузи икки бўлмади. Ҳар гал Мирвали Раҳимов билан учрашганда қизиқчилик орасида адирдаги қўл олишганларини эслатиб қўяди. Раҳимов унга, сабр қилинг, ўғлим, мавриди келиб қолар, деб кўярди.

Орадан беш йил ўтиб адирнинг пахтаси айниди. Салга дардга чалинадиган, тўплаган ҳосилини ташлаб юборадиган бўлиб қолди.

Адир тоғ қўлтиғида бўлганидан бу ерда шамол айланмас, дим бўларди. Тоғ бошини ўраган булутлар кечаси билан адирга шудринг тўкарди. Нам ҳавода ҳашоратлар кўпайиб кетди. Айниқса саратонда осмонда пайдо бўлган оқ булутнинг сояси тушган жойда пахта дардга чалинарди.

Мирвали кимёвий дориларга зўр берди. Йилига неча марталаб сочилган доридан ер гиёванд бўлиб қолди.

Исроил кечасию кундузи даладан чиқмас, дори сепаётган трактор кетидан юраверарди.

Мирвали доридан қўрқарди. Кейинги икки йил ичида у адирга бутунлай келмай қўйди. Ўз тили билан айтганда, адирга «узоқдан раҳбарлик» қиларди.

Мана энди Исроилнинг вафоти сабаб бўлиб адирдаги янги маҳаллага келди.

У бундан тўққиз йил аввал адирда бир боғ қилган эди. Аммо кўнгилдаги ҳосилни бермаганидан қўлини ювиб қўлтиққа урган эди.

Мирвали шу боққа кираверишдаги мажнунтол тагида чой хўплаб ўтирган эди, обком секретари Маҳкамов келди. Мирвали бу одам билан анчагина чап эди. Бирининг гапи бирига тўғри келмасди. У ҳеч қачон Шавкат Раҳимов келганда у билан кутгани чиқмасди. Якка ўзи кутиб оларди. Бугун ўлим ўртага тушганидан ноилож у билан довонга боради. Аммо йўлда у билан нимани гаплашаман, деб ўйларди. Яхшиси у ўз машинасида, мен ўз машинада кетақолайлик, орага гап тушиб яна бирон дилхиралик бўлиб ўтирмасин, деб ўйлади. Маҳкамов у билан кўришиб курсига ўтираркан, ҳавонинг исиб кетганидан нолиб, дастўмоли билан пешона терларини артиб олди. Мирвали унга чой тутди. Маҳкамов олмади.

— Яхна йўқми?— деб сўради.

Мирвали нариги боғда яхна борлигини айтди, нариги боғ довоннинг нарёғида. Мирвали атайлаб шундай деди. Маҳкамов энсаси қотиб соатига қаради.

— Ун бир ярим бўпти. Йўлга чиқишганига бир ярим соат бўлди. Биз ўн иккида кўзғолсак ҳам ярим соатдан мўл вақтли борамиз. Бўлмасам мен бир душ қабул қилиб олай.

Мирвали душда сув йўқлигини, умуман водапровод пломбаланганлигини айтди. Маҳкамовнинг бу гапдан хабари бор эди. Ўзини билмаганга солиб, э, шунақами, деб қўяқолди. Мирвалининг бир оғиз гапи. Шундоққина тол тагидаги курсида турган телефонни олиб бирон шиша минерал сув ёки яхна чой олиб чиқинглар, деса бўлади, биронта хонадондан дарров олиб чиқишади. Аммо Мирвали бундай қилмади. Индамай ўтираверди. Маҳкамов бу ўзидан кетган одамдан яхшилик чиқмаслигини билиб, шофёрини чақирди. Ёнидан пул чиқариб иккита кабоб билан бирон шиша сув топиб келишни буюрди. Мирвали ўрнидан туриб шофёрнинг қўлидан пулни юлиб олди.

— Пулингизни киссангизга солиб қўйинг, ўртоқ Маҳкамов. Кейин керак бўлади. Тошкентликларнинг ҳаммаси шунақа. Жаҳли бурнининг учида туради,— у шундай деб шофёрга юзланди.— Сиз кетаверинг, ука.

Мирвали телефон трубкасини олиб «Мингчинор» кафесига яхна чой, овқат, чалоб олиб чиқишни буюрди. Маҳкамов ўрнидан туриб, яхнангиз ўзингизга буюрсин, дедию машинага ўтириб жўнаб кетди. Мирвали, оббо, зардангдан ўргилай, деганча орқасидан қараб қолди.

Маҳкамов у билан сира ёзилиб гаплашолмасди. Ҳаммавақт баланддан туриб гаплашади, дерди. Аввалги секретарни ҳам куткилайверганидан охири кетиб қутулди.

Бу райондагилар райком секретарини кундалик газетага ўхшатсалар, обком секретарларини ойлик журналга ўхшатишарди. Мирвали икковини бирпасда ўқиб эскитар, янгисини кутарди.

Ҳамма учун ҳурматли Раҳимов воҳада фақат шу Мирвалининг гапини гап дерди. Ҳозирги бўлиб ўтган тўқнашувни кузатиб турган одам бўлса, албатта Мирвали тушмагур бу «журнал»ни ҳам ўқиб бўпти-да, дейиши аниқ эди. Аммо тошкентлик бу секретарнинг таги бақувват кўринади. Яқин уч йилдирки, ўтирган курсисини қимирлатиб бўлмаепти. Раҳимов уни анчагина қадрлайди. Ораларидан гап қочиб, ўрталаридан қора мушук ўтган пайтларда Раҳимов кўпинча икковини бақам қилиб, аҳил бўлинглар, деб насихат қиларди.

Маҳкамов партия ишларида пишган, чиниққан раҳбарлардан эди. Қаерда ишламасин, орқасидан фақат яхши гап қоларди. Унинг ҳузурига арз билан кирганларнинг чеҳраси ёришиб чиқарди. Унинг биттагина айби шу Мирвалининг йўриғига юрмагани. Мирвали обком бюросига бошида шляпа билан кирганда, бу ер чойхона эмас, қабулхонага чиқиб, шляпангизни ечиб киринг, деб танбех берган ҳам шу Маҳкамов бўлади. Мирвали сенга бўйин эгаманми, деб қайтиб бюрога кирмай, кетиб қолган эди. Хулласи, икковининг юлдузи-юлдузига тўғри келмай қолганди. Одамлар айтгандек Маҳкамов ойлик журналга ўхшамасди. Мирвали уч йилдан бери ўқийди. Аммо тиши ўтмайди. Орага одамларини қўйиб пора беришга уриниб кўришди, бўлмади. Хотин кишини аралаштиришди, қайрилиб қарамади. Хотинига қимматбахо тақинчоқлар тақинштириб кўришди, бўлмади. Маҳкамов ичмасди ҳам, чекмасди ҳам, хотин-халажга элакишмасди ҳам. Йигит кишини бадном қиладиган жамики нарсалардан холи эди.

«Мингчинор»дан овқат олиб келишди. Мирвали уни қайтариб юборди-да, соатига қараб ўрнидан турди. Ун иккидан ошипти. Демак, йўлга чиқса бўлади.

Мирвали довон йўлига чиққанда то йўл юқорилагунча уч жойда ГАИнинг рацияли, радиокарнайли «Жигули»сини учратди. Демак республика ГАИси ўз ишини қияпти. То довонгача ўн беш километрча илон изига ўхшаш эгри-бугри — серпантин йўл. Бу йўлларда машиналарнинг мотори қизиб, суви қайнаб кетарди. Айниқса шамол орқа тарафдан эсан пайтларда албатта ё моторни совутиш ё сувини алмаштириш керак бўларди. Айниқса оғир юк тортадиган машиналар ҳаддан ташқари қийналиб кетарди.

Ҳамма учун ҳурматли Раҳимов кечагина бу томонларга келиб кетганди. Бугун яна келяпти. Албатта биргина Исроилнинг жанозаси учун атайлаб келмасди. Ҳатто обком секретарлари вафот қилганда ҳам телефонда кўнгил сўраш билан кифояланиб қўяқоларди.

У ҳар йили августнинг йигирманчисидан то йигирма бешинчисигача воҳага келиб, яқинлашиб қолган пахта теримига тайёргарликни текшириб кўрарди. Сурхондарё, Қашқадарё пахтакорлари активини йиғиб, теримни уюшқоқлик билан ташкил этишга даъват қиларди. Исроилнинг ўлими айни шу кунларга тўғри келиб қолган эди. Умуман, Раҳимов, кейинги пайтда бошқачароқ бўлиб қолганди. Узоқ йиллар ўзи азоб бериб, косасини оқартирмаган, оқибатда хастананиб қолган кишиларнинг кўнглини олиш пайида эди.

Нима учун бирдан одамларга меҳрибон бўлиб қолганини бир ўзигина биларди. Ёш ҳам кетяпти. Остидаги курси ҳам қимирлаб қолгандек эди. Москвага тинимсиз имзоли, имзосиз хатлар бориб турипти. Ҳар қанча амалдорлик бўлса ҳам йигирма йил бўлади-да, у бўлса йигирма уч йил халқнинг тепасида. Энди йиқиладиган жойларга юмшоқ болишлар қўйиш керак. Токи йиқилганда лат емасин.

Шу йигирма уч йил давомида ундан азият чеккан атоқли кишилар шунчалик кўп эдики, ўйлаб қараса, ҳаммасининг кўнглини олиб бўлмасди.

Раҳимов бўлаётган гапларни жуда яхши билади. Ҳар гапни эшитадиган қулоқлари, милт этган нарсани илғайдиган кўзлари кўп. У «ҳаммамиз учун ҳурматли» деган гап авваллари самимий жаранглаганини, энди эса қандайдир истеҳзо билан, эрмак қилиб айтилаётганини ҳам билади.

Мана бугун у беш миллион учун кураш қурбони, пахта билан баробар заҳар ютиб «қаҳрамонларча» оламдан ўтган Исроил Маликовнинг жасади тепасида мотамсаро туради. Эти сесканмасмикан? Кўксидаги қўшалок «Олтин юлдуз» шунақа йигитларнинг умри ҳисобига, жони ҳисобига келганини бир дам идрок қилиб кўрармикан? У албатта мотам мажлисида нутқ сўзлайди. Юртни кийинтирган, қаҳрамон, дейди. Аммо унинг — юртни кийинтирган пахтакорнинг жасадини ўрашга кафанлик топилмаганини, охири болалар уйидан иккита чойшаб сўраб олиб, кафанлик қилганларини билармикан? Келгуси бахтиёр авлод сени унутмайди, дейди. Лекин у айтган келгуси авлоднинг аллақанчаси сариқ касалига мубтало бўлганини билармикан? Марҳумнинг жасадини ювиш учун икки пақиргина тоза сув топилмай заҳарланган ариқ сувида ювилганини билармикан?

Унинг кейинги пайтларда ўз ҳаётини ўйлашга юраги бетламасди. Ўйлаган сари қора қатламлар очилиб келаверарди. У орзу қилган ҳамма ниятларига етди. Энди биттагинаси қолди. Учинчи «Олтин юлдуз»ни тезроқ олақолсайди. Ана ундан кейин амал курсисидан ўзи туриб кетарди. Аммо учинчи юлдузга олиб борадиган сўқмоқлар пасти-баланд эди. Юриб етиш қийин бўляпти.

Ҳар гал Раҳимов бу тоғлардан ўтганда қорли чўққиларга боқиб табиатнинг фусункор жилваларидан юраги шавқ-завқларга тўларди. Энди у атрофга қарамас, кеч гуллаб, кеч ҳосил тўккан мевазорларга боқмас, ғуж-ғуж олтин соққадек кўзни оладиган кечки тоғ ўриклари, ёнбағирларда булутдек сузаётган ўн минглаб эчкилар, чўққиларда ҳайкалдек қотган, зийрак бургутлар, синкага солинган дока орқасидан кўринаётгандек нимранг туманлар қўйнида мудраган олис пастликлар энди унга оддий, жуда оддий бир манзарадек туюларди.

Унинг юрагини кемираётган яна бир нарса: куни кеча Тошкентга келиб кетган отахон бўйнига яна ярим миллион тонна пахта юклаб кетди. Бу мўътабар отанинг бир гапини икки қилиб бўлмаслигини у яхши билади. Аслида салкам беш миллион тонна пахтани аранг етказиб бераётган бир пайтда ҳавойи рақамлар «ижод» қилиниб беш ярим миллион тонна деб рапорт беришга мажбур. Отахон энди олти миллион берасан деяпти.

Республика бирон йили чоракам беш миллиондан ортиқ пахта бермаганини ҳеч ким билмаса ҳам унинг ўзи яхши билади-ку. Ота бор экан, уни ҳар қандай бало-қазодан асрайди. Аммо у кишининг кечаги келиб кетиши худди видолашувга ўхшарди. Жуда пишиб, ҳилвираб қопти. Мабодо у оламдан ўтиб кетгудек бўлса борми, Раҳимов вазифасидан осонгина тушмайди. Ҳар ер-ҳар ерга ташлаб қўйган юмшоқ болишларга эмас, қиррали тошлар устига йиқилади. Таги йўқ миллион тонналар тилга киради...

Раҳимов уҳ тортиб юборди. У ҳеч қачон бунақа аҳволга тушмаганди. Ҳозир машинанинг орқа ўриндиғида, бурчакка қисилиб, чорасиз бир алпозда ғужанак бўлиб мунғайиб ўтирарди.

«ЗИЛ» энгил машинаси Кийиксовди момо ҳайкали олдига келиб тўхтади. Боятдан бери бир-бирига ёвқараш қилиб, гапи-гапига қовушмай турган Мирвали билан Маҳкамов машина томон юра бошлашди. Орқадан яна бир «Чайка», бир «Волга» келди. Элдан бурун келиб олган кинооператор аппаратини шайлаб Раҳимовнинг машинадан чиқишини кутиб турипти. Ниҳоят, у тушди. Кинооператорга қўлини кескин силтаб, суратга олма, ишорасини қилди. Шашти қайтган оператор орқага чекинди.

Раҳимов жуда руҳсиз эди. Маҳкамов буни Исроилнинг ўлимига қаттиқ куюнибди, деб гумон қилди. Аммо одамга бир қараб ичидаги гапни дарров билиб оладиган Мирвали, отахонга бир бало бўлган, деган ўйга борди.

Шавкат Раҳимов иккови билан ҳам хушсиз кўришди. Нима бўлди, деб сўрамади. Икки қўлини орқасига қилганча Кийиксовди момо ҳайкалини томоша қила бошлади. Ҳайкал пойи гулларга тўлиб кетган эди. Шу йўлдан ўтганки йўловчи бор, тоғ ёнбағирларидан териб келган гулларни ихлос билан қўйиб кетарди. Раҳимов Момо тикилиб турган томонга қаради. Қора Лочин ҳайкалини кўрди. Гуллар отнинг тиззасигача чиққан эди. Тоғ пинжигача суқилиб бир чойхона, бир кадобхона ҳам пайдо бўпти. У аста юриб Қора Лочин томон кета бошлади. Ҳайкал атрофидан бир айланди. Тошга айланган от ҳорғин бир қиёфада, бошини ерга экканча Момо томон кетаётди.

Тоғнинг сарин ҳавоси, бахмалдек товланган ёнбағирлар, офтобга терс турган ҳайбатли тоғларнинг гунафшаранг деворлари, пастлик томон буралиб-буралиб кетган йўллар унинг дилида туриб қолган ғуборни юва бошлаган эди. Тепага интилган отга, юқорида ўзига чорлаб турган Момо ҳайкалига қараркан, ҳайкалтарошнинг талантига тан берди. Тоғ довоида чинакам санъат асари пайдо бўлганидан, уни яратган санъаткорга таҳсинлар ўқиди. Кечагина шу ёдгорликнинг очилиш маросимида қатнашган бўлса ҳам, уни энди кўраётгандек эди.

Ниҳоят, Шавкат Раҳимовнинг чеҳраси ёришди. Юз-кўзлари олқишлар остида минбарларга чиқаётган пайтларидагидек мулоим, мамнун боқиб турарди.

Орқада машинадан тушган қишлоқ хўжалиги министри Тўхтабоев бошчилигидаги делегатлар жимгина унинг ҳайкал атрофида айланишни кузатиб туришарди.

У битта-битта босиб яна юқорига чиқди. Мирвалидан мотам митинги соат нечага тайин қилинганини сўради. Мирвали айтди. Бўлмасам кетдик, деди. Машина эшигини очаётиб, ёрдамчисига қаради.— Укам, сиз нариги машинага чиқинг. Мени қўриқлашнинг ҳожати йўқ. Мирвали ёнимда бўлса мени пайша ҳам чақмайди.

Маҳкамов Тўхтабоевнинг машинасига, Мирвали Раҳимовнинг машинасига чиқди.

Мирвали чиқаётганда Маҳкамовга бир қараб қўйди. Унинг бу қараши гўё кўрдингми, сен киму мен кимман, дегандек маъно англатар эди. Машина ойналаридан ташқари бемалол кўринар, аммо ичкаридаги одам мутлақо кўринмасди. Раҳимов орқа ўриндиқда Мирвали билан ота-болалардек апоқ-чапоқ гаплашиб боришарди.

— Ота, бир ишда ёрдамнингиз керак бўлиб қолди,— деди Мирвали.— Шу Қоплонбоп қишлоғи бизга жуда ортиқча юк-да! Уч ой сайил. Воҳанинг ҳаммаёғидан одам келади. Дукатликлар ичадиган сув шу ердан оқиб ўтади. Жамики ахлат шу сувга тушади. Айниқса ёғингарчилик, сел пайтларда ёнбағирлардаги жами хонадонларнинг чиқиндилари ўрлардан тошиб шу сойга тушади. Ана шунинг учун ҳам дукатликлар калит касалига дучор бўлишади. Эркаклари элликка бормай чол, аёллари қирқ ёшдаёқ кампир бўлиб қоладилар. Уйлаб-уйлаб сайил

мавсуми тугаши билан Қоплонбопдан ўтадиган сойни қувурга олсам дейман. Ўзлари учун бир лоток сув етади. Бир километр бетон қувур керак. Шуни бетон заводидан олишга ёрдам берсангиз. Облплан лимит бермаса олиб бўлмайди. Пулимиз бор, техника, ишчи кучи етарли. Бир ойга қолдирмай битказиб олардик.

— Бу нарсани ўзингиз ўйлаб топдингизми ё бошқа бировнинг ташаббусими?— деб сўради Раҳимов.

Асли бу гап Толибжондан чиққан эди. Гўрни айтиб бўладими? Раҳимов Толибжондан ҳазар қилмаган тақдирда ҳам, ўзим ўйлаб топдим, дерди. Ахир тивит йигириш, рўмол тўқишни ҳам ўзиники деб ўтказди-ку.

— Ўзим ўйладим, ота. Халққа раҳмим келади. Шу қишлоқнинг болаларини армияга ҳам чақиришмайди. Ҳаммасининг ранги заҳил. Қадди букик. Посёлка қуриб берай, кўчиб ўтинглар, десам кўнишмайди. Ота-онамизнинг мозорини ташлаб қаёққа кетамиз, деб рад қилишади.

— Бўпти. Айтаман, лимит беришади. Ишни бошлаб юбораверинг, ўғлим. Бу ишингиз хайрли иш. Савобга қоласиз. Яна қандай гапларингиз бор?

Мирвали пайти келгандан фойдаланиб қолмоқчи бўлди.

— Шу райкомимиз сал нобопроқ йигит чиқиб қолди. Одамлар билан ишлашни билмайди. Гапининг тайини йўқ. Бурдсизроқ. Бизга иш биладиган, ўзини босиб олган одам керак. Юртга ота бўлиб, йўлга солсин. Ахир ўзингиз биласиз, биз тоғ одамларимиз, жангарироқмиз. Яхши гапга кўнмаймиз, биз билан силтаброқ гаплашмаса бўлмайди.

Раҳимов пичинг қилди:

— Биттаси сизми? Сизга битта гап кам, иккита гап кўп. Гапининг бир яримтаси бўлмаса...

Мирвали кулиб юборди.

— Тоғ боласимиз-да, сал ёввойилигимиз бор.

— Ўзбошимчалигимиз ҳам бор, деб қўйинг. Майли, бир ўйлаб кўрайлик. Ўзларингдан тайин қилмаймиз. Чиқиштирмаяпсизлар. Ўзларингдан чиққанини тан олгиларинг келмаса бошқа ёқдан олиб келамиз. Ё мўлжалинглар борми?

— Мўлжаллаган одамимиз-ку йўғ-а, аммо Туробжон Мухсимов деган ўзини босиб олган киши бор. Юрт кўрган одам. Пахтани билади. Техникани тушунади. Илгарилари узоқ йиллар колхозга раис бўлган. Шу одам жуда бизбоп райком бўларди-да, — деди Мирвали.

— Танийман. Жудаям сиз мақтаганча эмас. Устидан бир-икки шикоят тушган. Текшириб кўрайлик-чи, ҳарҳолда қўлидан иш келади. Ўйлашиб кўрамиз.

Мирвали, темирни қизигида бос, деган мақолга амал қилмоқчи бўлди.

— Пахта теримигача шу ишни ҳал қилиб берсангиз яхши бўларди-да. Жуда масъулиятли давр. Бу бола ишни пачава қилиб бизни хижолатга қўйиб ўтирмайсин. Кейин бетингизга қандоқ қараймиз.

Раҳимов индамади. Ниманидир ўйлаб борарди. У ўйини ўйлаб бўлди шекилли, Мирвалига қаради.

— Устингиздан шикоят тушяпти. Қўпол, дейишяпти, ўзбошимча дейишяпти. Шу гапларнинг ростлигига ишонаман.

— Иш талаб қиладиган раҳбарни ким яхши дерди. Албатта ёмон дейди-да.

— Эҳтиёт бўлинг, ўғлим. Юртнинг назаридан қоладиган ишларни қилманг. Одамлар билан тил топиб ишланг. Мен сизни бир марта ҳимоя қиларман, икки марта ҳимоя қиларман, охир-оқибатда ҳимоя қилолмай қолишим мумкин.

— Сизни хижолатга қўядиган иш қилмайман, ота. Менга ишонаверинг. Очиғини айтсам, сизга менчалик садоқатли одам бўлмаса керак. Мен сизни отам деганман. Сиз анави тошкентлик обкомимизнинг минғир-минғирига кўпам қулоқ солаверманг. Мени кўрарга кўзи йўқ. Пичинг қилгани қилган. Ҳайронман, бирон нимадан умидворми...

— Ундай деманг,— дея унинг гапини бўлди Раҳимов.— У яхши, покиза одам. Мен унга ишонаман.

— Ким билади, одамнинг оласи ичида, дейдилар.

Гап билан бўлиб совхозга олиб борадиган чорраҳа олдига келишганини билмай қолишди.

— Ота, нима қилайлик. Митингга ҳали икки ярим соат бор. Одамлар ишдан қолмасин, деб маросимни соат беш яримга тайин қилганмиз. Аввал марҳум-

нинг уйига бориб, оила аъзоларидан кўнгил сўрасак-да, кейин боққа қайтиб, пича дам олсангиз.

— Маъқул,— деди Раҳимов.

Исроилнинг уйи адирда эди. Ун бир йил олдин кўчиб келган эди.

Улар Исроилнинг уйи олдига келишганида тумонат йиғилиб турарди. Раҳимов қўл қовуштириб турган одамларга бош қимирлатиб саломлашди-да, очик дарвозадан далонга ўтди. Ичкаридан хотин-халажнинг айтиб йиғлаши эшитиларди. Раҳимовга, Тошкентдан келган меҳмонларга эргашиб бошқалар ҳам ҳовлига киришди. Чоғроқ ҳовлида ярим доира ясаб турганлар олдига ичкаридан йиғлаб Исроилнинг укаси чиқди. Раҳимовнинг олдига келиб ўзини йиғидан тўхтатолмай салом берди. Раҳимов уни елкасидан қучиб юпатган бўлди:

— Чиданг, ўғлим. Улим ҳар кимнинг бошида бор нарса. Акангиз чинакам юрт ўғли эди. Ҳаммамиз ундан розимиз.

Бошидаги рўмолнинг бир учини тишлаб юзини беркитган хотинлар бир четда мўлтираб туришарди. Раҳимовнинг ўзи бориб улардан кўнгил сўраб, таъзия изҳор қилди.

Мирвали Шавкат Раҳимовга ортиқча ҳаяжонланиш мумкин эмаслигини биларди. Аста бориб тирсагидан беозор тутди-да, энди кетайлик, ота, деди. Раҳимов унга эътироз билдирмай бирга ташқарига чиқди.

Икки бети одамлар билан тўлган кўчадан ўтишаркан, Раҳимов бир нарсага ҳайрон эди. Водавозлар олдида одамлар ғужғон ўйнарди. Биров пақир кўтарган, биров шиша банкада, биров косада сув олиб ичарди.

Шавкат Раҳимов, нима, сув йўқми, нега водавозларда сув ташияписизлар, деб сўради.

— Биласизми, бу сувларни қаёқдан опкелтиряпмиз? «Қайнар»дан. Бизнинг сувларни ичиб бўлмайди. Ғўзага сепган дориларимиз ариқлардаги сувларни заҳарлаб ташлаган. Ҳатто молларни ҳам сувдан узоқроқ жойдан ҳайдаб ўтамиз.

— Водапровод ишга тушди, деган хабарни газетада ўқиган эдим шекилли.

— Тўғри, газетада шунақа хабар чиққанди. Аммо халқ контроли комитети ўртоқ Маҳкамов топшириғи билан қулоқ бошидаги қувурни пломбалатиб қўйган. Текширяпти. Битта хўжалик учун тўқсон километр ердан сув олиб кепти, бунга палон пул, палон километр қувур кетган, деб кавлаштириб ётишипти.

Раҳимовнинг астойдил жаҳли чиқиб кетди. Боя Мирвали ўтирган мажнун-тол тагидаги йўллардан бирига ўтирди. Расулбек пилдираганча келиб бир чойнак кўк чой билан уч-тўртта пиёла қўйиб кетди. Раҳимов ғазаб билан Маҳкамовга қаради.

— Бу қанақаси?

Маҳкамов бу ишга аралашмаганини айтди.

— Мирвали, дўстим. Билиб-билмай гапираверманг-да. Водапровод пломбаланганини мен ҳам шу бугун эрталаб эшитдим.

— Чақиринг, ўша халқ контроли комитетининг раисини!— деди Раҳимов ўзини босолмай.

Учовларидан ташқари қишлоқ хўжалиги министри Тўхтабоев бор эди. Раҳимов Маҳкамовдан пахта теримига тайёргарликнинг боришини суриштирди.

— Эртадан колхозчиларга то теримгача дам берамиз. Тўйи бори тўйини қилиб олсин. Истагани Самарқандга, истагани Шаҳрисабзга борсин. Пахтадан бу йил кўнглимиз тўқ. Планни опчиқиб кетамиз.

Биринчи Маҳкамовнинг гапини бўлди:

— Ўтган йили ҳам шунақа дегандингиз. Ҳаммадан кейин аранг планни опчиққансиз. Бир минут ҳам ишни бўшаштирмаслик керак. Мана, ўртоқ министр билан Сурхондарёдан қайтишда сизга қўниб ўтамиз. Демак далада колхозчиларни кўрмас эканмиз-да! Районларда кенгашни ким билан ўтказамиз? Илтимос, одамларга йигирма бешинчидан кейин дам беринг. Шундоқ қилинг.

Маҳкамов, хўп, айтганингизни қиламиз, деди. Шу пайт аланг-жалаң бўлиб халқ контроли комитетининг раиси келди. У нимага чақирилганини билмас, сал ўзидан чўчиброқ келарди. Бу одам паст бўйли, озғин бўлишига қарамай худди қўйлагининг ичига тарвуз ташлаб олгандек бесўнақай қорин солган қирқ беш ёшлардаги кўнғиз мўйловли йигит эди. У келиб гуноҳ қилиб қўйган боладек жавдираб турарди. Раҳимов столдаги пахта гулли пиёлалардан бирини олиб Мирвалига берди.

— Ариқдан бир пиёла сув олиб унга беринг. Ичсин!
Мирвали унинг айтганини қилди. Йигит сувни ичишни ҳам, ичмасликни ҳам билмасди.

— Нега ичмаяпсиз, йигит?— деди Раҳимов.

— Ошқозонимда язва бор. Қайнатилмаган сув ичолмайман. Унинг устига ариқ суви заҳарланган.

— Халқ қаердан сув ичяпти?— деб сўради Раҳимов.

— «Қайнар»дан водавозда ташиб келтиряпмиз.

— Водапроводларинг йўқми?

— Бор,— деди йигит.— Суви тўхтатилган. Қурилишда алдамчилик, ўғрилик бўлган. Шунинг учун пломбалатиб қўйганмиз. Текширяпмиз.

— Сувни очиб қўйиб текширса бўлмайдими? Ё қувур ичидаги сув текширишга халақит берадими?

Йигит жавоб беролмади. Ерга қараб тураверди. Раҳимов жаҳлига чидолмай ўрнидан туриб кетди.

— Шунча одамни сувсиз қўйиш, бу нима деган гап эканини биласизми? Халқ сувсизликдан қийналиб кетибди-ку. Шунча одамни сув ташиб келиб эплаб бўладими? Бу ғирт душманлик-ку.— У зарда билан Маҳкамовга қаради.— Нега индамай қўйиб бердингиз? Ҳозир сувни очинглар. То сув келгунча мана шу жўмрак олдидан қимирламай ўтираман. Сув келгандан кейин, ўз кўзим билан кўриб, кейин кетаман. Бу одамни муҳокама қилинглар. Жазо беринглар. Мана шунақа одамлар душмандан баттар, зараркунандадан ҳам ёмон... Боринг, боринг, сувни очинг. Бу ишни кавлаштирманг. Мен рухсат берганман. Жўнанг!

Йигит дор тагига кетаётгандек оёқлари чалишиб борарди.

Аслини олганда водапровод масаласи унчалик мураккаб масала эмасди. Мирвали бунақа контролларнинг ўнтаси бўлса ўнтасини ғижимлаб ташлашга қодир эди. Қулоқ бошига чиқиб пломбасини этигининг пошнаси билан битта босганда учириб юбораоларди. Қани, унга таъна қиладиган биронта мард топилармикин. Йўқ. Мирвали пайтдан фойдаланмоқчи бўлиб, атайин бўштоблик қилган. Шундай қилиш керакки, шу арзимаган масаладан Маҳкамов Раҳимов олдида довдираб қолсин. Гап эшитсин. Ана шунда Мирвали хумордан чиқади. У аллақачон то қувур бошигача уч жойга рацияли «Жигули» обориб қўйган. Трубкани олиб буюрса буйруқ рацияма-рация ўтиб қулоқдаги одамга етади. Пломбани юлиб ташлайди. У шундай қилди. Биринчининг кўзи олдида трубкани олиб буйруқ берди. Бирон ўн беш минут ўтар-ўтмас ҳовуз тепасидаги водапровод крани илонга ўхшаб вишиллаш бошлади. Бирон қирқ минутлар ўтиб кран зарда билан зангли сув пуркай бошлади...

Раҳимов ўзини лохас сеза бошлади. У ёқ-бу ёққа юриб, лохасликни таркатмоқчи бўлди. Боши айланиб, босган қадами мўлжалга тушмади.

— Мирвали, доктор борми? Қон босимимни бир ўлчаб қўйсин. Сал кўтарилганга ўхшайди.

Мирвали врачга одам юборди. Сал ўтмай оппоқ чамадонча кўтарган оқ халатли қиз келди. У совхоз профилакториясининг врачси Седона эди.

Биринчи енгини шимариб, билагини тутиб берди.

Седона ниҳоятда кўҳлик қиз эди. Аёлларга унча хуши йўқ Раҳимов ҳам унга маҳлиё бўлиб қолди. Мирвали-ку, ундан кўзини узмасди. У Седонанинг битта холи чап ёноғида, яна биттаси томоғида, яна биттаси қаерида экан, деб ўйларди. Ахир, Седона — учта хол деган маънони билдиради-ку!

Шу топда Мирвалининг ўша учинчи холни жуда-жуда кўргиси келди.

Седона Раҳимовнинг билагидан тасмани бўшатар экан:

— Ташвишланманг, қон босимингиз жиччагина кўтарилипти, холос. Биз томонлар баландлик, ҳар қандай одамнинг ҳам босими ошади,— дея уни юпатди.

У шундай деб чамадончадан қандайдир таблетка олди. Раҳимовга узатмоқчи эди, раҳбарининг ёрдамчиси илдамлик билан қўлидан олди. Таблетка устидаги ёзувни ўқиб, қайтиб берди.

— Бундан ўзимизда бор.

Ёрдамчи машинага бориб таблетка олиб келди. Раҳимов уни тилининг тагига ташлаб, бир минут жим қолди.

Овқат келди. Жиндек тамадди қилиб олганларидан кейин Раҳимов Маҳкамовга деди:

— Энди биз Тўхтабоев билан Сурхонга ўтиб кетамиз. Бойсунда область раҳбарлари кутиб туришипти. Митингга қатнашолмаймиз. Раҳмон Маҳкамович, митингга Марказий Комитет номидан, Олий Совет ва Министрлар Совети номидан, шахсан менинг номимдан шу оғир дамларда район аҳлига ҳамдарад эканлигимизни изҳор қилинг.

У шундай деб ўрнидан турди.

— Ота, шунча йўлдан келиб бир пиёла чойимизни ичмай кетасизми? Нариги боққа овқат буюрганман. Бирга тамадди қилайлик.

Раҳимов қолишга кўнмади. Адирда бурқсиб турган дори ҳидидан лоҳас бўла бошлаган, тезроқ кетақолсам, деб гапни қисқа қилишга уринарди. У дори сепилган далаларда юришдан кўрқарди.

Машина филга ўхшаган баҳайбат тошлар оралаб ўтган йўлдан кетаркан, Раҳимовнинг хаёлига бир гап келди. Обком секретари митингга гапирганда «...ҳаммамиз учун ҳурматли...» деса халқнинг энсаси қотмасмикин, эрмак қилиб кулмасмикин...

XVIII

Толибжон умрининг бу ёғини шу тоғларда, болалиги қолган қишлоқда яшаб ўтказишга қарор қилди. У жаҳонни кезди. Денгизлар, тоғлар, саҳролар ошди. Шоҳона меҳмонхоналарда яшаб кўрди. Лекин шу кичкинагина, азим тоғлар пинжига суқилган она қишлоғидек қадрдон жойни кўрмади. Шу ер менинг сўнгги бекатим, деди. Куёви ҳовли этагига пойдевор қўйиб, бу ёғига чоғи келмаганиданми, қўли тегмаганиданми, ташлаб қўйган уйни битказмоқчи бўлди. Бугун икки ҳафтадирки, у жиянларини ёнига олиб гувала думалатдиради.

Бу қишлоқ одамларининг ажиб яхши одатлари бор. Биров иморат бошласа кўни-кўшнилар ялпи ҳашарга чиқишади. Ҳар куни битта кўшни об-овқатни бўйнига олади.

Толибжоннинг иморатга уннаганидан хабар топган кўшнилар арраю пой-тешаларини кўтариб келаверишди. Бири ходаларнинг пўстлоғини шилади. Бири пойтеша билан тўсин чопади.

Кун ёйилиши билан Толибжон онасини ўрик тагидаги чорпоёга ўтқазиб қўяди. Кампир Толибжоннинг энди ҳеч қаёққа кетмаслигидан, шу қураётган уйимизда иккимиз яшаймиз, деб айтганидан ниҳоятда хурсанд. У ичида, ў, болама, мен буёғига қанча яшардим, сенинг бошингни икки қилсам, шу уйда кўпайсанг, деяпман-да, дерди. Аммо Толибжон уйланмоқчи эмас, умр кетди. Эндиги топилган ҳамроҳни ярим йўлда ташлаб, бахтиқаро қилиб кетиш номардлик, деб ўйларди.

Дарднинг келиши осон, кетиши қийин. У докторларнинг гапларини унчалик эламаган эди. Тоғ ҳавоси, тоза сув таранг тортилган асабларини аста қўйиб юбораётганини ўзи ҳам сеза бошлаган эди. Шу уй битса Тошкентдаги уйимни топшириб, кўч-кўронларимни олиб келардим, деб ўйларди. Қишлоқ совети раисининг кабинети ёнида каттагина хона бор экан. Китобларимни шу жойга олиб келсам. Қишлоқ болалари баҳраманд бўлармиди...

Толибжон яқин ўттиз йилдан бери китоб йиғарди. Уғлим вояга етганда ўқийди, деб ният қилганди. Салкам йигирма минг китоб кимсасиз уйда чанг босиб, сарғайиб ётибди. Шуларни қишлоққа совға қиламан. Яхшигина кутубхона бўлади.

Унинг дилида ниятлари кўп эди. Эндиги қолган умрини она қишлоғининг болаларига бағишламоқчи. Уларни ўқитиб оламни танитмоқчи. Бу қишлоқ болалари учун бирдан бир идеал Штирлиц билан Раж Капур, холос. Болаларни китобга ўргатиш керак. Токи улар ишчи кучи бўлиб эмас, онгли, катта жамиятнинг билагон аъзолари бўлиб етишсинлар. Уларни ҳозирги туриш-турмуши фақат жисмоний меҳнатдан бошқага ярамайдиган қилиб қўяди.

Кунларнинг бирида Толибжон дўсти Мирвалидан, ўртоқ, болаларнинг ўқиши чатоқ-ку, ўқитувчиларинг ҳеч балони билмайди, уларинг на газета ўқийди, на китоб, улар тарбиялаган болалар ким бўлиб етишади?— деб сўраганида, Мирвали хандон ташлаб кулган эди.

— Нима, ўқиб профессор бўлармиди? Ёзиш-чизишни, ўқишни билса бўлди-да. Ундан юқорисини билса кетиб қолади. Институтда ўқийман, деб шаҳарга талпиниб қолади. Битта ўқиган сенми, кетиб қолдинг-ку. Бошингга ташвиш тушмаса қайтиб келмасдинг. Булар ҳам шунақа-да. Менга ишчи керак, олим эмас, ишчи. Илми бўлса тоғда эчки боқадими? Маълумоти бўлса пода кетидан чангга беланиб юриб, бўйнига кўза осиб хонадонлар олдидан «ошҳалол» деб чақириб юрадими? Илми бўлса тили чиқади. Агар менга қолса тоғ ораларидаги қишлоқларда ўрта мактабларни ёпиб, бошланғич мактаб қилиб кўярдим. Саводи бўлмаса катта бўлганда аноним ёзолмайди, билдингми?! Афсуски, бунақа қилолмайман-да, замон кўтармайди.

Бу гапларни юртнинг отаси, давлат миқёсида иш юритадиган Мирвали айтаётганига Толибжон ишонмагани. Қизиқчилик қиялпими, уни лақиллатялпими, ё кўнглидаги гапни айтялпими, билолмагани.

Мирвали ҳеч кимдан ҳайиқмайди. Истаган ишини қилаверади. У, ҳукумат бу тоғларни менга берган, деб ўйлаяпти шекилли. Йўқса бунчалик ҳоким бўлиб кетмасди.

Кампир сўрида ўтирволиб усталарни гапга солади. Уларни кўрмаса ҳам овозидан танийди.

— Ҳой, сен Эгамбердимисан? Невара-чевараларинг тинч-омон юриптими? Қизинг кепқолганди. Кетдими ё ўтириптими? Жўнатвор, қиз деган чиқиб кетган ўйига бегона бўлади.

— Кетган, кетган, эна,— дейди Эгамберди.

— Бинойи бўпти. Энди келса киритма. Чиққан қиз чиғириқдан ташқарида, шу гапни биласанми? Хотининг раҳматли ҳалимдаккина, паришталиккина эди. Уйланмадингми?

— Ёшим ҳам кетиб қолди. Уят бўлар.

— Унақа дема. Дунё шу. Кетган кетди. Энди қайтиб келмайди. Ётаринг бор, тураринг бор. Яна ўзинг биласан, бошинг болишга етганда пешонангга битта уриб қолмагин, дейман-да.

Кампир долчин чойини ҳўплаб узоқ тин олади. Яна усталарнинг гангур-гунгур гапларига қулоқ солади. Гапга аралашгиси келади. Ўзини тутади. Охири бўлмайди.

— Ғупромиддин. Ҳой Ғупромиддин! Илгарилари кириб, бирпас, яримпас гаплашиб ўтириб чиқиб кетардинг. Нега дарагинг йўқ?

Олтмиш ёшлардаги жиккак чол тешасининг сопини белбоғидан ўтказиб сўрига келади. Омонатгина ўтириб кампирдан ҳол-аҳвол сўраган бўлади.

— Кампир эна, хотин уч-тўрт кун ол кетдим, ол қолдим, деб кўрқитди. Шунга андармон бўлиб киролмадим. Долчин чойингизни хумори тутиб туради. Қани, битта қуйинг.

Кампир чой куйиб узатади. Неча марталаб айтган гапларини яна бошлайди. Ғупромиддин кўнгли учун бу гапларни биринчи марта эшитаётгандек ҳа-я шунақами-я, деб ўтираверади.

— Барака топкур хотининг кичкиналигида жуда жикилдоқ эди. Битта гап айтганга ўнтани кўндирарди.

Ғупромиддин бошини силкитиб-силкитиб кулади.

— Э, энаси тушмагур-а, биззи хотин ёшлигида бир гапга ўнни кўндирса, қариганда ўттизни кўндирарди. Унга битта гап айтингу орқангга қарамай қоч.

— Бай, бай, бай,— дейди кампир,— ҳалиям қолмапти-да, шу одати ўлмагур. Ҳай майли, умридан барака топсин. Ишқилиб худо сенга тўзим берсин. Чидайсан-да, чидамай қаёққа ҳам борардинг. Шунча невара-чевара, эвара...

— Қалампирдек заҳар гапларига ўрганиб қолган эканман. Касал бўлганда кўрқиб кетдим. Икки кун тилдан ҳам қолди-да, бояқиш. Қарғишларим ижобат бўлдими, деб ўзимни-ўзим койидим. Жа жонимдан ўтказворганда тилинг кесилсин, деворган пайтларим бўлганди. Тавба қилдим, худойим, тавба қилдим, деб нола қивордим. Хайрият тили чиқди. Ҳозир бинойидек мени қарғаб ётибди.

— Отангни онасини эслайсан-а? Катта бувингни айтялпман.

— Ҳа, биламан. Эслайман. Элас-элас эслайман. Жуда қариб қолган эдилар.

— Ҳа, балли,— дейди кампир.— Уша катта бувингни бобонг Макритдан опқочиб келганди. Ҳусн деганинг ой десанг ой, кун десанг кун эди. Соч дега-

нинг ерга тегарди. Қишлоқ қизлари томга чиқиб қалдирғочдек тизилиб олиб уни томоша қилишарди. Раҳматли тирик бўлганда юз ўттиздан ошарди. Худонинг қудрати билан болалари ўзига ўхшамади. Отасига ўхшаган қаншари пастроқ бўлишди.

— Энажон, энди бораёй, иш қолмасин.

Гупромиддин шундай деб ўрнидан турди. Кампир ўтириб-ўтириб яна зерикди. Ким биландир гаплашгиси, кимгадир йиғилиб қолган гапларини айтгиси келди. Охири чидамай овоз берди:

— Долимбой, нима қиялпсан, битта чой ичиб кет. Пойтешада болор чопавериб белларинг қотиб кетгандир. Келақол!

Атрофдаги усталар Долимбойга қараб илжайишди: бор, борақол, очертинг келди.

Долимбой пойтешани қалин пайрахалар устига эҳтиёт қилиб қўйиб сўрига келиб ўтирди.

Кампир чойнак тагида қолганини силқиб қўйди. Долимбойга узатди. Кейин, Толибе, чой опке, деди. Нимадан гап бошлашини билмай бир оз турди. Ниҳоят гапини топди.

— Долимбой, кичкина қудангни мелиса деб эшитдим. Ростми? Мелисалик ҳам яхши ҳунар. Ёнида тўппончаси бўлса, яна нима керак. Келининг мўмин-қобилгинами, ё мелисани қизиман, деб қайнонасини тоқчага чиқазиб қўйяптими?

— Йўғ-э,— деди уста Долим.— Бу қиз қуда аянинг олдинги эридан. Дада-си сартарош бўлган. Қудачиликни ўша билан қилдик. Даромади яхши. Бутун районда ундан бошқа суннат қиладиган сартарош йўқ. Топиши яхши.

— Ундоқ бўлса, дуруст. Беш-ўн йилдан буён тоғда ўғил бола кўп туғиляпти. Бу ҳам бўлса қудангни ризқи-да. Сенга худо бериб қопти. Ҳозир ўтириб ҳисобласам, мани ҳисобимда сан бу йил олтмиш иккига кираркансан. Келаси йили пайғамбар ёшига кирасан. Мовлуд ўқитасанми?

— Йўғ-э,— деди уста Долим.— Замон кўтармайди Ёшлигимда комсомол бўлганман. Гап тегади.

Кампир лабларини бурди.

— Ҳеч бўлмаса Кийиксовди энамга бироннима ата. Жонлиқ сўй.

Ҳашарчилар Долимбойни чақирди:

— Ҳо, уста бува, қараб қолдик-ку!

Долимбой ўрнидан туриб кетаётганда кампир жавради:

— Бирпас гаплашгани ҳам қўйишмайди-я.

Остонада мункайиб ўтирган чол ёнбошига қўйиб олган пачоқ пақирдан қийшиқ-қинғир михларни олиб болға билан тўғрилларди. У қорин солганидан мункайиб ўтиришга жуда-жуда қийналарди. У, кампир мени ҳам чақириб қолармикан, жиндеккина белимни ёзиб олардим, деган ўй билан тез-тез овоз чиқариб қўярди. «Ҳой болалар, чойга қаранглар, пайраха олдида гугурт ўйнаманглар, оёқ остидаги гувалаларни четга олиб қўйинглар».

Кампир уни овозидан танимади. Бу ким бўлди экан, деб ўйлади. Охири чол чидамай кетди:

— Кампир эна, шунча овоз бераман, нега мени чақирмайсиз?

Кампир овоз келган томонга қаради.

— Кимсан? Танимайроқ турибман. Овозинг нотаниш.

— Ахир, мен Раззоқ буқачиман-ку.

— Овозинг ўхшамайди-ку.

Раззоқ буқачи ўрнига бошқа биров жавоб қилди:

— Ичавериб овози шунақа бўлиб қолган. Кечаси уйга келганда болалари овозидан танитай, аввал девор нахрасидан қараб, дадасилигини билиб, кейин эшик очишади.

— Вой омон бўлгур-э. Ўзингга арақ ўлғирни сувдек ичардинг-да, шу ичингга воҳлигина ўлиб кетарсан, деб ўйлаган эдим. Хайрият жонинг қаттиққина экан. Кел, келақол, битта чой ичиб кет.

Пўстлоқ шилиб бели қотиб кетганларга алам қилди.

— Ҳў, пияниста номард, беочирт ўтдинг-а, энди мени навбатим келган эди.

Кампир Раззоқ буқачига чой узатди.

— Уруш йиллари хўпам қутирганидинг-а. Ўлигингни битта буқанинг бўйнига ташлаб олганинг. Битта ғўнажинга қўйишга 100 сўм олардинг. Эллигини

Ўзинг еб, эллигини буқангга едирардинг. Сани бошингдан ўтган гаплар шундоқ-қина эсимда турипти. Бир чеккадан айтиб берайми?

Улар орасида ўтаётган гапларга қулоқ солиб турганлар, «айтинг, айтинг, кампир эна, бизга оғиз очирмайди, сиз айтинг», деб туриб олишди. Раззоқ буқачи ўзини у ёқ-бу ёққа ташлаб кўрдию бўлмади. Кампир чой ҳўплаб гапга тушиб кетди:

— Шу десанг, Раззоқвой, сан уйланганигда «Рўмолим» пластинкаси энди чиққан йили эди. Тўғрими? Тўйингда ҳовлига патифон опчиқиб ўн етти марта қўйиб эшитганмиз. Уша хотининг тўйдан етти кун ўтмай қочиб кетган эди. Ундан кейин паландаралик битта жувон хотин олдинг. Уша йили пилла тутганларга бахмал бериш расм бўлганди. Уша хотининг яхшигина, соғломгина эди. Бир ойга қолмай ранги сарғайиб, оқсоқланиб қолганди. Сал кун ўтмай оламдан ўтиб кетди. Қанақа дарди борлигини ҳеч ким билмай қолди. Ундан кейин Равот меш томондан қиз олдинг. Кўхликкина эди. Ушанда Охунбобоев билан қувалик теримчи Шакархон Мўминова деган жувоннинг суврати газетада чиққанди. Келини юзини ҳеч ким кўролмади қолганди. Тўйининг эртасигаёқ чирқиллаганича сеп-сидирғасини ҳам ташлаб Равот мешга пиёда додлаб, қочиб кетганди.

Уста Долим гапга аралашди:

— Кампир эна, бу ярамас кунига иккита кирпининг шўрвасини ичади. Бедананинг тухумини хом ютади. Қассоблардан ошнаси кўп. Қўчқор сўйган куни ўқдек учиб боради.

Кампир пихиллаб кулди.

— Тағинам Або Муслими соҳиб қирон бўлиб кетмаган экансан-да!

Бу гаплардан ҳашарчилар қотиб-қотиб кулишарди. Раззоқ буқачи пешонасини уқалаб, терга пишиб, индамай ўтирарди. Кампир худди китоб ўқиётгандек, унинг таржимаи ҳолини аниқ қилиб айтарди.

— Шундан кейин сени танийдиганлар қиз бермай қўйишганди. Яна уч бор уйландинг. Биттаси ўлди, биттасини ота-оналари аравага ётқизиб олиб кетишди. Биттасини эрта саҳарда ўзини сувга ташлаётганда ушлаб олишди. Бечора қоронғи тушиши билан кўшинларникига чиқиб кетганча эрталабгача уйга қайтмасди. Охири у ҳам кетиб қолди. Кейин кимга уйлангандинг? Ҳа, эсимда, бир ёши ўтганроқ яккабоғлик яллагани олувдинг. Ушанда озиб-тўзиб, деворларни ушлаб, ҳассага таяниб, пашшаларга таланиб юргандинг. Хайрият бу хотинининг жони қаттиққина экан. Яшаб кетдинг. Шунга уйландингу пенсияга чиқмасанг бўлмай қолди.

Усталардан бири овоз берди:

— Нима гапто, кампир хола, қишлоғимизди исправишни бўйросимисиз? Ҳамма гапни китобга ёзгандек биласиз-а.

— Биламан-да, кўз ўлгур бундоқ бўлгандан кейин, ўтган-кетганларни эслаб ўтираман. Ҳаммаси ёдимга келади. Бирави бор, бирави урушда ўққа учиб кетган, биравлар тирикчилик, деб тўрт тарафга тарқаб кетган.

У яна Раззоқ буқачига ўгирилди.

— Хўш, хотининг қалай? Невараларга қоришиб ўтириптими?

— Ҳа, энди ўтирмай қаёққа ҳам борарди. Аммо-лекин пардоз-андоз ўшандоқ. Қошидан ўсма, юзидан упа аримайди. Хотин кишининг юзи бир нурагандан кейин пардоз тутмай қўяркан. Қари артистларга ўхшаб терисини тортдирса бошқа гап. Масжид бузилса меҳроби қолар, дегандек асли ҳуснидан пича бор. Шўхлиги ҳам ўзига яраша.

Усталар гап қотишди:

— Буқачи баъзи-баъзида уйдан қочиб чиқиб кечалари самоварда ётиб юради.

Кампирнинг ичи ёлғизликдан гип бўлиб қолган экан. Ҳамқишлоқлари билан гаплашиб роса дилини ёзди. Толибжон эса ҳашарчиларнинг бир ота-онанинг боласидек аҳилликларига, онасининг улар билан очиқ, ўз жигаридек гаплашишига қараб юраги тўлқинланиб кетарди. Дунёнинг ҳеч ерида бунақа аҳил одамларни кўрмаганди. Яхши-ёмон кунларда бир-бирининг пинжиги кириши, биттасининг дардига ҳаммасининг жони оғришига, биттасининг қувончига ҳаммаси баббаравар яйраб кетишига ҳайрон бўлиб қолган эди.

У ҳаётида ана шундай қувончли, нурли, беозор, ҳузур-ҳаловатли дамларнинг кўпроқ бўлишини, узоқ бўлишини истарди.

Кампир ўтирган сўрига офтоб келиб қолди. Толибжон кўтариб айвонга оёриб қўяй, деса кўнмади. Қадрдон ҳамқишлоқларидан бир қадам бўлса ҳам нари кетгиси келмасди.

— Болам, уйдан Зайнабнинг соябонини опчиқиб бер. Тутиб ўтираман. Нега чарчарканман, болам. Сан ота юртингга келиб ватан тикасан-ку, мен чарчайманми? Бу ҳашарчилар кўз олдимда ўсган болалар. Овозини эшитсам ота-оналари эсимга тушади. Уларни тирик кўргандек бўламан. Чарчамайман, болам.

Дарҳақиқат, ҳозир ҳовлини тўлдириб ҳашар қилаётган чолларнинг олди олтишдан, кети эликдан ошган кишилар эди. Кампир улар туғилганда ўттиздан ошган, юрса ер титрайдиган полвон хотин эди. Гурсиллатиб кетмон чопарди. Тоғдан бурни ерга теккундек бўлиб ўтин орқалаб келарди. Толибжоннинг отаси қирга буғдой сепарди. От-улов бўлмай қолганда шу хотин қоп тўла донни елкалаб пилдираганча келаверарди. Мана шу чоллар ўша пайтда тўрт-беш яшар бола эдилар. Улар кампирнинг кўзи олдида ўсиб одам бўлишди. Қанчаси урушга кетди. Келмаганларининг уйларида азалар очилди. Қанчаси бахт излаб аллақачаёқларга изғиб кетиб қолди. Мана шу қолганлари кампир учун бениҳоя қадрли, азиз кишилар эди. Кампир уларнинг барини сенлаб гапирди. Назарида ҳали ҳам болаю тез-тез тергаб турмаса бўлмайдиган туюлади. Шу топда бирон-тасини койигиси келди.

— Ҳой, Абдумажид. Нима бало, хотининг одамгарчиликдан чиқиб қолганми, дейман. Бодомгулнинг маракасида ров кўриниб ров йўқ бўлди.

Абдумажид пўстлоқ шилаётган ўроғини ёнига қўйиб жавоб қилди:

— Бола-чақа кўпайгандан кейин эркакдир, хотиндир одамгарчиликдан чиқиб қоларкан. Бечора Хайрободга тушган қизиникида. Ой-куни яқин. Қизининг қорнига қулоғини тутиб ўтирипти.

Кўча тарафда машина гуриллаб, тўхтади. Остонада Расулбек кўринди. Иши тиғиз экан шекилли, ўтиргани кўнмай Толибжонни етаклаб ташқарига олиб чиқди.

— Ака, Тошкентга зудлик билан боришингиз керак экан. Катталар телефон қилишди.

— Ким телефон қилди? Қаерга боришим керак экан?— деди ҳайрон бўлган Толибжон.

— Унисини билмадим. Мирвали билади. Эрталаб воҳли Мирвалига учрашармишсиз. Машина бераман, бориб келади, деб айтди.

Толибжон Тошкентдагиларга қаёққа кетганини айтмаган эди. Буёқдалигини қайдан билишди экан?

Расулбек эрталаб олиб кетишини айтиб орқасига қайтди.

Уша кеча она-бола алла-паллагача ухлашолмади. Она ўз ўйи билан, Толибжон ўз ўйи билан банд эди. Толибжон эндигина ҳаловат топганимда яна иш билан оёқ-қўлимни боғлашмасмикин, деб ўйласа, кампир шу боламнинг бошини икки қилмасам, у дунёда дадасининг юзига қандоқ қарайман, деб ўйларди. Кампир охиратга ишонарди. Чолим билан юз кўришганимда, шу боламни зурёдсиз ташлаб келдингми, деб таъна қилишидан қўрқаман, дерди. Майли, Тошкентга бориб келсин. Шу уй битиши билан биттасини ўраб-чирмаб олиб бераман. Кўзим тиригида шу ишни қилишим шарт...

Эрталаб Расулбек Толибжонни олиб кетди. Идора олдидаги чорпоёда Мирвали чой ичиб ўтирарди. У тахминан бўлса ҳам Толибжонни нимага чақиртирганларини биларди. Ёдгорлик очилган куни Биринчи Луқмоновга таънадек қилиб, шу иш билан шуғулланинг, деганди. Толиб хўжайинга негадир ёқмай қолган. Унга панд берганларнинг бири бўлмасин тағин? Мирвали ким бўлишидан қатъий назар, Биринчи ёмон кўрган одамни ёмон кўриши, яхши кўрган одамни яхши кўриши керак эди. У бир онанинг бағрида ўсган бўлишига қарамай, Толибжонга ҳам панд бериши мумкин. Кўпдан олисда жилва қилган иккинчи Олтин юлдуз анча бери келиб қолган пайтда, Толибжон экан-ку, ундан яқинроқ жигарини ҳам қурбон беришга тайёр. Нима бўлса ҳам сир бой бермай яхшиликча кузатай, бориб келгандан кейин нима гаплиги маълум бўлади. Қайтиб келармикин? Келмаслиги ҳам мумкин. Биринчининг ғазабига дучор бўлганларнинг қанчаси қаёққа кетганини ҳеч ким билмайди. Толиб нега шу пайтгача Биринчи билан ораси бузуқлигини айтмади? Агар унчалик жиддий бўлмаса, орага тушарди-ку.

Расулбек билан Толибжон келишди. Мирвали дўстини қўлтиқлаб боққа томон бошлади. Ичкарига киришганда унинг кўзига тик қараб сўради:

— Тўғриси айт. Аммо яширма. Шавкат Раҳимович билан ораларингда қандай гап ўтган? Орага тушса бўладиган гап бўлса бирга борай.

Толибжон унга ялт этиб қаради.

— Нима, мени у чақирганми?

— Йўқ,— деди Мирвали.— Иккинчи чақирган. Билишимча, Раҳимовнинг сенга тоқати йўқроқ бўлса керак. Нима бўлган?

Толибжон гапни нимадан бошлашини билмай бир-икки қадам юриб тўхтади.

— Очиғини айтайми? Мен уни область конференциясида танқид қилганман. Атрофини лаганбардорлар билан тўлдириб юборганини, қариндош-уруғларини оқори лавозимларга ўрнатаётганини, пахтачиликда кўзбўямачиликка йўл қўяётганини очиқ-ёруқ қилиб айтганман. Агар билсанг, чет элларда сарсону-саргардон бўлиб юришларимга ўша нутқим сабаб бўлган. Ҳалигача ала-мидан чиқмайди. Мени кўришга кўзи йўқ.

— Нега шу гапларни менга айтмадинг?

— Айтсам, сен ҳам мендан тониб кетардинг. Ахир, сен унинг соясан-ку. Бу кучанишларинг, кекириб юришларинг, зўравонликларинг, давру-давронларинг ҳаммаси ўшанинг орқасидан. Сен яхши одам эдинг. Сендақа ишбилармон, хўжаликни бошқаришда тенг келадиган одамни кўрмаганман. Ҳеч ким қилолмайдиган ишларни дадил бажараоласан. Сен обком секретари бўлишга ҳам, министр бўлишга ҳам ярайдиган одамсан, фақат жоҳиллигинг бор. Манманлигинг бор. Қўлингга қамчининг бўлмаса ишлаёлмайсан...

Мирвали унинг гаплари қанчалик аччиқ бўлмасин, тишини-тишига қўйиб эшитиб турарди.

— Яна гапир!— деди у.— Сендан бошқа ҳеч ким бунақа гапни айтишга менга бетлаёлмайди. Майли, сен гапир!

— Айтаверайми? Агар орқангда Раҳимов турмаса, сен жуда майда одам бўлиб қоласан. Сени зўриқтираётган, кўпиртираётган шу одам. Шуни яхши билиб қўйгинки, сен суяган тоғнинг таги нураб қолган. Наҳотки, ақлинг етмайди! Раҳимов куни битаётганини билиб авваллари озор берган кишиларининг кўнглини олишга уриняпти. Уларга унвонлар, орденлар олиб беряпти. Эрта-индин йиқилсам шулар орасига тушаман, чўқиб ташлашмасин, таъна тошларини отишмасин, деб шундай қияпти. Кўзингни оч, у бир бало бўлса сен яккамоҳов бўлиб қоласан. Болалигимиз, бирга ўсганлигимиз ҳурмати, ёшликда қилган орзуларимиз ҳурмати, дилимдаги гапларнинг барини айтаман. Кейин айтиш имкони бўлмайди. Тошкентга мени бекорга чақиртирмаган. Тунов кўнги митингда унинг кўзи менга тушганди. Ранги бир оқариб, бир кўкарди. Кетяпман. Балки энди дийдор кўришиш насиб қилмас. Бошинг тошга текканда, мени йўлдан қайтарадиган дўстларим қаёқда эди, деб ўкиниб ўтирма. Қўлимдан келса сени бу йўлдан қайтарардим. Энди қайтариб бўлмайди. Йўл бошига бориб қопсан. Яна озроқ юрсанг, тубсиз жар ёқасидан чиқасан. Гапларим қанча оғир ботса ҳам чидайсан. Азбаройи жоним ачигандан гапиряпман. Сен юрт тепасига чиқиб олдинг. Энди уларни тепкилаяпсан. Қўл остингда ишлайдиганлар ходимлар эмас, қуллар. Биласанми, кўчада келадиганингда ўйнаб юрган болалар ҳам уйларига қочиб, кириб кетадилар. Отанг тенги чоллар икки букилиб салом берадилар. Бу сени ҳурмат қилганидан эмас, қўрқанидан. Улар қанча қўрқса, сен шунча ҳузур қиладиган бўлиб қолгансан. Билмадим, бу ёғи нима бўлади? Хулласи, бир-биримизни энди учратолмасак керак. Мабодо ўлмай қайтиб келгудек бўлсам, сени тополмайман, сен излаб борсанг, мени тополмайсан. Икковимиз ҳам йўқ бўламиз.

Мирвалининг вужуди қақшаб кетди. Толибжон у тўғрида эмас, бошқа Мирвали тўғрисида гапирётгандек бўлди. Уша бошқа Мирвалини ёмон кўриб кетди.

— Менга қара, келганингдан бери изимни санаб юрган экансан-да.

— Қўрқма! Сени айблайдиган ҳужжатларим йўқ. Кўнги сезган нарсалар билан айблаб бўлмайди.

— Хўш, кўнги нималарни сезган экан?— деди алам билан Мирвали.

— Қўрқма, деяпман-ку! Билиб турибман, мени у овозим келмайдиган

жойларга жўнатади. Қаерга бормай, яхши бир қадрдоним, жигарим қотилга ай- ланиб қолган, деб афсус-надоматлар чекиб юраман. Ҳеч бўлмаганда бу томон- ларга ўн йилгина олдин келганимда, сени уриб-сўкиб бўлса ҳам, ёқангдан бўғиб, судраб бўлса ҳам тўғри йўлга бошлардим. Бу йўлдан қайтарардим. Сенда буюк арбоб бўладиган талант бор эди. Минг афсуски, боши берк кў- чанинг охирига етиб қолдинг. Энди қайтариб бўлмайди. Хўп, энди мен кетай. Сендан фақатгина битта илтимосим бор. Менинг учун бир марта амалингдан фойдалан. Иккита юк машинаси бер. Тошкентда сал кам йигирма минг том китобим бор. Шунли олиб келай. Қишлоғимизга кутубхона қилиб берай. Болалар ўқисин, одам бўлсин.

Мирвали юзини тескари ўгириб туриб, хўп, деди. Кейин шарт ўгирилиб зар- да билан деди:

— Шу тилинг бўлса, қайга борсанг ҳам рўшнолик кўрмайсан. Биз икки хил одам бўлиб кетган эканмиз. Ишқилиб қаерга борсанг ҳам омон қайт. Қайтган- нингда кўксимда иккинчи Олтин юлдуз бўлади. Мен ҳали узоқ яшайман. Биласанми, аламли гапларингни чидаб эшитдим. Бошқа одам шу гаплар- ни айтганда тилини шартта кесиб ташлардим. Сени тилингни кесолмайман. Кўзларингда ёшлигим яшаяпти. Сенинг бу туриш-турмушинг менинг ёшлик- даги ўт-олов, ҳали ҳаромга қўл урмаган пайтларимни эслатади. Ёшлигимни, поклигимни бир марта ўлдирганман. Энди сенда қолган бўлагини ўлдирол- майман. Энди бор, кет! Яхшиликча ажрашайлик.

Толибжон афсус-надоматлар билан боғдан чиқиб кетди. Чинор тагига келганда нима қилишини, қаёққа боришини билмай туриб қолди. Сояда кутиб турган рацияли «Жигули» шофёри унинг олдига келди.

— Хўжайин буюрдилар. Ҳозир сиз билан гаражга борарканмиз. Орқамиз- дан иккита юк машинаси Тошкентгача бораркан. Юкларингизни опкелармиш. Толибжон бир сўз демай машинага чиқди.

* * *

Эртаси кечга яқин, офтоб терскай томонга ўтган маҳалда Зайнаблар эшиги олдида икки юк машинаси билан янги, оқ «Волга» тўхтади. Бир машина борти китоб, иккинчиси ҳар хил рўзғор буюмлари, шкафлар, кўрпа-ёстик, кийим-бошлар билан тўла.

«Волга»ни Толибжоннинг ўзи миниб келганди. Осмондан тушдими, ердан чиқдими, бирпасда қишлоқ болалари кўчани тўлдиришди. Улар «Толиб тоғам кўчиб келдилар. Толиб тоғам кўчиб келдилар» деб чуғурлашарди. Уларнинг қувончи чексиз эди. Иморат қураётган усталар ҳам ишларини ташлаб ташқари- га чиқишди. Улар энди Толибжон бутунлай шу ерда қолмоқчи эканига ишонган эдилар. Болалар бўлак-бўлак қилиб боғланган китобларни айвонга таший бош- ладилар. Кексалар ўрин-кўрпаларни, шкафларни олиб киришарди.

Кампир сўрида пичирлаб ўтирипти. Толибжон унинг олдига келиб юкларини олиб келганини айтганда, у: билиб турибман, деди. Кейин Толибжон таш- қарига чиқиб «Волга» багажнигидан иккита тугун кўтариб келди. Бу жиянларига, Зайнабга, онасига совғалар эди. Сўрига ўтириб тугунларни еча бошлади. Икки катта тугунда ҳаммага етадиган кийим-кечаклар бор эди. Кейин у машинадан болалар велосипедлари, самокатлар олиб жиянларига тарқатаверди. Шу пайт унинг кўзи ҳеч нарсага парво қилмай остонада мунгғайиб ўтирган Азизбекка тушди. Кўнгли алланечук бўлиб кетди. Шодлигини, болалигини йўқотган бу бо- ланинг аҳволи юрак-бағрини ўртаб юборди.

Айвоннинг шифтигача китоб қалашиб кетди. Шкафларни қўйишга жой қолмагандан ток сўри тагига қўйишди.

Раззоқ буқачиникидан тоғорада, устида янги ёпилган иссиқ нони билан ош чиқди. Ҳашарчилар қўлларини ювиб, сўрига, кампир атрофига чўкка тушиб ўтиришди. Ош устида гап китоб тўғрисида кетди.

— Шу китобларнинг ҳаммасини ўқиганмисиз?— деб сўрашарди.

— Луқмони Ҳаким ҳам шунақа кўп китоб ўқиб олим бўлган эканлар.

— Китоб ўқиган одамларни садағаси кетай, ўқиб-ўқиб сўғин начайли бўлишган.

— Э, нимасини айтасиз, бу китоб дегани юққанга юқаркан. Мана, Муқим

тароқчини ўғли Тошкентдек шахри азимда беш йил ўқиб келиб, мактаб болаларини раз-два қилиб югуртириб юрипти. Шу юқмагани-да. Шожалил утилчини ўғли олти ойгина ўқиб елкасида погону белида тўппонча билан келди. Бу юққани-да. Уйига ҳеч қўли қуруқ келмайди. Кимсан, Шомовлон мелиса. Шу бола мелиса бўлиб келдию қишлоғимизга нур киргандек бўлди. Тўй бўлса у келмагунча қозон очилмайди. Ўзиям мияси бутун бола бўлган. Калласи тўла илм. Газеталарни шариллатиб ўқиб ташлайверади. Ҳукуматнинг энг ишонган одами. Сир сақлашни билади. Бир куни телевизор кўриб ўтиргандик, кириб қолди. Шунда, Шомовлон начайлик болам, менга бир нарсани тушунтириб бер бошқа шаҳарда туриб гапираётган манаву қиз қандоқ қилиб бу шаҳардаги телевизорда пайдо бўлиб қоляпти, деб сўрадим. Ақллилигини қаранг: бобой, сиз бунақа нарсаларга аралашманг, бу давлат сири, ҳаммага айтилавермайди, дейди. Ушанда унга қойил қолганман.

Толибжон бу содда, валекин беғубор кишиларнинг ўзларидек беғубор суҳбатларига кулиб-кулиб, қулоқ солиб ўтирарди.

Кеч кириб, эртага синчга гувала уришни маслаҳатлашиб ҳашарчилар тарқалишди. Толибжон дастурхон йиғиб, у ёқ-бу ёқларини супириб юрган Зайнабни чақирди:

— Синглим, буёққа кел. Айтадиган гапларим бор.

Зайнаб супиргисини ташлаб акасининг ёнига келиб ўтирди. Толибжон ўрнидан туриб ташқарида қолган машинасига калит солиб очди-да, жигарранг дипломат олиб, қайтиб келди.

— Зайнаб, мана шунда анча пул бор. Сенга.

У шундай деб дипломатни очди. Пачка-пачка пулларни олиб синглисининг олдига ташлайверди.

— Омонат кассада эди. Ҳаммасини қайтариб олдим. Ўн етти минг сўм. Бу пуллар керак бўлмайдиган жойларга кетяпман.

Кампир сергакланди.

— Кетасанми? Қаёққа?

— Узоқ жойга, энажон. Ким билади, қачон қайтаман. Зайнаб, синглим, сизлардан бошқа кимим бор. Машинани сенинг номингга ўтказишга ишончнома ёзиб, тасдиқлатиб келганман. Болаларинг катта бўлганда минар. Китобларни қишлоқ советига берасан. Орқадаги хонани кутубхона қилишади. Мирвалига айтганман. Иложи бўлса ўзинг кутубхоначи бўл. Бу китобларни ўттиз йилдан ортиқ йиққанман. Студентлик пайтимда арзимаган стипендиямдан чегириб йиққанман. Бу пулларни кассага қўй. Болаларинг институтларда ўқисин. Пулларни ўшанда, зориқмасликлари учун сарф қил.

Толибжоннинг бу гаплари худди васиятга ўхшарди. Кампир кўнгли бир нарса сезгандек, унсиз йиғларди.

— Бошингни икки қилмоқчийдим. Ўзинг мени тупроққа қўярсан, дегандим. Пешонам қурсин, мунчаям шўр бўлмаса.

Болалар ҳовлида қувонч билан самокат, велосипед миниб қийқиришарди. Қўшни болалар уларга ҳавас билан қараб туришарди.

— Вой акажоним-эй, ўзингизга буюрмаган пулни мен нима қиламан. Олиб кетинг, бирон кунингизга яраб қолар,— деб кўзидан мўлт-мўлт ёш оқизиб йиғларди Зайнаб.

— Пул керак бўлмайдиган жойга кетяпман, дедим-ку сенга. Олавер сенинг болаларинг менинг ҳам жигарим-ку. Тортинмай олавер. Анаву сандиқда тикилмаган сархил матолар бор. Чет элларда юрганда танлаб-танлаб олганман. Қизларингга сеп қиласанми, келинларингга атаб қўясанми, ўзинг биласан.

Она-бола, ака-сингил алла-паллагача ухламай гаплашиб ўтиришди. Велосипедни минолмай йиқилавериш чарчаган болалар ҳар ер-ҳар ерда дўмбайиб ухлаб қолишди. Толибжон онасини кўтариб ўрнига обориб ётқизиш қўйди. Ўзи ташқарига чиқиб остонада ой нурига ғарқ бўлган пастликларга тикилиб ўтираверди. Нариги ҳовли остонаси бўш. Азизбек кириб кетибди.

Ҳаммаёқ жимжит. Соё шовуллайди. Енгил эсган шаббодада япроқлар безор сассиз тебранди.

Толибжон эрта азонда бу ҳаловат масканини тарк этади. Ўтлар чақнаган, одамлар бир-бирига пичоқ санчаётган, ўқ узаётган томонга кетади. Ким билади, у томондан қайтиш насиб қиладими, йўқми?

Кеча уни Иккинчи бошлиқ Рибников қабул қилганди. Совет Иттифоқи билан дўст Афғонистонни бир-бирига туташтирадиган кўприк қурилишига боришини, бу топшириқ партия топшириғи эканини айтди. Толибжон бу кўприкни билади. Термиз билан Афғонларнинг Ҳайратон вилоятини иккига ажратиб оқаётган Аму устига қуриляпти. Буни «Дўстлик кўприги» деб аташган. Толибжон ўшаққа бориши керак экан. Бу бир гап эканини Толибжон яхши билади. Кўприк лойиҳаси аллақачон тузилган, қурилиш ҳам ниҳоясига етай деб қолган. Уни Афғонистоннинг безовта районларида портлатилган кўприкларни тиклашга юборишяпти. Фақат тўғриси айтишмаяпти-да.

У Рибников олдидан чиқиб келаётганда қабулхонада Жайронани учратган эди. У ичкарига кириб кетатуриб, гапим бор эди, Толибжон ака, пастда пича кутмайсизми, деб илтимос қилди.

Жайрона Рибников олдида узоқ турмади. Йигирма минутлар чамаси вақт ўтмаёқ қайтиб чиқди. Боя кабинетга кириб кетаётганда чеҳраси яшнаб турган эди. Энди қандайдир асабийроқ кўринарди.

Улар сўзсиз юриб тўғридаги Гагарин ҳайкали ўрнатилган парк хиёбонидан боришарди.

Анҳорнинг нариги томонидан футбол ишқибозларининг ўқтин-ўқтин ҳаяжонли қийқириқлари эшитилиб турарди. Жайрона гап бошлади:

— Толибжон ака, дарбадарлик яна бошимизга тушяпти-ку. Индамай кетаверамизми?

Толибжон елкасини қисиб қўйди.

— Сизни-ку билмайман, аммо мен бунақа адолатсизликка чидамайман. Ахир, мен аёл кишиман. Умрим ўтиб кетяпти. Ҳеч ким бунга ўйламайди. Рўзғор қилсам, бола-чақа ордирсам, дейман. Мени ҳеч кимим йўқ. Детдомда ўсганман. Дугоналаримнинг уйларига борганимда болаларини кўриб ҳавасим келади. Бегона юртларда дарбадар кезаверсам, қачон бир рўзғорнинг бошини тутаман. Эртами, индин умр ҳам ҳу, деганича ўтиб кетади. Қарирман ҳам. Гўдаклигим «Болалар уйи»да ўтгани етмагандек, қарилгим ҳам «Кексалар уйида» ўтадимми? Ана шуниси алам қилади.

— Қаерга юборишяпти?— деди Толибжон.

— Ливанга. Сизни-чи?

— Афғонистонга,— деди Толибжон.

— Мен бормайман, деб қатъий жавоб қилдим. Борасан, дейди. Коммунистсан, бўйин товлашга ҳаққинг йўқ, дейди. Бормайман, эрга тегаман, дедим.

Толибжон жуда чарчаган эди. Жайронанинг тирсагидан олиб ҳорғин бир товушда деди:

— Жайронахон, иккита юк машинаси мени кутяпти. Қишлоққа рўзғор анжомларини жўнатаман. Келинг, кечқурун кўришайлик. Хоҳланг меникига келинг, хоҳланг, сизникига борай. Аммо сизга дастурхон ёзолмайман. Кутадиган одам ҳам йўқ.

Жайрона юришдан тўхтади.

— Меникига келинг, Толибжон ака. Ичим тўлиб кетган. Тўкиб соладиган одамим йўқ. Сиз аҳволимни биласиз. Ҳеч бўлмаса сизга айтай.

У шундай деб сумкасидан қоғоз олиб телефон номерини ёзиб унга берди. Аввал телефон қилинг, ўзим бориб олиб келаман.

Иккови орқага қайтишди. Жайрона оппоқ «Жигули» эшигига калит солиб очди-да, Толибжонни ўтиришга ундади.

Толибжон уйга келганда шофёр йигитлар сабзи тўғраб ош ҳаракатини қилишяётган экан. У рацияли «Жигули» миниб келган шофёрга ошдан кейин қайтиб кетишга рухсат берди. Узини диванга ташлаб бир зумда ухлади, қолди. Йигитлар ош пишганда уни уйғотишди. Кеч кириб, офтоб ўчай-ўчай деб турган пайт эди. Жайронага телефон қилди. У ўн беш-йигирма минутлардан кейин боя қўйиб кетган жойдан олиб кетишини айтди. Толибжон янги кўйлак кийди. Йигитлар ҳар қанча қисташса ҳам овқатга ўтирмади. Унинг иштаҳаси бўғилган, кўнглига ҳеч нарса сиғмасди. Жайрона аёл боши билан бўлаётган адолатсизликка исён кўтаряпти. Бу бўлса эркак боши билан мутелик қиляпти. Шу топда у ўзини ўзи ёмон кўриб кетди. Қишлоқда яшаб, озмунча адолатсизликларни кўрдими? Равшанбекнинг ғойиб бўлиши, неварасининг армиядан келишига атаб буқача боқаётган ногирон аёлнинг унсиз

йиғлаши, Бодомгул фожиаси... Шуларнинг барини ўз кўзи билан кўрди. Фиринг демади. Фақат бугун эрталаб Мирвалига бир-икки аччиқ гап айтди, холос. Унинг ўрнида Жайрона бўлганда чидаб туролармиди? Бу бўлса, икки оғиз танқид учун ўн тўрт йилдан бери азоб тортади. Юртма-юрт дарбадар кезади. Ҳамма нарсадан жудо бўлди. Хотинидан, ўғлидан...

Кўзига остонада ер қизиб ўтирган Азизбек кўриниб кетди.

Жайрона «Яшил гумбаз» чойхонасининг рўпарасидаги олти қаватли уйда турарди. Уч хонали уй ниҳоятда дид билан безатилган. Ҳаммаёқ ораста: Толибжон ивирсиладиган ёш бола бўлмагандан кейин, шляпасини бир томонга, костюмини бир томонга ирғитадиган эркак киши бўлмагандан кейин, қандай қилиб ивирсиқ бўларди, деб ўйлади. Сервант япон, хитой, француз, бовар сервизлари билан тўлган. Чехларнинг рангли биллур идишлари электр нурида чақнаб кўзни оларди. Зал-уйнинг бир деворини эрон гилами эгаллаган. Гилам ўртасида Жайронанинг рангли фотопортрети. Уртадаги столда фақат икки кишига етарли ширинликлар, сабзавотлар. Уртада «Камус» деб аталган француз коньяги. Толибжон ўзининг соддалигидан ўкинди. Э, нодон, аёл кишининг уйига кетяпсан, бир бойламгина гулдаста олмайсанми, у ҳам бўлмаса битта духи олсанг бўлмасмиди?!

— Жайронахон, умримда ёлғиз аёл кишининг уйига бормаганман. Гул олишга ҳам ақлим етмапти.

Жайрона хандон ташлаб кулди.

— Тажрибангиз йўқ-да. Бу масалада ҳали норастасиз. Балоғатга ҳам етиб қоларсиз.

Жайронанинг эгнида ҳаворанг юпқа халат. Бадани ҳар хил тасмалардан холи бўлганидан бутун вужуди тўлғаниб турарди. Толибжон назарида эртаклар оламига тушиб қолгану дунёда тенги йўқ бир пари атрофида парвона бўлаётгандек.

Жайрона бир лаган варақи олиб чиқди.

— Бошқа овқатдан умид қилманг. Бори шу.

Уйни ажиб хушбўй варақи ҳиди тутиб кетди.

— Келинг, шу аламларга биттадан коньяк ичайлик.

У шундай деб «Камус»нинг тикинини суғура бошлади. Очди. Қадаҳчаларга тўлдириб қуйди.

— Қани, Толибжон ака. Икковимиз учун. Тошларга урилиб ёрилмаган, ҳеч кимга эгилмаган бошларимиз учун. Нопоклик аралашмаган машаққатли ҳаётимиз учун, бундан буён ҳам худди шундай яшашимиз учун. Олинг, ака!

Толибжон кўпдан бери ичимликни оғзига олмаган. Шу бугун ичгиси келиб турган эди. Айни муддао бўлди. Сесканмасдан, афтини бужмайтирмасдан ичиб юборди. Аввалига гап-гапга қовушмай турган эди, учинчи қадаҳдан кейин «индамас» Толибжон ҳам тилга кирди. Жиндек қизишиб олган Жайрона дидлашди.

— Толибжон ака, эртага бориб отказ қилинг. Бормайман деб очиқ айтинг. Ҳеч нарса қилишолмайди. Сиз чарчаган, дам олиши керак бўлган одамсиз. Мажбуран юборишга ҳақлари йўқ.

Толибжон бошини сарак-сарак қилди.

— Сизга бир гапни атайми? Бормасам, мени ўлим кутади.

Жайрона унинг гапларига тушунмади. Ҳайрон бўлиб оғзини очганча қараб қолди.

— Бормасам, барибир Раҳимовнинг югурдаклари авария қилибми, бир бало қилиб мени гумдон қилишади. Сиз қолсангиз, бошқа гап. Сизга ҳеч ким қасд қилмаган.

— Мен бир муҳим операцияни охирига етказмай ҳеч қаёққа кетолмайман. Сиз ўзимизникисиз. Айтсам бўлади. Умримда қилаётган ишимни бировга айтмаганман. Айтиб бўлмасди ҳам. Шу бир ишни сизга айтаман. Тоғда икковимиз учрашиб қолганимиз эсингиздами?

— Эсимда,— деди Толибжон.— Укангизни кўриб келаётган эдингиз. Телестудия машинасига чиқазиб юборгандим.

— Ушанда жуда муҳим, ҳаддан ташқари хавфли операцияга нуқта қўйиб келаётгандим. Келинг, биттадан ичайлик, бу ёғини шундан кейин айтаман.

Яна бир қадаҳдан ичишди. Жайрона тоғдаги саргузаштларини шошилмас-

дан айта бошлади. Толибжон бу гапларга ишонишини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмасди. Унинг ҳар гапига наҳотки, наҳотки, деб луқма ташлаб турарди. Шу топда Жайрона унинг кўзига бениҳоя жасур аёл бўлиб кўринарди.

— Мен дўстингизни пайига кўпдан тушганман. Бу одам ҳар қандай амалдорни пулга сотиб оладиган, бениҳоя шафқатсиз, икки қўли қонга беланган жаллод. Мен қўлимдан келганини қилдим. Уёғини ўзлари давом эттиришади. Олган суратларни, тош қалъанинг планини, унга олиб борадиган йўл картасини, видеодаги қизлар суратини министр Луқмоновнинг ўз қўлига топширдим. Яна бир гап эсимдан чиқай дебди. Видеодан олган суратлардаги қизларни суриштирдим. Учасининг сурати область газеталарида босилган экан. «Фалон исмли, бўйи ундоқ, ранги мундоқ бедарак йўқолган қизни қидирамиз» деб ёзилган.

Толибжон афсуслангандек, унга қараб турарди.

— Нега менга ғалати қараяпсиз, Толибжон ака?— деди ҳайрон бўлган Жайрона.

— Шунча меҳнатингиз бекор кетибди-ку, синглим. Ахир Мирвали билан Луқмонов ака-укадек қадрдон-ку. Ҳар якшанба куни Луқмонов вертолётда келиб Мирвали билан кийик овлайди. Энди менамдан ҳам сизнинг ҳаётингиз хавф остида экан. Луқмонов сиз тайёрлаган ҳужжатларни Мирвалига кўрсатмаган, деб ўйлайсизми? Йўқ. Аллақачон кўрсатиб бўлган. Мирвали энди сизнинг пайингизга тушади.

— Наҳотки, Луқмонов шу ишни қилса?

Жайрона ўрнидан туриб у ёқдан-бу ёққа асабий юра бошлади. Ўзидан ўзи тинмай жаврарди:

— Биз қайси мамлакатда яшаяпмиз? Кимга ишонса бўлади? Кимга ишониш керак? Бу маразлардан қачон қутуламиз?

— Оз қолди, синглим. Яна озроқ сабр қиласиз. Мамлакатимизда ҳали шунақаям ўзгаришлар бўладики, Марксни, Ленинни яхши билган кишилар бўладиган ишларни ҳозирдаёқ кўриб туришипти. Жуда кўп арбоблар супуриб ташланади. Жуда кўп қилинган ишлар бошқатдан бошланади. Одамлар ҳаммасини кўриб, билиб туришипти. Фақат айтишолмаяпти. Бугун кўтариб юрган кўп шиорлар бекор бўлади. Ленинча демократияни бузаётган жуда катта амалдорлар шармандаларча олиб ташланади. Жиндек сабр қилинг, жуда оз қолди, синглим.

— Нима учун яшадим? Неча бор ўлим билан юзма-юз келиб чап бердим. Саҳролар кездим, бўронларда изғидим! Нима учун! Мана шу бир ҳовуч амалпарастларнинг шоҳона ҳаётини таъминлаш учунми? Бир йигитнинг бағрини обод қилиб, рўзғор тутиш қўлимдан келмасмиди? Мана шу ҳувиллаб ётган уйда бир ўзим шумшук бўлиб телевизорга тикилиб ўтираман. Йўллар азоби энди унутилди, деганимда яна олис сафарга жўнатиб юборишмоқчи. Бу уй ўлгур яна ҳувиллаб қолади. Ёш умримни ким учун, нима учун ўтказдим? У генерал экан-ку, ундан катта билан ҳам олишишга ярайман. Дунёда Кремль бор. Ҳақиқатни ўша ердан топаман...

...Мана ҳозир Толибжон сойнинг шовуллашига қулоқ солиб Жайронани ўйляпти. Унинг дил-дилидан отилиб чиққан аччиқ фарёдлари қулоқлари остида янграб турипти.

Толибжон икки тиззасига тиралиб ўрнидан турди. Дарвоза йўқлигидан кўчада қолган машинаси эшикларини бир-бир тортиб кўрди-да, остона ҳатлаб ичкарига кирди. Айвон чироғи ёқиқ қолган экан. Атрофида капалакчалар, чивинлар айланяпти. Кенжа жияни самокатни қучоқлаганча ухлаб ётибди. Толибжон энгашиб устига кўрпа тортиб қўйди. Ҳаммаёқ жимжит. Олам уйқуда.

Толибжон учун бу она юртидаги сўнгги оқшом эди.

XIX

Мирвали нотинч эди. Бугун у суйанган тоғларнинг бири қулади. Луқмонов хизмат вазифасини суиистеъмол қилгани ҳамда порахўрлиги учун ишдан олинди.

Пора олганлиги исбот қилинган одамнинг аҳволи нима бўлишини Мирвали яхши билади. Албатта жинойи жавобгарликка тортилади. Луқмонов тилга пишиқ одаммиди? Бошига қилич келганда ҳам сукут сақлай оладими?

Кечагина Мирвали ундан ўз устидан тушган ҳижжатларни сотиб олган, кўзи олдида ёндирган эди. Ўзи очикдамикин? Бир бобой ҳукумат тилидан шундай деган эди: «Йиққандан кўрқма, егандан кўрқ. Йиққанини оламиз, еганини ололмаймиз». Аммо Луқмонов емаган, йиққан эди. Олдириши аниқ.

Одам боласининг иши бир юришмаса, кетма-кет юришмас экан. Луқмоновнинг ишдан олиниши Мирвалини қил кўприк устида муаллақ ушлаб турарди. У Луқмонов билан сўнги марта учрашганда: хотиржам бўлинг, устингиздан манаву хатларни ёзганлар бу ёруғ жаҳонда тирик юрмайди, деганди. Луқмонов ваъдасини бажаришга улгурмади. Мирвалининг рақиблари жазосиз қолди. Улар кимлар эди? Бу бир Луқмоновгагина маълум. Уларнинг яна бош кўтармасликларига энди ким кафил бўлади?

Мирвалининг дарди-дунёси қоронғу бўлиб юрган шў кунларда саратонда чақмоқ чаққондек яна бир воқеа уни тамоман гангитиб қўйган эди.

У телевизор орқали бериладиган кўрсатувларни унча хушламас эди. Ҳаммаси ўзим билган гаплар, деб ўйларди. Аммо «Время» информацион программасини албатта кўрарди. Мамлакатнинг бир кунлик сиёсий ҳаёти шу эшиттиришда акс этади. Мирвали қаерда бўлса ҳам — тоғу-тошларда юрган пайтларда ҳам, чўпонлар ўтовига кириб «Время»ни кўрарди.

Бугун у тоғда ҳуморбостига ов қилди. Аксига олиб биронта паррандани уролмади. Бекорга ўқ сарф қилиб боққа қайтиб келдию ечинмай каравотга ўзини ташлади. Уйқу келмади. Кўзига Луқмонов кўринаверди. У ёққа ағдарилди, бу ёққа ағдарилди, охири тажанг бўлиб ўрнидан турди.

Ёз кунлари узун, кеч кириши қийин. У нима қилишини билмай телевизор кнопоксини босди. Энди «Время» бошланган экан. Диктор «Экономика экономияли бўлиши керак» деган эшиттиришни олиб борарди. Мирвали ҳайрон бўлди. Экономика дегани маълум нарса, экономия дегани-ку. Қанақа қилиб экономияни эконом қилиб бўлади? Майли, катталар бир нарсани билмаса айтармиди? Бу гапни пахтакорларнинг меҳрибон отаси айтганлар. Жуда доно гап бўлса керагу мен тушинмаётган бўлишим мумкин, деб ўйлади Мирвали.

Икки фан доктори иқтисодни қандай қилиб иқтисод қилиш (яъни, тежамкорликни тежаш) кераклигини йигирма минут тушунтиришди. Барибир тушунтиришолмади. «Время»нинг ярим вақтини исроф қилишди, холос. Ана шундан кейин...

Мирвали учун даҳшатли воқеа юз берди. Диктор қиз пахтачиликни ривожлантиришда энг юқори кўрсаткичларга эришганликлари учун Ўзбекистон ССРда палончи ва палончиларга иккинчи марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг фармонини ўқиб эшиттирди. Экранда Шавкат Раҳимовнинг қил ўтмас дўсти, кейин «олисни кўзлаган» механизатор аёл сурати пайдо бўлди.

Мирвали худди телевизорга миҳлангандек қимирламасди. Балки шу дақиқаларда у мутлақо нафас ҳам олмагандир. У учинчи одамнинг номи чиқишини кутарди. Бу одам Мирвалининг ўзи бўлиши керак эди. Йўқ. Унинг номи чиқмади. Сурати ҳам кўринмади. У ўзидан ўзи сўрарди: ростдан мени айтишмадимми ё гангиб қолганимдан эшитолмадимми? Ундоқ бўлса, суратимни кўрардим-ку! Демак отахон, ҳаммамиз учун ҳурматли отахон, ўғлим, ўғлим, деб лақиллатиб, ўз дўстини қўллаган. Ҳар гал кўришганда у Мирвалининг Олтин Юлдуз тақилган кўкрагига бармоғини теккизиб туриб: шу битта жой бўш турсин, иккита қиламиз, деб ишонтирарди-ку!

Мирвали иккинчи Олтин Юлдузга олиб борадиган сўқмоқлардан эсон-омон ўтган эди. Бу пасти-баланд, кескин бурилишлари бор, тубсиз жарларни кесиб ўтган сўқмоқлардан юриб келиш осон бўлмаганди. Бу сўқмоқларда қанча хавф-хатар, қанча тўқнашувлар бўлган. Бу сўқмоқларда қанча қурбонлар қолган. Иккинчи юлдуз сўқмоқлари борса келмас, борса гумон сўқмоқлар эди. Мирвали отахоннинг қачонлардир номардлик қилишини сира хаёлига келтирмаган эди. Шунақа ҳам андишасизлик бўладими? Ахир, пахтакорларнинг меҳрибон отасига буют қўйилганда унга сарфланган қимматбаҳо металниг ярмидан кўпини Мирвали берган эди-ку. Наҳотки, ўша металнинг данакдеккинасига унинг ўзини раво кўришмади.

Шу топда Мирвалининг вужудида ваҳший бир куч ғалаён қиларди. Кимнидир отиб ташлагиси, кимнидир қўллари қақшаб оғригунча дўппослагиси,

нималаргадир ўт қўйиб юборгиси келарди. Унинг шу топдаги аҳволи тоғу тошларда наъра тортиб юрган шернинг қафасга бехос тушиб қолган пайтини эслатарди. Мирвали еру кўкка сиғмасди. Бақиргиси, югургиси, бошини деворларга ургиси келарди. Умр бўйи айтганини қилдирган, бир оғиз сўзига ўнлаб одам баббаравар лаббай деб турган, эрталаб уйғонганда кексадир, ёшдир саломга келадиған, сув деганда одамлар дарёни бошлаб келадиған Мирвалининг умрида биринчи марта танг аҳволга тушиши эди. Демак, дунёда ундан ҳам қудратли, зўр одамлар бор экан. Биттаси отахоннинг қил ўтмас дўсти, биттаси «олисни кўзлаган» анаву...

Мирвали меҳмонхонада дам олаётганда боғда тиқ этган товуш эшитилмасди. Биров кирмасди ҳам, чиқмасди ҳам. Боғдаги дастёрлар оёқ учида юришар, шивирлаб гаплашишарди.

У кечалари ёлғиз ётишдан қўрқарди. Тунлари бирон жойга борадиған бўса, машинада оёғининг тагига қирқма қўшоғиз милтиқ ташлаб қўярди. Ухлаётганда тез-тез чўчиб уйғониб кетарди-да, шошиб ёстиқ тагига қўйган пистолетини ушлаб кўрарди. Назарида кимлардир уни таъқиб қилаётганга, дарахтлар панасидан кимлардир уни нишонга олиб турганга ўхшайверарди.

Унинг нотинч ухлаши, кечалари довдираб ўрнидан туриб кетиб, қўлида пистолет билан дераза олдиға келиб ташқарини кузатиши бежиз эмасди. Область прокурори, милиция органлари неча марталаб уни қамоққа олишға чоғланишди. Ҳар гал ордерға имзо чекиб, энди қўлга оламиз, деб турганларида албатта Иттифоқнинг энг мўътабар газеталаридан бирида у тўғрида — ажойиб ташкилотчи Мирвали тўғрисида салкам бир саҳифалаб мақола босиларди. Прокурор ҳам, милиция органлари ҳам доғда қолаверардилар.

Қонун органлари бу ишларни Раҳимовдан яшириб тайёрлашарди. Уни қўлга олиб, жиноятини бўйниға қўйиб, кейин хабар қилишни мўлжаллашарди.

Область прокурори қамоққа олиш тўғрисида кечаси ордерға имзо чекди. Терговчилар, машинисткалар, секретарлар, ҳатто кабинетларни йиғиштирадиған фаррошлар ҳам кетиб бўлгандан кейин ордерға имзо чекди. Оператив группани тўплаб эрталаб уни қўлга олиш тўғрисида ўта махфий бир шароитда топшириқ берди.

Бу хабар ўша заҳотиёқ Мирвалининг қулоғига етди. Тошкент йўлиға тўрт энгил машина жўнатди. Пана жойларда пусиб туришни топширди. Ўзи тонг сажарлаб совхоз машинасида доvon орқали Самарқанд, Жиззах оралаб йўлга чиқди. У орқасидан милиция машинаси кузатиб келаётганини биларди. Йезкин қайрилишларда тошлар панасида пусиб турган бошқа машинаға ўтиб олганини милиция ходимлари билмай қолардилар. Улар аввалги машина орқасидан қувиб кетаверардилар. Етиб олганарида адашганликларини билиб Мирвали алмаштирган машина изига тушишарди. У эса то Тошкентға етгунча яна учта машина алмаштиришға улгурарди. Шавкат Раҳимов рухсатсиз операция бошлаган министрни койиб, прокурорға танбеҳ бериб, ордерни бекор қиларди.

Мирвали совхозға қайтиб келгандан кейин албатта область прокурорига телефон қилиб, «салом бердик, ака» деб эрмак қиларди. Охири шу бўлдики, Раҳимов менинг рухсатимсиз Мирвалини безовта қилманглар, деб республика прокурори билан ички ишлар министрини огоҳлантириб қўйди. Лекин Мирвали бунга ҳам қаноат қилмасди. Барибир ҳеч бўлмаганда суйиқасд қилишади, деб доим хавотирда яшарди.

Шавкат Раҳимов кўп жиҳатдан Мирвалиға бойланиб қолганди. Тадбиркор, тилиға пишиқ, ҳар қандай сир ичида қолиб кетадиған Мирвали билан ўзаро олди-бердилари бор эди.

Ҳар йили олтинчи март куни Раҳимов Москвадаги кадрдонларининг хотинларига махсус самолётда совға жўнатарди. Мебель фабрикасида ясатилган қутичаларда Ўзбекистоннинг энг сархил мевалари, Бухоро зардўзлари тайёрлаган тилла кавушлар, бриллиант кўзли узуклар, отрезлар бўларди. Бу нарсаларни тайёрлаш фақат, фақат Мирвалиғагина топшириларди. Раҳбар ходимларнинг туғилган кунларида, юбилейларида ҳам Раҳимов совға жўнатарди. Чирчиқдаги қийин эрийдиған металллар заводида тайёрланган пўлат ғўлачалардан Шаҳрисабзда пичоқ ясатиш ҳам Мирвалиға топшириларди. Узоқ-яқиндан Раҳимовнинг дўстлари кўп келарди. Тоғлардаги дачаларда кутиш ҳам унинг гардаида эди. Пахтакорлар отасининг куёви генерал билан Раҳимов дўст тутинган

эди. Куёвни у тез-тез Тошкентга чорлаб турарди. Куёв ов ишқибози эди. Мирвали кўп қийинчиликлар билан бу тоғларга ўргатган кийикларни у қийратарди. Ҳар куни бўлмаса ҳам кунора Мирвали Раҳимовнинг меҳмонларини кутади. Бир кунда тўрт-беш марталаб меҳмон кутган пайтлари ҳам бўлган.

Уни бу хизматлари учун Раҳимов ниҳоятда қадрлайди. Устидан тушган шикоятларни оқибатсиз қолдиради. У тўғрида оғиз очган одамни раҳбарлик лавозимида узоқ ишлатмайди. У Мирвалига сирини бериб қўйган эди. Раҳимов омон экан, Мирвалига ҳеч ким тик келолмасди.

Шунинг учун ҳам Мирвали бу тоғларда эркин бургутдек қанотини кенг ёзган эди.

Булардан ташқари у Раҳимовга нима ёқадию нима ёқмайди, яхши биларди. Отахоннинг шону шавкатга тўймаслиги ҳам унга аён эди. Шунинг учун ҳам нуқул ёқадиган ишларни ўйлаб топарди. Биринчининг одатдаги воҳага сафари пайтидан фойдаланиб қоларди.

Довондан ошиб Китоб томонга кетган тес йўл ёқасидан чап томонга бурилишда иккита посёлка барпо қилган. Уларга ҳали ном берилмаган. Раҳимовнинг навбатдаги сафари пайтида қишлоқ оқсоқолларидан эллик чоғли чолни йўл ёқасига чиқазиб қўйди. Раҳимовнинг яхши бир одати бор эди: кексалар билан омонлашмасдан ўтмасди. Буни Мирвали билади. Раҳимов тушган машина чоллар олдида тўхтади. Шавкат Раҳимов улар билан бирма-бир қўл олишиб сўрашиб чиқди. Менда қандай хизматларинг бор, отахонлар, деб сўради.

Бир чол Мирвалининг имоси билан олдинга чиқди.

— Шу бир илтимос билан йўл пойлаб турган эдик. Илло-билло йўқ демай-сиз,— деди чол.

— Айтаверинг, отахон. Бўладиган иш бўлса бажонидил...

— Биз учун кўп ишлар қилдингиз, болам. Аммо биз сиз учун ҳеч нарса қилолмадик, ҳисоб. Мирвали шу йўл ёқасига иккита чингилин посёлка қуриб қўйди. Ҳалигача номи йўқ. Оқсоқоллар маслаҳатлашиб шу посёлкаларга қизларингизни номини берсак, биттасини Дилором, биттасини Гулшан деб атасак, дегандик. Илло-билло йўқ демай-сиз. Йўқ, десангиз дилимиз оғрийди.

Шавкат Раҳимовнинг юзида сохта бир хижолатлик сезилгандек бўлди. Мирвалига маъноли қараб қўйди. Бу қараш, сендан чиққан иш бўлса керак-да, дегани эди.

Мирвали пайтдан фойдаланиб қолди:

— Бобойларнинг илтимоси ерда қолмасин, ота, хўп, денг,— деди.

У сира қўймадинглар, қўймадинглар-да, дегандек «зўрға» рози бўлди.

Шу воқеадан кейин Мирвали унга илгаригидан ҳам яқинлашиб кетган эди. Мирвалининг бу «фидойилиги» иккинчи юлдузга олиб борадиган сўқмоқлардан бири эди. У бунақа сўқмоқларнинг қанчасини босиб ўтди, Отахонга чап бўлган не-не арбобларни оёқдан йиқди. Махсус «мирзо»лари қўли билан қанчалаб думалоқ хатлар ёзди. Мирвали Раҳимовнинг олис ва ўрта масофага урадиган ракетаси эди. Бугун у шунча хизматларини оёқости қилди. Иккинчи юлдузни ўз одамнинг кўксига қадади. Бу юрт устида депсиниб юрган, айтган жойидан кесадиган, кўзлаган мақсадига ўша заҳоти етмаса жазавага тушадиган Мирвалини қутиртириб юборган эди.

У меҳмонхонанинг чех плиталари билан безатилган зиналарининг икки поясини бир қилиб, отилгандек пастга тушди.

Ариқ бўйида балиқ тозалаб ўтирган ошпаз Абдулазиз унинг вожоҳатини кўриб, эсанкираб қолди. Мирвали унга, опкел, деб бақирди. Абдулазиз нима опкелишини билади, югуриб ичкарига кириб кетди. Зум ўтмай бақалоқ шишали француз коньяги билан бир тарелка ҳусайни узум кўтариб чиқди. Мирвали коньяк тиқинини очолмай кўп уринди, яна хизмат борми, деб тўғрисида қўл қовуштириб турган Абдулазизга бақирди:

— Даюс, очиб чиқсанг ўласанми!

У шундай деб шишани унга улоқтирди. Абдулазиз чаққонлик билан илиб олди. Белбоғига осилган қиндан пичоғини суғуриб бирпасда тиқинни чиқарди.

Шу пайт столдаги телефон зарб билан жиринглади. Абдулазиз трубкани олгани кетаётганда Мирвали мени йўқ деб айт, деди.

Абдулазиз трубкани олди.

— Йўқлар. Ишонмайсанми? Йўқ, деяпман-ку. Нима? Шунақами? Ҳозир

айтаман,— у трубканинг оғзини қорнига босиб туриб Мирвалига деди:— Тошкентдан ўртоқ Раҳимов сўраётган эмишлар.

Мирвали алам билан қичқирди:

— Раҳимов экан-ку, ундан каттаси бўлсаям йўқ, деворсин!

Абдулазиз коммутатордаги қизга худди шундай, деб айтди-да, трубкани шарақлатиб жойига ташлади. Мирвали шишага энди қўл узатган эди, яна телефон жириглади. Абдулазиз трубкани олди.

— Топмасанг бўлмайди, деб айтаётган эмишлар. Қайда бўлса ҳам топиб келинглар, деяётганмишлар.

Мирвали ҳафсаласизлик билан ўрнидан турди. Истар-истамас трубкани олди-да, қўполгина қилиб, алё, деди. У тарафдан, ҳозир улайман, деган овоз келди.

— Мирвалимисиз? Уғлим, хафа бўлмай ўтирибсизми?— Бу Раҳимовнинг овози эди.— Хафа бўлманг. Бу гал бўлмаса, янаги гал бўлади. Мен ҳам доғда қолдим, ўғлим. Душманларингиз кўп экан. Охирги дақиқагача рўйхатда учинчи бўлиб турган эдингиз. Душманларингиз панд бериб қўйди. Хат ёғдириб юборишди. Иложини қилолмай қолдим. Мен бор эканман, бу иш албатта бўлади. Сиз ўкинмай ишингизни қилаверинг.

Мирвали тилга кирди:

— Шундай дейсизу, ота, дўст-душман олдида бошим эгилиб қолди.

Раҳимов анча вақтгача индамай турди. Кейин қувончли бир гап айтмоқчидек дадил сўзлай бошлади:

— Қўйинг, бошингизни эгманг. Униси бўлмаса буниси, дейдилар. То у нарса бўлгунча бошқа нарса билан хурсанд қилмоқчиман. СССР Олий Совети депутатлигига бўшаб қолган битта жой бор. Сизни ўша ўринга шошилинч сайлаворамиз. Шу беш кун ичида кўкрагингизда депутатлик нишони бўлади. Менинг бу гапларимни табрик ўрнида қабул қилаверинг, ўғлим. Менга қаранг, бунақа аразлаб, қовоқ-димоғни осилтириб юриш сизга ярашмайди. Эртага мен қўш қаҳрамонни табриклагани бораман. Сиз ҳам бир келиб табриклаб қўйсангиз ёон бўлмасди. Қолган гапларни ўша ерда гаплашамиз. Бўптими? Лекин дилинги оғриганини асло сездирманг. Хандон-хушон бўлиб кўрининг.

Мирвали бирдан совиб қолди. Раҳимов одамни сеҳрлашни биларди. Гугурт чақса ёнаман, деб турган Мирвали бўшашди, қолди.

Отахоннинг бу ишдан ўкинаётгани шундоққина билиниб турарди. У ҳам чорасиз қолган эди.

Луқмоновнинг шундай нозик пайтда ишдан олинини ишнинг белига тепди, деб ўйларди Мирвали. Бир ҳисобда унинг тахминлари тўғри эди. У ўзига қарашли, Раҳимовга алоқадор кишилар тўғрисида ёзилган хатларни пойтахт томонга ўтказмасди. Мирвалининг рақибларини йўлдан олиб ташламоқчи эди. Улгуролмади. Энди шикоят хатлари пойтахт томон дарёдек оқиб кетяпти.

Мирвали шу пайтгача рақиб деб тахмин қилиб юрган ҳамқишлоқларининг таъзирини беришни дилига тугиб қўйди.

Эртага иккинчи юлдуз билан табриклаш учун бориши керак. Ўзига қолса асло бормасди. Унинг ризқини юлиб кетган бу айёрни кўрарга кўзи йўқ эди. Энди бормай иложи йўқ. Раҳимов ўртага тушиб қолди.

Нима қилсин? Қуруқдан-қуруқ бораверсинми? Ҳар ким ўз обрўсига яраша иш тутиши керак. Гилам оборса чол назарига илмайди. Магнитофон обороай деса чол одам уни нима қилади? Тилла соатми? У ҳам бўлмайди. Арзимаган нарса. Шундай нарса оборсинки, Раҳимовнинг қулоғига етсин. Яқин одамларимни ҳам қадрляпти, десин. Эгасини сийласанг, итига суяк ташла, деб бекорга айтишмаган.

Иккинчи юлдузга аввал очган сўқмоқларни ўт босди. Энди янги сўқмоқлар очиш керак. Қўш қаҳрамон Раҳимовнинг энг яқин дўсти. У нима деса, шуни қилади. Сўқмоқни унинг остонасидан бошлаш керак. Шунда у тўппа-тўғри қўшалоқ юлдузга обради.

Мирвали ўйлаб-ўйлаб анчагина мушкул, аммо эпласа бўладиган бир йўл топди...

Эрталаб Мирвалининг буйруғи билан Эралани оти билан чақириб келишди.

Эрали қандайдир маросим бўлса керак, Мирвалининг мана шунақа отла-

римиз, мана шунақа чавандозларимиз бор, деб мақтангиси келган бўлса керак, деб ўйлаганди. Шунинг учун ҳам кўксига ҳамма орден-медалларини тақиб бошида янги гилам дўппи, эгнига оҳорли олача тўн кийиб келган эди.

Лекин Қора Бахмал негадир ўйноқламас, бошини хомуш эгганича битта-битта босиб келарди. Чавандозлар от сезгир жонвор, ўзини нималар кутаётганини билиб туради, дейишади. От хўрсинса фалокат юз беради, хўрсинган отни баҳридан ўтиш керак, дейишарди. Баъзи чавандозлар отлари хўрсинса сўйиб юборишарди.

Қора Бахмал хўрсингани йўқ. Фақат у хомуш. Қандайдир кўнгилсиз ҳодисани сезиб турганга ўхшарди. Отининг бу ҳолатидан Эралининг руҳи тушди.

Мирвали машинага суяниб, қўлидаги навдани пичоқ билан кертиб ўй-ўйлаб турарди. Эрали уна яқин келиб отдан тушди. У билан икки қўллаб кўришмоқчи бўлди. Мирвали негадир қўлидаги навдани ҳам, пичоқни ҳам ташламай тирсагини тутқазди. Бу нима қилгани? Чавандозни писанд қилмаганими ё калласи ниҳоятда жиддий бир гап билан бандлигиданми? Эралининг кўнгли ўксиди. Давраларда бировга гап бермай, ўз таъбири билан айтганда, бошидаги дўпписи тушиб кетса пул бериб бировга олдирадиган якка кифт чавандозга шунақа муомала қиладими? Боласи тенги гўдак шу ишни қиладими?

Эрали ўзига етқулик мағрур эди. Бир кўнгли унинг қўлини силтаб ташлаб, шартта орқасига ўгирилиб, отга қамчи босиб кетворсаммикан, деб ўйлади ҳам. Шайтонга ҳай берди. Бир сир бордирки, Мирвали бунақа муомала қиляпти. Қани, кўрай-чи, буёғи қанақа кўчаркин, деб ўйлади Эрали.

— Келдингизми?— деди Мирвали унинг феъли айниб турганини сезиб.— Биз билан бирон пиёла чой ичишдан ҳазар қилмасиз, чавандоз.

Бу қандоқ гап бўлди? Ғалати-ку, дея дилидан ўтказди Эрали.

— Гап бундоқ, чавандоз. Сизни ҳурмат қилишимни биласиз. Қаерга борсам сизни пропаганда қиламан. Пенсиянгизни ҳам орага тушиб ҳамманикидан баланд қилиб берганман. Томорқангизни совхоз тракторида ҳайдатиб беряпман. Қандоқки мажлис бўлса фронтовик, деб президиумга чиқазаман. Ёдгорлик очилишида сизни эл танисин, катталар назарига тушсин, деб атайин отлар парадини ташкил қилдим. Шуларни биласизми?

— Биламан, биламан, аканг айлансин.

— Мен билмайсиз, деб юрган эдим. Раҳмат, биларкансиз. Неча ёшга кирдингиз оқсоқол?

— Етмиш олтига,— деди Эрали ҳайрон бўлиб.

— Ёшингиз ҳам кетиб қопти. Йигитларга ўхшаб жикиллаб юриш энди ярашмайди. Ёшингизга ярашуғли иш қилинг. Энди бўлди, отдан тушинг, оқсоқол.

— Ҳали кўпқарига яраймиз, укагинам. Унча-мунча йигитга белимизни бериб қўймаймиз,— деди Эрали ерга қараб.— Агар хўп десанг, шу жойда, ҳозирнинг ўзида бир беллашмаймизми?

— Унақа қуруқ гапни қўйинг. Бўладиган гапдан гаплашайлик. Бола бўлиб сиздан бирон нарсаси сўраганманми?

— Йўқ. Ҳамма нарсаси бут, тўкис бадастир одамсан. Мендан ниманиям сўрардинг.

— Бордию сўрасам, йўқ демай берасизми?

Эрали ўйланиб қолди.

— Бераман. Жонимни сўрасанг, ол. Уйимни сўрасанг, ол. Фақат белимдаги пичоғимни, никоҳимдаги хотинимни, минган отимни сўрама. Қолган нимам бўлса, бари сеники.

Мирвали унинг сўнги сўзидан кейин айтар гапини йўқотди. Энди очиқ-часига гаплашиш пайти келди, деб ўйлади.

— Бордию шу минган отингизни сўрасам-чи?!

Эрали бошини сарак-сарак қилди.

— Одам боласи ўз фарзандини бировга берадими? Тўғри, кўп болалилар баъзан бефарзандларга раҳми келгандан, шу ғарибнинг хонадонида ҳам гўдак овози келсин, деб беради. Жонидан суғуриб беради. Аммо якка фарзандлилар ўлақолса бунга кўнмайди. Қора Бахмал менинг биттаю битта фарзандим. Бунақа гапни бир айтдинг, иккинчи оғзингга олма.

— Бордию мажбур қилсам-чи.

Эрали истеҳзо билан кулди.

— Гитлер тирилиб келганда ҳам ололмайди.

— Э, Гитлерни қўйинг. У йўқ бўлиб кетган нарса. Мен мажубр қиламан.

— Унда,— деди ғазаб билан Эрали,— ўртага пичоқ аралашади.

Кўчанинг нариги бетида Жаъфар бошчилигида уч-тўрт йигит бўлаётган воқеани кузатиб турарди. Булар Мирвалининг йигитлари эди. Директорнинг сўзига кирмаган, ҳар хил «иғво» гап тарқатадиганларни унинг буйруғи билан тоғ ораларига обориб, калтаклаб, чала ўлик қилиб ташлаб келишарди.

Мирвали ўрнидан туриб, бош эгиб ўтирган Эралининг тепасига келди.

— Пичоғингиз ёнингизда туратурсин. Бодринг арчиб ейишга керак бўлади.

Сиз ҳали менинг совунимга кир ювмапсиз. Мен битта гапираман. Иккита гапиришга мажбур қилманг. Ёруғ дунёни зимистон қилиб қўяман.

Мирвали шундай деятуриб, Насим полвонга имо қилиб қўйди. Тўрт йигит унинг қўлини қайириб ўзига қаратди. Эрали инграб юборди. Қариб кучдан қолган бу одам тўрт давангига бас келолмасди. Эрали Насим полвонга ғазаб билан қичқирди:

— Номард: Бир гадодек ночор бола эдинг. Отангни ўлиги уйда ётганда қўшнима-қўшни изғиб, қарз сураб юргандинг. Шунда отангни мен ўзим кўм-гандим. Маракаларида кадбони¹ бўлиб хизматини қилганман. Бор буд-шудимни сарфлаганман. Ҳой, Жаъфар, сенга нима бўлди? Кимга итялоқлик қиялсан? Даданг онанга уйланганда ҳеч ким ўғрига миёна рав² бўлишга унамаган. Мен ўшанда миёна рав бўлганман. Қўлимни қайирма, номард!

Чинорга боғлаб қўйилган Қора Бахмал безовталаниб Эралига қараб талпинди. Оёғи билан ер тимдалаб тупроқни орқага ота бошлади.

— Обор!— деди Мирвали амирона.— Йўқот кўзимдан!

Тўрт йигит куч билан Эралини судраб кетди. Мирвали уларга қичқирди:

— У ёққа эмас, манаву ёққа!

XX

Мирвалининг «Волга»си Темурланг дарвозасидан ўтгач, Санзор сойини ёқалаб тезликни пасайтирди. Унинг орқасидан келаётган юк машинаси бортида бошига дастурхон ёпиб бўйнидан танғиб қўйилган Қора Бахмални Насим полвон билан Жаъфар қўш жиловда икки томондан тортиб ушлаб келишарди.

Йўлга чиқишаётганда кўпни кўрган, кўп тегирмонлардан бутун чиққан Насим полвон, отнинг кўзини бойлаб қўйиш керак, йўлни кўрса қайтиб келади, деб айтган эди. Шунда Мирвали унинг елкасига қоқиб, яшавор, Қиз полвоннинг ўғли, эски от ўғриси-сан-да, биласан, деганди. Биринг от ўғриси, биринг хўкиз ўғриси-сан. Жаъфар, дадангга тенг келадиган ўғри бўлмаган. Азим ўғри, деса Самарқанддан Душанбегача ҳамма танирди. Ҳозирги ўғрилар ҳам ўғрими? Зўр ўғрилар ўтиб кетган.

Мирвалининг бу гапларидан иккови ҳам ғурурланиб кетдилар.

Насим полвоннинг отаси ҳам катта полвонлардан эди. Макритли Низом полвон деса ҳамма танирди. У Ургутда бўлган катта бир курашда номардлик қилдию назардан қолди. Макритда бош кўтариб юролмай Деновга кўчиб кетди. У ердаги номдор полвонлар уни даврага тортишмади.

Ургутдаги курашда Панжакентдан келган бир аёл полвон даврага чиқиб мардинг бўлса ўртага чиқ, деди.

У ниҳоятда келишган, чиройли, ўттиз беш ёшлардаги жувон эди. Шу билан кураш тушай, йиқилсам ҳам армоним йўқ, деганлар кўпайиб қолди. Жувон қандоқки полвон ўртага тушса, икки давра айланганда елкасини ерга босаверди. Жиззахлик, яккабоғлик, шаҳрисабзлик полвонлар бирин-кетин йиқилаверди.

Низом полвон даврага чиқиб йиқилган полвонларни ҳақорат қилди.

— Аёл кишидан йиқилган номардлар. Кураш тушишни сенларга кўрсатиб қўяман.

У шундай деб худди бургут қанотини қоқаётгандек икки қўлини икки томонга силкитиб давра айланди. Аёл полвонни ўртага тушишга ундади.

¹ Кадбони — кайвони. (Дастурхончи, меҳмон кутадиган одам).

² Миёна рав — қудалар билан олди-берди қиладиган, икки ўртада иш битирадиган одам.

Жувон орқасида тўлғаниб турган икки ўрим сочини бошига чамбарак қилиб танғиди-да, яна ўртага тушди.

Олишиш бошланди. Низом полвон унга қўл узатганда у шундай зарб билан силтаб ташлардики, гўё қўли тирсагидан узилиб чиқиб кетадигандек бўларди.

Даврани тўрт айланишди ҳамки, жувон ёнбош бермади. Қайтага Низом полвонга чил бериб ёнбошга отиб юборди. Бориб устидан босмоқчи эди, Низом полвон чаққонлик билан ўрнидан туриб кетди. Жувон рақибининг заиф жойини билиб олганди. Низом полвон ёнбошга ярамас экан. Жувон яна бир марта унинг икки кўлидан силтаб тортдию ўнг оёғи билан унинг чап оёғини қоқиб юборди. Низом полвон гурсиллаб ерга йиқилди. Жувон босди. Низом полвонинг бир елкаси ерда, аммо чап елкасини ердан бир қарич баланд ушлаб турарди. Жувон, ё Момо Ҳаво, дедию унинг чап елкасидан боса бошлади. Шунда Низом полвон жирканч бир ишга қўл урди.

Тирсаги билан жувоннинг кўкрагини эза бошлади. Бор кучи билан, жон аччиғида эзди. Шунда нимадир бўлди. Жувоннинг кўкрагидаги алла-қандай томир узилди. Жувон инграб юборди. Ерда бир елкаси билан ётган Низом полвоннинг устидан турди. Кўкрагини чангаллаб даврадан чиқаркан, унга қараб ғазаб билан деди:

— Ризқи як бачам хўрди-я, номард! (Бир боламнинг ризқини единг-а, номард!)

Ана шундан кейин Низом полвоннинг номи Қиз полвон бўлиб кетди. Давраларда ўртага тушса, чиқ, чиқ даврадан, аёллар билан курашга ярайсан, Қиз полвон билан курашмаймиз, деб чиқазиб юборадиган бўлишди.

Мана шу Насим полвон ўша Қиз полвоннинг яккаю-ягона ўғли эди.

Мирвали тўғри гапни айтган эди.

Ҳақиқатан ҳам бу атрофдан Азим ўғрига тенг келадиган ўғри чиқмаган. Яккабоғ билан Қайнар ораси эллик километрлар бор. Азим ўғри бир кечаси Яккабоғдан ўнта хўкиз ўғирлаб келади. Унинг кечаси хўкиз ҳайдаб келганини ҳеч ким кўрмаган. Лекин ҳамманинг гумони шундан эди.

Азим ўғри кечқурун номозшомни Қайнар масчидида ўқиганини ҳамма кўрган. Эрталаб азонни ҳам шу масчидда ўқиганига гувоҳлар бор. Қандоқ қилиб бир кечада эллик километр уёққа бориб эллик километр буёққа хўкиз ҳайдаб келиши мумкин?

Аслини олганда, Азим ўғри номозшомни ўқигану Яккабоққа елдек югуриб кетган. Тонг саҳаргача хўкизларни ҳайдаб келиб, адир орқасига яшириб, яна азон номозига етиб келган.

Одамларнинг айтишларига қараганда, Азим ўғри эллик-олтмиш килоли қўйни елкасига олиб қочганда чўпонлар қувиб етишолмас экан.

Азим ўғри ўлганда онаси шундай деб йиғлаган экан:

Кечаси юриб мол топган,

Азимў, боламў,

Кундуз ётиб ел топган,

Азимў, боламў.

Мана шу Жаъфар ўша Азим ўғрининг кенжа ўғли эди.

Насим полвон билан Жаъфар Мирвалининг энг ишонган кишилари. Ур деганини уришарди, теп деганини тепишарди.

Кун пешиндан оққанда Раҳимовлар шаҳар бўсағасига етиб келишди. Мирвали шофёрга машинани тўхтатишни буюрди. Узи пастга тушиб орқадан келаётган юк машинасини кутиб турди. Машина худди унинг ёнгинасига келиб тормоз берди. У кабинага бўй чўзиб:

— Сизлар шаҳарга кирманглар, айланма йўл билан бориб, чорраҳада мени кутиб турунглар,— деб буюрди.

«Волга» шаҳарга кирди. Унинг юкхонасида устига хўл латта ёпилган гулдас-та бор эди. Мирвали сувсизликдан барглари сарғая бошлаган сердарахт парк олдида машинани тўхтатди. Ялангликдаги баланд мармар супача устига ўрнатилган Шавкат Раҳимовичнинг бронза бюсти офтобда ярқираб турарди. Мирвали юкхонани очиб гулдастани олди. Лентасига «Ҳахмамиз учун ҳурматли бўлган партия ва жамоат арбобига Мирвали Рихсиевдан» деб ёзилган гулдастани авайлаб обориб мармар супача устига қўйди. Катта ҳайкаллар пойига гулдаста қўядиган раҳбарларга тақлид қилиб, гулдаста ленталарини тўғрилади. Бир дам ҳурмат бажо қилиб турди-да, аста ортига қайтди.

Шавкат Раҳимов ҳар келганда машинани шу парк олдидан ўтказар, ўз бюстига ўзи маҳлиё бўлиб ўтарди. Шунда бюст супчасида гулдаста борми, йўқми, деб назар ташларди. Агар бор бўлса, шофёрига буюриб, бориб билиб кел-чи, ким қўйган экан, дерди. Мирвали унинг бу хил одатини яхши биларди. Шавкат Раҳимов бугун буёққа келади. Гулдастага кўзи тушади. Ким қўйганини билади. Шунда унинг Мирвалига ихлоси ўн чандон ошиб кетади. Бу йигит унга янада қадрдон, янада вафоли бўлиб туюлади. Мирвали бир устоз ёзувчи айтгандек, эртага қичишадиган жойини бугун қашлаб қўярди. Мана бу ҳам иккинчи юлдузга олиб борадиган сўқмоқнинг бир бекати бўлади.

Насим полвон билан Жаъфар уни чорраҳада кутиб туришарди. У келиши билан машина бортини очиб тахтадан кўприк қилишди. Қора Бахмални аста етаклаб ерга туширишди. Унинг кўзидан боғични ечиб олишганда кучли нурдан энтикиб бошини силкитди. Узини қўярга жой тополмай туёқ қоқа бошлади. Мирвали, ҳо, жонвор, ҳо, жонвор, дея унинг бўйинларини силай бошлади. От сал тинчигандек эди.

— Сизлар энди орқага қайтинглар. Пасткашлик қилиб пассажир олиб ўтирманглар,— деди Мирвали.

Насим полвон сал ранжигандек бўлди.

Юк машинаси орқага қайтди. Мирвали Қора Бахмалга миниб олди. От ўйноқлаб уни устидан ирғитиб ташламоқчи бўлар, аммо кўп отларни бўйсундирган, умри от устида ўтган Мирвалининг жилов тутган қўллари чўяндек қаттиқ эди. У от устида туриб шофёрга деди:

— Сен сал туриб, шошилмай колхоз боғига бор. Аммо мендан олдин етиб борма. Хўпми?

Шофёр тушиндим, дея бош қимирлатиб қўйди.

Мирвали отга қамчи босмади. Икки тиззаси билан оҳиста нуқиб қўйди. Қора Бахмал бўйинини гажак қилиб, ёлларини силкитиб асфальт йўлни тарақлатиб юриб кетди.

Колхоз боғи дарвозаси олдида машиналар қалашиб кетган эди. Республиканинг деярли ҳамма областлари номери қўйилган машиналар бор эди. Улар орасида икки-учта «ТНО», «СНО» сингари белгилари бор «Чайка» машиналари ҳам турарди.

Мирвали отини гижинглатиб дарвозадан ичкарига кирди. Олди фонтанли ҳовуз ёқасидаги шийпонда одам кўп. Ноз-неъматларга тўлган дастурхон атрофида ўтирганларнинг аксарияти қаҳрамонлар, депутатлар эди. Қўш қаҳрамоннинг ўғли тўладан келган, кўринишидан ниҳоятда ўзига бино қўйганлиги билиниб турган йигит зиёфатни бошқарарди. Қайсидир тезкор рассом аллақачон қўш қаҳрамоннинг портретини иккита юлдузи билан ишлаб улгурипти. Бўйи салкам икки метр келадиган портрет шийпонга чиқаверишдаги аркка осиб қўйилган. Қўш қаҳрамоннинг ўғли кўлида қадаҳ билан нималардир деб турган эди, боққа отда кирган одамга зарда билан бир қарадио чимирилган қошлари ёзилиб, жойига келди. Беихтиёр вой-бў, деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Ўтирганларнинг ҳаммаси баббаравар ўгирилишди.

Мирвали улар томон булутдек от устида силкиниб келарди. Ошхона томондан келаётган Қўш қаҳрамон унинг истиқболига чиқди. Мирвали чаққонлик билан ўзини эгардан олди. У билан ота-болаларча қучоқлашиб кўришди. Кейин от жиловини унга тутқазиб, икки қўлини қовуштирганча: от қулук бўлсин, деди. Қўш қаҳрамоннинг ўғли ошхона томонга қараб, испанд кетир, деб қичқирди.

Бирпасда от атрофини одамлар ўраб олишди. Бир йигит хокандозда тутуни чиқиб турган исриқ кўтариб келарди. У от атрофида айланиб тутатиб, қайтиб кетди. Ота-бола бу ажойиб совғадан ўзларида йўқ шод эдилар. Қўш қаҳрамон Мирвалининг қўлларини қисиб раҳматлар айтди.

Кайф қилиб қолган меҳмонлар (уларнинг деярли ҳаммаси қаҳрамон раислар эди), шу отни бир минсам, деб ният қилардилар. Бир ўктамроғи шартта узангига оёқ тираб эгарга минди. Қора Бахмал орқа оёқларини баробар силкиб уни устидан ирғитиб ташлади. Йиқилганни ношуд санаб самарқандлик раис эгарга минди. От уни ҳам улоқтириб ташлади. Кайф устида бас бойлашга тушишди. Ким шу отни миниб, боғни бир айланса унинг олган Олтин юлдузи ҳалол дейишди. Бироқ Қора Бахмал биронтасининг эгарда узоқ ўти-

ришига йўл бермади. Минганини отиб ташлайверди. Бирининг оёғи, бирининг қўли, яна бирининг бели лат еб, четга чиқди.

Кечга яқин областга Раҳимов келгани, ҳозир у ғўристонга, дадасининг қабрини зиёрат қилгани ўтиб кетгани тўғрисида хабар етди.

Кайф қилиб қолганлар ҳушёр тортишди. Дастурхон йиғилиб бошқатдан ёзилди. Кайфи кўпроқ ошиб қолганларни боғ этагидаги ётоққа етаклаб обориб қўйишди. Зўрнинг нафаси тегирмон юрғизади, дегандек Раҳимовнинг областга келгани тўғрисидаги хабарнинг ўзиёқ одамларнинг кайфини тарқатиб юборган эди.

Кун ботишга яқин «ЗИЛ» енгил машинаси шийпон олдига келиб тўхтади. Раҳимов машинадан тушиши биланоқ Қўш қаҳрамонга рўпара келди. Уни бағрига босиб, узоқ қўйиб юбормади. Дил-дилидан уни муборакбод қилди. Қўш қаҳрамоннинг кўзларидан сизиб чиққан қувонч ёшлари кичкинагина юзидан оқиб узун, пастга осилган мўйловларини ҳўл қилди.

— Мартабанг бундан ҳам зиёда бўлсин. Отанга қилмаган яхшиликларни қилдинг. Болаларингни роҳатини кўр. Мендан қайтмаса болаларимдан қайтсин. Юртдан қайтсин.

У шундай деб дўстининг бағридан чиқди-да, чўнтагини кавлаб дастрўмол излай бошлади.

Раҳимов ёлғиз келмаганди. Унинг ёнида унга чинакам оталик қилган, мана шу юқори поғоналарга чиқишида раҳнамо бўлган устози Ҳақим Нарзиқулов ҳам бор эди. Раҳимов бу одамдан умр бўйи миннатдор эди. Яхши-ёмон кунларида уни йўқлаб турар, кўп сафарларга бирга олиб юрар.

Қўш қаҳрамон йўл бошлаб меҳмонларни шийпонга таклиф қилди. Олдинда Раҳимов, ундан кейин бошқалар кўтарила бошлашди. Ҳамма унга яқинроқ жойга ўтиришни мўлжалларди.

Қаҳрамоннинг ўғли кўп ичиб қўйганидан анча довдираб қолган эди. Отаси уни четга чақириб, ўзингизни тутинг, ўғлим, ичкилик топилади, бу кунлар топилмайди, деб танбеҳ берган бўлди.

Бунақа маросимларда Мирвали ўзини қандай тутишни биларди. Юқорига интилмасдан, пастроқдан жой олди. Раҳимов тўрдаги юмшоқ креслога ўтирар экан, меҳмонлар орасидан кимнидир қидира бошлади. Кўзи Мирвалига тушди.

— Буёққа, буёққа, Мирвали,— дея уни ёнига чақирди.

Мирвали шундай бўлишини биларди. Кўпчилик ўртасида обрў билан юқорига чиқишнинг гашти бошқа, деб ўйларди.

Бир вақтлар, будан йигирма йиллар чамаси олдин Мирвали Тошкентда такси тутолмай трамвайга чиққан эди. У энди уч тийин тўлаб билет оламан, деб турганда юқори томондан, Мирвали, билет олманг, сиз учун ҳам мен олдим, деган овоз келди. Қараса асли Пастдарғомдан бўлиб, кейинчалик Омонқўтонга келиб қолган эзма сартарош чол. Мирвали уни жинидан ҳам ёмон кўрарди. Жуда таъмагир одам. Унга ноилож раҳмат, деб қўйди.

Шу уч тийин учун Мирвали бу одамга яқин йигирма йилдан бери қуллуқ қилади. Министрлар, генераллар, билан гаплашиб турган пайтида шу чол кўчанинг нариги бетида кўриниб қолса, у билан бориб кўришишга мажбур бўлади. Тўй-ҳашамларда ҳам бошқалар қолиб, аввал унга салом беради. Мабодо тасодифан уни кўрмай қолса ёки саломлашишни унутиб қўйса, чолнинг ўзи эсига солади:

— Оббо Мирвали-е, Тошкентда юрган пайтларимиз хўп замонлар экан. Унда ёш, кучга тўлган бўз бола эдингиз. Юриб кетаётган трамвайларга бир сакраб, чиқиб олаверардингиз.

Мирвали, қутуламанми, йўқми бу чолдан, дея ноилож кўришгани қўл узатарди.

Мана ҳозир уни Раҳимов ёнига ҳурмат билан чақиряпти. Ҳамманинг кўзи олдида ўрнидан туриб, ёнидан жой кўрсатяпти. Нега? Негаки, Мирвали унга «катта трамвай» билети учун уч тийин эмас, уч миллиард тийин тўлаб қўйган. Чақирмай кўрсин-чи!

Раҳимов ҳайкал пойига Мирвали қўйган гулдастани кўрган, унга ҳурмати чиндан ўн чандон ошиб кетган эди. Мирвалининг юзида, кўзларида ранжигани сезилмасди. Утирганлар Раҳимовнинг унга бу қадар ҳурматини ўзлари-ча баҳолашарди. Унинг иккинчи юлдуз ололмай қолганидан хабардорлар: кўн-

глини кўтариш учун шундай қияпти, деса, бу гапдан хабари йўқлари, умуман, Раҳимов уни қаттиқ ҳурмат қилади, дерди. Аммо ичи куйиб ўтирганлар «бу тоғли босмачи Раҳимовнинг оғзини мойлаб қўйган» деб гумон қиларди.

Ҳамма Раҳимовнинг оғзини пойларди. Охири у минерал сув қуйилган қадаҳни кўтариб, гап бошлади.

У пахтакорлар отасининг Тошкентга тарихий келишида республикада олиб борилаётган ишлардан хурсанд бўлганини, азамат ўзбек халқи бу йил давлатга топширадиган беш ярим миллион устига яна ярим миллион пахта беришга қодир эканини ишонч билан айтганини гапирди. Бу гапни Мирвали унинг оғзидан учинчи марта эшитиши эди. Биз ўз ички имкониятларимизни чамалаб чиқдик. Бу йил ҳосилнинг чўғи баланд. Устозимиз топшириғини шараф билан адо этиш имконига эгамиз, деганда меҳмонлар қўлларига қадаҳни қўйиб, қарсақ чалиб юбордилар. Раҳимов сўзини давом эттирди: «Шу ярим миллион тоннани ўн уч областга бўлиб бердик. Ҳар областга атиги салкам қирқ минг тоннадан тўғри келади, холос».

Шу пайт шийпон олдида барваста қомат, ёши етмишдан ошган бўлишига қарамай, қадди расо ёзувчи пайдо бўлди. У ўз очерклари билан танилган, телевизорга тез-тез чиқиб, эзмаланадиган, асли шу ерлик Тўхтамиш Масафоев эди. Республиканинг қайси районидан қаҳрамон чиқса, бу менинг хизматим, «очерк»ларимнинг кучи деб гапириб юрарди.

Масафоев юбилейларда тўй эгасини юрт олдида даст кўтариб қўярди. Бу унинг: кўрдинларми, ёшим етмишдан ошган бўлса ҳам ҳали кучим кўп, дегани эди. У ана шу одатини қилиб Қўш қаҳрамонни даст кўтариб, икки айлантириб, дарров ерга қўймади. Икки минутча кучаниб кўтариб турди. Қийқириқ, чапак бўлиб кетди. Тугундан ўзи қайсидир колхоздан кийиб келган тўнини олиб унга кийдириб, белбоғ бойлади.

Раҳимов Масафоевни чап ёнидаги жойга чақирди. Бунақа пайтларда Масафоев жуда суюлиб кетарди. Агар биров ҳай-ҳай, деб турмаса бу раҳбарни ўзим тарбия қилганман, иш ўргатиб шу мартабаларга етказганман, дейишдан ҳам тоймасди. Унинг бу одатини ҳамма биларди. Шу топда ишқилиб у сўзга чиқмаса гўрга эди, деб юрак ҳовучлаб туришарди. Йўқ, у гапирмаса бўлмасди. Ҳатто телевизорда ўлчоғли вақт бўлишига қарамай, бир соат гапирганди. Тўғри, телеоператорлар у ўн минут гапиргандаёқ шартта узиб, бошқа программага улаворишган эди. Аммо Масафоев бундан хабарсиз, телекамерага қараб жаврайверганди. Масафоев ўрнидан туриб жуда эркаланиб, тантиқланиб сўз бошлади:

— Бу юрт менинг юртим. Бу ердаги азаматлар менинг юртдошларим. Бу юрт жонажон Ўзбекистонимизга қанчадан-қанча арбоблар етиштириб берган Мана бугун шулардан бири, ҳаммамиз учун ҳурматли бўлган кадрдон ҳамюртимиз даврамизда ўтириптилар. Мен бу арбоб укамизни жида балачалигидан биламан. У жида кичкинача бала эди. Қўш ҳўкиз қўшилган аравада Чўтир Чашмага чиқинди таширди. У шу даражада кичкинача эдики, бошидаги кир қалпағи тагидан бошчаси кўринмай кетарди.

Қўш қаҳрамон илдам келиб унинг қулоғига нимадир, деди. Унинг башарасида: нима, хато гап айтяпманми, деган бир ифода пайдо бўлди. Раҳимов қипқизариб, кўзини яширишга жой тополмасди. Ҳамманинг дами ичига тушиб кетди. Масафоев ҳамон жаврарди:

—... Кичкинача пайтларини эслайман. Қоп-қора бала эди. Мол боққани чиққанда бошқа балаларга қўшилмай яримта қотган нонни сувга ботириб тут талқон билан еб китоб ўқирди. Бир кун келиб шу бала...

Тўхтамиш Масафоев гапни орқа-ўнгига қарамай айтаверадиган довдирроқ ва лекин, ўз ишига пишиқ одам эди. У Душанбе шаҳрида бўлган бир митингда сўзга чиқиб икки халқни бир-бирига душман қилиб қўйишига оз қолганди.

Қўш қаҳрамоннинг зардаси қайнаб кетди:

— Тўхтамиш, дўстим, шундан бошқа гап йўқми? Қўйинг, ўзингизга муносиб гапларни айтинг.

Масафоев елкасини қисиб, «интирисний» дедию ўтирди.

Шундан кейин давра совиб кетди. Қўш қаҳрамоннинг ўғли даврани қизитиш учун доврўғи кетган Оллоберди Гелдиев деган артистни ўртага тортди. Унга кўпдан бери Раҳимов билан гаплашиб, халқ артисти унвони олиб беришни

ваъда қиларди. Бугун уни атайлаб Раҳимовга кимлигини кўрсатиб қўй, деб олиб келган эди. Оллоберди оғизга тушиб қолган таланти драма артистларидан. Шавкат Раҳимович унинг доврўғини эшитган, аммо ўзини кўрмаган эди.

Қаҳрамоннинг ўғли ўртага чиқиб:

Ҳозир, сизларга бўлғувчи Ўзбекистон халқ артисти Оллоберди Гелдиев Отелло бўлиб беради,— деб эълон қилди.

Оллоберди бир дам устки лабини сўриб шифтга қараб турди-да, қаддини сал букиб, икки қўлини олдинга чўзиб, Отелло монологини бошлади. Рўмолча... О, Дездемона, сен уни йўқотдинг ё бировга берақўйдинг, тенгсиз балоларга... Бу рўмолчани икки юз йил қуёшни кўрган бир лўли хотин жазавага тушиб тўқиган...

У ўзини унитиб, бутун вужуди билан, юрак-бағри билан ҳабаш Отеллога айланиб кетганди. Бу монологни бир дам кўз юмиб эшитган одам қандайдир область театрининг артисти эмас, ўша машҳур Аброр Ҳидоятлов ўқияпти, деб ўйларди.

Тўхтамиш Масафоев шунчалик гавдали, девқомат бўлишига қарамай шу топда мулзамликдан ўзи айтгандек «кичкинача бала»дек бўлиб қунишиб ўтирарди.

Раҳимов узоқ ўтирмади. Мирвалини қўлтиқлаб семон йўлкада бирпас кезиб юрди. Унга нималардир деди. Жуда жиддий гап бўлса керак, Мирвали бир сўз демай астойдил қулоқ соларди. Яна шийпон олдига келишди. Шу пайт кутилмаган бир ҳодиса юз берди. Ошхона орқасидаги толга боғланган Қора Бахмал арқонни узиб йўлкага чиққан эди. У бегона жойга ўрганолмай бетоқатланар, асабий пишқиарди. Бошини силкиб, у ёқдан-бу ёққа семон тротуарни тарақлатиб югурарди.

Икки йигит чопа келиб унинг жиловидан тутишди. Қора Бахмал бўйин бермай, силтаб ташларди.

Раҳимов отни таниди. Бу от қайдан келиб қолди, деб сўради. То Қўш қаҳрамон жавоб бергунча Мирвалига таънали қараб олди. Мирвали бундай пайтларда ўзини йўқотмасди.

— Қора Бахмалнинг бобоси ҳам шу ерлик эди. Ота юртини кўрсин, деб атайлаб олиб келгандим,— деди.

Раҳимов айтмоқчи бўлган гапини унутди. У Мирвалини қаттиқ коймоқчи эди. Бу от ҳам ҳамшаҳар экани унинг аллақасида илтиқина теккандек бўлди. Кўнглидан «Бу юртнинг жониворлари ҳам бошқача»— деган ширин ўй ўтди.

— Уша «Тоҳир ва Зухра» киносиди Тоҳир минган отнинг невараси бўлади.

Мирвалининг бу гапидан кейин Шавкат Раҳимович, э, шунақами, деб юборганини билмай қолди. У шундай деятуриб йўқотган гапини топди.

— Дўстим,— деди Қўш қаҳрамонга.— Отни қайтариб юбор. Ўз оғайнисини икки марта қаҳрамон қилди, деб иғво қиладиган ғанимларга гап топилмасин. Ёшинг бир жойга бориб қолган одамсан. Барибир от минолмайсан. Ундан ташқари, бу отнинг овозаси жуда узоқларга кетган. Телевизорда кўрсатилган. Қўй, гап-сўзга қолмайлик. Шундай бўлсин. Энди менга рухсат.

Қаҳрамон уни машина олдигача кузатиб бораркан, озроқ ўтирсанг бўларди, деди.

— Катта опани кўрмаганимга ҳам анча бўлган. Бирров кириб кўриб чиқай.

Кўчада ГАИнинг иккита машинаси, область раҳбарлари уни кузатишга шай бўлиб туришарди.

Қўш қаҳрамон раҳбар дўсти билан хайрлашар экан, қилган яхшиликларини яна бир марта айтиб кўзёши қилиб олди.

У боққа қайтиб кирганда меҳмонларнинг олди кайф қилиб, алжиб қолишган эди. Бир қисми машинасига ўтириб жўнамоқчи бўлиб турганди. Ҳар келганида эзмаланиб ҳеч кимга гап бермай, узоқ ўтирадиган «очеркчи» Масафоев кўпчилик ўртасида изза бўлганидан, Раҳимов мен билан дуруст гаплашмади, деб кўнгли олиниб, акасиникига кетиб қолган эди.

Раҳимовнинг Қўш қаҳрамонга, отни қайтариб бериб юбор, дегани Мирвалига оғир ботди. Раҳимов айтган гапни бажармаслик мумкин эмас. Аммо совғани қайтариб олиб кетиш Мирвали учун ўлим билан тенг эди.

У катта бир гуноҳ қилиб қўйган одамдек, Қўш қаҳрамонга ботинолмайроқ қаради.

— Менга жавоб берсангиз, кетай.

— Бемаҳал бўлиб қолди-ку. Қолинг, ётиб эрталаб кетасиз.

— Эрталабга мажлис чақириб қўйганман,— деб ёлғонлади Мирвали.—
Бормасам бўлмайти.

Унинг ёлғон гапираётганини қаҳрамон ҳам билиб турарди.

— Майли, ундоқ бўлса. Отни нима қиламиз?

— Сизга атаб олиб келгандим. Қолсин.

Қўш қаҳрамон афсуслангандек деди:

— Иложи йўқ. Эшитдингиз-ку, Шавкатжоннинг нима деганини. Мени ҳам балага қўйманг. Олиб кетинг.

Мирвалининг тишлари ғичирлаб кетди.

— Оладиган биронта ишқибоз одам бўлса текинга бериб кетардим.

Қўш қаҳрамон келди-кетдини кутиб чарчаган, шу топда Мирвали билан гаплашиб туриш ҳам унга малол келаётган эди.

— Бу отни кимга берсангиз ҳам бизнинг юртимиздан ташқаридаги одамга беринг.

Унинг бу гапи қамчи ургандан баттар бўлди.

— Бўпти,— деди Мирвали ғижиниб.

— Кечаси обorasиз. Ҳеч ким кўрмайди. Ҳозир юк машинасини чақираман.

Обориб ташлайди.

Мирвали ёлғонлади:

— Юк машинаси бор. Аккумулятор заводига совхоздан юк машинаси келган. Бизни кутиб туришипти. Ушанда олиб кетамиз.

Мезбон рози бўлди. Мирвали бениҳоя мулзамлик билан отга минди. Жиллов силтаб дарвоза томонга йўртдирди.

Кўчада ўзининг «Волга»си кутиб турарди. Эгардан тушмай шофёрига бюурди.

— Бетонкага чиқиб, мени кутиб тур!

У шундай дедию отга икки марта аччиқ-аччиқ қамчи босди. Эркалатишларга, силаб-сийпашларга ўрганган Қора Бахмал кутилмаган бу бедодликдан сапчиди. Устидаги чавандозни силкитиб туширмоқчи бўлиб, орқа оёқларини баробар силкитиб, гоҳ ўнг ёнбошига, гоҳ чап ёнбошига отмоқчи бўлиб ирғишларди. Аммо Мирвали эгар кўрган чавандозлардан эди. Унинг чўяндек қаттиқ кўллари жиловни шундай куч билан тортардики, от бўйни тескари тортилган камондек орқага эгилай-эгилай дерди. Қора Бахмал итоат қилишга мажбур эди. Эгардаги суворий жиловни қаёққа тортса, ўша томонга йўл соларди.

Шаҳар кўчалари жимжит. Эл бир уйқуни уриб бўлган. Яқин орадаги парранда фермасидан раста бўлган инкубатор хўрозларининг манқа қичқиришлари эшитиларди.

Мирвали чамаси ярим соат от йўрттириб бетон йўлга чиқди. Шофёр «Волга»нинг вироғини ўчирмай уни кутиб турарди. У машина ёнига келгандан кейин эгардан тушиб, ичадиган ниманг бор, деб сўради. Шофёр багажникдан бир шиша «Оқ лайлак» деган коньяк билан бир бош узум олиб капотга қўйди.

— Оч. Тиқинини чиқазиб бер, деяпман!

Шофёр шиша оғзидаги қизил кўрғошин қалпоқчасини тиши билан олиб ташлади. Мирвали шишанинг ўзидан карнай қилиб қул-қуллатиб ича бошлади. Афти буришмасдан, энтикмасдан бир ичишда шишани яримлатди. Ҳозиргина артилиб ялтиратиб қўйилган капотда турган бир бош ҳусайни узумини ғижимлаб оғзига тикди. Бармоқлари орасидан оққан узум сувлари кўйлак ёқаларига томди. Бирпас нафасини ростлагандан кейин худди боягидек қилиб қолганини ичди. Бу гал газак қилмади. Кухлаб, ичидан оловдек қайноқ нафасини чиқазиб, ўша заҳоти тунги муздек чўл ҳавосини ютди. Кейин қўлидаги шишани улоқтирди. Бетон йўлга бориб тушган шиша чил-чил бўлиб кетди. От чўчиб орқага чекинди. Унинг жилови Мирвалининг чўп қўлида эди. У ҳам силтаниб олдинга мункиб кетди. Тун қора, от қора. Кўройдинда фақат отнинг пешонасидаги ўсма баргидек ингичка узунчоқ оппоқ қашқаси кўриниб турарди.

Мирвали от ёлларини силади. Қўймучига шапиллатиб уриб қўйди. Юзини юзига қўйиб эркалатмоқчи бўлди. Бадбўй коньяк ҳидидан беҳузур бўлган от бошини силкитди. Сал нари сурилиб ёнбоши билан Мирвалини бехос туртиб юборди.

Мирвали ғазабга келди. Шу аблаҳ от бўлмаганда бугун бунчалик изза бўлмасдим, шарманда бўлмасдим. Бугун йиғилган пашмалак раислар мени кўролмайдди, кўришга кўзи йўқ уларнинг, шулар олдида шарманда бўлдим-а, деб фарёд уриб юборгиси келарди. Ҳаммасига шу ярамас от айбдор.

Мирвали ғазабга келди. Жилов учини кафтига икки ўраб қаттиқ қисди. Кейин алам билан отнинг бошига, юз-кўзи аралаш икки-уч марта аччиқ қамчи босди. Бу ногаҳоний зарбадан эсанкираган от сапчиб кетди. Аммо Мирвалининг метин қўллари жиловни қўйиб юбормади. Алам устида отни аямай савалайверди, савалайверди. Охири от зарб билан орқага чекина бошлади. Қалқиб кетган Мирвали оёқда туролмай юзтубан йиқилди. Шунда ҳам жиловни қўйвормади. Уни от бетон йўл устида судраб кетди. У қорни билан судралиб бораркан, тинмай сўкинарди. Охири жилов қўлидан чиқди. Шошиб ўрнидан турдию йўл ёқасидан катта бир тошни олиб Қора Бахмалга қараб отди. Тош унга тегдими, тегмадими билолмади. Чунки қора от қоронғуликда кўринмай қолган эди. Фақат аста узоқлашаётган туёқ товуши эшитилиб турарди.

Шофёр ғазабдан титраб турган Мирвалининг олдига келди.

— Тутиб келайми?

— Йўқ,— деди у қатъий.— Кетсин сволоч. Бўриларга ем бўлсин! Суякларини шоқоллар ғажисин!

У гандираклар-гандираклар келиб, машина эшигини очди. Орқасига оғиб кетди. Агар шофёр ушлаб қолмаганда чалқамчасига йиқилиши, бирон қорол бўлиши аниқ эди.

Мирвали маст эди. Нима қилаётганини, нима деяётганини билмасди. Шофёр уни суяб орқа ўриндиққа чиқазиб қўйди. Эшик ташқарисида қолган икки оёғини букиб ичкарига итариб кирғизди. Бу пайт Мирвали жуда хунук хуррак бошлаганди.

У шу ухлаганича саҳар пайти, ҳали тонг ёришмай уйғонди. Боши зирқираб оғрир, томоғи қақраб кетганидан ютунолмасди. У ҳали ҳам машинада ётибман, деб ўйлаган эди. Қараса ўзининг боғидаги меҳмонхонада оппоқ чойшаб устида тупроққа қоришган кийимлари, этиги билан ётибди. Мункиб-мункиб ўрнидан турди.

Боғ чироғи ўчмаган, ҳаммаёқ кундуздек ёп-ёруғ эди. У чайқалиб-чайқалиб дераза олдига келди, ташқарига бош чиқазиб Аблаз, деб чақирди. Ҳовуз бўйида чопонини бошига ёстук қилиб ётган ошпаз Абдулазиз бошини кўтарди.

— Чой опкел!

— Чой усталда, сочиққа ўраб қўйганман.

— Бошқатдан дамла!— деди Мирвали афтини буриштириб.

— Яқинда дамлаб ўраб қўйгандим.

Мирвали орқасига қайтиб сочиққа ўралган чойнакни очди. Ҳали қайноқ, кўл куйдирарди. Пиёлага қўйиб хўпламоқчи бўлди. Эпллмади. Оғзига иссиқ нарса обориб бўлмасди.

— Аблаз!— деди яна.

Абдулазиз югуриб келди.

— Этикни торт!

Абдулазиз ерга ўтириб олиб, этикларни тортиб чиқазди.

— Ваннани ёқ!

— Ёқиб қўйганман.

— Маствава қил.

— Маствава тайёр. Гурунчини солсам бўлди.

— Чўмиламан. Кийим-бошларимни тайёрлаб бер.

— Майка, труси, янги пайпоқ, сочиқ опкириб қўйганман,— деди Абдулазиз.

Мирвали уни калтаклашга бирон асос тополмай, ноилож ваннахонага кириб кетди.

Абдулазиз тупроққа қоришган этикни ариқ бўйига ўтириб олиб обдан хўл латта билан ишқалади. Кейин уларни зина олдига қўйиб маствава гурунч солгани ошхонага кирди.

Мирвали ваннахонада узоқ қолиб кетди. Охири қип-қизил бўлиб, каттакон сочиқни паранжига ўхшатиб бошига ёпиб чиқди. Бу пайт Абдулазиз маствава кўтариб кираётган эди.

Мирвали сочиққа ўралиб ўтириб, бир-икки қошиқ мастава ичган бўлди. Оғзига олганини ютолмади. Томоғини оловдек куйдирди.

— Аблаз, бўлмапти-ку!— деди у зорланиб.

— Бир пиёла арақми, коньякми, кўзингизни чирт юмиб туриб, ичиб юборсангиз тинчйсиз. Давоси шу.

— Шунақами,— деди у афтини буриштириб.— Ундай бўлса опкел!

Абдулазиз сервантни очиб ундан бир шиша коньяк билан пиёла олиб қўйди. Мирвали қўли қалтираб шишани очди. Қуяётганда димоғига қўланса коньяк ҳиди урилиб башараси бужмайиб кетди. Пиёлани оғзига оборар экан, нафас олмай шимирди. Ичи ёниб кетгандек бўлди. Социқ билан оғзини елпиди. Оҳ уриб юборди.

— Менга қара, Аблаз. Телефонларни чиқазиб қўй. Боққа одам кирмасин. Ким сўраса йўқ, деб айт. Расулбек келса уйғонгунимча жилмай, кутиб ўтирсин. Уқдингми?

Абдулазиз уқдим, деди.

Ана шундан кейин Мирвали сочиқни диванга улоқтириб боя ётган каравотга эмас, оҳорли чойшаб ёзилган бошқа каравотга ўзини ташлади.

— Пардани тушириб қўй.

Абдулазиз дераза пардасини тушириб қўйди. Кейин оёқ учида юриб чиқиб кетди.

Юлдуз сўқмоқларида сарсон кезган «тоғлар султони» уйқуга кетди.

XXI

Обкомнинг қора «Чайка»си харсанг тошлар пинжига суқилган кафе олдида тўхтади.

Бу жой ниҳоятда сўлим, баҳаво эди. Пассажири автобуслари шу жойда бир дам тўхтаб ўтарди. Ҳайдовчилар қизиб кетган моторларни совитиб, сувларини алмаштириб олишарди. Пассажирлар эса пастликдаги магазинга ёпирилиб киришар, бир қисми кафега кириб чой, кабоб буюришарди.

Кафе орқаси чуқур жар. Унда тоғдан қўйилиб келаётган Омонқўтон сойи оролчалар ҳосил қилиб оқади. Соининг нарёғида юксалган адирлар, баҳайбат тоғ силсилаларига уланиб кетади.

Кафеда биронта бўш жой йўқ. Кабобпазларнинг, чой ташувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди.

Аммо «Чайка»да келганларга юқорига, ичи кавак бўлиб кетган чинор таги-га алоҳида жой қилинган. Ясатуғли стол атрофига тўқима стулчалар қўйилган. Оппоқ халат кийган ўрта яшар мезбон яқин икки соатдан бери йўлга тикилиб ўтирипти.

Бу ерда ишлайдиган, яшайдиганлар бунақа меҳмонларни кўп кўришган. Айниқса худди шу «Чайка»да келадиган меҳмон қанақа лавозимга мўлжалланганини сира адашмасдан айтиб бераолишарди. Агар райкомга янги секретарь тайин қилинадиган бўлса, албатта шу «Чайка»да келарди.

— Райком Қодировнинг куни битибди-да, — деди «Чайка»га қараб бир чойхўр.

— Тўғри айтасан, янги газета олиб келишяпти. Буни ҳам Мирвали бир кунда ўқиб ташлайди.

Ҳамманинг кўзи меҳмонларда эди. Ёши олтмишларни қоралаб қолган, қўл ҳаракатларидан, юриш-туришларидан, одамларга нописанд қарашидан илгари катта лавозимлар жиловини ушлагани билиниб турган киши ҳурматли китобхонларимизга таниш Ҳожимурод Холматов эди. Нурмат тоға тоғ ўнгириларига яланғоч ҳайдаган, сарсон-саргардон қилганидан буён бу томонларга келмай қўйган эди. Унинг бу жойларни кўрарга кўзи йўқ эди. Мана, тақдир тақозоси билан яна келяпти. Келяптию бўлиб ўтган воқеани эсламасликка тиришиб, йўл-йўлақай фикрни алаҳситадиган нарсаларни ўйлаб келяпти.

Мезбон махсус тайёрланган кабобни чўғи ланғиллаб турган қўрага тера бошлади. Кела-келгунча машинада ўтиравериш бели қотиб кетган Ҳожимурод у ёқдан- бу ёққа юриб, чигилини ёзмоқчи бўлди. Пастликдаги магазин очик эди. Ҳозиргина жўнаб кетган автобус бу ерни гавжум қилиб турган пассажирларни олиб кетган. Магазинда одам йўқ эди. Ҳожимурод нималар бор экан, деб ичка-

рига кирди. Пештахта орқасида ёшгина сотувчи йигит кичкинагина эговча билан тирноғини қириб ўтирарди.

Ҳожимурод дустроқ бирон нарса бормикин, деб дўконни эринмай айла-ниб чиқди. Кўнглига ўтирадиган мол кўринмади. Бир маҳал қулоғига жуда узоқдан, аллақандай куй эшитилгандек бўлди. Бу куй унга таниш ва қадрдон эди. Ҳожимурод аланглаб куй таралаётган жойни қидира бошлади. Пештахта устидаги катталиги бир сўмли сўлкавойдек соатга кўзи тушди. Куй шу соатдан таралаётган эди. Ҳожимурод унга яқин борганда куй тинди. Соатни қўлига олди. У ёқ-бу ёғини қаради. Унинг соатга ҳавас билан қараётганини кўрган сотувчи йигит, «японники» деди. Ҳожимурод уни қулоғига тутди. Чиқиллаб турипти. Ху, това тош устида дирғизлаб ётган пайтида ҳам билагида худди шунақа чиқиллаб турганди.

— Яхши соат. Точний юради. Музыка чалади. Кечаси ўзидан нур чиқзади. Ойни, йилни, ҳафталарни ҳам кўрсатиб туради. Ёнидаги кнопокани босиб қўйсангиз, звонок чалиб уйғотади.

Ҳожимурод сотувчи йигитга қаради.

— Неча пулга олгансиз?

Йигит қўл силтади.

— Сув текин. Битта бризент туфли, битта каламинка шим, битта суруп қўйлакка алмаштириб олганман. Пулга чакса, жами ўттиз беш сўмга етмайди. Оғайниларим, сотасанми, деб ҳол-жонимга қўйишмайди. Биттаси беш юз сўм берди. Сотмадим.

— Қонунни биласизми, — деди Ҳожимурод. — Ўғирлик молни сотиб олган одамга ҳам статья бор. Сиз ўғирлик молни сотиб олибсиз.

— Йўғ-э, — деди кўрқиб кетган йигит. «Чайка»да келган бу одам прокурор эмасмикин, министр эмасмикин, деган ўй бир лаҳза кўнглидан ўтди. — Менга туппа-тузук одам сотган эди.

Ҳожимурод соатни йигитнинг қўлига берди.

— Ҳозир сизга ўғирлик эканини исбот қилиб бераман. Битта кичкина пи-чоқча учини ёнбошидаги улоқ жойига тиқинг. Орқа қопқоғи очилади. Унга «1969 йил, 50 ёш. Ҳ. Холматовга» деб ёзилган. Қани, очинг!

Йигитча боя тирноқ қириб ўтирган эговчанинг учи билан қопқоқни очди. Очдию ҳайрон бўлиб қолди. Ҳожимуродга савол назари билан қаради.

— Қаёқдан билдингиз, ака? Сал кам икки ойдан бери бу соатни тутаман. Муни қарангки, қопқоғини очиб кўрмабман.

— Э, укагинам-э, ахир бу соат меники эди. Йўқотиб юрган эдим.

У шундай деб ёнидан қизил муқовали гувоҳномасини олиб узатди. Унда «Ҳожимурод Холматов» деб ёзилган эди.

Йигит соат қўлдан кетганига аниқ ишонган эди. Аммо Ҳожимурод мардлик қилиб ёнидан битта эллик сўмлик чиқазди-да, йигитчанинг олдига ташлади.

— Осон қутулдингиз, укагинам. Сизни милицияга бериб юбориш ўрнига пул беряпман. Олинг, иккинчи бунақа иш қилакўрманг. Сиз савдо ходимисиз. Қонунни яхши билишингиз керак.

Ҳожимурод шундай дедию соатни олиб ташқарига чиқиб кетди. У иримчи эди. Иш бошлайдиган районга биринчи қадамини босиши билан бир умрга йўқотган нарсасини топди. Демак, ишлари яхши бўлади. Бироқ, Мирвали... У билан тил топиб кетармикан? Не-не райком секретарларининг бошини еган бу жоҳил сал бўлса ҳам унга ён берармикан? Аммо Ҳожимурод ҳам кўпни кўрган, пихи қайрилганлардан эди. Кеча «юқорида» бўлган суҳбатда: Мирвали билан тил топиб ишланг, деб тайинлашган эди. Катта ака: дадил бўлинг, сизни ёлғиз-латиб қўймайман, ёрдам бериб тураман, деб ишонтирганди. Лекин барибир у киши ҳам Мирвалининг гапини гап дейди. Шундоқ бўлгандан кейин шу ярамас билан нон-қатиқ бўлишим керак. Яхши гап билан илон инидан чиқади, дейишади-ку. Уни инидан чиқазаман. Ҳиндиларга ўхшаб сурнай чалиб ўйнатаман. Сен илон бўлсанг, мен мушукман. Орқамни пайғамбарлар силаган. Тоғдан ташла-санг ҳам тўрт оёғим билан тушаман.

Ҳожимурод кабоб чайнаб ўтираркан, Мирвалини ўз томонига оғдиришни ўйларди. Икковимиз бир ёқадан бош чиқазиб ишлаймиз, бу томонларга фақат сен учун келдим, юқорида бешта районни айтишди, танла, дейишди. Мен сен бор бўлганинг учун шу районни танладим, дейман. Ишларингга аралашмайман,

шу хўжалик сеники, вақти-вақти билан ҳолимдан хабар олиб турсанг бўлгани, дейман. Бунақа гап кимга ёқмайди? Ёғдек эриб кетар. Вақтики келиб битта чигил жойини топиб ушлаб олганимдан кейин, жилови қўлимда бўлади.

Ҳожимурод игнанинг тешигини кўзойнақсиз кўрадиганлардан эди. Олди-дан келсанг қопадиган, орқасидан келсанг тепадиган ўжар хўжалик раҳбарларини бўйсундирган, бўйин бермаганларини қайриб ташлаган, қаерда ишламасин ҳукмини ўтказган эди. Аввалига ҳалимдек мулоим бўларди. Кейин силлиққина бўлиб рақибларнинг пинжига кирар, оғрийдиган жойини пайпаслаб топгач, худди ўша жойига зарба берарди. У раҳбарликнинг мураккаб стратегиясини эгаллаган, пишиқ одам эди.

Мирвали бошқача рақиблардан эди. Сал бўш келса ҳап қиладию ютади, қўяди. Ҳожимурод ишни унга суяк ташлаб кўришдан бошлашга аҳд қилди.

Аммо Мирвали пленумда унинг номзодини қувватлаб сўзга ҳам чиқмади, овоз ҳам бермади. Одамлар унинг атрофини ўраб, янги, қутлуғ лавозим билан табриклаётганларида Мирвали индамай ёнидан ўтиб кетаверди.

Ҳожимуроднинг келишидан Мирвалининг дили оғриган эди. Раҳимов яна сўзида турмади. Исроилнинг жанозасига келганда райком секретарлигига у айтган кишини юборишга ваъда қилган эди-ку! Нима бўлди? Отахон кетма-кет унинг хоҳишини қайтаряпти. Орага бирон ғаламис тушмадимикин? Мирвали яхши билади, Раҳимов қилғилиқни қилиб қўйиб, ё бугун ё эртага эрталаб унга албатта сим қоқади. Қилган ишининг аҳамиятини тушунтиради. Ўз дўстини иккинчи марта қаҳрамонликка кўтарганида ҳам худди шундай қилганди. Шу топда у Раҳимовдан қаттиқ хафа бўлди. Еган оғиз уялар, деб юрганди. Энди уялмай қўйганга ўхшайди. Майли, у юборган одамни шунақа ҳам маймун қилиб ўйнатайки, чапак чалсам йўрғалаб ўйинга тушиб кетадиган бўлсин.

У шундай ўйлар билан райком биносидан чиқди. У ёқ-бу ёққа аланглаб машинасини қидираётган эди, обком секретарининг ёрдамчиси ёнига келди.

— Мирвали ака, ўртоқ Маҳкамов сизни сўраяптилар. Зарур гаплари бор экан, биринчининг кабинетига кирармишсиз.

Мирвали унга нима деб жавоб беришини билмай ўйланиб туриб қолди. У Маҳкамов билан кўпдан бери чап келиб юрипти. Лекин бегоналар олдида уни хуш кўрмаслигини сездирмасди. Нима қилсам экан, кетаверайми ё қайтайми, деб ўзидан ўзи сўради. Кириш керак. Кирмасам, гап илашиб Раҳимовга боради. Юборган одамимга борган кунийёқ, иш бошламасданоқ ғайирлик қилипти, дейди.

Мирвали истар-истамас яна райкомга кирдию иккинчи қаватга кўтарилди. Биринчи секретарнинг кабинетида Маҳкамовдан ташқари, бюро аъзолари ўтиришарди. Мирвали кирганда Маҳкамов ўрнидан туриб кутиб олди. У Мирвалининг сўзга чиқмаганидан, номзод учун овоз бермаганидан анчагина хавотирга тушганди. Мирвалига ёқмаган райком секретари бемалол ишлаёлмаслигини биларди. Янги секретарь унга ёқмаганини пленум қатнашчилари сезишган эди.

— Бир пиёла чойимизни ичмай кетмоқчимидингиз? Сиз чой қилиб бермангиз ҳам биз қилдик. Ҳозир чиқиб очиқ ҳавода пича тамадди қиламиз, — деди у бўш курсини суриб уни ўтиришга ундар экан.

Икковининг ҳозирги муомаласини ташқаридан кузатаётган одам албатта Мирвалини обкомнинг биринчи секретари, Маҳкамовни қандайдир бирон совхознинг директори деб ўйлаши аниқ эди.

Маҳкамовнинг шундай қилишига сабаблар кўп эди. Иккови тез-тез тортишиб қолишар, ҳатто сен-менгача боришган пайтлари ҳам бўларди. Бу хил келишмовчиликлар юқорига, Раҳимовга етиб борарди. Шунда Раҳимов Мирвалига танбеҳ бериш ўрнига Маҳкамовни тартибга чақирар, қўл остидаги хўжалик раҳбарлари билан тил тополмасликда айбланиб қолаверарди. Ҳаммавақт Мирвали «ҳақ» чиқарди. Ана шунинг учун ҳам Маҳкамов унга ялтоқланишга мажбур эди.

Кўпчилик бўлиб райком ҳовлиси четидаги келди-кетди учун қурилган икки хонали меҳмонхонага тушишди. Бу ерда ортиқча ҳашамсиз дастурхон тайёрланган эди. Маҳкамов Ҳожимуродни қўлтиқлаб тўрга олиб ўтди-да:

— Шу жой сизники. Энди сиз мезбон, биз меҳмонмиз. Ҳимматингизни кўрсатинг, — деди.

Ҳожимурод меҳмонларни ўтиришга таклиф қиларкан, Мирвалига қаради.

— Сиз манаву ёққа ўтинг,— Мирвали у суриб қўйган курсига ўтирди.— Уртоқлар, мен янги одамман, деб айтолмайман. Ҳаммангизни танийман. Хизмат юзасидан тез-тез учрашиб турганмиз. Районни ҳам биламан. Ҳамма хўжаликларни бўлмаса ҳам кўпини кўрганман. Айниқса, дўстимиз, ажойиб ташкилотчи, номи иттифоққа машҳур Мирвали Рихсиев раҳбарлик қилаётган хўжаликни жуда яхши биламан. Мен албатта Мирвалидек инсонлар билан ишлашдан завқланаман. Унинг хўжалиги бир мактабки, унда мана мен деган хўжалик раҳбарлари ўқиса арзийди. Уйлайманки, Мирвали мени ҳам шу ажойиб мактабнинг бир ношуд талабаси деб билади.

Мирвали унинг гапини бўлди:

— Ҳожи ака, ўзингиз академиксиз. Биздақаларнинг кўпига дарс берасиз.

— Аскияда фарғоналикларни ҳам қочирасиз, Мирвалижон,— деди Ҳожимурод.

Самарқанддан то Бойсуннинг Сайробигача бу ерликлар аскияни аксия, кинони кно деб айтарди.

Гапнинг буёғи ҳазилга айланиб кетди. Мирвали Ҳожимуроднинг ялтоқланишидан ундан чўчиётганини сезди. Кўнглида «сен билан тил топмасам ишломас эканман, йўриғингдан чиқмайман» деган гап ётганини Мирвали аллақачон сезган эди. Бу «газета»ни ҳам жуда тез ўқиб ташлашига ақли етди.

Гапдан гап чиқиб, Маҳкамов янги секретарга уй топилгунча бирон дурустроқ жой кераклигини ўртага ташлаб қолди. У шундай деятуриб Мирвалига қаради.

— Меҳмонхонангизда беш-ўн кун яшаб турса...

Маҳкамовнинг гапи оғзида қолди.

— Бўлмасов. Келди-кетди кўп жойда қийналиб қоладилар. Меҳмонхона бир карвонсаройдек гап. Ҳали мухбирлар, ҳали киночилар, ҳали олимлар, ишқилиб бирон кун одамсиз турмайди. Дача узоқлик қилади. Иссиқ-совуқларидан хабар оладиган одам йўқ. Агар хўп десалар Чорчинорга жой қилиб беришим мумкин. У ерда яхши пазанда Нурмат тоға деган киши бор. Зериктирмайди.

Мирвали шу гапни айтдию ер остидан Ҳожимуродга қаради. Унинг бир қоши кўтарилиб, лабининг чети пир-пир уча бошлади. Мирвали атайлаб Нурмат тоғани тилга олди. Нурмат тоға унинг кушандаси. Улақолса унга рўпара келмайди.

— Йўқ, йўқ, ўртоқ Маҳкамов, Самарқанддан қатнаб турарман. Ахир, меҳмонхонадан бирон люкс олиб берарсиз.

— Узоқлик қилмасмикин? — деди Маҳкамов.

— Ҳеч гапмас. Машинада йигирма минутлик йўл.

Шу билан уй тўғрисидаги гап тугади. Ҳожимурод иш бошламай туриб Мирвалининг биринчи зарбасига дуч келганини сезди. Сир бой бермади.

— Мирвали укам, — деди у сунъий бир самимийлик билан ва йўлда ўйлаб қўйган гапларини тилига чиқарди, — бу жойга сизга ишониб келганман. «Юқорига» чақиришганда бешта районни айтишди. Хоҳлаганингни танла, дейишди. Мен атайин сиз бор районни танладим. Сиз билан бўлсам ишлаш осон кўчишини билганимдан шундай қилдим. Қўлни-қўлга бериб бир ишлашамиз, бўптимми? «Ҳа, тулки» деди ичида Мирвали унинг гапларини кўнгил учун тасдиқларкан.

У идорага қайтаркан, бир ҳисобда бу галварснинг келгани дуруст бўлди, гуноҳи кўп одам, тили қисик, бунақаларнинг бурнидан ип ўтказиб етаклаб юриш осон, бошқа биронта жангариси келгандан шунинг ўзи дурустга ўхшайди, деб ўйлади. Лекин уй масаласига келганда Мирвали ҳақ эди. Нима қилади бегонани хонадонига опкириб. Уйдаги сирни кўчага чиқазиб нима қилади. Агар Ҳожимурод шу ерда яшаса кўп сирлардан воқиф бўлиши мумкин. Бунақа одамларга сал узоқроқдан муомала қилган дуруст.

У идорага кириб гаражга телефон қилди. Хашак ўримида нечта сенокосилка, қанча пресслаш машинаси ишлаётганини суриштирди.

Ўрилган хашаклар қуриб тобига келган. Дарров прессламаса ёмғирда қолади. Омборда ўн икки ўрам сим бор. Ҳаммасини тоққа олиб кетсин. Менга қара, сенокосилкалар кечаси ҳам ишласин. Ҳозир ой тўлишган. Игна тушса топиб бўлади. Эрталаб ўзинг бош бўлиб, уларга овқатли харажатларни олиб борасан. Ёнилғи узилиб қолмасин. Битта бензовоз жўнат. Тушундингми? Шо-

фёрларнинг ишни ташлаб тоққа мумиё қидиргани чиқиб кетмасин. Агар ушлаб олсам, онасини учқўрғондан кўрсатаман. Бўпти. Айтганимни қил.

Трубкини шақиллатиб ташлади. Расулбек чой олиб кирди. У Мирвалининг кўзига тик қараёлмай нимадандир ташвишланиб фотоаппаратини ўйнаб турарди. Мирвали дарров сезди.

— Нима бўлди? Нега кўзингни олиб қочасан, ўғрилиқ қилиб қўлга тушган одамга ўхшаб.

Расулбек қўрқа-писа деди:

— Анаву пакана ревизор яна келди. Энди область халқ контролидан қоғоз олиб кепти. Бухгалтерияни титкилаяпти.

— Ташвишланма, — деди Мирвали. — Товуққа ўхшаб титкилайверсин. Ҳемирилиқ чатоқ тополмайди. Яна нима гап?

Расулбек айтмоқчи бўлган гапини тилига чиқазолмай чайналди.

— Гапирсанг-чи! Тил-забонинг борми, нима бўлди?

— Насим полвонингиз яна қовун туширди. Аввалги куни Эралини қамаб қўй, деб буюргандингиз. Бу аҳмоқ қамашга қамаб, калитни ёнига солганча ошналари билан Самарқандга кетворипти. Эралини қамаб қўйгани бугун эсига тушиб, ҳаллослаб қайтиб келди. Очиб қараса, икки кун овқатсиз, тўшаксиз, сувсиз ётган Эрали жинни бўлқопти. Одам танимайди. Бу ҳам етмагандек сиз аввалги куни олиб кетган Қора Бахмал қочиб кепти. Эралини шунақаям ялаяптики, асти қўяверасиз. Эрали уни ҳам танимаяпти. Яқинига келса уриб ҳайдаяпти.

Мирвалининг зардаси қайнаб кетди.

— Ҳаммангни замбаракнинг оғзига солиб отиш керак, сволочлар! Полвоннинг ўзи қани?

— Эралини қўриқлаб юрипти. Битта-яримтага шикаст етказиб қўймасин деб унга соядек эргашиб юрипти. Мен боя жиннихонага телефон қилгандим. Ҳозиргина, сиз келишингиздан беш минутча олдин «Тез ёрдам» қишлоққа ўтиб кетди. Ҳа, айтганча, оз бўлмаса эсимдан чиқай деган экан. Тошкентдан телефон қилишди. Бугун Москва телевизори «Время»да сизни кино қилиб кўрсатар эмиш.

Шу пайт «Тез ёрдам» автобусчаси кетма-кет сирена чалиб ўтди. Унинг орқасидан Қора Бахмал югуриб борарди. Мирвали ҳушини йўқотганча қараб қолди.

Қаранг-а, Қора Бахмал йўлни топиб кепти-я! Ахир, унинг кўзларини бойлаб олиб боришган эди-ку. Ажаб!

Мирвали Қора Бахмалнинг бобоси Қор Лочинни эслади. У ҳам неча минглаб километр йўл босиб фронтдан қайтиб келган эди. Одам боласи вафодорликни оддан ўрганиши керак экан, деб ўйлади.

Телефон зарб билан жиринглади. Мирвали шошилмай трубкини олди. Телефончи қиз:

— Область билим жамияти раисининг иши бор экан. Нима деб жавоб қилай? — деб сўради.

— Йўқ экан деб айт, — деди Мирвали ва ду-дутлаб турган трубкини этигининг кўнжига уриб ниманидир ўйлаб кетди.

XXII

Жайрона Луқмоновнинг Мирвали билан яқин эканини билмасди. Шунинг учун ҳам тоғлар орасидаги яширин меҳмонхона тўғрисидаги ҳужжатларни унга берган эди. Жайрона шу иш юзасидан жиноий иш кўзғолишини кўп кутди. Ҳамон жимжит. Бу орада Луқмонов ишдан бекор бўлди.

Жайронанинг хатоси ўша ҳужжатларни министрлик концеляриясида қайд қилдирмагани. Энди Луқмонов бунақа ҳужжатларни олмаганман, деб тонса тонаверади.

У эрталаб ички ишлар министрлигига борди. Министр қабулхонасида узоқ кутиб ўтирмади. Министр столдаги қабулга ёзилган рўйхатига кўз ташлаб Жайронанинг фамилияси тўғрисида I рақамини қўйган эди. Уни биринчи бўлиб қабул қилди.

Жайронани у яхши танирди. Кремлда Давлат хавфсизлиги комитети ва ички ишлар министрлиги ходимларига орден-медаллар топширилганда, Жайрона

билан ёнма-ён ўтирганди. Ушанда капитан Жайрона Ҳакимова жанговар Қизил Байроқ ордени, у эса медаль олганди. Бу жасур қизнинг чет элларда қилган ишлари тўғрисида ҳам унча-мунча биларди.

— Келинг, капитан, — деди у ўрнидан туриб истиқболига чиқаркан. — Марҳамат, ўтиринг! Соғ-омонмисиз? Ҳали ҳам ўшандек, бундан етти йил олдин кўрганимдексиз. Ўзгармабсиз. Қулоғим сизда, синглим.

Жайрона гапни чўзиб ўтирмай, асл мақсадга кўчиб қўяқолди:

— Бундан бир ой олдин собиқ министрға Мирвали Рихсиев тўғрисида, унинг тоғдаги яширин ишратхонаси тўғрисида ҳужжат топширган эдим. Шу ишнинг нима бўлаётганини билишга келдим.

Министр ҳайрон бўлди. Луқмонов иш ўтказаетганда бунақа ҳужжатни бермаганди. Бўлимга топширганмикин? Шундай ўй билан стол ёнбошидаги кнопкани босди. Ёшгина лейтенант йигит кирди. Министр Жайронага юзланди:

— Қайси ой, қайси кунлиги эсингизда бормиди?

— Эсимда. Июнь ойининг йигирма еттинчи куни, соат тўртдан ўн минут ўтганда.

Министр унинг резведкачиларга хос хотирасига қойил қолиб, илжайиб кўйди.

— Махсус ҳужжатлар қайд қилинадиган дафтардан шу ҳужжатни қидиринг. Кимда ва қай аҳволдалигини билинг!

Лейтенант честь бериб чиқиб кетди. У бироздан кейин қайтиб келди:

— Ўртоқ генерал, бунақа ҳужжат ҳеч қайси рўйхатда қайд қилинмаган. Бўлимларни ҳам суриштирдим. Йўқ. Ҳеч ким билмайди.

— Сизга жавоб, — деди министр.

Лейтенант яна честь бериб чиқиб кетди.

Генерал тинмай столни чертар, нима қилишини билмай хижолатдан қипқизариб ўтирарди.

— Ҳайронман. Қаёқда бўлиши мумкин...

У ростдан берганминдигиз, деб сўролмади. Бундай дейиш, менга тухмат қиялпсанми, деган билан баробар эди.

— Биламан, — деди қатъий ишонч билан Жайрона. — Луқмонов ҳужжатларни йўқ қилган. У Мирвали Рихсиевнинг ошнаси, қадрдони. Мен бу ҳужжатларни неча бор ўлим билан олишиб, қанча хавфу-хатарлар чангалида туриб йиққан эдим. Мени Луқмонов билан юзлаштиринг. Нима қилганини менга ўзи айтсин.

— Иложи йўқ, — деди министр. — У ҳозир Москвада. Тергов беряпти.

— Ана, ёнингизда тўппа-тўғри Москва билан гаплашадиган телефон. Айтинг, суриштиришсин. Бу қандай гап, шундай идорада ҳужжат йўқолса. Нима қилайлик? Чет эл шахсий детективларига ўхшаб мустақил иш олиб борайликми? Унда сизларнинг нима керагингиз бор?

Министр унга нима дейишини билмай чайналарди:

— Синглим. Сабр қилинг. Москвага, Луқмоновни тергов қилаётган ўртоққа айтаман. Ҳужжатни суриштиради.

Жайрона министр олдидан таъби хира бўлиб чиқди. У ўйларди: ҳужжат йўқолганига чидаш мумкин. Уни қайта тикласа бўлади. Аммо Луқмонов менинг ҳужжат йиққанганимни чиндан Мирвалига айтган бўлса-чи? Унда у изимга тушиши аниқ. Жайрона «Жигули»сини ҳайдаб бораркан, бирдан Толибжонни кўргиси келди. Унинг бирдан-бир дилтортар одами шу Толибжон. Оғир, босиқ, ҳар бир гапини ўнчаб гапирадиган бу одам унга кўпдан ёқарди. Кўнглининг аллақарида меҳрми, ҳурматми ё муҳаббатми — билиб бўлмайдиган бир ҳис яшарди. Бу бахтсиз, омадсиз йигитга нисбатан пайдо бўлган ачиниш, раҳм-шафқат ўрнини муҳаббат деб аталмиш бир туйғу эгаллай бошлаганини анча пайтгача сезмай юрарди. Мана, бугун беш кундирки, у Толибжонни севиб қолганига иқрор бўлди. Ёлғиз пайтларида қулоқларига овози эшитилиб турадиган, кўзига кўзлари қараб турадиган бўлиб қолганди.

Бироқ Толибжондан садо чиқмасди.

Жайрона машинани йўл четида тўхташиб телефон будкасига кирди. Меҳмонхонага телефон қилди. Трубкани ҳеч ким олмади. Кейин у қайтиб хиёбонни ярам доира айланиб, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси олдида тўхтади. Толибжон мажнунтол тагидаги скамейкада газета ўқиб ўтирарди.

Жайронанинг ундан биринчи сўрагани, нима янгилик, деган гап бўлди.
— Қачон кетишим ҳали номаълум. Бир-икки ойга чўзилиши ҳам мумкин, дейишяпти.

— Бўлмаса нима қиламиз? Хонангизга кирамизми ё бизникига борамизми? Бизникига борақолайлик. Иккаламиз бирон овқат қиламиз. Гаплашадиган гап кўпайиб қолди. Сизнинг маслаҳатингиз керак. Министрнинг олдидан келяпман. Хужжатлар йўқолган. Шу билан жиноят изини йўқотишмоқчи. Ахир, фотонегативлар, калит қолипи менда-ку. Илтимос, бизникига борайлик.

Жайрона ундан шунақаям бир чиройли илтимос қилардики, эркаланиб, тантиқланиб, кўзларини сузиб сўрарди. Атайин шундай қилаётгани йўқ эди. Табиий, ўз-ўзидан шунақа бўлаётганини билмасди.

Толибжон йўқ деёлмади. Тунов куни унинг уйига борганда жуда ҳаваси келганди. Ҳаворанг халат ичида тўлғанаётган танасига, елкаларида силкиниб ўйнаётган ёзиқ сочларига, шиппакни оёқ учига илиб, хонадан-хонага чопиб ўтишларига маҳлиё бўлиб қолганди. Беихтиёр очилиб қолган ёқаларини йиғиштириб тузатаётган пайтда беҳаёларча қарашдан ўзини тийган дамлари тез-тез эсига келиб турарди. Толибжон бу қизнинг бутун хатти-ҳаракатлари билан, қилаётган ишлари билан, ҳар бир айтган гаплари билан унинг мунгли ҳаётига жиндек бўлса ҳам қувонч бағишлашга уринаётганини сезиб турарди. Бу қиз унга ўзини фидо қилаётган эди. Буни Толибжон чет элларда учрашган пайтларидан билади. Унда хотини, боласи бор эди. Жайрона унга қанчалик меҳр билан қарамасин, у оилалик киши бўлгани учун кўнгил мувозанатини бузишни истамасди. Энди-чи? Қайси бир ёзувчи, парранданинг ҳам эркаги сайрайди, деганди. Толибжон Жайронанинг аёл боши билан севги изҳор қилишини кутяптими? Толибжон машинада, унинг ёнида кетар экан, шу бугун тилимнинг учидаги гапларни айтаман, деб аҳд қилди.

Уйга келишди. Иккови худди эр-хотинлардек бири пиёз, бири гўшт тўғраб овқатга уннашди. Қозон бошида ҳам гаплари тугамасди. Бири олиб, бири қўйиб гапиришарди. Шунда бирдан Толибжон ўзини тутолмади. Қўли беихтиёр Жайронанинг сочларини чангаллади. Силади. Жайрона унга монелик қилмади. Энгашганча тураверди. Шунда дастурхон устига Жайронанинг икки-уч томчи кўз ёши тушди.

— Толибжон ака, — деди у ёшли кўзларини яшириб, — шу дамларни қачондан бери кутардим. Биласизми, икки ойдирки, ётсам ҳам, турсам ҳам кўз олдимдасиз. Мен тенги қизларнинг олди тўрт болали бўлди. Мен умр бўйи кимнидир қидирдим. Энди билсам, сизни қидирган эканман.

Толибжон ички бир тўлқин юрагидан суриб чиққан сўзни айтди:

— Сизни бахтли қилолармиканман? Ахир, мен умр бўйи таъқибда яшаётган одамман. Қийналиб қолмасмикинсиз?

Жайрона бош чайқади. Тўзиқ сочлари елкаларида елпиғичдек селпиниб бир бўлаги кўкраги устига тушди. Чиройли елкалари очилиб, ёмғир ювиб ўтган боғнинг беҳисидек ғалати, эркак зотини маст қиладиган, ҳушини ўғирлайдиган, қонун тақиқлаб қўйган тақдирда ҳам энгашиб бир ҳидламаса бўлмайдиган «жаннат» бўйи анқиб кетди. Толибжон ўзини тутолмади. Жайронанинг белига қўл юбориб ўзига тортди. Очилиб қолган елкаларидан, бўйнидан ўпа бошлади.

Толибжон эрталаб уйғонганда ёнида Жайрона йўқ эди. Ёнидаги ёстўқдан ҳамон ўша беҳи ҳидига ўхшаш «жаннат» бўйи келиб турарди. Толибжон ҳузур қилиб кўзини юмди. Жайрона нариги хонада уни уйғотиб юбормаслик учун шиппакни оёқ учига илиб юрар, нонушта тайёрларди. Толибжон кўпдан бундай ҳузур, бундай ҳаловатни кечирмаганди. У шу топда худди туш кўраётгандек, уйғониб кетишдан қўрқиб ётарди. Охири ўрнидан турди. Ювингани чиқиб кетаётганида, Жайрона елкасига оҳорли сочиқ ташлади. Унинг бу иши ҳам Толибжоннинг юрагини бир тўлқинлатиб қўйди.

Жайрона нонуштага қуймоқ тайёрлаган экан. Толибжон мақтаб-мақтаб ея бошлади.

— Ҳали шошманг, — деди Жайрона. — Қуймоқ ҳам кўнглингизга тегар. Ахир, мен қуймоқдан бошқа овқатни билмайман. Полуфабрикат магазиндан музлатилган чучвара, гувалача қилиб тайёрланган котлет, ёғли хамир, чўзиб қўйилган лағмонларни опкелиб пишириб юрган одамман. Ош дамлашни-ку, мутлақо билмайман. Палов эркаклар иши, дейишади, тўғрими?

Толибжон оғзида қўймоқ бўлганидан бош қимирлатиб тасдиқлаб қўйди.
— Ундан кейин-чи, Толибжон ака, пирог, торт тайёрлашни биламан. Ичингизда ўйлаётгандирсиз, ҳеч балони билмас экан, деб. Мен бечора бунақа нарсаларни қайдан билай. Детдомда ўсдим. Институт ётоғида умрим ўтди. Қолгани юртма-юрт кезиш...

Толибжон унга аллақандай меҳр билан қаради. Жайрона буни сезди.

— Демак, таъна қилмайсиз. Агар сиз хоҳласангиз, кулинария курсига кириб ўқийман. Азбаройи сизнинг оғзингизга ёқадиган овқатларни ўрганиш учун.

Толибжон меҳр-муҳаббат акс этиб турган кўзларга боқиб, гоҳ қошларини кериб, гоҳ чимириб, гоҳ лабларини гўдакларча чўччайтириб, энтикиб-энтикиб гапираётган жувоннинг офтобли кунлари кўпроқ бўлиши учун жону-жаҳонини сарф қилишга ҳам тайёр эди.

Бахтли дамлар кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Толибжон билан Жайрона бир-бирларини ялаб-юлқаб асал ойининг бир ҳафтасини ўтказиб юборганларини билмай қолишди.

Энди у ёқ-бу ёқдан, дунёнинг ишларидан ҳам гаплашиб ўтирадиган вақт келди. Кечқурун телевизор кўриб ўтиришганда Жайрона ярми ҳазил, ярми чин қилиб, сиз курашга ярамас экансиз, битта зарбадаёқ гангиб қолар экансиз, деди.

Толибжон ҳайрон бўлди.

— Хўш, хўш? Қани эшитайлик, — деди у ҳам ҳазилга олиб.

— Область конференциясидаги нутқингиз учун бутун умрингизни қувғинда ўтказаяпсиз. Сизни коптоқ қилиб у ёқдан-бу ёққа тепишяпти. Сиз бўлсангиз, ақалли бирон марта ҳақлигингизни исботлашга уриниб кўрмадингиз. Ё айтган гапларингиз асоссизмиди?

Толибжон ундан бунақа таънани кутмаганди. Қачондир, кимдир айтиши керак бўлган бу гапни Жайрона айтди-қўйди.

— Мени кечиринг, Толибжон ака. Сиз билан тақдиримни боғладим. Энди ҳаётингизга бефарқ қаролмайман. Шу пайтгача тақдир шамоли сизни гирдобларга ташлаб айлантириб юрди. Сиз ўз қобиғингизга кириб ҳамма нарсага бефарқ қараш баша яшадингиз. Сарсонликларнинг ҳамма хилини кўрдингиз, айрилиқлар қаддингизни букди. Нима учун? Шу биргина мажлисдаги гапингиз учунми? Тоғда ёдгорлик очилганда сиз одамлар орасида эдингиз. Кузатиб тургандим. Раҳимов сизга жуда ёмон қараш қилди. Сизни кўрарга кўзи йўқлигини ўшанда билгандим. Нега курашмайсиз? Нега ҳақ эканлигингизни исбот қилишга журъат қилолмайсиз?

Толибжоннинг боши эгилиб қолди. Жайрона ўрнидан туриб унинг бошини кўксига босди.

— Келинг, бирга курашайлик. Биз ҳақмиз-ку, ахир. Мана, кўрасиз, ютиб чиқамиз. Шунча қаллобликларни кўриб туриб индамасак, қанақа коммунист бўлдик. Ахир, дунёга ўн марта келмаймиз-ку! Икки кундан кейин Москвага кетаман. Луқмонов йўқотган ҳужжатларни тикладим. Тўппа-тўғри раиснинг кўлига бераман. У киши мени танийди. Менга исмим ёзилган пистолет совға қилган. Илтимос, Толибжон ака, бунақа бўшашманг. Бўлган гапларни қоғозга тушинг. Москвага олиб кетаман.

— У гаплар эскиб кетди, — деди Толибжон. — Энди Раҳимовнинг кўли узун.

— Йўқ, йўқ, унақа деманг.

Жайрона унинг бошини кўксидан қўйиб юбориб, ичкарига кириб кетди. Ичкарида сейфнинг даранглаб очилгани, ёпилгани эшитилди. Жайрона қалин бир папка кўтариб чиқди.

— Мана, — деди у папкани столга тапиллатиб ташларкан. — Сизга яна фактлар керакми? Очинг, ўқинг! Қайси область қанча пахта топширгани, қанчаси рости қанчаси ёлғонлиги аниқ кўрсатилган. Область пахта трестларининг раҳбарлари йилига қанча юз мингдан даромад қилаётганлари, йилига темир йўлларда пахтаси йўқ қанча вагон қатнагани аниқ кўрсатилган. Магазинлардан бирон метр чит ё суруп топиб кўринг-чи. Тополмайсиз. Тўқимачилик саноатига пахта ўрнига пул кетяпти. У ердан чит ўрнига қуруқ қоғоз келяпти. Йўқ пахта учун республика йилига салкам бир миллиард сўм пул олади. Бу пулларнинг катта қисми раҳбарларга, ҳужжатларни расмийлаштирганликлари учун тегиб,

қолган қисми область, район раҳбарлари, хўжалик бошлиқлари ўртасида тақсимланади. Биласизми, республика ҳеч қачон беш ярим миллион тонна пахта етиштирмаган. Бу гапларни Раҳимов билмайди, деб ўйлайсизми? Тоғда юрган чўпон боланинг ақли етган нарсага Раҳимовнинг ақли етмайдими? Етади. У оқимга тушиб қолди. Энди мутлақо тўхтатолмайди. Тўхтатса, ўзини оқизиб кетади, — Жайрона папка боғичини ечиб, ичидаги қоғозларни олиб Толибжоннинг олдига ташлади. — Бу ҳужжатларда биронта ёлгон йўқ. Мен буларни жонимни хавфга қўйиб битталаб йиққанман. Буларни синчиклаб ўқинг. Кейин ўтириб маслаҳатлашамиз. Эр-хотин кўш хўкиз, дейдилар. Кемага тушганнинг жони бир. Нима бўлсак, икковимиз баробар бўламиз. Ёзиш сиздан, тегишли жойга етказиш мендан. Бошингизни кўтаринг, Толибжон ака. Одам деган сал исёнкорроқ бўлиши керак.

Толибжон папкани кўтариб Жайронанинг иш кабинетига кириб кетди. Стол лампасини ёқиб қоғозларга кўз югуртира бошлади. Бу папкада ҳар хил маълумотлардан ташқари, йигирмага яқин фото сурат ҳам бор эди.

Жайрона яна битта қалин папкани столга қўйиб кетди. Толибжон папкани очди. Унда ўн чоқли магнитофон кассетаси ва уларга ёзилган овозларнинг қоғозга туширилган русча ва ўзбекча текстлари бор эди.

Жайрона залда ўтириб хоккей репортажини томоша қиларди. Матчнинг учинчи бўлими энди бошланган эди. Бир маҳал Толибжон сочлари ҳурпайиб чиқиб қолди. Унинг сочларини чангаллаб ўқигани шундоққина билиниб турарди.

— Бу даҳшат-ку! Бу разолат-ку! Саратонда яғринини куйдириб ғўза чопган, музлаган кўсакни чангаллаб хирмон уйган пахтакор кафанга зор бўлиб ўлиб кетсаю бир сиқим ярамаслар, ёнида партбилети бўлатуриб чўнтагини миллионларга тўлдирса... Вой, биз қайси замонда яшаямиз? Наҳотки, шунчалик виждонсиз бўлиб кетганмиз? Минбарлардан туриб поклик ҳақида, юртга фидойилик ҳақида, ҳалоллик ҳақида оғиз кўпиртирадиганларнинг қилаётган ишларини қаранг! Шулар ҳам одамми? Отиш керак, дорга осиб керак бу ярамас виждонсизларни. Ана шулар ҳар бир жинояти учун орденлар олишган. Халқ уларни депутат қилиб сайлаган. Биз қаёққа қараб ўтиргандик? Тақдиримизни кимлар қўлига топшириб қўйган эдик?!

Жайрона боя қандай қизишиб гапирган бўлса, энди Толибжон ундан ўн чандон ортиқ қизишиб гапирарди. У чет элларда юриб, келганда ҳам тоғу тошларга чиқиб кетиб, бу ишлардан беҳабар экан. Сал бўлмаса республика ленинча курсдан четга чиқай деб қолганини энди билаётган эди.

Жайрона телевизорни ўчириб ўрнидан турди.

— Хўш, энди ям жимжитлик қидириб юраверасизми? — деди яқинига келиб.

Толибжон қўл силтади. Унинг бу нотинч XX асрда жимжитлик қидириши телбалик эканига аллақачон ақли етиб қолган эди.

— Хўш, қалай? — деди Жайрона.

Толибжон:

— Даҳшат, қабоҳат, аблаҳлик, — деб жавоб қилди.

— Энди ҳам жим турасизми?

— Йўқ! — дея қатъий жавоб берди Толибжон.

— Москва билан гаплашаман. Ҳозирча ҳеч қаёққа кетмайсиз. Шу ишни бирёқли қилганимиздан кейин майли, боринг.

Толибжон қолган ҳужжатларни ўқигани яна кабинетга кириб кетди.

Ўша куни тонг отгунча кабинетда чироқ ўчмади. Жайрона икки марта кўк чой дамлаб столга қўйиб, чиқиб кетди.

Эртасига яна тонготар чироқ ўчмади. Толибжон шу ҳужжатлар асосида СССР Давлат хавфсизлиги комитети раиси номига хат ёза бошлаган эди.

Уч кундан кейин Жайронани у Тошкент аэропортидан Москвага кузатиб қўйди. Шу билан келин-куёвнинг асал оғи поёнига етган эди.

Толибжоннинг танидаги бир неча йиллардан бери ҳукм суриб келаётган мудроқлик тарқай бошлади. Унинг яшагиси, шу пайтгача йўқотган йилларини қайта тиклагиси келарди. У эрта тонг туриб, спорт кийимини кийиб, уй атрофида тўрт-беш марта югуриб айланадиган одат чиқазди. Югуришдан келиб душда муздек сувда ювинар, то бадани қизариб кетгунча дағал сочиқда ишқарди.

Шундай тонгги югуришларда у ҳовлидаги скамейкада мудраб ўтирган бир

кишига кўзи тушди. Жуда таниш туюлди. Қаерда кўрган эканман, дея ўйлаб лифтдан олтинчи қаватга кўтарилди. Энди уйга кириши билан эслади. Бу кўзига таниш кўринган одам Мирвалининг махсус соқчиси Насим полвон эди. У бу ерда нима қилиб ўтирипти? Менга айтадиган гапи борми ё Мирвали бирон иш билан менга юборганми? Ундоқ деса Мирвали унинг бу уйда яшашини мутлақо билмайди-ку!

Эртасига яна югуриб қайтаётганда худди ўша скамейкада қотмагина бир йигитни кўрди. У олтинчи қават деразасидан кўз узмасди. Толибжон уни ҳам таниди. У Жаъфар эди. Мирвали рақибларини мана шулар қўли билан йўқ қиладди. Толибжоннинг миясига ярқ этиб бир гап келди: улар Жайронанинг жонига қасд қилиб келганлар!

Тахминлари тўғри эканига энди иқрор бўлди. Демак, Луқмонов яширин ишратгоҳ тўғрисидаги ҳужжатларни Мирвалига берган. Энди у Жайронани йўқ қилмагунча тинчимайди.

Толибжонни ваҳм босди. Жайронани қандай қилиб огоҳлантириш мумкин. Зора ўзи Москвадан телефон қилиб қолса.

Толибжон деразадан қаради. Скамейкада Насим полвон билан Жаъфар гаплашиб ўтиришарди. Улар Жайронанинг Москвага кетганидан беҳабар бўлсалар керак. Уйдан чиқшини кутишяпти. Кеча ва бугун Толибжон улар олдидан ўтганда унга эътибор беришмади. Эътибор берганлари тақдирда ҳам танишолмасди. Одам кийим билан одам. Ярим яланғоч одамни таниб олиш осон эмас, албатта.

Толибжон ётоқ чироғини ёқмай деразадан яна пастга қаради. Скамейкада папирос чўғи йилтирарди. Демак, улар кетишмаган. Кутишяпти. Улар то Жайронани бир ёқли қилмагунча Мирвалининг кўзига кўринишолмайди.

Мирвали битта гапирарди. Бир гапни икки марта қайтармасди. Айтганини қилмаганларнинг ҳолига вой эди. Ана шунинг учун ҳам келган йигитларнинг бири ухлаганда, иккинчиси уйғоқ, йўл пойлаб ўтирарди.

Толибжоннинг кўзи илинган экан, телефон жиринглашидан уйғониб кетди. Тумбочкадаги соат уч яримни кўрсатиб турарди. Толибжон трубкани олди. Бу Жайрона эди. Москвага яхши етиб борганини, раис билан учрашганини, ҳужжатларни топшириб эртасига яна кирганини айтди. Бўлган гапларни телефонда айтиш мумкин эмаслигини Толибжон тушунарди. Шунинг учун ҳам нима дейишди, деб сўрамади. Фақат қачон қайтишини сўради. Жайрона эртага иккинчи рейс билан учиб келишини айтиб, малол келмаса кутиб олсангиз яхши бўларди, юрларим кўп, ётоқдаги тошойна тортмасида «Жигули»нинг калити бор, аэропортга миниб чиқинг, деб илтимос қилди. Унинг бу гапи Толибжон учун айни муддао эди. Толибжон бу ерда унга суйиқасд тайёрланаётганини айтмади. Жайрона овқатдан қийналаётганингиз йўқми, деб сўради. Кейин, сизга ажойиб плашч олдим, Финландияники, деди.

Толибжонга умрида биров биронима олиб бермаган эди. Эсини танибдики, ишлаб кам-кўстини ўзи қилади. Студентлик йилларида дам олиш кунлари мардикор бозорига чиқарди. Кечқурунлари мактабда қоровуллик қиларди. Унча-мунча рассомликка қўли келишгандан, яқин колхозларга чиқиб клубларни безар, шiorлар ёзиб чой-чақа ишларди.

У умрида биринчи марта, сенга палон нарса олдим, деган гапни эшитиши эди. Упкаси тўлиб кўзларидан ёш чиқиб кетди. Жайрона кейин нима деди, эс-лолмади. Толибжон ҳиқиллаб трубкани жойига қўйди.

Пастда, қоронғида ҳамон папирос чўғи йилтирарди.

XXIII

Салиманинг илмий иши поёнига етди. Энди машинкага берса бўлади. Бу ёғи ёз ҳам оёқлаяпти. Қор тушиши билан бу томонлар ҳувиллаб қолади. Кимсасиз тоғ оралиғида яшаш осон эмас, албатта. Илгари шу илмий иши учун яшашга мажбур эди. Кийиклар бўлса тоққа қўйиб юборилган. Уларни кузатиш ҳам қийин бўлиб қолган. Асқаралининг ҳам ёши кетиб куч-қувватдан қола бошлаган. Етар, шунча тоғу-тошларда санқиш. Энди тинчгина «қарилик гаштини» суриб ўтирадиган пайт етди.

Салима уч-тўрт кунга Тошкентга бориб келадиган бўлди. Асқарали уни «Москвич»да катта йўлга чиқариб қўйди.

— Мошни тоққа олиб кетинг. Уйда очдан ўлмасин, — деди Салима.

Асқарали хотинининг айтганини қилди. Қайтишда уйга кириб бурчакда хуриллаб ётган Мошни кўтариб чиқди.

Мошнинг тўрттала боласи болалик қилмади. Ота қони ғолиблик қилди. Ёввойи бўлиб кетди. Улар ҳали кичкина пайтларида ҳам на Салимага, на Асқаралига ўрганишди. Эркалатмоқчи бўлиб қўли узатганларида хунук миёвлаб, тимдалашга шайланиб турардилар. Сутдан чиқишлари биланоқ қочиб кетишди. Мош қолаверди.

Ана шундан бери Мош хомуш. Ташқарига кам чиқади. Уй ичида бурчакка суқилиб хуриллагани-хуриллаган.

Асқарали машинани чодирнинг олдгинасида тўхтатди.

Бу ерда газ балони, икки камфоралик плита, учта пақир. Чодир ичида йиғма стол ва стуллар. Тепага тош фонарь осилган. Столда батареяли иккита фонарь. Спидола радиоси, дурбин.

Алюмин косага совиб қолган шўрвадан сузиб Мошнинг олдига қўйди. Мош очикқан экан, шапиллатиб ича бошлади.

Пастда, шағал тўкилган йўлда машина қораси кўринди. Бу совхознинг фақат директор билан Расулбек минадиган оқ «Нива»си эди. Асқарали аввалига, мени излаб келишяпти, деб ўйлаб, қараб турди. Машинадан у турган жой кўринмасди. «Нива» баҳайбат тошлар панасида бир кўриниб, бир кўринмай келарди. Тахминан икки юз метрларча наридаги пастликда машина тўхтади. Ундан Мирвалими, Расулбекми тушди. Узоқдан кимлигини билиб бўлмасди. Асқарали чодирга кириб, дурбин олиб чиқди. Қаради. Мирвали экан. У икки қўлини белига тираб ғилдиракка ҳайрон қараб турарди. Асқарали дурбинни ғилдиракка тўғрилади. Ели чиқиб, пучайиб қопти. Асқарали қарашиб юборай, деб энди чоғланиб турган эди, машинанинг эшиги очилиб бир аёл тушди: Седона.

У ўтган йили Самарқанд мединститутини тугатиб келган, асли Варганзедан эди.

Асқарали уни яхши танирди. Бир куни селда қолиб шамоллаганда профилакторияга бориб, унга банка қўйдирган эди.

Седона авжи ширага тўлган балоғат йилларини кечирарди. Қишлоқ йигитларининг кўзи унда. Эркак зоти борки, унга бир қарамай, бирон хуш ёқадиган гап айтмай ўтолмасди. Бўй йигитлар соппа-соғ бўлсалар ҳам ўзларини хасталикка олиб томир ушлатишга киришар, қанчадан-қанча байту-ғазаллар айтиб уни эритишга уринишарди. Бу хил муомалалар Седонага ёқарди. Ўзининг ҳусни-малоҳатидан, яккаю-ягоналигидан ғурурланарди.

Асқарали, тоғда бирон чўпон касал бўлиб қолгану Мирвали уни ўша ёққа олиб кетаётган бўлса керак, деб ўйлади. Шу топда бориб унга ёрдам берсам, фаши келмасин, деб пастга тушмади.

Мирвали дамкрат қўйиб орқа ғилдиракни олиб, бошқасини қўйди. Кейин Седонани машинага чиқазиб йўлига кетди.

Тоғларнинг тунги манзараси бениҳоя чиройли бўлади. Чанг-тўзондан, турли заводлардан, машиналардан кўтариладиган газлардан холи. Юлдузлар пиёладек-пиёладек бўлиб кўринади. Улар жуда яқин, худди қўл узатса етадигандек. Қараган одамнинг кўзи қамашади. Аста эсаётган шаббода ўт-ўланларни силкиб, анвойи ислар олиб келади. Чигирткалар, чирилдоқлар бири олиб, бири қўйиб хониш қилади. Чалқамча тушиб ётган одам албатта чексиз фазода сузиб юрган Ер йўлдошини кўради. У лип-лип қилиб тоғнинг бу томонидану томонига ўтиб кетади. Ундан кейин тоғу тошларни ларзага солиб реактив самолёт ўтади. Шундай пайтларда уяларда мудраган қушлар чирқиллаб юборишади. Бўрилар улийди. Шундоққина оёғинг тагидан тулкилар камон ўқидек югуриб ўтади.

Кун ботишга яқин ўтган вертолёт кечаси соат ўн иккиларда қайтади. Кон излаб бурғилаётган геологлар партиясига озиқ-овқат, асбоб-ускуна, портлатиш анжомлари обориб қайтади. Баъзан сокин тоғ кечасини безовта қилиб портлаш товушлари эшитилади. Унинг овози ўнгирилларда акс садо бериб, узоқ айланиб юради. Охири тошларга бош қўйиб, жимиб қолади.

Асқарали ана шундай ҳам сокин, ҳам нотинч тоғ оқшомларини севиб қолган эди. Армиянинг кўчманчи ҳаётини йигирма йиллаб кечирган офицер учун бу

ҳаёт умрининг энг ноёб дақиқаларидан эди. Асқарали роҳат қилиб, яйраб, мириқиб яшарди.

Осмоннинг ярмини қора девор бўлиб тўсиб ётган тоғ тизмалари орқасидан шошилмай бир чети синган ликопчадек ой кўтарилди. Бирданига атроф тошлар, гиёҳлар кумуш рангга кирди.

Асқарали Мошни тиззасига ўтқазиб, уни сийпаларкан, ўй ўйларди. Уруш йиллари, ундан кейинги олис ҳарбий округларида кечган умри кўз олдидан бир-бир ўтарди. Ҳаёт уни эркалатмади. Ёши мана, бир жойга етиб қолди, фарзанд кўрмади. Эр-хотин бир-бирларига термулиб, умрни ҳам ўтқазиб қўйишди. Хотини у қайга борса ёнида бўлди, безовта ҳарбий умрига шерик бўлди. Охири у армия хизматидан бўшади. Салима энди ўтроқ яшаяпмиз, ёшлигимда орзу қилган ниятимни амалга оширай, деб ўзини илмга урди. Бола-чақа бўлмагандан кейин нима биландир шуғулланиш керак. Асқарали ўзини асалари билан овутса, Салима кийиклар билан овунарди.

Ой тепага келганда Асқарали чодирга кириб тўшакка чўзилди.

Жимжит. Гиёҳлар шитирлайди. Шамол чодирни силкитади. Мош хуриллайди.

Барибир Асқаралининг кўзи илинмади. Хаёли ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа олиб кетаверди. У асосан ўтмишни ўйларди. Йигирма йиллик ҳарбий хизмат уни болалик ўртоқларидан, қариндош-уруғларидан узиб қўйганди. Ҳарбий хизматдан бўшабдими, мана шу тоғларда кезади.

Аслида у камгап, бировга аралашмайдиган одам эди. Атрофда бўлаётган воқеалардан беҳабар эди. Даврнинг шиддатли шамоллари у кезиб юрган тоғ ораларига етиб келмасди.

Салима туфайли баъзи-баъзида илмий ходимлар билан бирон даврада учрашиб қоларди. Ушанда ҳам гапга аралашмас, кўпроқ уларнинг суҳбатига жимгина қулоқ соларди.

Асқарали ётиб ётолмади, туриб туролмади. Ҳали тонг ёришмасданоқ чодирдан ташқарига чиқди.

Асқарали Мирвалига қойил қолиб юрарди. Шунча ғайрат, шунча шижоат қайдан пайдо бўлган бу одамда, деб унга ҳавас қиларди. У тўғрида ҳар хил иғво гаплар ҳам бўлиб турарди. Унча-мунчаси Асқаралининг ҳам қулоғига кирганди. Кимнидир урипти, кимнидир хотинига тегишипти, кимнидир йўқ қилиб юборипти...

Асқарали бу гапларни кўролмайдиганлар тарқатган, деб ўйларди. Тўғри, унинг қаттиққўллиги бор. Шундай қилмаса, бунақа катта хўжаликни бошқариб бўладими. Бировни сўқади, бировни уришади, бировнинг бошини силайди. Юз минглаб гектар ерга экин-тикин қилиш, шунча одамнинг бошини бир ерга қовуштириш — унча-мунча одамнинг қўлидан келадиган иш эмас. Шу биттагина совхознинг ери катта иккита район ерига тенг келади. Мирвалидан бошқа киши буни эпловмайди. Йигит эмас, олов у! Агар у армияда хизмат қилганда албатта ё генерал, ё маршал бўлиб кетарди.

Офтоб тошларга тушиб шабнам кўтарила бошлади. Арилар уядан чиқиб ғувиллаб қолишди. Асқарали жомга қўйилган пақирдаги асални очиб қаради. Хайрият, чумоли таламаяпти. Чумоли ўтмасин, деб жомга сув қўйди. Флягадаги асал қопқоғини очиб қаради. Яхши турипти. Яна қопқоғини зичлаб ёпиб қўйди.

Чодир безовта силкина бошлади.

Асқарали ташқарига чиқди. Осмонни қора булут қоплаб келарди. Шамол ўт-ўланларни чайқатар, ёввойи жийда шохларини буйдаларди. Унгирларда кўтарилган гирдибод хас-хашакларни чир айлантириб осмони фалакка опчиқиб, қўйиб юборарди. Тоғ-тошлар тепасида хазонлар, хашаклар уяси бузилган қушлардек, безовта айланарди.

Асқарали ташқаридаги нарсаларни чодир ичига опкира бошлади. У флягаларни ичкарига опкиришга улгурмай шатир-шутир қилиб жала бошланди. Ҳаммаёқ қоп-қоронғи бўлиб кетди. Қора булутлар орасида қиличдек ялтираб чақин чақа бошлади. Бир неча дақиқадан кейин тоғу-тошларни ларзага солиб момақалдироқ гулдиради.

Бехосдан бошланган жала селга айланди. Залворли тошларни ҳам қулатгудек сел ёнбағирлардан қўйилиб кела бошлади.

Замбуруғ қоя қўлтиғида икки автобусга тенг келадиган бир това тош ярим

белидан ташқарига чиқиб турарди. Ким билади, бу тош неча минг йиллардан бери шу алпозда турганикин? Юқоридан қуйилиб келаётган сел эллик метрча баландликдан шу тошга зарб билан уриларди.

Илгари сел йўли шу тошнинг нарёғида эди. Шағалу қумларни суриб келаётган оқим йўлини тўсиб қўйганидан сел энди шу тош тепасидан ҳар қандай ғовни суриб ташлайдиган куч билан қуйилиб келарди.

Асқаралининг назарида тошнинг бош томони пастга мункаётганга ўхшаб туйилди. У яна диққат билан тикилиб қараган эди, тошнинг ўрnidан анча жилиб қолганини сизди. Сел суриб келган қора тош гулдирос билан пастга қулади. Пастга оға бошлаган тошга урилдию уни жойидан қўзғотиб юборди. У ўнгир томонга сон-саноқсиз тошларни суриб ваҳима билан қулади. Замбуруғ қоянинг бир томонини ўпириб кенглиги ўн беш метр келадиган камар очиб қўйди. Камарга лойқа сув кириб ҳайвонларнинг суяқларини ювиб пастга оқиза бошлади.

Асқарали бризент плашч ёпиниб бу даҳшатли манзарани киприк қоқмай кузатиб турарди.

Илдизи билан қўпорилган қари чинорлар, арчалар пастга сурилиб туша бошлади.

Табиатнинг бу телба ўйини ўн минутдан сал ортиқ давом этди. Қўрғошиндек қора булутлар Ойқор тоғлари томон ўтиб кетди. Осмоннинг этаги очилди. Офтоб ҳам юз кўрсатди. Бутун олам бир дамгина жимиб қолди. Қушлар чуғурламас, ҳайвонлар ҳам овоз бермасди.

Асқарали шунча тоғ кезиб бунақа кучли селни кўрмаганди. Неча минг йиллардан бери қимирламай турган Замбуруғ кўлтиғидаги баҳайбат тошни қулатиш юзлаб портлатгичнинг ҳам қўлидан келмасди.

Чодир шамолда силқинавериш боғланган темир қозикларни қийшайтириб юборган эди. Асқарали қозикларни ўнглаб бошқатдан қоқди.

Ўнгирлар, тоғ этаклари туманга чулғанди. Саратон офтоби бир зумда тошларни қиздириб буғ кўтарарди. Ҳаммаёқ оппоқ туман пардасига ўралиб қолди. Асаларилар ҳамон уядан чиқмай, ҳатто ғўнғилламай тек туришарди. Асқарали ташқарида қолиб шалаббо бўлган шолчани тош устига ёйиб қўйди. Чодир ичида миқ этмай ётган мушук ҳамон ташқарига чиқмай ҳурпайиб кўзларини юмганча хурилларди.

Аста эса бошлаган шамол туманни суриб пастликларга олиб кетди. Асқарали беихтиёр Замбуруғ қоя тагида очилган камар томон кета бошлади. Елғизоёқ йўлларни шағал, қум босган. Чуқурликларда шох уюмлари қалашиб ётарди. Тошлар орасида эчки, қўйларнинг жасадлари кўринарди. Бирининг оёғи, бирининг боши тошлар орасида сиқилганча қолган. Асқарали қанча эчки ўлиги оқиб келганини санаб юрарди. То Замбуруққача ўн тўртта эчки, икки қўй ўлигини кўрди. Камарга ўн метрча йўл қолганда Асқаралининг кўзи тошлар орасидан бир бурчи чиқиб турган темир қутига тушди. Нима экан, деб яқин борди. Тошларни олиб қути атрофидаги шағалларни суриб ташлади.

Пўлат сандиқ. Сейф. Ҳайратдан серрайиб туриб қолган Асқарали уни ўнглаб қулфи очиқми, ёпиқлигини билмоқчи бўлди. Бир томони нам қумга ботиб турганидан ўнглаёлмади. Ҳарчанд уринса ҳам кучи етмади.

Атрофга аланглаб сел оқизиб келган шох-шаббалар орасидан бир ходачани танлаб олиб пўлат сандиқ тагидан қумларни сура бошлади. Охири таги очилди. Асқарали ходачани унинг тагига суқиб бор кучи билан босган эди, сандиқ кўтарилди. Уни яна бир кучаниш билан ўнглади. Сандиқ қулф эди. Асқарали уни кўтаришга уриниб кўрди, тахминан юз килога яқин шекилли. Жойидан қўзғотолдию аммо кўтаролмади.

Бу сандиқ қайдан келиб қолган, кимники? Унинг ичида ҳужжатми, бойликми, бунга Асқарали билмасди.

Бир вақтлар Улуғбек хазинаси яширилган бу тоғларда яна қанчадан-қанча хазиналар бор экан, деб ўйлади Асқарали. Мана шундай тасодиф бўлиб Улуғбек хазинаси ҳам бир кун топилиб қолса ажабмас.

Асқарали сандиқ устига шох-шабба ташлаб орқасига қайтди. У ёқ-бу ёқни сарамжон қилиб бўлгач, бу воқеадан милицияни хабардор қилмоқчи бўлди. «Москвич»и устидаги ёпқични олаётганда мотор гуриллаганини эшитди. Пастга қаради. Сел бузган йўлда силқиниб-силқиниб директорнинг «Нива»си келарди. Кеча ўтиб кетганича энди келяпти, деб ўйлади Асқарали.

У «Москвич» ёпқичини чала очганича қолдириб пастга югурди. Тошлардан-тошларга сакраб бораркан, қўл ҳаракати билан Мирвалини тўхташга ундарди. Мирвали уни кўрди шекилли, сел олиб кетган омонат кўприкдан эллик метрча берида машинани тўхтатди.

Асқарали то пастга тушгунча у машинадан чиқиб кутиб турди.

— Нима гап? Тинчликми? — деди Мирвали.

Асқарали машина ичига қаради. Орқа ўриндиқда Седона ғужанак бўлиб ўтирипти.

— Нима гап? — деди яна бояги гапини такрорлаб Мирвали.

Асқарали уни тирсагидан ушлаб четга тортди. Худди биров эшитиб қоладигандек шивирлаб, бўлган воқеани айтиб берди.

Мирвали ғалати аҳволга тушди. Нима дейишини билмай бирпас гарангсиб туриб қолди.

Мирвали ҳар қандай танг аҳволдан жуда тез ўнгланиб оларди. Тез фикр қилар, тез хулоса чиқазарди.

У Асқаралини қучоқлаб олди.

— Биласизми, майор. Сиз мени шармандалиқдан сақлаб қолдингиз. Мен оз бўлмаса партбилетимдан ажралардим. Эл-юрт олдида шарманда бўлардим. Шу шармандалиқдан мени сиз қутқардингиз. Бу сейфни бундан етти кун олдин идорадан ўғирлаб кетишган эди. Қидирмаган жойим қолмаганди. Бировга айтишга ор қилардим. Унда партбилетим, орденларим, депутатлик нишоним, Олтин юлдузим бор эди. Яна аллақанча олий Советдан келган ҳужжатлар бор эди. Дардим ичимда, куйиб-ёниб юргандим. Сизга минг раҳмат, майор. Илтимос, бу тўғрида бировга оғиз очманг. Мен бадном бўлиб қоламан. Энди қиёматлик ака-ука бўлайлик. Минг раҳмат сизга. Мен ҳам сизга бир яхшилик қиламан. Ана-ву машинада ўтирган жононлардан қўйнингизга солиб қўяман.

Асқарали сесканиб кетди. Бу нима? Астойдил айтяптими? Ё йўқотган нарса-си топилганидан севиниб довдираяптими?

Седона пастга тушди. Унинг бир қулоғида зирак йўқ, сочлари тўзғиган, бўйнининг бир-икки жойи кўкарган эди. У гандираклаб келарди.

Асқарали нафрат билан юзини тескари ўгирди.

— Майли, — деди Мирвали. — Қани, кетдик.

Седона пастда қолди. Улар иккови тошларга тармашиб юқорига чиқа бош-лашди. Мирвали тоғларда юриб баланд-баланд чўққиларга чиқиш машқини обдан эгаллаган эди. У осонликча тепага чиқиб олди. Асқарали ҳансираб қолди.

Улар тошдан-тошга сакраб Замбуруғ қоя томон кетишди. Асқарали боя ташлаб қўйган шох-шаббаларни олиб ташлади. Мирвали сандиқ тепасига келиб энгашди. Қимирлатиб кўрди. Бирон ери пачоқ ҳам бўлмапти. Фақат қирилиб бўёғи шилиниб темири кўриниб қопти, холос.

— Директор, қандоқ қилиб олиб кетасиз?

— Эплаймиз, — деди Мирвали. — Арқонми, симми борми?

— Машина багажнигидан тросни олиб келайми? — деди Асқарали.

Мирвали бош ирғаб, майли ишорасини қилди.

Асқарали кетди. Мирвали у кетиши билан сандиқни яна қимирлатиб кўрди. Ичига сув кирмадимикин, дея ташвишланди. Агар калити ёнида бўлганида ҳозир очиб кўрарди. Афсуски, калит идорадаги бошқа сейфда.

Бу сандиқ ичи пулга, олтину марваридларга тўла эди. Ундан ташқари, пачка-пачка юз сўмликлар, долларлар бор эди. Мирвали бу сандиқни беш йил олдин шу жойга яшириб, ғор оғзига тошларни қалаштириб ташлаган эди. Ҳар йили бир келиб сандиқни очар, қоғоз пуллар айниб қолмадимикин, деб текшириб кўрарди. Бугунги сел ғорнинг ярмини ўпириб, сандиқни ҳам пастга оқизиб тушган эди.

Асқарали сим арқон кўтариб келди. Арқоннинг икки учини сандиққа белбоғ қилиб бойлаб икки кишилашиб судрай бошлашди. Сандиқни то Асқаралининг чодирини олдига судраб келгунча икковлари ҳам ҳолдан тойишди.

— Менга қаранг, майор. Энди бир иш қиласиз. Сандиқни машинангизнинг орқасига бойлаймиз. Пастга прицеп қилиб олиб тушамиз. Қўрқманг, машинага шикаст етмайди. Агар бирон жойи шикаст еса шу бугуноқ гаражга обораман. Саккизта мойи артилмаган «Жигули» турипти. Хоҳлаганингизни миниб кетаверасиз.

Асқарали унинг бу гапига кулибгина қўяқолди. Севиниб кетганидан нима деяётганини билмай довдираяпти! Бу нарсалар топилмаса бечора чинакамига шарманда бўларди. Шунинг учун нима қилсам хурсанд бўларкин, деб шошяпти. Менга ҳеч нарса керакмас. Шу қувончи менга кифоя! Асқарали шундай деб ўйларди.

Ноинсоф ўғрилар, пулини ол, молини ол, наҳотки орденларини олсанг. Ялтиратиб тақиб юролмасанг, нима қиласан олиб? Партбилетини олишдан нима наф кўрасан? Депутатлик нишонини-ку, бирон нимага ишлатолмайсан. Олтин юлдуз керак бўлиб қолдимиз?

Асқарали шунча юрт кўргани билан ниҳоятда тўғри, содда одам эди. Ҳеч қачон қинғир ишларга дуч келмаган, соф яшаб, соф меҳнат қилиб юрган бир ҳарбий одам эди. Шунинг учун ҳам Мирвалининг ҳамма гапларига чиппа-чин ишонган эди.

Мирвали сим арқонни «Москвич» юкхонаси тагидаги илгакка бойлади. Асқарали моторга ўт бериб то қизигунча бир дам кутиб турди. Кейин аста юрғизиб пастга қараб эна бошлади. Сандиқ шағаллар устида судралиб ўзи билан хас-хашакларни тўдалаб борарди. Мирвали энгашиб хашакларни олиб ташлар, йўлда учраган каттароқ тошларни олиб четга ирғитарди.

Шу алпозда ортиқча қийналмай сандиқни пастга тушириб олишди. Мирвали «Нива»ни орқалатиб юрғизиб сандиққа тўғрилади. Кейин сим арқонни чиқариб ўз машинасининг орқа эшигини очди. Орқа ўриндиқ орқасидаги кичкинагина юкхонага сандиқнинг сиғиш-сиғмаслигини чамалаб кўрди. Сиғади, деган хулосага келди.

— Қани, майор, бир қарашиб юборасиз-да, — У шундай деб яна машина ичида қимирламай ўтирган Седонага деди: — Доктор, сиз ҳам тушинг, арғамчига қил қувват, дегандек фойдангиз тегиб қолар.

Седона тушди. Уч кишилашиб сандиқни кўтара бошлашди. Сандиқ оғир, уни ердан бир метрча баландга кўтариб юкхонага қўйиш осон эмасди. Мирвалидек азамат йигит ҳам терга пишиб кетди.

Сандиқ юкхонага бемалол сиғди. Мирвали кўйлақларига илинган чангларни қоқаркан, Асқаралига Седонани имлаб кўрсатди.

— Хўш, майор, нима қиламиз. Иштаҳангиз қалай?

Асқарали ер остидан Седонага қаради.

У профилакторияга бориб банка қўйдирганда бу гўзал, фариштадек беғубор қизга ҳавас билан боққан эди. Энди унинг кўнглида қандайдир ҳам ачиниш, ҳам йирганиш бор эди.

— Хўп, майли, ўртоқ директор, — деди Мирвалига қўл узатиб. — Яхши етиб олинг.

Мирвали кетар олдида унга, шу гап шу ерда қолади-я, дея тайинлади. Асқарали хотиржам бўлинг, директор, деди.

У бир одамни бахтсизликдан, бадномликдан сақлаб қолгани учун ўзини ниҳоятда энгил сезарди.

* * *

Район маданият саройи олди гавжум. Столларга оппоқ дастурхон ёзиб турли ширинликлар, хилма-хил шишаларда шарбатлар сотишарди. Морожнийчи олдида болалар ўралашарди. Йўл икки юк машинаси билан тўсилган. Уткинчи транспортни ён кўча томонга ўтказиб юборишарди. Беш-ўнта парад формаси кийган милиционерлар келди-кетдига хўшёр қараб туришарди. Асқарали аввалиги Раҳимов келган бўлсалар керак, деб ўйлаганди. Махсус сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига номзоди кўрсатилган бўлғуси депутат билан учрашув маросими бўлаётган экан. Асқарали машинасини четда қолдириб, саройга кирди. Одам кўп. Президиумда обком секретари Маҳкамов, райком секретари Ҳожимурод Холматов, Мирвали Рихсиев ва яна беш чоқли одам бор эди.

Бундан икки кун аввал Мирвали махсус округ сайловчиларига СССР Олий Совети депутатлигига номзоди қўйилишига розилик ёзиб юборган эди. Мана, бугун у ўз сайловчилари билан учрашяпти. Ҳозиргина райкомнинг янги секретари ишончли вакил сифатида Мирвалининг таржимаи ҳолини сайловчиларга

бирма-бир гапириб берди. Асқарали кириши билан сайлов округининг раиси: «Депутатликка номзод Мирвали Рихсиевга сўз берилади» — деб эълон қилди.

Мирвали президиум столига бағрини бериб ўтирганидан Асқарали унинг кўксидаги орденларини кўрмаган эди. Уч Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени ва яна уч Меҳнат Қизил Байроқ ордени электр нурида чақнаб кетди. Орденлар тепасида Республика Олий Совети депутатлиги нишони, унинг ёнида Олтин юлдуз.

Мирвали аста минбар ёнига келди. Залга узоқ қараб турди-да, бир йўталиб олгач, гап бошлади:

— Қадрли, қимматли юртдошларим. Мени шунчалик иззат қилиб, мамлакатимизнинг энг олий органи СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатганликларинг учун мингдан минг раҳмат. Ҳозир мен сўз айтиш олдидан залга қарадим. Утирган ака-укалар, опа-сингилларнинг ҳаммасини танир эканман. Мен танимайдиган бирон одам йўқ экан. Сизлар ҳам мени танийсизлар. Нималар қилганим, нималар қилаётганим ва нималар қилмоқчилигим сизларга кафтда тургандек аён. Мен шу ерда туғилиб, шу ерда яшадим. Кўзларинг олдида ўсдим. Бутун кучимни, ғайратимни мана шу тоғларга сарф қиляпман. Оддий табелчиликдан раисликка, раисликдан директорликка кўтарилдим. Кичкинагина бир колхозни қудратли, кўп тармоқли совхозга айлантирдим. Мен колхозга раис бўлган йилим атиги уч юз йигирма қўй, қирқ иккита сигир, етти юз ўттиз эчки бор эди. Ҳозир қорамолнинг ўзи тўққиз мингга етди. Қўй ўн етти минг бош. Эчки етмиш мингдан ошиб кетди. Тўрт юз эллик гектар ер саксон минг гектарга кенгайди. Ҳозир совхоз йигирма бир миллион сўмлик маҳсулот етиштиради. Совхоз ишчи-хизматчиларининг саксон етти проценти янги, ҳамма қулайликлари мавжуд уйларда яшайди. Ҳамма уйга водапровод киритилган. Уни тоғ чўққисидаги кўлдан тортиб келганмиз. Совхоз марказида стадион, профилактория, поликлиника қишин-ёзин, мунтазам ишлаб турибди... Албатта иш бор жойда нуқсонлар ҳам бўлади. Бировни акам деб, бировни укам деб, бировни отам деб, бировни опам деб ишга солиш керак. Ўзингиз биласиз, биз тоғликлар сал жанггарироқ бўламиз. Шунга яраша муомала қилмасак бўлмайди. Баъзан қаттиқроқ тегиб қўйган пайтларимиз ҳам бўлади. Бунинг учун узр.

Мирвали президиум столига қўл чўзиб пиёладаги совиб қолган чойни бир ҳўплаб қўйди.

— Яна нималарни айтай? Мен айтсам мақтаняпти, дейишларинг мумкин. Мен давлатга сотадиган жун, тивитни айтмай қўяқолай. Тоғлардан ўриб олган хашакнинг ўзидан бир ярим миллион даромад оламиз. Икки йилдирки, совхозда меҳнатга жалб қилинмаган аёл қолмади. Бунга кампирлар, беморлар кирмайди. Аёллар ҳозир эрларидан кўп даромад оляптилар. Тивит фабрикаси ишга тушди. Оренбург рўмолларидан қолишмайдиган тивит рўмоллар ишлаб чиқаряпмиз. Хом ашё ўзимиздан чиқади. Фабрикани яна кенгайтириш ниятидамиз. Эчкилардан тараб олинган тивитларнинг ҳаммасини ўзимиз қайта ишлаб маҳсулотга айлантирамиз. Хулласи, бизда рўзғори танг одам йўқ. Ҳамма тўқ, тўкис яшайди. Бир масала кўп йиллардан бери халқимизни қийнаб келарди. Ўзингизга маълум Дукат халқи Қоплонбоп сойидан сув ичади. Бутун воҳа халқи ёз ойларида Қоплонбопга тўпланади. Уч ой сайил бўлади. Ун минглаб одам кечасию-кундузи саратонда дам олади. Сойга минг турли ахлатлар оқизилади. Ана шунинг учун ҳам дукатлилар турли юқумли касалликларга дучор бўлишади. Бу йил сайил мавсуми тугаши билан Қоплонбоп сойига қувур ўтказа бошладик. Қоплонбопликлар учун алоҳида лотокдан сув берамиз. Ҳозир иш охирлаб қолди. Яна бир ҳафтадан кейин дукатлиларга шаффоф тоғ суви боради. Энди улар юз йиллардан бери қийнаб келаётган хасталиклардан халос бўладилар... Агар мана шу қилинган ишларда менинг жиндеккина камтарона меҳнатим сингган бўлса, сиз азиз юртдошларим олдида юзим ёруғ, виждоним пок, деб биламан. Қолган умримни ҳам жонажон Ватанимиз шон-шухратини оширишга, партияимизнинг иқтисодий сиёсатини ҳаётга тадбиқ қилишга, сиз азиз халқимнинг бахт-саодатига сарф қилишга тайёрман.

Мирвали қарсақлар остида жойига бориб ўтирди. Ундан кейин совхознинг илғор чўпони, тивит фабрикасининг илғор тўқувчиси ва мактаб ўқитувчиси сўзга чиқиб ажойиб ташкилотчи, меҳрибон раҳбар Мирвали Рихсиев номзоди учун овоз беришга чақирди.

Асқарали бир варақ қоғозга «Хурматли ўртоқ Рихсиев, сизга айтадиган ниҳоятда зарур гапим бор, ташқарида кутиб тураман», деб ёзди-да, ўрнидан туриб президиум столига қўйиб келди. Холматов хатга кўз югуртириб Мирвалининг олдига қўйди. У хатни ўқиб жойига шошилмай бориб ўтираётган Асқаралига қаради.

Маҳкамов йиғинни энди ёпганида қўлида радиокарнайи билан кирган ГАИ инспектори эълон қилди:

— Ун етти йигирма бир ТНБ машинасининг ҳайдовчиси ўз машинангиз олдига келишингизни сўрайман.

Бу Асқаралининг машинаси эди. У шошиб ташқарига чиқиб кетди. Боя хаёл билан машинани маданият саройининг ҳовлисига кирадиган дарвоза олдига кўндаланг қилиб қўйиб кетган эди. ГАИ инспектори унга танбеҳ берди.

Асқарали машинани четга олгунча раҳбарлар ўз машиналарига ўтириб жўнаб кетишди. Фақат Мирвали Рихсиевгина аланглаб уни қидирарди.

Асқарали машинадан тушиб унинг олдига борди.

Мирвали сал ташвишлироқ кўринарди. У хатни олгандан кейин минг хил хаёлга борди. Сейфни машинада судраб тушаётганларини битта-яримта кўрган бўлса Асқаралини қийин-қистовга олдимикан, деган ўй миясига ўрнашган эди.

— Нима гап, тинчликми? — деди у сал асабий бир аҳволда.

— Тинчлик, тинчлик, ўртоқ Рихсиев. Машинага сим арқон боғлаётганингизда калитингиз тушиб қопти.

Мирвали ичида хайрият, деб юборди. Бугун эрталаб «Волга»ни минаман деб калитини тополмаганди. Ноилож учрашувга ҳам «Нива» миниб келганди.

Мирвали Асқаралининг садоқатига қойил қолди. Уни бир хурсанд қилгиси келди.

— Биласизми, дўстим. Ҳозир идора орқасидаги икки қаватли уй олдига боринг. Бирга овқатланамиз. Гаплашиб ўтираемиз. Шунча вақтдан бери сиз билан бир пиёла чой ичмаган эдим. Вақт-соати бугунга тўғри келибди. Бўпти, орқама-орқа келаверинг. Уша ерда сизни кутиб тураман.

У шундай деб «Нива»га ўтирдию гуриллатиб ҳайдаб кетди.

Асқарали етиб борганда Мирвали машина олдига уни кутиб турарди. У Асқаралини эргаштириб иккинчи йўлакдаги еттинчи хонага бошлаб кирди: Улар коридорга киришлари билан манти қозондан чиқаётган хушбўй буғ ҳиди димоқларига урилди.

Понбархат халат кийган Седона уларни ажиб бир хуш табиат билан кутиб олди.

Бу уйни Мирвали Седонага яқинда берганди. Биринчи йўлакдаги уйни олишга Седонанинг ота-оналари, бу уй беҳосият, Бодомгул ўзини осиб қўйган, деб кўнишмади.

Мирвали уни гараж механиги Кузьма Денисовичга бериб, унинг уйини зудлик билан ремонт қилдирди-да, Седонани кўчириб опкирди.

Уй жиҳозлари ҳам ўша-ўша. Бирон нима ўзгармаган. Бодомгулдан қолган кийим-бошларни ҳар кимларга бериб юборган. Фақат тош ойна тортмасидаги тақинчоқларни олиб қолган. Уша Бодомгул тақиб юрган шода-шода, ўртасида бир қатор дури бор марварид Седонанинг бўйнида. Узуклар ҳам, тўғноғичлар ҳам Седонада.

Седона Мирвалининг машинаси пастда тўхташи биланоқ манти қозонни газга қўйган эди.

Улар катта зал уйга киришди. Дастурхонда ноз-неъматлар унча кўп эмасди. Вазада Москвадан олиб келинган конфетлар. Бир вазада ҳусайни узум. Каттагина тарелкада варақи. Ўртада икки-уч шиша боржом. Бир тарелка чакки.

Седона чой кўтариб кирди. Мирвали чалоб қилмадингизми, деб сўради. Седона, ҳозир, дедию коридордаги холодильник эшигини очиб сопол кўзача олди. Уни Мирвалининг олдига қўйиб кетаркан, боғичи ечилиб кетган халатини ўнгламоқчи бўлди. Оппоқ сонлари очилиб кетди. Гавдасини тескари ўгириб туриб боғични бошқатдан боғлай бошлади.

Асқарали Мирвали ҳақида ўйларкан, зап ишбилармон, меҳнаткаш йигитку, аёллар масаласида бежилов экан, деб қўйди. У Бодомгул воқеасини ҳам эшитган эди. Унинг ўша ишқ ўйини фожиа билан тугаганини ҳам биларди. Ҳали Бодомгулнинг тупроғи совумай янгисини топибди. Бирон марта рўзғор кўрма-

ган, не-не йигитлар кўзини куйдирган бу там-там қиз унинг тузоғига тушиб қолганига сира тушунолмасди. Балки уйланмоқчидир, деб ўйлади. Бу Мирвали қандоқ одам? Турган-битгани сир. Кимлигини, нималигини билиб бўлмайди. Биров уни энг буюк одам деса, бошқаси энг пасткаш дейди. Қайси бири тўғри? Ажаб, бир танда икки одам!

Асқарали ана шундай ечиб бўлмас чигал ипни чувалаштириб ўтирарди. Седона яримлаб қолган арман конягини столга қўйиб кетди.

— Тўхтанг,— деди Мирвали.— Оғзи очилган коньякни меҳмонга қўйиб бўлмайди. Бутунини олиб чиқинг.

— Қўйинг,— деди Асқарали.— Барибир мен ичмайман. Машинадаман. Мирвали қўлини силтади.

— Йигитлар кузатиб боришади.

— Умуман, ичмайман. Умримда оғзимга олманман.

— Войбў, деди Мирвали.— Сизни уруш кўрган одам, деб ким айтади. Мирвали ҳам ичмади. Шишани нари суриб қўйди. Манти жуда хушхўр бўлган экан. Асқарали тортинмай мақтаб-мақтаб еди. Овқатдан кейин икки пиёла чой ичиб ўрнидан турди.

— Энди менга жавоб беринг, директор. Тоғда ҳамма нарсам очиқ-сочиқ қолган, борай.

Мирвали ортиқча қаршилиқ кўрсатмади. Пастгача кузатиб тушди.

У кетгач, Мирвали хомуш тортиб қолди. Хонага кириб диванга ўзини ташладию ўй ўйлаб кетди.

— Бу одам ким? Агент эмасмикин? Пайимга тушганлардан бири эмасми? Текшириб кўриш керак. Синаш, синаш керак.

Ошхона томондан Седонанинг шақир-шуқур қилиб идиш-товоқ юваётгани эшитилиб турарди. Мирвали кўйлак ёқаларини ечиб кўксини силади.

Седона ишларини битириб ётоққа ўтиб кетди. Кейин сочларини тараб икки қулоғининг тагига духи шишасининг қоқоғини тегиза-тегиза Мирвалининг ёнига келиб ўтирди.

Мирвали унинг қўлтиғидан қўлини ўтказиб ўзига тортди.

— Қўйинг! — деди Седона астойдил ўпкалаб. — Кеча мени анаву асалчига совға қилиб юборишингизга оз қолди-я.

Мирвали Седонанинг уйидан кечаси соат бирларда чиқиб кетди.

Седона эрталаб профилактория эшигидан кираётганда бегона бир хотин олдидан чиқди.

— Марваридлар куллук бўлсин. Бу кўчма марварид энди сизга тегдими? Ундан Бодомгулнинг ҳиди келмаяптими? Эҳтиёт бўлинг, кечаси ечиб ётинг. Ухлаганингизда бўғиб қўймасин.

У шундай дедию йўлида кетаверди. Седона унинг орқасидан анграйганча қараб қолди.

XXIV

Эрталабдан бери Замбуруғ қоя тепасида вертолёт айланади.

Мирвали ГАИга телефон қилиб: вертолёт сизларникими, деб сўраганда йўқ, деб жавоб қилишди. Мирвали геологларники бўлса керак, деб қўяқолганди. Тушга яқин яна битта вертолёт ўтди. У тоғ тепасида айланиб юрмади. Геологлар бурғилаётган томонга қараб кетди. Аввалгиси ҳамон гоҳ баландлаб, гоҳ пастлаб айланиб юрипти. Мирвали мумё ўғрилари бўлса керак, деб гумон қилди.

Альпинистлар чиқолмайдиган баландликдаги мумёларни учувчилар қийратишини Мирвали билади. Ушлаб олсам, нақ она сутини оғзидан келтираман, деб юрарди. Аммо уларни қандоқ қилиб ушлайди. Тоғларда учадиган вертолётлар бир идорага қараса бошқа гап эди. Минздравники бошқа, геология министрлигиники бошқа, ГАИники бошқа. Қайси биридан гумон қилса бўлади. Ҳатто бир куни Мирвали тоғ йўлида кетатуриб пастлаб учиб юрган вертолётни қирқма милтиғи билан отиб туширмоқчи бўлиб чоғлангандию катта жанжалга айланишини ўйлаб бу шахдидан қайтганди.

— Бу аблаҳлар тоғларни ҳам оёқости қилиб юборди, — деб тажанг бўлди Мирвали.

Аммо вертолётнинг фақат бир жойда айланиши уни ташвишга сола бошла-

ган эди. Унинг тоғ камаридаги яширин меҳмонхонаси Замбуруғ қоянинг орқасида. Шуни қидираётган бўлмасин, тагин. Мирвалининг кўнглини гумон босди. У кеча ўша меҳмонхонага бориб Седона билан маишат қилганди. Видеони, телевизор билан кассеталарни чех ва немис сервисларини қоғоз қутиларга жойлаб уйига олиб келган. Энди гиламларни олиб кетса бас. Ундан кейин бу меҳмонхонага оёқ босмайди. Баҳридан ўтади.

Тоққа қор тушиши билан геологлар кўч-кўронларини кўтариб, мавсумни тугатиб, қайтиб кетишарди. Асбоб-ускуналарини совхоз хўжалик омбури ҳовлисидаги бир ҳужрага жойлаб қўйишарди. Мирвали бир кунимизга яраб қолар, деган ўй билан партия бошлиғидан ўн-ўн бешта механик портлатгич олдириб қўйганди. Шу топда унинг кўнглига бу меҳмонхонадан қутулиш керак, деган ўй келдию омбурига, ўша портлатгичдан тўрттасини олиб келишни буюрди. Кейин Расулбекка телефон қилиб бир ошли харажат билан етиб кел, деб тайинлади.

Расулбек айтганини қилиб «Нива»га харажатларни жойлаб олдига келди. — Тоққа борамиз, рулга ўзинг ўтирасан. Мен жуда чарчаганман. Бир мириқиб дам олиб келамиз, — деди Мирвали.

— Мен қолсам, хўжайин, тоғ орқасидан бугун келдим. Уч кундан бери уйга борганим йўқ.

Мирвали унга бир ўқрайиб қараган эди, гапи оғзида қолди. Фақат Седона ҳам борадими, деб сўраёлди.

Унинг бу гапи Мирвалига ёқмади. Кўзига бундан ўн беш кунлар чамаси аввалги учрашув кўриниб кетди.

Мирвали тоғдаги чўпонларни уқоқ қиласан, деб Седонани тоққа олиб кетдию чўпонлар олдига обормай йўлни ишратхона томонга бурди. Директорнинг кўнглида бундай қабиҳлик борлигидан беҳабар Седона у бошлаган томонга индамай кетаверган эди. У олиб кирган уй чўпонлар уйига ўхшамасди. Шоҳлар яшайдиган, унча-мунча одам хаёл қилса ҳам кўз олдига келтиролмайдиган, эртақлардагина бўладиган жой эди, Седонанинг юрагини ваҳм босди. Тоғ оралиғидаги одам топмас ғорлар ичига жойлашган бу шоҳона саройдан қочиб қутулиш қийин эди. Кеч кириб қора тун бошланган. Кимсасиз тоғ орасида Мирвали билан икковларидан бўлак зоғ йўқ эди. Аёл боши билан бу девдек кишига тенг келолмасди у.

Седона қанчалик монелик қилмасин, унга таслим бўлди. Мирвали ўшанда кўпдан билгиси келган унинг учинчи холи икки кўксининг ўртасидан сал пастроқда эканини билди.

Седона жавдирар, ёшли кўзлари ундан шафқат тиларди.

Мирвали тун ярмидан оққанда ётоқхонадан чиқиб зал уйнинг чироғини ёқди. Минерал суви ичиб бир оз ором олмоқчи бўлди. Ётоқдан Седонанинг алам билан йиғлашини эшитдию бақирди:

— Йиғлама! Йиғлоқларни ёмон кўраман. Бўлмаса тур, кет! Ҳозир эшикни очиб бераман. Тўрт тарафинг қибла!

Седонанинг овози тинди. Мирвали ётоққа кириб электрни ёқиб юборди. Чойшабга бурканган Седонанинг елкалари силкинар, аммо овоз чиқаргани кўрқарди. Мирвали каравот четига ўтириб унинг елкаларини силади.

— Менга қара. Олдинда икки йўл, биттасини танла. Бири шу тоғлар орасида қолиб қузғунларга ем бўлиш, бири мен билан бўлиб шоҳи-атласларга бурканиб, олтину бриллиантларга безаниш. Танла!

Седона индамади.

— Мен билан бўлсанг маликалардек яшайсан. Зорлик нима, муҳтожлик нима билмайсан.

Мирвали унинг устидаги чойшабни очиб ташлади. Седона ғужанак бўлиб олган, оппоқ мрамардек тани дир-дир титрарди. Мирвали уни елкасидан тортиб ўзига қаратди.

— Менга қара! Қара, деяпман! Мен билан бўласанми? Айт. Ё ҳа де, ё йўқ де. Йўқ, дедингми ёш жонингга жавр қиласан.

Седона:

— Ахир, хотинингиз бор-ку, — деёлди ҳиқиллаб.

— Гапни айланторма.

Седона эшитилар-эшитилмас, алам-изтироб билан, ҳа, деди.

Ана шундан кейин Мирвали қайтадан ечиниб унинг ёнига ётди...

Расулбек ҳамма ишлардан хабардор эди. Мирвали нимаики иш қилган бўлса шу Расулбек қўли билан қилганди. Тоғнинг нариги томонига эчки ҳайдатишга ҳам шу Расулбек ишбошилиқ қиларди. У томондагилар билан пул олди-бердиларга у аралашмасди. Фақат Равшанбекнинг ҳалокатидан кейингина Мирвали пул ишларига уни аралаштирадиган бўлди.

Мирвали уни қадрлайди. Мўмайгина қилиб пул беради. У Мирвалига қўшилиб кам бўлмади. Авваллари оддийгина бир фотограф эди. Энди у бир-икки юз минг пулли бўлди. Самарқандда данғиллама уй қурди. Жиянининг номига «Волга» олиб қўйди. Еди-ичдиси совхоз бўйнида. Шунинг учун ҳам унга соядек эршанган. Ул, деса ўлади, тирил, деса тирилади. Унинг яхши, дундиқ аёллардан таниши кўп. Тошкент томонлардан келадиган азиз меҳмонлар учун топиб кел, дедингми, айтган гапинг тугамай ҳозир қилади. «Березка» ва чек магазинларида ўз одамлари бор. Мирвалининг саксон мингдан ортиқ пулини долларга, франкка алмаштириб берган. Москвадан келадиган мухбирларга совға қилиш учун швецария соатлари, япон магнитофонларини Чияли бозоридан топиб келади. Шунақа нарсалардан аллақанчасини Мирвали эҳтиёт шарти сейфда сақлаб қўйган. Расулбек ана шунақа унга зарур одам эди. Аммо бошига қора кун келганда бу бола чидармикин? Аввал бирон қаттиқчилик кўрганмикин? Мирвали ана шуни билмасди.

Ҳозир иккови тоғ йўлида жимгина кетишяпти. Мирвали ўз ўйлари билан банд. Расулбек кеча Ҳожи ака билан бўлган суҳбатни эслаяпти.

Ҳожимурод райкомга биринчи секретарь бўлиб келди. У Расулбекнинг эски қадрдони. Бир вақтлар иккови ака-ука бўлиб, кўп ишлар қилишган. Буни Мирвали яхши билади. Шунинг учун ҳам бундан бир ҳафта олдин Расулбекка:

— Билиб қўй, яхши бузоқ бўлиб икки онани эмаман, десанг, бу дунё билан хайрлашавер. Бу ердаги гапни у ёққа ташийман, деб овора бўлма. Ҳожимурод ким бўпти? Бугун райком, эртага ҳеч ким. Агар билсанг, у менинг қўлимдаги ўйинчоқ. Шуни эсингдан чиқарма, — деган эди.

— Улибманми, хўжайин. Сиз билан бўлиб ёмон бўлмадим-ку. Хиёнат қилади, деган гапни кўнглингизга келтирманг. Ҳожи акалар мен учун бир марта еб бўлинган овқат. Бу ёғига у билан замонасозлик қилиб гаплашаман.

Мирвали қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Оббо фалокат-э, ёмонсан. Ишинг битгандан кейин отанг бўлса ҳам уч пулга сотворасан. Шу ишингга борман-да. Бир кун эмас, бир кун мени ҳам теппа-текинга сотворасан. Гап қайтарма. Худди шунақа одамсан. Сени пиринг йўқ. Виждонинг ҳам йўқ. Пиринг ҳам, виждонинг ҳам пул. Тўғрими? Тўғри де, аблаҳ.

Расулбек тилар-тиламас тўғри, деди.

— Битта гап айтсам майлими? — деди у. — Сиздан сал гинам бор. Сизга, ошналарингизга қанчалаб дундиқларни топиб берганман. Аммо сиз биронта сарқитингизни ол, демадингиз, Седонага менинг ҳам кўнглим кетиб юрган эди. Ризқимни қирқдингиз, хўжайин.

Мирвали нима дейишини билмай унга қаради. Бу боланинг ҳамма гапдан хабари бор. Ер тагиде илон қимирласа билади, аблаҳ! Мана шунақалар билан ишласанг арзийди. Айтадиган гапинг оғзингдан чиқмай, нима демоқчилигингни билади.

— Седона ҳали-бери сарқитга чиқмайди. Сенга айтадиган бошқа гапим бор. Тош меҳмонхонага энди келмаймиз. Кеча видеоларни олиб кетганман. Гиламларни сен йиғиштириб ол. Сенга бердим. Битта ош қилиб еймизу уй билан хайрлашамиз. Орган ҳид олган. Куни билан вертолёт нимага учаётганини биласанми? Шу жойни қидиришяпти. Топиб бўпти. Видео ёмон нарса. Ушани қўйдингми, дарров уларнинг аппарати топади. Шунинг учун олиб кетдим.

— Тўғри айтасиз, хўжайин. Самарқандда, Шаҳрисабзда ҳам чет эл фильмларини қўяётган видеоларни кўчада машинада юриб топишяпти. Аппарати дарров биларкан. — У машинани секинлатиб, Мирвалига қаради. — Эрталаб тоғнинг нарёғидан одам келганди, — деди ташвишланиб.

— Пулни олиб кептими?

— Ҳа. Аммо энди эчки ўтказмай туринглар, бирон ой сабр қилайлик, совхозни ОБХСС босди, уларни тинчитгандан кейин қолганларини оламиз, деб кетди.

- Опкелган пул қани?
- Машинамни багажнигида қолган.
- Аҳмоқ, пулни машинада сақлайсанми? — деди танбех оҳангида Мирвали. — Менга бермай, нима қилиб олиб ўтирипсан?
- Олиб кирай, десам партком билан ўтирган экансиз.
- Машина қаёқда?
- Боққа опкириб қўйганман.

Яна жим кетишди. Узоқдан арчазор кўриниши билан Расулбек йўлни чап томонга солди. Чунки илгариги йўлни портлатиб бекитиб қўйишган эди. Расулбекнинг ўзи портлатганди. Сабабини сўраганда Мирвали ишинг бўлмасин, деб гапни калта қилган эди.

Мирвали Жайрона қочиб кетгандан кейин йўлни портлатиб бошқа томондан йўл очган эди. Вертолёт билан қидириб топишолмаётгани ҳам шундан бўлса керак.

Бу йўлдан Расулбек ҳали юрмаганди. Шунинг учун ҳам у машинадан тушиб, рулни Мирвалига берди-да, ўзи орқага ўтирди.

Ҳар бири гувала катталигидаги тошлар сочилган бу йўлда «Нива» дан бошқа машина юролмасди. ҳатто «Нива» ҳам баъзан тортолмай, кучаниб аранг ўтарди.

Машина тепаликка бир кучаниб чиқдию бирданига пастликка қараб шўнғиди. Пастликда бир тегирмон сув ёйилиб оқарди. Бу сув тошлар орасига кириб арчазорга етганда яна юзага чиқарди. Сув шу қадар тиниқ эдики, тагида сузиб юрган балиқлар шундоққина кўриниб турарди.

Машина арчазор оралаб меҳмонхона олдидаги ялангликдан чиқди. Расулбек чаққонлик билан ирғиб, пастга тушдию ғор оғзини беркитиб турган тош деворни кучаниб, ўнг томонга итара бошлади. Бўйнига осилган фотоаппарат саланглаб унга халақит берарди. Девор тагидаги темир ғалтак қалдираб, ниҳоят ғор оғзи очилди. Узун тош коридордан гугурт қақиб темир эшик олдида келишди. Расулбек икки жойдан калит солиб даранглатиб эшикни очди. Деворга қўл чўзиб электрни ёқди. Ичкари йиғиштирилмаган, ўрин-кўрпалар айқаш-уйқаш бўлиб кетган эди. Идишлар ҳам столда чала ейилган овқати билан қолган. Ерда синган пиёла, тўнтарилган рюмка ётарди. Гилам устида нимадир йилтиради. Пиёла синиғининг парчаси бўлса керак, деб ўйлаган эди Расулбек. Йўқ, аёллар зираги экан. Энгашиб олди.

— Бу ёққа бер, — деди Мирвали.

Расулбек зиракни унга узатди.

Мирвали Расулбекка шу гап шу ерда қолсин, демади. Расулбекнинг гап ташимаслигини биларди.

— Аввал гиламларни йиғиб машинага опчиқ. Кейин овқатга уннайсан.

Расулбек қўлидаги гўшт, тўғралган сабзи солинган тўрвани ошхонага киришиб қўйди-да, гиламларни йиғишга киришди.

Бу гиламларни Расулбекнинг ўзи топиб келган эди. Расулбек то гиламларни йиққунча Мирвали пиёз арчиб, гўшт тўғраб турди. Расулбек жуда чаққон йигит эди. Бирпасда тўртта гиламни тахлаб коридорга опчиқиб қўйди.

— Оёқ остида ётмасин, машинага опчиқиб қўй. — деди Мирвали. — Оббо, аппарат ўлгурни бўйнингдан олиб қўйсанг-чи. Ухлаганда ҳам бўйнингга осиб ётасанми дейман.

Расулбек, хўп-хўп деди-ю, бўйнида аппарат билан гиламларни ташқарига опчиқа бошлади. То тўртта гиламни машинага жойлаб бўлгунча терлаб, пишиб кетди. У қайтиб келиб ошхонадаги жўмракни буради. Аввал жигарранг зангли сув оқиб, кейин тиниқлашди. Расулбек жўмракка оғзини тутиб сув ичди. Бу сув тоғдан келаётган ариқдан қайириб қувур орқали тортиб келинган эди. Ташқаридан қувур кўринмасди, устига шағал тўкилиб кўздан яширилган эди.

Мирвали диванга чўзилди. Расулбек қозонга ёғ ташлаб, овқатга уннаб кетди. Мирвали озроқ ётдию яна ўрнидан турди. Ташқарига чиқиб машинадан битта халтада нимадир кўтариб келди. Бу механик портлатгич солинган халта эди. Халтани диван орқасига қўйиб ошхонага чиқди. Қизиётган ёғдан чиқаётган оппоқ тутунда Расулбек аранг кўринарди.

— Менга қара, Бек, — деди Мирвали. — Мен озроқ мизғиб оламан. Ёғ ҳиди кирмасин, деб эшикни беркитаман, бўптими? Ош пишганда уйғотарсан.

Расулбек, хўп, дея бош ирғаб қўйди.

Мирвали эшикни ичидан беркитиб халтадан портлатгичларни олди. Тўрт-таласининг ҳам механик миллиарини учдан ўттиз минут ўтган вақтга тўғрилаб, бирини диван тагига, яна бирини ванна тагига тиқиб қўйди. Яна иккитаси бор. Қайга қўйсам экан, деб бир дам ўйланиб турди. Яна ичкарига кирди. Қопқоғига ёқут ўрнатилган қадимий ён соатини олиб қаради. Жавондан битта коньяк олиб Расулбекнинг олдига чиқди.

— Ҳа, хўжайин, ухламабсиз-ку, — деди қозон кавлаётган Расулбек.

— Уйқум келмади. Кел, мана шу шишани бўшатайлик. Охирги марта ичимиз бу жойда.

— Унақа деманг, хўжайин, худо хоҳласа ҳали кўп келамиз бу жойга.

— Айтганинг келсин. Манави бўлаётган «шамол-тўполон»лар сал босилсин, кейин келармиз.

У шундай деб шишани очди. Иккита пиёлага тўлдириб қўйди.

— Қовурилган гўштдан ол.

Расулбек тарелкага тўрт-бешта жаз ташлаб столга қўйди.

— Қани ол, Бек. Мен сени астойдил укам деганман. Сен ҳамма сиримни биласан. Сендан сир яширмаганман. Сени ўзимдек биламан. Ол, ол, укагинам.

Расулбек уни ҳеч қачон бунақа меҳрибон бир вазиятда кўрмаганди. Ҳайрон бўлди.

Иккови ичиб юборишди. Мирвали кетма-кет яна қўйди.

— Энди мен жиндек туриб ичай, бўлмаса ошни бузиб қўяман, — деди Расулбек.

— Ичавер, бузмайсан. Шовла қилиб қўйсанг ҳам еворамиз. Шу бугун жуда табиатим яхши. Ичгим келяпти, дўстим.

Расулбек унинг бу хил кайфиятини СССР Олий Совети депутатлигига номзоди кўрсатилгани, сайловчилар билан учрашувдан қолган хурсандчилик деб ўйлади. Шу хурсандчиликка шерик бўлиш учун иккиланмай пиёлани кўтарди.

— Сизнинг бу дунёи оламда соғ-саломат яшаб юришингиз учун. Орқангиздан эргашиб биз ҳам тирикчилик қилиб юришимиз учун, — деди.

— Биласанми, — деди Мирвали Расулбекнинг елкасига қўлини қўйиб. — Мен сахий одамман, шуни биласанми?

— Биламан, хўжайин.

— Тоғнинг нарёғидан қанча пул келди?

— Саксон минг, хўжайин, — деб жавоб қилди Расулбек.

— Шу пулларнинг ҳаммасини сенга бераман. Ол. Менинг давлатимда яйраб қол.

Расулбек ўзини йўқотиб қўяй деди.

— Йўғ-э, хўжайин, жуда кўп-ку.

— Олавер, меники ўзимга етади... Ташқарига чиқиб пича кийик ўти териб келаман. Қон босимим кўтарилипти. Шу коньяк ўлгурни ичмай дейману яна бўлмайди-да. Қон босими бор одамга коньяк бўлмайди, арақ дуруст.

У шундай деб тўрва кўтариб ташқарига чиқиб кетди.

Ҳаво яшнаб турарди. Мирвали икки елкасини орқага кериб ҳузур қилиб нафас олди. Атрофга аланглаб бегонанинг назари тушмасин, деб тош деворни қалдиратиб суриб, ғор оғзини беркитди. Чўнтагидан бояги ён соатни олиб қаради. Унинг совғага олган, исми ёзилган соатлари, Расулбек «Берёзка»дан олиб келган электрон соатлари кўп эди. Уларни тутмасди. Бу ён соат унга ота қадрдон бўлгани учун доимо ёнида олиб юрарди.

Мирвали пастдан туриб ишратхона тепасида икки томондан эгилиб турган қояга қаради. Баҳайбат тошлар шундоққина тепасида соябондек турарди. Мирвали тошларга тирмашиб тепага чиқди. Механик портлатгичнинг биттасини ўнг томондаги харсанг тагига, яна биттасини чап томондаги тош тагига тиқиб қўйди.

У пастга қайтиб тушиб ариқда бет-қўлини ювиб дастрўмолига артди. Машина ёнига бориб ўн беш минутлар чамаси у ёқ-бу ёқларни безовта томоша қилиб турди. Кейин кабинага ўтирдию машинани гуриллатиб ҳайдаб кетди.

У арчазордан чиққанда соат учдан йигирма олти минут ўтганди. Яна уч минутдан кейин меҳмонхона портлайди. Мирвали моторга газ берди. Машина шағалларни суриб, тепаликка чиқди-да, сув кечиб пича юргач, бои Расулбек рулни берган жойга келди. Бу пайт соат учдан йигирма саккиз минут ўтганди.

Мирвали меҳмонхонадан тахминан тўрт юз метрча нарига бориб қолганди. Машинани тўхтатиб пастга тушди. Соат учдан йигирма тўққиз минут ўтди. Мирвалининг бир кўзи соатда, бир кўзи тошлар орқасидан учлари кўриниб турган арчазорда. Соатнинг секунд стрелкаси олти рақами устидан ўтаётганда Мирвали икки кафтини юзига тортиб, облоху акбар, деди. Шу пайт дахшатли портлаш бошланди. Кетма-кет портлаш тошларни осмонга отди. Тоғ оралиқларида қулоқни қар қиладиган хунук акс садо айланиб юрди. Бир зумдан кейин яна ҳаммаёқ жимжит бўлди-қолди.

Расулбек ҳам кетди. Мирвали учун у энди ортиқча эди. Кейинги икки-уч йилда Мирвали нимаики қилган бўлса ҳаммасига шу Расулбек шоҳид. Тоғ ортига ўтказилган эчкилардан тортиб мана шу меҳмонхонада бўлиб ўтган ишларга-ча у билади. Вақтики келиб, аҳвол танг бўладиган пайтларда албатта у оғзидан гуллайди. Энди унинг яшашга ҳаққи йўқ эди.

Мирвали қачондир йўлига тўғаноқ бўладиган битта гувоҳдан қутулганидан енгил нафас олди.

У дарров йўлга чиқмади. Бемаҳал портлатишдан ҳайрон бўлган чўпонлар шу топда бу томонга қараб туришипти. Озроқ вақт ўтказиб йўлга чиқиши керак.

Шу пайт у: сайловчилар овоз бериб бўлганмикин, деб хаёлидан ўтказди. Кўзига маданият саройи кираверишига илиб қўйилган портрети кўриниб кетди. Бу суратни — Расулбек олган эди. Кўкси тўла орден. «Олтин юлдуз».

Сурат тагидаги алвонга: «Халқ номзоди Мирвали Рихсиевга яқдиллик билан овоз берамиз!» деб ёзилган.

Мирвали боя битта хатога йўл қўганини билиб қолди: меҳмонхонада Расулбек ечиб қўйган костюм чўнтагидан машинасининг калитини олиши керак эди. Олмапти. Боғда қолган унинг машинаси багажнигида пул турипти. Қандоқ қилса бўларкин? Бир йўли топилиб қолар, деб ўйлади Мирвали.

Яна соатни олиб қаради. Учдан қирқ уч минут ўтипти. Энди кетса ҳам бўлади. Йўлга тушди. Шундоққина дўнг айланиб сув бўйига бурилганда пастдан икки пақирда сув кўтариб чиқаётган Асқаралига йўлиқди.

Бу одам селда оқиб тушган унинг пўлат сандиғини топган эди. Мирвали айтган баҳоналарга ишонмаслиги мумкин. Одам боласининг сир сақлаши қийин. Мирвалининг кўнглида ёмон, жуда ҳам ёмон ният тугилди...

Асқаралининг пастдан то йўлга чиқиб олишигача етти-саккиз қадам қолди. Машина тезлиги соатига олтмиш километрни кўрсатиб турипти. Яна озроқ газ бериш, етмиш километр тезлик олиш керак.

Асқарали йўлга чиқиб олганда машина ундан эллик қадамча узоқликда эди. Мирвали яна газ берди. Асқарали чўчиб қадамини тезлатди. Пақирдаги сув чайқалиб, унинг тез юришига монелик қиларди. Мирвали унга етдим, деганда у пақирни ташлаб, ўзини четга олди. Мирвали рулни кескин буриб юборган эди, Асқаралини том бўйи тошга қапиштириб қўйди.

Мирвали машинани дарров орқага қайтармади. Асқаралини қисиб тураверди. Охири орқага тисарилди. Асқарали шундоққина ёнбошига йиқилди. Мирвали унга қайрилиб қарамади.

Бурилишда атайин кўприкдан ўтмай машинани сувга солди. Сув машина салонига чикди. Мотор ўчиб қолишидан кўрқиб дарров яна қирғоққа чикди. Шиддат билан оқаётган тоғ суви машинага кўнган ғуборларни ювиб кетган эди.

Шу бугун, ярим соат ичида Мирвали икки гувоҳдан халос бўлганди. Бунақа омад келган кунлар жуда кам учрайди, елкамдан оғир юк ағдарилиб тушди, деб ўйлади.

У магнитофон тугмасини босди. «Ўхшайди-ку» қўшиғи янграб кетди. Мирвали кайф билан бошини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ташлаб, қўшиқдан сел бўлиб борарди.

Икки кишининг ҳаёти бандидан қирқилган шундай пайтда кўнгли қўшиқ истагани унинг учун ғайритабиий бир ҳол эмасди.

Бухоро амирининг жаллоди ҳам зиндонда одам сўйиб чиққандан кейин чаккасига гул тақиб кетавераркан.

Ниҳоят боққа келди. Абдулазиз сўрида Мирвали тўғрисида мақола чиққан «Сельская жизнь» газетасини ўқиб ётарди. У Мирвалини кўриши билан ўрнидан сапчиб турди.

— Овқат-повқатинг борми?

— Бор, бор. Сузиб чиқайми?

— Давай! — деди Мирвали.

У шундай деб тол тагида турган Расулбекнинг «Жигули»сига қаради. Абдулазизнинг овқат сузиб келгунича сабри чидамай Расулбекнинг машинаси олдига борди. Багажникка калит солиб кўрди, тушмади. Қайтиб келиб гаражга телефон қилди.

— Гаражда нечта «Жигули» бор? — деб сўради.

У тарафдан учта хусусий, еттита ҳали ҳеч кимга берилмаган «Жигули» бор, деган жавоб бўлди.

— Ҳаммасининг калитини йиғиштириб кел.

Абдулазиз дастурхонга овқат қўйди. «Халқ номзоди» Мирвали Рихсиев ҳаддан ташқари очиққан эди, ҳеч қаёққа қарамай бирпасда овқатни шапиллатиб еди. Устидан икки пиёла чой ичиб ўрнидан турди. Гараж бошлиғи бир шода калит билан кириб келарди.

— Бўлди, сен кетавер, — деди Мирвали унинг қўлидан калитларни олар экан. — Бир оздан кейин Аблаз опчиқиб беради.

Гараж бошлиғи кетгач, Мирвали қўлидаги калитларни багажник қулфига бир-бир солиб кўра бошлади. Биттаси тушди.

У багажникдан қоғоз қоп олиб ичига қаради. Юз сўмлик, эллик сўмлик пачкалар. Яна бир кичикроқ қоғоз пакетда ҳам йигирма минг атрофида пул.

— Аблах, — деди Мирвали. — Саксон минг, деб мени лақиллатган экан. Йигирма мингни ўмариб қўйган экан-да.

У багажникни ёпиб яна қулфлаб қўйди. Қоғоз қоп билан пакетни меҳмонхона зинасидан кўтариб чиқар экан, Аблаз, деб чақирди. Югуриб келаётган Абдулазизга калитларни отди:

— Гаражга опкириб бер.

Меҳмонхонада пулни санаб жами юз минг эканлигига қаноат ҳосил қилгач, қопни каравот тагига тиқиб ўзини тўшакка отди. У бугунги кунидан бениҳоя хурсанд эди.

* * *

Салима институтнинг РАФ машинасида келди. Эшик берк эди. Уй атрофини айланиб Мош, Мош, деб чақирди. Мушук келмади. Демак, Асқарали уни олиб кетган, деб ўйлади Салима.

У шунча йўл юриб келган шофёрни овқатлантириб кейин жавоб бермоқчи эди.

— Акангизни олдига обориб қўясиз энди, иним. Ўша ерда ризқимизга яраша егулик топилиб қолар.

Машина Замбуруғ қоя томон йўл олди. Куз кириб тоғ салқин бўлиб қолган эди. Машина орқасида чанг кўтарилмасди. Йўл ёқасида онда-сонда учраб қоладиган дўлана тупларида барг қолмаган. Шоҳларидаги шиғил мевалар қипх қизил бўлиб кўзни олади. Кийик ўтлар қуриб, қовжираб қолган. Тошларнинг офтобрў томонида ёввойи каптарлар икки қанотларини ёзиб кўкракларини қизиган шағалга бериб ётишибди. Шундоққина ёнларидеги илон пўстларига бепарво қарашади. Ун чоқли тошбақа йўлни кесиб ўтпти. Шофёр уларни кўрмади шекилли босиб ўтиб кетди. Салима орқа ойнадан қаради. Тошбақаларга ҳеч нарса қилмапти. Шофёр кўрган, атайин босиб ўтган экан.

— Нима деб ўтирипсиз, опа, — деди. — Самосвал босиб ўтса ҳам ҳеч ба-ло урмайди. Бир марта семон ортилган самосвал тошбақани босиб ўтганди, ўлдиёв, деб кабинадан тушиб қарасак, ҳеч нарса бўлмагандек пилдираб кетяпти.

Йўлга тош қулапти. Ўтиб бўлмай қолди. Шофёр нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб турган эди, тепаликдан устига бир қоп анзур пиёз ортилган эшакни етаклаб бир чол тушиб келаётганини кўрди. Чол улар ёнига келганда ўзи гап бошлади:

— Жўлни тас басқан. Сувдан кешиб ўтингиз. Аржағи тоза жўл.

Шофёр унга раҳмат айтиб машинани тисариб сал орқага берди-да, пастликка қараб юрғизди.

Сув тиниқ эди. Тоғ суви шундоқам тиниқ бўларди. Айниқса куз кириб янада тиниқпти. Тагидаги тошлари санаса бўладиган даражада аниқ кўринади.

Машина сувда озроқ юргандан кейин яна юқорига — йўлга чиқиб олди. Чол айтганча йўлнинг бу томони текис эди. Машина силкинмай равон борарди. Чамаси икки километрча юрганларидан кейин тепаликда Асқаралининг чодирини кўринди.

— Етдик, опа.

Шофёр шундай дедию Асқаралининг «Москвичи» очган сўқмоқдан юқорига энди кўтарилаётган эди, ўн беш чоқли ёввойи мушук мотор товушидан чўчиб тўрт тарафга тарақайлаб қоча бошлади.

Шофёр билан Салима пастга тушишди.

Ёввойи мушуклар орасида Мош ҳам бор эди. У оғзида тишлаб кетаётган бир парча гўштни ерга ташлаб ўгирилиб қаради. Салимани таниди. Яна гўштни тишлаб у томонга кела бошлади. Мушук етиб келишини кутиб турди. Бошқа мушуклар тошлар тепасида уларга жуда хунук қараб туришарди.

— Ҳа, ўлгир, юрибсанми? Ўз тирикчилигинг ўзингга қолдимми?

У шундай деб унинг буйинларидан силади. Ёввойи мушуклар яна боя қочган жойларига ёпирилиб кела бошладилар. Шофёр бу ерда нима бало бор экан, эчкими, қўйми ўлган бўлса ёввойи мушукларга ем бўляпти шекилли, деб ўйлади-да, ўша томонга юра бошлади. Ёввойи мушуклар одам шарпасидан яна қочишди.

Салима Мош билан овора эканлигидан, шофёрнинг қайтиб келганини сезмаганди. Унинг ранги ўчган, қалт-қалт титрарди. Ияги силкиниб, гапиролмай қўли билан мушуклар қочган тарафни кўрсатарди.

Салима ҳайрон. У нима деяпти? Нима бўлди ўзи?

У шофёр кўрсатган томонга юраётган эди, билагидан ушлаб тўхтатди.

— Борманг, борманг, — дея олди зўрға.

Салима тўхтади.

— Акам, — деди титраб-қақшаб шофёр. — Ўлиб ётибди...

Салима унинг гапини охиригача эшитмади. Ўша томонга ўқдек отилиб кетди. Орқасидан Мош ҳам югурди. Шофёр бормади. Боришга юраги бетламасди. Бир оздан кейин Салиманинг аламли қичқириви бир эшитилдию тинди. Бошқа овоз чиқмади. Шофёр шошиб ўша томонга борди. Салима ўзидан кетиб йиқилган, Мош ҳамон гўшт чайнаётган эди.

Асқарали ёнбоши билан ётиб қолган. Унинг кекиртаги, кўкраги, қорни ға-жилган.

Бундай пайтларда эркак одам дадилроқ бўлади. Шофёр ўзини ўнглаб олди. Салимани кўтариб четга олиб тошга суяб ўтқазиб қўйди. Нима қилишини билмай бирдам ўйланиб турди-да, илдамлик билан орқасига қайтиб машинага ўтирди. Келган йўлидан жадал кетди.

Орадан бирон соат ўтиб чўпонларни бошлаб келди. Бир чўпонни совхоз идорасига хабар беришга юборди.

Салима ҳамон қимирламай тошга суянганча ўтирипти. Мош шапиллатиб гўшт чайнайди. Чўпонлар ҳам нима қилишларини билмай анча вақтгача серрайиб туриб қолишди.

Бир чўпон, опани юзига сув сепинглар, деди.

Йўл ўртасида иккита пақир ётарди. Биттасида сув олиб келишди. Салиманинг юзига сепишди. Салима уйқудан уйғониб кетгандек чўчиб кўзини очди. Оёғига ишқаланаётган Мошни тепиб юборди. Мош норози бир возда миёвлади. Асқаралининг устига чопон ёпиб қўйишди. Ҳеч кимдан садо чиқмасди.

Мирвали «Нива»да участка милицияси билан келди. Жасаднинг бетини очиб қаради. Асқарали кеча кўкрагидан машина сиқиб антикиб-антикиб жон таслим қилганда очик қолган кўзлари ҳамон ўшандайлигича юмилмай турарди. Мирвали унинг бетини ёпди. У кўп ўлимларни кўрган, мурдадан чўчимайдиган бўлиб кетганди.

— Мушукларни қириб ташлаш керак. Яқиндан бери тоғда одамхўр мушуклар пайдо бўлган. Бу ўшаларнинг иши, — деди чўпонларга қараб.

Чўпонлар унинг гапини тасдиқлашди.

— Мушук инсонга дўст бўлмайди, — деди биттаси.

— Мушукларни нияти ёмон бўлади. Боланг ўлсин, тиззангда ўзим ўтирайдиркан.

Салима гўшт чайнаётган Мошга ўқрайиб қаради. Ўрнидан туриб ердан тош

олиб унга жон-жаҳди билан отди. Тегмади. Мош қочди. Баланд тош устига чиқиб бағрини берганича, уларга ёмон тикилиб тураверди.

— Чодирдан кўрпа олиб тушиб ўранглар, — деди Мирвали. Кейин Салиманинг олдига келиб ҳамдардлик билан деди: — Опажон, қандоқ қиламиз. Пешонасига тоғ-тошларда ўлиш битилган экан. Чидамай иложимиз йўқ.

Салима индамади. Ахир, шунча йил бирга яшашди. Бирон марта бири-бирини сен демади. Армия ҳаётининг мураккаб йилларини бирга баҳам кўришди. Асқарали хизмат қиладиган қисм қайга кўчса Салима ҳам бирга кўчди. Бирон кун уни ёлғиз ташлаб кетмади. Аччиқ-чучук кунларни бирга татиди. Фарзандсизлигидан куймасин деб унга боладек эркаланди. Эрмак бўлсин, деб мушук боқди. Қайга борса олиб юрди. Мана шу мушук унинг кўксини ғажиди. Тилкапора қилди.

Шу топда Салиманинг кўзи олдидан бутун умри бирма-бир ўтди. Ана энди тамом. Тоғ-тошлар орасида Асқарали умр йўлини тамом қилди.

Юқоридан кўрпа олиб тушишди. Асқаралини ўраб РАФ машинасига олишди.

— Опажон. Сизлар кетаверинглар. Бу ерда қолган юкларни ўзим жўнатаман. Машинасини ҳам ҳайдаб обориб берамиз. Совхоздан жанозага одам жўнатаман. Кам-кўстингиз бўлса айтинг, тортинманг...

Мирвалининг гапи оғзида қолди. Салима биргина «рахмат» сўзи билан унинг гапини бўлиб қўйганди.

— Мана шу мушукни йўқотинглар. Шуни кўрмай.

Ҳамма тепада тошга бағрини бериб ётган Мошга қаради. У одамларга ёмон тикилиб турарди. Участка милицияси ёнидан тўппончасини чиқазиб уни мўлжалга ола бошлади.

Мирвали унинг қўлини қоқиб ташлади.

— Тўппонча билан уриб бўлмайди. Шошмай тур.

У шундай дедию машинадан қирқма қўшоғиз милтиқни олди. Қўндоқни елкасига тираб туриб иккала тепкини баробар босди. Тоғ-тошлар гумбурлаб кетди. Мош пастга юмалаб тушди. Икки-уч марта оёқ қоқдию жим бўлди.

Баданга игнадек санчиладиган кеч кузги тоғ шамоли эсди. Тепада эгасиз қолган чодир силкинди.

РАФ жўнаб кетди. Чўпонлар орқадан маънос қараб қолишди. Мирвали ҳеч кимга қарамай машинасига ўтираркан, орқасига ўгирилди.

— Боринглар энди. Тоғда қанча мушук бўлса барини отинглар. Битта қолмасин. Қанча ўқ сарф қилсанглар мен тўлайман.

У йўлда кетаркан, ўз қилмишини мушукларга тўнкаб юборганидан мамнун эди. Асқаралининг ўлимини энди одамлар ҳеч кимдан гумон қилишмайди. Одамхўр мушукларга тўнкайверишади.

Кўнгли хотиржам бўлган Мирвали магнитофон тугмасини босди. Алиматов сатода «Чўли ироқ» ни ижро этарди. Мирвали дарров ўчириб қўйди. Бу куй унга Асқаралининг очиқ қолган кўзларини эслатаётганга ўхшарди.

XXV

Мирвали ўзида йўқ шод эди. Сайлов комиссиясининг раиси билан секретари унинг СССР Олий Советига тўқсон саккиз процент овоз билан депутат қилиб сайлангани тўғрисидаги ҳужжатни олиб келишди. Бундай хушxabарни олиб келганликлари учун икковларининг ҳам билакларига электрон соат тақиб қўйди.

У Қоплонбопга бориб қувур ётқизаётганлардан хабар олмоқчи бўлиб турган эди. Боришдан айниди. Ҳализамон муборакбод қилгани одамлар келиб қолиши мумкин. Боққа дастурхон тайёрлатиш керак. Бугунги ишларни телефонда битқазса ҳам бўлади, деб ўйлади у.

Қоплонбоп ҳозир остин-устун бўлиб кетган. Олтита экскаватор, бешта бульдозер қувур устига тупроқ тортяпти. Элликка яқин самосвал тупроқ ташияпти. Ҳаммаёқ чанг, тўзон. Мирвали шунинг учун ҳам эски кителини, бризент этигини кийиб, йўлга чиқишга тайёрланиб турганди.

Мирвали меҳмонхонага кириб кийимларини алмаштира бошлади. Абдулазиз оқ кителини дазмоллатиб, туфлисини артиб, ялтиратиб қўйган эди. У ўзини ойнага солиб, кител ёқасидаги Республика Олий Совети депутатлиги нишонига

кўзи тушди. Назарида бу нишон жуда кичкина, жуда ожиз кўринди. Чиқазиб олиб темир сандиққа ташлаб қўйди. Энди у СССР Олий Советининг депутаты. У қандайдир республика аҳамиятига эга одамлар билан ёнма-ён ўтирмайди. Бундан буёқ Москвада, Кремлда маршаллар, Иттифоқ министрлари, Ленин мукофотига сазовор бўлган академиклар, қўш қаҳрамон космонавтлар билан ёнма-ён ўтиради.

Абдулазиз хонага кириб Расулбекнинг хотини келганини айтди.

— Нима иши бор экан? — деди Мирвали нохушланиб. Кейин сал юмшадди. — Ҳозир чиқаман, кутиб турсин.

У чиққанда Расулбекнинг хотини сўри лабида омонатгина ўтирарди. Директорни кўриб ўрнидан турди.

— Эрингиз қаёқда юрипти? Саёқлиги ҳеч қолмади-қолмади-да!

Аёл юзини яшириб жавоб қилди:

— Тўрт кундан бери қаёқдаликларини билмайман. Бунақа одатлари йўқ эди. Қаёққа кетсалар, айтиб кетардилар.

Мирвали хотинни юпатмоқчи бўлди.

— Юргандир санқиб. Келиб қолар, сиз унчалик ваҳима қилаверманг. Ана, машинаси шу ерда турипти. Бирон ўртоғи билан Самарқандда, Шаҳрисабздами сурат олиб юргандир. Келиб қолади. Сиз ваҳима қилманг. Келади.

Аёл ҳардамхаёл бўлиб, қиқиб кетди. Мирвали Расулбекнинг қайтиб келмаслигини, манаву муштаккекка бўлиб кичрайиб кетган хотиннинг умри энди тул ўтишини билатуриб, эти сесканмади.

Абдулазиз то дастурхон тузатгунча Мирвали идорага кираверишдаги эшик олдида курси қўйиб арз билан, иш билан келганларга муомала қила бошлади. Уни кутаётганлар унчалик кўп эмасди. Гараж қоровули бетоқатланиб турарди.

— Ҳа, нега ишни ташлаб буёқда юрибсан? — деди Мирвали унга ўдағайлаб.

Қоровул соясидан ҳам кўрқадиган одам эди. Унинг ўдағайлашидан ўзини йўқотиб қўйди.

— Хўжайин, шу, шу, десангиз, шу... Бизда машина довоннинг нарёғида шу радиатори тешилиб шу, қолиб кетибди.

— Қанақа машина? — деди ҳайрон бўлиб Мирвали.

Ҳозир Тошкент томондан шу... келаётган шу бир «Жигули» гаражга келиб шундоқ деди.

Қанақа машина, деб сўраяпман?

— Шу... асалчининг юкини Тошкентга шу олиб кетган машина шу...

— Нега менга айтасан? Гараж мудирига айт.

— Шу хотини тўлғоқ тутиб, шу, балнисага олиб кетганди.

— Бўпти. Бош механикка айт, ўзи битта янги радиатор олиб, бориб ўрна-тиб, бирга олиб келсин. Бор, шундай деб айт.

Қоровул шу, деб яна нимадир демоқчи эди. Мирвали қўл силтаб, кетавер, ишорасини қилди.

«Дилором» посёлкасининг домкоми русча, ўзбекча, татарча аралаштириб деди:

— Свит юқ. Трансформатор перегарит иткан. Артезиандан сув қачат итми, Пилорама ишламай... Битонамишалка...

— Бўлди, бўлди, тушундим, — деди Мирвали.

У ёнидаги табуреткага қўйилган, сими узун телефон трубкасини кўтариб бош инженерни улашни сўради.

— Ўзингмисан? Менга қара. «Дилором» да трансформатор куйипти. Дарров одам юбор. Шу бугуноқ тузатсин. Кечга томон ўзим ўтиб, текшириб кўраман. Всё!

У шундай деб трубкани шарақлатиб жойига ташлади. Ҳассасини иягига тираб ўтирган чолга қаради.

— Хизмат, ота? Нима гап бўлди? Ҳеч тинчлик йўқ экан-да. Неварангиз икки йилгина турмада ётиб келса ақли кирарди. Ҳадеб ўртага тушавераманми?

— Болам, ўзинг ҳам шўх бўлгандинг. Қўйилиб қолар. Иккита боласи бор. Қамалиб қолса, келин кетиб қолади. Унда битта ўзим сўппайиб қоламан.

— Бўлмайди, отам. Официантни урипти. Буфетчининг жавонига шиша отиб аллақанча арақ-коньякларни, идиш-товоқларни синдирипти. Икки юз қирқ

сўмли нарса синдирган. Уттиз сўмли ичиб пулини тўламаган. Хўш, буларни ким тўлайди? Тўлаганда ҳам официантни ургани учун жазоланади.

Чол бошини эгганича ночор бир алпозда индамай ўтирарди. Охири у бош кўтариб:

— Болам. Ердам қил. Қўли узун одамсан. Даданг билан ўртоқ бўлганман. Мени беш кунлигим борми, йўқми, азобда ўлиб кетмай. Шу ишни тўғрила. Отанг айлансин, — деди. Шундай деятуриб кўзларидан мўлт-мўлт ёш оқа бошлади.

Мирвали бу чолни аслида яхши кўрарди. Шу чол унга дадасининг суратини топиб берган. Болалигида Самарқандга бориб иккови бирга олдирган суратини Мирвалига берган.

Мирвали ўйланиб қолди. Бугун у ниҳоятда хурсанд. Бунақа хурсандчиликнинг садақаси ҳам бўлиши керак-да. Ота қадрдоним учун бир яхшилик қилсам, қилибман-да, дедию ёнини кавлаб учта юз сўмли олиб, чолнинг қўлига берди.

— Манавуни буфетчи билан официантга беринг.

У шундай деб трубкани олди.

— Милиция бошлиғини улаб қўй.

Бир оздан кейин симнинг нарёғидан жавоб келди.

— Акоповмисан? Мен Рихсиев... қалайсан? Э, раҳмат. Тўқсон саккиз процент. Иш бор жойда бировга ёқасан, бировга ёқмайсан. Ҳеч бўлмаса икки процентгина душманинг бўлади-да. Э, оғайни, анаву безори Тўлаганни қўйиб юбор. Ўзимиз жазосини берамиз. Биласан-ку, совхозда ўртоқлик судимиз борлигини. Ўзимиз жазолаймиз. Э, тўлайди, тўлайди. Шу бугуноқ тўлайди. Ҳозир қўйвор. Гап битта. Хўп, хўп. Айтаман. Ўзлари обориб беришади. Албатта семизидан-да. — У шундай деб трубкани жойига ташлади. — Боринг, ота. Битта қўйга туширдигиз. Бугун ўнг ёнбошим билан тургандим, ишингиз битди. Уғлингизни ҳозир қўйворади. Пулни бошқа нарсага ишлатиб қўйманг. Дарров обориб беринг.

Чол йиғлаб-йиғлаб дуо қилди.

Мирвали боятдан бери безовталниб турган чорва комплексининг мудирига қаради:

— Сен нима иш билан келдинг?

— Кеча ўзингиз айтган эдингиз-ку, эрталаб кел, деб.

Мирвали нимага чақирганини эслаёлмай бир дам индамай туриб қолди. Кейин жаҳл билан ўрнидан туриб кетди.

— Аблаҳ одам экансан. Нима, мени телевизорнинг миниатюрасига чиқазмоқчимисан? Ферма ҳовлисига оёқ босиб бўлмайдиган бўлиб кетибди-ку. Энг камида саксон тонна гўнг уйилиб ётибди. Ҳидидан кўчадан одам ўтолмайди. Атроф хонадонларни пашша талаб ётибди. Нима қилиб, савлатга йиғиб ўтирибсан? Нега жўнатмайсан?

— «Белорусь» тракторларини Қоплонбопда, қувур ётқизишга ишлатиш-япти.

— Нима, ота-бобонг гўнгни тракторда ортганми? Ҳозир гаражга бориб ўнта тележка оласан, жами ходимларингни қўлига белкурак бериб, кечгача тележкаларга юклатасан. Эрталаб азонлаб хабар оламан. Гўнг уйилиб ётган асфальт ерни шланкада сув билан ювиб, йилтиратиб қўясан. Бор, кетавер. Шошма, гўнглари ҳамма отделенияларга баробар тақсимла. Бири олиб, бири қолиб кетмасин.

Ўрта ёшлардаги кўзойнакли йигит унга бир қоғоз узатди. У совхоз марказидаги ўрта мактаб директори эди.

— Бу нима? — деди Мирвали энсаси қотиб.

— Райононинг буйруғи. Мени ишдан бўшатипти.

— Жуда тўғри қипти-да. Аллақачон орқанга тепиб ҳайдаш керак эди.

— Нима гуноҳ қилдим, ўртоқ директор? — деди у ҳайрон бўлиб.

— Улар нима, деб бўшатганини-ку билмайман, мен бўшатсам, иғвогар, деб бўшатардим. Ана энди вақтинг кўп бўлади. Шошилмай думалоқ хатларни ёзаверасан. «Муштум»га ёзасанми, «Крокодил»га ёзасанми, вақтинг бемалол етади. Бор, арзинг бўлса облонога бор. Маориф менга бўйсунмайди. Буйруқ беролмайман.

— Депутатимиз бўлганингиз учун келгандим.

— Мендан бекор умид қипсан. Агар мен аралашсам ишинг баттар чаппасига кетади. Бор, кетавер.

Мирвали дилида, овоз бермаганлардан биттаси албатта шу бўлса керак, деб ўйлаб қўйди.

Мактаб директори идора ёнидаги икки қаватли уйда турарди. Мирвали бу ярамасдан биратўла қутулиб қўяқолай, деб аҳд қилди.

— Менга қара, сенга бир ҳафта срок. Бошқа жой топ. Уйни бўшатиб қўй, ўзи шундоғам мутахассисларга уй етишмаяпти, — деди.

Йигит бошини эгганича кета бошлади. Мирвали орқасидан, аблаҳ, деб тиззасига бир мушт туширди.

Сайлов натижасини энг аввал Ҳожимурод билган. Аммо у на телефон қилади, на қорасини кўрсатади.

Бу одамнинг йичи мўрқондан ҳам қора, депутат бўлганимга куйиб кетяпти, деб ўйлади Мирвали.

Кейинги пайтларда Ҳожимурод жуда ўзини қўйиб юборди. Райкомликнинг ҳавосини олиб, катта-кичикни писанд қилмай қўйди. Майда хўжаликларни аста-секин эмишга тушганди. Аммо Мирвалига тиши ўтмай, нима қилсам тилини қисиб оламан, деб пайт пойларди.

Бугун табрикламагани Мирвалининг нафсониятига тегди. Шошмай тур, сени бир маймун қилиб ўйнатай, дедию телефон трубкасини кўтарди.

— Оқсоқол, бормисиз, — деди у. — Жуда соғинтириб қўйдингиз-ку. Битта гап бор. Телефонда айтиб бўлмаса ҳам айтавераман.

Ҳожимурод, қани, қани, деб гапнинг давомини кутарди.

— Нурмат тоға масаласи...

Ҳожимурод Нурмат тоғанинг отини эшитиши билан қани, қани, демай қўйди.

— ...Тошкентга бораман, машина беринг, деб олдимга кепти. Тошкентда нима қиласиз, отахон, десам, Шавкат Раҳимовга учрайман. Ҳамма гапни оқизмай-томизмай айтаман, дейди. Ҳой, бу шахдингиздан қайтинг, десам, агар ўттиз минг сўмни шу бугун... — Мирвали ён соатини олиб қаради. — Шу бугун соат бирда опкелиб бермаса Тошкентга кетавераман, дейди.

Ҳожимурод жимиб кетди. Шиша идишнинг жиринглагани, сувнинг шилдирагани эшитилгандек бўлди. Валидол ичяптиёв, деб ўйлади Мирвали. Эринмай кутиб тураверди. Охири Ҳожимуроднинг овози келди:

— Бирон ой сабр қилсин, шунча пулим йўқ.

— Менам шундай дедим, кўнмаяпти.

— Бўлмасам бундоқ қилайлик, — деди Ҳожимурод хаста товушда. — Сиз қарзга бериб туринг. Кейин суришиб кетамиз.

— Биринчидан, — деди Мирвали, — умримда бола бўлиб шунча пул ушламаганман. Ойликка қараб қолган одамман. Иккинчидан, шунча пул бўлгани билан сизга бериб бўлмайди. Олиб курортга қочиб кетасиз. Нима қилсин, Ҳожика? Нурмат тоға Тошкентга кетаверсинми? Хулласи, соат биргача уни ушлаб тураман. Уёғига кучим етмайди.

Мирвали шундай деб трубкани жойига қўйди. У қилган ишидан ниҳоятда хурсанд эди. Ҳожимурод ўлса ҳам соат биргача шунча пулни тополмайди. Бу томонларда биров унга пул бермайди.

У яна ярим соатча келди-кетди билан гаплашиб, ўрнидан турди. Шу пайт совхоз идорасига олиб келадиган йўл бошида микроавтобус кўринди. Бу кинохроника машинаси эди. Мирвали ёнидан кадрдон соатини олиб қаради. Соат ўн бир ярим бўпти. Бу автобус Тошкентдан қай маҳал йўлга чиққан экан, деб кўнглидан ўтказди. Бу пайт автобус унинг олдига келиб тўхтаган эди. Ундан режиссёр билан оператор тушди. Мирвали улар билан кадрдонларча қучоқлашиб кўриша бошлади.

— Ҳа, — деди Мирвали ҳайрон бўлиб, — шу бугун йўлга чиққанмидинглар?

— Кеча йўлга чиққандик, Мирвали ака. Жиззахда тунаб қолдик. Кино битди. Бир нухасини олиб келяпмиз. Клубингизда ўзингизга кўрсатмоқчимиз.

Улар бошлашиб боққа киришди. Абдулазиз дастурхон тузаб қўйган эди. Киночилар учун сал орқароққа жой қилишни буюрди. Тўрт-беш киши бўлиб югур-югур билан бирпасда жой қилиб уларни таклиф қилди.

Йигитлар йўлда роса ичишган бўлса керак, қовоқлари салқиб, оғизларидаги гаплари уқаланиб кетаётган эди. Мирвалининг имоси билан дастурхонга икки-учта шиша келтириб қўйишди. Режиссёр олинг-олингни кутмай, шишани очиб пиёлага қуя бошлади. Бу галги келишида у ўзини жуда эркин сезарди. Ийманмасди. Чунки Мирвали ҳар қанча харажат қилса арзийдиган, уни тарихдан-тарихга олиб ўтадиган рангли кино олиб келган. Энди унинг эркалигини ҳам Мирвали кўтаради.

— Идора ходимлари қай маҳал тушликка чиқади? — деб сўради режиссёр.

— Иккида, — деди Мирвали. — Нима эди?

— Клубда фильмни кўрсатсак. Механик борми? Агар йўқ бўлса ўзимизда механик бор.

Мирвали телефон трубкасини олиб телефончи қизга, идора ходимларининг ҳаммаси соат иккида клубга киришларини айт, деб тайинлади.

Машина олдида нимадир қилаётган шофёри Мирзажонни чақириб, киномеханикни топиб кел, деб буюрди.

Тушлик пайтида саксон чоқли одам клубга тўпланди. Чироқ ўчиб экранда тоғлар кўрина бошлади. Бургут учяпти. Олисдан учиб келаётган бургут яқинлашиб бутун экранни эгаллади. Музика баланд пардага кўтарилди. Экранда «Қуёш фарзанди» деган ёзув пайдо бўлди. Яна тоғлар, шаршаралар, бир учи тоғлар орасига санчиладиган асфальт йўллар, дарё устида учаётган ўрдаклар, чексиз далалар, булутдек чанг кўтариб тоққа ўрлаётган эчкилар...

Экранда Мирвалининг юзи. У завқ билан куларди.

Машина тоғ йўлида. Рулда Мирвали.

Мирвали чўпонлар қуршовида. У янги туғилган қўзичоқни кўтариб унга меҳр билан қараб турипти.

Мирвали ер сурётган бульдозер кетидан чангга беланиб боряпти. У ветеран чоллар даврасида.

Мирвали Тошкент аэропортида ўзбек пахтакорларининг отасига нон-туз тўтяпти.

У чамандек очилган пахтазорда кезиб юрипти.

У иш кабинетида. Тун. Соат миллари учни кўрсатяпти. Мирвали ҳамон олдида чўт қўйиб нималарнидир ҳисобляпти. Соат миллари бешни кўрсатмоқда. Мирвали совхоз картаси ёнида нималарнидир ўйлаб турипти. Соат миллари олтида. Тонг оқариб келмоқда. Мирвали дераза пардасини кўтариб ташқарига қараб турипти. Тоғлар боши оқариб келяпти. Мактабга кетаётган болаларнинг қувноқ товушлари эшитиляпти. Унинг юзида табассум...

Поёни кўринмайдиган асфальт йўлдан эчки юклаган сон-саноксиз машиналар ўтмоқда.

Мирвали Олий совет мажлиси минбарида нутқ сўзламоқда.

У тонг маҳал тоғ йўлида пиёда кетмоқда. Унинг қаршисидан офтоб чиқяпти. Гўё у сал фурсатдан кейин қуёш билан учрашадигандек...

Экранда тоғлар, шаршаралар, эчки подалари, йилқи уюрлари, серқатнов тоғ йўллари, чексиз пахтазорлар...

У қуёшга қараб турипти.

Музика авж пардага кўтарилади.

Залда чироқ ёнганда ҳамма гур, этиб унга қаради. Мирвали ҳаяжонини яширишга уринар, аммо лабининг таноби қочиб, ҳадеб илжаярди.

Совхоз ходимлари бирма-бир келиб уни ҳам ажойиб фильм, ҳам депутатлик билан қутлардилар. Мирвали режиссёр билан операторни бағрига босиб раҳматлар айтди.

— Мана шу фильм лентаси сизга биздан эсдалик, — деди режиссёр.

Шу куни кечгача боғда зиёфат бўлди. Режиссёр бугун Тошкентга қайтишлари кераклигини айтганда Мирвали кўнмади. Эрталаб Дарғом кўпригигача ўзим кузатиб қўяман, деб олиб қолди.

Кечга яқин меҳмонлар Чорчинорга кўчишди. Одамлар кўзидан сал нарироқда маишат қилганлари дуруст. Мирвали Насим полвонни чақириб нималарнидир тайинлади. Кечга томон Насим полвон учта тугунча кўтариб келди. Мирвали иккови меҳмонхонага кириб у олиб келган нарсаларни кўздан кечиршиди. Режиссёрга тройка костюм. Операторга плашч. Ёрдамчисига костюм. Мирвали режиссёрга атаб олинган тройканинг костюми чўнтагига қоғозга ўроғ-

ли бир пачка юз сўмлик солиб қўйди. Кечқурун совхозда иш соати тугагандан кейин бир ўзи клубга кириб, фильмни яна томоша қилди. Клубдан қайтиб чиқаркан, бу фильмни мамлакатнинг деярли ҳамма кинотеатрларида, бадиий фильм олдидан намойиш қилишади, деб ўйлади. Телевизорларда кўрсатишади. Авваллари у тўғрида газеталардангина биладиганлар энди ўзини кўрадилар. Мирвали мамлакатнинг энг атоқли кишиларидан бири эканлигини биладилар. Бу фильмни суратга олган режиссёр билан операторга ҳар қанча қилса арзийди. Чунки шу фильм орқали унинг номи авлоддан-авлодга ўтади...

Боя режиссёрга аталган костюм чўнтагига солган пул кам эмасмикин, деб ўйлади. Операторга ҳам жиндек атасам бўларкан. У боққа киргандан кейин бурчакдаги пўлат сандиқни очиб бир даста пул олди. Операторга икки минг, ёрдамчисига минг сўм ўраб солиб қўйди. Режиссёрга аталган костюм қатига битта электрон соат, хотинига атлас, қизига кичкинагина — папирос қутисидек келадиган магнитофон солиб, тугиб қўйди. Ана энди улар албатта рози бўлишади. Бу одамлар ҳаммавақт керак бўлади. Улардан буюм аямаган маъқул.

Эралаб Мирвали «Волга»да Чорчинорга борганда меҳмонлар аллақачон нонушта қилиб бўлишган эди. Мирвали совғаларни улар олдига қўйди. Шофёрга тўн, дўппи қўйди. Киномеханикка тўн билан Шаҳрисабз пичоғини берди.

— Камига қарздормиз, оғайнилар, — дея уларга қуллук қилгандек бўлди.

Насим полвон микроавтобусга бир коробка пиширилган гўшт, нон, тўрт-беш шиша арақ билан коньяк солиб қўйди.

Мирвали уларни то Омонқўтонгача кузатиб орқага қайтди. Кийиксовди мо-мо ҳайкали олдидаги супачада бир жулдир одам ўтирарди. Бу ким бўлди экан, деб ўйлади Мирвали. У машинани тўхтатиб олдига борди. Соч-соқоли ўсиб кетган, сийимлари жулдир бу одам Эрали чавандоз эди. Ундан сал нарида ҳайкалнинг соя томонида Қора Бахмал кўксини ерга бериб ётарди. Эралига одам яқинлашганидан у сергакланиб қулоқларни диккайтди.

— Ҳа, карвон, нима қилиб ўтирибсиз? — деди Мирвали унга яқин келиб. Эрали индамади. Мирвалининг башарасига узоқ қараб турди, танимади.

— Мен Мирвалиман, Эрали.

Эрали унга яна қаради, барибир танимади

Мирвали унинг ақлдан озганига энди ишонди. Уни яна гапга тутмоқчи бўлди.

— Яхши юрибсизми, чавандоз?

— Билмадим, — деди Эрали.

— Мен Мирвалиман. Рихсиев Мирвали.

Эрали унга узоқ қараб турдида, бошини сарак-сарак қилди.

— Мирвалини Бодомгул чақириб олиб кетган. Иккови Етим қишлоқдаги мазорда ётиштипти. Кеча бориб Бодомгулнинг арвоҳига қуръон бағишлаб келганман. Мирвалига қуръон бағишламадим. У ёмон одам. Мени ўлдирган. Мен ўлиб қолганман. Мирвали мени кўмишга битта гўрли жой бермади. Ҳалиям кўмилмай юрибман.

Эрали шундай дедию шартта туриб сояда ётган Қора Бахмал олдига келди. От ўрнидан турди. Эрали чаққонлик билан унга миндию, икки тиззаси билан отни нуқтаб, пастликка қараб елиб кетди. Унинг жулдир кийимлари шамолда ҳил-пирарди.

Мирвалининг бугунги кўрган ҳузур-ҳаловатлари ҳам бир бўлдию Эрали билан учрашуви ҳам бир бўлди.

Энди у совхоз маркази томон эзилиб, аъзойи бадани қақшаб келарди. Кўзига Бодомгулнинг қабри кўриниб кетди. Наҳотки бир кун келиб мен ҳам шу кунга тушаман, деб ўйлади Мирвали, наҳотки...

У ҳеч қачон ўлим тўғрисида ўйламасди. Шу топда ичгиси келди. Биронта дилтортар қадрдони билан ҳасратлашгиси, дардлашгиси келди. Аммо энди унинг дилтортар кишилари қолмаганди.

Ҳамма нарсам бор, фақат ўртоғим йўқ. Бўлмагани ҳам дуруст, деб ўйлади Мирвали.

Боққа кириши билан райкомга телефон қилиб Ҳожимуродни сўради. Котиба ўртоқ Холматовни область касалхонасига олиб кетишган, инсулт бўлиб идро-рада йиқилиб қолдилар, деб жавоб қилди.

— Қачон? — деди Мирвали.

— Кеча кундузи соат бирларда, — деб жавоб қилди котиба.

Ўзим ҳам худди соат бирларда бирон фалокат бўлади, деб ўйлагандим, Нурмат тоғанинг ўттиз минг сўми ҳали уни не-не балоларга гирифтор қиларкин, деб дилидан ўтказди Мирвали.

XXVI

Ўзбек пахтакорлари отасининг ўлими Шавкат Раҳимовни довдиратиб қўйди. Шу одам уни минг бир балодан асраб юрарди. Қўлининг узунлиги ҳам, тилининг бурролиги ҳам шу одам туфайли эди. Энди у йўқ. Шавкат Раҳимович унинг мотамидан қон босими кўтарилиб қайтиб келди. Келдию даволанишга ётди. Докторлар олдига одам қўйишмас, ташқаридан бирон ноҳуш гап топиб келса беморнинг аҳволи ёмонлашади, деб шундай қилишар эди.

Лекин ташқарида унинг қулоғига етса аҳволини ёмонлаштирадиган воқеалар шиддат билан ривожланиб борарди. Пахтакорлар отаси ўрнига тайин қилинган раҳбар ўта жиддий, талабчан, адолатли одам эди. Шу пайтгача аввалги раҳбар оқибатсиз қолдирган шикоятларни ҳафсала билан, бирма-бир ўргана бошлаган, шу шикоятлар юзасидан комиссиялар тузилиб, жойларга жўнатилаётган эди.

Ҳамма учун ҳурматли Раҳимовнинг ётган ерида ичини ари таларди. Унинг Бухородан кўнгли нотинч эди. Янги раҳбар унга биринчи зарбани Бухородан туриб бермоқчи.

Москвада пленумдан кейин янги раҳбар у билан жуда жиддий гаплашди. Унинг ҳар бир гапи ўқ бўлиб юрагига қадаларди.

— Навбатдаги сиёсий бюро мажлисларининг бирида ҳисобингизни эшитамиз, тайёрланинг, — деди.

Раҳимов шу гапдаёқ тамом бўлганди. Дунё кўзига қоронғу бўлиб, кўксини чангаллаганча раҳбар ҳузуридан чиқиб кетганди. У Толибжон Усмоновнинг хати янги раҳбар қўлида эканини яхши биларди.

Мана, у тўшакда ётибди. Ташқарида ўнлаб комиссия синчковлик билан иш бошлаб юборган. Раҳимовнинг суянган тоғлари бир-бир қулай бошлаганди. Бухорода, Қашқадарёда у қўйган раҳбар ходимларнинг аллақанчаси вазифасидан олиб ташланди. Эртага уларнинг аҳволи нима бўлишини бошқалар билмас ҳам ўзи билади-ку.

Раҳимовнинг уйқуси қочган. То саҳаргача шифтга тикилиб, ўй ўйлайди. Кўзини юмса тушига аллақандай тушиниб бўлмайдиган, афти-ангори нотайин кимсалар кирарди.

Одамлар диққат бўлганларида ичкилик билан, ёки папирос чекиб хумор босишади, шунда ҳам диллари ёзилмаса хотин-халаж билан кўнгилхушлик қилишади. Аммо Раҳимов ичмасди, чекмасди, аёллар оғушига ўзини отмасди.

Уйда бирон нимадан диққат бўлиб қолса иш кабинетига кириб оларди-да, эшикни беркитиб дилини ёзиш учун столга ҳамма орденларини териб томоша қиларди.

— Мана еттита Ленин ордени. Шунчасини на маршал Жуков, на Рокосовский, на Хрущев олган. Мамлакатда еттита Ленин ордени олган шу Раҳимовнинг ўзи эди. Қўш Олтин юлдуз. Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз, Ҳурмат белгиси...

Бу орденлар унинг эртанги қора кунларини ёритаолармикин? Ахир унинг ўзи йиғинларда, ҳеч қандай орден гуноҳкорни жазодан сақлаб қололмайди, деб неча марталаб айтган-ку. Демак, бу мукофотлар унинг ўтмиши, холос.

Докторлар радиони ўчириб қўйишган, газеталарни киритишмас эди. Раҳимов неча кундирки, ташқи оламдан узилиб яшарди. Яқинда ишдан олинган обком секретари ўзини чавақлаб ташлаганини у ҳали эшитгани йўқ. Раҳимов ана шу одамдан хавотирда эди. Мабодо у қамалиб қолгудек бўлса Раҳимовнинг аҳволига вой эди. Луқмонов қачон ўзини отаркин, деб кутарди. Одамларни қийнаб, сўроқ қилган камераларда энди ўзи ётибди, бир вақтлар ҳар бир сўзидан титраб турадиган соқчилар энди уни қоронғу коридорлардан ҳайдаб, сўроққа олиб чиқишяпти.

Раҳимов ётавериб диққат бўлиб кетди. Докторларга гоҳ зуғум қилиб, гоҳ яхши гапириб стационардан чиқди.

Унинг биринчи эшитгани Даминов ўзини чавақлаб қўйибди, деган гап бўлди.

Иккинчи эшитгани Бухоро обкомининг секретари қамалди, тинтилганда икки ярим миллион сўм пул ва юз йигирма саккиз кило олтин, бриллиант, жавоҳирлар топилди, деган гап эди.

Раҳимовнинг бир илгига болта тушгандек бўлди.

Эртасига уйғониб, пахта тозалаш саноати министри қамоққа олинди, деган хабар эшитди.

Агар Раҳимов касалхонада ётмаганида бу ишларнинг бир қадар йўлини тўсиб турган бўларди. Энди уни тўхтатишнинг иложи йўқ. Жин кўзадан чиқиб кетди. Қайтириб кўзага киритиб бўлмайди.

Раҳимовнинг тили шунчалик боғланиб қолган эдики, нима қиляпсизлар, иш қандоқ кетяпти, деб сўролмасди. Комиссия Москвадан, Раҳимов уларнинг ишига аралашолмасди. Ким билади, балки унинг ўзи тўғрисида ҳам иш кетяптими?

Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган раҳбарлардан бири шарқ мамлакатларига кетатуриб Тошкентга қўниб ўтди. Раҳимов уни кутиб олди. Ярим соатдан кўпроқ гаплашиб қолишди. Шунда у Раҳимовга:

— Хушёр бўлинг, дўстим. Сиёсий бюрода албатта ҳисоботингиз кўрилади. Анча хунук гаплар бор, — деб юрагига ваҳима солди.

Раҳимов жуда сиқилиб кетди. Уйлаб, эртага шанба, индинга якшанба, шу икки кун Мирвалининг тоғларида каклик овлаб дилимни ёзиб келай, деб ният қилди.

Эрта саҳардан ортиқча ҳашамсиз, ГАИнинг кичкинагина «Жигули»си етакчилигида тоққа қараб кетди. Қора «ЗИЛ» енгил машинасининг орқа ўриндиғида қунишиб, ғарибгина бўлиб бораркан, у бу томонларга охириги марта келаётганини билмасди.

Ҳаво очиқ эди. Ноябрь этагига қор илашмади. Фақат тоғ бошларига бир-икки марта элаб ўтди, холос.

Ҳар йили ноябрь бошларида Тахти қорача доволони қор босарди. Мана ноябрь оёқлаяпти ҳамки, қор йўқ.

Албатта кузнинг бунақа келиши деҳқоннинг муддаоси. Олд колхозлар йиғим-теримни тугатиб, шудгорга тушиб кетишган. Ишнинг кўзини биладиган миришкор боғбонлар тоқларини кесган бўлсалар ҳам валишдан туширганлари йўқ. Қиров есин, ҳашорат тухуми ўлади, деб булдуруқли қировни кутиб туришпти.

Мирзачўл билан Жиззах совхозларидан ҳали студентлар қайтгани йўқ. Бу ерларнинг пахтаси бир-икки дўл еб, неча марталаб қайта экилган эди. Кечки пахталар энди очилляпти. Республика пахтаси тўқсоннинг тепасида.

Машина тоғ оралиғидаги илонизи йўлдан текис борарди. Ёз бўйи турнақатор қатнайдиған машиналар ҳозир сийраклашиб қолган. Онда-сонда учраб қоладиған хонадонлар мўрисида тўтун чиқяпти.

Пастликда, Омонқўтон сойи жилдираб оқяпти. Чўққидаги қорлар муз қотган, энди баҳоргача эримайди.

Сой бўйидаги сайхонликда эллик чоқли киши прожектор ёқиб нимадир қилляпти. «Кино олишяпти» деб ўйлади Раҳимов. Август ойдан бери шу ерда кўп серияли телефильм олишарди. Раҳимов ёзда икки марта ўтганда ҳам уларни кўрганди.

Мирвали уни тоққа кўтарилиш жойида кутиб турарди. У эҳтиёт чорасини кўриб ўн чоқли беформа милиция ходимларини боғнинг ҳар ер-ҳар ерига соқчиликка қўйган эди. Улар боғ яқинида биронта машинанинг тўхтаб ўтишига рухсат беришмасди. Ҳар куни тонг отгандан то қоронғи тушкунча олма, ўрик, кийик ўти, анзур пиёзи, асал сотадиган болаларни ҳам қувиб доволнинг пастига тушириб юборишган эди.

Раҳимовнинг машинаси боғ дарвозаси олдида тўхтади. Боя юқорига кўтарилишда, устига тобут ортан юк машинасини қувиб ўтган эдилар. Раҳимов ўз ўйлари билан бўлиб унга эътибор бермаган эди. Уша машина ҳозир улар олдидан ўтяпти. Тобут ёнида қора рўмолли аёлга Раҳимовнинг кўзи тушди. Мирвали ҳам то машина бурилиб кетгунча қараб турди.

— Ким бўлди экан? — деди Раҳимов Мирвалига қараб.

Мирвали дарров жавоб бермади. У айна Шавкат Раҳимович келган пайтда тобут ўтганидан ижирғанди. Ўз қурбони тўғрисида нима дейишини билмай бир зум довдиради. Охири ўзини ўнглаб жавоб берди:

— Марҳумни сиз танирдингиз, ота. Толибжон Усмонов деган йигит.

Раҳимов сесканиб кетди. У Толибжонни чет элларга қувди. Мана шу тоғлардан ҳам ҳайдатди. Мана, энди туғилган қишлоғига ўлиги келяпти.

— Тобут бошидаги хотиними? — деб сўради Раҳимов.

— Шундай бўлса керак, — деди Мирвали. — Жайрона деган интуристда ишлайдиган қиз бор эди. Назаримда, Усмонов шунга уйланган чиқар.

Раҳимовнинг вужуди титраб, лабларигача кўкариб кетди.

У Толибжоннинг ўзи тўғрисида нимаики билган бўлса ҳаммасини ёзиб, хотини орқали Москвага жўнатганини биларди. Бугун унинг бошига тушган жамики садоларни мана шу иккови қилган эди. Сиёсий бюрода ана шу Усмоновнинг хати асосида муҳокама қилишади.

Раҳимовнинг кўксига тоғ ҳавоси тегиб, сал табиати равшан тортган эди. Атайин қилгандек орқама-орқа тобутнинг келиши ва шу тобутда ётган марҳум унинг энг ашаддий душмани, тепасида мотам тутиб келаётган аёл ундан ҳам хавфли душман экани яна дилини хира торттирди.

«Қаёққа борсам орқамдан бир дилсиёҳлик эргашиб юради» деб дилидан ўтказди Раҳимов.

Урушдан кейинги йилларнинг бирида маршал Жуков машинада Москва яқинидаги чорбоғидан қайтарди. Йўлда тобут ортилган аравага дуч келади. Тобут устидаги ястукчага «Берлинни олгани учун» медали қадалган. Ёнида солдат пилоткаси. Қора кийинган бир кампир тобутни қучоқлаб, йиғлаб боряпти. Бошқа ҳеч ким йўқ. Жуков машинани тўхтатишни буюради. Пастга тушиб бошидан фуражкасини оладида, тобут кетидан аста юра бошлайди. Йўл-йўлакай учраганки одамлар маршалга қўшилиб тобут кетидан бораверади. Арава то қабристонга етгунча кўчага одам сиғмай кетади.

Маршал Жуков ўшанда Берлинни бирга олган қаҳрамон аскарини сўнгги йўлга кузатиб қўйган эди.

Раҳимов нега тобут орқасидан бормади? Нега уни сўнгги йўлга кузатиб қўймади.

У бундай қилолмасди. Чунки ҳозир тобутда ётган марҳум — унинг аскарари эмас, ўнлаб қурбонларидан бири эди.

Одатда узоқ ётиб вафот қилганларни махсус хирург қорнини ёриб, докторлар қўйган диагнознинг тўғри, нотўғрилигини текшириб кўради. Баъзан у кунига етти-саккиз ўликни ёриб кўради. Бу унинг кундалик хизматига айланиб кетган. Шунинг учун ҳам у ёрилган жасад тепасида бемалол чой ҳўплаб, пирожками, бироннимани кавшаб ишини қилаверади.

Раҳимовда ҳам шунга ўхшаш инстинкт пайдо бўла бошлаган эди. Узининг ташаббуси билан ишлардан қувилган, сарсон-саргардонликлардан кейин оламдан ўтган рақибларининг қабри тепасида бемалол нутқ сўзлай оларди. Алвидо, қадрдоним, дейиш унга ҳеч гап бўлмади қолганди.

Ҳозир у Толибжоннинг жасадини олиб ўтган машина кўздан йўқолгунча пича дилхун бўлиб турдию дарров бу дилхунлик ўрнини бошқа кўнглини овловчи, туйғуларини эркалатувчи овунчоқ эгаллаб олди.

У шунақа тез ўзгарувчан одам эди. Ҳислари ҳисларини, сўзлари сўзларини тез инкор қилаоларди.

Шу топда Раҳимов энг ашаддий рақиб оламдан ўтганидан, энди у ҳеч қачон унга тош отолмаслигидан севинаётганмикин? Йўқ! У севинолмасди. Толибжон тобут ичида ётиб ҳам унга зарба бераоларди.

Унинг жони кетди. Раҳимовнинг йигирма йил ичида қилган қаллобликлари, давлат, партия ва халқни алдаганликлари тўғрисидаги хатлари тирик эди. Раҳимовнинг уйқусизликлари, безовта тушлари, ўзини қайга қўйишини билмай телбанамо юришлари ана шундан эди.

У тобут кетидан шунинг учун ҳам мотамсаро бош эгиб боролмасди.

Раҳимов дарвозадан кираркан, Мирвалига шарт қўйди:

— Ишдан, бўлаётган воқеалардан гапирмайсиз. Шу ташвишлардан қочиб келяпман.

Унинг соқчиси олдинга ўтиб аτροφга зийрак назар ташлаб боради.

Боғ ичи жимжит. Мажнунтоллар, чинорлар баргини тўкиб бўлган. Фақат арчаларгина кўм-кўк эди.

Қайрағочларнинг яланғоч шохларидаги қуш уялари ҳувиллаб қолган.

Ҳаво тоза. Осмон булутсиз, беғубор эди. Чўққиси оппоқ қалпоқ кийган тоф этаклари ҳали киш бўронларини, изғиринларини кўрмаган. Кузги буғдойлар гургурт чўпи бўйи бўлиб қор кўрпасини кутиб ётибди.

Раҳимовнинг ёшлиги қир этакларида ўтган. Бу манзаралар унга қадрдон эди. Буғдой қиёқ тортган паллаларда қирларга чиқиб кетгиси, ўша жойларда қолган беозор болалиги билан учрашгиси келарди.

Шу топда хандон писта мағзидек оч яшил адирларга қараб: «Қор керак, қор бўлмаса буларни қиров қақшатиб кетади», деб қўйди.

Боғда ҳеч ким йўқ. Фақат хизматчилар ошхона томонда овоз чиқазмай, оёқ учида юришарди.

Раҳимов қўйган шартдан Мирвали ҳайрон эди. «Ишдан гапирмасам, нимадан гапираман?

Мирвали умрида биронта китобни охиригача ўқимаган. Илми-фандан, санъатдан беҳабар одам. У олимлардан Мичуринни биларди. Билгани шу эдики, тувакда қандайдир ўсимлик кўкартирган, деб эшитган холос. Санъаткорлардан раққосаларни биларди. Чунки уларнинг кўпига ишқибозликлар қилганди. Ёзувчилардан фақат ўзи тўғрисида очерк ёзганларни танирди. Бошқа нимани гапирди? Тоғларда қилаётган ишлариними? Қоплонбоп сойини қувурдан ўтказганини? Афтидан бу гаплар сира қизиқтирмайдиган кўринади.

Мирвали ўйларди. Нима бўлди? Унинг дўпписи тор келиб қолмадимикин? Нега у ўзини қўярга жой тополмаяпти? Наҳотки аҳволи шу даражада танг бўлса? Ё кунни битиб қолдимикин? Шунақага ўхшайди. Унда иккинчи «Олтин юлдуз» нима бўлади? Эчкига жон қайғу, қассобга мой қайғу, дегандек Мирвали шу танг пайтда юлдузни ўйларди.

Ҳозир у Раҳимовни қандоқ қилиб хурсанд қилса экан? Қизиқ-қизиқ латифалар айтиб берсинми? У билган латифаларнинг ҳаммаси одобсиз, уятсиз латифалар. Уларни бунга айтиб бўлмайди. Мўйдин қизиқдан эшитган ҳикоялардан айтсинми? Бу ҳикояларни айтиш учун артист бўлиш керак. Мирвали келиштириб айтолмайди.

Раҳимов ҳам ўйлаб борарди. Ўзим-ку, бир ҳафтадан ортиқ касалхонада якка ётиб диққинафас бўлган одамман. Нега буёққа ёлғиз келдим. Биронта суҳбати ширин дўстим билан келсам бўлмасмиди? Масалан, қорақош академик дўстим. У ҳар бир гапимга: ҳай-ҳай, офарин, офарин, деб турарди. Ҳар қалай у хушсўз, сафарга ярайдиган одам. Ҳамшаҳарим очеркчи Масофоев қандоқ? Йўқ, у сафарга ярамайди. Ҳар бир гапида орден сўраётганга ўхшаб туради. Таъмагир одам у. Яқинда яхшигина лавозимга ўтказган дўстимни бошлаб келишим мумкин эди. Бироқ у ҳаддан ташқари димоғдор. Юриш-туриши, гап-сўзидан доҳийлик даъво қилаётгани билиниб туради. Унга ҳамманинг кўзи тушадиган лавозим берди. Келган йилиёқ кўксига орден тақди. Унвон олиб берди. Депутат қилди. Лауреат қилди. Шунча мартабаю унвонларга эришди. Барибир миннатдор бўлмаюпти. Кўзи оч унинг. Тўймайди. Отаси ҳам шунақа баднафс, шайтон одам эди. Уни Осим шайтон дейишарди.

Унинг икки кўзи мен ўтирган креслода...

Раҳимов бундоқ ўйлаб қараса, биронта ҳам дилтортар ўртоғи, яқин кишиси йўқ экан. Йўлдан қўшилган ҳамроҳ—ҳамроҳ бўлмас, деганлари рост чиқди. Ўзини яқин олиб, атрофида гирди-капалак бўлиб юрганларнинг бари йўлдан қўшилганлар. Болалик дўстлари қаёқда? У ўзига ҳеч қачон бунақа савол бермаганди. Студентлик йилларида унинг қанчадан-қанча қадрдон дўстлари бўларди. Қизлар билан учрашишга борганда бир-бирларининг кийимларини кийиб кетаверишарди. Бир бурда нонни бўлиб ейишарди. Эртага ким бўламиз, дея тонготар баҳс қилишарди. Қани у йигитлар? Қанчаси урушда ўққа учиб кетди. Айниқса Ҳамдамжон дегани унга жуда меҳрибон эди. Отаси жума номозини Самарқандда ўқиш учун қишлоқдан отда келарди. Намоздан кейин ётоққа келиб, топган-тутганини ўғлига берар, баъзан булар икковини эргаштириб Регистонга олиб борарди, думба-жигарга тўйдирарди. Отаси ташлаб кетган пулни иккови келаси жумагача сарфлаб, яна йўлига кўз тикиб ўтиришарди. Ҳамдамжон ажаб сахий бола эди. У билан ака-ука тутинган, икковимиз бир кунда уйланамиз, деб аҳд-паймон қилишган эди.

Стипендия бериладиган кунлари университет олдидаги бульварни лўлилар босиб кетарди. Ўтганки студент бор, этагидан тортиб, фолингни кўрай, деб

ёпишиб олишарди. Индамай ўтиб кетадиганларни орқасидан, ҳа галастугинга... ҳа, попаратка сочинга... — деб сўкишарди.

У пайтда қишлоқдан келган йигитчалар содда, ғўр эди. Баъзилари лўли олдида тиз чўкиб, кафтига пул ташлаб, фол очтиришарди. Ҳатто ўқитувчилардан баъзилари ҳам шундай қилишарди.

Бир куни лўли кампир Шавкат Раҳимовнинг этагидан ушлади. Ҳарчанд уринса ҳам қўлидан қутулолмади.

— Утер!! Сене манглаенга осмоннинг етти камалаги тегиб турепте. Қане, садақасине ташла! Яна ташла! Бахтенган, иқболенгдан айтаман. Кечаси хурус ду бора қичқирганда осмонларга қара! Шоҳизинда бобо сомон йўлидан ўтаделар. Икки кўзингне чирт юмеб, юзингни осмонларга тут. Шундай қилсанг, юртга подшо бўласан. Қолган умренгне ҳаммаси тахти равонда ўтаде.

Унинг атрофини ўраб турган болалар бири ишониб, бири ишонмай, тарқаб кетишди. Шавкат Раҳимов Ҳамдамжонга билдирмай ўша кечаси хўроз икки қичқирганда ҳовлига чиқди. Кўзини чирт юмиб осмонга юзини тутди. Уйқу қарахтлигиданми, лўлининг гапи таъсир қилганданми, кўзига соқолли чол кўрингандек бўлди. Кўринган чолнинг башараси тутундан ясалганга ўхшарди. Бир тарқаб кетарди, бир пайдо бўларди.

Раҳимов ўрнига кириб ётганда ҳам ўша соқолли чол кўринаверди.

Эрталаб турганда ҳамётоқ студентлар, қани, турақолинг, пошшойи олам, дарсга кечикмайлик, дея эрмак қилишганди.

Ҳамдамжон фронтдан бир оёғини йўқотиб келди. Қўлтиқтаёқда юриб, туғилган юрти Ургутда ўқитувчилик қилди. Бу орада Раҳимов поғонама-поғона кўтарилиб, ҳамма учун ҳурматли киши даражасига етди. Ҳамдамжон деган инвалид дўстим бор эди, деб эсламади. Ҳатто, ундан келган хатга ҳам секретари жавоб ёзди. Яна хат келди. «Дўстим, чап оёғим қорасон бўлипти. Докторлар бунисини ҳам кесамиз, дейишяпти. Дурустроқ докторхонада ётишимга ёрдам берсанг», деб ёзипти. Бу хатни у ўқимади. Ёрдамчиси маъносини айтиб берди. Шунда у «Самарқанд облздравга, ёрдам кўрсатилсин» дея имзо чекканди.

Шу топда Раҳимов Ҳамдамжонни эслади. Тирикмикан? Оёғини кесишганмикин?

Яна қандай дўстлари бор эди? Уйлаб-уйлаб эслолмади. Ким билади, эшлашга арзимади, деб ўйладими?

Қани энди, ўша студентлик йиллари қайтиб келса. Нурли, беғубор тонглари орзиқиб кутган йиллар қайтиб келса. У йилларнинг эртаси жуда жозибали, жуда порлоқ эди. Эндичи? Энди у эртадан нимани кутади? Унинг эртаси мавҳум, қоронғи эди. У ўз эртасидан кўрқарди. Шу бугун яшаб турган дамлари узоқ чўзилишини истарди. Ёстиққа бош қўйиш энг оғир, машаққатли иш эди.

Раҳимов байрам парадларини қўл силкитиб табриклаётганда, маракаларда қарсақлар садоси остида минбарга кўтарилаётганда, беихтиёр унинг келажагини башорат қилган лўли хотинни, сомон йўлида кўринган башараси ноаниқ соқолли чолни эсларди.

У ирим-чиримларга, ҳар хил афсоналарга ишонмасди. Лекин ёмон туш кўрган куни кечгача ланж бўлиб юрарди.

Ёш кетиб, лавозим ҳам поёнига етай деб қолган шу кунларда у сал бошқачароқ эди. Олтин тахтада ўтириб, кўчада, ёмғирда шалаббо бўлиб эшак миниб кетаётган бир ғарибга ҳаваси келган подшога ўхшарди. Бу ғарибнинг қорнидан бошқа ташвиши йўқ. Эртаси ҳам, индини ҳам худди шунақа ўтади.

Раҳимовнинг ёшлигига қайтиб кетгиси келди. Болалигини соғинди. Шон-шавкатлардан, урра-уралардан, ҳайю-ҳаваслардан кечиб болалиги ўтган кўчаларда юргиси келди.

Энди бунинг иложи йўқ. У жуда юқорилаб кетган эди. Бу баландликдан ҳеч ким оёғи билан тушмаган. Қулаган, йиқилган...

Хуллас, Раҳимов дилимни ёзаман, деб келиб баттар диққат бўлди. Тушликдан кейин пича дам олай деб ётоққа кирди. Ётиб ётолмади. Ўтириб ўтиролмади. Озроқ мизгиган экан, тушига дадасининг отаси Ҳалим бобо кирипти. У Чўтир Чашма бўйида, қўлида бир коса сув ушлаб, имлаб чақиряпти.

— Шуни ичгин, яши бўлади. Бу сув минг дардга даво,— деётган эмиш.

Раҳимов унга томон интилармишу оёғини ердан узолмасмиш. Ҳалим бобо ҳамон, кел, кел, бўтам, деб тинмай чақирармиш...

У куч билан оёғини ердан узмоқчи бўлган эди, уйғониб кетди.

У ҳеч қачон бобосини тушида кўрмасди. Ҳатто ўнгида ҳам бирон марта эслаб қўймаганди.

Улган одамнинг тушда чақириши бехосият бўлади, дейишади. У бунақа гапларга ишонмасди. Лекин ҳозирги ҳолати, руҳий кечинмалари ҳар бир нарсадан маъно чиқазишга мажбур қиларди.

— Ҳалим бобо мени ёнига чақиряпти.

Ўз гапидан ўзи чўчиб ўрнидан турди. Электр печ билан мўътадил иситилган хона ичида ҳаво етишмаётган эди. Ташқарига чиқди. Булутларга санчилган муз чўққилар, бир вақтлар лолаю чучмўмалар яшнатган ёнбағирлар, ёзи билан тошқин сувлар йўлини тўсиб чарчаган тошлар энди ғариб, файзсиз бўлиб куринарди.

Атрофни қуршаган тоғлар баҳайбат тош тобутдек эди. Уни ҳар дам бағрига чорлаб, юр, юр, сени абадиятга олиб кетамиз, деяётгандек эди. Арчаларнинг сокин туришлари, яланғоч новдаларнинг титрашлари унга алвидо деяётгандек...

Раҳимов жуда сиқилиб кетди. Сўрида оёғини ликиллатиб ўтирган Мирвали томон юраркан, бирдан-бир шу бола менга вафо қиляпти, у мард, чапани, мен учун ўлимга ҳам тик боради, деб ўйларди. Шу топда Мирвалига унинг меҳри товланиб кетди.

— Ўғлим,— деди у Мирвалининг олдига келгач.— Энди мен кетақолай. Ҳеч нарса кўнглимга сиғмаяпти.

— Шунча йўл босиб келдингиз, озроқ дам олинг. Жуда чарчабсиз, ота-хон. Қиш фаслидаги тоғ ҳавоси асабларингизни ёзади. Қолинг, тунда машина фарасини тушириб кийик овлаймиз. Йигитларни тоққа чиқазганман. Кун ботиши билан кийикларни пастга ҳайдашади. Эрталаб мўмё қидирамиз. Ёввойи асалари уяларини топамиз. Каклик овлаймё қолинг, ота. Эртага оддих. Шаҳарда нима қиласиз? Мени кечирингу... айбга буюрмангу истасангиз яхши дўндиқ қизларни олиб келаман. Кўнгил ёзасиз.

Раҳимов бош чайқади. Кетаман, деб туриб олди.

— Ўғлим, сизнинг олдингизда бир гуноҳим бор. Иккинчи юлдузни кўксингизга тақолмадим. Бу армон дилимда кетади. Мен ҳам учинчи юлдузга етолмасам керак. Узингизга эҳтиёт бўлинг. Сизни ҳимоя қилолмасам керак. Шунча пайтгача ҳимоя қилдим, энди қўлим калталиқ қиладиганга ўхшайди. Жангарилигингизни ташланг. Одамлар билан келишиб ишланг. Биламан, душманларингиз кўп. Бир кун эмас, бир кун қўллари баланд келади. Шунда аттанг деб бармоғингизни тишлаб қолманг. Аблах Луқмонов номардлик қилди. Узини ўзи бир бало қилишга улгирсин, деб қамоққа олдирмай юрдим. Ҳеч нарса бўлмаётгандек маҳалла маракаларига чиқиб, ош еб юрди. Охири қамалди. Қамоқда ўлгиси келган экан. Ким билади, терговда нималар деб жавраётган экан? У иродасиз, жони ширин одам. Албатта кимгадир тўхмат қилади. Яхшиям сизга ўхшаган мард йигитлар бор. Ана шуларга суяниб иш қилган одам доғда қолмайди.

Мирвали унинг гапини тасдиқлади:

— Бўғзимизга пичоқ қадалганда ҳам бировни сотиш йўқ, ота, хотиржам бўлинг.

— Биламан, Сиз тоғ боласисиз. Тоғ болалари мард келади.

Раҳимов машинага чиқаётиб орқасига ўгирилди. Бир дам ўйланиб туриб ортига қайтади-да, Мирвалини бағрига босганича узоқ вақт қўйиб юбормади. Елкаларини силади. Икки кўзига тикилиб туриб, бир гап айтди:

— Кўзларингиз беғубор, тиниқ. Сиз ҳеч қачон дўстни сотмайсиз.

У шундай дедию шитоб билан машина ичида туриб қўл силтамади. Индамай орқа ўриндикнинг бир бурчагига ғужанак бўлиб ўтириб олди.

Машина кетди. Пастликка энадиган қайрилишдан ГАИ машинасининг сиренаси анча пайтгача эшитилиб турди.

Бирдан Мирвалининг юрагига оғир, жуда ҳам оғир бир мунг чўқди. Бу мунг шу қадар оғир эдики, Мирвали икки панжаси билан кўкрагини чангаллаб туриб бир оҳ урди. Ичидан қайноқ нафас отилиб чиқди. Бу нафас бўғзини куйдирди.

— Тамом! — деди у ўзига ўзи.— Мени душманларига ўқ қилиб отди.

Рақибларини қўлим билан бўғди. Унга бир марта кўз олайтирганларнинг қанчадан-қанчаси тўғрисида имзосиз хатлар ёздирдим. Шу хизматларим эвазига майда-чуйда хавф-хатарлардан асраб юрди. Мени ўғлим, дердию барибир орқамда одами бор эди. Мен ер тагида илон қимирласа биладиганларданман. Ҳаётинг қил устига келиб қолганда энди мендан мадад кутяпсанми? Мени сотмайсан, демоқчи. Бозоринг чаққон бўлган кунни учраган харидорга сотганим бўлсин. Одамларга шумшук бўлиб сенлар учун давлат йиққанмидим? Барини олдинг. Олмоқнинг бермоғи ҳам бор, деган гапни билмайсанми? Беришинг номаълум бўлган юлдуз учун ҳамма топганимни шилиб олдинг. Сотмайсан эмиш...

Мирвалининг кўзига дунё қоронғи бўлиб боққа қайтиб кирди. Арча тагидаги скамейкада муштини ёстуқ қилиб ухлаб ётган шофёрини бир тепиб уйғотди.

— Кечаси билан томма-том изғиган дайди мушукдек мунча ухлайсан. Тур, машинани юрғиз!

Уйқидан чўчиб уйғонган шофёр аввалига нима бўлаётганини билмай гангиб турди-да, кўзларини ишқаб машина томон кетди.

Мирвали Етим қишлоққа бориши керак. Номози асрда Толибжоннинг жанозаси ўқилади. Бормаса кампир энасининг дили оғрийди.

Уликнинг чангали қаттиқ бўлади. Толибжон ўлди. Лекин унинг панжалари Шавкат Раҳимовнинг томоғидан қаттиқ қисганича қотиб қолганди.

* * *

Мирвали келганда жанозага одам тўпланиб бўлган эди. У машинадан тушиши билан тумонат иккига айрилиб унга йўл очди. Ешлар четга чиқишди. Кексалар қўл қовуштириб салом беришди.

Ҳамма жим. Мирвали эшик олдида турган Насим полвон билан Жаъфарга хунук бир қараш қилди. Иккови ҳам кўзини яширолмай қолишди.

Ичкаридан Зайнабнинг фарёд уриб йиғлаши эшитиларди.

— Рўшнолик кўрмаган акагинам! Еруғ-жаҳондан ном-нишонсиз кетган акагинам! Сени сарсон-саргардон қилганларнинг гўрдан гўрга тушганини кўрмасам армоним ичимда кетади, акажон!..

Мирвали ҳовлига юраги бетламайроқ кирди.

Онаси айвонда тебраниб-тебраниб ўтирипти. Супа лабида Жайрона бошини икки кафти орасига олганча қимирламайди. Елкаси муттасил силкинади. Унинг ўнг қўли тирсагигача дока билан танғилган. Зайнабнинг сочлари тўзғиб кетган. Икки тиззасига телбаларча шапиллатиб уриб, ҳовлининг у бошидан-бу бошига додлаб бориб келади.

Эшикдан кириб серрайиб турган Мирвалини кўрдию Зайнаб унга ўзини отди.

— Вой Мирвалижон, қаториздан хато бўлди! Ёнгинангизда савлат тўкиб юрса бўлмасмиди! Энди нима қиласиз, биттагина суянчиғингиз ташлаб кетди. Бу дунёдан рўшнолик кўрмай кетди.

Мирвали нима дейишини билмасди. Унинг дийдаси қаттиқ, унча-мунчага кўзига ёш келмасди.

— Бўлди, бўлди, синглим. Узингни тут. Бир ўлим ҳаммамизнинг ҳам бошимизда бор.

Мирвалининг овозини эшитиб Жайрона бошини кўтарди. Унга шундай қарадики, Мирвали бир қадам орқага чекинганини ўзи ҳам сезмай қолди. Жайронанинг икки кўзидан ўқ отилиб унинг кўксига қадаладигандек эди. Мирвали унинг бу қарашига тоб беролмади. Кўзини олиб қочди.

Мирвали бурилиб кўча тарафга қараб юраркан, тўхтади:

— Зайнаб, кам-кўстинг бўлса тортинмай айт. Ниманг кам, нима керак?

Зайнаб унинг гапига қулоқ солмай, яна дод солганича у ёқдан-бу ёққа асабий бориб кела бошлади.

Мирвали ташқарига чиқди. Това тошларда ўтирган чоллар яна ўрниларидан туришди. У қўл силтаб ўтираверинглар, деган ишора қилса ҳам чоллар ҳассага кўкрак қадаб тураверишди.

Мирвали улар қаторига бориб ўтирмай машинаси томон кетди. Насим

билан Жаъфар унга эргашди. У машина эшигини очиб рация трубкасини кўтариб яна жойига ташлади. Гуноҳқорона қўл қовуштириб турган Жаъфар билан Насим полвонга еворгудек ўқрайиб қаради.

— Сен аблаҳларни киндигингдан отиш керак. Икковингни ҳам паймонанг тўлганга ўхшайди. Менга панд беришдан бошқага ярамай қолдиларинг.

Жаъфар бети қаттиқ, андишани билмайдиганлардан эди. Мирвалининг ишончига кирдим, нимани хоҳласам қилавераман, деб ўзини қўйиб юборган эди.

— Энди, бизда нима айб, хўжайин. Кечаси, ҳаммаёқ қоронғи бўлса. Юриб турган машинадаги одамни мўлжалга олиш осон бўптими?

Насим полвон гапга аралашди:

— Машина уч марта тўнтарилди. Иккови ҳам тамом бўлди, деб ўйлаган эдик. Анаву хотиннинг жони қаттиқ экан, ҳеч бало бўлмапти.

Унинг гапини Жаъфар илиб кетди:

— Уларнинг «Жигули»сини аэропортдан кузатиб келдик. Икки машина билан ўртага олиб сиқиб келавердик. Бир томондан Насим ака, бир томондан мен машинани ёндоштирдик. Икки марта тепки босдим. Рулда хотин эди. Эркаги елкаси билан тўсиб қолди. Уқнинг иккови ҳам ўшанга тегипти. Машина трамвай йўлига чиқиб кетди, столбага қарсиллаб урилганини биламан, бир маҳал қарасам, думалаб катта йўл ўртасига ёнбоши билан тушди. Кўчада ҳеч ким йўқ. Соат тўртлардан ошган. Биз текстил комбинати олдидан ўтаётганимизда ГАИнинг патруль машинаси ўша томонга кетаётган эди. Насим ака билан биз бетон йўлга чиққандан кейин учрашдик.

— Иккови ҳам тамом бўлди, деб ўйлагандик,— деди Насим полвон.

— Аблаҳлар. Улиши керак бўлган хотин шу ерда, ичкарида ўтирипти. Агар сенларни таниб қолса, тамом. Икковингниям умринг турмаларда ўтади. Ким билади, балки пешоналарингдан отар.

Насим полвон сергакланди.

— Бизни танимайди. Кечаси қоронғи эди. Биз томонга қарамаган. Улай агар, танимайди.

— Шу ерда бўлса тинчитиб қўяқолайлик,— деди Жаъфар дадилланиб.

— Йўқ,— деди Мирвали.— Энди унга тегиб бўлмайди. Кўзимдан йўқолларинг. Агар шу хотинга бир бало бўлса, икковингни ҳам йўқ қилиб юбораман.

Мирвали билиб гапираётган эди. Агар Жайронага бирон зиён етса, албатта Мирвалидан кўришади. Бу хотин у тўғридаги ҳужжатларни Москвага обориб, ўз қўли билан топширган. Ундан ташқари, Мирвали тасарруфидаги бу тоғларда унга тегиб бўлмасди. Бунақада Мирвали ўзини-ўзи фош қилиб қўяди. У ўйлаб-ўйлаб, Жайронани бу жойлардан соғ-саломат чиқазиб юборишга аҳд қилди.

Эрали чавандоз Қора Бахмални етаклаб келиб қолди. У Мирвалига қарамади. Индамай бориб чоллар ёнига ўтирди. Това тошга ўтираркан, қўлидан Қора Бахмал жилловини қўйиб юбормасди. Ён-верига узоқ-узоқ тикилар, лекин кўзларида на ғам, на шодлик ифодаси бор эди. Унинг кўзлари атрофга, одамларга, буюмларга маъносиз боқарди. У ўтирган ерида отга ўхшаб бир пишқирди-да, ёнида ўтирган Ғупромиддин отага деди:

— Уч кун бўлди, гўристонга бориб гўримни қидирдим. Тополмадим. Гўрковдан гўримни топиб бер, деб жанжаллашдим. Улганимга уч ой бўлди, кўмилмай юравераманми, дедим. Гўрингни Мирвали олиб қўйган дейди. Номардлар, мени гўримга Мирвалини кўмиб қўйишипти. Журнал муқовасида чиққан Мирвалининг суратини тахтага ёпиштириб гўри тепасига қўйиб келдим.

Одамлар унинг бу хил телба гапларига ҳайрон қулоқ солиб туришарди. Улар гоҳ унга, гоҳ машина олдида Жаъфар билан гаплашиб турган Мирвалига қарашарди.

Унинг айтгани тўғри эди. Кеча самоварда шу тўғрида бир гап бўлганди. Кимдир эски гўр тепасига Мирвалининг суратини қадаб кетибди, дейишганди.

Унинг одамлар орасида жавраётганини кўрган Мирвали Жаъфарга, уни алдаб-сулдаб олиб кетинглар, жанозада бирон қилиқ қилмасин, деб тайинлади. Аммо Эрали чавандоз унга бўйин бермади. Силтаб ташлади. Насим полвон келиб қўлидан судради. Эрали уни ҳам сўкиб лунжига мушт туширди.

Абдураззоқ буқачи келиб Жаъфар билан Насим полвонни четга олиб чиқди-да, сизлар аралашманглар, ўзимиз тинчитамиз, деди.

Шундан кейин у Эралининг ёнига ўтириб у ёқдан-бу ёқдан гаплашган бўлди. Отини мақтади. Ўзини мақтади. Кейин:

— Ия, эсим қурсин, сизга айтиш эсимдан чиқибди. Кийиксовди момом ҳайкали олдида чавандозлар тўпланиб от паради қилишяпти. Нега бормай буёқда юрибсиз? — деди.

Эрали сапчиб ўрнидан турди. Бир ирғиб эгарга миндию икки тиззаси билан Қора Бахмалнинг биқинидан қисди. От ўйноқлаб олд оёқларини баланд кўтардию пастликка қараб югуриб кетди. Туёқ товушлари бир зумда тинди.

— Одамзод шу экан-да. Қанақа йигит эди-я! Э, аттанг,— деди бир чол Эрали кетган йўлга қараб.

Файзсиз куз кунларининг бири эди. Оёқ остида хазонлар шитирлайди. Дарахтларнинг яланғоч новдалари ботаётган қуёшнинг қизғиш нурида қиздирилган консиз симларга ўхшаб кетади. Сўқмоқлар ҳувиллаб қолган. Чўққиларда ҳайкалдек қотган бургутлар худди совуқдан ҳунишиб қолганга ўхшайди. Аччиқ куз шамоли ўнгирдан чиқолмай хазонларни чирпирак қилиб учиради...

Ана шундай файзсиз куз кечида Толибжоннинг тобутини елкага олишди. Зайнабнинг болалари, неваралари Толибжонга фарзанд бўлиб, бел бойлаб, тобут олдида кетишди.

Бу томонларда аёллар тобут кетидан бормасдилар. Жайрона қанча тавалло қилмасин унинг мозор бошига боришига кўнмадилар. Остонада қон қақшаб қолди.

Кампир ҳамон айвонда пичирлаб тебраниб ўтирар, ҳар замон — ҳар замон овоз чиқазиб, гапириб кўярди:

— Мен кетсам бўлмасмиди? Ахир, бу дунёда мени ишим битган-ку! Мен ярамас, кимларни умрини яшаяпман. Э худо, ёшларга тегма. Мана, мени жонимни ол! Шу Толибгинанинг бошини икки қилсам, боласини кўтарсам, деб юргандим. Бу дунёга жимжит келиб, жимжит кетган болама! Яйраб яшнамаган болама! Тўйлар кўрмай, келин кўрмай, куёв кўрмай кетган болама! Во дариғ, мунча қаҳринг қаттиқ, худо!

Мирвали карахт эди. У тобут кетидан ҳеч кимга қарамай борарди. У Толибжонни яхши кўрарди. Унинг қанчалаб таъналарини тишини-тишига қўйиб эшитганди. Шунда ҳам ғиринг, деб оғиз очмаганди. Бирдан-бир рост гапни айтишга, таъна қилишга, жеркиб беришга Толибжоннинггина ҳаққи бор эди. Мирвали, шу Толибда менинг ёшлигим яшайди, умримнинг энг яхши бўлаги шу йигитни кўксида қолган, дерди. Баъзан Толибжон унга, у ишинг бундоқ, бу ишинг бундоқ, деганда ҳам яна гапир, айтавер, сендан бошқа ҳеч ким менга ҳақ гапни айтмайди, дерди. Мирвали у билан охириги марта учрашганда айтган гаплари шундоққина қулоқлари тагида жаранглаб турипти.

«...Йўлнинг охириги бориб қопсан, ундан у ёғи тубсиз жарлик... ҳеч бўлмаганда ўн йил олдин учрашганимда ҳам сени бу йўлдан қайтарардим. Энди кечикдим. Сен қидириб борганимда мени тополмайсан, мен қидириб келганимда сени тополмайман... Орқангда суянчиғинг бўлмаса яшаёлмайсан...»

У тўғри айтган эди. Энг катта суянчиғи шу бугун охириги гапини айтиб кетди: «Ўзингга эҳтиёт бўл, энди сени ҳимоя қилолмайман». Яна битта суянгани Луқмонов энди йўқ. Қамоқда!

Энди ҳаётнинг буёғи хавф-хатарда ўтишини у яхши биларди. Ҳозир остонада йиғлаб қолган Жайрона унинг энг даҳшатли кушандаси. Афсуски, уни ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Айниқса Толибжоннинг ўлимидан кейин Жайронага тегиб бўлмайди. Азим тоғларни бир мушт билан талқон қиламан, деган Мирвали шу биргина ожиза, аёл киши олдида қўли қисқа, ночор одамга айланиб ўтирипти. Энди Мирвалининг бундан кейинги ҳаёти шу аёлнинг қўлида. Уни на пулга сотиб олиб бўлади, на дўқ-пўписа билан тилини тийиб бўлади. На уни йўқ қилиб бўлади.

Мирвали ўз ўйлари билан бўлиб қабристонга етганларини билмай қолди. Қабристон ҳувиллаб ётибди. Гўрлар ўпирилган, яланғоч дарахт шохларида ола қарғалар жавлон уради. Қуриб-қовжираб қолган ўтлар орасида юмрон чиқазган тупроқ уюмлари...

Бугун Мирвали келишини билган гўрков Бодомгулнинг гўри тепасига шам ёқиб қўйипти. Шам қипиллаб ёниб турган гўрнинг ўнг томонида ўпирилган кўҳна гўр. Унда Мирвалининг сурати.

Уни Мирвали ҳам кўрди. Вужуди титраб, кўзлари тинди. Қулоқлари шангиллаб муштлари тугилди. Тобут ортидан бораётганлардан бири югуриб бориб суратни олдию улоқтирди. Сурат бошқа гўр устига тушди.

Мирвалининг кўнглидан аламли бир ўй ўтди. «Одамлар аллақачон мени ўлдига чиқазиб қўйишипти...»

Хеч ким унинг юзига қарашга ботинмасди.

Қуёш қизариб ботиб бўлган, фақат чўққилар учигина лахча чўғдек ним қизил бўлиб турган шоми ғарибонда Толибжонни тупроққа кўйдилар.

Бу жойларга жимжитлик қидириб келган Толибжон дунё ташвишларидан, ёвузлар таъқибидан, омадсиз ўтган умридан қутулиб, сўнгсиз жимжитлик бағрига сингиб кетди.

Мирвали қабристондан қайтишда кампирнинг олдига кирмади. Жайрона билан юзма-юз келишга юраги дов бермади. Умрида биринчи марта аёл кишининг кўзига қарашдан кўрқди.

Машина олдида уни кутиб турган Жаъфар билан Насим полвонга ғазаб билан қаради. Икковининг ҳам юзига алам билан тупурдию машинани юрғизиб кетди.

У одамлардан, ҳозиргина кўхна гўр устида турган суратини кўрган ҳамқишлоқларидан, Жайронадан, кампир энасидан, Зайнабдан, шўхликлари, шумликлари ўтган қадрдон ҳовлидан қочаётган эди.

Бу кун Мирвали учун энг омадсиз, энг бахтиқаро кун эди.

XXVII

Тоққа элаб ўтган қор кунгай тарафда тушга қолмай эриб кетди. Фақат терскай тарафлардаги ўнгирилларда унча-мунча қор тўпланиб турипти.

Довонда қатнов тўхтамаган. Кўпроқ оғир юк машиналари қатнапти. Юрак ютган шофёрларгина онда-сонда енгил машина миниб ўтадилар.

Ези билан гавжум бўлган автобус бекатлари ҳувиллаб қолган. Энди бу жойларда мева-чева, равочу кийик ўтлар сотадиган болалар кўринмайди. Ҳар замонда совуқда дирғизлаб, тўрт-бешта какликни қафасда ушлаб турган болалар кўриниб қолади, холос.

Геологлар қишлик «каникулга» кетишган, практикадаги студентлар ҳам йўқ. Хулласи, тоғ жимжит.

Қор босган тепаликлардаги какликлар дон излаб ёнбағирларга тушиб кел-япти. Етим қишлоқ болалари мактабдан қайтишда бир-иккитадан каклик тутиб келадилар.

Азизбек товухонани атайлаб каклик боқадиган жойга айлантирган. Унда ҳозирнинг ўзидаёқ қирқ-элликтача каклик бор. У ҳафтада бир марта Қоплонбоп бозорига каклик обориб, сотиб келади. Ҳар қалай кампир энаси билан рўзғорни эплаб турипти. Уқшдан келиши билан портфелини улоқтириб, милтиқ кўтарганча тоққа қараб кетади. То қоронғи тушгунча беш-олтита каклик уриб келади. Тирик тутганларини алоҳида қопда орқалаб олади. Отиб олганлари рўзғорга, бирлашма тарафдан келадиган какликхўрларга сотишга ярайди. Тирик тутганларини товухонага қамайди.

Қиш паллаларида тоғли йигитлар «гап» ўйнайдилар. Ўн-ўн беш жўра ҳафтада ўз уйида зиёфат беради. «Гап» ўйнаганлар албатта Азизбекдан каклик сотиб олишади. Тоғликлар қиш палласида меҳмон қақирганда дастурхонда каклик гўшти бўлмаса, мезбонни қурумсоқликда айблаб кетишади.

Азизбекнинг бир эмас, учта ов милтиғи бор. Бу милтиқларни отаси Равшанбек совхоздан мукофотга олганди. Яхши чўпонларни кўпинча милтиқ билан мукофотлашарди. Милтиқ чўпонга зарур қурол. Тоғда нима кўп, бўри кўп. Милтиқсиз чўпон қўйни бўрига олдириб қўяди.

Азизбек муштдек боши билан рўзғор елкасига тушиб, болалигидаёқ бирдан катта бўлиб қолганлардан эди. Куз кириши билан, қишлик озиқ-овқатни ғамлаш, ўтин-кўмир топиб келиш, унинг нураган деворларини суваб, том шиферларини шамол учирмасин, деб тош бостириш ишларининг барини ўзи қиларди. Унинг қарашадиган, ёрдам қўлини чўзадиган уруғлари йўқ эди. Ўзинг учун ўл етим, деган гап айнан шу Азизбекка тўғри келарди.

Бу йил каклик сероб бўлишини ким билибди, дейсиз. Азизбек эрталаб тонг

сахарда туради. Маҳалла болалари ҳали уйқудан турмаган пайтда елкасида милтиқ қўлтиғида қоп билан изғиринда қорли чўққилар томон ўрлаб кетади. Бу маҳал совуқ авжида. Дарахтларнинг яланғоч новдалари булдуруқдан оппоқ бўлиб кетади, това тошлар бети упа сепилгандек қиров билан қопланади. Оёқ остидаги қорлар худди амиркон кавушдек ғарчиллайди. Дарахт шохларига осилиб қолган сумалакларга тегсанг, жаранглаб кетади. Бу пайтларда тоғ ўнгирлари, жарликлари шу қадар жимжит бўладики, ёнғоқ чақсанг ўнгирнинг нариги томонида акс садо беради.

Азизбек тонг ёришиши билан тоғ тепасидан Тошкент-Нукус-Москва реактив самолёти учиб ўтишини билади. Унинг қулоқни қар қилувчи овози тоғ жониворларини чўчитиб уйғотади. Ана шундан кейин бу томонларда ҳаёт уйғонади. Хонадонларда сигир-бузоқларнинг маърагани, ўтин ёрган, сувга чиққан одамларнинг ҳовуз бетидаги музни ёраётгани, товуғини тулки олиб қочган кишиларнинг сўкиниши товушлари эшитилади. Қуёнлар уяларидан чиқиб қочадилар. Туни билан изғиб ови юришмаган тулкилар ташқарига чиқадилар. Музда учолмай қаноти карахт бўлиб қорда судраладиган какликларни уяларига ташиб кирадилар.

Эртанги изғиринда қор бети қотади. Оёқ изи тушмайди. Азизбек тепаликни ошиб ўтаётганда олдидан тулки чиқиб қолди. У типирчилаб турган какликни тишлаб олган. Азизбекни кўриши билан ён томондаги ғорга кириб кетди. Демак, шу яқин орада каклик бор, деб ўйлади Азизбек. Тош орқасига ўтиб, пастга қаради. Тўрт-беш каклик қор устида типирчиларди. Азизбек яқинига борса ҳам улар қочмади. Қип-қизил кўзларини жавдиратиб, унга қараб туришарди. Бу какликлар қор совуғида қаноти карахт бўлганидан учолмай кўкси билан сурилиб ҳолдан тойган эди. Азизбек биттасини олмоқчи бўлган эди, музлаб қорга ёпишиб қопти. У ёнидан пичоғини олиб оёққа ёпишган музни чатнатиб кўчирди. Оёғида данакдек муз осилиб турган какликни қопга солиб, бошқаларини ҳам ана шундай қилиб муздан ажратди. Бешта каклик қоп ичида бирининг тафти бирига уриб, типирчилай бошлади.

Азизбек яна пастликка эна бошлади. Одам бўйи тош панасида ўн чоқли каклик бир-бирига қапишиб қимирламай туришарди. Фақат уларнинг бошларигина қимирларди. Одам шарпасини сезган жонворлар безовталаниб ёнгиналаридаги тешикка кирмоқчи бўлишар, аммо бири-бирига халақит бериб киришолмасди. Азизбек битта-битталаб уларни териб қопига солди.

Кеча кечқурун Турсунбой тоға якшанба куни меҳмон чақирганини айтиб, шанбага йигирмата каклик топиб қўй, деб тайинлаб кетган эди. Мана, ови бароридан келиб Турсунбой тоға айтган какликлар осонликча топилди.

Қайдадир бўри улиди. Унинг ёқимсиз, этни жимирлатадиган хунук товушидан Азизбек сесканиб кетди. Ҳар эҳтимолга қарши милтиғини ўқлаб қўйди.

У энди орқасига қайтмоқчи бўлиб турганда тош орқасидан бир гала каклик кўтарилди. Азизбек милтиқни шайлаб тепасидан ўтишини кута бошлади. Какликлар яқин келиб қолди. Азизбек мўлжалга олиб туриб кетма-кет иккала тепкини босди. Тоғлар қалдираб кетди. Қор устига тўртта каклик тап-тап қилиб тушди.

Азизбек уларни териб оларкан, энди бас, мўлжалдан ошиб кетди, бир овчи тўртта каклик отиши мумкин, деган қонун бор, қўлга тушсам милтиғимни олиб қўйишади, деди-да, орқага қайтди.

Катта эна печкага ўт қалаб, чой дамлаб, неварасини кутиб ўтирарди. Азизбек қош-киприклари булдуруқдан оқариб кириб келди. У қопдаги какликларнинг тиригини товуқхонага қамаб, ўқ еганларини қопқоқли пақирга солиб супага опчиқиб қўйди. Совуқда айнинамай туради деб атайин шундай қилди.

Кампир боя Азизбек чиқиб кетганда эчкини соғиб, чўян печкага қозон осиб сут пишириб қўйган эди. Бир коса қайноқ сут билан нонни неварасининг олдига қўйди.

— Нон тўғраб еб ол, болам. Сенга ҳам қийин бўлиб кетди-я! Менга қара, энди тонг сахарлаб овга чиқишни бас қил. Бир амаллаб кунимиз ўтиб қолар. Аёзда ўпкангни шамоллатиб, дардисар бўлиб юрма, тағин. Ов қилсанг, кундузи тоққа чиқ.

Азизбек индамади. Ичида, э эна-я, аёзли сахарда карахт какликларни тутиш осон бўлади-да, деб қўйди.

Дарҳақиқат кундузи баданига иссиқ ўтган каклик серҳаракат бўлади. Овчи-га чап беради.

Қишлоқ мактабининг фақат бошланғич синфларида дарс бўлаётган эди. Юқори синф болаларини Мирвали сентябрь ўрталаридаёқ адирга пахта теримига ҳайдаб олиб кетганди. Азизбекни энасига қарайдиган ҳеч кими йўқ, деб пахтага олиб кетишмаганди. Қишлоқда Азизбекнинг ўз тенгиларидан ҳеч ким йўқ.

— Энажон,— деди Азизбек.— Тирик какликларни юзтага етказиб олай, кейин овга чиқмайман. Мана шу юзта каклик билан қишни чиқазиб оламиз. Боқиб, яхшилаб семиртириб олсам биттаси ўн сўмдан кетади. Пулига сигир олиб бераман.

— Йўқ, йўқ, болам. Сигирни эпполмайман. Сигирнинг ўзига яраша ташвиши бўлади. Қуруқ хашак билан мол боқиб бўлмайди. Ем керак, кунжара керак. Қайдан оламиз. Қиш чилласида тагини ким тозалайди, кечалари ким ундан хабар олади. Шу биттагина эчки икковимизга етиб турибди-ку.

Азизбек ўзиникини маъқулларди:

— Бўлмасам, битта рангли телевизор оламиз.

Кампир, ўзинг биласан, болам, деб қўяқолди.

— Юзта каклик боқаман дейсан, донни қайдан оласан?

— Долимбой бобомдан эшагини сўраб олиб Қоплонбопдан дон олиб келаман.

Кампир шу топда минг хил хаёлларга бориб-келиб ўтирарди.

«Шу болагинанинг ота-энаси ўлмаганда қандоқ йигит бўларди! Оёғидан ўт чақнайдиган, эпpli-шудли йигит бўларди. Дадаси албатта ўқитарди. Бу мияси бутун бола, билмадим, қандоқ бўлиб кетарди. Бечора, битта ногирон бувисини ташлаб кетолмай, ўзини ўтга-чўққа уриб, тирикчилик пайига тушиб кетган. Э, тақдир. Мунча тошдан ҳам қаттиқ бўлмасанг-а!»

Азизбек энди ўн тўрт ёшга кирди. Аммо гап-сўзлари, ҳаракатлари катта одамларникига ўхшайди. У ўйин-кулгини билмасди, болалардек яхши кийиниш, эркалик қилишни ўйламасди. Кимга ҳам эркаланарди? Синфдошлари аллақачон жинси шим кийиб, соат тақиб юришипти. Ҳатто биттаси қоплама тилла тиш ҳам қўйдирган. Ҳаммасининг уйида магнитофони бор. Аллақачон рангли телевизор олишган. Уларнинг дадалари нима дейишса олиб беришади. Бунга ким олиб берарди? Азизбек фақат энасини ўйларди. Қариб қолди. Очин-тўқин қолмаса, кўйлагига ямоқ тушмаса, маҳалла маъракаларига чиққанда бир чеккада қимтиниб ўтирмаса, дейди. У ўзини ўйламайди. Шу биргина суянчиги, энаси зориқмаса дейди. Болалиги ана шундай тирикчилик ташвишлари билан ўтиб кетди.

Кампир эртасига саҳарда неварасининг йўлини тўсиб овга чиқазмади.

— Қўй, болам. Борма. Совуқ заптига олган. Бирон жойда музлаб қолиб кетма. Одамхўр мушуклар еб кетмасин. Кун ёйилганда борасан.

Азизбек шунча ялинса ҳам кампир кўнмади. Азизбек ноилож энасининг раъйини қайтаролмай қайтадан ечиниб ўрнига ётди. Барибир кўзини уйқу ололмади. Дадасини, онасини, Мирвалини ўйлаб ётди.

Кўзи илинган экан, тушига Мирвали кирипти. Сени ўзим ўғил қиламан, деяпган эмиш. Яна у Эрали чавандознинг отини сенга совға қиламан, деб пешонасидан силамоқчи бўлиб турганмиш. Азизбек уйғониб кетиб, анча пайтгача тўшакда ҳурпайиб ўтирди. Нохуш ўтириб нонушта қилди.

У дукатли Мордухай деган тиш докторига ўнта каклик ваъда қилиб қўйган эди. Тириги бўлиши шарт эмас, семиз бўлса бас, биттасига ўн сўмдан бераман, деб айтганди.

Азизбек пақирга солиб қўйган какликлардан ўнтасини танлаб олдида, халтага жойлади. Шу пайт эшик очилиб энасининг боши кўринди.

— Ҳой, бола, қуруқ чой билан гугурт олиш эсингдан чиқмасин.

Кампир шундай дедию яна эшикни беркитди.

Азизбек елкасида милтиқ, қўлтиғида каклик солинган халта билан йўлга тушди. Офтоб чарақлаган. Қуёш нурида чақнаган қор кўзни оламан, дейди.

Азизбек сўқмоқдан жадал борарди. У йўл-йўлақай учраган какликларга қарамади ҳам. Ҳатто баданига офтоб ўтиб, қорда судралиб ўзига келаётган какликларга парво қилмай ёнидан ўтиб кетаверди.

Кунгай тарафда қор йўқ. Аллақачон эриб кетган. Илиб қолган тошлар орасидан чиққан юмронқозиқлар орқа оёқларида соқчидек тик қотиб турарди.

Азизбек асфальт йўл ёқасига келиб каттакон тошга ўтирди. У паст-баланд йўллардан юриб чарчаган эди. Пастда машиналар бири бирини қувиб ўтяпти. Юқоридан Эрали чавандоз Қора Бахмални жиловидан етаклаб, ўзи отга ўхшаб кишнаб ўтиб кетди. Нарироқ бориб жиловни қўйиб юборди-да, ўзи тўнини ечиб, эгар ўстига ташлади. Унинг яктаклари йиртилиб, этаклари осилиб қолган. Яланғоч елкалари шундоқ кўриниб турарди. У бир оёғида тик туриб ўнг томонга икки айланди. Кейин чап оёғида туриб яна ўнг томонга айланмоқчи бўлди. Эпложмади, мувозанатини йўқотиб, ёнбошига йиқилди.

Шундан кейин ерга ўтириб олиб, ўкириб-ўкириб йиғлади. Кейин офтобга кўзини пирпиратмай тик қараб туриб, қарсиллаб кулди.

Азизбек унинг бу ҳолатини ҳайрон бўлиб кузатиб турарди. У Эрали чавандоз жинни бўп қопти, деб эшитган эди-ку, ўзини кўрмаганди. Мана, кўриб турипти. Мирвали отини зўрлаб олиб, ўзини икки кун ертўлага қамаб қўйгандан кейин жинни бўлиб қолганини у билмасди.

Шу топда куз офтоби това тошларни ожизгина илтиб турган ёнбағирда Мирвалидан жавр кўрган икки киши ўтирарди. Улардан бири умрининг сўнгги дамларини кечирар, иккинчиси эндигина оламни таниб келаётган эди.

Азизбек бир оз дам олгандан кейин ўрнидан туриб ёнбағирдаги сўқмоқдан кетди. Сўқмоқ жар тепасига келиб узилди. Уёғига йўл йўқ. Азизбек ёввойи пистанинг буралиб кетган яланғоч илдизига осилиб пастга тушмоқчи бўлди. Илдиз омонатга ўхшаб туюлдию орқасига қайтди. Сал юргандан кейин ёлғиз-оёқ йўлдан кетди. Пастликка шу йўлдан тушса бўларди. Худди ўзига-ўзи тормоз бераётгандек, қалқиб-қалқиб пастга тушаётганда, ўнг томондан келаётган аёл кишига кўзи тушди. Унинг ўтиб кетишини кутиб турди. Аёл қора бахмал камзул кийиб, бошига тивит рўмол ўраб олган. Оёғидаги жигарранг этигининг найзадек учли пошнаси тошларга тегиб тақ-тақ овоз чиқазиб келарди. Азизбек уни таниди. Бу Абдураззоқ буқачининг келини Мастона янга эди. Эри шу баҳорда армияга кетган, ўзи совхоз бухгалтериясида ҳисобчилик қиларди. Келин бўйб тушганига икки йил бўлай деяпти, ҳали бола кўрмаган. Етим қишлоқлилар туғмайдиган келинни узоқ ушлаб туришмасди. Дарров жавобини беришарди. Абдураззоқ буқачи пича сабр қилайлик, бунга ҳам худонинг атагани бордир, деб хотинининг гапини қайтариб турарди.

Мастона янга жуда кўхлик эди. Қадди-қомати келишган, кийган кийими ўзига ярашадиган хушбичим эди. Азизбекнинг уни кўрмаганига беш-олти ой бўлиб қолган. Энди у жуда хунук бўлиб кетибди. Юзи доғ, қорни дўппайиб, бахмал пальтосининг тугмаларини тортиб турипти.

Мастона янга шундоққина Азизбек турган жойдан уч метрча наридан ўтиб кетди. У қисқа-қисқа нафас олар, бир-икки қадам босиб тўхтар, яна нафасини ростларди.

Нима бало, касалми, деб ўйлади Азизбек. Мастона янга бехосдан гандираклади. Тошга суяниб, бир дам турдию ҳолдан кетиб, ўтириб қолди.

Азизбек ёнига борди.

— Янга, сизга нима бўлди?

Мастона янга уни кўриб, вой, сени менга худо етқазди, бир бало бўлиб қоламанми, деб қўрқиб тургандим. Пастга олиб туш, бирон машинани тўхтатиб, дўхтирга обор, деб ёлборарди.

Азизбек елкасидаги милтиқни тош орқасига ташлаб, уни суяб, пастга олиб туша бошлади. Мастона тинмай инграр, лабларини қимтиб, тишларини ғичирлатарди.

Улар асфальт йўлга тушишди. Азизбек уни йўл четидаги тошга ўтқазиб ўткинчи машиналарга қўл кўтара бошлади. Аксига олиб машиналар унинг олдидан ўқдек учиб ўтиб кетарди. Уларнинг аксари пахта юклаган прицеpleri машиналар эди. Енгил машина деярли ўтмасди.

Узоқдан автобус кўринди. Азизбек нима бўлса ҳам шуни тўхтатаман, деб, йўл ўртасида туриб олди.

Бу «Хўжақишлоқ-Дилором» маршрутли автобус эди. Шуни тўхтатолса айни муддао бўларди. Чунки бу автобус совхоз идораси олдида тўхтаб ўтади. Докторхона ҳам худди ўша ерда.

Азизбек икки қўлини кўтариб автобус йўлини тўсиб тураверди. Шофёр уни босиб кетишдан қўрқиб, ғазаб билан тормоз берди. Кейин деразадан бошини чиқазиб ўдағайлади:

— Нима, ўлгинг келяптими? Э, аҳмоқ!

Азизбек унинг сўкишларига парво қилмай ёлборди:

— Тоғажон, анаву янгамни олакетинг. Тўлғоқ тутиб қолди. Роддомга бо-риш керак.

Шофёр тош устида тўлғаниб ўтирган Мастона янгани кўрдию шошиб пастга тушди. Пассажирларнинг ҳаммаси унга қараб туришарди.

Орқа эшик очилиб икки хотин чиқди. Улар келиб Мастона янгани қўлтиғи-дан олишди-да, эҳтиётлаб автобус томон олиб кетишди. Мастона янга ўгирилиб Азизбекка қаради:

— Азиз, укагинам, уйдагиларга айтиб қўй. Хўпми?

Уни автобусга чиқаришди. Азизбек ҳайрон бўлганича йўл ўртасида қолди.

У аясига, менга қачон укача туғиб берасиз, деб сўраганларини эслади. Шунда Бодомгул, яқинда, яқинда укачалик бўласан, Бегим, деганди. Шундан бирон ойларча вақт ўтиб қулоғига бир хунук гап кирдию аясини ёмон кўриб қолди. Маҳалла хотинлари, «Бодомгул Мирвалидан ортдирган боласини олди-риб ташлабди» деб гап қилишган эди. Шунда Азизбекнинг мурғак қалби эзилиб кетганди.

Шу пайт Азизбек аясини, дадасини эслади. Дадаси тоғдан ҳориб-чарчаб келарди. Уни эркалатишга ҳам мажоли бўлмасди. Устига бир кун ҳам ўтмай кўчадан хотини тўғрисида нохуш гап қулоғига чалинарди-ю, жанжал бошланарди. Азизбек бир чеккага суқилиб ота-онасининг жангини жавдираб томоша қиларди. Шундан сўнг дадаси жаҳл билан уйдан чиқиб кетарди. Кейинги кетишида аясига ёмон бир гап айтганди:

— Бу уй энди менга ҳаром. Сен турган уйга қадам босадиган оёқларимни кесиб ташлаганим бўлсин.

Барибир Равшанбек уйга келаверди. У ҳар қанча ғазабланмасин, хотинини яхши кўрарди. Унинг кўп гуноҳларини кечганди.

Мана энди Азизбек ҳам отасиз, ҳам онасиз бўлиб қолди.

У кейинги кунларда тоғларда девонавор тентираб юрар, кечга яқин ҳориб-чарчаб, совуқдан дирғизлаб, қайтиб келарди. Кампир энаси унинг бу хил юришларидан хавотир оларди. Боланинг бу юриши яхшиликка обормайди, бирон кор-ҳол бўлмаса гўрга эди, деб ташвишланарди.

Машина сигналидан чўчиб кетган Азизбек ўзини йўл четига олди. Ғийқиллаб тормоз берган «Нива» рулида ўтирган Мирвали унга еб қўйгудек ўқрайиб қаради.

— Аблах, нима қилиб анграйиб турибсан?

Азизбек ўзини йўқотди. Нима дейишини билмай довдиради.

— Нега пахтага бормай буёқда юрибсан?

— Пахтага борсам, энамга ким қарайди? — деди Азизбек сал ўзини ўнглаб.

— Энангга бало ҳам урмайди. Ҳозироқ далага жўна. Тўрт юз кило пахта термагунча қишлоққа қайтиб келмайсан. Жўна!

Азизбекнинг қайсарлиги тутди:

— Бормайман. Энамни ташлаб ҳеч қаёққа бормайман. Пахтангизни ҳам термайман.

— Нима, нима? Вой тирранча-е. Менга гап қайтармаган энди сен қолганми-динг.

Мирвали шундай деб унга яқин келди. Юзига бир шапалоқ туширди. Азизбек ёнбошига йиқилди.

— Бормайсанми?

— Бормайман! — деди Азизбек ўрнидан тураркан.

Мирвали унга яна бир шапалоқ туширди.

— Уринг. Ураверинг. Майли, ўлдинг. Сиз дадамни ўлдиргансиз. Аямни ўлдиргансиз. Майли, мени ҳам ўлдинг.

Мирвалининг кўзларидан ўт чақнаб кетди.

— Дадангни мен ўлдирибманми? Уни тоғда қашқирлар еб кетган. Аянг ўзини-ўзи осган.

— Йўқ, йўқ! — деб қичқирди Азизбек.— Сиз ўлдиргансиз. Сиз ўлдиргансиз.

Мирвали уни бўғиб ерга ётқизди. Аямасдан тепаверди.

— Ҳозир ўлдираман.

У шундай деб орқасига яна бир тепди. Азизбек ерга муккаси билан тушди. Жон аччиғида эмаклаб йўл четига чиқди. Мирвали орқасидан қувмади. Азизбек тепаликка тармашиб, тўрт-беш метр баландликка чиқиб қолган эди. Яна бир оз кўтарилса милтиғини ташлаб қўйган жойга етади. У тўхтади. Орқасига ўгирилиб Мирвалига қаради. Мирвали ҳамон унга еб қўйгудек бўлиб, ғазаб билан тикилиб турарди.

— Сиз ёмон одамсиз,— деди Азизбек.— Дадамни ўлдирдингиз. Аямни ўлдирдингиз. Қанча одамни ўлдирдингиз...

Мирвали шахт югуриб тепаликка чиқа бошлади. Азизбек ҳам жон ҳолатда тепага интилди. У това тош устига чиққанда Мирвали тепаликнинг белига келиб қолганди. Азизбек буталар орасига ташлаб қўйган милтиғини олди.

Унинг қўлида милтиқ кўрган Мирвали тўхтади.

— Ташла! Ташла милтиқни!

— Ташламайман! Сизни ўлдираман. Аям билан дадамни қасдини оламан. Бир ойдан бери орқангиздан пойлайман. Асалчи военнийни машина билан эзиб ўлдирганингизни ўз кўзим билан кўрганман. Расулбек амакини тош уйга қамаб портлатворганингизни ҳам кўрганман. Сиз шунақа ёмон одамсиз. Сизни ўлдираман!

Азизбек милтиқ қўндоғини елкасига тираб унга тўғрилади.

— Ташла, ташла милтиқни! Жинни бўлдингми? Сенга «Москвич» олиб бераман. Мазза қилиб миниб юраверасан. Машина ичига магнитофон ўрнатамиз, хоҳлаган ашулангни қўйиб эшитаверасан.

— Алдаманг! — деди Азизбек ҳамон унга милтиқни ўқталаркан.— Сизни битта ҳам гапингизга ишонмайман. Сиз мени ҳам ўлдирасиз, биламан...

Не-не кеккайган, ҳеч кимга сўз бермайдиган одамларни бўйсундирган, инон-ихтиёридан чиққан не-не валломатларни бир ишора билан йўқ қилиб юборган Мирвали келиб-келиб оғзидан она сути кетмаган бир бола олдида ночор-ноилож гангиб турарди. Бу бола милтиқ тепкисини босса тамом! Шоншавкатлар, давҳи-давронлар, қанча курашларда қўлга киритган бойликлар — олтинлар, жавоҳирлар, санаб тугатиб бўлмайдиган пуллар... бари қолиб кетади. Кимларга?!

Мирвали олдинга интилди.

— Ҳой бола, эсингни йиғ. Умрингнинг охиригача етадиган пулдан юз ўғирма. Видеомагнитофон олиб бераман. Уйингда хоҳлаган кинони ўзинг қўйиб кўраверасан. Милтиқни ташла! Пул керакми, мана,— у қўйин чўнтагига қўл тикиб, бир пачка пул олиб Азизбек томонга отди.

Мирвали ғазабдан титрар, айтаётган гаплари бўғзидан аллақандай хунук бир товушга илашиб чиқарди.

Азизбек умрида бунчалик кўп пулни кўрмаганди. Ҳаммаси юз сўмликлар. Улар ҳозир Азизбекнинг оёқлари тагида, буталарга илашиб шабадада у ёқдан-бу ёққа капалакка ўхшаб учишяпти.

Мирвали Азизбекнинг пулни кўриб ҳайрон туриб қолганини, анча бўшашганини сездди.

— Укам, сен ҳозир уйингга бор. Энангдан хабар ол. Мен омборчига айтаман, уйингга қопда ун билан гурунч обориб беради. Бундан буёқ дўст бўлайлик. Энангга мендан салом айт. Бугун-эрта ўзим ўтиб дуосини олиб келаман.

Азизбек бўшашди. Елкасидан қўндоқни олди. Ундаги бу бўшашишни кўрган Мирвали баттар аврашга тушди:

— Эртага искалатга борсанг, элликта шифер беради. Тайинлаб қўяман. То-мингни тузатиб оласан. Бўлмасам уйингга чакка ўтиб кетади. Қари энанг қишда қийналиб қолмасин. Фермага тайинлаб қўяман, кунора сут, қаймоқ беради. Энангни парвариш қил. У киши ҳам фанимат бўлиб қолди.

Азизбек унинг гапларига чиппа-чин ишонди. Юрагидаги аланга олган ғазаб сўна бошлади.

Мирвали у томон икки қадам ташлади. Азизбек унинг юзида, кўзида ғазаб кўрмади. Чинданам у яхшилик қилмоқчими?

— Гаражга бор. Шофёрга ёрдамчи қилиб қўяман. Машина ҳайдашни ўрганасан. Мана,— у ёнидан қандайдир калитларни олиб унга ирғитди. Темир ҳалқага илинган учта калит тошга жаранглаб тушди.— «Жигули»нинг калити. Ҳайдовчи правасини олганингдан кейин шу «Жигули»ни минасан. Мендан сенга шу машина эсдалик бўлади. Ўртоқларингни кўзини ўйнатиб бу томон Шаҳрисабз, у томон Самарқандга елдек бориб келаверасан. Энанг бечорани Самарқанду Бухороларга обориб зиёрат қилдирасан. Бечора қариганда бир роҳат қилсин.

Мирвали шундай деятуриб яна икки қадам олдинга чиқди.

Азизбек биқинида оғриқ сезди. Боя Мирвали уни ерга ётқизиб тепкилаганда этигининг пошнаси биқинига ёмон теккан эди. Унинг бетлари бужмайиб инграб юборди. Боя уни тепкилаётган пайтдаги Мирвалининг ўт чақнаган кўзлари кўриниб кетди.

Оғриқ кучая бошлади. Инграб юборди. Пастликдан чиқиб келаётган одам — унинг қон душмани! Энди у ўлим талвасасида уни авраяпти. Тоғ-тоғ ваъдалар беряпти. Бу одам унинг онасини ўлдирди, дадасини ўлдирди. Ҳали ҳаётнинг ачиқ-чучугини тотмаган бир арзанда боланинг кўзига бу ёруғ дунёни зимистон қилди. Қариб ана кетаман, мана кетаман, деб, биттагина ёлғиз фарзандининг йўлига илҳақ бўлиб ўлолмай кун санаб ўтирган мушфиқ бир кампирнинг бутун орзу-армонларини оёқ остига олиб тепкилади.

Азизбек биқинидаги оғриқни унитиб, милтиқ кўндоғини елкасига тиради.

— Ҳой бола, нима қиляпсан? — деди титраб-қақшаб Мирвали. — Милтиқ ўйинчоқ эмас. Бас қил!

— Сизни ўлдираман. Машинангиз ҳам керакмас, пулингиз ҳам...

Мирвали унга яқин келиб қолганди. Битта тошга оёқ тираса бўлди, худди Азизбекнинг оёғи тагидан чиқади. Қўнқор шохидек буралиб кетган арча илдизига осилиб юқорига интилди. Шунда...

Шунда Азизбек милтиқ тепкисини босди.

Ёнғоқзорда хазон титиб юрган бир гала қарға қағ-қағ қилиб осмонга кўтарилди. Оралиқлар, ёнбағирликлар узоқ вақтгача қалдираб турди. Азизбек пастликка қаради. Мирвали саксон метрча келадиган пастликнинг ўртасида қозикдек чиқиб турган арчанинг қуриган шохига осилиб қолган эди.

У осилиб қолган жойдан на пастга тушиб бўларди, на юқорига чиқиб бўларди. Мирвали худди дор чиғириғига осилиб ўйнаётган дорбозга ўхшарди. Ўзини ташлаб юборай деса, қирқ метрча баланддан тошлар устига тушиб чилпарчин бўлади. Юқорига чиқишнинг асло иложи йўқ.

У осилиб турган илдиз ёнидаги қавакдан узун бўйнида патлари йўқ икки ўлимтик гажир потирлаб учиб чиқиб кетди. Қавак уларнинг одам қўли етмас уяси эди.

Гажирлар кутилмаган «меҳмон» тепасида чарх уриб айланишар, ҳамла қилишга чоғланишарди.

Азизбек унга узоқ қараб турди.

Мирвалининг қўллари бақувват эди. Аммо қанчалик бақувват бўлмасин, бирон соатдан ортиқ уни кўтариб туролмасди.

Бу баҳайбат тоғларни, сўнгсиз далаларни, бошидан охирига юриб етиб бўлмайдиган ўрмонларни, ўзига тобе бўлган мингдан ортиқ одамни қисиб ушлаб турган шу бақувват қўллар энди унинг биргина ўзини кўтариб туришга ҳам ожизлик қиларди.

Мирвалининг қўллари тола бошлади. Жон-жаҳди билан кучаниб юқорига қаради. Тепадаги това тош устида қўлида милтиқ билан турган Азизбекка еворгудек бир қаради.

Азизбек нима иш қилиб қўйганини билмасди. Қўрқув босди. Бутун вужуди карахт бўлиб ҳеч нарсани сезмас, ақли ҳеч нарсани идрок этмасди. Қармоқ учига суқилган тирик чувалчангдек бутун гавдасини бураб-бураб, сўнгги дамларни кечираётган Мирвалига лоқайд бир қараб турдида, ортидан кимдир таъқиб қилаётгандек шарт бурилиб, тошлардан-тошларга сакраб югура бошлади. Кўп югурди. Нафаси тиқилиб тўхтади. Орқасига қаради. Ҳеч ким йўқ. Ҳолсизланиб тошга ўтирдию хўнграб юборди. У узоқ йиғлади. Нимага йиғлаганини ўзи билмасди. Ўрнидан туриб ўнгир ёқасига келди. Қўлидаги милтиқни қулочкашлаб туриб ўнгирга отди. Таги сув экан, шалоपлаган товуш эшитилди. Азиз-

бек яна ўтирди. Энди у йиғламас, қошлари чимирилган, кўзлари бир нуқтага тикилганча ўй ўйлар эди.

Яқин ўртадан туёқ товуши келди. Азизбек қулоқ солди. Туёқ товуши борган сари унга яқинлашарди.

Буталар орасидан бир отличнинг аввал боши, кейин бутун гавдаси кўринди. Бошига тумоқ, эгнига пўстин кийган отлич унинг ёнига келиб, жиловни тортди. От пишқириб тўхтади.

— Нима қилиб ўтирибсан, чироғим. Бу чўққиларга кўпам тикилаверма, маҳлиё бўлаверма, болам...

У шундай дедию отига беозор қамчи босиб узоқ йўлга мўлжалланган кўшиғини бошлади:

Дарё тўлқин, сувлар тошқин,
Ундан кечиб ўтолмайман.
Отим ориқ, рангим сариқ,
Манзилимга етолмайман.

Бир қаламқош, ҳам чилвир соч,
Ўтов безаб кутар мени.
Қандоқ қилай, бу тоғлардан
Кўнгил узиб кетолмайман.


Юртим олис, шамоллар ҳам
Етолмайин ҳолдан тоюр,
Иложим йўқ офтоб бўлиб
У томонга ботолмайман.

Отим ориқ...
Рангим сариқ...
Дарё тўлқин,
Сувлар тошқин...

Бу тоғларда қашқирлар бор,
Қоплонлар бор, сиртлонлар бор,
Мен бенаво, юрак ютиб,
Биронтасин отолмайман.

Отим ориқ...
Рангим сариқ...
Дарё тўлқин,
Сувлар тошқин...

1980—1988 йиллар.



САРБАДОРЛАР

Драматик достон¹

II ПАРДА

БИРИНЧИ САҲНА

Катта майдон. Дорлар тикланиб, саллалар, тақялар, кулоҳлар осилган. Уларни раият тошбўрон қилаётган ҳолатда парда очилади. «Биз — сарбадорлар!», «Яшасин сарбадорлар!» деган ҳайқириқлар еру кўкни ларзага солади. Калавий, Бухорий, Сиёб ота, Қул Чобук — раият ичидан ажралиб чиқиб келадилар.

КАЛАВИЙ

Сарбадорлар қадасин ўтказдик, мана,
Биз энди очикда жангга киришдик.
Раият талаби амри вожибдур.
Етар шунча зулм, тепкилаш, хорлик,
Очлигу мутелик, зорлик... бари, бас!
Самарқанддан ёвни қувдик батамом,
Амиру ҳокимсиз қувдик уларни.
Подшоҳлик — қонхўрлик, тугади бари!
Шаръий ҳокимият энди бизники.
Керак эмас бизга ҳокиму амир,
Ҳокимият энди элники буткул,
Ҳамма баробардур тангри олдида!
Раият, эшитгил қатъий сўзимни!
Катта ёв — чет ғаним тугади, аммо,
Ичингдаги ғаним тугагани йўқ!
Қўл номин балиғи, Ватаннинг номин
Ботир, баҳодири чиқарган азал,
Эркинликни азал яратган улар!
Эр-азаматлар ҳеч маҳал кўкдан
Осилиб тушган эмас — эл-юртдан чиққан!
Гувоҳсан! Ел турар — эл пуфласа гар!
Зилзила турадур — тепинса, магар!
Ялиниш-ёлвориш билан иш битмас,
Ҳарбу зарб ва кураш ёлғиз нажотдир!
Бизлар суянуرمىз яна ўзинга!
Халқ эмас! — Ватанин ва болаларин
Келажаги учун қайғурмаган халқ!
(Қироат билан)
Ҳақ йўлинда оқмаган қон қон эмас,
Ҳур яшаб билмас инсон инсон эмас!
(Қул Чобукка)
Олиб чиқ уларни улус ҳукмига!
(Қул Чобук чиқади ва бир неча сарбадорлар билан тўртта
ақобир-аъённи олиб киради.
Калавий ҳар биттасининг ёнига бориб, таъкидлаб)

¹Охири. Боши ўтган сонда

Сизга деҳқон ким? Деҳқо-он қирчанғи,
Истасангиз уни минурсиз босиб,
Арава тортгайдур — истасангиз гар!
Таблада сақлайсиз сувлиғин ечмай —
Истак бўлса шундай юрагингизда!
Истасангиз сўйиб гўштин еюрсиз!
Йўқ! Деҳқон — Ер тангриси! Худди шундай!
Ким у сувга яқин? Деҳқонми ё сиз?
Ҳа! Шубҳасиз деҳқон! Ки, демак, деҳқон
Ердаги тангридур! Эрта-кечин у
Ризқ-рўз ундирар, буғдойу дон-дун!
Бўри ов кутадур! Сиз-чи, сиз хирмон?..
Ҳа, сизлар бўридан йирткичроқ бўри!

(Сукут)

Деҳқон арна қазур, қазийдур ариқ,
Сувин ичган ким? Сиз! Сиз ақобирлар!..
Муҳтарам деҳқонни, назарингиз-ла
Қирчанғи дедим мен, тўғри айтдим, ҳа,
Арава тортгай у! Лек араванинг
Кўланкасида ётган ит — сизларсиз!

(Сукут)

Косиб ким? Бир тўда! Шундай ўйлайсиз!
Балолардан ҳазар қилмайсиз, аммо,
Аҳли хунарманддан қилурсиз ҳазар!
Чунки улар қўли қора, дағал, кир.
Ва лекин бу қўллар яратган ҳалол
Мулкларга соҳиблик қилурсиз озод!
Беш вақт намозни тарк этмайсиз, илло,
Фарқига бормайсиз ҳаром-ҳаришининг!
Бемағиз писталар! Бир ёлғиз илон
Бир уй кишиларин тинчитмагайдир!
Сиз эса бутун бир юрт раиятин
Тинчитмайсиз! Уни номаҳрамининг
Кўкраги сингари эзиб эмасиз!

(Қул Чобукни кўрсатиб)

Мана, бу Қул Чобук! Қул, дейсиз, уни!
Ер топса уруғ топмайдур бу қул,
Эчкиси ўлса гар, топмайди пичоқ!
Лекин, биласизми, худди шу қул, қул
Сиздан қанча баланд! Кеча юрт ёвин
Қанча нафрат билан жазолади у?
«Чанқадим» дер эмиш улкан денгизда
Эмин-эркин сузган бир турли балиқ!
Сизни тобут тузатгай! Йўқ! Йўқ! Сизни
Дор тузатгай! Тикка қилгай қаддингиз!

(Ҳаммага)

Сарбадорлар ҳукми?..

САРБАДОРЛАР

Ҳукмимиз — олий!..

БИРИНЧИ АҚОБИР

Калавий, гапириб бўлдингиз чоғи,
Чин мулк, бойлик — имон бойлиги, аён!
Сиз буни унутиб қўймаяпсизми?
Ҳай беринг шайтонга, сўнг бўлманг пушмон.

КАЛАВИЙ

От тилининг узун, одам тилининг
Калтароқ бўлгани яхшироқ, дейман.
Сиз имон ҳақида сўзламанг менга,
Илон пўст ташласа ҳамки, илондир.

ИККИНЧИ АҚОБИР

Ҳай беринг шайтонга, Бакр Калавий!
Шоҳлар ўликларни тирилтиролмас,
Аммо тирикларнинг жонин оладир.

УЧИНЧИ АҚОБИР

Мушуклар йўқ жойда, сичқонлар ҳоким..
Биз сизлардан ибрат олмаймиз, бироқ,
Куч-қудратингизга тобунмиз ҳозир.

Шайтонга ҳай беринг, Бакр Калавий!
АЪЁН-АКОБИРЛАР

(Бирга)
Шайтонга ҳай беринг, Бакр Калавий!
КАЛАВИЙ

(Сарбадорларга)
Кулдан кўргон бўлмас, кепакдан — хирмон.
Оғоч чала ёнса кўзни кўр қилар.
Шафқат йўқ буларга! Олиб чиқинглар!

**Уларни олиб чиқишади. Нурзод, Дагар сарбоз бошлиқ
бир тўда сарбадорлар Саид
Юсуф ва Тегинбекни олиб киришади.**

НУРЗОД

(Калавийга Саид Юсуфни кўрсатиб)
Қочирмоқчи экан Илёс ноибин,
Бизлар сезиб қолиб пайтида босдик!
КАЛАВИЙ

Ҳали, қозикалон, шунақаман денг?
Кимга бармоқ керак, кимга тирнок, хўш?..
(Ўзига гапиргандай)
Бу қандай бадбахтлик!... Бу не разолат?
Бир кўз билан ёш тўкиб, бир кўз билан, ох,
Им қоқар ёвига — эл душманига!
Ўзи миниб турган қайиғин тешар?!
(Раиятга)

Бўлди, бас, раият, иккаласи ҳам
Ҳукмингни кутадур, одил ҳукмингни!
РАИЯТ

Сарбадорлар ҳукми! Ҳукмидир — вожиб,
Ўлим бебурдларга — юрт ёвларига!
САИД ЮСУФ
(Калавийга)

Қандай журъат қилдинг! Мен — қозикалон!
КАЛАВИЙ

Инсон келар экан ушбу гардунга,
Кўзин очмай, очиб келадуру оғзин.
Ва лекин юртга ёв босиб келганда,
Оғизнимас, кўзни очмоқлик лозим!
Қозикалон бўлсанг, жангнинг бошида
Турмоқ лозим эди, хоинлик қилдинг!
САИД ЮСУФ

Бекники — бежоғлик! Амир Ҳусайн
Менга фармон беришга ҳақлидуру фақат!
Белбоғинг етмайди менинг белимга,
Тўним сенинг учун тордуру, Калавий!
КАЛАВИЙ

Саксовул шамшодман дермиш саҳрода!
СИЕБ ОТА

Бизга ҳоким эмас Амир Ҳусайн!
КАЛАВИЙ
(Қатъий)

Сарбадорлар ҳукми этилсин ижро!

Уларни олиб чиқишади. Мавлонозода киради.

МАВЛОНОЗОДА

(Калавийга)
Кимларни ҳибсда олиб кетишди?
КАЛАВИЙ

Хоинларга ўлим жоиз азалдан!
(Бухорийга)

Устод Бухорий: кечаги «Машварат»,
Яъни «Улуғ Машварат» маслаҳатин,
Раиятга шоён қилмоқ керакдур?

БУХОРИЙ

Самарқанд элин «Улуғ Машварат»и
Шундай бир маслаҳат қилди, раият!
Ушбу «Машварат»ни ишлаб чиқишда
Сабзавор давлатин олий ишлари
Дастурлуғ ўтади — тўғри деб топдик!

Раият ичида жонланиш.

Шайх Исомиддин ва Мирзо Соҳиб киришиб,
бир четда турадилар.

ОВОЗ

У қандай «Машварат», очикроқ сўзланг!
БУХОРИЙ

Сабзавор давлатин «Кенгаш»и каби
Ва, яъни, давлатни «Машварат» аҳли —
Юртпарвар, элпарвар катта жамоат
Кенгашиб бошқарар раият билан!
Халқ бирлигин, эл тенглигин, тинчлигин
Таъмин этар ўзин хонадонидай,
Ҳеч кимга зиёда имтиёз бўлмас!
Билурсиз хон, шоҳлар азал-азалдан
Кўтарилган қараб шажарасига!
Хон ўғли — хон эди. Бек ўғли-чи, бек...
Энди бундай бўлмас, раият, англа,
Эл-юрт кимни дерки, ўшадир сардор!

РАИЯТ

Наҳотки бошимизга офтоб кўнса?!

БУХОРИЙ

«Машварат» ҳайъатин, эшитинг энди!

Қўйнидан қоғоз олиб ўқийди:

«Мавлонозода, Калавий, Бухорий, Сиёб ота, Мирзо Соҳиб, Шайх Исомиддин, Қул Чобук,
Нурзод, Дагар сарбоз, Мулла Олим, Суюн мерган, Мирзабой, Норбой, Қўйгелди оҳан-
гар, Оллоёр боғбон, Аҳад чавандоз, Аширмат полвон, Суюшхўжа, Чурагаймирзо, Шо-
монмирзо, Бегиҳийро, Холмат кўрчи, Чўянқалтак, донишманд Қирошар, бобо Бўга!»

Қадрли раият, буларнинг бари,
Икки кунлик жангда синовдан ўтди!
Уларнинг хизматин яхши билурсан,
Қандай раъйинг бўлса, айтгил, раият!

РАИЯТ

Кўп маъқул бўлибдур «Машварат» аҳли!
БУХОРИЙ

Омин!

РАИЯТ

Омин!

БУХОРИЙ

(Қатъий)

Сарбадор давлати этилсун бунёд
Ва унинг таянчи Самарқанд бўлсун!

РАИЯТ

Омин!

БУХОРИЙ

«Машварат» доимо раият билан
Давлатни бошқарсун бир тану бир жон!

РАИЯТ

Омин!

БУХОРИЙ

«Машварат» сардорин ўзинг сайлагил,
«Ҳайъат» кўрсатур: Мавлонозодани!
Ардоқли мударрис — ислом таянчи,
Ярми муридидир Самарқанд аҳлин,
Унга эътимоди баланддир ғоят.

ОВОЗЛАР

...Жуда тўғри!

...Жуда тўғри ўйланган!

БУХОРИЙ

Балли! Демак, сардор Мавлонозода!

РАИЯТ

Минг-минг раҳмат сизга! Раият — рози!

БУХОРИЙ

Раият розики, демак, ҳақ — рози!

«Машварат» фармони — ҳақнинг фармони!

Мавлонозодага қўлидаги қоғозни беради.

МАВЛОНОЗОДА

(Ўртага чиқиб)

Раият! Ташаккур! Эшитгил энди.
Ҳар қандай давлатки тирик, барҳаёт,
Мустаҳкам қўшину интизом билан.
Калавий деб топдик сипоҳсоларни!¹

РАИЯТ

Омин!

МАВЛОНОЗОДА

Қонун айлантирар, ҳар бир давронда,
Ҳур инсонни қулга, қулни султонга.
Қози одил эрур — эл эрур рози,
Донишманд Бухорий — қози, дедик, биз!

РАИЯТ

Омин!

МАВЛОНОЗОДА

Мирзо Соҳиб қолгай ўз дастурида...

Раият жим.

МАВЛОНОЗОДА

Жамоат, эшитгил! Сардорлик сўзим:
Бошқа ҳамма дастур, хизматларга биз,
Тайин қиладурмиз муносиб одам.
Барчасин «Машварат» ҳал қилгай, биллоҳ!
(Кўйнидан бошқа қоғоз олиб)

Энди «Машварат» фармонин, эшит!
Жизья бекор эрур шу бугунданоқ!

ОВОЗЛАР

...Жонимизни сув қилиб ичди жизья!
...Кўкракка ел тегар кун бор экан-ку!

МАВЛОНОЗОДА

Ислоҳат қилингай барча қонунлар,
Бож, хирож, ўлпонни камайтиргаймиз.
Қулларга эркинлик қилурмиз инъом!...

РАИЯТ

Омин!

МАВЛОНОЗОДА

Ваъдалар ҳосилин олурсиз тезда!
Ҳозир эса... ёвдан олинган ўлжа;
От-улов, мол-мулклар бўлиб берилар,
Ҳисоблаб чиқилди улар ҳаммаси!
Икки мингга яқин отларнинг ўзи...

(Тўхтаб)

Саид Юсуф, беклар, барча аъёнлар
Ерлари, мулклари хатлаб берилар;
Тақсимда тартибот сақлансин қатъий!

(Ўз-ўзига гапиргандай)

Хайргоҳ, кўприклар, йўллар қурурмиз,
Қалъанинг деворин тикламоқ лозим.
Арик, ҳовузларни қазимоқ даркор,
Карвонсаройларни тузатмоқ керак!
Тижорат, бозорлар юмуши бисёр...

(Раиятга қараб)

Дил ба ёру, даст ба кор ва яъниким,
Дил ёр билан, қўл иш билан банд бўлсун!

¹ Сипоҳсолар — бош қўмондон.

РАИЯТ

Омин!

Шайх Исомиддин ва Мирзо Соҳибдан
бошқа ҳамма чиқади.

ШАЙХ ИСОМИДДИН

Водариг! Нималар бўлмоқда содир?
Самарқанда Сарбадорлар давлати...
Подшоҳсиз, амирсиз давлат... бу нима?
Ақлин ебди Мавлонозода
Қўшилиб Калавий, Бухорийларга!
Бу нима деган гап?.. Ҳамма тенг эмиш...
Йўлбарс йўлбарс, ахир, чибин чибиндир,
Қарғанинг қаноти бўлса ҳам қарға,
Бургут итолғуга бўлолмас сирдош,
Эл-юрт сўраб келса Амир Ҳусайн
Не жавоб қилгайкин Мавлонозода?

МИРЗО СОҲИБ

Ҳазратим, мен... мен ҳеч нарса билмайман...
Ким юрт тепасида... қулиман унинг.
Мен жуда кичкина одамман асли...
Қозон-товоғим бор, бола-чақам бор...

Чиқади.

ШАЙХ ИСОМИДДИН

Қозон-товоғинг бор, бола-чақанг бор...
Юзинг йўк, турқинг йўк, афт-ангоринг йўк...

(Бирдан қаҳқаҳа уриб)

Сарбадор давлати... Ҳамма теппа-тенг...
«Улуғ Машварат»... ҳоҳ-ҳоҳ-ҳоҳ-ҳоҳ-ҳо...

(Тўхтаб)

Бургутга ташланур қутурса тўрғай...

Ҳоҳ-ҳоҳ-ҳо-ҳоҳ...

(Жиддий)

Нима бўляпти ўзи?

ИККИНЧИ САҲНА

Масжида Жомеъда бир ҳужра. Мавлонозода ёлғиз.

МАВЛОНОЗОДА

Менга нима бўлди? Жуда кўнглим ғаш.
Ҳеч нарса ёқмайдур? Йўк, ёқмаяпти!
Бундай бўлишлигин ўйлаганим йўк,
Фақат ёвга қарши раҳнамо эдим.

(Сукут)

Уч ой ўтиб кетди... Хўжа кўрсинга
Сардорман... сардорман! Бакр Калавий
Сарбадорларнинг чин сардори эрур!
Уни қўлламоқда Бухорий устод,
Мен қайси тарафда, билмайман ўзим!
На ўзимга энман, на бировга бўй?..

(Сукут)

Миёнкал ёнмоқда, ёнмоқда Ургут,
Рабинжон улуси турди оёққа!
Вилоят, қасаба, кентлар ёнмоқда,
Жонин сақлай олмай қолди саидлар,
Имому мингбоши, солиқчи, тарлон.
Молу ганжин тортиб олди уларнинг,
Бўлишиб беришди барчасин элга!
Бирлик-тириклик деб шуни айтаркан!

(Сукут)

Ё танграм, нажот бер, нажот бер, ўзинг!
Боғ кўрмаган кимса боғнинг ичига
Кириб қолса пайҳон қиладур тамом.
Оҳ, бутун музофот ғарқоб ичинда!

(Сукут)

Ташдан ғаним келса даф қилмоқ осон,
Ўзингдан чиқса гар мушкул муаммо!

(Сукут)

Наҳотки, Калавий, хон ўрнин босса?..

Сайёҳ киради.

САЙЁҲ

Сизга хат келтирдим — Мавлонозода,
Сабзавордан Ибн Йамин¹ йўллади!
Билурсиз, ул киши сарбадорларнинг
Барча ишларига хайрихоҳ доим.
Сизни танимайдур, эшитган аммо.
Таҳсинга сазовор ҳаракатингиз,
Офарин айтмоқда Сабзавор аҳли.
Сўнги мўғул хонин даф қилиб юртдан,
Бошлаб юборибсиз сарбадорликни.
Бундан йигирма саккиз йил муқаддам
У ерда ҳам аҳвол худди сизларнинг
Юртдаги сингари аянчли эди.
Мўғуллар арава, эл-юрт қирчанғи,
Мўғуллар осмону эл-юрт-чи тупроқ.
Динсиз бебурдларнинг устига-устак
Ўзимизнинг қўйфеъл оқсуякларнинг
Қирғин, сотқинлиги эди ортиқча.
Унутаи дегандик ўз тилимизни —
Тўти бўлмоқликка оз қолган эди!

(Хатни беради.)

Мен кетайин энди — йўлдадур карвон.

МАВЛОНОЗОДА

Салом етказингиз, биздан ул зотга.
Ғоят ҳурмат қилур Самарқанд аҳли.
Унинг ғазаллари Хуросондан то
Бизнинг ерларгача маълуму машҳур.
Айниқса, Самарқанд талабалари
Унинг ҳар байтини билишар ёддан.
Экинчи ва ҳатто қуллар ҳам бугун
Имон каби жойлаб олган кўксига!
(Ибн Йамин ал-Фарйўмадий рубоийсини ўқийди.)
Этди фалак жабри мени оинагун,
Ки тошни ҳам дил фарёди айлади хун.
Айладим минг қайғу бирла кундузни кеч,
Не каромат кўрсатур гардун бу кун?

(Сайёҳ чиқади.)

Яхши, ёмон пайғом — бари учқур, тез,
Хабарлар етибдур Сабзаворга ҳам!
(Хатни очиб, ўқий бошлайди.)

...Муборакбодлабди сарбадорларни!
..Менга қуллигининг поёни йўқдур!
...Эл-юрт тузсин, дебди, ўз давлатини!..

(Сукут)

Хўш-хўш, қандай қилиб? Мустаҳкам давлат
Тузиб бўлар, ахир, шу авом билан!..

(Сукут)

Йўқ, менинг қўлимдан келмайдур бу иш!

(Безовта)

Ўзимни, ўзимни... англамоқдаман!..

(Сукут)

Ёв билан курашиш... буткул бошқа гап!..

Шайх Исомиддин талвасада киради.

ШАЙХ ИСОМИДДИН

Уйимга ўт қўйди, қутурган итлар,
Тортиб олишдилар бору йўғимни.
Раззоғу, Холбекнинг мол-мулкани ҳам

¹Ибн Йамин ал-Фарйўмадий — машҳур шоир, Хуросон сарбадорларининг оташин куйчиси.

Талон-тарож қилди баттолларингиз!
Биз ҳам мўғул билан курашган эдик,
Энди шу бўлдими алап-оқибат?
Улардан афзалроқ эди мўғуллар.
Ҳимоя истайман, ахир, сардорсиз?

МАВЛОНОЗОДА

Балки ўзингиздан ўтгандур бир гап?!
ШАЙХ ИСОМИДДИН

Бир ерда сўккандим сарбадорларни!

(Ниқобдор Аббос Баҳодир киради. Шайх Исомиддин талвасада қочиб чиқади.)

Арпани емаган отим ажриққа
Зор бўлди, ў, тангрим, ўзинг қўллаги!
МАВЛОНОЗОДА

Ё раб! Жўнағарда қолиб кетдим мен;
Бир тараф жарлиқдур, бир тараф қоя!
АББОС БАҲОДИР
(Ниқобни ечиб)

Ассалом алайкум! Ёдлармисиз ҳеч,
Унутилган эски танишингизни?
У эса ҳеч қачон унутмас сизни.

Мавлонозода унга синчковлик билан узоқ тикилади.

МАВЛОНОЗОДА

Кешдан келдингизми?..
АББОС БАҲОДИР

Шундай, топдингиз!

...Бериб юборди хат, совға-саломлар!
(Зарбоп тўн кийдиради, мактуб ва бир халта олтин беради.)
Кешга таклиф этди сиз улуғ зотни!..

У Ч И Н Ч И С А Ҳ Н А

Кеш. Ҳашаматли меҳмонхона. Мавлонозода ва Амир Темур.

АМИР ТЕМУР

Хуш келибсиз, Мавлонозода,
Сизни кўрадиган кун ҳам бор экан.
Амаким ботири қиличин ташлаб
Мадрасага мударрис бўлганлигин
Эшитган эдим мен аллақачоноқ.

МАВЛОНОЗОДА

У кунларга, амир, ҳа... анча бўлди,
Илмим бор эканки, мударрис бўлдим,
Бухорий қўлини тутдим, амирим!

АМИР ТЕМУР

От ўрнин той босар, дейдилар, ахир,
Отангиз ҳам улуғ, закий зот эди.
Ривож берди ғоят ислом ишига,
Динимиз ул зотнинг илкида доим
Туғ бўлиб бошида ҳилпираб турди.
Шул зотнинг фарзанди ота юртига
Сардор бўлганидан кўкдадур бошим.

МАВЛОНОЗОДА

Қуллуқ! Имонимга қарши бормадим,
Ёвни қувдик буткул юрт тупроғидан.
Аммо сарбадорлар сўнгги ишлари
Бир оз таъб, кўнглимни қилмоқда хира...

АМИР ТЕМУР

Эшитдим, бутун юрт акобирларин
Молу-мулкин талаб қатли ом этмиш.
Лекин раиятнинг раъйига қарши
Бормоқлик абасдур айни шу кунда.

(Сукут)

¹ Ҳожа барлос назарда тутилмоқда.

Сизга эътимодим улуғдир ғоят,
Ҳар қандай амирдан азиз ўзингиз.
Сизлар билан аҳил яшасак, дейман,
Яхши кўшничилик қилсак, не дерсиз?
Боис: Шош, Бухоро, Термиз, Бадахшон,
Хўжанду ва бошқа қанча вилоят
Ҳокимлари тинмай сўғиш қилишар.
Бири қовчинман дер, бири жалоир,
Бири арлотман дер, бири қаранавс.
Силласи қуриди юрт, раиятнинг
Тинимсиз жанжалу фитна, ғавғодан!
(Ўз-ўзига сўзлагандай)

Бундай қарасанг гар — битта халқ бари,
Битта дарахтнинг шоҳ, илдизларидур.
Икки дарё сувин ичиб яшайдур,
Сувсиз тегирмондек, лек бир шоҳга зор!
Нодонлик, сафоҳат, жаҳолат, босқин,
Мастлик, бузғунчилик — ҳаммаси шунда!
Ҳокимлар бузуқи, қозикалонлар
Очкўзу мунофиқ! Девони бузруг
Еб—тўймас, ришвахўр! Доруғалари
Ўғри, муттаҳамлар саркори эрур!
Бир—бирин кўлига яшар сув қуйиб!
(Сукут)

Раият чорасиз! Оқиб ётибди.
Ору ғуруридан айрилган буткул!
МАВЛОНОЗОДА
(Ўз-ўзига)

Ўзимни, ўзимни англамоқдаман...
(Амир Темурга)

Кўнгилдаги гаплар! Лек сарбадорлар
Ўзга юрт деб кирмас жангу жадалга!
Гарчи ҳамал яқин, дон-дунимиз кам!
АМИР ТЕМУР

Мен ёрдам қилурман, яхши кунларга
Олурсиз олтин, зар, ботмон-ботмон дон.
Меҳмонга борурмиз киш чиққандан сўнг,
Қадрдоним Амир Ҳусайн билан.
Зиёфат берурмиз сизлар учун — биз,
Сарбадорлар иши — кўнгилли ғоят...
Муҳрини топширур Амир Ҳусайн,
Энди керак эмас унга Самарқанд...
Сарбадор давлатин тан олдик бизлар...
МАВЛОНОЗОДА

Амир Ҳусайнни сарбадорлару
Ва бутун раият ёмон кўришар.
АМИР ТЕМУР

Яхши-ёмон кўриш сардорга боғлиқ,
Ахир сарбадорлар сардори сизсиз!
Қолаверса, Ҳусайн — менинг қайнағам,
Қолаверса, унинг мақсад мақоми
Кўп ёмон эмасдур, фақат феълида
Қизикқонлик, гумон авжида бир оз.
Демак, биз келишдик... не пайғом бўлса
Аббос Баҳодирдан қилингиз маълум.
Менга ишонгандай ишонинг унга!

Амир Темур чиқади

МАВЛОНОЗОДА

«Меҳмонга борурмиз...» Раият не дер?
Калавий кўнарму? Кўнарму устод?
Темурнинг раъйига қарши турмадим,
Капча илон какликни сеҳрлагандай,
Бутунлай сеҳрлаб ташлади мени
Ва лекин нияти кўринар холис...
Негадир кўнглимга тушди осойиш.

Чиқади.

ТУРТИНЧИ САҲНА

Боғолон. Меҳмонхона. Амир Темур ва Амир Ҳусайн киради.

АМИР ТЕМУР

Жуда муҳим гап бор, сизга, амирим,
Қўшинни бир жойга тўпламоқ даркор.
Пайт етди — тангрининг ўзи қўллади...

АМИР ҲУСАЙН

Нима гап экан ул? Нима гап ўзи?

АМИР ТЕМУР

Илёсхўжа тамом. Тугади бари.
Уни қувмиш юртдан Самарқанд аҳли.

АМИР ҲУСАЙН

Нималар деяпсиз, ишониб бўлмас.
Наҳотки раият қудратга эга,
Наҳотки бу гаплар бари ҳақиқат?
Наҳотки биз енга олмаган қўшин
Оддий раиятдан енгилган бўлса?..

АМИР ТЕМУР

Ҳақиқат, амирим! Раият — чақмоқ,
Оламни ёритар бир зум бўлса ҳам!

АМИР ҲУСАЙН

Хўш, Илёсхўжани енголган кучни
Биз қандай енгамиз?

АМИР ТЕМУР

Ана, амирим,

Энди ўзингизга келмоқдасиз сиз,
Мен шуни маслаҳат қилмоқчи эдим!
Тадбир керак, тадбир!

АМИР ҲУСАЙН

Қанақа тадбир?

АМИР ТЕМУР

Тақа керак, тақа!

АМИР ҲУСАЙН

Тақа не учун?

АМИР ТЕМУР

Асов отни, фақат, тақа тўхтатар.
Сардори норози сарбадорлардан.
Ичдан қурт кемирса тез кулар дарахт...

АМИР ҲУСАЙН

(Четга)

Назаримда, истиқбол кулиб боққандай,
Самарқанд меники бўлғай, иншоллоҳ!

АМИР ТЕМУР

(Четга қараб ўзича)

Бошқа иложим йўқ! Ҳозир у билан
Жуда зарур эрур ҳисоблашмоғим.
Талқон тикилганлар — чопадур сувга,
Оҳ! Сувга зордурман дарё бошида!
Отимнинг излари қат-қатдир, нечун,
Жайхуннинг, Сайхуннинг кечикларида?
Не учун алдадим гоҳи дўстларни,
Ев билан ўлтирдим бир дастурхонда?
Ғанимим жонини қурбон қилсин деб,
Бошимни хатарга қўйдим не учун?
Туғлуқ хизматига кирдим не учун,
Нечун Ҳусайннинг синглисин олдим?..
Буларнинг барчаси мақсад йўлида!
Тангрим, ўзинг кечир бул шаккокингни!..

(Қатъий)

Мовароуннаҳр — ақл, қудратники, бас!

(Амир Ҳусайнга)

Тақани ясаймиз... кетдик, амирим!

Чиқишаётганда Шайх Исомиддин киради.

ШАЙХ ИСОМИДДИН
Азиз амирларим, бормисиз ўзи?..

Кетадилар.

БЕШИНЧИ САҲНА

Самарқанд. Масжиди Жомеъ олди. Калавий киради.

КАЛАВИЙ

Қишнинг сўнгги қасди... Қишнинг кўзи кўр!
Тамом бўлди ўчоқ ўтини ҳатто.
Аммо сарбадорлар руҳи сарбаланд,
Ёрдамин аямас бири-биридан,
Топган-тутганини ейишар бўлиб.
Ҳеч қачон бундаин ҳамжиҳатликни,
Тотув, иноқликни кўрмаган ҳеч ким!
Бирлашган дарёдур, тарқалган ирмоқ,
Барака — бирликда! Элим—улусим,
Мангу бўлса эди шундай бирлигинг!
Тош-тошга уланиб тикланур кўрғон,
Гилам ҳосил қилур иплар уланиб.
Тишлар бирлашибдур — чақибдур ёнғоқ.
Кечагина отлиқ қамчиси, яёв
Қалтаги бошингда ўйнар эди хўб!
Бирлашдинг — тош чақдинг! Тўқидинг гилам!
Бирлашдинг — тикладинг ўзингдан кўрғон!
(Сукут)
Кўнглим туб-тубида бир хиралик бор...

Бухорий киради.

БУХОРИЙ

Мавлонозода қани? Келмадими?

КАЛАВИЙ

Келмади... Келибман саҳар-мардонлаб!
(Тараддуланиб)
Мавлоно Бухорий! Кечиринг, бир гап
Айтсам, кўнглингизга тушмасми гумон?
БУХОРИЙ

Сиз ростгўй одамсиз! Юрагингизда
Не ҳосила эрур — айтурсиз очиқ.

КАЛАВИЙ

Бундан икки ҳафта бурунги совға;
Зарбоф тўнлар, олтин, қиммат матолар
Беҳаловат қилур мени туну кун.
Уларнинг ортида нимадур бордай...

БУХОРИЙ

Ҳм... ишонмассиз Мавлонозодага!

КАЛАВИЙ

Ишонгум ва лекин руҳиятида
Қандаин ўзгариш сезгандайман мен.

БУХОРИЙ

Тўғри, аввал бошда... Ҳаттоки, мен ҳам
Мавлонозодадан гумондор юрдим.
Кейин ўйлаб кўрдим. Ахир у аввал
Ёвга қарши чиқди, сўнг сарбадорлик
Жанглари бошланди — у кутмаганди!
Бою бек, акобир, мутавалли, шайх,
Имом, қозикалон — барчасин бирдай
Қатлу қирғин қилдик! Бу мударрисга,
Ки, мадрасанинг бош мударрисига
Таъсир қилмай қолмас эди, Калавий!

КАЛАВИЙ

Хўш, хўш, шундай, дейлик... Амирларга сиз,
Ишончингиз комилми?

БУХОРИЙ

Бирор ёмонлик
Тилагани йўқ-ку бизга амирлар?!
Сарбадорлар элин олибдурлар тан,
Кўп маъкул топмишдир бизнинг хизматни!
Яхши кўшничилик ихтиёрида
Фаровон яшасак?.. Нимаси ёмон
Қолаверса ўйланг!.. Шош ёки Шодмон
Ва ёки Хутталон ёки Бадахшон
Ҳокимлари ҳарб—зарб бошлаб қолса гар,
Уларга кучимиз етурми бизнинг?
Хуллас, улар билан тотув яшаш шарт!
Итқитинг елкадан шубҳа—гумонни,
Ортингизда доим сарбадорлар шай!
Нимадан кўрқасиз?..

Мавлонозода

Ана, келди ўзи...

Мавлонозода, Аббос Баҳодир ва бошқалар киришади.

МАВЛОНОЗОДА

Ассалом, устод,

Ассалом, оқсоқол! Кечикдик, узр!
Темур юборибди эллик ботмон дон!

АББОС БАҲОДИР

Сарбадор давлатин аҳволотидан
Доимо хабардор Темур, Хусайн!
Дуо қилиб яшар сиз — барингизни!
Мана, ҳамал яқин... экин-тикишга.
Бериб юбордилар эллик ботмон дон.
Ўзларини ўнглаб олишсин, деди,
Яшасинлар, деди, тинч, дориломон!

КАЛАВИЙ

(Четга)

Итолғи ўлжасин сезиб қолса гар,
Унинг тепасида айланар бетин.
Яна совға-салом... Яна ғамхўрлик.
Дўзах эшигин ҳам ришва¹ очар, дер,
Не мағрур бошларни ҳам қилган ришва.
Хоннинг совғасидан кўрқ дер, ровийлар...

(Овозини баландлатиб)

Тухфалар ортида кўп сирлар ётгай,
Балки ришвасидир бизга уларнинг?

МАВЛОНОЗОДА

Калавий, бу не гап!.. Эҳтимол, мендан
Бирор гумонингиз бор, айтаверинг!

БУХОРИЙ

Бас, қилинг Калавий! Беҳуда гумон
Кўп зиён етказур мақсад-муродга.
Гумонлар имондан ажратар ҳатто.
Каттакон кемага кичкина дарз ҳам
Ҳалокат, фалокат келтирар шаксиз!

МАВЛОНОЗОДА

(Ҳаммага)

Дехқонга улашмоқ керак шу бугун
Бу олтин баравар дону дунларни!
Кўкламга ҳозирлик кўрмоқлик лозим,
От-улов, анжомлар тахт бўлмоғи шарт!
Омон-эсон чиқиб олсак ҳамалга,
Ўнглиниб кетадур барча юмушлар!

Чиқишади.

КАЛАВИЙ

Пичоқ ўз сопини кесарми?.. Кес-ма-а-ас...
Лекин ақлдан ҳам юксак бир ҳис бор...

Чиқади.

¹ Ришва — пора.

1366 йил. Кўклам. Кониғил боғи. Амир Ҳусайн, Амир Темур, Шайх Исомиддин.
Амир Темур сукутда.

АМИР ҲУСАЙН

Бир гулгун зиёфат бўлгайдир бу кун,
Сархуш бошлар ўзни тамом унутгай.
Бундай зиёфатдан олам ғофилдир,
Бундай зиёфатни шоҳлар кўрмаган.
(Қаҳ-қаҳ уриб)
Эй сарбадорлар, бу дастурхонда
Май эмас, ичгайсиз ўз қонингизни.
Гарчи юрт қаъдаси, мезбон қаъдаси
Бундайн дастурхон тузатмагайдур,
Лекин мен аждодим ҳаққи-ҳурмати,
Шундай дастурхонни тузатдим сизга!
Қуш асраган доим боқадур кўкка,
Мен тож-тахтга боқдим! Унинг йўлида
Ҳеч қандай сарбадор, ҳеч қандай бир ғов
Бўлмаслиги керак! Тамом — вассалом!
(Кўкрагига муштлаб)
Самарқанднинг шаръан ҳокими ўзим!

Мулозим киради.

МУЛОЗИМ

Ҳаммаси таппа-тахт. Фақат кутишар...
АМИР ҲУСАЙН
Биқтирмани сезиб қолмасми улар?
МУЛОЗИМ
Йўқ, амирим! Улар кириши билан
Шердай ташланишар навкарларингиз!

Иккинчи мулозим киради.

ИККИНЧИ МУЛОЗИМ

Улар келишмоқда!
АМИР ҲУСАЙН
Йўқми, қуроли?
ИККИНЧИ МУЛОЗИМ
(Қувлик билан)
Зиёфатда надир қуролга ҳожат?!
АМИР ҲУСАЙН
Калланг кўп ишлайди...
(Иккала мулозимга)
Қани, кутинглар!

Мулозимлар чиқишади. Аббос Баҳодир, Мавлонозода, Калавий, Қул Чобук, Бухорий,
Нурзод, Мирзо Соҳибларни бошлаб киради. Бир тўда қуролли сарбоз кўз очиб
юмгунча бостириб киришиб, уларга ташланадилар. Саросимада қаршилиқ кўрсатган
Қул Чобук ва Нурзодларга қилич санчишади. Қолганларни маҳкам тутушади. Аббос
Баҳодир намоийшкорона чиқади.

НУРЗОД

Бонум, Кониғилда гуллар очилди...
(Қонларини кўрсатиб)
Мана, мана улар... кип-қизил, қизил...
ҚУЛ ЧОБУК
Сар-ба...

Улади.

АМИР ҲУСАЙН

(Қаҳ-қаҳ уриб)
Ҳаҳ-ҳаҳ-ҳаҳ-ҳа...

Сар-ба... эмиш, сар-ба... Ҳа! Сарбадорларсиз!...
Қиличим остида бошингиз, мана!
Сиз токи тириксиз, аҳли Самарқанд
Менга хизмат қилмас ва шунинг учун
Бошингизни олурман биттама-битта!
МАВЛОНОЗОДА
(Тетикланиб Амир Темурга)
Темурбек, нима гап? Бу нима асрор?

Амир Темур жим.

АМИР ҲУСАЙН
Тахт учун кураш деб атарлар бун,
Шафқатсизлик эрур унинг болтаси!
(Бухорийга)
Ҳай, ҳай, сен келгинди! Бухордан келиб
Самарқанд юртини нотинч қилган кас,
Жазоинг дормикин ва ё қилич?
(Бир сарбозга)

Ос!
Токим кўриб қўйсин Самарқанд аҳли
Келгиндилар ҳоли не кечмоғлигин?

БУХОРИЙ
(Мағрур)
Келгинди, менми? Сен! Амир Ҳусайн!
Чингиз ақаваси! Шажаранг аён!
Бухоролик сенга келгинди, ётми?
Мен, Мовароуннаҳр фарзанди, билгил!
Қоним оқишидан қўрқмайман, бу қон
Кўзи кўр эл-юртнинг кўзини очгай!

АМИР ҲУСАЙН
Ос! Ос! Тилин суғур!
БУХОРИЙ
(Мавлонозодага)

Мавлонозода,
Илму заҳматимга рози эмасман!
Сен хоин! Инондим сенинг сўзингга!

Бухорийни олиб чиқишади.

МАВЛОНОЗОДА
(Талвасада)
Ўх, устод!.. Ўх, амир!.. Менинг, менинг сен
Бошимни тандан ол! Ахир, буларга
Мен кафил бўлганман!..
(Амир Темурга)

Нечун жимсан, жим?!

АМИР ТЕМУР
(Четга)

Жимман! Сукутдаман! Карман! Сўқирман!
Ва лекин юрагим ёнар... билмайсиз!..
Гарчи сарбадорлар жасоратига
Минг таҳсин ўқийман — чўкким келар тиз!
Бошимга кўтаргим келадурагарчи!
Йўқ! Йўқ! Иложим йўқ! Ҳозир сиз билан
Бирга бўлмақлик, бу ҳалокат эрур!
Есам — оғзим оғрир, чайнасам — тишим...
Мовароуннаҳрни бир бутун давлат
Қилмоқ нијатимдан кечолмайман воз!
Бу йўлда гоҳ тулки, гоҳ бўридурман,
Гоҳида чоҳдирман, гоҳида қоя!
Майдонга кирганлар манглай қашимас! —
Рухингиз мен билан, сарбадорларим! —
Бирлигин йўқотган юрту элимнинг
Бевақт қурбонлари, мангу алвидо!

КАЛАВИЙ
(Мағрур)

Сарбадорлар жанги бошланди кузда,
Кўклам эса, мана, тугатмоқдалар...
Ў, тангрим, русумда, жамики нарса
Кўкламда буй бериб, кузда хазондур!
Номутаносиблик бу! Сарбадорлар! —
Эй-эй, келажагим сарбадорлари, —
Сиз энди кўзғалинг фақат кўкламда!
Шунда кўкламингиз бўлмайдур хазон!
Қопқонга туширган эдик биз ёвни,
Бизни эса дўст туширди қопқонга,
Нон қўйнимда, кўппак кейнимда экан...

ШАЙХ ИСОМИДДИН

(Амирларга Калавийни кўрсатиб)
Элни ичдан бузган, ана, шу Бакр,
Ана шу бошлаган сарбадорликни!
Ҳали Илёсхўжа келмасдан аввал
Қирғин-барот қилган бою бекларни,
Молу-мулкларини талаган тунлар.
Эркинлик, Озодлик, Давлат... деган шу!
Зобитбек қулини чопгани учун
Уни дорга осган қароқчи ҳам шу!..

КАЛАВИЙ

Дагар сарбоз айтган эди бир пайтлар,
Ҳамиша сотқинлар тахтнинг ёнида!
Бирини бирига олиб урган, Шайх!
Бадгир Шайх, эшитгил менинг сўзимни,
Сен ҳам эшит, Мавлонозода!
Бесарҳад саҳрода, чўл, биёбонда
Илонқуйруқ деган бир жонивор яшар,
Унинг ярмин чопиб ташласанг ҳамки,
Қолган ярми билан яшар судралиб,
Судралиб, судралиб яшайверади!
Сиз илонқуйруқсиз!..

АМИР ҲУСАЙН

(Сарбозларга)

Ос, ҳаммасини!

МИРЗО СОҲИБ

(Тиз чўкиб, Амир Ҳусайнга)
Мен булар фармонин бажардим фақат,
Бола-чақам учун бўйнимни қисдим.
Менга на юрт керак, на менга мансаб,
Қорним тўк бўлса-ю, тинч бўлсам дедим.
Менинг гуноҳимдан ўтгил, амирим.
Хизматинг қилурман ит каби, биллоҳ!
Эл кучи — сел кучи, булардан кўрқдим...

КАЛАВИЙ

(Мирзо Соҳибга қараб)
Одам — юзин қандай очадур... аблаҳ!
Олти ой ортимдан эргашиб юрдинг,
Афсуски, кеч кўрдим сенинг юзингни!

АМИР ҲУСАЙН

Ос! Ос, деяпман, ос! Баланд, баланд ос!
Уларни кўрмоққа кўзим йўқ! Тамом!

**Сарбозлар уларни олиб чиқаётганда Амир Темур Амир
Ҳусайн қулоғига ниманидир шивирлайди.**

АМИР ҲУСАЙН

(Сарбозларга)
Тўхта-а! Қолдир Мавлонозодани!
(Мавлонозодани қолдиришади.)
Қуллуқ қил Темурга, сенинг қонингни
Сўраб олди у!

МАВЛОНОЗОДА

Йўқ! Лаънат барингга!..

Телба Сархон отилиб киради.

ТЕЛБА САРХОН

(Қўлида таёқ)

Ажойиб қиличми-а,
Дами бунчалар ўткир? —
Қушни сўйса бўлар-ку,
Лекин, албатта, мўғул,
Хотинингнинг қорнини
Еражақдир бу билан
Ва ундан гўдагининг
Юрагин олар суғириб.
Сўнг сахро бўрисидай
Ейишар ғажиб—ғажиб...
(Бирдан мурдаларга кўзи тушиб)
Ҳақиқат, бу осмонда,
Осмонда... йўқ, йўқ, ёлғон.
Ҳақиқат — бу замонда
Қон, қон, қон, қон-он-он!
(Мавлонозодага йиғлаб)
Қизим, мени қувлайди.
Телба, дея, ўйлайди.
Мен телбами?.. Сен телба!..
(Амир Темурга, қаҳқаҳа уриб)
Пешонанг катта экан,
Қўлгинанг калта экан...
(Амир Ҳусайнга алмои ҳаракатлар билан)
Кўкрагим очиқ бўлса,
Шамоллар эсиб турса,
Шунинг ўзи менга, бас...
Бўжи келди, бўжи келди,
Бўжи билан жўжи келди...

Амир Ҳусайн унга ғазаб билан қилич уради, Телба Сархон Нурзоднинг устига қулаб тушади. Ҳамма чиқади. Зарбону киради.

ЗАРБОНУ

(Талвасада)

Ҳамма ёқ дор, дор, дор!.. Ота, қайдасиз?..
Бир дорда осилиб турар Калавий,
Бир дорда Бухорий... Нурзод, оғажон,
Қайдасиз?.. Қайдасиз?.. Ота, қайдасиз?..
...Бирин танимадим — Нурзодим эмас...
(Тек қотиб)
Қизиқ, улар боши кўкка қарабдир,
Тангрига илтижо қилгандай худди!
Отажон, қайдасиз?..
(Мурдаларга суриниб, йиқилиб тушади.)
Бу не, мурдалар?..
(Таниб)

Ота!..

(Телба Сархонни ағдариб, ўзига қаратмоқчи бўлади — Нурзодга нигоҳи қадалиб қолади)

Нурзод оға... Нурзод оға... Оҳ!..

Уларнинг устига йиқилади. Сиёб ота, Дағар сарбоз ва бошқа сарбадорлар Калавий, Бухорий, Мирзо Соҳиб жасадларини олиб киришади. Зарбону ва мурдаларга кўзлари тушади.

СИЁБ ОТА

Калавий эҳтиёт шарт деган эди...
Кечикдик, кечикдик...

Сиёб ота Зарбонуни сўяб түргизади.

ЗАРБОНУ

Отажон!.. Оғажон!..

(Сиёб отага)

Сиёб ота! Энди қандай яшайман,
Отамдан, оғамдан айрилиб қолдим.

Йиғлайди.

СИЕБ ОТА

Қизим, сенга далда бермайман ҳозир,
Сенинг қайғунг — элим қайғуси, қизим!

(Сарбадорларга)

Сарбадорлар! Кураш тугагани йўқ,
Бу қонлардан сарбадорлар унадур!

(Дагар сарбозга)

Дагар! Шу бугундан ўзинг сардорсан!
Йўл бошла, шаҳидлар руҳини шод эт!

ДАГАР САРБОЗ

Мавлонозода қани?..

СИЕБ ОТА

У... У... Хоин!

ДАГАР САРБОЗ

Калавий, Бухорий, ў, устодларим,
Сирдош-мунгдошларим Қул Чобук, Нурзод!

Қонингиз учун қон, жонингиз учун
Жон олурман! Тингланг, куюкдошларим!

Элим, юртим учун дорлар, тахтлардан
Минбарлар тиклайман! Қасамёд қилгум!

БАРЧА САРБАДОРЛАР

Қасамёд қилурмиз қонлар ҳаққига!

Жасадларни олиб кетадилар. Телбанамо Мавлонозода киради.

МАВЛОНОЗОДА

Мен, қовоқаридан бол тиладимми?
Ғажирнинг бўрига ҳамтовоқлигин
Наҳотки, унутдим? Наҳот кўзим кўр?!
Кўрсан Мавлонозода! Теран тикилсанг,
Оқ сутда ҳам қон бор! Сен-чи, кўрмадинг!
Дўст ила ғанимга битта қудуқдан,
Битта пиёлада сув тутдинг, ў, кўр!
Бўри ожиз эди, ожиз бўрига
Тиғ янглиғ тиш бўлдинг, тирноқ бўлдинг сен!
У ғажиб ташлади, ғажиб ташлади!

(Сукут)

У-ў!.. Лаънат сенга! Балиқчи учун
Сувни лойқалатиб берганга, лаънат!

(Сукут)

Мен қандай яшайман? Устод норизо...
Кетди... кетди... кетди... Кечиринг, устод! —
Кўзи оқиб тушган бу мударрисни!
Кечиринг, макр, алдов тўрт ённи чирмаб,
Бўғиб, эзиб ётган бу ифлос юрtda,
Кўриб, кўра билмас шогирдингизни!
Йўқ, йўқ,, кечирмайсиз! Кечиролмайсиз!
Тулки, қарсақ ини бир эканлигин
Билмаган шогирдни кечиролмайсиз!

(Сукут)

Оқсоқол, Калавий! Сиз, сиз кечиринг!
«Қўйдайд бўлиб минг йил яшамоқдан, бас,
Шер бўлиб яшамоқ керакдур бир йил!» —
Дея такрор, такрор сўзлар эдингиз, —
Бу ҳикмат маъносин энди англадим!
Дарё кечигидан, оқишдан қўрқиб
Хоннинг кўпригидан ўтибман, э воҳ!

(Сукут)

Ахир, мен инондим! Мовароуннаҳр —
Тўрт бурчин барчаси бармоқлар каби
Бирлашиб — мушт бўлиб яшайжагига!
«Бош бармоғи бўлсин, дедим, Самарқанд!» —
Муштга тугилмоққа бошладим уни!
Лекин бу муродим, сизнинг қонингиз
Ҳисобига бўлсин, деганим йўқ! Йўқ!
Учоқнинг ўтинга тўймаслигини
Унутган кимсани кечиринг! Йўқ! Йўқ!

Йўқ! Тамом! Калавий, кечиролмайсиз!

(Сукут)

Телба Сархон! Ҳа-ҳа! Тўғри айтдинг сен,
Мен! Мен! Телбаман! Сен телба эмас!
Сен — Мовароуннаҳр! Сен буюк юртсан!
Шажаранг, бугунинг ярадор бир юрт,
Сени шифоламоқ керак бус-бутун!
Тўкис даволамоқ керакдир сени,
Сенга, топмоқ лозим топ-тоза малҳам!
Қандайин малҳам у? У, қайси табиб
Уни топа билар?.. Шундай табибнинг
Шарпасин сезгандай бўлган эдим мен!..
Сархон, мени кечир! Кечиролмайсан!
Кўзсиз ҳам билади тузсиз таомни!

(Сукут)

Қул Чобук!.. Нурзод-ў!.. Кечиролмайсиз!..
Ўликлар кечирмас! Кечирмас асло!

(Сукут)

Тирик нафасдошим кечирармикин!
Йўқ! Йўқ! Йўқ! Кечирмас мени Зарбону!

Ўзига ханжар уради. Ҳлади.

Х О Т И М А

КИТОБДОР

Қаёққа шошасиз, ҳой, қизалоқлар,
Ҳой пўрим йигитлар, қайга шошасиз?
Китоб борми, китоб? Йўқми?.. Йўқ!

Бор! Бор!

Чанг босиб ётибди жавонингизда!
Чанг босган йўқ?! Яхши?!

Безакларми у?!


Безаклар дейсизми?..

Мавлонозода жасади улкан китобга айланади.
(Мурда-китобни кўрсатиб)

Шу, шу безакми?

Бу китоб — сиз билан ёнма-ён юрган!
Бу китобнинг фақат ўқилди ярми!

Китоб қуёшдай порлайди.



Қўлдош Мирзо

КЕЛИН КЕЛДИ...

Ҳикоя

Бозорбой ака дарвоза қанотини биринчи марта ҳайқиброқ итарди... Дарвоза кўп вақт қулфлоглиқ бўларди. Унинг ҳам, ўғлининг ҳам ўз калити бор. Ким илгари қайтса, эшикни ўша очади. Бу вазифа кўпинча Бозорбой аканинг чекига тушарди.

Куннинг биринчи ярми кўнгилхушлик билан ўтди. Цехдагиларнинг деярли барчаси уни келин билан муборакбод этишди. Тушликдан кейингина у ҳар вақтдагидек хотиржам ишлади. Барибир хаёли бот-бот тўй воқеаларига кетиб қоларди. Лекин дастгоҳни бошқараётганда паришонхотир бўлмаслик керак. Хаёл билан бўлиб ё деталга шикаст етказан, ё ўзингга.

Ишдан кейин уч-тўрт улфат токарлар билан пивохонага киришди. Шериклари ҳазил-ҳазил билан пиво ичишарди. Уни оғзига олиб борган Бозорбой ака кружкани қайтариб жойига қўйди. Салга кўзи қизариб кетади. Тўғри, бир кружка пиво маст қилмайди-ю, савилнинг ҳиди бурқсиб туради. Уйда келинчак бор. Оғздан пиво ҳиди келса яхши эмас. Улфатлар ҳам уни қисташмади.

Қайнотаси келганини сизди шекилли, ичкаридан келини чиқиб келди-да, мулойимлик билан салом берди:

— Ҳорманг, дада.

Бозорбой аканинг аъзойи баданига фараҳбахш ҳис югурди: «Дада дедими, шу кунга етганимга шуқр...» Келинчакнинг ортида унинг синглиси кўринди. Бозорбой ака билан ийманибгини сўрашди. Уни «қудапочча» деб атади. «Куёв-келинга моҳара олиб келибди. Қизиқ одатларимиз бор-да, мана энди бир ой-қирқ кун моҳара ташишади, бечоралар», — хаёлидан ўтказди.

У ҳозиргина бўлган мулоқатдан сархуш ҳолда ечинди. Майкачан эшик томон юри-ди-ю, дарҳол орқасига қайтди. Пижамасини кийди. Илгари бундай иссиқ кунларда ҳовлида майкачан юраверарди. Энди мумкин эмас...

Елкаларида оғриқ сезди. Дастгоҳ устида энкайиб ишлагани учун кўпдан бели, елкалари толиқиб оғриди. Ишдан қайтгач, ўғлини устига чиқариб тепалатишга одатланган. Шундагина ҳордиғи чиқади. Ҳарбий хизматдан қайтгандан кейин, ўғли тепалашни эп кўрмай, отасининг елка-белларини қўли билан уқалайдиган бўлди. Лекин бундан Бозорбой ака қаноатланмади. Тепалашни маъқул кўрди. Энди тепалатиб бўлмайди. Бозорбой ака чуқур хўрсинди. «Эшҳаёт қаердайкин? Уйнаб чиқиб кетдимикин? Отпускасининг тугашига ҳали фурсат бор».

Йўлкадаги ойна олдида тўхтаб, унда акс этган бир оз эгик қотма гавдасига, серажин оқ-сарик юзига қараб қўйди. Ие, ойнанинг ёнбошида оҳорли сочиқ пайдо бўлиб қопти. Мана бу атирни айтинг. Ҳам завқ, ҳам қандайдир эҳтиёткорлик билан уни ушлаб қўйди. Ҳовлига чиқиб, умивальникда қўлини чайқади. Хизматга ҳозир турган келинчак сочиқни олиб узатди.

— Биринчига қандай овқат қилай, дада? Иккинчи бор — хунон, синглим обкелган экан...

Бозорбой ака кулумсиради. Хижолатдан бир ҳолатга тушиб:

— Иккинчининг ўзи зўр экан. Биринчига уринмай қўя қолинг... Қудаларим бекор овора бўлишяпти-да, — деди.

* * *

Бугун тўртинчи кунки, Бозорбой ака хонада ёлғиз ётади. Ёлғиз қолдингми, одамни ўй босаверади. Қаёқдаги хаёллар келади Тўй олдидан дастурхон устида, биров ўргатганми, Эшҳаёт димлана-димлана гапириб қолди: «Ая олиб берсангиз бўларди. Келин туши-

ришга... аям бўлса, яхшийди». «Сизни уйлаб олайлик-чи, ая тўғрисида кейин ўйлашиб кўрамиз. Мен бир уйланганман», — деб шартта жавоб берди у.

Лекин ўғил қисман ҳақ эди. Қуда-қудачилик қилишда бир уй бекаси керак экан. Булар тўғрисида энди ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ҳаммасининг ҳам бир иложи топилди.

Уйланиш тўғрисида одамлар кўп вақтдан бери оғиз очишмайди. Қизиқ... Йўқса, хотини вафотининг қирқи ўтар-ўтмас гап бошлашган эди. Қариндош-уруғ, кўни-қўшни, Ҳамкасбларнинг бу тўғридаги сўроқ-истак, таклифларидан безор бўлиб, у «мудофаа» жавоблари ўйлаб қўйган эмасмиди?

«Мен уйланганман-ку. Тўғрими? Шу, энди, пешонага сифмаса, нима қилай?»

«Битта боланинг гадоси бўлиб ўтиб кетасанми? Аёл киши ота-боланинг иссиқ-совуғидан хабар олиб туради-ку.»

«Хотин киши боланинг гадоси бўлиб ўтса майли, эркак кишига мумкин эмасми?!»

Қийналган кунлари кўп бўлди. Ўзи ҳам, бола ҳам. Кўнглининг ярми ҳамиша ўғлида эди. Ота-бола бир-бирига шунчалик ўрганиб кетишган эдики, учинчи биров ортиқчадай туюларди.

Одамлар энди хотин тўғрисида гапиришмайди. Аҳамият беришмай қўйди. Бозорбой аканинг сўққабошлигига кўникиб кетишди... Нима, ўғлини деб сўққабош ўтганига пушаймон еяптими? Йўғ-э, қаёқдан чиқди бу фикр?!

Уйлар таъқибидан қутулиш учун ҳовлига чиқмоқчи бўлди. Оёқларини дивандан пастга туширди-ю, шу ҳолатда тўхтади. Алламаҳал бўлиб қолди. Йўлак эшиги очилганда, шарпа сезилади. Ёшлар безовта бўладилар.

Бозорбой ака бошини қайта ёстиққа қўйди, кўзларини юмди. Уни уйқу элитди. Нуқул туш кўрди. Тушига хотини кирди. У оппоқ келинлик либосида эмиш. Узоқда туриб жилмайганича ҳадеб таъзим билан салом берармиш. Бозорбой ака яқин бормоқчи бўлса, келинига айланиб қолармиш. Шунда у тез орқага тисланармиш...

Бозорбой ака бир ҳолатда уйғонди. Тушини яхшиликка йўйди: Эшҳаётни уйлаганидан хотинининг руҳи шод.

• Ўрнидан туриб, хотини билан ёнма-ён тушган суратга тикилди. Чироқни ёқмади. Деразадан тушган ёруғда ғира-шира кўрса бўларди. Дераза кўзлари мунча тиниқ. Ойна бор-йўқлиги ҳам билинмайди-я. Бу ҳам келинчакнинг иши. Кам бўлмасин. Кўзлари девордаги суратларда-ю, хаёлидан шу ўйларни ўтказди-да, мамнун жилмайди. Мана булар Эшҳаётнинг суратлари. Чақалоқлигидан ҳозирги ёшигача. Шу кунгача вояга етказишни, уйлаб-жойлашни ният қилиб яшади. Шукр, охири, мана, ниятига етди.

Қайтиб жойига ётди. Энди умрбод ҳар кечани шу хилда ўтказадими? Ёлғиз? Уй-салолар билан? Йўғ-э, нега энди. Невара кўради, етаклаб, опичлаб юради. Эшҳаётни ўргатгандек, уни ҳам ўзига элакиштириб олади.

Йўлкадаги чироқ ёниб, хона ичи ёришди. Бозорбой ака томоқ қириб олиб, ташқарига йўналди. Энди ҳушёрлик даркор, уйда бировнинг қизи бор, ахир...



Мумтоз Муҳамедов

ҲИКОЯЛАР

«Жанггоҳ», «Юлдузлар хиёбони», «Қаҳрамон изидан», «Абадият», «Сўлган лола», «Кўрмана» ва бошқа бир қанча асарлар, китоблар муаллифи, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, партия ва меҳнат ветерани, Ўзбекистон ССРда кўрсатган маданият ходими, кекса адиб Мумтоз Муҳамедов 80 ёшга тўлди.

Кўп минг сонли журналхонларимиз номидан адибни чин қалбдан қутлаб, унга сихат-саломатлик, янги ижодий зафарлар тилаймиз.

Бегона болалар

— Бор, бор, қаерга борсанг, шу ерга бор. Она нимага керак сенга, боқди, ўстирди, ўзи емай едирди, ичмай ичирди. Энди она ўрнини босадиганлар топилиб қолибди, ҳозироқ жўна!— Солиа хола жаҳлдан овози титраб, қўлидаги лаш-лушларни улоқтирди-ю, оғзига келганини қайтармай, яна сўзида давом этди:

— Ҳе, ўргилдим сенинг ўша олиб келган юз сўм маошингдан. Ҳали келиб-келиб икки болалик кишига тегаман дегин, ўн гулингдан бир гулинг очилмаган қиз боласан-а; шуни билиб қўй, мен сен ўйлаган анойиларданмасман. Ҳа-я, ўн бир йил олдимда ўқиб, етти йил Тошкентда ўқиб топмаган қилиғингни энди топдингми? Уялмай-нетмай: «У кишига раҳмим келади дейсан». Хў, раҳмдиллигинг билан кўшмозор бўл. Эрта-индин шу икки боласи улғайиб, бошингга не қора кунларни солишини билмайсан-да! Ўғайнинг ўти қурсин, ёмоннинг бети...

Она бўсағада ўтириб, хўнг-хўнг йиғлаб юборди. Кейин бир оз жаҳлидан тушиб, қарғашдан ёлборишга ўтди:

— Сени шу умидда ўстирганмидим, болам. Ўзингдан қоладиган гап йўқ, гулни гулга қўшадилар, ахир... Тенгинг қуриб кетганми? Раънохон юриб-юриб икки болаликка тегибди, деган иснодга қоламизми энди?

Раъно эшик ёнида — онасидан сал нарироқда, бўздай оқарганича, ўзига отилган таъна тошларига чидаб, сукут сақлаб турарди. У — ҳам куйинар, ҳам ўзининг тақдири уйланган одамга боғланаётганидан иккиланарди. Устига-устак, онасининг қўни-қўшниларга эшиттириб бақириб-чақириши, уйдаги «машмаша»ни ҳаммага овоза қилишидан уяларди. У бир оғиз ҳам индамасди. Онаси кўчага унинг кийимларини йиғиштириб улоқтирганида, босиқлик билан фақат: — Ичкарига кириб, уйда уришинг, ойи. Қўни-қўшнилари эшик тирқишидан мўралаяпти,— деди, холос.

Яхшиямки, шу пайт кўча қоронғи эди. Эшик рўпарасидаги симёғочга ўрнатилган лампочкани кимдир синдириб кетибди. Раъно ичида ўша зиёнкордан хурсанд бўлиб қўйдю онаминг қарғишини Ислом акам эшитмадимикан, деган хаёлга борди, соатига қаради. Йўқ, ҳали вақт бор, соат саккизда келаман деган! У қўлидаги онаси улоқтирган

кийимларни жавонга илаётиб, ҳайтовур онаминг товуши пасайди, нима қияпти экан, мазмунида йўлакка қараб қўйди. У ерда ивирсиб юрган отасини кўриб, кўнгли сал таскин топди. Аммо отанинг юзига тик қарашга журъат қилолмади. Ичкарига кириб кетди, кўп ўтмай отасининг босиқ овози эшитилди: «Солия, ўзинг ҳам қизиксан, сал нарсага жижиллайверасан. Сенинг шу одатинг қолмади-қолмади-да. Нима, Раъно ёш боламикими, бунчалик ақл ўргатасан, қизинг ўқиган, ақлли, ўйламай бир иш қилмайди!»

Солия холанинг худди боягидек яна жазаваси тутди:

— Бу кишига қаранг, ота бўлиб, бундоқ уришиб қўйиш ўрнига, ақлсиз қизининг ёнини олади-я! Балки қизингизга ўхшаб сизнинг ҳам раҳмингиз келаётгандир «куёв» болага?!

— Йўқ, йўқ, менинг ҳам унга берадиган қизим йўқ...

Раъно қолган гапларни эшитмаслик учун қулоғини берkitиб олди. Онасининг фиғони фалакка чиқишини, қачондир уйда ана шундай кўнглисизлик рўй беришини у олдиндан биларди. Бундоқ олиб қараганда, онасига ҳам қийин. Бу тенги қизлар ҳаммаси аллақачон турмуш қурган, лекин уларнинг ҳеч қайсиси икки болали одамга чиқмаган. Ахир бундан икки-уч йил олдин онаси: «Яқинда врач бўлиб келади қизим, тенги топилиб қолса, ўзидек ўқимишли, насл-насабли жой бўлса узатаман»,— деб қўшниларга гап маъқулламасмиди.

«Врач бўлиб нима қилдим? На ишда, на уйда ҳаловат! Қаердан келди шу совчилар?! Фавқодан чиқмай қолди-ку бошим!...»

Кўзларига қўйилиб келган иссиқ ёшларини артиб, аламини ичига ютди Раъно. У чироқни ҳам ўчирмасдан, секингина каравотга чўзилди. Шипга тикилиб, уйнинг бурчагида бир неча дарз кетган жойни кўрди. Шу заҳоти уйни бу йил ремонт қилишолмаганини эслади.

«Отам ҳам қариб қолди. Яқинда пенсияга чиқади...»

Раънонинг нигоҳи тўрда онасининг ёшликда олдирган суратига тушди. «Онам чиройли бўлган экан... У ҳам бировни севганмикан?»— деган фикр ўтди хаёлидан. Онасининг ҳали бўсағада қарғаб ўтирган ҳолати билан унинг ўзи ҳикоя қилиб берган, отасини мафтун қилиб юрган пайтларини солиштираркан, беихтиёр жилмайди. Шундан сўнг кўзи сал нарироқдаги ўзининг суратига тушди. Суратдаги чиройли ҳарфлар билан ёзилган «Студентлик — олтин даврим» деган сўзлар уни хаёл оғушига ғарқ этди...

Талабалик йиллари Раънога Исмоил деган йигит ёқарди. Ҳозирги Ислом акасининг нимасидир худди ўшанга ўхшаб кетади. Камгап, камтарин.

Аммо ҳадеганда Исмоил «севаман» деб сўз очмади. Кейин Раъно унинг кўчада бир қиз билан ёнма-ён кетаётганини кўрди. Анча кун рашк ўтида қоврилиб юрди. Ниҳоят, бир-бирларини унутти. Шу билан уларнинг дostonи тугади.

Институтни битириб, ишга келгач, ўтган икки йил мобайнида, Раънога дил изҳори қилганлар кўп бўлди. Лекин ҳеч ким Исломдек уни оила хусусида ўйлашга мажбур қилолмаган, очикроғи «ошиқ»лардан ҳеч бири қизга ёқмаган эди.

Исломнинг самимий муомиласи Раънонинг кўнглини ром этди. Бунинг устига...

... Уша муваффақиятсиз чиққан операциядан сўнг, Раъно ўйлаб-ўйлаб, минг бир мулоҳаза билан ҳалок бўлган аёлнинг болаларини излаб, улар қатнайдиган боғчага борди. Болаларга ширинлик, ўйинчоқлар совға қилди. Қизикарли суҳбатлашди, кичкинтойларни яйратиб, ўзи ҳам енгил тортди. Бу ҳол бир эмас, бир неча марта такрорлангач, болаларига меҳр кўрсатаётган «нотаниш» қиз — касалхонада учраган врач эканлигини Ислом ака билиб олди. Қалби чексиз миннатдорчилик ҳиссига тўлди.

Улар бир-бирлари билан шундай — болалар туфайли танишишди. На бир оғиз ширин сўз, на мулоим боқишлар, на сирли термулишлар... Аммо улар орасида пайдо бўлган яқинлик чексиз-чегарасиз эди...

Янги йил олдидан улар яна учрашишди. Ажиб ўнғайсизлик туйиб бир-бирларидан сўз кутишарди. Йўқ, ҳадеганда Раънодан ҳам, Исломдан ҳам садо чиқавермагач, болалар бетоқат бўлишиб, «юринг» деганча Раънонинг этагидан тортишди. Ана шунда Ислом ака журъатланиб Раънони Янги йилни бирга қотишга таклиф қилди. Гарчи қиз «йўқ» деса ҳам унинг бирга бўлгиси борлиги кўзларидан ошкора билиниб турарди...

Раъно соатига қараб чуқур уҳ тортди. Соат саккиздан ошибди. Онасига нимани баҳона қилиб уйдан чиқади бугун? Онасининг ҳалигина қарғганини эслаб, дами ичига тушган, иккиликаниб, руҳи чўкканди. «Ростдан ҳам шу икки гўдакка оналик қилиш қўлимдан келармикан? Улар-чи, улар — бегона болалар мени она деб айтишга тили борармикан?!» «Боради. Мен меҳрибон бўлсам, улар ҳам ўрганиб кетишади!» Шубҳаланган пайтларида ўзини ҳаммиша шундай таскин билан овуларди Раъно.

У ўрнидан турди. Стол тортмасидан тароқ олаётиб, нотаниш суратга кўзи тушди. Бу суратни ҳув қайси кун қўша-қўша тоғора кўтариб келган совчилар онасига ташлаб кетганини эслади. Бу — қош-кўзлари қоп-қора, чиройликкина йигит эди, лекин бир оз калтабинга ўхшайди. Ақлли одам бўлганида бойваччаллигини писанда қилиб, «Жигули» машинаси олдида пул санаб туриб суратга тушмасди. Тағин ойим уни ишчан, тўрт жойда тўртта кабобхона очган, деб осмонга кўтарадилар. Афсуски, ҳамма ота-оналар ҳам «Севгисиз турмуш — тузсиз ош» эканлигини билмайдилар-да...

Солия хола бу хонадонга устам бўлиб ёмон ўрганган. У ўзини ҳокимадек тутади. Шунинг учун ҳамма нарса, жумладан Раъно ҳам унинг измида бўлишини истайди.

Раънога эса ойсининг бу феъли ёқмайди. У эр бўлгандан кейин ҳар томонлама ҳалол ва покиза бўлса, деб ўйлайди... Сту дентлик йилларини эсласа тепа сочи тикка бўлиб кетади. Пулга зорикқан кунлари кўп эди. Лекин пулсиз қолдирган отасидан эмас, онасидан хафа бўларди. Чунки биларди-да, пул доим онасининг темир сандиғида сақланишини! Албатта, шундай пайтларда уйи тўғрисида жуда кўп ўйларди у. Отасига раҳми келарди. Уқишни битириб борсам, ўзим ишлаб пул топаман, отамнинг қўлини совуқ сувга урдирмайман, онам ҳам уришмайдиган бўлади,— дерди. Йўқ, иш бошқача кўчди. Онасининг баттар фиғони фалакка кўтариладиган, отасига қўшилиб, у ҳам изтироб ўтида кўядиган бўлди...

... Узоқдан таниш деразада чироқ ёниб турганини кўрган Ислом: «Нега Раъно чиқмаяпти?»— деб бетоқат бўла бошлади. Яқинлашгандан сўнг ҳам анча кутишга тўғри келди, хаёлидан эса: «Бугун ҳам совчиларни ҳайдаб чиқазишибди, онаси оғзига келган сўзни қайтармабди. Совчи бўлиб борган танишларим ранжибди. Қизи ҳам онасидек бўлса, уйланмай қўяқол, дейишяпти. Раъно оёқ тираяптимикан ёки улар Раънога мени тенг кўришмаяптимикан?!» — деган гаплар ўтди.

Ҳаво салқин эди. Исломнинг эти жунжика бошлади. Бир ерда туриб қолгани учунми, оёғининг томири тортишиб, увишиб қолди. Чўнтагидан папирос олиб тутатди. Ҳатто машинада ўтирган болаларининг чулдираши ҳам шу тобда кўнглига сиғмасди. Кўзлари ҳамон чироқ ёниб турган деразада. «Онаси юбормаётганмикан? Узи аввалдан мен — уйланган йигит, оила кўрмаган қиз билан дўстлашмаслигим керак эди. Хотиним шўрлик кўз юммаса болалар билан қийналиб, шу кунларга қолмасмидим?!»

Болалар машинадан тушишга интилишарди. Уларга қараб, Ислом ёрдамлашгани қўл чўзди. Худди шу сонияда, ой ёруғида кимнингдир шоша-пиша югуриб келаётганини кўрди. Раъно! Кўзлари қувончдан порлаб кетди. Ҳаяжонланганини сездирмаслик учун қизнинг қаршисига пешвоз юрди. Раъно ниҳоят етиб келди. У тинмай ҳансирарди. Ислом қизнинг кўзигади «кетдик» деган маънони уқиб, машинага ўтирганича газ берди.

Машина кўчадан илдам узоқлашиб бораркан, Раъно чироқ милтираган дарпардасиз деразага сўнги бор кўз ташлади. Аммо у энди ўзини эшик олдида оғир қайғуга ботиб, хаёл суриб ўтирган отаси, қарғаб минг ўлиб-тирилаётган онаси эмас, балки орқа ўриндиқда — ёнида ўтирган норасида гўдаклар олдида алланечук масъул сезарди...

Гулюз

Саодатни Гулюз одатдагидек кучоқ очиб кутиб олди.

— Яхши келдинг, дугона,— деди сирли жилмайиб,— гаплар жуда қалашиб қолувди, эшитгандирсан...

Саодатга ғалати туюлди, «эшитгандирсан» деган сўз. Аммо гап кавлаштирмади. Бу жувон билан суҳбатлашиш қўрққулик...

У Гулюзнинг хонасини тарк этиб, йўлакка чиққанида, корхона бош инженери Меҳрибон опага дуч келиб қолди. Бирдан қадамлари сустлашди. Аммо опанинг кулумсираб келаётганини кўриб, анча хотиржам тортди.

— Яхши юрибсизми, қизим, эски жойингизни соғинмадингизми, уч-тўрт хабар юборганда зўрға келдингиз-а?!

Инженернинг бундай муомаласидан Саодатнинг кўнгли бир оз жойига тушди. Ун йил ишлаб кадрдон бўлиб қолган корхонани у тез-тез кўмсаб турар, айниқса, шу кунлар бир вақтлари қилган таклифларини амалга ошириш пайти келганини чуқур ҳис этиб, бу ерга кўнглида бир интилиш туярди.

— Йигит-қизларга таълим берганингиз етар. Биз сизни район партия комитети орқали ўз ишингиз, цех бошлиқлигига чақириб олмоқчимиз,— сўзида давом этди бош инженер. Сўнг, тагин Саодат Гулюзнинг майда гаплигини баҳона қилиб, эътироз билдирмасин, деган фикрга бордим, кўшиб қўйди.— Йўқ, Гулюздан хавотир олманг. Ундан ғийбат гап чиқди-ку, депутат чиқмади. Ҳаққи-ҳалоли, Сизнинг ўрнингизни эпловмади. У эртадан бошлаб ўзининг эски ишида қолади!

Саодат томоғига бир нарса тиқилиб, узун йўлак бўйлаб оҳиста қадам ташлаб борарди, беихтиёр нигоҳи «Ҳурмат тахтаси»да жилмайиб турган Гулюзнинг суратига тушди. «Аллақачон бу ерга чиқишга ҳам улгурибди... Тавба, ҳамма нарсага осон эришади-я...» У бундан уч-тўрт йил бурун Гулюз билан ишлаган кезларда бўлиб ўтган воқеаларни эслади.

... Қиш кунларининг бирида Гулюз шамоллаб касал бўлиб қолди. Бошланғич касаб

союз ташкилоти раиси сифатида Саодат одамларнинг бошини бириктириб, уни кўргани касалхонага боришди.

— Нима қилардиларинг овора бўлиб...—Гулюз чимрилиб, ҳамкасблари кўтариб келган пакетни чекага олиб қўйди. Чиндан ҳам ўшанда Саодатнинг унга раҳми келганди. Бошқалардан кейин қолиб, Гулюзнинг палатасини йиғиштирди, тартибга солган бўлди. «Бунга қийин, жиллақурса битта-яримта боласи бўлса ҳам майли эди. Эри шундай гулдай хотинни нимага ташлаб кетган экан-а?»— деб ўйлади.

— Наргизанинг тўйи қолиб кетдимми?—Гулюз ётган жойида содда-муғамбирлик билан сўради.

«Худди локаторнинг ўзи, буни дарров қаёқдан эшита қолди экан?» Кўз олдида Наргизанинг йиғлаб, кўзлари қизариб келганини эслади. «Яхшиям ҳали қизларга қўшилиб келганда, буни ўзидан сўрамади». Дарҳақиқат, Гулюзнинг шундай ёмон одати ҳам бор.

— Билмадим.

— Мен биламан, сабабиниям эшитдим,— деди Гулюз ётган жойида лабларини чўччайтириб.— Куёв тўранинг холаси «Наргиза билан бирга ишлайсизлар, қизим, хулқ атвори қанақа»— деб менинг олдимга сўраб келди. Касал ётган жойимда ҳароратим бандлигига ҳам қарамай роса гапни айлантди. Мен тўрчисини айтдим. Нима, бировдан тили қисик жойим борми?

— Ҳарҳолда ёмонламаган бўлсангиз керак?

— Хуш, сиз нима деб ўйлайсиз?

Бир оз сукутдан сўнг яна ичидагиларни тўкиб солди. Гўё Саодатлар келгунча ичидагиларни бўшатолмай қийналиб ўтирган, энди бу унинг жонига ора қираётган эди.

— Мен Толибжон билан ажрашганимда муштдек боши билан биринчи бўлиб у менга «Бекор қиялпсиз, ҳалиям бўлса кечирим сўранг», деб танбеҳ берганди. Ушанда шундай уришиб бердим, шундай уришиб бердим! «Илоё, дунёдан тоқ ўтгин» деб қарғадим. Мана, айтганим келди!— У ичидан дарёдек тошиб келаётган сохта қувончини яширолмасди.— Шу қизни келин қилсаларинг... бошларингга чиқиб олади, ҳеч кимга кун бермайди. Ишхонадагилар билан ҳам бир-бир уришиб чиқди, дедим. Ажаб қипманми?

Гулюз Саодат менга қойил қолади, деб ўйлаганди, йўқ, Саодатнинг ранги ўзгариб кетганини сўриб, дарҳол хатосини тузатишга киришди:

— Нимага унга ачинасиз, тунов кун эмасмиди, сизга гап қайтариб, юзингизни ерга қаратгани! Маслаҳат бераман деб балого қолдингиз...

Саодат лом-мим демай кетишга чоғланиб ўрнидан кўзгалди.

— Сумкангизни менга беринг. Болаларингизга ул-бул солиб берай, ахир. Барибир мана бу кўтариб келган қаттиқ пряникларингизни мен емайман. Болалар бирпасда кемириб ташлашади. Жўжабирдай жонсиз, ноз қилганингиз нимаси!..

Калтафаҳмлик ҳам шу даражада бўладими? Саодат палатадан отилиб ташқарига чиқди. Қизлар билан кетавермаганига, у минг пушаймон эди. Узини Наргизанинг ўрнига қўйиб кўраркан, аяқ ва уятдан, жирканиш ва нафратдан титраб кетди...

Наргиза ўзига ёмон кўз билан қараётганини у кечроқ пайқади. Унинг қўлидаги тўйга таклифномадан Гулюзга ҳам берилган эди.

— Мен икки ёшнинг беҳад бахтиёр бўлишини истайман,— деди Гулюз келин-куёвга истак билдираётди.— Келинлар, шу қадаҳни уларнинг соғлиғи учун кўтарсак!

Саодат кўзларига сира ишонмасди. Наҳотки бу сўзларни бундан бир ой бурун Наргизанинг устига мағзава тўккан шу Гулюз айтаётган бўлса! Меъёрдан ортиқ ичиб олиб, бир зум ўтмай у одамларнинг диққатини тортиб, йиғлашга тушди.

— Мен бахтсизман, мenden бошқа ҳаммаларинг бахтиёр...— Гулюз алам билан ёқасидаги тилла тўғноғичу бўйнидаги тилла занжирни юлқиб оёқлари остига отди, хашакка ўхшаб аёвсиз тепкилади.— Буларнинг менга нима кераги бор, нима кераги бор, ҳаммаси бир кун... садақа...— ҳиқичоқ тутиб гапиролмай қолди. Саодат уни қўлтиғидан ушлаб, ўзига келсин, деб айвонга олиб чиқаётган эди, тирсаги билан омонат турган «Шампанское»ни туртиб, ағдариб юборди.—Мени бахтсиз қилган сен,— деди у бирдан Саодатга қўлларини бигиз қилиб.—Сен... сен ҳар йили кўша-қўша ўғил туғиб, бошқалар...

Саодат бировнинг тўйини бузиш одобданмас, деб индамади. У тўйдан уйига дили ғаш, мулзам бўлиб қайтди. Гуноҳи нима, нега Гулюз уни одамлар олдида ҳақорат қилди? Нега Наргиза аввалдан тўйга уни астойдил эмас, шунчаки кўнгил учун айтди. Бу ҳам Гулюзнинг ҳунаримикин ёки?!

Эртаси Меҳрибон опа Саодатни кабинетига чақириб, қўлига қалам-қоғоз тутқазиб:

— Ариза ёзинг, меҳнат отпускасига чиқасиз, ўрнингизда Гулюз ишлаб туради,— деди буйруқ оҳангида.

Дабдурустдан айтилган бу сўздан Саодатнинг бошидан биров қишда бир челақ сув ағдариб юборгандек бўлди.

— Ҳали менинг навбатим...

Бош инженер унинг сўзини чўрт кесди:

— Мен айтдимми — тамом-вассалом! Бизнинг вазифамизга фақат яхши маҳсулот ишлаб чиқариш эмас, балки муносиб ишчи ўринбосари тайёрлаш ҳам қиради...

Корхонада нималар бўляпти ўзи?! Ахир, қуни кечагина эмасмиди, ўша бош инже-

нернинг ўзи: «Қизларингизга эҳтиёт бўлинг, юқоридан комиссия келяпти, маҳсулотлар сифатига қаранг, жуда пасайиб кетди, айниқса Гулюз... Унинг дангасалиги, сифатсиз иши бошқаларга ҳам таъсир қияпти»,— деб танбеҳ берганлари! Бугун эса... Гулюз унинг кабинетидан оғзи қулоғида, ипакдек эшилиб чиқди. Саодатни кўриб, остонада бир зум талмовсираб турди-да, дарров ўзини қўлга олиб, тавозе билан ҳол-аҳвол сўрашга киришди.

— Мени кечиринг, Саодат, кеча ўзим билмай сизни ранжитибман. Майли, нима деб уришсангиз уришинг, фақат мени кечиринг,— унинг узун киприкларига томчи илашди.— Ҳаммаси алам устида. Устоз ва шогирдлик, қалин дугоналигимиз ҳаққи-ҳурмати, келинг, ўтган гапларни унутайлик, аввалгидан ҳам қалин дўст бўлайлик!..

Саодатнинг кеча қайтаётиб қандай тез жаҳли чиққан бўлса, шунча тез шаштидан тушди. Чиндан ҳам Гулюзга қийин. Бир ўзини ғордек ҳовли телба қилиб юборади! Мен ўз оилам, кичкина бўлса ҳам рўзғор ташвишларим бор!..

Аммо Гулюз шу сониядаёқ ўзгарди.

— Отпускадан қачон қайтасиз?

Саодат бу саволни кутмаганди. Оғзи очилиб, анграйиб қолди.

— Сизни бош инженер бирваракайига икки йиллик меҳнат отпускасини оляпти деяртудилар...

«Бу қизнинг мақсади нима ўзи?! Агар менинг ўрнимда ишлашга жуда иштиёқманд бўлса, майли, ишлай қолсин!»

Саодат дам олишдан қайтгач, ўз шогирди — Гулюз туфайли кадрдон ишхонасидан ҳамирдан қил суғургандек қандай силлиқ кетганини-ю, ҳамкасблари, сеvimли иш дастгоҳи билан қандай хайрлашганини ўзи ҳам сезмай қолди...

— Майли, мен бошқа иш топишга уриниб кўраман.

— Биз сизга муносиб иш топиб қўйганмиз, техника билим юртида ёшларга таълим берасиз. Фақат гап-сўзларга камроқ аралашинг.

Ади-бади айтиб ўтиришга Саодат ҳамкасблари олдида истиҳола қилди. Бўйни ҳам ёр бермади.

— Гулюз ўрнингизда энди бир йилча ишлаб туради. Билмаганини биз ўргатамиз, ёрдам берамиз. Ҳожибойни ёнида ёрдамчи қилиб қўйганман,— инженернинг иш силлиқ битганига кайфи чоғ эди.— Биласизми, нима учун сизни шу ишга ўтказяпмиз,— овозини пастлатиб деди у.— Биз корхонамиздан область Советига битта депутат тайёрлашимиз керак экан. Тўқувчи ва мастерлар орасида Гулюздан бошқа муносиби, уқувлиси йўқ!

Шундан сўнг Саодат янги ишга шўнғиб кетди. Бош қашишга қўл тегмас, бироқ район ва республика газеталарини сонма-сон ўқиб борар эди. Аммо депутатлар номзодлари орасида негадир Гулюзнинг исм-фамилияси кўринмасди...

Ниҳоят, у бугун яна корхонага келди.

— Эшитгандирсан... Директоримиз ўрнига янги директор сайлашар эмиш...

Тарки одат — амри маҳол, дегандек Гулюз уни шу сўзлар билан қаршилади...



ТУРОБ ТЎЛА 70 ЕШДА



КАМАРБАСТАЛИК

Ҳамид Олимжон тавсияси билан СССР Ёзувчилар союзи аъзолигига қабул қилинган, Ойбек, Уйғун, Шайхзода, Миртемир каби устозлари ишончини қозонган, бугун ҳам сафарбар асарлари билан давримиз дастёри бўлиб турган Туроб Тўла ижодхонасида академик шоир Ғафур Ғулом тақдим этган шундай дастхат бор: «Туроб! Бу катта йўлда фақат шошма, аммо имиллама ҳам...»

Туроб аканинг меҳнатига ҳам ҳавас, ҳам ҳайрат билан қараб, ўйлайман: «Барчасига қандоқ улгурар экан...» Гоҳ ёзувчилар союзи йиғинларида маъруза қилган, гоҳ янги қўшиқ тексти устида бастакор билан ишлаётган, гоҳ янги бирор саҳна асари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашаётган ёки ёш ёзувчилар билан ишлаш республика семинаримизга келган кўлёмалардан бирини кўздан кечираётган ё бўлмаса ўлка областларига шошилаётганини кўрасиз... Буларга қарамасдан Туроб ака эртанги кунини бирор янги шеър, бирор публицистик очерк, ё янги бир қўшиқ, ё бирор пьесанинг янги бир кўринишини ёзиб тугатиш билан кутиб олиши аниқ. Бадиий сўзнинг, ҳар бир бадиий асарнинг ана шундоқ муқаддас поғонасида бўй бериши учун ижодкорлардан ўтмиш ва бугунги, давр руҳини, эртанги кун нафасини ўта ҳозиржавобликда, бадиий умумлашган образлиликда тасвирлаш талаб қилиниши ҳам равшан. Бироқ бу йўлда салмоқли иш қилган, қилаётган ижодкорларнинг асарларида уларнинг ҳар қайсисини ўзигагина хос у ёки бу фазилат йирик планда кўзга ташланади. Бирида ўтмиш билан бугунни муқоясалаш, бирида капиталистик дунё кирдикорларини фош

этиш билан турмуш тарзимиз фазилатларини кўрсатиш, бирида соф гражданилик ва публицистик руҳ билан айтмоқчи бўлганларини ифодалаш...

Инсон образи Туроб Тўла шеърларида асосий лирик қаҳрамон. Инсон бўлганда ҳам «Фазо ишларини тафтиш» қилаётган, «бобоси кўрмаган қитъаларни кўрган», «чаман дўппимиздай чаман боғлар» яратаётган «Аҳсан абадулабад мақтовга» лойиқ, «лаҳзалар умрини боқийликка айлантираётган», «қаловини топиб — тошни ҳам ёндирадиган», дунёнинг дарду аламини ҳам, ўтмиш маломатларини ҳам, атомпараст калтабинлар хаёлини пучга чиқараётган, эрта ва индинларнинг камолини тасаввур қила олган, айна пайтда қувончдан «ватан илгига бош қўйиб йиғлашни ярашиқ» деб билган, кези келганда «иффатли ёр қошида бошини ҳам» эга билган Инсон!

Шоир мавзунини ёрқин очишга хизмат қиладиган мос сўзларни топа билади ва мазкур сўзларга қайта-қайта мурожаат қилади. Ватан ҳақида эса нимаики ёзмасин, «тароват», «саодат», «саховат», «матонат», «латофат», «ҳаловат», «адолат» сўзларини танлайди ва уларни ҳар гал ўз ўрнида, ҳар гал ўзгача ранг, ўзгача оҳанг, ўзгача тиниқликда келишига эътибор беради. Шундай қилиб унинг асарларида Ватан — адолатли, фароғатли, ҳаловатли, саховатли, тароватли, матонатли, латофатли, саодатли она юрт тимсолида гавдаланади...

Ватанга бўлган муҳаббат шоирнинг жон-танига сингиб кетган. Ватансиз у ўзлигини, шеър ушватини, инсонлигини асло тасаввур қилолмайди. Шу боисдан унинг қўшиқ бўлиб кетган машҳур «Ортиқсан» ғазали шундай тугайди:

Менинг назаримда олам бўлмагай сенсиз бу оламда,
Ватансан, соҳиби кўнглимдаги дунёдан ортиқсан!

Туроб Тўла Ватан ва Инсонни, Диёр ва Ерни, Тубанлик ва Эгуликни куйлашда кўпинча ўзи кашф этган яна битта халқона образга мурожаат этади. Бу — Момо образи: сьездга борган Момо, Момо — Ер, Момо тупроқ, Момо деҳқон...

Шоирнинг талай шеърларида, «Момо ер» туркумидаги қўшиқларида, «Момо ер» драмаси ҳамда «Суюк момо» достониде Момо образи ана шундай бир умумлашма уйғунликда меҳр билан тасвирланадики, натижада у алп аждодлар тимсолида, замин тимсолида, замон аёли тимсолида намоён бўлади. Туроб Тўла ўзининг бу образига, айниқса, фольклор йўлида яратган «Суюк Момо» номли йирик эпосида алоҳида меҳр ва маҳорат билан сайқал берган.

Туроб Тўла лирикасини ўқиганимизда қаламқош Турбат келинларидай бош юваётган кўкламга, Шайхзодани сел қилган Тошкентга гулдан гилам тўқиб ётган Амуга, чўлларда бош кўтарган гиёҳларга, қиш сафарини қаритиб далаларни супураётган баҳорга, Мирзачўлнинг оч бағрига югурган Сирга, деҳқон кетмониға кўмаклашаётган суву қуёшга, лаҳзаларни тебратган гидрокларга, қушдай қўниб кетолмай қоладиган жаннатқучоқ масканларга, янграб келиб-кетган умрларга, йўлингизга кўз тиккан чўчмўмаларга, сувда патир қулча бўлиб оқаётган ёхуд ўтлоққа улоқиб тушган ойга, из тушмаган чўл ўртасида бирдан қуёшда ялтираб қолган «эмка»га, наврўз келтириб бодом шохига қўнган қалдирғочга, пахтазорларда тиниб оқаётган, ариқларда терлаб-пишиб ҳарсиллаган офтобга, тоғларда тўғилиб, денгизу дарёларда улғайган тўлқинларга, этаклари ерга судралган арчаларга, шоир қаламига қошини бўяётган сатрларга, тагдўзи дўппили бодом гулларининг дув тўкилишига, бир қиё ташлаб қуйлатиб қўйгувчи санамларга, кўзидан ўзга айби бўлмаган оҳуларга... ошно бўласиз! Беихтиёр шоирнинг лирик қаҳрамонига, шоирнинг «мен»ига айланиб қолганингизни сезмайсиз... Киши ўзича нималарнидир сўзлайдиган, қандайдир қўшиқ байтларини хиргойи қиладиган, олам-жаҳон орзуларни хаёлида бир пасда рўёбга чиқариб қўядигандек бўлиб қолади. Ошиқлар хиргойисидеги қўшиқлар орасида албатта Туроб Тўла қўшиқларидан ҳам битта-иккитаси бўлади.

Ҳақиқий санъаткорнинг ижод дарди билан ёнмаган куни ҳам, тўни ҳам бўлмайди. Унинг назарида кўнлар оқар сувдан тез ўтаётгандек, тўнлар эса қуш уйқусидеги қисқа тўюлаверади.

Нозим Ҳикмат шеърларидан бирида: «Мен одамлар учун яшайман! Қудратим — шундадир. Фаҳрим шундадир. Дўстларим — иқболим, бахтим шундадир», — дейди.

Шундай Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Туроб Тўла ҳам одамлар бахти деб, халқнинг кечаги кўни, бугуни, келажаги, деб яшай билган фидойилардан биридир.

Туроб Тўла қутлуғ етмиш ёшдан ошди. У бир шеърда элига қарата: «Остонамда ҳассакашингман, тилимда муборак ва ялли-ялли!» деб куйлабди. Шоир адресига айтиб келинаётган гаплар, жамоатчилик ва танқидчилик фикри, замондошлари ва шогирдлари эътирофи... буларнинг барчаси, эл юмушида шай турганликнинг, эл остонасида ҳаммиша «ҳассакаш» бўла билишининг, халқнинг дилу тилида баравар куйлаб кела билишининг эвазига берилган холис мукофотдир. Ижодкорга эса бундан ортиқ мукофот бўлмас!

Ана шундай эл мукофотиға лойиқ ижодкорлар ҳеч қачон ўз ишидан қаноатланмайди. Ҳамиша ўзини эли олдида қарздор деб билади... Нафсиламбрини айтганда Туроб Тўла шеърларининг бирида ҳам шундай банд бор:

Менинг ҳам бошимдан саватимни ол,
Тугун билан келдим таомилга соз,
Сенинг мадҳинг тўла унда, азиз элим,
Тўлдириб берурман агар бўлса оз...

ОТАЕР



Туроб Тўла

ҚАБУЛ КУНИ

Драматик қисса

БИРИНЧИ ҚИСМ

ҚАБРИСТОН

Ярим тун. Қабристон қоровулхонаси. Ойдин. Якандоз тўшоғлиқ супа. Жимликни чирилдоқларнинг овози бузади. Қоровулхона орқасида Абақул пайдо бўлади. Ерга тарс-турс тўшаётган кетмон овози эшитилади. Яна сукунат... Мазоҳид Мамажонович билан Қоригўрков пайдо бўлади, чопонларини қоқиб супага чиқишади.

Мазоҳид Мамажонович. Жойни яхши топибсан. Кўздан йироқ.

Қоригўрков. Намдан ҳам... Юз йилда ҳам чиримайди. Аммо денг, сандиқни ҳам қаттиқ чинор тахтасидан ясадим. Тўлдию турди...

Мазоҳид Мамажонович. Баракалла! Эски қадрдонимсан. Яхши сақла.

Қоригўрков. Хотирингиз жам бўлсин.

Мазоҳид Мамажонович. Мана, бу сенга... (Унга тугун узатади.)

Қоригўрков. Қуллуқ.

Мазоҳид Мамажонович. Мана бунисига (яна бир тугун узатади) мақбара тиклайсан.

Қоригўрков. Болангизнинг келадиган вақти бўлди. Гувоҳ бўлмай қўяқолай.

Мазоҳид Мамажонович. Маъқул. Лекин, йироқ кетма (Қоригўрков чиқади.) Нега чақирдийкин? Терим бўлса охирламоқда, плани ёмон эмас. Менинг ишларим... Қабул куни тагин... Ёмон келди бу хотин... Абақул... Абақул — фикр!..

Абақул бир чеккада турганча қолган.

АБАҚУЛ ВА ҲАНУЗГУЛ

Абақулнинг ҳовлиси. Тун.

Ҳанузгул. Келдингми, болам? Алламаҳалгача қолиб кетасанми деб хавотирдайдим.

Абақул. Нима, тагин келдими?

Ҳанузгул. Намунча қўрқмасанг! Сени еб қўярмиди?

Абақул. Чарчатди бу одам. Бир ёқларга қочиб кетай десам, сизни кўзим қиймайди. Билмайсиз, у одам одаммас, вампир! Қон сўрадиган ваҳший қуш. Тунда учади. Ўлжасини топади-ю, баданига ёпишиб олади, тўйгунича қонини сўради... Буниси... буниси ундан ҳам баттар, кундузи ҳам қон ичади...

Ҳанузгул. Э, қўй-э... Бирон нарса ёздирмоқчидир-да?

Абақул. Ҳа. Бошқа нимага ҳам чақиради, дейсиз.

Ҳанузгул. Нима ҳам қилаолардинг, болам. Узинг кўнгансан-ку!

Абақул. Иложим қанча. Номаялум отанинг боласи!.. Девона дейишади. Тўй-маъракаларда ҳам, чойхона, дала шийпонларида ҳам шунча бола туриб, менга иш буюришади: «Обло, анавини олиб кел; Обло, мана бунни олиб бор; Обло, қўлига сув қуйиб юбор...» Яна девона деб ҳақорат қилишади. Девонанинг қўшиғи, девонанинг музыкаси билан ўғли дунё кезиб юрипти. Ўзи эса, сўзи билан нотиқ! Кимсан — Мазоҳид Мамажонович! Бир вақтлар Мазоҳид читтак деб ном чиқарган қиморвоз бугун ҳаммадан устун, тўпнинг тўрида... Лойдан ясаб, офтобда қурилган валломат, катта корхонанинг хўжайини! Палончининг маҳалласидан, у билан бирга ўқиган...

Ҳанузгул. Қўй, бунақа гапларни гапирма. Ахир, ўзинг айтгандай, кимсан — палончининг қариндоши-я! Нима қилсаям отангнинг ўртоғи. Сен унинг олдида қарздорсан.

Абақул. Қарздор... Ҳа, қарздорман!.. Бир нарса дейин-чи, нима қилишаркин, «девона» деб юрганлар «жинни»га чиқаришади. Ҳаммасини биламан, ойи, ҳаммасини! Ҳай-

қирай десам овозим чиқмайди, ёзай десам — қаламим ўтмайди. Сизни ўйлайман...
Ҳам онам, ҳам отамсиз... Бугун мени у қашқирнинг олдига юборманг?!
Ҳанузгул. Иши зарурга ўхшайди. Бир неча марта қайтарди: «албатта келсин» деб.

Абақул. Пайтаваларига қурт тушган.

Ҳанузгул. Нима, ёмон ишларга аралашганми аканг?

Абақул. Билмайман-у, лекин ҳалол одаммас. Ҳаром-ҳаришни фарқ қилмайди. Кўлим калта бўлмаганида қайишиб ўтирмасидим. Тавба, қандай қилиб бунинг қўлига тушдим-а?! Ёзмаганимга қўймайди. Мен мардикор-у, ўғли... Ҳамма нарсамни ўғли номидан чиқартиради: кўшиғимниям, музикамниям. Эртага сувраткашликка ҳам ўтади... Яна ўғли уялмасдан келган хатларни кўрсатади.

Ҳанузгул. Бир кунмас-бир кун юзага чиқиб қоларсан.

Абақул. Энди юзага чиқиш йўқ. Ҳеч ким ишонмайди, қулади. Қандай қилиб, буларнинг ҳаммасини мен ёзганман, деб исбот қилаолман? Нима билан?

Ҳанузгул. Ақлинг билан, идрокинг билан! Ахир, ҳақиқат...

Абақул. Ҳақиқат!.. Ҳақиқатимнинг калити отамда кетган. Мени шундай маломатларга қўйган отамнинг ўзи қайда?

Ҳанузгул. Сен бола, бу дафтарни очма... Вақти келади...

Абақул. Вақти келадимиш? Қачон? Қирқ йилдан бери айтасиз...

Ҳанузгул. Вақти келади... Қидириб келиб ўтирмасин, бор энди.

Абақул. Қаерга, деди?

Ҳанузгул. Уша ерга... «Уша ери» ўлгур қаер?

Абақул. Гўристон!

Ҳанузгул. Вой...

Абақул. Қўрқманг... У ерда оғайниси бор. Қоригўрков. Яхши чой дамлайди. Кўздан йироқ, тинч, эшитадиганлар тупроқда. Мен эсам, сирли маслаҳатгўй — «тайний советник»... Тавба!.. Майли, борсам-борай. (Она ух тортиб остонага ўтиради. Абақул бориб онасининг бошини силайди.) Дард яхши нарса, онажон, дардсизлик ёмон. Дардинг бўлса, озгина эзиласан, хаёл қиласан. Хаёл кишининг аламини юмшатади, йўлини ёритади... Тўғри, айбинг йўқ-у, айбдорсан. Шунга ҳам шукр қилиш керак. Айбдор деганларнинг ўзлари айбдор эканликларини ҳис қилиб, ич-ичларидан зил кетадилар. Улар барибир қўрқадилар. Бу эса, менинг ғалабам! Шуларни ўйласам, кўнглим юмшайди, тинч ухлайман. Ҳа, ҳа, хаёл суриг, ойижон, хаёлларингизга суянинг!.. Хаёл мушкулларни осон қилади. Дарвоқе, буни сиз яхши биласиз, ахир қирқ йилдан бери хаёл сурасиз! Дунёда умид деган нарса бор. Мен ана шу умид билан яшайман... шеър ёзаётганимда ҳам, музика басталаётганимда ҳам, суврат чизаётганимда ҳам...

Ҳанузгул. Болажоним!.. Кўп ўйлама, ўйласанг хаёлингга ёмонлар келаверади, эзиласан. Кейин, ёмонни ёмон дема, уларнинг қўлларида ёмон одамлардан тошлари бўлади!..

ҚАБРИСТОН

Мазоҳид Мамажонович. (У ўзига тикилиб турган Абақулни кўриб). Қаёқларда юрибсан? Тонг отай деб қолди-я, шунақаям саёқ бўладими, киши!..

Абақул. Зарур ишмиди, дада?

Мазоҳид Мамажонович. Зарур бўлмаса, бу ерда нима қиламан, болам. Утир. Ҳа, балли. Ниҳоятда ташвишли масала билан сени овора қилдим. Билмадим, сенсиз нима қилардим...

Абақул. Ҳайтовур кайфиятингиз яхши эмас.

Мазоҳид Мамажонович. Яхшимас. Ҳаво ўзгарапти. Ўзимга ўзим сиғмаётирман. Сен дадангни яхши биласан...

Абақул. Биламан, дада, биламан.

Мазоҳид Мамажонович. Бўлмасам айт, нега бунақаман? Қўнимим йўқ: на идорада, на уйда. На кечаси тинчийман, на кундузи. Одамлар ғалати қараётгандай, гўё мен еб, улар қуруқ қолаётгандай.

Абақул. Файир одам кўп. Улар мана шунақа вақтда инларидан чиқишади, илондай пўст ташлашади.

Мазоҳид Мамажонович. Қанақа вақтда?

Абақул. Янги одам келди, деяпсиз-ку! Бекорга келмайди-да!..

Мазоҳид Мамажонович. Писмиқсан-а?! Шунинг учун ҳам пистамни сенинг олдинда чақаман-да, пучини пучга, тўқини тўққа ажратиб ташлайсан... Кеча актив бўлди. Шунақа гаплар бўлдики, нақ мени ҳам қўшиб юборишларига оз қолди. Мен ахир, ҳаммасини биламан-ку, ҳаммаси менинг кўз ўнгимда ўтаётган гаплар-а! Вей, жамоат, кўзингга қара, онангни мулкимас, бир кунмас-бир кун жавобини берасан, дейишим мумкин эди. Гўё улар учун жавобини тоғалари берадигандай. Тоғалари индида ётипти!.. Опа, Абақул, ёмон келди. Биласанми, нима қилди, минбарга чиққанларни миҳдай-миҳдай саволлар билан минбарга қоқиб ташлайверди. Қани жавоб? Йўқ!.. Нимани гапироди? Еб қўйдим дейдим, ё бировга тўнкайдими? Мана шунақа!.. Энди эртага (соатига қарайди) йўқ, бугун, бугун қабул кун. Дадангни чақирган.

Абақул. Нега чақиради? Қабулга сўраб бориларди-ку!

Мазоҳид Мамажонович. Активдан чиқиб келаётсам ёрдамчиси айтиб қолди. Биласанми нима бўлди?

Абақул. Юрагингиз оёғингизга тушиб кетди...

Мазоҳид Мамажонович. Биласан-а, шайтон, биласан! Ҳа, оёғимга тушиб кетди. Ушандан бери...

Абақул. Оёғингизда юрипти...

Мазоҳид Мамажонович. Ҳа-да! Уйлаб ўйимга етолмаяпман. Сен бўлсанг мазах қиласан, дадангни. Нимага чақирса экан?

Абақул. Сўраганмидингиз?

Мазоҳид Мамажонович. Жонимда қасдим борми? Тагин шундай қалтис кунда...

Абақул. Ишингиз... ёмон эмас. Ё йиғинда бирон одам минбардан ёмон гап қилдими?

Мазоҳид Мамажонович. Нега дейди?

Абақул. Шуни айтаман-да! Деб кўрсин-чи!

Мазоҳид Мамажонович. Лекин, ҳаммаси бир-бирига ўғри қараш қилиб ўтирди.

Абақул. Сизгаямми?

Мазоҳид Мамажонович. Менга нега қарайди?

Абақул. Шуни айтаман-да!.. Анали, пешво саналадиганлар рўйхатида бормидингиз?

Ё бу сафар...

Мазоҳид Мамажонович. Бу сафар, у рўйхатга эътибор қилишмади.

Абақул. Бўлмасам борманг!

Мазоҳид Мамажонович. Борманг?! Қандай қилиб бормайман? Аммо, нима деб бораман? Нега чақиряпти, қайси айбимга? Билишим керак!

Абақул. Тайёр бўлиб бориш керак, демоқчисиз. Янги одам — синалмаган от...

Мазоҳид Мамажонович. Ҳа-да!

Абақул. Биламанки, ҳеч айбингиз йўқ, гуноҳингиз йўқ. Биламанки, бўлса ҳам, Опага рўбарў бўладиган даражадамасдир...

Мазоҳид Мамажонович. Бегуноҳ парвардигорку-я...

Абақул. Анов кишингиз бирон нарса деб қўймасмикинлар?

Мазоҳид Мамажонович. У кишими? Бир томони, бир жойданмизку-я!.. Қолаверса, ўзлари олиб келиб қўйганлар...

Абақул. Шуни айтаман. Сўйилнинг ҳам икки учи бор. Ахир, этигининг тагчармида ҳам ҳаққим бор, дегучийдингиз.

Мазоҳид Мамажонович. Ҳозир унга тегиб бўлмайди. Активдан чиқиб, йўлда йўлай десам йўлатмади. Телефон қоққан эдим, секретари уламади.

Абақул. Унга ҳам қийин бўлиб қопти бўлмасам... Нима, сиз экасизми пахтани? Ҳар ким экканини олади. Сизга нима?

Мазоҳид Мамажонович. Йиғинда бўлганинда, бу гапларни айтмасидинг.

Абақул. Сиздек тажрибакор деҳқон ҳеч нарсадан қўрқмаслиги керак, дада. Сизга тенг келадигани йўқ!..

Мазоҳид Мамажонович. Бор!.. Битта зўравони бор... Кибру ҳавосига еру кўк сасийди. Абдусамад! Уша бир нарса деган. Кеча орамизда гап қочувди...

МАЗОҲИД МАМАЖОНОВ БИЛАН АБДУСАМАД АБДУАЗИМОВ

Мазоҳид Мамажоновнинг кабинетини. Абдусамад Абдуазимов эшикларни тарақлатиб очиб кириб келади. Бошлиқнинг буйруғини ёзаётган котиба қўрқиб бурчакка ўтади. Мазоҳид Мамажоновнинг қўлида бир даста қалам, котибасига қарайди.

Мазоҳид Мамажонович. Қўрқма, одам-ку! Бор, чиқиб тур, кейин давом эттирамиз... Хўш, хўжайин, келинг. Ит қувдимми, тилингиз осилиб кетипти?

Абдусамад ака. Топдингиз. Ит қувди. Сизнинг итингиз!

Мазоҳид Мамажонович. Айтинг, қайси бири экан? Калласини олиб ташлай, шундай оғайнимни қувган итни!

Абдусамад ака. Биродар, Опага бугунга ваъда қилганман. Мени биласиз, ҳеч қачон ваъдамдан қайтмаганман!

Мазоҳид Мамажонович. Биламан. Кимсан — Абдусамад акаси! Катталарга ҳам, кичикларга ҳам. Сизнинг пахтагизчалик пахта борми?! Сиздан олдин юрадиган колхознинг оёғи синади. Аммо-лекин, фақат ўзингизни ўйлайсиз, умум билан ишингиз йўқ.

Абдусамад ака. Умум... Ушалар ҳам менга ўхшаб ишласин! Камроқ ухласин, камроқ маишат қилсин. Менинг бунақа умум билан ишим йўқ.

Мазоҳид Мамажонович. Гапингизнинг мана шу чеккаси синиқ. Бир кемадамиз-ку, ҳаммамиз. Нега ишингиз бўлмас экан? Сиз билан баробар келатганлар бор, ўзаман деб турганлар бор! Аммо сиздан орқада қолаётганлар кўпроқ. Одатда яхши аравакаш бўлинг-да, ака! Бу ёқда баҳор чакки қолганларни йўлда қолдирмайди. Яхши аравакаш бўлинг-да, ака! Бу ёқда баҳор чакки келди, йигирма-ўттиз кунга орқага суриб ташлади. Биров етказиб олди, биров йўқ. Орқада қолганларга ёрдам керак. Тўғри айтасиз, улар ҳам сизга ўхшаб камроқ ухлаганларида ўлиб қолмасдилар. Лекин, ҳозир манави масала муҳим.

Абдусамад ака. Сиз ғалати одамсиз, Мазоҳид. Бўлак ишларга аралашиб юрасиз. «Йўқ»ни «керак» топади дейдилар. Уша керак топиб олаверсин йўғини!

Мазоҳид Мамажонович. Ҳа, мен ғалатиман. Аммо ғалати бўлмаганларга ачинаман. Улар бировнинг ғамини емайдилар. Нимага келганингиздан хабарим бор. Ёрдам беролмайман. Қандай қилиб ҳўл пахтаңизни қуруқ, ифлос пахтаңизни тоза деяоламан. Тағин шундай кунда... Ҳушингиз ўзингиздами?

Абдусамад ака. Дарров ранжидингизми, ўтоғаси?! Мен ахир, топ-тоза, юз пойиз қуруқ пахта юборганман. Шунча пахтани қайтариб юборадими, ахир?

Мазоҳид Мамажонович. Сиз билан бизнинг давримиз эмас, Абдусамад Абдуазимович! Ҳаммаёқ машиналашиб кетган, лаборант нима деса — шу. Мудир телефон қоқди, иккинчи сортга олсам майлими, деб.

Абдусамад ака. Вей, нега иккинчи сортга оларкан! Аъло нав пахтани-я?! Кафтимда суғориб, белимда кўтарганман-а! Айтинг, сизнинг сўзингизга киради, лоақал биринчига олсин!

Мазоҳид Мамажонович. Менга қаранг, раис, давлат сиз билан менга ишонадими, машинасигами? Энг аввал ўша лабораториясига қоқиб қўйган «қозиги»га ишонади. Чунки, у машина, одам эмас, ҳадеганда айниб турадиган. Мен ҳам ўша машинага ишонаман. Нимага жанжал қиласиз? Гап катталарга етиб борсинми?

Абдусамад ака. Менга қаранг, ўртоқ... Бир марта ёрдам қилинг, ҳеч эсимдан чиқармайман.

Мазоҳид Мамажонович. Нима, ҳеч ёрдам қилмаганманми? Қўйинг-э! Ғўзаларингиз сувсизликдан гулларини тўкиб юбораётганида сақлаб қолган ким? Ўтган йили муҳокама вақтида ҳимоя қилиб чиққан ким? Анав йили, пахта қабул пунктида эканимда, ҳали манави машинаси йўғида, қанчадан-қанча ифлос, ҳўл пахталарингизни, қор тагида қолган кўрақларингизни юқори сортга қабул қилган ким эди?.. Тағин...

Абдусамад ака. Йўқ, дўстим, ёрдам бермадингиз демадим... Яна бир марта «ҳа» деворинг. Тавба, шунча пахтани етказиб қўйиб, ўтказолмасдан ўтирсанг-а!.. Бу қандай маломат бўлди?.. Уша ерда ўғлингиз лаборант, бир марта телефон қоқинг, йўқ демас...

Мазоҳид Мамажонович. Мени ўғлимга рўпара қилманг. У ўз ишига ўзи жавобгар... Сиз, Абдусамад Абдуазимович, намунча ёпишиб олмасангиз. Ахир планингизнимас, мажбуриятингизни бераясиз-ку?! Яна нима керак?

Абдусамад ака. Менга байроқ керак! Шу пахта биринчи сортга қабул қилинмаса байроқ эртага қўлдан кетади...

Мазоҳид Мамажонович. Э, бундай демайсизми?! Гап байроқда денг? Майли, ҳўл бўлса — қуруқ, ифлос бўлса — тоза, толасининг сифати ёмон бўлса — яхши деб қабул қилади. Тағин бир ёрдамим бўлсин. Лекин, бир шартим бор!

Абдусамад ака. Тағин шарт... Ҳеч шартсиз юрмадингиз-юрмадингиз-да, Мазоҳид! Нима шартингиз бор экан?

Мазоҳид Мамажонович. Майлими? Оғир шарт-да.

Абдусамад ака. Айтдим-ку, майли, деб.

Мазоҳид Мамажонович. Майли бўлса, бундай: теварагингизда тўртта колхоз бор. Ҳаммаси ҳам ногирон, плани хавф остида. Кечаги активда ҳам кўрдингиз аҳволларини. Қараб тураверамизми?

Абдусамад ака. Тушунмадим?..

Мазоҳид Мамажонович. Тушунмадингиз?.. Узингизни гўлликка солманг. Ҳисобимча бу йил 135 пойизга олиб борасиз.

Абдусамад ака. Тушунмадим...

Мазоҳид Мамажонович. Демокчиманки, илтимосингизни қилайлик: сизга ҳам, анавиларга ҳам ёрдам бўлсин. Яъни, сиз планингизни 135 га олиб борманг, 105 пойизда тўхтатинг. 30 пойизингизни тўрт хўжаликка бўлиб берайлик. Текингамас, албатта.

Абдусамад ака. Ҳа, ҳалиги аравакашлик, денг? Йўлдан олиб ўтинг, денг? Улар олиб ўтадиган деҳқонлар эмас-да! Улар етиб оладиганлардан ҳаммас! Қўшиб ёзаверишмай-дими, ҳар сафаргидай... Ҳали ҳам қарзга ботиб ётишибди-ку, Мазоҳид Мамажонович, нима қиласиз уларга қайишиб! Билмадим, катталар нима ўйлашади!?

Мазоҳид Мамажонович. Гап шундаки, дўстим, раҳбарни биз танламаймиз, раҳбар бизни танлайди. Керак бўлса — қўяди, керак бўлмаса — олиб ташлайди!.. Майли, бу масалани қўйиб турайлик. Сизнинг илтимосингизга келсак, ҳалиги менинг шартимга рози бўлсангиз, мен розиман!..

Абдусамад ака. Бу нима, мени жиноятга бошламоқчимсиз?

Мазоҳид Мамажонович. Қанақа жиноят? Ҳали айтганингиздай, қўшиб ёзишинми бўлмасам? Рози бўлмасангиз қўшиб ёзишади. Ана у жиноят бўлади. Уларни жиноятга сиз бошлаган бўласиз. Биз давлат пахтасини ўғирлаётганимиз йўқ. Бир хирмондан олиб, иккинчи хирмонга тўкаётимиз, холос. План 105, ошиғи билан. Тамом! Кейин, ерингизни ҳисоблаганларида ҳам тўғри чиқади.

Абдусамад ака. Бу яна нима деганингиз?

Мазоҳид Мамажонович. Анави қанотдаги, гўристон томондаги ерингизни айтаяпман. Уни фақат мен биламан...

Абдусамад ака. Ҳали мен сизнинг олдингизга келиб ўтирипманми?..
Мазоҳид Мамажонович. Майли бўлмасам, сиз келмадингиз, мен бу гапларни айтмадим. Хайр, оқсақол!

ҚАБРИСТОН

Абақул. Шундай кетавердимиз?
Мазоҳид Мамажонович. Эртасига саҳар мардонда эшигимни қоқиб келди. Рози бўлиб кетди. Кечаги байроқ шунга.

Абақул. Наҳотки? Ахир, бу — савдо-ку?!

Мазоҳид Мамажонович. Савдо... Лекин, у айтгандай жиноятмас.

Абақул. Жиноят, дада.

Мазоҳид Мамажонович. Сенинг ишинг бўлмасин.

Абақул. Қайдам...

Мазоҳид Мамажонович. Арқон кўрса ҳам айланиб ўтадиган одам, кўрқиб кетмадимикин?

Абақул. Кўрқанида саҳар мардонда келмасди. У ҳушёр одам, етти ўлчаб, кейин кесади.

Мазоҳид Мамажонович. Демак, у бормаган... Биласан, кенжам Комил кучаниб ўқиди, лаборант бўлиб қайтди. Бошини иккита қилиб қўймоқчиман. Лекин у, отасининг айтганига юрмоқчимас. Қишлоқдаги бир қайсар муаллимнинг қизини яхши кўриб қопти. Мен йўқ дедим. Нега менинг сўзимни қайтаради? Менинг болам — менинг буюмим. Ниятларимни, режаларимни бузишга ҳаққи йўқ! Нега ношуд бир муаллимга қуда қилар экан мени, нега ҳеч қаерда сўзи ўтмайдиган закончига қариндош бўлар эканман?! Йўқ, ўзимдан зўрига қуда бўламан. Йўқса якка ўтади!

Абақул. Анави врач қизга деяптими? Яхши қиз-ку!

Мазоҳид Мамажонович. Э, менга яхши қиз керак эмас. Менга яхши хонадон керак! Мен танлаган қиз — рассом. Биласанми, ҳозир битта суврат қанча туради? Рассом бўла туриб билмайсан. Битта яхши суврат минг сўм туради! У қиз бир ойда беш минг ишлайди. Нима қилади врачни. Шартта кесиб ташладим, унга уйланмайсан, дедим.

Абақул. Янглишмасам, рассомингиз Опанинг қизимасми?

Мазоҳид Мамажонович. Отанга раҳмат.

Абақул. Берармикин?

Мазоҳид Мамажонович. И-я, менга бермай кимга беради?

Абақул. Қиз-чи, қиз кўнармикин?

Мазоҳид Мамажонович. Қиз? Нима дерди, онаси рози бўлганидан кейин.

Абақул. Врач қиз нима бўлади унда?

Мазоҳид Мамажонович. Мана шунга келганда, болам, пичоғим ўтмай турипти...

КОМИЛ ВА КОМИЛА

Сирдарё бўйи. Тўқай. Дарё суви шовуллайди. Комил ва Комила.

Комил. Отманг демаганингда какликни отиб олардим. Жуда чиройли эди. Тараниб турган эди сувдан чиқиб, сенга ўхшаб...

Комила. Менга ўхшаб?

Комил. Сенга ўхшаб. Бунақа чиройлисини кўрмаганман.

Комила. Шунинг учун отманг дедим. Чиройли нарсани отманг, овчи бўлсангиз.

Комил. Унда қандай қилиб ушлаб бўлади уни? Мана, биттаси сенми, чиройли нарсанинг? Энди ушлаб олганимда учиб кетаяпсан.

Комила. Нима, мен Ҳиротга кетармидим. Бор-йўғи Тошкентга, аспирантурани битираману келаман.

Комил. Қанчада ёқлайсан?

Комила. Уч йилда.

Комил. Эҳ-ҳэ... Уч йилда, биласанми, нима бўлади?

Комила. Осмон узилиб ерга тушармиди? Зумда ўтади-кетди.

Комил. Сиртдан ўқиш керак!

Комила. Сизга нима бўлди?

Комил. Шахсан мен бир кун ҳам чидолмайман. Шу ерда бир кун кўрмасам жинни бўлиб қоламан-у!..

Комила. Нима бўпти, Тошкент ярим соатлик йўл, фир этасизу бориб келаверасиз.

Комил. Йўқ, бўлмайди! Менинг ишим оғир иш. Ҳар куни бўзчининг мокисидай бориб келолмайман. Қани, эшит!

Қишлоғимиз йўллари
Пиёланнинг гуллари.
Чой ичганда ярашар
Бизнинг ёрнинг қўллари...

Комила. Янги ёздингизми? Қандай яхши кўшиқ! Айтгандай, муборак бўлсин, ансамблингиз Москвадан мукофот олиб келипти. Кўпчилиги сизнинг кўшиқларингиз, сизнинг музикаларингизмиш. Сизга ҳам диплом беришипти. Мен сизнинг ёзган шеърларингизни жуда яхши кўраман:

**Юрак, сен қилма оҳ-фарёд
Ва ҳижрон чолғусин синдир.
Келар у, балки айлар ёд,
Ки муддат-эрта-индиндир.
Келар у, кутганинг дилдор,
Келар у, жилмайиб кундай.
Келар у, кўрсатар дийдор,
Соғинчинг кўкка еткундай!..**

Менга ёзгансиз-а? Музикасини ҳам яхши ёзгансиз. Мен сизни яхши кўраман, Комил ака!

Комил. Гапни бурма. Аспирантурага бормайсан, вассалом!

Комила. Қўйинг, ундай деманг, ойимла адамладан рухсат олиб бергунларича қандай қийналдилар. Ахир, ўзингиз ҳам аспирантура тарафдори эдингиз-ку? Нега энди айниб қолдингиз? Энди уят бўлади. Домлам, мавзуингиз актуал, тез ёқлаб оласиз, деди.

Комил. Ростини айтсам, туш кўрдим, шундан кейин айниб қолдим.

Комила. Қандай туш?

Комил. Дадамла Комилани юборма, юборсанг айрилиб қоласан, бошқага уйлантираман, дедилар. Ҳазаб отидалар, қўлларида қамчи, худди савалайдигандай. Кейин, агар Комила сенга тегадиган бўлса, отаси билан гаплашсин, касбини ўзгартирсин, мен муаллимларни ёмон кўраман, десалар бўладими! Жоним чиқиб кетди. Йўқ, мен Комиламни ҳеч кимга бермайман, деб бақирсам овозим чиқмайди. Шу вақт сен пайдо бўлдинг-у, талпинаман дегин... Интилганим сари узоқлашасан, бориб-бориб кичкина нуқтага айландинг-да, йўқ бўлиб кетдинг. Шунақа йиғладим... Бир пайт юмшоқ, чиройли қўл келиб елкамдан тутди, ўзига қаратди. Қарасам — Интизор!

Комила, Ким? Интизор?

Комил. Ҳа, Интизор, Опанинг қизи. Бирдан бағрига олса бўладими... Қўрқаман, Комила, кетма!

Комила. Нимадан кўрқасиз, кимдан?

Комил. Интизордан...

Комила. Демак, рост экан-да?

Комил. Нима рост экан?

Комила. Ўзингизни гўлликка солманг, Комил ака! Бу гапларингизнинг ҳаммаси тушингиз эмас, ўнгингиз!

Комил. Комила... Нима деяпсан?!

Комила. Нима эшитган бўлсангиз — шу! Мен айтганингиздай, аспирантурага бормайман, уйимга ҳам кетмайман. Каклик отгандай отиб ташланг. Бўлмасам, ўзимни ўзим сувга ташлайман... Дадангиз катталарнинг хонадонини дер эканлар, майли, у кишининг айтганлари бўлсин. Менинг адамла пулдор эмасла, ойимла ҳам. Сизнинг дадангиздай, Интизорнинг дадасидай катта гапириб, катта тўй ҳам қилиб беришолмайди. Ҳа, ҳа, дадангиз тўғри айтадилар, бу ерда муаллим одам саналмайди, ким кўринган туртгантиртган: раиси ҳам, бригадири ҳам. Илтимос, отинг, Комил ака!

Комил. Комила! Мен сени ҳеч кимга бермайман! Аммо... отамнинг ҳам сўзларини икки қилолмайман. Ахир, сен ҳам отангнинг сўзларини икки қилолмайсан-ку?! Менга қара, бундай қилайлик... Мен сени жуда ҳам севаман, ўла-ўлгунча, билдингми? Ўла-ўлгунча!... Сен майли, аспирантурангга бор, ўқишингни бошла. Мен отамнинг айтганини қилай, хўжа кўрсинга уйланай, отам учун... Кейин, оз вақт ўтмай ташлаб кетаман Интизorni. Орқангдан етиб бораман!..

Комила. Бас!.. Ойим шўрлик айтган эдилар-а, тенгинг эмас у, деб. Йўқ-йўқ, сизни ёмон кўрмасдилар, адамла ҳам. Фақат ўзларининг шубҳаларини айтган эдилар. Йиғлаган эдим... Уша сизни кўрган кунимга лаънатлар бўлсин!.. Демак, отолмайсиз ҳам! Шундай ношудмисиз? Бевафоликка — бевафосиз-ку, яна кўрқоқ ҳамминдигиз? Биламан, севасиз мени, менсиз туролмайсиз. Аммо дадангизнинг таъмагирлигини ҳам енголмайсиз! Ҳа, сиз иложсиз шундай қилаяпсиз. Аллақандай тушлар тўқидингиз... Уни ҳам удда-лаб тўқий олмадингиз. Сиз билан бизнинг орамизда ёлғон йўқ эди!..

Комил. Мени ўлдириб қўясан!..

Комила. Тўғри, бундан ўлган яхши! Ўлган яхши бундан! Мен яшамайман! Сиз яшанг! Лекин, барибир, сиз ҳам яшолмайсиз. Яхши кўрасиз мени. Менинг муҳаббатим эса, сизни ҳеч қайда омон қўймайди!.. (Кўйлақларини пора-пора қилиб ташлайди.) Отинг, мард бўлсангиз! Бўлмасам ўзим отаман! Менга беринг милтиқни! (Милтиққа ёпишади, Комилдан милтиқни тортиб олади.) Яқин келманг, аввал сизни отаман, кейин ўзимни!

Комил. Комила!.. (Унга интилади, милтиқ варанглаб кетади.)

ҚАБРИСТОН

Абақул. Яхшики, тегмапти ўқ.

Мазоҳид Мамажонович. Лекин, барибир, заҳар ичиб қўйди-да, бадбахт.

Абақул. Ҳар нечук омон қопти. Комил ҳали ҳам бошидами?

Мазоҳид Мамажонович. Бошида ўтирипти, касалхонада, шунча ҳаракатимни чиппак-ка чиқариб.

Абақул. Отаси борган деб ўйлайсизми? Йўқ. Отаси олийжаноб одам. Бормайди. Мен биламан у одамни.

(Қоригўрков киради)

Ҳа, Қори ака, келинг... Сиз ҳам уйқусиз бўлиб қолдингизми?

Қоригўрков. Ҳа, яхшимисан, Абақул?

Абақул. Қори акам келганларидан бери қабристонга сон кириб қолди. Ҳаммаёқ покиза, ким қаерда ётгани аниқ ҳисоб-китобли.

Мазоҳид Мамажонович. Эски ҳисобчи-да Қори.

Абақул. Ростини айтинг, Қори ака, ҳисобчилик яхшимиди, гўрковлик?

Қоригўрков. Буни сенга нима дахли бор?

Абақул. Нимага жаҳлингиз чиқади? Айтавермайсизми «бу ерда фирромлик йўқ» деб.

Қоригўрков. Сен нима...

Абақул. Тагин аччиғингиз чиқаяпти. Бир нарса бўлганми бугун сизга? Асабингиз жойидамас... Нафсиламбирига қараганда, Қори ака, бу ерингизда ҳам фирромлик бор.

Қоригўрков. Қанақа фирромлик?.. Нима деяпти бунингиз, мулла Мазоҳид?

Мазоҳид Мамажонович. Сен нега тегажоғлик қилиб қолдинг?.. Қори, бизни бироз холи қўйинг.

Абақул. Шошманг, дада. Хўш, нега фирромлик йўқ экан? Бор! Бор бўлгандаям сўлоқмондаги! Исбот қилиб берайми?.. Ҳар куни қўлингиз банд. Келганларнинг яхши-ёмонлигини ажратганмисиз?

Қоригўрков. Бунинг нима кераги бор? Улгандан кейин ҳамма бир эмасми?

Абақул. Ҳамма гап мана шунда-да! Бир эмас! Одам неча хил бўлади? Икки хил, Қори ака! Яхши, ёмон! Ёмонга қанақалари киради? Энг аввал — зўравон, такаббур, тақводор, кўрс; ундан кейин — порохўр, товламачи, мунофик, қаллоб! Шундайми? Яна — ифвогар! Қўрдингизми буларнинг турини?! Яхшини... энди ҳаммамиз ҳам биламиз. Садағанг кет-курлар кам. Лекин, уларни шундай кўмиб юбораверасиз. Нега?

Қоригўрков. Нима қилишим керак?

Абақул. Мен гўрков бўлсам, биласизми, нима қиларидим? У одамнинг ким эканлигини билмай кўммасидим. Ёмон одам бўлса қайтариб юборардим! Тўғри-да, дада, нима ҳаққи бор уларнинг яхшилар қаторида ётишга? Тириклигида уларни қабулига ҳам киритмай сарсон қилган бўлса, саломига алик ҳам олмаган, қўлининг учидагина кўришган, бекордан-бекорга ҳақорат қилган, эзган бўлса-да, тагин ёнига келиб ётса... Йўқ, мен бунга йўл қўймасидим. Зўрлаб кўмдирсалар ҳам кечаси чиқариб ташларидим!

Қоригўрков. Бундай қилишга ҳаққим йўқ.

Абақул. Уғрини-чи, ўзингизни ўғрилаган ўғрини? Порохўрни-чи? Ифвогарничи? Бездорини-чи?.. Бақрайтириб туриб «мен билан ўйнашма, тилингни тий, кўкрагинга оёғимни қўйиб туриб ўша тилингни суғуриб оламан» деган зўравонни-чи?.. Ҳалол одамларни алдаган, ажалидан олдин ўлдирганларни... Қандай қилиб одамлар орасида ётади, улар? Улар ахир, одам эмаслар-ку!.. Айтинг-чи, қабристон қанақа жой аталади таомилда?

Қоригўрков. Муқаддас жой!

Абақул. Балли сизга! Шундай экан, нима учун шундай муқаддас, покиза жойда ифлослар ётади? Лаҳадга тушираётиб «яхши одам эди» деб кўмиб юборасиз. Нега? Билатуриб яхшига чиқарасиз. Ҳозир ана шу қаллобларнинг ини минг танга. Ҳалол гўрков бўлсангиз...

Қоригўрков. Нима, мени қўрқитмоқчимисан?!

Абақул. Қўрқитаётганим йўқ. Бор гапни айтаялман. Тиригида халқини, юртини, тузумини танимаганлар лоақал ўлигида жазоланишлари керак!

Мазоҳид Мамажонович. Қиёмат қойим бўлади-ку, болам!

Абақул. Унда мазорларини бошқа қилиш керак. Зиёратга келадиганлар билиб қўйишин.

Мазоҳид Мамажонович. Ким кўнади бунга, ер танқислигида?!

Абақул. Анави раис қайтиб бердим олган ерини?

Қоригўрков. Бермаяпти.

Абақул. Нега бермайди? Қанча эди? Бир юз қирқ гектар эди. Сал кам икки бригаданинг ери.

Мазоҳид Мамажонович. Раисни беличоқ сўясан-ку, болам. Кунига яраб тургани ўша ер.

Қоригўрков. Мулла Мазоҳид, бу балони қаёқдан олиб келдингиз?

Абақул. Анави қабр тошига сув шакароб қилиб қўйинг десам, қилмабсиз, ёрилиб кетипти. Бошқа ишларингиз кўп-да, а?

Қоригўрков. Бундан кейин оёғингни қирқаман, келсанг. Бошқа меъмор, бошқа рас-сом топаман.

Мазохид Мамажонович. Лекин, бунақасини тополмайсан-да. Ҳали унинг ишларини мазорингда виставкасини очамиз деб юришипти. Қўй, ярашларинг (Абақулга.) Сен ҳам болага ўхшайсан.

Қоригўрков. Шунақа жиғимга тегаверсанг, ҳў анави сойди бўйига кўмаман сени, бир кундаёқ чириб кетасан. (Чиқиб кетади).

Абақул (орқасидан). Ҳа, энди топдингиз. Ҳалигиларни ўшанақа жойларга тиқиб таш-ланг!

Мазохид Мамажонович. Бу гапинг тўғри.

Абақул. Қаровсиз ерни одатда ўт босиб кетади. Ерларимизни ўт босибди. Гап Қо-ригўрковдамас, у бир баҳона, дада. Сиз Омилни эҳтиёт қилинг.

Мазохид Мамажонович. Омилни?... Ҳа-ҳа, Омилни... (Ўйга ботади.)

БОЛАЛИК АЁЛ

Шодия, Болалик Аёл, Мазохид Мамажонович.

Боғ-меҳмонхона. Ҳовуз. Дарахт танасида телефон аппарати. Меҳмонхона бекаси Шодия оёқ учида юради. Телефон бўғиқ жиринглайди. Шодия аста бориб трубкини олади.

Шодия. Ким?... Ҳа, ҳа, ассалому алайкум, ака! Ҳозиргина келувдила. Кечаси ухламаган эканлар шекилли, «озгина мизғиб олай» деб ётувдила... Уйғотайми?... Ҳа, биладилар, Тошкентга чақиришган. Тушундим, айтаман. (трубкини қўяди). Тавба... Тинч қўйишмайди. Гоҳо Абақул келади. Оҳ, давлатим... Қўлларига сув қуяман, сочиқ тутаман. Озгина бўлса ҳам нафасини илғайман. Баъзан тонг оттиришади. Мен ҳам ухламайман... Тинмай чой дейишади, тинмай чекишади. Абақул мени чойимни яхши кўради, кетарида «рахмат, Шодиягина» деб кетади. Шу сўзини-ю, ним илжайишини олиб қоламан. Анчага етади. Бир куни, кетганларидан кейин йиғиштиргани кирсам, чойнакларда чой тўла, ичилмаган... Атайлаб мени деб... Оҳ, Абақул!.. (Яна телефон жиринглайди. Шодия югуриб келиб трубкини олади.) Лаббай? Мен... Сиз ўзингиз кимсиз?... Э, кечиринг, Жамила Жамоловна. (залга). Янги Биринчи Секретаримиз... У кишини уйғотайми? Майли... Туни билан ухламаган эканлар, «бир нафас тегмагин» деб ётувдилар. Менми? Мен шу меҳмонхонанинг бекаси бўламан. Исми? Исми — Шодия. Ҳа-ҳа, ўша менман. Ҳеч ким «хон» деганамасиди, раҳмат. Ешимми, ёшим... Жудаям қаримасман. Далагами? Далага чиққанман... «Сен далагамас, шу ерга ярашасан, кўфирчоқдаккина экансан» деб боққа қўйишган... Ҳа, энди ўзлари шундай дейишганди-да. Дугоналаримми? Бор... Анча... Улар далада, трактор ҳайдашади, пахта теришади. Ҳозир машҳур бўлиб кетишган. Мен ҳам улар билан биргайдим. Йигитлар «тракторга ярашмас экансан» дейишди. Бошқа ўтирмадим... Қўлим ширин... Яхши пазандаман! Хўп, Жамила Жамоловна. Омон бўлинг. (Трубкини ўрнига қўяди.) Тавба, қизиқ хотин экан, ҳамма нарса сўрайди... Яхши кўрганинг борми, дейди. Гўрни айтаманми?! (Боғ томонда аёл кўринади.) Кимсиз?

Болалик аёл. Нариги қишлоқданман. Тракторчиман. Эрим ҳам тракторчила. У кишини қамаб қўйишди. (йиғлайди).

Шодия. Қўйинг, йиғламанг. У киши яхши одамла, ёрдам берадила.

Болалик аёл. Мен ҳам шундай деб эшитганидим. Бир барака топкур, «шу одамга бор, ҳамма мушқулингни кушод қилади» деди. Умид билан келдим. Жўжавурдай жонмиз, тўртта болам бор. Ҳаммаси эргашиб келган. Ана, эшикда ўтиришипти. Эшитган бўлишингиз керак, Ҳайитматовлар оиласини...

Шодия. Вой, ўша сизмисиз? Бултур жуда қойил қилдиларинг-а? Пахтаниям роса тердиларинг-да! Шундай одамни қамаб қўйдими? Нима, қўшиб ёзганмидиларинг?

Болалик аёл. Йўғ-эй, худо сақласин! У киши қўй оғзидан чўп олмайдилар-а.

Шодия. Нега раисингиз орага тушмадилар?

Болалик аёл. Ўша киши айтдилар, шу кишига боринг деб. Бошқа ҳеч кимимиз йўқ, айтинг ёрдам берақолсинлар...

Шодия. Сабр қилинг, шу ердалар. А, бу эрингиз нима қилган эдилар?

Болалик аёл. Тилла топган эдилар.

Шодия. Тилла топган эдилар?!

Болалик аёл. Майда қишлоқларни йириклаштириш ҳақида гаплар бор. Биласиз. Эрим бир чеккадаги қишлоқни бузаётсалар тракторларига қандайдир кўза илашибди. Ичи тўла тилламиш. Милиция идорасига олиб борсалар «қолгани қани» деб даъво қилибди.

Шодия. Қизиқ... Хўш, ундан кейин?

Болалик аёл. Ундан кейин уйимизни тинтишди. Мени тергов қилишди. Нуқул «кўза яримлаб қопти» деб бақиради. Кейин, «кўзани ўзи яримлатиб келган» деб акт тузишди.

Шодия. Ким?

Болалик аёл. Уша кунги навбатчи. Ҳамма ҳайрон, ҳамма бўйнини қисади. Ҳалигинга ишонишади-ю, менинг эримга ишонишмайди. Нега унақа одамларни милицияга олишар экан? Шундай қилиб, бир пастда мен ўғрининг хотини-ю, болаларим ўғрининг болалари бўлиб ўтирибмиз...

(Мазоҳид Мамажонович чиқиб келади, чопони елкасида)

Мазоҳид Мамажонович. Шунақа бўлди, дегин?

Болалик аёл. Шундай, ака.

Мазоҳид Мамажонович. Эрингнинг ҳалоллигига ишонасанми?

Болалик аёл. Худога ишонгандек!

Мазоҳид Мамажонович. Нега сени қўриқловчи милицияга ишонмайсан?

Болалик аёл. Ишонмайман! Лиммо-лим кўзани яримлатиб қўйиб...

Мазоҳид Мамажонович. Яримлатиб қўйганига гувоҳинг борми? Йўқ. Демак, терговчи ҳақ!

Болалик аёл. Эртага суд, бекордан-бекорга қамалиб кетади... Тўртта болам билан чирқираб қолавераманми?

Мазоҳид Мамажонович. Хўп бу ишга эрингни билганимдан аралашаман. Аммо эрингни оқлаш осон бўлмайди... Ҳа, ҳаром-хариш ишлар билан шуғулланиб, энг яхши кишиларимизни абгор қилаётганлар кам эмас. Уларни фош қилиш керак. Қандай қилиб? (Телефон трубкасига интилади. Телефон ёнида турган Шодия дарров уни олиб кўлига тутқазади.) Менга милиция бошлиғини топиб бер!.. Ҳа, сенмисан? Анави тракторчининг болаларини нега сарсон қилиб қўйдинг? Биласанми у ким?.. Ҳали хабаринг ҳам йўқми?.. Укам! Ҳа-ҳа, менман, Мазоҳид Мамажонов! Аёли тўртта боласи билан эшигимда ўтирипти, йиғлаб. Ҳозир қамоқдан чиқариб юбор, келиб болаларини олиб кетсин!.. Машрипти, ҳур механизатор бўлса, давлатимизга тилла топиб берса... Бу қанақаси бўлди, укам? Йўқ, бу ишни тезда тузат, исини чиқара кўрма, балога қоласан. Хайр! (Трубкани Шодияга беради.) Сен, Шодия, бор, бизни холи қўй энди... (Шодия чиқади.)

ҚАБРИСТОН

Мазоҳид Мамажонович. Қори келаяпти. Чой дамлапти шекилли. Майли, бироз дам олайлик...

Абақул. Эри келдими?

Мазоҳид Мамажонович. Келди...

ИККИНЧИ ҚИСМ

МАЗОҲИД МАМАЖОНОВ БИЛАН ОМИЛ МАМАЖОНОВ

Мазоҳид Мамажонович. Болам, гапларимиз негадир қовушмаяпти... Гапирақол... Нега қийналасан? Отангни унутиб юбордингми деб юрган эдим... Келдинг, раҳмат. Лекин, кўргани келганга ўхшамайсан. Нима бўлди?

Омил Мазоҳидович. Дада, ўғлингизга ҳеч нарса бўлгани йўқ. Менга ўша сиз айтган масъулиятли ишни топширдилар-у, тинчим йўқолди. Баъзи хўжаликлар кўзимга ола кўринаяпти. Бошида сизнинг оғайниларингиз, эски, тажрибали билимдонлар...

Мазоҳид Мамажонович. Нима, ишлари чаккими?.. Э, чакки иш қаерда йўқ!.. Иш бор ерда хато бор.

Омил Мазоҳидович. Иш бор жойда камчилик бўлади, хато бўлмайди. Айтадиган гапим... Айтолмаётибман... Ҳамма ерда менинг отам...

Мазоҳид Мамажонович. Нима бўпти? Кўп жойларда менинг ҳаддим бор, мен ишлаган хўжаликлар...

Омил Мазоҳидович. Ходимларимизни планини муттасил бажариб келаятган «Марҳамат» колхозни қизиқтириб қолди. Ўн йиллик ишини кўришди. Сассиғи чиқабошлади.

Мазоҳид Мамажонович. Сассиғи чиқса кавлатиб нима қиласан? Тағин ўн йиллигини. Биласанми, ўн йил олдин у ерда ким ишлаган?

Омил Мазоҳидович. Биламан.

Мазоҳид Мамажонович. Билсанг нимага кавлайсан? Сенга биров кавла дедими? Кавласа нималар чиқмайди?!

Омил Мазоҳидович. Энди бунга тўхтатиб бўлмайди. Сиз менга маслаҳат беринг... Қумбулоқ эртагини эшитганмисиз?.. Қиши билан кўзи юмилиб ётган Қумбулоқ кўкламда қайнаб қоларкан. Қизиқ, агар баҳордан баҳоргача гуноҳ қилиб қўйган одам бўлса унинг пиёласига сув эмас, қум тўлиб чиқаркан. Шунинг учун гуноҳқорлар Қумбулоққа бормай, шармандаларча қишлоқдан чиқиб кетарканлар... Қандай ажойиб эртақ. Мен ишлаётган жой ҳам шунақа. Гуноҳни яшириб бўлмайди. Сиз бўлсангиз...

Мазоҳид Мамажонович. Тўғри... Мен ҳам эҳтиёт бўл демоқчиман. Тойиб-пойиб кетсанг чирқираб қолмайин, дейман...

Омил Мазоҳидович. Мен бўлсам, сиздан кўрқаман. Мисқоллаб топган обрўйингиз ботмонлаб кетмасин дейман. Кўринганни ҳимоя қиласиз, кўринганнинг ишига аралашасиз. Ким қоқилса сизга югуради. Нега?.. Баъзи кишиларга малол келаётганингиздан хабарингиз борми?.. Менинг ишларимга ҳалақит бераяспиз.

Мазоҳид Мамажонович. Бу хўжаликларни мен ташкил қилганман, уларда менинг шогирдларим ишлайди. Қаерга қандай калит тушишини мен биламан.

Омил Мазоҳидович. Уларнинг юриш-туришларига разм солиб кўрганмисиз. Босартусларини билмай қолишар... Кеча бир одам келди, биламанки, сиз юбормагансиз. Комитет тайёрлаган ҳужжатларни тўхтатиб, ёқиб юборишимни илтимос қилди, эвазига «отангизга деганингизни бераман» деди.

Мазоҳид Мамажонович. Тавба! Ё тавба!.. Нима бўлаяпти ўзи?

Омил Мазоҳидович. Менга айтингчи, дада, нега сизнинг номингиздан келишади? Нима гап? Бизни зоғора, ҳатто кунжара едириб ўстиргансиз. Унитайликми?! Нима, сиз ўғримисиз? Шунча, қўша-қўша орденларни порага олганмисиз? Мен партия олдида, имоним олдида нима дейман?

Мазоҳид Мамажонович. Сен... сен уларнинг ишига аралашма. Йўқотиб юборишади!..

Омил Мазоҳидович. Қаёқдан биласиз?

Мазоҳид Мамажонович. Кўп нарсаларни биламан. Аммо айтолмайман. Фақат, эҳтиёт бўлгин деяламан, холос...

Омил Мазоҳидович. Абдусамад акага нима дедингиз?.. Нега индамайсиз?

Мазоҳид Мамажонович. Қаерга борипти?

Омил Мазоҳидович. Кўрқманг, ҳеч қаерга боргани йўқ.

Мазоҳид Мамажонович. Бўлмасам нега сўрайсан?

Омил Мазоҳидович. Ердам бераётган одамларингиз ҳалол кишиларамас. Улар «Марҳамат»нинг раиси сингари муттаҳам одамлар.

Мазоҳид Мамажонович. Оғзингга қараб гапир!

Омил Мазоҳидович. Ҳаммасини биламан! Ҳали қараб турасиз, қон қусишади! Давлат мулкани, халқ мулкани кемириб келаётган каламушларни муттаҳам демай кимни муттаҳам дейилади? Яхшиси, улардан йироқроқ юринг.

Мазоҳид Мамажонович. Сен уларга тегма! Тегма уларга! Уларнинг ҳар бирининг кўксига фашист ўқи ётипти. Уларнинг егани, ичгани ҳалол.

Омил Мазоҳидович. Улар жиноятчилар! Олдинги яхши хизматларини ҳам унутиб қўйишган.

Мазоҳид Мамажонович. Алжима!

Омил Мазоҳидович. Ҳали ҳам жуда эҳтиёткорлик билан гапираетирман. Хоҳласангиз ғалати фактларни айтиб бераман. Биласизми, бир тенгдошингиз, ҳозир катта бир идорани эгаллаб ўтирган шахс, уруш йилларини паранжида ўтказган... Қизимизни мансабдорга берамиз, ўғлимизни мансабдорга куёв қиламиз — уларнинг ўз бахтларидан жудо қилиб. Лаганбардорликни қотирамыз; раҳбар йўталса ҳам «лаббай» деб турамыз, қанақа кийинса — шунақа кийинамиз; чўлоқ бўлса — оқсоқланиб юрамыз, унинг оҳангида сўзлашга ўрганамиз, унинг соҳига ўхшатиб соч қўямиз...

Мазоҳид Мамажонович. Ҳа, сўраганнинг бир юзи қора, берганнинг икки юзи қора... Наҳотки, бу ҳужжатларинг ўртага тушади?

Омил Мазоҳидович. Тушади!

Мазоҳид Мамажонович. Агар сир бўлмаса, уларнинг тақдирлари нима бўлади?

Омил Мазоҳидович. Нима эксанг шуни оласан, деган гап бор-ку! Лекин, сизга нима ташвиш?

Мазоҳид Мамажонович. Улар менинг тенгдошларим.

Омил Мазоҳидович. Хўш, ўзингиз айтинг, нима қилишим керак?

Мазоҳид Мамажонович. Улар мендан домангир бўлишади. Менинг ўғлим уларнинг дафтарларини очади, менинг ўғлим уларнинг бахтларини тортиб олади, менинг ўғлим уларнинг тинчликларига завола бўлади, уларнинг хонадонларига ўт қўяди... Йўқ, болам, бу гапларни танангга сингдириб кўр!..

Омил Мазоҳидович. Тагин бир масалада чакки иш қилаётибсиз.

Мазоҳид Мамажонович. Тушунмадим?

Омил Мазоҳидович. Икки ёшнинг умрига завола бўляспиз.

Мазоҳид Мамажонович. Завол?

Омил Мазоҳидович. Ахир, бир-бирларини севмайдилар-ку!

Мазоҳид Мамажонович. Э-ҳа... Севишмайди деганинг, нима деганинг? Мен бунақа гапларни билмайман, айлини ҳам истамайман! Хонадонни мен кўрдим, бузулишига йўл қўймайман! Менинг хонадонимда, қариндош-уруғларимда бачки, увадалари йўқ, бўлмайди ҳам. Энди паст, қурумсоқ муаллим қолувдими? Комил у хонадонга куёв бўлмайди! Комил-а, шундай идрокли уканг-а? Топар-тутарини қара! Сендан яхши!

Омил Мазоҳидович. Дада, ақлингизни йиғинг!

Мазоҳид Мамажонович. Ақл ўргатма. Мен қарор қилдимми, тамом-вассалом!

Омил Мазоҳидович. Аммо, ҳали маълуммас-ку, Опа сизга қизини берадимми-йўқми?

Мазоҳид Мамажонович. Мамажоновга-я?

Омил Мазоҳидович. Қизи хоҳлармикин демоқчиман. Балки, унинг ҳам Комилга ўхшаб ўз хоҳлагани бордир.

Мазоҳид Мамажонович. Хоҳлагани йўқ. Сен тўғаноқ бўлма. Нима, Биринчи Секретарга қариндош бўлсанг асаканг кетадими? Ҳали мана бу бемаза гапларингни ёндириб юборамиз! Шак келтирма дадангга!

Омил Мазоҳидович. Авваламбор, у киши сизга қизини бермайди. Эрини биласизми, қанақа одам?!

Мазоҳид Мамажонович. Эри Мазоҳид Мамажоновичнинг қалин ўртоғи! Ҳали билмайсанми? Отангни ҳали ҳам билмас экансан. Икром Эркаевич давлат сув тақсимлаш инспектори бўлиб келган кунининг иккинчи ҳафтасидаёқ отангни зиёрат қилган. Билсанг, биз у киши билан бирга ўқиганмиз.

Омил Мазоҳидович. Билмаган эканман.

Мазоҳид Мамажонович. Сен ҳали кўп нарсани билмайсан. Шунинг учун анави йиғиб юрганларингнинг ҳаммаси пуч гаплар. Тағин Халқ Контроли эмиш. Суф сенга, Омил Мазоҳидович!

Омил Мазоҳидович. Аввал сиз кенжангизнинг ёмон қўлини боғланг. Ҳаддан ошиб кетаяпти. Биласизми, биз гаплашмай қўйганимизга анча бўлди? Устидан хат бор.

Мазоҳид Мамажонович. Сен уни йўқот!

Омил Мазоҳидович. Ҳали домласи ўзимман, денг?.. Демак, мен ишдан кетишим керак бўлиб қолипти.

Мазоҳид Мамажонович. Йўқ, сен кетмайсан! Кетсанг хонадонимизга ўт кетади.

Омил Мазоҳидович. Ўт кетсин, бундай хонадонга!

Мазоҳид Мамажонович. Сен... биласанми, нима деяпсан?!

Омил Мазоҳидович. Бўлмасам сиз кетинг! Ариза беринг! Кетинг трестдан!.. Мен ўзим учун жавоб бераоламан. Аммо сиз учун жавоб бериш менга жуда қийин бўлади. Жиддий айтаётирман, ариза беринг!

Мазоҳид Мамажонович. Нима, отангдан ариза олиб кел, деб юборишдими сени?

Омил Мазоҳидович. Айтишларини кутманг!

ҚАБРИСТОН

Абақул. Сиз бир нарсани аниқ тушунишингиз керак. Аллакимларни деб севикли ўғлингиздан ажраб қолаяпсиз.

Мазоҳид Мамажонович. Митанинг ёмони тегирмондан бутун чиқади, шуни биласанми?..

Абақул. Ёмони қанча бўлиши мумкин? Намунча қўрқасиз?

Мазоҳид Мамажонович. Сен уларни билмайсан. Аҳмоқ аканг бир нарсани англамаяпти.

Абақул. Нимани?

Мазоҳид Мамажонович. Акангнинг халқ контроли бўлишида уларнинг катта ҳиссаси бор. Шундай оғир вақтларда кунимизга ярайди деб кўтаришган.

Абақул. Улар-а?

Мазоҳид Мамажонович. Ҳа, қўллари, билмайсан узун...

Абақул. Агар Омил уларнинг деганларига кўнмаса...

Мазоҳид Мамажонович. Шундан қўрқаман. Ўзига айтолмадим, кеча...

Абақул. Қизиқ... Барибир, мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, Омилнинг сўзига кирардим.

Мазоҳид Мамажонович. Сенлар мени тириклайин кўймоқчимисанлар?

Абақул. Ҳар эҳтимолга қарши аризангиз чўнтагингизда бўлсин.

Мазоҳид Мамажонович. Шу учун деб ўйлайсанми?

Абақул. Ё тағин борми?

Мазоҳид Мамажонович. Борку-я...

МАЗОҲИД МАМАЖОНОВ БИЛАН НОМАЪЛУМ АЁЛ

Қарағайзор ва қаср.

Номаълум аёл. Ёқдимми?

Мазоҳид Мамажонович. Қайси ташкилотники?

Номаълум аёл. Бунақа қаср манман деганларингизда ҳам йўқ. Дид билан қурилган. Мармарларини қаранг, ҳаммаси ғазгонники. Устунлари ўймакор... Биринчи қавати иккинчисига ўхшамайди. Деворларидаги сувратларга анграйиб қоласиз.

Мазоҳид Мамажонович. Яхши, жуда яхши...

Номаълум аёл. Нимасини айтасиз! Ванналаридаги безаклар, чиннилар йироқлардан олиб келинган... Биринчи қаватдагилари ҳаворанг, иккинчи қаватдагилари пуштиранг... Одамнинг баҳри-дили очилади. Суви эса, ҳув анави қоя остидаги Қизбулоқдан келади. Биласизми, у сув қанақа?!

Мазоҳид Мамажонович. Биламан, шифобахш сув. Мақсадга келайлик?..

Номаълум аёл. Мақсад, қабул қилинг-у, айтганларига рози бўлинг.

Мазоҳид Мамажонович. Ҳақиқатан ҳам жаннати жой экан. Қандай ажойиб жойларимиз бор! Узимиз билмаймиз. Қарағайлар, шифобахш дарахтлар, ўт-ўланлар...

Номаълум аёл. Демак, маъқул денг? У киши махшар дейдилар. Билмадим нима дегани...

Мазоҳид Мамажонович. Қиёмат дегани. Кўрсатиб юрган одам ким эди, бир оғиз ҳам гапирмади?

Номаълум аёл. Гунг. Тили борнинг биттаси ҳам кўп, дейдилар у киши.

Мазоҳид Мамажонович. У киши... Демак, бу қасрни тагу-туғи билан менга совға қиладилар. Мен бунинг эвазига у кишининг бошларида осилиб турган ойболтани олиб ташлайман. Шундайми? Борди-ю, йўқ десамчи?

Номаълум аёл. Йўқ деманг. Шундай бойликни ҳам рад қилиб бўладими?

Мазоҳид Мамажонович. Буни қандай сингдиришни ҳам ўйлаганмилар ўша киши?

Номаълум аёл. Нима, осмондан тушганмисиз? Бундан катталарини сингдириб, бемалол юрганлар камми? Бу нима, уларнинг олдида?! У киши тағин шуни тайинладиларки, мабодо биров сўраса корхонамнинг ишчилари дам оладиган жой, деркансиз.

Мазоҳид Мамажонович. Баракалла!.. Айтинг-чи, номаълум вакила, мени бу гапга кўнади деб ким айтди?

Номаълум аёл. Қодирқул-Амирович!

Мазоҳид Мамажонович. Қодирқул?.. Тушунарли.

Номаълум аёл. Энди асосий масалага кўчайлик. Омил Мазоҳидовичга айтинг экан, очган дафтарларини ёпармишлар.

Мазоҳид Мамажонович. Ўзим ҳам фақат шудир деб ўйлагандим. Жуда ошиб кетган эди... Мулк ёмон. Одамни жинни қилиб қўяди. У жинни бўпти. Бироқ мушкулени бу қаср ҳам осон қилолмайди-да, соҳибжамол...

Номаълум аёл. Сиз осон қиласиз. (Ўзун шнурли телефон трубкасини тортиб келди, номерни теради.) Алло, Омил Мазоҳидовичнинг қабулхоналарими? У кишини уланг, оталари гапиришмоқчилар... Марҳамат (трубкани беради унга).

Мазоҳид Мамажонович. Омил Мазоҳидович! Бугун кеч уйга кел. Узоқдаман, машинадан. (Трубкани қайтиб беради)...

ҚАБРИСТОН

Абақул. Кейин нима бўлди? Қодирқул билан учрашдингизми?

Мазоҳид Мамажонович. Учрашдим...

Абақул. Кўндингиз ҳам?

Мазоҳид Мамажонович. Мажбур бўлдим.

Абақул. Утиб кетар деб ўйлайсизми?

Мазоҳид Мамажонович. Билмадим...

Абақул. Омилга айтдингизми? Келдим кечқурун?

Мазоҳид Мамажонович. Келди... Аммо айтмадим. Айтолмадим. Лекин, иложини қилсанг Қодирқулга тегмай тур, дедим.

Абақул. Бу нима деганингиз?

Мазоҳид Мамажонович. Одамлари орқамдан қолишмаяпти.

Абақул. Омил билармикин?

Мазоҳид Мамажонович. Биладиганга ўхшайди.

Абақул. Сиз орқали унга қарши жангга чиққанини ҳам-а?

Мазоҳид Мамажонович. Омил чиққан, унга қарши жангга! У балони чиқармиди. Омил думини босди... Шунча йилдан бери ҳисобда йўқ ўлик ерларга човут солди... Биласанми, ўлик ерлар тагида нималар бор?..

Абақул. Сиз билармидингиз?.. Унинг ўзини-чи? Қодирқулни-чи?

Мазоҳид Мамажонович. Омил ерни қайдан билди? Ким айтди унга? Ҳеч ким билмасиди. Мен ҳайрон бўлардим-у, ақлим етмас эди. Уч колхознинг ери-я!..

Абақул. Бунга сизнинг нима дахлингиз бор?

Мазоҳид Мамажонович. Ҳеч...

ЖАМИЛА ЖАМОЛОВНА БИЛАН МАЗОҲИД МАМАЖОНОВИЧ

(Мамажоновнинг хаёли)

Жамила Жамоловна, Икром Эркаевич, Интизор, Комил, Мазоҳид Мамажонов. Қарағайзор.

Жамила Жамоловна. Шундай қилиб, бу водийнинг тупроғини элаганларданман денг, Мазоҳид Мамажонович?.. Яхши фарзандлар ўстирибсиз. Кенжангиз қабул пунктида лаборантмилар?

Мазоҳид Мамажонович. Шундай, Жамила Жамоловна.

Жамила Жамоловна. Яхши. Пахта қабул пункти — деҳқон меҳнатининг ғазнаси.

У ерда ёш, билимдон, ҳалол кишилар туриши керак. Бизнинг қизимиз билан таниш чиқиб қолишиптимиш. Бир-бирларини яхши билишар экан. Бу ҳам яхши. Интизор мақтапта. Айтгандай, улар жуда йироқлашиб кетишдимиз?..

Мазоҳид Мамажонович. Бу ерларда ов яхши бўлади. Айниқса, каклик ови, тустовуқ ови. Тўқай биров нарироқда. Икром Эркаевич ҳам жуда уста овчига ўхшайдилар. Тозилари менга жуда ёқти-да!..

Жамила Жамоловна. Эски ошна экансизлар. Бирга ўқиганмиз, дедилар. Бу ерда ҳам дарров топишиб олибсизлар...

Мазоҳид Мамажонович. Ҳа, Икром Эркаевич билан эски қадрдонмиз. Ажабмас яна ҳам яқинроқ бўлиб қолсак...

Жамила Жамоловна (унинг сўнги сўзини эшитмаганга олади). У киши биров ичишни яхши кўрадилар. Хавотирланаман. Сиз билан ўтиришганда бунга ружу қилмайдими?

Мазоҳид Мамажонович. Ружу-ку йў-ға, аммо унча-мунча ҳафсала қиладилар. Менинг эса, бунга ҳафсалам йўқ. Шунинг учун биз биргалигимизда ичишга кўп ҳам ружу қилмайдилар. Бу ҳам эсли журага боғлиқ. Хавотирланманг, у кишини асраймиз. Сизнинг қилмади. Бу ҳам асриёт қиладилар. Оила масаласи — мураккаб масала... Ҳалиги, қимбозак номингизни эҳтиёт кўрадилар. Оила масаласи — мураккаб масала... Ҳалиги, қимбозак жуда яхши қиз. Ишларини кузатаман. Фирт талантили! Комил Тошкентда виставка-сига кирипти, мақтаб келди. Жуда қувондим... Комилжон ҳам илмий иш қилмоқчи, аспирантурага кирмоқчи. Аввал жойлик бўлиб олгин, дедим. Омил ҳам шундай деди.

Жамила Жамоловна. Мазоҳид Мамажонович, ёшларга ибрат бўладиган биографиянгни бор экан. Ҳаёт йўлингизни ёздирсак бўларкан. Қолхоз институти бор, улар ёрдам беришади. Қолаверса, Комилжоннинг диссертациясига мавзу. Қайси куни яхши сўзладингиз. Китоб қилса арзигулик гаплар, масалалар. Адиблар буни публицистика дейишади. Бир вақтлар яхши бухгалтер бўлган экансиз. Мироб, бригадир, ҳосилот, раис, ҳатто агроном ҳам. Мана, ҳозир катта уштаркани бошқариб турибсиз... Менинг дадам ҳам деҳқон бўлганлар, сизга ўхшаб деҳқончиликнинг ҳамма соҳасидан хабардор эдилар. Биларсиз?

Мазоҳид Мамажонович. Биламан, нега билмай! Биз республикада баравар иш бошлаганмиз. У киши Фарғона водийсида, биз бу томонда. Жуда донгдор деҳқон эдилар. Йўлдош Охунбобоев кўп яхши кўрардилар, кўпинча ёнларида кўрардим. Биламан, биламан...

Жамила Жамоловна. Шуни айтинг. Қачондан партиядасиз?

Мазоҳид Мамажонович. Уттиз еттинчи йилдан.

Жамила Жамоловна. Буни қаранг! Биласиз, у йиллар қанақа йиллар эди...

Мазоҳид Мамажонович. Оғир йиллар эди.

Жамила Жамоловна. Бир-бирини қоралаган, бир-бирининг устидан ёзган... Афсуски, у касаллик ҳамон бор. Ҳатто баъзи жойларда феъл-атвори, эътиқоди бутунларгача ўпқонига тортиб кетди. «Майли, ҳамма нарсамаи олинлар, лекин партия сафида қолдиринглар» деб туриб олишади. Хўш, партия сафида нима қилади? Яна порахўрлик қилади-ми, ўғирлик қилади-ми? Янги чиққан мансабпарастлар, молпарастлар, савдогарлар!.. Улар ўз манфаатлари учун ҳеч нарсадан тоймаганлар: вояга етказган мамлакатни, давлатни оёқости қилганлар, ҳеч сесканмасдан ҳақоратлаганлар! Ахир, уларнинг халқ душманларида, хоинлардан нима фарқлари бор?!

Мазоҳид Мамажонович. Тўғри айтасиз... Нақадар разолат!

Жамила Жамоловна. Жуда ҳақ ибора топдингиз. Қандай яхши, қудратли сўзларимиз бор: разолат! Ҳа, разолат бу!.. Мана, масалан, сизга ўхшаган кишилар. Рус ўртоқларимиз жуда тўғри айтганларидай «на износ» ишлашади. На дам олишни билишади, на тинимни. «На износ» бизнингча «тўзиб кетгунча» ёки «сулайиб қолгунча» дегани. Албатта, бу ҳам яхшимас. Жамиятимизга шундай одамлар керак. Лекин, улар лип этиб осмондан тушмайди. Хўш, ўзингиз осмондан шундай тайёр, садоқатли бўлиб тушганмисиз? Йўқ. Асл одамларимизни революцион эътиқод вояга етказган. Халққа хизмат қилиш — шараф. Ҳа, халқ хизматкори ҳаммадан кўп ишлайди, ҳаммадан кам ухлайди!

Мазоҳид Мамажонович. Жуда тўғри айтасиз, Жамила Жамоловна. Одам — мураккаб нарса...

Жамила Жамоловна. Сирли нарса!.. Икром Эркаевич топиб айтганидай, айрим кишилар ҳар икки минутда ўзгариб туради.

Мазоҳид Мамажонович. Буни буқаламун ҳам дейишади.

Жамила Жамоловна. Ҳа, ҳамелеон. Тагин бир нарсага ҳайрон бўламан: одамлар бор — марка йиғишади, одамлар бор — гугурт қутиси, китоб... Буларда бир маъно бор. Лекин, пул йиғишдан нима маъно?

Мазоҳид Мамажонович. Ана, овчилар келиб қолишди. Эҳ-ҳэ, ов катта-ку!..

Комил. Дада, Икром акани тўғри айтган экансиз, ўқлари битта ҳам хато кетмаса-я!

Интизор. Тозилар олиб келишаверди, биз Комилжон билан йиғиб чарчадик.

Жамила Жамоловна. Аданглар шунақа овчи эканларми?

Икром Эркаевич. Шунча вақтдан бери билмасмидилар? Анави тустовуқлар қаердан келган эди?

Жамила Жамоловна. Ҳа, айтгандай... Овлагандим денг?

Икром Эркаевич. Бўлмасамчи!

Жамила Жамоловна. Қани, нималар отибсиз экан, кўрайчи... (Чиқади).

Икром Эркаевич. Браконьерларга алоқаси йўқ, хоним! Ҳаммаси ўзимизнинг ошнарлар... Раҳмат, Мазоҳид Мамажонович, анави кундагидан ҳам зўр бўлди. Ҳў, борган жойимиз бор-ку, ундан ҳам ўтиб кетдик. Бунақа ов жойини ҳеч ерда кўрмаганман! Буки — тустовуқлар, буки — какликлар, буки — беданалар, буки — ўрдаклар!.. Тоғ тепасидаги кўлни айтмайсизми? Иккита ўрдакни ўша ерда урдим. Олапар жониворим олиб келди. Ёшлар ҳам маза қилишди.

Мазоҳид Мамажонович. Айтгандай, гапимизни у кишига айтдингизми? Ўзингиз билан бирга бориб келди, ёмон боламас...

Икром Эркаевич (ўзини эшитмаганга олади). Тоғни қаранг! Кўл устида худди осилиб турипти... Арчалари зич, одам боласи ўтолмайди. Вой-во-й...

Мазоҳид Мамажонович. Э, ҳали кўп маза қиласиз.

Икром Эркаевич. Ҳа, анави тунд раисингиз тагин телефон қоқди. Шунақаям суллоҳ бўладими? Шундан мени қутқаринг, дўстим.

Мазоҳид Мамажонович. Нима деяпти?

Икром Эркаевич. Нима дерди, унинг дарди сув-да! Яхоб қиламан дейди. Нормадан ортиқ беролайман-ку! Бошқалар нима дейди. Бу ёқда опангиздан балога қоламан. Етказиштипти. Сувни нега талон-тарож қиласан, деб қолди анави куни. Қўлимда нима кўрса шубҳа қилади.

Мазоҳид Мамажонович. Нима кўрувдилар?

Икром Эркаевич. Э, ўша куни «палон жойдан саёҳатдан келдим» деб соат бермади-ми!..

Мазоҳид Мамажонович. И-я, ўшани тақиб юрибсизми?

Икром Эркаевич. Э, йўқ. Костюмимни дазмоллаётганида қўлига чиқпти. Она бола роса майна қилишди. Иккинчи марта бирон нарса олсангиз костюм-пастюмингиз билан қўшиб ёқиб юбораман, деди.

Мазоҳид Мамажонович. Соат ҳам совғами? Қурумсоқ! Сув берманг, бир адабини есин. Совғамиш-а... Мана, совға (иморатга ишора қилади). Керак бўлса! Ҳали эшиги очилмаган. Трест ишчиларининг болаларига деб кўрдирганман. Агар хоҳласанглар... ҳамминг ҳам уйи, дачаси бор.

Икром Эркаевич (бир нафас жим бўлиб қолади, иморатга тикилади). Йў-ўф-э, ҳазиллашманг-э!..

Мазоҳид Мамажонович. Дедим-да, анави қурумсоққа бўла.

Икром Эркаевич. Шундай демайсизми, жоним чиқиб кетди-я!

Мазоҳид Мамажонович. Ҳа, энди биз унақа соат-поатлар билан иш қилмаймиз. Дўстларимизнинг ҳиммати баланд!..

Интизор. Дада, ойимла чақираяптилар.

Мазоҳид Мамажонович. Тагин озгина отадиларми?

Икром Эркаевич. Бўлмасам-чи! Лекин, нарироқда. Бугун кўпайиб кетди, хуржунга кўпроқ солиб юборган экансиз. Қозон бошида кўришамиз.

Мазоҳид Мамажонович. Яшанг, ёмон ўғилболасиз-да! (Жамила Жамоловнанинг дарахтга осиглиқ сумкасига кўзи тушади, яқинлашади. Чўнтагидан бир ҳовуч шода марварид олади, ёғимлайди, унга солгани юраги бетламайди. Шу вақт Жамила Жамоловна кириб келади, қўлини артмоқ учун сумкасини очди...)

Жамила Жамоловна. Мазоҳид Мамажонович!

Мазоҳид Мамажонович. Лаббай, Жамила Жамоловна?

Жамила Жамоловна. Қишлоқда Кимсан Каримов деган йигит бор экан. Биласизми? Отаси Инсон Каримов, репрессия қилинган. Уша одамнинг оқлангани ҳақида хабар бор. Эшитганмисиз?

Мазоҳид Мамажонович. Биринчи эшитишим-а...

Жамила Жамоловна. Эслаб кўринг!..

* * *

«Ибрат» колхозининг идораси. Мазоҳид Мамажонов, ҳуши ўзидамас. Қори киради.

Мазоҳид Мамажонович. Олиб кетишдимми?

Қори. Олиб кетишди. Сейфигача...

Мазоҳид Мамажонович. Энди нима қиламиз? Раҳбарларга айтиш керакдир?

Қори. Соддасиз. Шундай одамни қамайдилар-у, раҳбарлар билмас эканми. Уртоғингиз ҳаммининг жонига теккан эди. Энди, дўстим, ўзлари раис бўладилар. Инсон Каримовнинг даври тугади.

Мазоҳид Мамажонович. Халқ қанақа қараркин? Ахир, Инсонни яхши кўришади...

Қори. Халқ... Халқ нима дерди?.. Энди сизни яхши кўради... Яхши ҳосилотсиз. Бу ёғини менга қўйиб берасиз, ҳисоб-китобни ўзим қотираман. Ҳароми — меники, ҳалолли — сизники.

Мазоҳид Мамажонович. Лекин, қинғир иш қиладиган бўлсанг қўлингни синдираман. Колхозни Инсон билан бирга мен қурганман.

Ҷори. Сиз шундай деяверинг. Бориб-бориб ишонишади. Тўғри, ҳаммаси тўғри; колхоз қурганингиз ҳам, мени минг балодан асраб қолганингиз ҳам... Инсонни устидан ёзиб, қаматиб юборганингиз ҳам...

Мазоҳид Мамажонович. Нима-нима?..

Ҷори. Ким, бўлмасам? Менми? Мен фақат ёзиб бердим, холос. Қўлни сиз қўйдингиз. Менинг нимамага ишонишарди улар? Сизга ишонишади! Энди ҳамма иш изига тушади. Мен сизни арши-аълога олиб чиқаман. Бу эса, менинг сизга, ҳамма яхшиликларингиз учун, раҳматим бўлади!

* * *

Мазоҳид Мамажонович. Эсимда, Жамила Жамоловна, эсимда.

Жамила Жамоловна. Уғли ҳам эсингизга келдимиз? Кимсан деган?

Мазоҳид Мамажонович. Эсимда, Жамила Жамоловна!.. Уни мен ўғил қилиб олганман. (Интизор киради. Бир чеккада суҳбатга қулоқ солади).

Жамила Жамоловна. Кимсан Каримовмиди?

Мазоҳид Мамажонович. Кимсанмас, Жамила Жамоловна, Абакул Каримов...

Жамила Жамоловна. Ном иккитамиди? Ё у бошқами?

Мазоҳид Мамажонович. Бошқамас, ўзи. Номини ўзгартирганмиз.

Жамила Жамоловна. Нега?

Мазоҳид Мамажонович. Ҳар нечук, отаси ҳалигинақа... Ола қарашмасин деб шундай қилган эдик.

Жамила Жамоловна. У вақтда сиз колхозда ҳосилот эдингиз-а?

Мазоҳид Мамажонович. Шундай...

Жамила Жамоловна. Урнига қолдингиз?

Мазоҳид Мамажонович. Мени сайлашди... Кейин ундан хат олдим, «келғиз ўғлимни кўчада қолдирма, келинингга ёрдам қилиб тур» деган. Албатта, менга ҳам осон эмас эди. Боласи ҳали бир ёшга ҳам тўлмаган эди. Хотинини ишдан бўшатишди. Мактабда муаллима эди. Сартарошликка фаррош қилиб киритиб қўйдим. Бола жуда иқтидорли чиқди. Бир куни борсам, уйи тўла суврат. Қанақа сувратлар денг?! Оғзим очилиб қолди.

Интизор. Мен ишларини бориб кўрдим. Айтиб бердим-ку, ойи, жуда талантли расом, ажойиб скульптур деб. Бутун бир мозор — виставка!

Мазоҳид Мамажонович. Тўғри!

Интизор. Колхоз клубининг деворларини кўрсангиз!..

Жамила Жамоловна. Айтвдингиз... Ўзи билан кўришдингми?

Интизор. Биз деярли ҳар куни учрашамиз, жуда ғалати, ақлли одам. У наинки расом, ойи, шоир ҳам экан. Менга дафтарини кўрсатди, шунақа шеърлари борки, ухламай ўқиб чиқдим. Фавқулодда талант! Уни асраш керак, ёрдам бериш керак. Мозордаги Ватан урушидан қайтмаган ҳамюртларига қурган комплексни кўрсангиз!..

Мазоҳид Мамажонович. Шунақанги ишларини кўриб клубга боғлаб қўйгандим. Номини ўзгартиришга тўғри келди. Онаси йиғлаб-йиғлаб зўрға кўнганди.

Жамила Жамоловна. Ҳозир қаерда?

Мазоҳид Мамажонович. Клубда. Ҳаваскорлар ансамблининг раҳбари. Ансамбли жуда машҳур бўлиб кетди. Бир кўрсангиз бўларди.

Жамила Жамоловна. Кўраман, албатта кўраман. Кенжа ўғлингизни ҳам талантли дейишади. Ансамблининг ярим программаси у кишиники дейишади. Жуда ҳам ёқимли, чиройли кўшиқлар... Лаборант ўғлингиз-да? Ё бошқасими?

Мазоҳид Мамажонович. У шу ерда. Чақирайми?..

Жамила Жамоловна. Йўқ, кейин... Уйланганми?

Мазоҳид Мамажонович. Йўқ, ҳали...

Жамила Жамоловна. Нега? Ёши нечада? (Интизор аста чиқиб кетади.)

Мазоҳид Мамажонович. Қирқдан ошди... Бу жиҳатдан ҳам унинг омади юрмади.

Жамила Жамоловна. Отаси масаласи биланми?

Мазоҳид Мамажонович. Шундай.

Жамила Жамоловна. Унинг яхши кўрган қизи бор, дейишади. У ҳам якка ўтаётганмиш, ёши ҳам анчага бориб қолган дейишади...

Мазоҳид Мамажонович. Буниси ҳам рост.

Жамила Жамоловна. Исминики ўзгартирибсиз. Ўзингизнинг фамилиянгизга олиб кўяқолмасиз-да? Аллақачон уйланган бўларди, неварга ҳам кўрардингиз.

Мазоҳид Мамажонович. Онасидан истиҳола қилдим. Жуда ифбатли аёл, ҳали ҳам Инсонни кутади.

Жамила Жамоловна. Мен бу оилани бир кўрсам деган эдим. Ҳалиги қизни ҳам... Оти Шодия, а?

Мазоҳид Мамажонович. Мен чақиртириб келай, бўлмасам...

Жамила Жамоловна. Ҳозирмас... Уғли ишлаётган ўша «Ибрат» колхозига унинг

номини бермоқчимиз. Инсон Каримов Улуғ Ватан уруши йили Курск остонасида ҳалок бўлган. Қабри ҳам топилди. Курск пионерлари қараб туришар экан... Улар хотинига, ўғлига хат ёзишган. Чақиришган. Бориш керак бўлади... Хужжатларини сўратдим. Кўриб чиқмоқчиман.

Мазоҳид Мамажонович. Ғалати одам эди...

Жамила Жамоловна. Қанақа одам эди?

Мазоҳид Мамажонович. Юз-хотирчиликни билмасди. Колхоз ери чағир ер эди, тошлардан тозалатди... Кам гапирарди, кўп ишларди. Узини ҳам, бошқаларни ҳам аямасди.

Жамила Жамоловна. Айниқса ишёқмасларни денг?

Мазоҳид Мамажонович. Даладан кўзлаган иши битмагунча кетмасди. Иш битганидан кейин эса, эртасига уйма-уй юриб, раҳмат айтиб чиқарди. Умуман ғалати эди...

Жамила Жамоловна. Қанийди ҳамма ҳам ўшанақа ғалати бўлса. Мазоҳид Мамажонович!.. Анчадан бери Хлоптрестдамисиз?

Мазоҳид Мамажонович. Анча бўлди...

Жамила Жамоловна. Чарчамадингизми?..

ҚАБРИСТОН

Абақул. Узоқ айланиб қолдингиз?

Мазоҳид Мамажонович. Ҳа, бироз айландим, ишларингни кўрдим. Обелискинг ҳали ҳам чалами? Ё битгани шуми? Асли марказга қилсанг бўларкан.

Абақул. Парижда Пер Лашез деган қабристон бор, дейишади. Париж коммунарлари ҳам ўша ерда, уларга қурилган обелиск ҳам ўша мозорда экан.

Мазоҳид Мамажонович. Опанинг қизи келиб кўрганмиди?

Абақул. Кўрган. Кўчиб келганларининг иккинчи ҳафтаси келганди.

Мазоҳид Мамажонович. Онасининг ҳам келиш эҳтимоли бор.

Абақул. Кўрсалар кўраверадилар. Бизнинг мозорда сирли ҳеч нарсамиз йўқ. Ҳаммаси тошдан тарашланган нарсалар.

Мазоҳид Мамажонович. Яна бир қараб чиқсанг... Агар келадиган бўлсалар...

Абақул. Келмоқчи бўлганларини Интизор ҳам айтганди.

(Мамажонов Абақулнинг кўзларига тикилади. Хаёлидан Опанинг Абақул ва Ханузгул билан бўлган учрашуви ўтади. Довдирайди).

Мазоҳид Мамажонович. Кечир мени, муштипар аёл!.. Қора хат келган эди, уни сизлардан яширгандим. Кечиринглар, бадбахт мўйсафидни...

Абақул. Нималар деётибсиз?.. Сиз, дада дейман ҳозир қалтис чегарадасиз... Бузиб ўтинг! Буёғида қолакўрманг... Тушунаяпсизми?..

Мазоҳид Мамажонович. Сен, наҳотки...

Абақул. Ҳеч нарсани билмайди деб ўйламанг. Ҳамма нарсани биламан. Модомики, шундай экан, модомики менга ишонар экансиз, кўнинг гапимга, чегарани бузиб ўтинг! Бунга қанча тез қарор қилсангиз шунча яхши.

Мазоҳид Мамажонович. Ҳаммасини у аёлга ўз оғзинг билан айтиб бергин демоқчимисан?

Абақул. Шундай!

Мазоҳид Мамажонович. Кучим етмайди...

Абақул. Етади!.. У чегарага ўтмоқни астойдил истаган одамнинг кучи етади! Сиз, наинки ўзингизни ҳалол кўчага олиб ўтасиз; бу билан жуда кўп маълум бўлмаган хавфларнинг олдини олишга ёрдам берган бўласиз.

Мазоҳид Мамажонович. Шундай деб ўйлайсанми?.. Йўқ, йўқ, кучим етмайди...

Абақул. Куч чегаранинг нариги томонида! Назаримда, у киши сизни ана шунга чақирганлар. (Соатига қарайди.) Вақт бўлди, дада!

Мазоҳид Мамажонович. Ҳа, вақт бўлди...

Қоригўрков пайдо бўлади. Мазоҳид Мамажоновични чақиради. Мазоҳид Мамажоновичнинг ҳорғин кўзлари Қорининг даҳшатли қиёфасига тушади. Абақул ҳайрон.

Қоригўрков (бўғилиб). Омилни ўлдириб кетишипти...

Мазоҳид Мамажонович. (Қотганча қолади. Сўнг йиқилади...)



Гулнора Раҳмонова

ҚАЛЬ КЕНГЛИКЛАРИ

...Қуёш эндигина мағрур тоғлар ортидан кўтарилиб келмоқда. Пасту баланд зангор мовий қирлар қизғиш-зарғалдоқ рангга ўта бошлаган. Қўйларини яйловга ёйиб юборган озгин, сочлари жингалак бола оппоқ тойчоғини ёнидан йироқлатгиси келмайди. Тойчоқ гижинглаб-гижинглаб узоқлашади, яна қайтади, гуё болакайни ўзи билан чопишга ундайди.

Улар югурадидлар, изларида дала гуллари силкиниб-силкиниб қолади, капалаклар безовта учиб, унда-бунда ўт-ўланлар орасидан қушчалар пириллаб кўтарилади. Яшиллик узра ястаниб ётган кўл бўйига олдин тойчоқ, кейин бола етиб келади. Қирнинг ўркакдек чизигида шу томонга юриб келаётган она бия пайдо бўлади.

Тойчоқ сув ичгани энгашади, бола сув бўйидаги кўм-кўк тошга ўтириб, кўлнинг олис қир-қоқларига — уфққа тикилади. Унинг назарида қирғоқларнинг шакли эртақдаги кийик-кўлга ўхшайди. Бола беҳад, кўм-кўк осмон кўйнида узоқ най чалади... Кейин кўлларини қанот қилиб, тойчоғи билан ёнма-ён «учади». У кенгликларни қучгуси, югуриб уфқларга етгуси келади...

Рассом Чори Бекмировнинг болалик хотираларига бағишланган асарлари туркумини кўздан кечираётганингизда худди шу лавҳалар тасаввурингизга ўрнашиб қолади. Кенгликларнинг ранг-лари кишини соҳир этади, ўзингизни-да шу манзилда сезиб қоласиз, ўйлайсиз, дилингиз равшан тартади, толиқмайсиз, қалбингизда ажиб бир туйғулар жунбушга келади, фикрларингиз таранглашиб сизга тинчлик бермайди.

Чори Бекмиров Қашқадарё область, Нишон районидаги «Пахтаобод» қишлоғида туғилиб ўсди. Кенг пахтазорлар, чексиз адирлар, қишлоқ одамларининг табиати, меҳнати уни болалигидаёқ ҳайратга солди, ҳайратини, кўрганларини дастлаб рангли қаламларда тасвирлади. Қаламлар туйғуларини ифода этишда ожизлик қилиб қоларди, истаклари эса имкониятидан махсус эди. Худди шу истак Чорини 1969 йили Тошкентга, П. П. Беньков номидаги республика махсус рассомлик мактабига етаклаб келди. Унинг билим юртидаги дастгоҳли рангтасвир бўлимига қабул қилиниши катта йўлга қўйилган биринчи қадами бўлди. Илк қадам унда ишонч уйғотгани шубҳасиз.

Ҳар бир ҳақиқий ижодкорнинг ўз мавзуси бўлади. Ана шу мавзунини асардан асарга таҳлил ва тадқиқ этиб бориш санъаткорнинг ўзига хослигини белгилайди. Рус ўрмонлари Шишкинни оламга танитди, диёримиз латофати Тансиқбоевни буюк рассомлар сафига олиб кирди... Афсуски, кўп ижодкорларнинг энг катта қусури мавзуси йўқ эканида, оний эҳтиросларини тарбиялай олмаганию ундан теран хулосалар чиқара билмаганида. Чори Бекмиров шу кунга қадар яратган асарларининг асосий қисмида қишлоқ нафаси сезилиб туради. Унинг бу мавзуга содиқ қолиши келажагини белгилайдиган омил бўлишига ишонч туғдиради.

У билим юртида ўқиб юрган пайтлари ҳар ёзги таътилда она-юрти далалари чизгиларини, кадрдон қишлоқдошлари портретларини, композицияларини, натюрмортларини олиб қайтарди. Йиллар ўтган сари полотноларида ранглар тобора очилиб, портретларидаги чизикларда аниқлик ортиб борарди. Унинг ўзига хослиги мустақиллигида эди. Чори тасвир объектини классик аналалардан бирмунча фарқли, яъни ўз туйғулари, сезимлари асосида ифодалашга уринарди. Баянларда ранглар тозаллигини атай бўрттириброк ишлаб кўрганида, ўқитувчилар уни йигирманчи аср бошидаги ғарб рассомларига тақлид қилишда айблаган: «Сен ҳали ёшсан. Тасвирий санъат алфбесини ўрганмай туриб, Клод Моне¹га тақлид қилма. Ҳали ўз услубингни қидиришга вақт бор. Олдин реализм асосларини ўрган».

Репин, Суриков, Серов ҳамда ўзбек рассомларининг тўнғич авлодидан бошқаларни билмайдиган Чори Монени эшитиб шу қадар елка қисган эдики, ўқитувчи унинг матоларидаги ранглар фақатгина ўз сезимларининг, иқтидорининг ҳосиласи эканига ишонди.

Ёш рассом 1973 йили билим юртини тамомлаб, Тошкент театр ва рассомлик институтининг Р. Аҳмедов раҳбарлигидаги дастгоҳли рангтасвир бўлимига қабул қилинди. Олий таълимда, предметлар ёки портретлардаги ҳажмини рангларда тасвирлаш, расмдаги мутаносибликни ёрдамчи чизиклар билан кўрсатиб қўя қолишнинг ўзи камлик қиларди. Чунки, игна билан қудуқ қачи зишдек мушкул академик мактабни ўтамоқ фурсати етган эди. Чори Бекмировнинг олий мактаб талабалик йилларидаги композиция ва сиф топшириқларига назар ташлаганингизда, унинг академик мактабни сидиқидилдан ўтаганини илғаш қийин эмас. Бу даврга келиб, асарларида ҳукмронлик қилган шоҳидна ёрқин ранглар ўрнини ўйчан, сокин — малла, тўқ кўк ва нафармон бўёқлар эгаллайди.

¹ Клод Моне (1840—1926)— машҳур француз рассоми, импрессионизм асосчиларидан бири.

«Намозшом», «Сирли тунлар ёди», «Оқ отлар», «Мен туғилган замин» сингари асарларида мавзуга масъулият билан ёндашуви кучайгани, лаҳзалик эҳтирослардан салмоқли фикрлар чиқара олиши сезилади. Картиналарида одамларнинг машаққатли меҳнати, мағрур ва гоҳида маънос ҳаёти акс эта боради. Шахснинг ижтимоий индивид экани бўртиб туради. Коинот, тириклик ва тинчлик фалсафаси теранлашиб, қалб манзаралари давр руҳи билан яхлитликда ифодаланади.

Рассомнинг «Момо ва невара» асарида нуруний қарияга суяниб ўтирган қизалоқнинг бири-бирига ўхшашлигини кузатиш мумкин. Картинанинг рангларидаги қорамтиллик колоритни бироз маҳзунлаштирган эса-да, асар томошабинни инсоннинг ҳаётга келиши, кетиши ҳамда кимдадир такрорланиши ҳақида ўйга чўмдиради.

Рассомнинг фалсафий «Абадият» асарида биз, сўзсиз айланиб ётган дунёни кўрамыз. Шохлари тарвақайлаб кетган кўп асрлик чинор. Унинг шохларини, томиларини санаш мушкул. Бутоқларидан потирлаб учаётган қушлар асардан чиқиб кетмоқчидай, полотнога четиға интилади, чинор тагидан ўтиб бораётган оқ от мато қирғоғига етиб қолган, аммо ортига бурилиб қараганча кишнамоқда... Чинор узра ёйдек эгилган камалак... Картина умрни умрдек ўташга, поёни яқинлашганда пушаймон чекиб колмасликка ундайди. Асарга жо этилган теранликни, ҳикматни сўзда ифодалашдан кўра қараб ўққан осонроқ.

Ҳа, йиллар, тинимсиз интилиш ва изланиш — қишлоқдан мусаввирлик даъво қилиб келган содда йигитнинг профессионал билимини оширибгина қолмай, уни ўйчан ва камолат сари интилаётган жиддий ижодкорга айланганликда.

«Кузатиш» — Чори Бекмировнинг диплом иши. Асарда Улуғ Ватан уруши даври одамларининг қиёфаси акс эттирилган. Бу мавзуда тасвирий санъатимизда жуда кўп асарлар ишланган. Лекин ёдимизда қолгани жуда саноқли. Бу мавзуда янги фикр айтиш ҳам, кутиш ҳам душвор. Аммо у асарга мустақил ёндашди. Мустақил фикр — мустақил орттирилган билимлар ҳосиласидир. Мазкур асари билан Чори Бекмиров мустақил ижодкорга айланди десак, янглишмаган, муболаға қилмаган бўламиз. Келинг, яхшии асар мазмуни билан қисқача танишайлик. Қишлоқ йигитларини ҳарбийга олиб кетаётган поезд аллақачон жўнаб кетган, темирйўлда ёш қизалоқдан тортиб, қари кампирларгача — ҳар хил ёшдаги аёлларнинг кузатув ҳолати жам бўлган. Булар — биринчи фарзандни бағрига босганча поезд ортидан термултиб қолган сарвжомат жувон; ҳали оқ шоҳи рўмолини ечмаган келинчак; хўнграб йўғлаётган қизчасини овутишни унутган ўрта ёшлардаги аёл; кенжа ўғлига тишлашиб қолган ноини кўксига босганча туриб қолган она; оппоқ кийимда — асо таянган кампир; дунёда нималар содир бўлаётганидан мутлақ беҳабар сингил; орқа планда йигитларни кузатиб, аста-секин тарқалаётган чоллар, ҳовлилардан бирининг пастак деворига осиб қўйилган «Она-Ватан чорлайди», деган плакат тасвирланган. Эни уч, бўйи икки метр бу картина рассомнинг машаққатли меҳнатга бўлган иродасини синаб кўрди. Чори олти ой ичида, вақтинча берилган устахонада асарнинг бир хил ҳажмдаги икки вариантини ишлаб тамомлади. Вариантлардан бирида воқеа намозшом пайти, иккинчисиде кундуз кунни содир бўлмоқда. Рассом полотнонинг биринчисиде кечки пайтни тасвирлаб асардаги драматизмни, иккинчисиде эса воқеа кайфиятини персонажлар қиёфасида кучайтиришга интилган. Бироқ, диплом асарига раҳбар домлалар талабадаги мустақилликка интилишни, — домлаларнинг «маслаҳатсиз» яратилганини кецира олмадилар. Улар асарга Чорининг ижодкор сифатидаги эркин ёндашувини инobatга олмай, катта меҳнат сарфланган асарига ўрта баҳо қўйишди.

Аммо вақт ҳар доим ўз тузатишларини киритади. Орадан кўп ўтмай Боку шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ диплом асарлари кўргазмасида мазкур картина биринчи совринга лойиқ деб топилди. Жюри ҳайъати асарда миллий бўёқнинг қуюқлиги уруш мавзуида яратилган асарлар яна биттага органиано ижро санъатининг етуқлигини алоҳида таъкидладилар.

Соврин ўз имкониятлариға бир ишониб, бир ишонмай юрган рассомга катта ишонч бағишлади. Шундан кейин у республика, Бутуниттифоқ, сўнги йилларда эса халқаро кўргазмаларда фаол иштирок эта бошлади. Рассомнинг «Илғор ишчилар», «Зулайхо», «Санъатшунос қиз» сингари асарлари Мўғулистон, Корея, Ҳиндистонда бўлиб ўтган кўргазмаларда намойиш этилди.

Ун йилдирки мустақил ижод қилаётган мусаввир учун булар озми-кўпми? Ҳарқалай асарлари рўйхатини давом эттиришимиз мумкин. Гап сонда эмас, гап санъат асарининг баҳоланишию мустақилликнинг тан олинмаслиғида...

* * *

Фарб классик тасвирий санъати меросида Инжилдаги сюжетлар асосида яратилган шох асарлар жуда кўп. Шулардан бири — авлиё Себастьян образидир. Биз музейларда, репродукцияларда бениҳоя келишган, навқирон авлиё Себастьяннинг баданиға санчилган найзалар азоби ифодасини унинг юзида, кўзларида кўрамыз. «Зур чизилган, олдингилар буюк бўлган-да», деб шошилиш хулоса чиқарамиз. Аммо бу рассом қандай одам бўлган, қай тариқа чизган, билмаймиз. Умуман академик тасвирий санъатда сюжетли асарларни тасвир объекти қилиб, айнан кўчириш олис асарлардан тортиб, ҳалигача ҳукмронлик қилади. Масалан, ўша авлиё Себастьян образини яратаётган мусаввир қўлининг белиға хом гўшт осиб, дарахтга боғлаб қўяр экан. Қарғалар учиб келиб шу гўштни чўқиганида тумшўқлари боғланган қўлнинг баданиға ботиб, қиёфаси азобли тус олар экан. Рассом эса бундан илҳомланиб, чизги тортаверар экан.

Ишчи-деҳқон мамлакатида ўсиб-ўлғайган мусаввирнинг буржуа ижодкоридан фарқи истеъдодида эмас, инсонийлиғида. Қўшиб ёзиш, адолатсизлик авж олган ўтган беш йилликларда жиноятлар эвазига қўша-қўша орден ва медаллар соҳиби бўлган амалдорларнинг фаолияти, меҳнати кўплаб портретлар яратилишиға олиб келди. Афсуски, бу портретлар ҳеч кимнинг эсида қолмади, ҳеч кимда завқ уйғотмади. Уларнинг муаллифлари қанчалик мақталмасин, бутунги кунга келиб аренадан тушиб кетди. Бу асарларни яратган рассомларимиз ҳақиқий аҳволдан беҳабар эдилар, дейиш эса ҳақиқатга зиддир. Номдор ижодкорларнинг номақбул йўл тутиши кецирилмас ҳол, негаки, уларни устоз, деб тан олиб, таҳсилни олаётган бутун бир ижодкор ёшлардан

келгусида нимани кутиш мумкин?! Бу халқ эстетик завқини жиловлаш, орқага тортишу нафосат бўстони оёғоси қилишдан бошқа нарса эмас.

Республика рассомларининг сўнгги съездида ҳақиқатни айтиш истагида сўзга чиққанлар кўп бўлди, аммо бу ҳақиқатлар рассомлар союзининг собиқ раҳбарлари хулқ-атворини айтишдан, кимга кўпроқ буюртма тегдию кимга камроқ текканидан, ким мукофот олдию ким мукофотсиз қолганидан нари ўтмади. Съезд билан съезд орасида воқеа бўлган бирорта асар тилга олинмади (агар бўлган бўлса). Шунданки, кўплаб рассомларимиз бисотида яроқсиз асарлар сони ортиб бораверди, булар ҳатто кўргазмалардан ҳам жой оларди. Истеъдодли рассомларимиз ҳам ҳою ҳавасга, кимларгадир яхши кўринишга берилиб кетдики, натижада номанзур асарлар ниҳоятда урчиб, санъат заволи топди.

Қуёш тиғида пахта етиштириб, уни қор остидан териб олаётган қаҳрамон (бу сўзни баралла айтиш керак) ўзбек пахтакори ҳаётида заҳарли химикатлардан қутулишдек муҳим воқеа рўй берди. Халқнинг ўзи табиатни асрашга жонбозлик кўрсата бошлади. Пахта ғуруримиз бўлганидан уни етиштиришда чекиладиган изтиробу заҳматлар қанчалик кўп экани, полотнолардан ўрин олмади, қишлоқ аёлларининг реал ҳаётига бир тарафлама ёндашилаётгани... ҳақида ҳеч нарса дейилмади.

Рассомларимиз кайфиятидаги бу бефарқлик уларнинг қалбини авлиё Себастьянни ишлаган ғарб санъаткори қалбига яқин қилиб қўймасмикин?!

* * *

Чори Бекмиров ижоди ҳақида гап кетар экан, ёши қирққа яқинлашган бу рассом ҳақида умуман, санъатшуносларнинг ҳали кўп яхши рассомлар ижоди тўғрисида матбуот орқали фикр билдирмаётганини айтиб ўтиш жоиздир. Камсуқум, қўлидан келган ёрдами бировдан аямайдиган бу рассом ижодида биз бирорта портрет-комплиментни кўрмаймиз. Унинг асосий қаҳрамонлари чўл одамлари, пахтакори чорвадор қишлоқдошлари, ҳали кетмонини қўймаган кекса деҳқон, қалби қайноқ талабалар ва ҳамфикр дўстлари. Соддалик, бағрикенглик, заминга муҳаббат қаҳрамонлари қиёфасида яққол ифода этиб туради. Рассомнинг назарида, инсондаги меҳнаткашликни, пок виждонни, адолатга интилишни, қалб кенгликларини қишлоқ ҳаётигина шакллантиради. Қишлоқ мавзуидаги асарларининг пухта чиқиши рассомнинг бу манзилдаги ҳаёт жараёнларини теран ҳис қилганидан албатта. Худди шу туркум асарларига боқиб, биз, ўзимиз унутиб юбораётган удумларни, турмуш тарзини ойдин кўра оламиз. Қўлимизга қалам тутқазган илк туйғуларни поймол қилаётганимизни сезамиз. Афсуски, болалик туйғулари ижодкорнинг бир умрлик манбаи бўла олади. Ўша туйғуларга бефарқлик, уни тарбиялай олмаслик ижодий камолотда панд бериши мумкин.

Тўғри, Чори Бекмиров асарларининг ҳаммаси ҳам бир хил савияда эмас. Аммо улар устидаги изланишнинг ўзи ижодкор умрининг ғаму қувончидир. Вақтинча берилган устaxonаларда ишлаш ижодкор фикрини тўзғитиб юборади, ижодий кайфият яратишини қийинлаштиради. Афсуски рассомлар союзи раҳбарлари буни яхши тушунса-да, амалий ишга ўтишни пайсалга солишмоқда.

Чорининг орзуси — «халққа ёқадиган бирор нарса яратиш». Ўз сўзини айтиш, истагидаги асарни яратиш замирида «халққа ёқадиган бирор нарса яратиш» ётса, демакки, ижодкор шу ернинг, шу халқнинг фарзанди. Чори Бекмировнинг мавзуси бор, истаги мўл, мустақил фикри бор,— демакки, ҳақиқий асарлари олдинда.



Ҳожиакбар Шайхов

ЗАМИН ШАЙДОСИ

Улар тўрт киши эди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг геология ва нефть-газ қазилмалари тадқиқоти институтининг ўша вақтдаги директори, геология-маъданшунослик фанлари доктори Обид Муродович Акрамхўжаев йигирма килограммдан ошиқроқ юкни елкасига ортганча хиёл энгашиб, шерикларидан бир оз олдинда борарди. Олов тигларини аёвсиз санчаётган саҳро қуёши унинг қорамағиз юзини терга ботирган. Азбаройи иссиқнинг зўриданми ё чарчоқданми, ҳансираб нафас олар, уч кундан бери тақирлар ва барханлар оша юравериб, чўяндек оғирлашиб кетган оёқларини зўрға кўтариб босарди. У аҳён-аҳёнда орқасига ярим ўгирилиб, орта қола бошлаган ҳамроҳларини тезроқ юришга ундарди. Олимнинг хаёлида фақатгина бир ўй айланарди: «Нима бўлган тақдирда ҳам бу бепоён чўл қўйнидан тезроқ қутулиб чиқиб, нефть ва газ қидирувчиларга ёрдам бериш, нефть ва газ манбаларига йўл очиш керак! Нима бўлган тақдирда ҳам!..» Шу топда унинг бутун ўй-хаёли ана шу ниятлар билан банд эди. Ахир, нафсиларини айтганда, бу намуналар чинакам чуқур илмий тадқиқот ва кашфиёт учун тайёр озуқа-ку!

Устюрт дашти табиатан ёввойи ва шафқат билмас. Кеча-кундуз юрсанг ҳам на бирор тепалик, на бир дарахт ва на жарликка дуч келасан. Бунда туйқисдан пайдо бўладиган кучли шамоллар қорамтир кум барханларини бир жойдан иккинчисига узлуксиз «супуради». У ер-бу ерда яланғоч ва ғадир-будир саксовул тўдалари худди нажот сўраётгандек «қўлларини» осмони-фалакка чўзган. Илдиэлари ерга чуқур қулоч отган шuvoқ ва шўраларнинг бир оз тахир ҳиди димоғларни қитқилайди.

Обид ака бошлиқ олимлар гуруҳи худди эртақлардагидек, дашти-биёбонда «йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб», яна бир кунни кеч қилишди. Атрофга сутдек ойдин саҳро оқшоми кўна бошлаганди. Ниҳоят, гуруҳ раҳбари навбатдаги саксовулзор яқинида тўхтаб, ҳорғин ҳаракат билан елкасидаги юкни ерга қўйди.

— Шу ерда дам оламиз, — деди у шерикларига. — Тўрт соат дам оламиз-да, кечки салқинда яна йўлга тушамиз.

Ҳеч ким чурқ этмади. Улар юкларни бир жойга қўйиб, чодир қуришга киришдилар.

Обид Муродович чор-атрофи уфққа сингиб кетгандай иссиқ ҳовурга чулганган бепоён саҳрога ташвиш билан тикиларкан, хаёлида бир савол айланарди: «Ўзи нима бўлди? Нега йўлдан чалдиқди?..»

Геологлар Устюртга ўн кун аввал келишганди. Улар саҳронинг ғарбий чеккасидаги Манғишлоқ билан туташиб кетган Кугисем пастқамлигига етиб боришлари керак эди. Унга «дашт кўзгуси» деб бежиз ном берилмаган, зотан қадимий ва ёш геологик чўкинди жинс қатламлари худди мана шу жойда «яланғочланар», бамисоли кафтдагидек кўзга ташланарди. Олимлар зиммасида даштнинг Каспий ва Орол денгизлари орасидаги улкан ва кимсасиз районида катта газ запасларини бағрида яширган қатламларни ўрганиш вазифаси турарди. Бунинг учун енгил «Газик»да юзлаб километр йўл босиш зарур эди. Йўл ниҳоятда оғир, бу ерда чексиз тақирлар, сон-саноқсиз кум барханлари ва ҳадсиз-худудсиз саҳро кенгликлари учкур жайрон, олқор ва сайғоқлар учунгина вақтичоғлик бахш эта оларди... Дашт осмонининг мағрур ҳукмдорлари — бургутлар совуқ нигоҳларини ер саҳнига қадаганча, вазмин сузиб, аҳён-аҳёнда эринчоқлик билан қанот қоқиб қўйишарди.

Кугисем геологларни ўзининг азалий сукунати билан қарши олди. Бу — қарши томони уфққа туташиб кетган жуда чуқур пасттекислик эди. Оддий одамлар учун унинг ҳеч қандай қизиқтирадиган жойи йўқдек эди. Аксинча, кишининг кўнглини оздириб, тинка-мадорини қуридадиган жаҳаннамнинг ўзгинаси эди, бу пастқамлик. Негаки, ҳавоси оғир, чор-атрофни ҳар хил тузлар, чўкиндиларнинг аччиқ ҳиди тутиб кетган, чуқурроқ жойлардаги азалий ботқоқликлар биқирлаб ётарди. Оддий одамларнинг бундай манзарадан завқлана олмаслиги аён. Аммо геологлар бу масалада мутлақо бошқача фикр юритишади. Табиат нақадар бой ва ранг-баранг. Ушбу «яланғоч» тошлар ва қаттиқ жинсларга у қанча тилсимотларни яширган. Ваҳоланки, ҳушёр ақл бу тилсимотларни кузатар экан, қуш урса қаноти, одам юрса оёғи куядиган дашти-биёбон остида нақадар қимматбаҳо ва нодир бойликлар яширинганини пайқаши қийин эмас. Асосий гап — ана шу оҳактош, қумтош, гилтош ва бошқа жинсларни «гапиртириб», улардан керакли «ахборот»ни ола билишда. Обид Муродович, ўз шогирдлари билан биргаликда, Устюрт бағрида, 2000—3000 метр чуқурликда, нефть ва газ мавжудлигини илмий асосда башорат қилган эди. Бунда унинг Устюрт атрофидаги нефть ва газга қон районларни геологик нуқтан-назардан ўрганганлиги ва мавжуд маълумотлардан тўла фойдаланганлиги қўл келди. Айтилган дастлабки фикрлар асосида Устюртнинг бир қанча ерларини пармалаш бошланиб кетди. Аммо ер ости қатламлари ҳақида ҳали етарли маълумотлар йўқ

эди. Бу эса қазिश ишларини маълум даражада кўр-кўрона бажаришга мажбур қилар эди. Обид Муродовични ана шу нарса қониқтирмасди. Бунинг учун ер ости сирлари ошкор бўлиб қолган ноёб жой топиш керак эдики, унда Устюрт бағрида яширинган минглаб метр қалинликдаги қатламлар кўриниб туриши лозим эди. Бундай ноёб ер топилди. У — ғарби-шимолда Манғишлоқ тоғлари билан туташган Кугисем чуқурлигидаги жарлик эди. Дастлабки ишлар ана шу ердан бошланди.

Геологлар Кугисемда роппа-роса бир ҳафта бўлишди. Йигитлар сидқидилдан меҳнат қилишди. Уларнинг асосий иш қуроли болга, метр чулғами ва тоғ компаси бўлиб, бу асбоблар ёрдамида ер қатламлари ва уларни ташкил этган тоғ жинсларини синчиклаб ўрганиш, саралаш билан шуғулланишди.

Машинанинг ичидаги бўш жойларни пастқамликдаги янги ва ўрта мезозой қатламларидан олинган намуналар билан тўлдиришди. Обид Муродовичнинг бу нарсалардан умиди катта, зотан олимнинг ҳисоб-китобича, ер остининг мезозой қатлами таркибида нефть ва газ мавжудлигини кўрсатувчи микроскопик органик моддалар мавжуд бўлган ушбу чўкинди жинслар чуқур замин остидаги ҳаворанг газ «дарёлари» ва нефть «жилға»ларига бамисоли курсаткич вазифасини адо этиши лозим.

Ниҳоят, ҳамма ишлар тугади. Обид Муродович ҳамроҳларига йўл тараддудини кўришга буйруқ берди. Ишлар кўнгилдагидек кечганидан геологларнинг кайфияти чоғ, йигитлар мамнун ҳолда сафар тайёргарлигини кўришарди. Лекин ўшанда на Обид Муродович ва на унинг йўлдошлари кўп ўтмасдан, «борса келмас» йўлга кириб қолишларини ҳатто хаёлларига ҳам келтиришмаганди.

Шу топда геологларнинг ҳар бири қалбан қўшиқ куйлар ва бу қўшиқнинг мазмуни, тахминан, қуйидагича эди:

«Хайр, Кугисем! Сен бизга қанчалар кўп қувонч бағишладинг! Бизга нодир чўкиндиларингдан совғалар улашдинг, қудуғингдаги яхдай ичимлик сувинг билан меҳмон қилдинг. Кечалари инсон зотини камдан-кам кўрадиган жайрон ва сайғоқларинг чодиримизга бош тикиб, бизга қизиқиш ва меҳр тўла нигоҳларини қадашганда, худди ёш болалардек суюнганимизни тасаввур қилиш қийин. Ҳатто кечалари очққан бўриларингнинг «ув» тортгани ҳам, брезентни ғажиб чодиримизга киришга уринган қўшоёқ ва қумсичқонларинг ҳам бизга олам-олам завқ бағишлади.

Хуллас, ким нима деса, деяверсин, лекин биз, Устюрт — ажойиб ўлка ва кимки уни севишни истаса, келиб ўз кўзлари билан кўрсин деймиз. Хайр, Кугисем!»

Ҳозирлик ишлари тугаб, тўрт кишидан иборат геологлар гуруҳи «Газик»да йўлга тушди. Сахро саҳнини турли йўналишларда ўнлаб йўллар кесиб ўтган. «Бу йўллардан қадим замонларда, эҳтимол, катта-катта карвонлар қатнагандир. Бу йўлларни яқин йиллар ичида озмунча геологлар, геофизиклар ва гидрогеологлар топташмагандир. Бу йўлларда адашиб, бийдай чўлда неча кунлаб сарсону саргардон бўлганлар ҳам оз эмас».

Обид Муродовичнинг хаёлидан сўнги фикр ўтиши ҳамона «Газик»ни бошқараётган Ғайфулла Гатиятуллин негадир тормозни босди. Унинг юзидан қони қочган, чехраси хавотирли тус олганди.

— Чамамда, биз бошқа ёққа кетаётганга ўхшаймиз, — деди у ташвишли товушда.

Обид Муродович дарҳол серкал тортиди. Ширин хаёлларга берилиб, йўлга қарашини унутибди, сира ўхшамасди. Чор-атроф ҳовурга чулғаниб, узоқни кўриб бўлмасди. Лекин яқин орада бир хил пейзаж: ора-сира шувоқ ва қирқ-бўғин туплари ва саксовул ўсган қўмлоқ ерлар ва теп-текис тақирлар, барханлар, йўллар...

Обид Муродович дарҳол компасни қўлига олди. Орқадан энгашиб компасга кўз ташлаган ўттиз беш ёшлардаги Мамажон Эгамбердиев:

— Менимча, Шарққа қараб юряпмиз, — деди.

Обид Муродович тасдиқ маъносига бош ирғади. Машина яна жойидан жилди. Энди тарам-тарам оқиш тақир ерлар ўрнини қум барханлари ва қалин саксовулзорлар эгаллай бошлади.

Шу чоғ мотор овозида фавқулодда ўзгартиш пайдо бўлди. У узук-юлуқ гувиллар ва яна ишлаб кетарди. Бу ҳол бир неча бор такрорланди.

— Нима гап? — хавотирланиб сўради катта геолог Юрий Алексеевич Федотов.

Гўё унинг саволига жавоб бергандай, мотор овози бутунлай ўчди. Ҳайдовчи йигит саросимага тушиб, спидометрга қаради: улар тўрт юз километрга яқин йўл босишганди. Ғайфулланинг ранги қув ўчди-да, бўғич товуш билан дахшатли хабарни айтди:

— Бензин тугади!..

— Нега тугайди? — деди Обид Муродович ҳаяжонини босишга уриниб. — Қани, яна бир яхшилаб текшириб кўр-чи!

Бензин чинданам тугаганди. Энди «Газик» «тўнка»га айланган, уни ташлаб кетишдан ўзга чора йўқ эди. Нодир жинслар-чи? Улар нима бўлади? «Уларни ҳам қолдириб кетиш керак. Қолдириб кетиш... бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Ахир, улар Устюрт бағрининг кўзгуси-ку! Демак, нажот учун курашиш, бу тўтқунликдан қутулиш зарур! Шундагина нодир жинслар қайтадан қўлимизга кирди, шундагина улар ёрдамида Устюрт бағрига ёриб киргаётган пармакаваклар йўлини аниқ кўра оламиз». Обид Муродович фақат қолган озиқ-овқат, сув, ёзув-чизувлар ва энг зарур юкларининга олиш кераклигини айтди. Йигитлар бир нафас руҳан тушқунликка тушгандай бўлдилар. Бу яхшиликка олиб келмаслигини пайқаган Обид Муродович овозини баланд кўтариб, гўё «ўшқирган» бўлди:

— Ҳой, қани, бурунларингни кўтаринглар-чи! Бу нимаси? Машина бўлмаса яёв кетаверамиз! Оёқ нима учун берилган, ахир?!

Ярим ҳазил, ярим чин бу гаплар йигитларнинг кўнглини пича кўтарди. Улар биринчи кеча машина ёнида тунашди. Чодир қошида ёқилган гулхан ҳам энди иситиш ўрнига аллақандай совуқ ва серқаҳр ёғду сочаётгандай эди. Устюрт геологлар учун дастлабки ранг-баранг ва бой кўринишини йўқотган, бамисоли баҳайбат аждарҳо ёки «тоғни қўлида соққадек ўйнаб юрувчи» улкан дев янглиғ одамларни ютиб юборишга чоғланаётгандай таассурот уйғотарди.

Улар барвақт, бир пайтда уйғонишди. Киши бошига ўн-ўн беш килограммдан юк олишга қарор қилинди. Брезент қопчиқларга қолган-қутган озиқ-овқатлар, термослардаги сув ва бошқа зарур буюмлар жойланди. Федотов кичик калибрли милтиқни ҳам елкасига осиб олишни унутмади.

Обид Муродовичнинг маслаҳати билан шофер йигит машина радиаторидаги сувни ҳам тер-

мосга қўйиб олди. Сув сарғайиб кетган, ифлос эди. Лекин, ким билади дейсиз, бошларига ҳали қандай савдолар тушади...

Улар «Шимолий-шарққа жўнадик», деб ёзилган бир варақ қоғозни қолдиришди-да, йўлга чиқишди. Ботинкали оёқлар баъзан тўпиққача қумга ботиб кетарди. Шундай пайтда қайноқ қум ботинка ичига тушиб, терини куйдиргудек бўлар, бамисоли тикондек оёқларга қадаларди.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Обид Муродович овозига зўраки хушнудлик бериб, — бу қайноқ қумда бир-икки кун юрсак, бод касалига умуман чалинмайдиган бўламыз.

— Этик кийсак бўларкан, — деди Юрий Алексеевич афсусланиб.

Саҳродаги тўрт киши бир меёрда илгариларди боришарди. Олдинда, пича энгашган ҳолда, ҳаммон Обид Муродович, кетма-кет шофер йигит билан Мамажон келишар, гуруҳнинг охирида Федотов. Улар йигирма беш километрча масофани босиб ўтишгач, ҳаммаларининг оёқлари қабариб кетди, ботинкалар тагидан кўзга кўринмас аллаким узлуксиз олов ёқаётгандай туюларди. Юк қочикларининг тасмалари елкаларни қийиб борар, геологларнинг бўйин томирлари тортиша бошлаганди.

Кўп ўтмай қоронғи тушиб, қора саксовулзорлар бошланди. Шу ерда қумга оёқларини узатишиб, пича хордиқ чиқаришди. Икки соатча дам олишгач, овқатланишди. Чой қайнатмасликни лозим кўришди. Чунки сув жуда кам қолган эди. Овқатдан сўнг Обид Муродович шерикларига бир-иккита қизиқ латифалардан айтиб берди. Йигитларнинг кўнгли анча кўтарилди. Ҳатто улар орасидаги энг ёш Ғайфулла ҳам хо-холоб кулиб юборди. Саҳрода янграган бу илк кулги овози обдан ҳолсизланган вужудларга қувват бағишлагандай бўлди.

«...Литологияга оид китобингизни кечагина олиб, танишиб чиқдим. Мавзу биз сибирликлар учун ниҳоятда актуал. Тан олишим керак, мен ўзимни ишқёмас одамлар тоифасидан, деб ҳисобламайман, аммо Сизнинг кишини ҳайратга солувчи меҳнатсеварлик қобилиятингиз менда ҳаммиша «қора ҳасад» ҳиссини уйғотади. Мен ҳазиллашяпман, албатта. Лекин...»
(Профессор А. Э. Конторовичнинг (Новосибирск) О. М. Акрамхўжаевга мактубидан)

Обид Муродовичнинг тун бўйи кўзига уйқу инмади. Юрагининг мазаси йўқ эди, инграниб чиқди. Бунинг устига, ёшлигида тоғ-тошларда кўп юриб, овқатланиш тартибига сира риоя қилмагани учун ошқозон касали бор, у ҳам кўзгала бошлаганди. Олим танасидаги оғриқларни нутиш учун олис болалик йилларини хотирлаш билан ўзини овута бошлади...

Бир ярим яшарлигидаёқ отасидан етим қолган Обид ёлғиз онасининг қўлида ўсди. Отасини эса Тошкентнинг шимолий-шарқидаги Қозифурт тоғида босмачилар ўлдириб кетишганди. Обид ёши улғайиб, эсини таниши ҳамона, ота хокини қидиришни кўнглига тугиб қўйганди. «Ахир, ҳамманинг отаси ёнида, ўлса — расми-русмини жойига қўйиб кўмади. Мен бўлсам, ҳатто дадамнинг қабри қаердалигини ҳам билмайман», — деди йигитча онаси билан ёлғиз қолган узун кечаларнинг бирида кўнглидаги гапни айтиб. «Ҳеч қиси йўқ, ўғлим, хафа бўлма, — деди онаси унга жавобан, — яна сал каттароқ бўлгин, отангнинг хоки-пойини ўзинг қидириб топасан!» «Ростдан-а! — хитоб қилди Обид ҳаяжондан кўзларини катта-катта очиб. — Отам қабрининг қаердалигини топа олармикиман?» «Топасан, — ишонч билан бош ирғади онаси, — Қозифурт тоғи этагидаги овулда яшайдиган баъзи кекса қозоқлар билишар экан. Ҳатто бир мўйсафид жанозасини ўқиб, аллақайси бир пасткамликка кўмдирган дейишади...»

Бу пайтда улар амакисининг уйида яшарди. Лекин у ерда узоқ туришга тўғри келмади. Черняевка яқинидаги Ғишткўприк қишлоғида истиқомат қиладиган тоғасининг қўлига қарам бувисининг (она томондан) уйига кўчиб ўтишди. Лекин тоғасиникида ҳам кўп туриш насиб қилмаган экан. Ушандаги бир воқеа сира Обиднинг эсидан чиқмайди. Рўза пайти бўлгани учун бу оила ҳамма оилалар каби ҳар куни тунда сахарликка туришарди. Бир куни бехос уйғониб қолган Обид бувиларининг овқатланишгаётганини кўриб, улар ўтирган хонтахтага яқинлашди. Лағандаги мошкичиридан уларга қўшилиб ея бошлади. Овқатга кўпроқ қўл узатгани учунми, бувиси қўлига аямай шапати тушириб қолса бўладими! Озиқ-овқат танқис замонлар эмасми, қорни нонга тўймай ётган бола учун бу шапати чўқмор билан ургандан ҳам баттар таъсир қилди. Йиғисини ичига ютмоқчи бўлди-ю, эп-лолмади, югурганча ичкари кириб, ўзини онасининг кўксига отди. Онаси қия очиқ эшик орқали ҳамма воқеани кўриб турган экан шекилли, хўнграб йиғлаётган жигарбандини бағрига босди. Лекин у нимаям қила оларди. Ушанда Обид энди саккиз ёшга тўлганди. Боланинг етимликда эзилган қалби бу танбехни кўтара олмади.

Эртасига азондаёқ ҳеч кимга билдирмай, Тошкентга — марҳум отасининг волидасиникига қочиб кетди. Пойтахтгача йигирма километрча масофа бор, бунинг устига кун совуқ, ҳеч қандай транспорт воситаси йўқ. Шунга қарамай, бола қароридан қайтмади, ўжарлик билан бувиси ва тоғасидан буткул воз кечди. Обид болалигиданоқ ўта таъсирчан ва курашчан бўлиб ўсган, оилада, кўча-кўйдаги ҳар қандай ҳақсизлик унинг мурғак қалбида исён ҳиссини қўзғар эди.

Энди умуман кўча боласига айланди. Бозорда, кўча-кўйда исқирт бир ҳолатда изғиб юрадиган одат чиқарди.

Кун ўтказиш кўйида пақирда сув сотиб юрганида, йигитчанинг билегидан забардаст бир қўл ушлади. Обид бошини юқорига кўтариб, қўл эгаси ёши анчага бориб қолган, чўққи соқол, жиддий қиёфали бир одам эканини кўрди. «Роса уришса керак, олиб бориб милицияга топширса-я!» — Чўчиб кетган Обид у одамнинг кўзларига тикилиб, хотиржам тортиди. Бу кўзларда меҳр, дўстона илтифот ва айни пайтда, ачиниш ифодалари мужассам эди. Бақувват қўл эгаси болани ҳайратга солиб, майин ва ёқимли овозда:

— Қани, мен билан юринг-чи, ўғлим! — деди.

«Сизнинг «Органик модда — нефть ва газнинг асосий манбаи» номли китобингиз ўз мазмунига кўра бу сарлавҳа рамкасида анча ташқарига чиқади. Сиз унда нефть ва газ ҳосил бўлиши ва мазкур фойдали қазилмаларни прогноз қилишнинг ҳисоб-китоби билан боғлиқ ғоятда муҳим масалаларни... энг замонавий позициядан туриб тадқиқ этгансиз. Мен Сизни бу китобингиз нашр қилиниши муносабати билан чин дилдан табриқлайман. Фақат унинг

тиражи кишини хафа қиладиган даражада оз қўйилибди. Мен уни ўқиб чиқишим биланоқ Москвадаги «Академикнига» идорасининг директори Б. Е. Рибакковга қўнғироқ қилиб, ўз системасидаги ҳамма магазинларда сотиш учун мазкур китобга буюртма беришга шошилиш зарурлигини ўқтирдим».

(Академик А. Яншиннинг О. М. Акрамхўжаевга мактубидан).

Обидга мурувват кўрсатган одам Тошкентдаги Чичерин номидаги болалар уйининг директори эди. У йигитчани тўғри болалар уйига олиб борди. Ювинтириб, янги кийимлар беришгач, яхшилаб овқатлангаришди. Обид бу жойга келганидан ўзида йўқ хурсанд, чунки болага тарбиячилар ҳам, ўзига ўхшаган катта-кичик болалар ҳам, дарс ўтиладиган синфлар ҳам — ҳамма-ҳаммаси ёқиб қолган эди. Фақат уни бир нарса безовта қилар, «Онам бечоранинг ҳоли не кечди экан!» деган хаёл кўнглига тинчлик бермасди.

Орадан тўрт кун ўтди. Обид ётоқхонада «Алифбе» варақлаб ўтирган эди, болалардан бири кириб, уни интернат эшигида бир аёл чақираётганини айтди. Обид юраги орзиқиб, ўқдек отилиб чиқди. У ерда паранжи ёпинган бир аёл турар эди. Обид дарҳол онасини таниди.

— Ойижон! — дея ўзини аёлининг бағрига отди.

Аёл кўзлари ёшланиб, ўғлини бағрига босаркан, уч кундан бери қидирмаган жойи қолмаганини айтди. Шу зум Обид умрида биринчи марта виждон азобида қолди; у онаси олдида ўзини айбдор ҳис қилди. Аёл эса буни ўйламас, ўғлини бағрига босганча унинг дийдорига тўйиб ўтирарди. Ниҳоят, она ўрнидан тураркан:

— Энди бор, ўғлим, кийиниб чиқ, сени олиб кетаман! — деди.

Обид бироз ўйга толгач, қатъият билан бош чайқади:

— Йўқ, ойижон. Менга бу ер ёқиб қолди. Энди ҳеч қасқа бормайман.

Она ўғлининг болалар уйида анча тиниқ тортган чехрасига меҳр билан узоқ тикилиб турди, яна кўзлари ёшланиб, дилбандини бағрига босди.

— Йиғламанг, ойижон, — деди Обид онасининг кўнглини кўтаришга тиришиб, — мен сизни тез-тез йўқлаб тураман.

— Мени йўқлашга яраб қолган болам-эй!.. — дея она уввос тортиб йиғлади. Уларни узоқдан кузатиб турган тарбиячилар ҳам кўзларига беихтиёр ёш олишди.

— Йўқ, ўғлим! — деди она қатъий оҳангда. — Мени қидириб овора бўлмагин. Ахир, сен ҳали гўдаксан-ку, жоним! Шу гапининг ўзи учун ҳам раҳмат. Сендан ўзим хабар олиб тураман. Эрта-гаёқ Тошкентга кўчиб келаман-да, фабрикага ишга кираман. Турар жойни бўлса, топарман, — деди.

Онаси гапининг устидан чиқиб, «Қизил тонг» фабрикасига ишга жойлашди. Кўп ўтмай, кўчини ҳам аравага ортиб, бувсининг уйига кўчиб келди.

Обид Муродович болалар уйидаги кунларини эсласа, ҳар гал кўнгли чироқ ёққандай ёришиб кетади. Уша кезларда болалар уйларига эътибор ниҳотда кучайган, тез-тез галстук таққан сипо одамлар келиб, болаларнинг яшаш ва ўқиш шароитларини ўрганиб кетишар, шундан кейин бирор яхши ўзгариш юз берарди. Масалан, бир гал, шундай одамлар назаридан сўнг, ишчилар келиб, болалар уйи ҳовлисида шинам ва чиройли спорт майдони қуриб беришди. Яна бир сафар кутубхонага юк машинасида жуда кўп китоблар тушириб кетишди. Кейинроқ деҳқон болалар келишиб, болалар уйи ҳовлисининг қиравериб ташдонига кўпгина гул ва дарахт кўчатлари экишди. Бу ишга болалар ҳам жалб қилинди, албатта.

Обид Муродович буларнинг барини худди куни кеча юз бергандай аниқ эслайди. Ахир, у болалар уйида тўрт йил яшади, ўқиди, бахтини топди. Шунга ҳам мана, роппа-роса эллик беш йил бўлибди!

«...геология ва нефть-газ қазилмалари тадқиқоти институтида (Тошкент) юзага келган академик О. М. Акрамхўжаевнинг илмий мактаби — халқ ҳўжалигида катта аҳамиятга молик йирик проблемаларни ҳал қилишга қодир бўлган геолог ва нефтчиларнинг илғор коллективидир».

(Г. И. Теодорович, СССР Давлат мукофоти лауреати, геология-маъданшунослик
фанлари доктори;
И. Д. Зхус, геология-маъданшунослик фанлари доктори)

Олиسدан эшитилган чўзиқ «ув»лаш Обид Муродовичнинг хаёини қочирди. «Дашт бўрилари», — кўнглидан ўтказди у. Бу йиртқичлар одам ҳидини сездими, ёпирилиб келаверади. Олим хавотирга тушиб, чодир бурчига тираб қўйилган кичик калибрли миллиққа қаради. Чап томонида ётган Федотов ҳам уйғоқ экан, аста туриб кийна бошлади.

— Нима гап, Юрий Алексеевич? — шивирлади Акрамхўжаев.

— Чамамда, бўрилар, — деди Федотов ҳам паст овозда. — Навбатчилик қилмоқчиман.

— Яхши ўйлабсан, қани, тезда оловга саксовулдан ташла, — деди Обид Муродович суст ёнаётган гулханга ишора қилиб, сўнг қўшиб қўйди: — икки соатдан кейин мени уйғот, сени алмаштираман.

— Лекин... сиз...

— Ҳеч қандай лекин-пекини йўқ, — унинг гапини бўлди олим, — бу ерда ҳаммамиз баробар-миз...

Обид Муродович гапини охирига етказолмади. Қўққисдан ошқозонида хуруж бошлаган санчиқдан афти буришиб кетди. Буни пайқамаган Федотов усизгина ҳаракат билан миллиқни қўлига олиб, ташқарига чиқди. Олим оғриқдан анчагача ўзини қўярга жой тополмай ётди. Олис ва суронли ёшлик йиллари ҳақидаги маъсум хаёлларигина уни бир мунча чалғитиши мумкин эди. У кўзларини юмди...

Обиднинг ғайриоддий қобилияти ва кишини ҳайратга соладиган даражадаги ўткир зеҳни болалар уйидаёқ маълум бўлганди. У уйга берилган топшириқларни ўша куннинг ўзидаёқ, машғулотлардан кейин қолиб бажаришга одатланган, аналитик фанларга оид масала ва мисолларни эса дарҳол ечиб қўярди. Булар ўқитувчи ва тарбиячилар эътиборидан четда қолмади, Москвадаги

алоқа институтига қарашли «Алоқа ишчи факультети»га йўлланма беришди. Обид бу ерда ҳам худди ўша болалар уйдагидай «усул»да таҳсил олиб, бир йилда 2—3 синфни битиришга муваффақ бўларди. Шу тариқа у ўн икки ёшидаёқ 7-синфни битирганди. Кўп ўтмай, ишчилар факультетини ҳам у муваффақиятли битириб чиқди.

1935 йилнинг иссиқ ёз кунларидан бирида энди ўн беш ёшга тўлган Обид ҳужжатларини кўтариб, Урта Осиё Давлат университетига кириб келди. Унинг ҳужжатларини кўриб чиққан домлалардан бири — қалин қора қош, қуюқ жингалак сочли киши афсусланиб бош чайқади:

— Ҳамма қоғозларингиз жойида, аммо ёшингиз тўғри келмайди, яна икки йил кутасиз...

Обиднинг руҳи тушиб кетди. Узини қўйга жой тополмай, университет биносида уёқдан-буёққа юра-юра, ҳовлининг чеккасидаги бир қаватли уй ёнига келиб қолди. Эшик пештоқидаги «Ректор қабулхонаси» деган ёзувни кўрди-да, шартта ичкари кирди. Хона тўрида кекса бир рус аёли машинка чиқиллатиб ўтирар эди. Дастлаб у кўримсизгина болага эътибор бермади, Обид эса, унга тикилиб тураверди. Бир маҳал аёл кўзойнаги оша назар ташлади-да:

— Ҳа, болакай, нима қилиб турибсан? — деб сўраб қолди.

— Ишчи факультетини битирганман. Ҳужжатларимни қабул қилишмаяпти, — маънос жавоб берди Обид.

— Нега қабул қилишмади?

— Ҳали ёшсан, дейишяпти.

— Ҳа, ёшсан. Жуда ҳам ёшсан, — деди аёл Обиднинг бўй-бастига тикилиб. Сўнг дик этиб ўрнидан турди-да, Обиднинг олдига келди.

— Қани, ҳужжатларингни бер-чи! — Аёл кулимсираб, Обиднинг қўлидан шаҳодатнома ва бошқа ҳужжатларни олиб кўра бошлади.

— У-ҳў, ҳаммаси беш-ку! — деди у мамнун бўлиб ва шу заҳоти ректорнинг ҳузурига кириб кетди. Сал вақт ўтгач, хушнуд ҳолда қайтиб чиқиб, Обиднинг қўлига имтиҳон дафтарчаси берди-да:

— Бор, ҳужжатларингни топшир, имтиҳонларга тайёрлан, — деди.

Севинчдан Обид ўтирган жойидан сапчиб турди.

Аёл югуриб чиқиб кетаётган йигитчани тўхтатиб сўради:

— Айтмоқчи, қайси факультетда ўқимоқчисан?

Обид бу ҳақда ҳам ўйлаб қўйганди. У болалигидан табиат, тоғу тошлар қўйнига саёҳат қилишни яхши кўрарди. Бунинг устига, Қозигурт ясси тоғлари бағридан марҳум отасининг ҳоки-пойини қидириб топиши зарур эди. Буларнинг ҳаммаси унинг геолог бўлишини тақозо қиларди. Шунинг учун ҳам йигитча секретарнинг саволига дарров жавоб қайтарди:

— Геология-тупроқшунослик факультетида!

Ун беш ёшли йигитча келажакда бутун умрининг мазмунини ташкил қиладиган ажойиб касб билан ўз тақдирини шу тариқа боғлади...

Ошқозонда бирдан кучайган санчиқ Обид Муродовични ўрнидан турғазиб юборди. У шошилмай кийиниб, ташқарига чиқди. Федотов милтиқни елкасига осганча чодир ёнидаги қумтепа устида ўтирарди. Сахро туни осойишта кечар, бўриларнинг «ув» тортиши ҳам тинганди. Қорамтир осмонни бодрондай сочилган юлдузлар тўлдирган, улар ўзларининг ожиз милтиллаши билан сахрода адашганларга бамисоли ҳамдардлик билдиришаётгандай эди. Шимол томонга, орқасида камалакдек узун ва ёрқин из қолдириб, комета учиб ўтди-да, кўк қаърига сингиб кетди.

— Нега чиқдингиз? — норози оҳангда сўради Федотов.

— Уйқум келмаяпти, — деди Обид Муродович шогирдига хасталигини билдирмай. — Сиз кириб ётаверинг, мен пича вақт очик ҳавода ўтирмоқчиман.

— Нега, ахир? Сиз дам олсангиз-чи, эртага яна узоқ йўл босамиз-ку! Киринг, домла, кириг!

— Ҳой, йигит, бу ерда бошлиқ менми ёки сенми? Қани, буйруғимни бажар-чи, ичкарига кир-да, ётиб ухла!

Юрий Алексеевич ноилож елкасини қисиб, милтиқни Обид Муродовичга узатди-да, энгашиб палаткага кириб кетди.

Обид Муродович яна ўз хаёллари билан ёлғиз қолди. Унинг ошқозон оғриғига энди ташналик ҳам қўшилганди. Лекин у чидаши керак, чунки атиги тўртта термосда сув қолган. Уларнинг ярми машина радиаторидан олинган. Куни кеча сувни ўта тежаб ишлатиш ҳақида ўзи кўрсатма берган. Улар энди кунига фақат икки қултумдан сув ичишлари мумкин, холос. Сарсон-саргардонлик яна қанча давом этишини ким билади дейсан!

Обид Муродович тонга яқин Мамажонни уйғотиб навбатчиликка қўйди-да, чарчоқ ва уйқу-сизлик зўр келдими, икки соатча мизғиб олди.

Эрталаб қуёш уфқдан бош кўтармасданоқ улар яна йўлга тушишди. Тушгача юриб, ҳордиқ учун тўхташди. Турист консервасини бир бурда-бир бурда нон билан тановул қилишиб, бир қултумдан сув ичишди. Шўнг кечгача йўл юришди. Яна ҳордиқ учун тўхташди.

Учинчи кун ҳам даярли шу алфозда ўтди.

Обид Муродович одатича, бир оз олдинда шошилмай одимлар, кетма-кет Ғайфулла, Мамажон ва Федотовлар боришарди. Улар ҳар бир километрни минг машаққатлар билан босиб ўтишар, айниқса, бошқаларга нисбатан ёши улуғроқ бўлган Обид Муродовичнинг аҳволи анча оғир эди. Юрагининг мазаси қочиб, ошқозонида бот-бот кучли санчиқ пайдо бўлар, лекин олим буни ҳеч кимга билдирмас, негаки, кутилмаган бу синовда шериклари ўзига тақлид қилишини, ўзига эргашшини яхши биларди. Шунинг учун барча машаққатларни енгиб мардонавор олға, фақат олға интиларди.

Яна саксовулзор учраб, улар дам олиш учун тўхташди. Адашганлар чанқов азобиде қуриб кетган оғизларини тамшантириб, тупук ютмоқчи бўлишарди, аммо қани ўша тупук?! Уларнинг бу ҳолларига раҳм-шафқат қилгандек, бўриларнинг шарпаси нима учундир ғойиб бўлган эди. Лекин бўрилар узоққа кетмаганди.

Яна консервадан оз-моз тамадди қилишиб, бир қултумдан сув ичишди. Сув тақсимлаш вазифаси Мамажонга юкланган эди. У бардош беролмади. Айниқса, Ғайфулланинг оғзига титроқ қўлларини узатиб, бир қошиқ сув тутганида, йигитнинг кўзларида пайдо бўлган ифодани кўриб, йиғлаб

юборишига оз қолди. Шофер йигит ана шундай қултум сувдан жилла бўлмаса яна биттасини ичиш учун ўзини ўтга ташлашга ҳам тайёрдек кўринар, маъсум нигоҳи: «Атиги яна бир қултум!.. биргина қултум!..» — дея илтижо қилар, унсиз йиғларди.

— Обид Муродович, — деди Мамажон «кечки овқат»дан сўнг домласини бир чеккага тортиб, — мен сув улашолмайман. Ҳаммангизга ачиниб кетаяпман. Бу вазифани бошқага топширсангиз...

— Майли, — деди домла. — Бу ишни ҳам навбатма-навбат бажарамиз.

Қоронги тушгач, улар саксовуллардан ўтин тайёрлаб, гулхан ёқишди. Палатка қуришга ҳам ҳоллари келмай, гулхан атрофига ёнбошлашди. Қабариб, қонталаб бўлиб кетган оёқлар зирқираб оғрир, борлиқ вужудларини мислсиз ташналик ва чарчоқ азоби ўз исканжасига олганди.

— Мен навбатчилик қиламан, — деди Обид Муродович.

— Обид Муродович, ахир, Сиз... — дея Федотов эътироз билдирмоқчи бўлганди, олим мунозарага ўрин қолдирмаслик учун гапни чўрт кесди:

— Ошқозоним оғрияпти. Яқин икки соат давомида барибир ухлолмайман.

— Ие, аввалроқ айтмайсизми, — деди Ғайфулла. — Менда ношпа бор.

Йигит дарров кўйин чўнтагини қовлаб, дори чиқариб берди. Мамажон: «Ҳозир, бир қултум... сув билан ичасиз», — дея ўрнидан тураётган эди, Обид Муродович қатъиян рад этди. Дорини қуруқшаб қолган тилининг устига кўйиб, бир амаллаб ютди. Кўп ўтмай, гуруҳ раҳбаридан бошқа ҳамма хуррак торта бошлади.

Обид Муродович шу ёшигача тоғ-тошларда, дашт-биебонларда кўп юрган, лекин бунақа вазиятга биринчи марта тушиб қолиши эди. Совуқ сукунат кўйнидаги поёнсиз саҳрога тикиларкан, бирдан дилини ваҳима босди. Наҳотки у ҳамроҳлари билан бирга ҳаётининг сўнгги кунларини яшаяпти? Наҳотки уларнинг гўшти саҳро қузғунларига ем бўлиб, суяклари мана шу дашт-биебонда қолиб кетади? Йў-ўқ! Олдинда ишлари ҳали жуда кўп! Тўғри, ҳозироқ у ҳаётда, фанда унча-мунча қурашларда ғолиб чиқди, анча-мунча зафарларга ҳам эришди. Лекин асосий курашлар ҳам, асосий зафарлар ҳам ҳали олдинда-ку!.. Инсон ҳаётида шундай маъсулиятли онлар бўладими, у беихтиёр ўз-ўзига ҳисоб бергиси келиб қолади. Обид Муродович ҳозир худди шундай руҳий ҳолатни бошидан кечирмоқда эди.

...Негадир унинг кўз ўнгига машҳур геолог олим Ҳабиб Мухамедович Абдуллаевнинг ёрқин сиймоси намоён бўлди. Эсида, талабалик йиллари эди. Обид амалий машғулоти вақтида тоғлар ва улардаги фойдали қазилмалар ҳақида тўплаган материалларидан фойдаланиб, 1938 йили «Ўзбекистон тоғларига саёҳат» номли илмий-оммабоп китоб ёзди. Қўлёзмини нашриётга олиб борган эди, муҳаррир танишиб чиқди-ю, ҳайрон қолди. Аввал ишонқирамай:

— Ўзингиз ёздингизми? — деб сўради. Пича суҳбатлашганларидан кейин ёш авторни чин дилдан қутлар экан, қўлёзмини фан кандидати унвони бўлган бирор олимга тақриз қилдириб келиш кераклигини айтади. Обид, «тоғшунослик соҳасида ўзбекчани яхши биладиган бундай олим борлигини билмайман», деганида:

— Ундай одам бор! — деди муҳаррир. — Урта Осие индустриал институтининг Гоголь кўчасидаги Тоғ факультетида ишлайдиган бир олим бор. Исми Ҳабиб Абдуллаев. Менинг номимдан илтимос қилишингиз мумкин...

Уша кезлардаёқ машҳур педагог ва олим сифатида танилган Ҳабиб Абдуллаев дарҳол қўлёзма билан танишар экан, бамисоли кўзларидан олов чақнаб кетгандай бўлди. Йигитчани кўярдақўймай уйига бошлади. Хайрлашиш чоғида:

— Жуда яхши қўлёзма, — деди. — Лекин баъзи нарсаларни қўшса бўларкан. Масалан, Нурота тоғлари хусусида ҳеч нарса ёзмагансиз. Бошқа нуқсонлари ҳам бор. Мен уларни тўзатиб, қўшимчалар киритая, фақат, рус тилида ёзаман, ўзингиз ўзбекчалаштирасиз-да, ҳўпми?..

Бўлажак алломанинг талабалик йилларидаёқ, геолог-олимларнинг отахонларидан саналган Ҳабиб Абдуллаев билан илк илмий ҳамкорлиги ва мулоқоти шу тарзда бошланганди. Орадан бир неча ой ўтгач, «Фан ва турмуш», «Ёш ленинчи», «Ленин учкун» сингари журнал ва газеталарда икки геологнинг ижодий меҳнати самаралари ёритила бошланганди.

Улуғ Ватан уруши йилларида ўқиш ва ижод тўхтаб қолди. У курсдошлари қаторида республикамиконларига ишга жўнатилди. Обидга Оҳангарон кўмир конларини разведка қилиш партиясида, сўнгра шахтада ишлаш учун йўлланма берилди. Кейинчалик уни кўмир қатламларини ўрганиш ишлари қизиқтириб қолди. У эртадан кечгача, баъзан кечалари ҳам кончилар сафида ишлар эди.

1944 йили Обид ва унинг бир қанча курсдошларини тоғ факультетига қақариб олишди. 1945 йили эса, у ўзининг Оҳангарон кўмир кони ҳақидаги диплом ишини ёзиб тугатди. Дипломни ҳимоя қилаётганида яна ўша ажойиб инсон Ҳабиб Мухамедович Абдуллаевга дуч келди. Ҳабиб Мухамедович энди катта олим, давлат арбоби эди. Аини вақтда, Обид диплом ишини ёқлаётганда, Давлат имтиҳон комиссиясининг раиси бўлиб келганди.

Диплом аъло баҳога ёқланди. Ҳабиб Мухамедовичнинг тавсияси бўйича Обид Акрамхўжаев аспирантурада қолдирилди. Аммо энди уруш тугаган, қийинчилик йиллари эди. Обид ўзининг Оҳангарон кўмир конида кўпроқ зарурлигини тушунарди. Бунинг устига йигитнинг қарамоғида хотини, боласи ва кампир онаси бор эди. Бу аҳволда аспирантурада ўқиши қийин эди. Шу ички туйғуларини ўзига катта ишонч билдирган ҳурматли кишиларга, шу жумладан Ҳабиб Абдуллаевга айтишса йиманиб, Оҳангаронга жўнаб кетди...

«1967 йили О. М. Акрамхўжаев ишлаб чиқариш ва марказий илмий-тадқиқот муассасаларининг геолог ва нефтьчилари билан ҳамкорликда «Ғарбий Ўзбекистондаги газ ва нефть районларини sanoat учун ўзлаштириш истиқболлари» номли илмий ишини якунлади. Мазкур тадқиқот олимлар жамоатчилигининг юксак баҳосига сазовор бўлди ва ўзбек алломаси геологларнинг энг зўр соврини — И. М. Губкин номли Бутуниттифоқ мукофоти билан тақдирланди».

(О. М. Акрамхўжаев ҳақидаги библиографиядан.)

Ёш инженер Оҳангаронда яна икки йил яшади, кўмир қазиб олиш жараёнлари ва технологияси билан яқиндан танишди. Шунингдек, бу жараёнларнинг айрим тармоқларини инженерлик нуқтаи-

назаридан такомиллаштириш ишларини ҳам олиб борди. Кунларнинг бирида коржомада, афт-ангори қора куюга беланиб ишлаб турганда, шахта бошлиғи чақираётганини айтишди.

Обид бошлиқ хонасига кириб борганда, не кўз билан кўрсинки, у ерда қадрдон домласи Ҳабиб Муҳамедович ўтирар эди. Обиднинг чехрасига беихтиёр севинч табассуми қалқиб чиқди, кучоқ очиб кўришмоқчи бўлди-ю, эгнидаги қора-яғир коржомасини кўриб, ўзини тийди. Ҳабиб Муҳамедовичнинг кулиб тургани юзида меҳр билан бирга сезилар-сезилмас киноя ҳам бор эди.

Ҳабиб Абдуллаев ўша пайтларда (1947 йили) республика Госплани раиси, айна пайтда, Геология институтининг директори бўлиб ишларди. У Оҳангаронга иш билан келганда, ўша ўзи билан бирга ўзбек тилида илк мақолалар чиқарган истеъдодли йигит, кейинроқ муваффақият билан диплом ёқлаган Обид Акрамхўжаевни эслабди. Бу тасодифий ҳол эмас эди, албатта. Узоқни кўрувчи Ҳабиб Муҳамедович бу ёш мутахассиснинг келажакда йирик олим бўлиб етишувига ишонч ҳосил қилганди.

— Ҳа, қочоқ, қўлга тушдингиз-ку! — деди Ҳабиб Муҳамедович ва бирдан жиддий қиёфага кириб қўшимча қилди. — Эртага мен билан бирга кетасиз. Бу ердан ҳисоб-китобларингизни тўғрилаб қўйдик. Аспирантурага ўқишга кирасиз. Қани, тезда тайёргарлингизни кўринг!

Шу тариқа Обид Тошкентга қайтди ва кўмиршунос профессор В. Чистяков раҳбарлигида илмий-тадқиқот ишларини олиб борди. Кўп ўтмай, унинг «Кўмир» ва «Оҳангарон кўмир кони» номи илмий-оммабоп китоблари нашрдан чиқди. Оҳангарон кўмир кони истиқболга бағишланган диссертацияни қарийб тугатаётган бир пайтда кутилмаганда ёш аспирантни бир неча ҳафта Москвада бўлиб қайтган Ҳабиб Абдуллаев йўқлаб қолди.

— Обиджон, минг уринманг, кўмирнинг мойини чиқаролмайсиз, — деди у ёш мутахассисга ҳазиломуз. Сўнг жиддийлашиб давом этди, — кўмир ҳақида нимани ўрганган, тадқиқ этган бўлсангиз, ўз фойдангиз учун. Энди сиз нефть ва газ билан шуғулланг. Мени айтди дерсиз, бу икки нодир хом ашё, вақти келиб жаҳоншумул аҳамиятга молик энергия манбалари бўлиб қолади.

Республикамиз Фанлар академиясининг бўлажак президенти, ҳассос олим Ҳабиб Абдуллаев нефть ва газ билан боғлиқ тадқиқот ишларининг яқин келажакда оламшумул аҳамият касб этишини ўшандаёқ олдиндан кўра билганди. У истиқболли хом ашёларнинг «тақдири»ни Обид сингари истеъдодли ёш мутахассислар қўлига топшириб, республикамиз ерлари бағрида яшириниб ётган мазкур бойликларнинг кўпалак запаслари кашф қилинишига замин ҳозирлаганди.

Узига билдирилган юксак ишончдан руҳланган Обид Акрамхўжаев янги илмий йўналишда ҳам ғайрат билан ишга киришди. Бунда унинг Иттифоқимиздаги етакчи нефтчилар шаҳри — Бокуда бўлиши қўл келди, албатта. Орадан уч йил ўтгач, Акрамхўжаев ўзининг анча салмоқли илмий тадқиқотлари натижаси сифатида диссертациясини ёзиб тамомлади ва 1951 йили муваффақият билан ёқлади. Шундан сўнг у олти йил давомида Геология институтининг катта илмий ходими, лаборатория мудирини, айна пайтда Урта Осиё политехника институти геология-қидирув факультетининг катта ўқитувчиси лавозимларида ишлади.

1959 йили олимнинг ҳаётида яна бир унутилмас воқеа рўй берди. У Озарбайжон Фанлар академиясининг Геология институтида геология-маъданшунослик фанлари доктори илмий даражаси учун диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди. Уша йилиёқ Тошкентда янги ташкил қилинган нефть ва газ конларининг геологияси ва разведкаси институтига директор қилиб тайинланди. Бу фақат Ўзбекистондагина эмас, балки бутун Урта Осиёда ҳам нефть ва газ соҳасига ихтисослаштирилган биринчи илмий-текшириш муассасаси эди. Худди мана шу институтида газ ва нефть геологияси тараққиёти учун мустақам база барпо этилиб, Обид Муродовичнинг истеъдоди ва ташкилотчилик қобилияти тўғрисида геология фанининг долзарб вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишга қодир бўлган юқори малакали навқирон олимлар коллективи юзага келди. Кўп ўтмай, мазкур муассаса назарий ва амалий тадқиқотлари мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам маълум ва машҳур бўлган муҳим геологик билимлар марказига айланди...

«1979 йили О. М. Акрамхўжаев республика Геология министрлигининг ишлаб чиқариш ташкилотлари вакиллари билан биргаликда Ўзбекистоннинг тоғ комплексларида газ, газ конденсати ва олтингугуртнинг йирик запасларини разведка қилгани ва кашф этгани учун СССР Давлат мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлди».

(О. М. Акрамхўжаев ҳақидаги библиографиядан.)

Бўриларнинг яқин ўртадан эшитилган увиллаши олимнинг ҳушини жойига келтирди. Дарҳол саксовулларни бир жойга тўплаб, ўчиб қолган гулханни қайта ёқди. Бўрилар овози тобора яқинлашиб келарди. Ниҳоят, Обид Муродович қоронғилик қаърида йилтиллаган кўзларни илғади. Лаҳза ўтмай йиртқичлар геологлар чодирининг чор-атрофини ўраб олди. Олимнинг қўллари беихтиёр палатка деворига тираб қўйилган милтиққа чўзилди. Милтиқни кўриб ҳайиқшдимиди, «кўзлар» яқинлашишдан тўхташди. Лекин улар якка-ёлғиз одамнинг бийдай даштда нақадар ожизлигини пайқашгандай бемалол тикилишар, энди гулхан ёруғида қорамтир тумшуклари ва бот-бот ер тимдалаб қўяётган оёқлари ҳам рўйи-рост кўринаётганди.

Шу пайт палаткадан Федотов чиқиб келди. Бўриларга кўзи тушиши биланоқ:

— Нега дарров уйғотмадингиз? — деди тўлқинланиб.

— Ҳозир пайдо бўлишди, — деди Акрамхўжаев унга жавобан.

Саҳрода яна бир одамзод борлигини кўрган бўрилар чекина бошлашди. Осмонга отилган бир ўқдан сўнг улар зим-зиё бўлишди. Уша заҳоти қолган икки йигит ҳам уйғонишди.

— Йўлга чиқамиз, — деди Обид Муродович қолчиғидаги тошларнинг ярмичасини қумга тўкиб. Ҳамма сукут ичида йўл ҳозирлигини кўра бошлади. Юқларнинг ярмидан кўпроғини қолдиришга тўғри келди. Тошлар ҳам, асбоб-ускуналар ҳам ўта оғирлик қила бошлаганди.

Радиатордан олинган бир термос сув қолганди, холос.

Қопчиқлардаги тошлар тўқилгач, компас стрелкасининг туриш ҳолати ўзгарди. Бу ҳол адашиш сирини ойдинлаштирди. Геологлар компасга қараб тўғри шарққа йўл олишди. Лекин намуна сифатида олинган тошларнинг айримлари магнит хусусиятига эгаллиги тўғрисида уларнинг таъсирида компас ўзгарган ва геологлар асосий йўлдан 5—7 градус чалғиб кетишганди.

Улар нажот излаб яна уч кун йўл юришди. Тўртинчи кун, ниҳоят, ҳаммалари ҳолдан тойиб судралиб қолишди. Биринчи бўлиб, Ғайфулла оёқдан қолди. Кейин Мамажон. Сунгра... Обид Муродович... «Энди алп қомат Федотовгина уларни қутқариши мумкин», — қумда ағанаб ётган Обид Муродовичнинг миясига шу фикр келди. Қолган сув ва озиқ-овқатни Федотовга беришди, у нажот излаб йўлда давом этди.

Орадан ярим соат ўтгач, уч геолог сахро кимда юз тубан тушиб ётишар, Федотовнинг ёлғиз гавдаси эса, худди нуқтадай бўлиб, уфқ сари сунгиб борарди.

«Икки кун ичида қайтса, омон қолганимиз. Акс ҳолда... — ўйларди Обид Муродович кўнгил-ғашлик билан. — Акс ҳолда... Йўқ! Федотов бирор манзилга етади! Албатта етади! Эҳтимол, бугуноқ халоскорларини бошлаб келар?...»

Обид Муродович азбаройи чарчоқнинг зўридан ярим мудроқ ҳолда қимирламай ётаркан, шериклари ҳақида ўйга толганди. Йиллар давомида ёнма-ён хоналарда бирга ишлаб келган бу йигитларни у илгари яхши билмаган экан. Мана, бошга оғир кун тушганда бир-бирларини синашди. Хўш, Мамажон ҳақида илгари қандай фикрда эди? Камтарин, меҳнаткаш, келажаги порлоқ оддий ёш олим деб қарарди унга. Энди-чи? Энди унинг Қизилқум чўлларида бир неча марта адашиб, ўлим чангалидан мўъжизавий бир тарзда қутулиб қолганини, бу йигит оғир дақиқаларда ҳеч кимга хиёнат қилмаслигини яхши билади. Федотов ҳақида-чи? У асли москвалик. Губкин номли институтдан. Ҳаётини гаровга қўйиб, машаққатли йўлга бир ўзи отланишга журъат қилди. Қахрамонлик деганлари шу эмасми? Ғайфулланнинг эса шаҳарда яшаб турган хотини ҳомилдадор экан. У — албатта ўғли бўлиши керак, дейди. Чунки Мамажон билан Федотовда ўғил бўлганда нега энди унда бўлмаслиги керак? Ё Ғайфулланнинг улардан бирор камлик жойи борми? Йигитнинг шундай оғир вазиятда ҳам ҳазил қилишга қурби етарди.

Олимнинг ҳаёлини яна яқин ўтмиш хотиралари олиб қочди.

Обид Муродович республикамиз геолог олимлари сафидан ўзининг муносиб ўрнини топгач, босмачилар ўлдириб кетган отасининг ҳоқи-пойини топиш ҳақида ўйлай бошлади. Тўғри, бу ҳақда ўйлашни у ҳеч қачон қанда қилмаган ва бир неча мартаба қидириб ҳам кўрган, аммо бу уринишлари зое кетган эди. Чунки жиддий урунишларга у вақтларда Обиднинг фурсати ҳам, имконияти ҳам йўқ эди. Олим энди бунинг аини фурсати эканини пайқайди. Шу ниятда у разведка мақсадлари учун Тошкентнинг шимоли-шарқидаги Қозигурт тоғига отланган геологик экспедиция билан бирга йўлга чиқди. Катта ўғли Одилхўжа, тоғаси ва унинг фарзандлари ҳам бирга отланишди. Геологлар ўз ишлари билан банд пайтда олим қариндошлари билан бирга ўша тоғ қишлоқларини кезиб, кексалар билан суҳбатлашди, отасининг ўлими тафсилотларини билганларни сўраб-суриштирди. Иттифоқо бир қозоқ чол билан учрашиб қолди-ю, калаванинг учини топгандай бўлди.

«Ўзбекистонда нефть ва газ мавжуд районларнинг прогноз хариталари сериясини ишлаб чиққани учун О. М. Акрамхўжаев СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг кумуш (1972 й.) ва олтин (1978 й.) медаллари билан тақдирланди.

(О. М. Акрамхўжаев ҳақидаги библиографиядан.)

— Ҳа, — деди қария ўйчан бир тарзда оппоқ соқолларини оҳиста тутамлар экан, — агар янглишмасам, бундан қирқ-қирқ беш йиллар муқаддам ҳув тепаликнинг ортидаги жарда босмачилар бир одамни чавақлаб кетишган эди.

Мўйсафид бу машъум ҳодисани бутун тафсилотлари билан гапириб берди.

— Худди ўзи, отахон! Худди отамнинг ўзи! Менга ўша жойни аниқроқ кўрсатолмайсизми?! — деди Обид Муродович вужудини чулғаган ҳаяжондан овози титраб.

Уша кун мўйсафид тепалик ёнидаги майдонни, унинг ўнг биқинидаги жарни айлана-айлана, ниҳоят, бир жойда тўхтади.

— Бўлди! Эслади! — хитоб қилди у одатича соқолини шошилмай тутамлар экан. — Отангни босмачилар манави жарда ўлдирдишган. Менинг отам бўлса, мана бу ерда жаноза ўқиган. Энди кун ботар томонга йигирма қадам сана-чи!

Чолнинг айтганини қилган Обид Муродович йигирманчи қадамда тўхташи билан:

— Балки отангнинг қабри шу жойда бўлиши керак, — деди мўйсафид, сўнг бирдан сергак тортиб сўради: — Дарвоқе, сен уни нима қилмоқчисан?!

— Уни шахримиз — Тошкентга олиб кетиб, бувамиз ётган мазорга қўйдирмоқчиман, — жавоб берди Обид Муродович қатъият билан.

Мўйсафид норози қиёфада бош чайқади:

— Унга тегмаганинг маъқул, болам. Рўҳини безовта қилма!

— Нега энди? — ҳайрон бўлди олим. — Ахир, менинг ҳеч қандай ёмон ниятим йўқ-ку?

— Барибир. Бу яхшиликка олиб келмайди.

Обид Муродович бу файзли мўйсафид чолга отасининг ушбу дасткам ерда ётиши яхши эмаслигини, мусулмончиликда ҳам қаровсиз қолган мазордаги мурдалар ҳоқини фарзандлари ёки яқинлари бошқа мазорга кўчириб қўйишлари шаърий эканлигини тушунтирди. Ниҳоят, мўйсафид розилик билдиргандек бўлди.

Тоғда ишлаётган геологик партиядоги ҳамкасблари бообрў олимнинг бу ерга нима мақсадда келганини яхши билишар, шунинг учун ҳам кўп ўтмай ота «қабри» топилган жойда иш қизиб кетди.

Обид Муродович қариндошлари ва ёш геолог йигитлар билан ёнма-ён туриб ер қовлар экан, ўйга толган эди: «Қизиқ, у — геолог, сахро ва тоғу тош мутасаддиси, минглаб метр ер остидаги ноёб нарсаларни юзага чиқаради-ю, наҳотки атиги бир ярим-икки метр чуқурликка кўмилган отасининг суякларини тополмайди?»

Шу чоқ ўғли Одилхўжанинг белкураги «қирс» этиб бир нимага тегди-ю, Обид Муродовичнинг юраги «шув» этиб кетди. Ҳаяжонданми, юраги депсиб уриб, оёқларигача бўшашиб кетганини ҳис қилди. Наҳотки ўттиз беш йилдан бери ўю ҳаёлини банд этган ота ҳоқини, ниҳоят, топган бўлса?

Лаҳза ўтмай улар археологларга айланишган, кавланган ернинг ҳар бир қафт тупроғини авайлаб кўздан кечиришарди.

Ниҳоят, инсон суяклари усти тупроқдан холи этилди. Ажабо, «қўл» ва «оёқлар» жойида, аммо

«калла» йўқ эди. Обид Муродович вужуди тўла изтироб билан скелетга тикилиб турарди. Унинг изтиробланаётганини кўрган йўлбошчи чол шошилмай ўрнидан турди-да, қабр тепасига ўтди. Кейин ҳамдардлик билан олимнинг елкасиги қўл ташлаб:

— Босмачилар, болам, — деди вазмин оҳангда, — отангнинг бошига чўқмор билан уриб хушдан кетказишган, сўнгра калласини танасидан жудо қилишган, деб эшитгандим, — мўйсафид ўйчан ҳолда пича сукут сақлагач, қўшиб қўйди: — Яхшилаб қаранглар, бош суяги ҳам шу ерда бўлиши керак.

Шу пайт Одилхўжа сал кўтарилиб турган чап қўл суягининг остини аста кавлаган эди, чинданам бош суяк кўринди. Чўқмор зарбиндан унинг чаккаси мажақланганди.

Обид Муродович ўғли ва қариндошлари ҳамкорлигида суяқларни авайлаб махсус қутига жойлади-да, кузови брезент билан ёпилган «ГАЗ-51» машинасига кўтариб қўйишди. Бир томони қоя ва харсанглар, иккинчи томони — қарасанг, кўзларинг тиниб кетадиган даражадаги чуқур жарликдан иборат эгри-бугри тоғ йўли бўйлаб шошилмай Тошкентга йўл олган машина кутилмаганда... жарга ағдарилди. Обид Муродович кузовда — отасининг суяқлари солинган қути ёнида ўтирганди, жон аччиғида бир қўли билан тепасидаги брезент маҳкамланган юмалоқ темирга ёпишди. Бошқалар ҳам худди шундай қилишди. Машина икки-уч марта думалаб, бир қоя тағида, арча дарахтларига бариб тақалиб тўхтади. Ажабо, бунга ақл бовар қилиши ҳам қийин — машина пачақланиб кетган, аммо ундаги бирорта одамга ҳам шикаст етмаган, ҳамма соғ қолган эди.

Кейинроқ бу ғаройиб ҳодисани ҳалиги тоғлик мўйсафид қўйидагича изоҳлади:

— Аслида қабрни кўзғамаслик керак эди, уни безовта қилишгани учун машина ағдарилган. Лекин Обидхўжа падарини шунча йилдан бери жонини жабборга бериб, сидқидиллик билан қидириб топгани учун ҳаммаларингиз соғ қолдиларингиз. Бунда Обидхўжани отасининг арвоҳи қўллади-ёв!

Кўпни кўрган, аммо диний сарқит ва ақидалар қон-қонига сингиб кетган бу мўйсафиднинг фикрларида маънисизликдан бошқа гап йўқдир, эҳтимол. Лекин шуниси аниқки, кимда-ким бирор эзгу ният йўлида сидқидилдан ҳаракат қилар экан, у албатта мақсадига эришади.

Обид Муродович отасининг ҳоқини Тошкентга олиб келиб, «Минор» мазорига дафн этди. Кўп ўтмай унинг қабри устига қўйидаги сўзлар битилган мраммар тош ўрнатилди:

«Ўттиз беш йилдан бери Сизнинг ҳоқингизни қидириб топган яккаю ягона фарзандингиздан»...

«О. М. Акрамхўжаев томонидан олим ва инженерларнинг катта плеядаси тайёрлаб вояга етказилди ва бу Тошкентда нефтьчи олимларнинг йирик илмий мактабини барпо этиш имконини берди. Унинг раҳбарлиги остида 30 дан ортиқ фан кандидати ва 6 фан доктори етишиб чиқди».

(Х. Н. Боймухамедов, Х. Х. Авазхўжаев, профессорлар)

Олисан келаётган машина овозини биринчи бўлиб Обид Муродович эшитди. У дарҳол ше-рикларини хушёрликка чақириб, атрофни кузатишни илтимос қилди.

Кийимлари йиртиқ-ямоқ, саккиз кундан бери тентираб озиб-тўзиб кетган, ҳолдан тойганларидан сулайиб қолган Мамажон билан Ғайфулла титроқ ва нимжон кўллари билан бир-бирларини суяганча ўринларидан оҳиста кўтарилишди. Шу чоқ Мамажон олисда узун чанг камарини пайқайди. Лекин унинг олдидаги қора нуқта геологлар турган томонга эмас, бошқа ёққа илгарилаб борарди. Мамажон билан Ғайфулла у томонга аранг ўн-ўн беш қадам ташлаб, қумга ағдарилиб тушишди. Лекин улар кўтарган латта саксовул шохида байроқ каби осилиб қолди. Шу туфайли ёрдам вақтида етиб келди.

Машинада уч киши — СССР «Главгаз»га қарашли Туркменистоннинг 9-геологик экспедицияси ишчилари Ражабов, Шукруллаев ва халоскор Федотов адашганларни қидириб, беш соатдан бери қум барханлари бўйлаб кезишарди.

Адашганларни туркман геологлари энг қадрдон одамларидек кутиб олишди, ювинтириб, кийинтиришди, овқатлантиришди, яра-чақаларига дори-дармон қўйишди ва дам олиш учун ётқи-зишди. Кўҳна Урганч билан рақия орқали алоқа боғлаб, самолёт юборишларни илтимос қилишди.

Обид Муродович билан Эгамбердиев эртасига аввал Нукусга, сўнгра Тошкентга учиб кетишди. Федотов билан Гатиятуллин эса, қимматбаҳо тошлар билан саҳрода қолдирилган «Газик»ни топишда туркман дўстларига ёрдамлашиш учун шу ерда қолишди.

Обид Акрамхўжаев бошлиқ тўрт геологнинг саккиз кунлик саргузашти шу тариқа яқунланди. Саргузашт-ку, хайрли яқунланди, аммо олдинда машаққатли тадқиқот, олиб келинган ўша намуналарни синчиклаб ўрганишдек зарур вазифалар турар эди. Микроскоп ёрдамида кимё лабораториясида ўтказилган тинимсиз изланишлар, олинган натижаларни чуқур ўрганиш Устюрт бағридаги қалин қатламлар бошидан кечирган геологик процесслар ва унда нефть, айниқса, газ ҳосил бўлишидаги кулай даврларни, уларда конлар юзага келишидаги ғоятда мураккаб жараёнларни тадқиқ этиш ва аниқлаш имконини берди. Нефть ва газ бўлиши эҳтимоли мавжуд бир неча қатламлар белгиланиб, уларнинг қандай чуқурликларда жойлашганлиги ҳақида прогнозлар қилинди. Натижада у ерларда чуқур пармакавақ қазииш ишлари кучайиб кетди. Эндиликда бу пармакавақлар кўр-кўрона қазилмай, аниқ илмий кўрсатмалар асосида бажариладиган бўлди.

Аммо теп-текис, юзаки қараганда оддий супадек Устюртнинг таги, унинг нефть ва газ бўлиши эҳтимоли мавжуд қатламлари ғоятда мураккаб бўлиб чиқди. Кўпгина пармакавақларда нефть ва газ мавжудлиги белгиси бир нафас намоён бўлди-ю, аммо тезда йўқолиб, ўрнига сув отилиб чиқди. Бундай ҳоллардаги изтироблар ва таъналарга бардош бериш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Уларга фақат Устюртда нефть ва газ истиқболга қатъий ишонган кишигина бардош бериши мумкин. Обид Муродович ва у бошлиқ геологлар чеккан машаққатлар ўзини оқлади. Устюртда газ ва газконденсат конлари очилди. Жанубий Устюртдаги Шохпахта ва шимолий Устюртдаги Қувониш конлари шулар жумласидандир. Аммо Устюртнинг ер ости дунёсини тамомила бўйсундириш оғир бўлди. Яна тушқунликлар, яна умидсизликлар бошланди. Бироқ қатъий ишонч енгиб чиқди. Устюртдаги «Борса-келмас»дек шўрхок ва ташландиқ ерга яқин жойда қазилган пармакавақ-

олим ўз ҳаётини тасаввур қилолмайди. Акрамхўжаевнинг иттифоқимиз олимлари билан олиб борган қизғин ва антиқа баҳслари, кескин илмий мунозаралари бунинг ёрқин далилидир.

Маълумки, 50 йиллардан буён давримизнинг энг ноёб энергия турларидан бўлган нефть ва газнинг келиб чиқиши ҳақида фанда икки хил қараш мавжуд эди. Баъзиларнинг фикрича, у биоген-органик моддалардан ҳосил бўлган, яна бошқаларнинг фикрича ноорганик абиоген йўл билан юзага келган.

Улуғ рус химиği Д. И. Менделеев асосчиларидан бири бўлган иккинчи фараз тарафдорлари биринчи қараш тарафдорларига қарши туришган, улар яратган назариянинг ожиз томонларини аёвсиз фош қилишга киришишганди. Шу тариқа Москва, Ленинград, Киев, Львов, Боку, Новосибирск ва Тошкент олимлари ўз қарашлари бўйича икки умумий гуруҳга, яъни «органик»лар ва «ноорганик»ларга бўлиниб кетишган, Обид Муродович геолог бўлиб иш бошлаганидан буён «органик»лар сафидан ўрин олган ва Д. И. Менделеевдек фан даҳоларидан бирининг «панжасига панжа урмоққа» жазм этганди.

«Ноорганикларнинг танқидий қарашларига, — деб ёзади Обид Муродович ўзининг яқинда ёзган «Нефть ва газ муаммоси» деб номланган ғоятда маъроқли илмий-оммабоп рисоласида, — биз, органиклар, чидам билан жавоб бериб келдик. Шуни қайд қилиш керакки, ноорганиклар органиклар таълимотларининг назарий ва методик асосларини кескин танқид қилиб, уларнинг назарияларидаги етарли ҳал бўлмаган ёки шартли қабул қилинган бир қанча масалаларни очиб бердилар. Бор далилларни эса, «улар ҳали нефть ва газнинг органик моддадан ҳосил бўлганлигини узил-кесил ҳал қила олмайди», деб туриб олдилар. Уларнинг бу танқидий талабларини четлаб ўтиш нотўғри бўларди, албатта. Акс ҳолда соф илмий баҳслашиш қоидасини бузган бўлар эдик. Шу сабабли органик назария тарафдорлари бу танқидий мулоҳазаларни ўрганишга киришдилар, чуқур тажрибалар ўтказиб, аниқ фактларни қўлга киритдилар, улар аста-секин ноорганикларнинг барча даволарини йўққа чиқарди».

Кейинроқ ноорганиклар: «Органиклар ҳамон нефть ва газнинг органик моддага генетик боғлиқлигини исбот қила олмадилар», — деган яна бир жиддий даъво билан чиқдилар. Эндиликда асосий жумбоқ шу масала билан боғлиқ бўлиб қолди. Ҳақиқатан ҳам нефть ва газ органик модданинг «фарзанд»лари бўлса, унинг таркиби — «қорни»да «фарзанд уруғ»лари — карбонхидрогенлар бўлиши шарт. Бу факат назарий исботланган эди. Лекин тажрибада... Маълумки, тоғ жинсларида органик модда мавжудлигини аниқлаш уни куйдириш, ёндириш йўли билан бажарилади. Бунда тоғ жинси таркибидаги органик модда ёниб, гўё кажавадан чиқиб кетган «ажина»дек, йўқолади-қолади. Оқибатда олимлар уни бевосита текшириш имкониятидан маҳрум бўлишади. Бу эса, ноорганикларнинг яна «хуруж»га ўтиб, органик моддада карбонхидрогенлар йўқ, у органик моддадан ҳеч қандай шароитда ажралиб чиқа олмайди, дейишларига баҳона эди.

Хуллас, бевосита органик модданинг ўзида, унинг «фарзанди» уруғининг топилиш-топилмаслиги, Обид Муродовичнинг фикрича, нефть ва газ пайдо бўлиши борасидаги органик назариянинг ҳаёт-мамоти бўлиб қолди. Бироқ қандай қилиб тоғ жинслари қатламларидаги тарқоқ микроскопик органик моддани қўлга киритиш мумкин? Умуман, унинг концентрациясини олиш мумкинми?

Акрамхўжаев ўз шогирдлари билан биргаликда мазкур саволларга жавоб топишда изчил ва узлуксиз тажрибалар ўтказиб, шундай натижаларга эришдики, бу нефть ва газ геологияси фанида ҳали ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган муҳим воқеа бўлди.

Олим қатъият билан чўкинди ёки қолдиқ органик модданинг микро ва макродунёсини тадқиқ этишга киришди. Унинг мураккаб, ғоятда мустақкам ва турғун модда эканлигини аниқлади. Нефть ва газда унинг «фарзанди» бор-йўқлигини аниқлаш учун бир қатор тажриба ва изланишлардан сўнг ҳозирги энг нозик асбоблардан саналган ва ҳар қандай моддани атом ва молекуляр даражада ўрганишга қодир масс-спектрометрдан фойдаланди. Бунда физиклар ва кимёгарлар билан маслаҳатлашиб, мазкур асбобни ўз мақсадларига мослаштирди.

Шу тариқа Обид Муродович геология фани тарихида биринчи марта қолдиқ органик моддадан, мавжудлиги аллақачон назарий исботланган ноёб элемент — карбонхидрогенларни ажратиб олди ва яна кўпгина илмий тадқиқотлар, баҳс ва мунозаралардан сўнг нефть геологияси фани генетика соҳасининг Тошкентда туғилишига асос солди.

Бу ишларнинг асосий натижалари бўйича Обид Муродович ва унинг шогирдлари бир неча бор иттифоқ ва халқроқ анжуманларда иштирок этишди, кескин тортишуларга сабаб бўлишди. Ниҳоят, Москва, Новосибирск, Ленинград, Боку, Душанба, Ашхобод ва бошқа шаҳарларда илмий ижод қилаётган таниқли нефтьчи олимлар ўзбек геологлари қўлга киритган натижалар ҳақида ижобий фикрлар билдириб, матбуотда актив чиқа бошладилар. У нуқтани-назардан нефть геологияси бўйича иттифоқимизда машҳур олим, академик А. А. Трофимукнинг айтган сўзлари характерлидир:

— Мен, — деб ёзади у, — нефть геохимиясида катта ютуқлардан бири ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Масала шундаки, Акрамхўжаев ва унинг шогирдлари тадқиқотлари натижасида нефть ва газнинг пайдо бўлишида, нефть она қатламларини диагностика қилишда янги, ҳал қилувчи қадам қўйилди. Эндиликда бу натижалар ҳаёл эмас, балки аниқ асбоб-ускуналар берган хулосадир. Уларни ўрганиш нефть ва газнинг органик моддага генетик боғлиқ эканлиги, қандай чуқурликларда ва қай ҳолда бўлганликларини белгилаш имкониятларини беради... Бутун дунё нефть геохимиясида улар биринчи марта кенг миқёсда ёритилди, натижада улар келтирган маълумотлар ёрдамида органик модда пайдо бўлган нефть ва газ карбонхидрогенларининг қайси қисми кон ҳосил қилади, қанчиси она қатламида сақланиб қолганлигини айтиб берса бўлади. Менимча, бу тадқиқотлар иттифоқимиздаги барча лабораторияларда қўлланилиши керак. Мен нефть геологияси фани генетика соҳасининг Тошкентда пайдо бўлганидан ғоятда хурсандман.

Қат-қат ёшлик хотиралари, ҳаётидаги изланишлар, орзу-умидлар, изтироб ва зафарлар билан тўлган меҳнат йилларини эслар экан:

— Кўп нарсаларни билдик, — дейди Обид Муродович мийғида кулимсираб, — кўп сирларнинг тағига етдик. Лекин, ажабо, фанда қанча кўп билганинг сари, орттирган билиминг шунча оздай туюлаверар экан...

Биз олим билан чоғина илмий лаборатория хоналаридан бирида суҳбатлашиб ўтирибмиз.

Ҳозирги кунда Обид Муродович — фахрий пенсионер, аини вақтда ўзи узоқ йиллар мобайнида раҳбарлик қилган коллективнинг яқдиллик билан қабул қилган қарори бўйича институтнинг фахрий директори. Мен унинг сўнги йилларда ўтказаётган илмий тадқиқотлари билан қизиқдим.

Олим негадир энгил хўрсиниб қўйди-да, ўйчан ҳолда жавоб берди:

— Сўнги йиллар ичида нефть ва газ конларини алоҳида-алоҳида қидириш йўллари ва уларнинг мавжудлигини локал-структура ва конкрет регионларда башорат қилиш масалаларини ҳал қилишни режалаштирган эдик. Аммо афсуски, бу муҳим ишларимиз кечикиб кетди.

Обид Муродович яна бир зум ўйга толди-да, негадир гапни узоқдан бошлади:

— Ҳозирги кунда қайта қуриш, демократия ва ошқоралик ҳаётимизнинг мазмунига айланиб қолди. Янгича яшаш, янгича ишлаб, янгича дунёга қараш — партия ва ҳукуватимизнинг ички ва ташқи сиёсатида ўз аксини топмоқда. Бу соҳада мамлакатимизда инқилобий ўзгаришлар рўй бермоқда, янги кишилар етишиб чиқмоқда. Аммо демократия ва ошқораликдан ёт унсурлар — иш-ёқмаслар ва мансабпарастлар ўзларини ниқоблаш, аини вақтда ўзларнинг қора ниятларига етиш мақсадида фойдаланаётганликлари, натижада айрим соф виждонли кишилар ҳақ жойига қарор топгунига қадар маломатларга қолиб, мусибатларга дучор бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Сўнги икки йил мобайнида мен ҳам шундай маломатларга йўлиқдим. Бундай вазият бир-икки амалпараст ва иш-ёқмас ходимларнинг мен ва институтимиз устидан ёғдирган тўхмат тошлари тўфайли юзага келди. Бу ҳақда ўзим ҳам хотиралар ёзиш ниятидаман. Шунда ҳаётимнинг бу оғир ва мурраккаб чорраҳаларида ўтган нотинч кунлар ва уйқисиз тунларнинг, ундаги айрим «дўстлар» ва «шогирд»ларнинг турланишлари ва бошқа кечмишлари ҳақида ёзиб, бир қадар ҳовурирдан тушарман, деган умиддаман.

Лекин сизга фақат шунга айтишим мумкин: отилган қора тошлар, тўхмат ва ғаламисликлар мени буқолмади. 30 йил мобайнида институтимизнинг яратилиши ва юксалишида озми-кўпми қилган меҳнатим зое кетмади. Коллектив саноқсиз ёзилган хатлар бўйича тузилган ўнлаб комиссияларнинг тафтиш ишларида фаол қатнашиб, мени муттасил қўллаб-қувватлади, ниҳоят, ҳақиқат қарор топди. Бироқ энди улар ўз ғаламисликларини бошқа, янада аянчли шаклда давом эттирдилар. Ҳужумни институт ва менинг сафдошларим ҳамда шогирдларим билан ҳамкорликда қўлга киритган катта илмий кашфиётга қаратдилар. Бу кашфиёт Иттифоқда қарийб барча нефть ва газ геологияси соҳасида илмий-тадқиқот институтларида қўллаб-қувватланган, Ўзбекистон ва СССР Фанлар академияси Президиумларида бир овоздан тасдиқланган ва СССР ихтиро ва кашфиётлар Давлат Комитети томонидан 1985 йилда рўйхатга олинган бизнинг (Акромхўжаев, Амирханов, Қиршин) кўп йиллар давомида олиб борган чуқур экспериментал ишларимиз натижаси эди. Яна комиссия тузилди. Бу гал комиссия составига юқори малакали мутахассислар: Ўзбекистон ФАнинг академиклари, мухбир аъзолари, фан докторлари ва ишлаб чиқаришдаги етук олимлар жалб қилинди. Улар ҳар томонлама текшириб, кашфиёт ҳақида ёзилган барча даъволарни тамомила асоссиз деб топдилар, ҳатто «бу даъволарда институт олимлари ва умуман Совет фанига нисбатан тўхмат ёғдирилгани» қайд қилдилар ва комиссия «хат авторлари ўзларининг тор мулоҳазалари билан кашфиёт соҳани» қайд қилдилар ва комиссия «хат авторлари ўзларининг тор мулоҳазалари билан кашфиёт соҳани» қайд қилдилар ва комиссия «хат авторлари ўзларининг тор мулоҳазалари билан кашфиёт соҳани» қайд қилдилар ва комиссия «хат авторлари ўзларининг тор мулоҳазалари билан кашфиёт соҳани» қайд қилдилар. Буни ва хатда ёзилган барча ноҳақликларни кўзда тутиб, комиссия Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан хат авторларига кескин чора кўрилишини илтимос қилди. Бироқ, афсуски, ўшанда на Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, на республика геология Министрлиги томонидан ҳеч қандай чора кўрилмади. Сув маълум даражада лойқалигича қолаверди.

Янги хатлар ёзилди. Ниҳоят, улар институтда олдин очик, кейин ёпиқ партия мажлисида кўрилиб, барча партия аъзолари ва институт активи томонидан кескин қораланди.

Олимнинг гапларини тинглarkanман, беихтиёр ўзбек халқининг «Олтин зангламас» деган қадимий мақоли ёдимга тушди. Бу мақолни Обид Муродовичга ўхшаган одамларга ҳам бемалол тадбиқ қилиш мумкин.



ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЕЗИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

ҲИС ЭТИБ ЯШАЙМАН

Революцион ғоявийлик билан суғорилган ўзбек совет адабиёти ва музика маданиятининг асосчиси Ҳамза ижоди Муҳиддин Қори Ёқубов фаолиятида катта ижодий мактаб ролини ўтади. У Ҳамзанинг ҳаётни революцион қайта қуришга ундовчи жангвор руҳдаги «Яша, Шўро!», «Ҳой, ишчилар!», «Ишчилар уйғон!» каби кўшиқларини зўр истеъдод билан куйлай бошлади. Айни фурсатда Қори Ёқубов Ҳамза раҳбарлигидаги Фарғона труппасининг етакчи актёри ҳам эди. Қори Ёқубов «Бой ила хизматчи» пьесасидаги Солиҳбойни, «Фарғона фожiasi» трилогиясидаги Фотиҳ, «Тухматчилар жазоси»даги Қосимжон ролларини биринчи марта ўзбек сахнасида ижро этган актёр сифатида шухрат қозонди. Шу маънода ўзбек этнографик музика ансамблининг туғилиш, шаклланиш жараёни доимо Ҳамза назоратида бўлган. Ансамблнинг ғоявий негизи, репертуардаги ҳар бир янгилик Ҳамзанинг илғор, революцион, халқ ҳаётини қайта қуриш руҳидаги ижодий дунёқараши билан суғорилган эди.

Бу ҳақда этнографик ансамблнинг аъзоларидан бири — 82 ёшли отахон Низом Холдоронинг хотиралари ансамбль тарихини ёритишга ва ўзбек этнографик музика ансамблининг туғилиши ва шухрат қозонишида Ҳамзанинг роли бағоят катта эканлигини тасаввур этишимизга ёрдам беради.

Маълум бўлишича, 1924 йилда ёш Низом Фарғонада муаллимлар тайёрлаш курсини тамомлаб, Шаҳрихон атрофидаги Сарой қишлоғига муаллим бўлиб келади. Кундузи мактабда дарс бериб, кечаси чойхонада катта ёшдагиларга савод ўргатишга киришади. Навбатдаги кечки сабоқни бошлашдан олдин Низом чойхонада нотаниш 2—3 нафар бегона башараларни кўриб қолади. Шу пайт чойхоначи амаки Низомни имлаб чақириб кетади-да, ўтирганлар босмачилардан эканини, муаллимни излаб келганини айтиб тезда бу ердан кетишини тушунтириб, уни чойхонанинг орқа эшигидан чиқариб юборади. Босмачи одамлари буни сезиб қолиб, Шаҳрихонга кириб келадиган кўприккача қувиб келишган ва қайтиб кетишган. Чунки кўприкда хушёр халқ кўриқчилари бор эдилар. Шундан сўнг чойхонадаги кечки ўқишни тўхтатиб, ўқув йили охиригача кундузи мактабда дарс берган.

Ўқув йили тугагач, Низомни Фарғонага уч ойлик малака ошириш курсига ўқишга юборишган. Уша ўқиш жараёнида Низом ўз курсдош ўртоқлари билан Қори Ёқубов ва Ўзбек этнографик музика ансамблининг томошасини бориб кўришади.

«Чунки санъатни жуда севар эдим, — дейди Низом ота биз билан суҳбатда. — Уша Шаҳрихонда халқ мактабида ўқиб, савод чиқариб юрган кезларимда Ҳамза бир неча марта мактабимизда бўлган, ҳатто адабиёт ва ашуладан дарс ўқитган эди. Ўқувчилик йилларимдаёқ мен ашула айтиб, у кишининг олқишига сазовор бўлган эдим».

Кеча сўнгида Қори Ёқубов томошабинларга қарата:

— Ораларингизда ҳаваскорлар бўлса ариза беришсин, талантларини ансамблимизга танлаб оламиз, — деб мурожаат қилади.

Томошабинлардан 53 киши эртаси куниёқ ариза кўтариб келишади. Булар орасида Низом ота ҳам бор эди. Уларни «Дехқонлар уйи»да кўриқдан ўткази бошладилар. Кўриқ комиссияси составида эса шоир ва драматург Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий, Йўлдош ота Охунбобоев, Муҳиддин Қори Ёқубов, Тамарахоним ва бошқа труппа аъзолари иштирок этадилар.

— Мен кўриқдан ўтишимга ишонган эдим. Чунки Ҳамза ака ва Йўлдош ота менинг санъатдан хабардор эканлигимни билишарди, ашулаларимни эшитишган эди-да, — деди кулимсираб Низом ота. — Ҳақиқатдан ҳам ишонганим бўлиб чиқди. Кўриқ жараёнида Ҳамза ака мени таниб қолдилар.

— Э, таажжуб! Муаллим Низомиддин-ку бу! Комиссия аъзоларига қараб: халқ мактабида таълим олганида, уни ўқитганман.

Бу гапни эшитиб Йўлдош ота ҳам ялт этиб менга қаради ва у киши ҳам дарров таниди: — Ҳа, бу йигитни мен ҳам танидим. Шаҳрихондаги Назирбекнинг жияни. Қани ўғлим, бошланг ашулангизни, дедилар. Мен ўшанда «Баёт III» ва «Парвонаман» ашулаларини айтиб бердим. Менинг овозим ва айтиш услубим уларга манзур бўлди шекилли, розилик билдиришди. Мен улардан муаллимликдан жавоб беришармикан деганимда, Ҳамза ҳам, Йўлдош ота ҳам: — Парво қилманг, бу ёғини ўзимиз ҳал қиламиз дейишиб, мендан ташқари яна икки ҳаваскорга эртага келишликни тайинлашди. Эртасига борганимизда фақат мени олиб қолишди-да, икки ҳамроҳимга жавоб беришди, — деб хотирлади Низом ота.

Шу воқеа сабаб Низом Холдорон Қори Ёқубовнинг бўлажак ансамблига аъзо бўлиб, санъат йўлидаги ишга киришади. Ансамбль аъзолари уч ой «Дехқон уйи» айвонида машқ қилишади. Ҳамза ҳам тез-тез келиб уларга кўшиқлар ўргатиб, қимматли маслаҳатлар бериб туради. Этнографик ансамбль составида: Муҳиддин Қори Ёқубов, Тамарахоним, Юсуфжон қизик Шакаржонов, Уста Олим Комилов, Аҳмаджон Умрзоқов, Тўхтасин Жалилов, Абдуқодир Исмоилов, Муҳиддин Хўжа, Жўраҳон Султонов, Мадаминжон Исҳоқов, Орифжон Тошматов, Давлат Охунов, Низом Холдорон, Мамат бобо, Худойберди ва Отахўжа Саидхўжаевлар каби 16 кишидан иборат ажойиб санъаткор-

лар бўлган. Ансамблнинг репертуари бадий намунавий, илмий-этнографик ва маданий-маърифий мавзулардаги қўшиқ ва томошалардан ташкил топган. Қори Ёқубовнинг уйида Тамарахоним ҳамда Низом акалар туришган. «Дехқон уйи»да эса ҳар куни машғулотлар ўтказишган.

Ансамбль репертуари пишиб етилгандан сўнг, уни Наркомпрос давлат ҳисобига ўтказиш ҳақида буйруқ бериши лозим эди. Шу мақсадда Қори Ёқубов Ҳамза билан бамаслаҳат Наркомпросга хат йўллашади. Кўп ўтмай Самарқанддан Наркомпросдан Қори Ёқубов номига телеграмма келади. Уша дамда Ҳамза ҳам шу ерда бўлган. Телеграмма мазмуни хотирамда муҳрланиб қолган. Унда: «Муҳиддин Қори Ёқубовга. Сиз бошлиқ ўзбек этнографик ансамбли давлат ҳисобига қабул қилинмайди», — дейилганди.

Бу ҳам Ҳамзага, ҳам Қори Ёқубовга, қолаверса, биз ҳаммамизга қаттиқ зарба эди-да, деб эслади Низом ота. Улар телеграмма мазмунини артистларга сездирмасдан, эртага келасилар бугун машғулот ўтказилмайди, дейишиб жавоб бериб юборишади. Сўнгра Ҳамза билан биргаликда туртовлари Қори Ёқубовнинг ҳовлисига келишади. Ҳамма жим, ичида изтироб ва алам, қалбларда чексиз ғалаён. Ҳамза ниҳоятда асабий ва тажанг қиёфада кўзларидан ўт чакнайди. «Уша дамда Ҳамзанинг юзига тик боқишга ҳар кимнинг ҳам бардоши етмасди, — дейди Низом ота. — Ҳаммамизнинг ичимизда аланга ёнарди, танамиз эса гўё ёғда қовуриларди. Ҳаммамизни фақат нега? Нега қабул қилишмайди? Сабаби нимада? деган савол қийнарди. Муҳиддин Қори Ёқубов ўзининг сочларини тортқилаб, юлиб, йиғи аралаш: — Бу қанақаси, энди нима деган одам бўлдим, одамларимга нима дейман?! Маслаҳат беринглар, ўртоқлар! Наҳот, бизнинг мақсад ва ғояларимизни тушунишни исташмаса? Бу нима деган гап, ҳақиқат борми, ўзи? Бўлди, бас, Марказий Комитетга бутун аъзоларимиз билан борамиз вассалом! Шу дамда Муҳиддин Қори Ёқубовнинг ёдига уч ойдан бери ансамбль аъзоларининг маошсиз ишлаётгани ва йўл харажатлари тушди шекилли, бирдан йиғидан тўхтади. Менга юзланиб: — Уғлим, сен чойхонага боргин-да, Йўлдош бонг деган йўғон ўртоғим бор-ку, ушани чақириб келгин, — дедилар.

Ҳамза бу пайтда асаблари таранг бир ҳолатда у ёқдан, бу ёққа юриб турарди, ниҳоятда хафа эди. Мен тезда чойхонага бориб Йўлдош акани айтиб келдим.

Йўлдош ака келгач, биз дастурхон атрофига ўтиришиб бир пиёладан чой ичган бўлдик. Кейин Муҳиддин ака кўзига ёш олиб, Йўлдош акага юзланди-да:

— Ўртоқ, сендан бир илтимосим бор.

— Хўш, бош устига, нима экан?

— Ота-онамдан қолган ҳовли-жойни сотиб берсанг. Қанчага олса ҳам мен розиман.

— Майли-ку, сингилларингни қаёққа кўчирамиз?

— Бирорта жой топиб ижарага ўтказамиз (Уша ҳовлида Муҳиддин аканинг сингиллари Иқлим-ой опа ва Умринисо опалар оиласи билан туришарди). Ҳамза чидаб туролмади. Наркомпросдан ўта норози кайфиятда шахд билан туриб чиқиб кетди. Йўлдош полвон уч куннинг ичида жой топиб уларни жойлади, ҳовлини 6,5 минг сўмга сотди. Қори ака Йўлдош бонгга раҳмат айтиб, шу пул ҳисобидан труппа аъзоларига маош тариқасида 4 минг сўмини тарқатди. 2,5 минг сўмни менга берди, — дейди Низом ака.

— Эртагаёқ ҳаммамизга билет олиб келинг, Самарқандга жўнаймиз, қолган пулга, сиз кассир-сиз. Эртаси куни поездда бутун состав билан Самарқандга жўнадик.

Коллектив Самарқандга етиб боргач, Юсуфжон қизиқ ва Абдуқодир найчининг таниши бўлган ашулчи Ҳожи Абдулазизнинг уйига боришади. У киши меҳмонларни бажонидил қабул қилиб, уларни меҳмонхонасига бошлайди ва Тамарахонимни аёллар олдига олиб бориб қўяди. Мезбон меҳмонларни жуда яхши кутиб олади ва нима мақсадда келганларидан хабардор бўлади. Ансамбль аъзолари Ҳожи Абдулазизнинг уйида 3 кун туришади. У кишининг ёрдами билан Республика Халқ Комиссарлари Советининг раиси Файзулла Хўжаев ҳузурига Қори Ёқубов, Тамарахоним, Низом акалар Абдулазиз ака бошчилигида кирадилар.

— Бизни навбатсиз қабул қилди Файзулла Хўжаев, — деди Низом ака. — Тўрт киши кириб борганимизда Ф. Хўжаев ўринларидан туриб келиб, биз билан иссиқ кўришиб, сурашиб, ўтиришга таклиф қилдилар ва ўзлари ўринларига ўтирдилар. Сўнгра бизга савол ташлади:

— Хўш, нима хизмат?

Шу пайт Қори акам ўринларидан туриб гапира олмай йиғлаб юбордилар. Сўнгра Файзулла Хўжаев Тамарахонимга юзланди:

— Нима гап?

Тамарахоним эса:

— Мен гапирадиган гапни бизнинг иш бажарувчимиз Низом Холдороров гапириб берадилар, — деди-да ўтирди.

Мен ўрнимдан туриб, аввал телеграммани Хўжаев қўлига бердим, сўнг бор гапни бир бошдан, ҳатто Қори акамнинг ҳовлисини сотганигача гапириб бердим.

Файзулла Хўжаев гапларини тингларкан, бир зум чўқур хаёлга чўмдилар-да, бизга:

— Хафа бўлманглар, ҳаммасини ҳал қиламиз, — деб ўша фурсатда Наркомпросга — Рамзийга телефон орқали боғланди. Салом-алиқдан сўнг, буйруқ оҳангида:

— Фарғонадан Қори Ёқубов бошлиқ этнографик музика ансамбли келган, зудлик билан театрга буйруқ беринг, эртага кўзларни тайёрласин. Тегишли ҳукумат кишиларига хабар беринг, эртага соат бирда менинг шахсан иштирокимда ансамблини кўриқдан ўтказамиз, — деб трубкани қўйдилар.

Биз у кишининг рухсати билан чиқиб, ўзимизда йўқ қувониб, тайёргарликни бошлаб юбордик. Зал одамга лиқ тўла. Олдинги қаторда ҳукумат комиссия аъзолари. Программани конференц сифатида мен олиб бордим. Сўнги номерларни эълон қилганимдан кейин, менинг олдимга Ф. Хўжаевнинг Абдулла исми (фамилияси ёдимда йўқ) ёрдамчиси чиқиб:

— Республика Марказий Комитетининг ва Халқ Комиссарлари Советининг аъзолари қолсинлар, деб эълон қиларкансиз. Ф. Хўжаев айтптилар, — деди. Эълондан сўнг» томошабинлар чиқиб кетишди. Ҳукумат аъзоларига тезда театр фойесига жой тайёрладик. Ҳамма жойлашгач, Ф. Хўжаев:

— Уртоқлар, бу концерт программаси сизларга маъқул бўлдими ёки ёқмади? — дея савол билан мурожаат қилдилар.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Сўнг яна ўзлари:

— Уртоқлар, этнографик музика ансамбли кўрсатган концерт программаси менга жуда ёқди. Энди асосий масалага келсак, уни давлат ихтиёрига олиш ҳақида менинг таклифларим қуйидагича, ҳолисона баҳоланганда ҳам шундай бўлиши керак:

1. Ўзбек Этнографик музика ансамбли шу бугундан эътиборан Давлат ҳисобига қабул қилинсин.

2. 3 кун ичида ансамбль коллективини жой ва керакли жиҳозлар билан таъминлаш шаҳар Советига юклатилсин.

3. Республика Халқ Маорифи Комиссари Рамзийга топширилсин;

а) Қори Ёқубов ҳовлиснинг пули бир сутка ичида эгасига қайтариб берилсин ва ҳовли-жойи ўзига қайтарилсин;

б) Концерт программасини республика бўйлаб намойиш эттириш таъминлансин;

в) Ансамблнинг Иттифоқ бўйлаб сафарига рухсат берилсин (мен бунга А. В. Луначарскийдан ўзим рухсат олиб бераман);

г) Коллектив учун керакли кийим-кечак, музика асбобларига, афишаларга буюртма бериш таъминлансин.

Шундай қилиб, Ўзбек этнографик музика ансамбли ўзбек санъати тарихида муҳим воқеа бўлиб, 1926 йил 1 апрелда ташкил топади.

Этнографик ансамбль бир йилдан кейин Иттифоқ бўйлаб гастролга чиқади. Иттифоқ маркази Москвада, сўнгра Ленинград, Қозон, Уфа ва Боку каби шаҳарларда ўз репертуарини намойиш қиладди. Ансамбль аъзолари катта гастролдан сўнг меҳнат отпусчасига чиқади. Дам олишдан қайтгач, коллектив яна Самарқанддаги «Мадрасаи турба»ни қароргоҳ этиб, жойлашади.

Бинонинг чап томонидаги ҳужраларда этнографик музика ансамбли аъзолари, ўнг томондаги ҳужраларда (Ҳамза асос солган) Миршохид Мирқоиллов труппаси аъзолари турадилар.

— Бир кунни кундуз соат бирларда ҳужра айвонида ижодий мулоқат қилиб ўтиргандик. Мадраса дарвозасидан қўлтиғида қоғоз тўла папка билан устозимиз Ҳамза кириб келдилар, — деб эслайди Низом ота Холдороров. — Ҳаммамиз гурр этиб ўрнимиздан туриб салом бердик. Мен югуриб бориб устознинг қўлларини олиб, ҳужрага таклиф этдим. Иккала коллектив аъзолари югуришиб Ҳамза билан куришдилар, ҳол-аҳвол сўрашдилар. Сўнг Муҳиддин Қори Ёқубов Ҳамзани ҳужрага бошлаб кирди. Ҳамза ниҳоятда хафа эди. Биз ҳар биримиз у кишининг кўнглини олиш учун ҳаракат қилардик. Бир зумда чой, овқат келтирдик. Лекин Ҳамза на чой ичди, на овқат еди. Сўнг одам сепсилгач, ҳужрада Муҳиддин Қори ака, Тамарахоним ва менга воқеани айтиб берди. Папкадаги қоғозлар унинг асарлари экан, лекин Наркомпрос улардан бирортасини ҳам қабул этмабди. Ҳатто мудир «Қора соч» операсини қўлига олиб икки минутлар чамаси варақлаган бўлиб, ўша асар варақлари билан Ҳамзанинг юзига уриб: Сенинг пьесанг ҳеч қаерда босилмайди ва қўйилмайди. Сен замонага кераксиз одамсан, деб ҳақдаб қичарибди. Биз аввал донг қотиб қолдик. Сўнгра Қори Ёқубов, Тамарахоним ва мен ҳаммамиз:

— Хафа бўлманг, сиз улуг одамсиз, у эшитмаса, сизни халқ эштади, сизнинг асарларингиз халқ учун керак, биз учун, труппаларимиз учун керак, — дея кўнглини ёритишга уриндик. Шунда Ҳамза:

— Дарвоқе, халқни учун керак, ҳа, ҳа. Мен ва сиз шу халқ учун яшашимиз, ижод қилишимиз зарур, улар вақтинча, ўткинчи тош юрак раҳбарлар бўлса, шуларни деб ижоддан, халқдан чекиниш ўта ноҳақлик бўлар, — дедилар-да дарров ўзларини ўнглаб олдилар. Сўнгра биз билан маълум муддат қолиб ҳар иккала коллективга ёрдам беражагини, ижод қилажагини, баъзи асарларини қайта кўриб чиқажагини айтдилар. Муҳиддин ака менга қаради. Мен дарров англаб ўзим ётган ҳужрага қаравот ва кўрпа-ёстиқ олиб кириб жойлаштира бошладим. Ҳамза ака буни сезиб:

— Мулла Низомиддин, менинг қаравотимни дераза тагига қўйинг, — дедилар.

— Ҳўп, домлажон, — дедим-да, Ҳамза ака ўйлагандан ҳам аъло даражада жойни тайёрладим. Муҳиддин ака Ҳамзага қараб: — Низомиддин ўзингизнинг шоғирдингиз, бирга туриб ижодингизни давом эттиравингиз. Сиз бўлсангиз, биз ҳам бағримиз тўлиб нафас оламиз, — дедилар.

Ҳамза Қори Ёқубовга миннатдорчилик билдириб, ўзига қилинган жойни кўрган заҳоти кўнгли тўлди шекилли:

— Раҳмат, мулла Низомиддин, фалакнинг гардишини қарангки, мана сизга дарс берганим ҳосилини кўриб, беҳад қувондим, — дедилар.

Шундан сўнг Ҳамза билан ўша ҳужрада бир ярим ой чамаси бирга яшаб, у кишининг хизматларида бўлдим. Ҳамза ниҳоятда камгап ва жиддий қиёфали киши эди. Бирор ноҳўя ҳаракатни сезиб қолсалар шундай бир қараб кўярдилар. Шунинг ўзи биз учун кифоя бўларди. У киши танбەҳ бериб, уришиб, сўкиб ўтирмасди. Бутун дилидагини кўз қараш билан ифодалаб кўя қоларди. Биз яшаган «Мадрасаи турба» рўпарасида икки қаватли ошхона бўларди. У ерда Абдуғаффор ака деган афғон ошхона мудир эди. Ана шу ошхонага Ҳамза билан тез-тез чиқиб турардик. Эрталаб туриб Ҳамза юз-қўлларини ювиб менга ҳазиллашиб, тожикча оҳангда (мен тожикчани яхши гапирардим, дадам тожик бўлган):

— Мулла Низомиддин, як чойи кабут ичамизми? — дерди. Мен дарров бунга розилик билди-рардим. Ўша кезларда биз Ҳамзанинг «Сайлов олдида», «Бир эшон ўпкасига жавоб» номли диалог тарзида ёзилган асарларини ҳам саҳналаштирдик. Бир кун Ҳамза Қори акамга мурожаат қилди:

— Менинг иккита ашулам бор, шуни мулла Низомиддинга ўргатсам, — дедилар.

Қори акам ва мен жон деб рози бўлдик. Бу Фурқатнинг «Сайдинг кўябер сайёд» мусаддаси эди. Ҳамза унга икки хил куй яратиб, икки усулда куйлашга ўргатди. Биринчиси хор бўлиб айтиларди, иккинчиси якка ижро этиларди. Ҳамза дастлаб куйни ўзининг мандалинасидида басталаб ижро этдилар. Ҳайит охун эса бу куйни танбурга кўчирди. Мен эса бу икки ашулани мароқ билан берилиб ижро этадиган бўлдим. Уни илк бора инқилоб байрамига бағишланган концертда айтганман. Бу кўшиқни биринчи бўлиб Ҳамза яратган куй асосида халққа етказганимдан ўзимни ҳамон бахтиёр

деб биламан. Ҳозир 82 ёшдаман, лекин кўриб турибсиз, бардамман. Юрагимга Ҳамза солган ўша тўлқин ҳозир ҳам қалбимда тебраниб ётибди...

Бир куни Ҳамза Қори акам билан гаплашиб ўтириб:

Сафарим қариди, — деб қолдилар. Хужрага кирганимизда гап орасида менга:

— Пьесаимизни қабул қилмадилар. Агар уни қабул этиб пулини берганларида Фарғонада бир рус аёлининг пианиносини сотиб олишга гаплашиб келгандим. Афсус, бўлмади... Шунда мен домлажон, шошмай туриг, дедим-да, чиқиб кетдим. Қори акам билан Тамарахонимга бу ҳақда маслаҳат солдим.

— Ҳамза ака Фарғонага кетмоқчи ва у ердан пианино олмоқчи экан, лекин пьесаларини қабул этмагани учун уни олишга пули йўқ. Келинг, биз ёрдам қилайлик Қори ака, — дедим.

Қори акам маданиятли ва маърифатли одам эдилар. Ўйланиб туриб:

— Ўғлим, сиз нима дейсиз, — дедилар.

— Келинг, Қори ака, душанба дам олиш кунимиз эски шаҳардаги хотин-қизлар клубида Ҳамза ака шаънига концерт берайлик. Тушган маблағни Ҳамза ака пианино олишга сарф этсинлар. Ахир пианино Ҳамза аканинг ўн йиллик орзуси.

Бу таклифимдан сўнг Қори акам ўринларидан туриб, мени ўпиб:

— Баракалла ўғлим, жуда аъло таклиф, Ҳамзага ёрдам қилиш керак, — дедилар.

Сўнг Йўлдош Охунбобоевнинг розилиги ва маслаҳати билан концерт афишасини «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий фойдасига» деган ёзув билан чиқариб концерт бердик. Шу кеча 3600 сўм тушган экан. Пулларни Аҳмаджон қўшнаичининг тўрт газлик белбоғига узун қилиб тахлаб, Ҳамза аканинг устки кийимлари тагидан белига боғлаб, у кишини Фарғонага поездда кузатдик. Ҳамза бизга раҳматлар айтиб хайрлашди. Бу — шоир билан сўнгги хайрлашув эканлигини ҳеч қайсимиз билмасдик...

Ҳамза билан видолашувим эса Шоҳимардонда 1929 йил 19 мартда бўлган эди. Чунки мен дафн маросимида вакил сифатида иштирок этгандим. У кунни эслаш жуда оғир... Юрагимда шоир қолдирган тўлқин гупурарди... Ҳали-ҳали ўша тўлқин зарбини қалбим қирғоқларида ҳис этиб яшайман.

Норқул БЕКМИРЗАЕВ,
филология фанлари кандидати



Норқул Тилавов

ДАРАЛАРНИ ГУМБУРЛАТГАН ДЎМБИРА

1. Баҳор келиб, авжи баҳор кетган қуш

«Қодир бахшини кўриш, дostonларини тинглаш, суҳбатини олиш шарафига ноил бўлдим. Бахшининг аytувлари минбаъд қулоғим тагидан кетмайди, кўришганда кафтимга олган қўлларининг тафти сўнмайди...»

Мен бу хилдаги гапларни турли қасб эгаларидан, турли ёшдаги одамлардан кўп бор эштаман ва бу хил гаплардан бахшининг одамлар қалбида из қолдирганини, тирик эканини ҳис қиламан.

Қодир бахши бахшиларнинг бахшиси эди. У икки марта Парижда бўлиб ўтган халқ ижодиёти-нинг халқаро VI (1974 йил), VII (1980 йил) конгресслари лауреати, республика бахши шоирларининг ҳар икки-уч йилда бир ўтказиладиган кўрик-конкурсларининг доимий ғолиби (олти марта), халқаро олтойшунослар конференцияси иштирокчиси, Шарқ халқлари эпос музикаси халқаро конференцияси (Олмаота) совриндори эди. Ун бир дoston, сон-саноксиз термалар муаллифи (сонини ўзим ҳам билмайман, неча кун айтган билан охири кўринмайди, дегувчи эди унинг ўзи), СССР Езувчилар союзининг аъзоси Қодир бахши Раҳим ўғли Урта Осиёни пиёда кезиб чиққан, элу элатлар, манзил-лар табиатини теран ўрганган инсон эди...

У бир термасида баайни ўз ҳаёти, дунёнинг омонатлиги, эзуликнинг боқийлигини таърифлаб, Махтумқули услубида шундай куйлагани ёдимда:

**Қизиқ экан дунёнинг ишлари,
Баҳор келиб, кuzда кетар қушлари.
Навбат кутмас экан қари ёшлари,
Қари-ёшга, ота-улга, ул отага меҳмондир.
Дунёнг ёронлар каптархонадир,
Бири учиб кетиб, бири қўнадир.
Бир кун келиб танда жонни оладир,
Бу танага танда жонинг меҳмондир.
Кимлардан қолмади ёронлар давлат,
Орқада ота, деса гар фарзанд.
Бир-бирингни ҳурмат айла одамзот,
Бугун кўрган инсон эрта меҳмондир.
Фарзанд билан одамзотда из қолар,
Пари-пайкар ўтса ундан ноз қолар.
Шоир келса дона-дона сўз қолар,
Шоир кетар, айтган сўзи меҳмондир.**

Қодир бахши куйлаган дostonларда воқеаларнинг фавқулодда тизими, қадимий дostonларни ўзгача маҳорат билан янгича қилиб айтиш санъати, термаларидаги кутилмаган ўхшатишлар, қиёс-лашлар, бўрттиришлар, ҳайратомуз тўқималар тингловчини лол қолдиради.

«Зўр бахшилар ўзи дунёга бир келади. Эргаш Жуманбулбул, Фозил Йўлдош, Пўлкан шоир, Ислom шоир, Абдулла шоир, Умр шоирдан кейин Қодир туради. Қашқа-Сурхон элида ундай ҳофи-зай-куваати зўр бахши ўтган эмас...»

Бу элу халқнинг уни эслаб давраларда, йиғинларда айтган фикрларидан бир шингил холос. Ҳолбуки, уни қанча мақтасалар, кўтарсалар шунча арзийди. У қатнашган айтишувларда салобат, мазмун устунлик қилар, ҳеч ким ундан ўтказиб бир нима дейишга журъат этолмасди. Баъзан, «бах-шичиликдан чиққан артистлар»гина уни менсимай, давраларда олифtagарчиликлар қиларди, аммо Қодир бахши бир терма ёки дostonдан парча айтиш, оригинал куй чалиш билан уларнинг «белини синдириб», ақлини жойига киритиб қўйган ҳоллар кўп бўлган. Агарда кўрик-конкурсларда бахши-ларга ўрин беришни жюри томошабинларнинг ўзига ҳавола қилганда ҳам барча бир овоздан уни кўрсатган бўларди. Аслини олганда фахрли ўрин, мукофот деганлари бахши учун ўткинчи бир нар-са эди. Бунга эътибор ҳам қилиб ўтирмасди. Халқнинг юрагидаги унга бўлган муҳаббат, соғинч, иззат-икром, ҳамма юксак унвону мукофотлардан устун турарди.

**Булбуллар сайрайди аввал гул билан,
Бахшиларнинг кетай тўғри жўлидан.**

Қайси термалардан айтай дўстларим, Айтай даврага шоир тилидан.

Гоҳо ҳаёт ташвишларидан юрак зада бўлганда унинг ўзидан ёзиб олган магнит ленталарини кўйиб эшитаман. Бахшнинг дўмбирани ўйнатиб чертиши, кўзини чирт юмиб, лабининг бир четини жийриб куйлаётгани кўз олдидан ўтаверади. Оғир, қалбга муҳрланиб қолган оҳанглар янграйверади, аста-секин, турмуш ташвишлари узлатга чекинади, юрак енгил тортади, йўғон, ёқимли овози, терма, дostonлардаги мазмун ўхшатишлар, сўз ўйинлари, сўзни танлаш, сатрларнинг куймалиги дилга ҳайрат, завқ солади. Қулоғинг остида кўпқари, курашларнинг, жангларнинг қадимий суронлари эшитилгандек бўлаверади. Шу нарса туртки бериб, Қодир бахши қатнашган давралар, куйлаш манераси, учрашувлар, суҳбатлар бирин-сирин ёдга тушаверади.

Бундан беш-олти йил олдин, тўқсоннинг қор-қировли кунларининг бирида Деҳқонободда катта тўй бўлган эди. Унда Қодир бахши албатта қатнашиши, катта кўпқари ва олиш бўлишини эшитган элу халойиқ тўйхонага оқаверди. Одам дегани ҳеч қаёққа сиғмай, меҳмонхоналар, сойлар, қирлар тўлиб кетди. Тўй эгасининг илтимоси бир ёқда қолиб, Қодир бахши халқнинг талаби билан очиқ майдонда кунбўйи, ҳам кечаси алламаҳалгача куйлади. Ярим тунда озгина дам олиб, тонг сахар яна давом эттирди. Шунда тўй кайвонилари келиб, унга айтишди: «Илтимос, Қодир ака. Кўпқарини чиқарайлик. Чавандозлар кутиб қолди. Сиз ҳам эл қатори томоша қилинг. Бахши рози бўлиб, бир отни минганча, дўмбирани қўлтиқлаб, кўпқари бўлаётган ҳоварга борди. Улоқ учун кураш қизигандан-қизиди.

Баланд қирга йиғилиб, кўпқарини томоша қилаётган халқ Қодир бахшини отдан тушириб, ўртага олиб кирди. Одамлар унга: «Бахши бува, кўпқари ўз йўлига, бўлаверади. Сиз тўртта-тўртта эрмак қилиб турунг. Бу ёқда уни ям кўраверамиз», дейишди. Бахши одамлар раъйини қайтаролмай, тўхтаган жойидан бошлаб юборди. Унинг овозини эшитган эл бирин-кетин даврага оқиб келаверди. Бир пасда одамларнинг ҳаммаси унинг теварагига йиғилиб, кўпқарини томоша қилдиган қолмади. Бора-бора кўпқари совуб, чавандозлар норози бўла бошлади. (Ахир, ҳар қандай томоша мухлислар билан қизиқ-да.) Тўй эгалари келиб яна бахшига: «Кўпқарини тугатайлик, навбат тагин сизники...» дейишди.

Қашқа ва Сурхон бахшилари мириқиб, яйраб суҳбат қурган, улар ҳаётида умрбод эсдан чиқмайдиган йиғин 1984 йилда бўлган эди. Май ойининг охирларида Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси, Республика ёзувчилар союзининг ҳамкорлигида деҳқонободлик машҳур халқ бахшиси, Шерна дostonчилик мактабининг таниқли вакили Умр шоир Сафар ўғли таваллудининг 90 йиллиги кенг нишонланди. Бу тантаналарда қатнашиш учун республикамизнинг бир гуруҳ ёзувчилари, олимлари Деҳқонободга ташриф буюришди. Бу ёқдан эса Қашқа ва Сурхон элидан йиғилиб келган жамийки бахши ўзларига бўлган ҳурматдан қувониб, бири кўйиб иккинчиси куйлаб ётибди. Қодир бахши ўқтамлиги, салобати билан бошқалардан ажралиб турарди. Қайси давра бўлмасин меҳмонлар ва мухлислар энг аввало уни йўқлашади, айтиришади. Бахшнинг димоғи ҳаддан чоғ. Устози — Умр бахшига элининг эътибори баландда эканидан бағри тўлиб юарди. Торлари жўрланган созага ўхшайди. Туртки, пишангдан, мақтовдан ийиб, жўшиб кетганини билмай қолади. Бошқаларга навбат бергиси келмасди, ҳай-ҳайлашиб (программа бўйича ҳамма бахши чиқиси керак) зўрға тўхташиб қолишди...

Тоғ кўйнидаги «Оқбош» совхозда Толли деган соя-салқин, баҳаво маскан бор. Меҳмонлар шу ерда ярим кун дам олишди. Саид Аҳмад домла кўнглига яқин олган, ўзидан ёш одамларга сенлаб гапирадиган одати бор экан. Қодир бахши хоншларини мириқиб тинглади. Бахши термаларидан ҳузур қилаётгани домланинг мамнунлик, нурунийлик акс этган юзида билиниб турарди. Навбатдаги термани тугатгач, атоқли адибнинг хаёлига бир гап келди шекилли Қодир бахшига ҳазил аралаш гапирди.

— Силарнинг овозларинг артистлардан фарқ қилиб, томоқнинг анча ичкарасидан чиқади. Ташқи овоздаям айтоласанми?

— Бўлмайди, — деди Қодир ака кулиб, — кейин бахшилигим қоладими?

— Ҳа, бир синаб кўр, қани, — домла астойдил туриб олди.

Бахши айтиб кўрди. Овози енгил, нотабий чиқди. Бундан икковлари ҳам завқланиб, баралла кулиб юборишди.

Бир гал шоир дўстимизнинг қистови билан бахшнинг Деҳқонобод райони марказида, катта йўл ёқасидаги уйда меҳмон бўлган эдик. Аксига олиб, Қодир аканинг томоғи оғриб турган экан. Шундай бўлсаям бизларни зериктирмай дўмбира куйларидан чалди, бахшичиликнинг ўтмиши, ҳозирги аҳволи ва келажаги ҳақида анчагина ибратли гапларни айтиб берди. Ҳозир чуқур ўйлаб кўрсам, дoston, терма тинглаш ёки дўмбира оҳанглари эшитишдан ташқари суҳбатлари ҳам одамларга бир дунё мазмун, руҳий маъад бағишларкан. Уша тунги гурунгда бунга гувоҳ бўлганман.

Кўриниши анчайин бахшидан кўра кўпроқ давраларда бел олиб юрган полвонларни — чавандозларни эслатарди. Баланд бўйли, сугяи бузук, елкалари кенг, «ҳар бирига тўрттадан одам» жойлашарди. Ниҳоятда соғлом, руҳи тетик эканидан дарак бериб турувчи қип-қизил ўштдор юзлари, мулоийм боқувчи кўзлари қалбга дарров сингишар, у билан биринчи учрашган одам ҳеч тортинмай дардлашиши, дилдан суҳбат куриши мумкиндай туюларди. У бағри кенг, бола табиат, мулоҳазали инсон сифатида эсимда қолган.

Фольклоршуносларнинг тан олишларича, хотираси ниҳоятда ўткир, куйма қулоқ, бир айтган нарсани ҳеч маҳал ёдидан чиқармаслик, сўзга бойлиги, сўзларни бир-бирдан нозик дид ила фарқлай олиши, танлаб ишлаши билан бошқа бахшилардан ажралиб турарди. Халқ оғзаки ижодини чуқур биларди. Нурота, Қамай, Булунғур, Шерна дostonчилик мактабларидаги дoston айтиш услубларини бир-бирдан фарқлай олар, ҳаммасидан Шерна мактабида яратилган дostonларни мазмун ва шакл жиҳатидан устун кўярди.

— «Алпомиш»ни айтишда Қашқадарё билан Самарқанд бахшилари ўртасида катта фарқ бор, — деганди ўша кунги суҳбатда у. — Масалан, Булунғур дostonчилик мактабида Алпомишнинг қалмоқлар элида зиндондан чиқиб юртига келгунча кечирган сарғузаштлари икки оғиздан ошмайди. Бизда биргина шу қисмнинг ўзи кечқурундан тонг отгунча куйланади. Афсуски, Қодир ҳамма

жойда кеча-кундузлаб дoston айтишлар йўқолиб бoряпти. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Шу ўртада бир киши «Малла савдогарни айтиб беринг, деб қўймади. Қизиқиб айтаверибман, уч кеча етмади. Тўртинчи кун чoшғoҳда (қишлоқда тўй бўлаётган эди) кўпқари чиқар маҳалига бoриб тамoмладим. (Шoберди ҳар қандай дostonни икки соатдан oширмайди.) Айтишларича, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан шоир, Фозил Йўлдош ўғли баҳор пайтларида қишлоқларга чиқиб навбати билан дoston айтиб чиқишаркан. Узимизнинг Абдулла шоир ҳаддан зўр бўлган. Эргаш Жуманбулбул уни тан олган. Абдулла шоир даврага келиб қўшилса, бизга энди халқ йўқ, деб дўмбирасини кўтариб чиқиб кетаверган.

Қўнғирот элида «Келиной» термалари азалдан жуда маълум ва машҳур. Ҳатто бир пайтлари бу термаларни билмаслик уятли ва хижолатли иш саналарди. Усталоқ болаларига «Келиной»ни мерос қилиб қолдирардилар. «Келиной» давраларда айтилавериби, бойиб, олмосдек жилоланиб, бугунги кунга етиб келди. Узиям бу термалардаги сўз ўйинлари, ўхшатишлар, бўрттиришлар, қочирмалар эшитган одамни бефарқ қолдирмайди, қалбини яйратиб юборади.

Халқнинг диди, ички олами, турмуш тарзи қандайлигидан дарак берарди, бу термалар.

**Келиной келар кийиниб,
Кийинганига суюниб.
Индамасанг ҳам қўймайди,
Қошини қоқиб тийилиб.
Келиной кимнинг келини
Болғали дейди элини.
Талхимчадай буралиб
Ололмайди белини.**

«Келиной»ни Қодир бахши ижросида эшитиш эса айниқса мароқли эди. Бахши ўзиям уни дўмбирага қўшганда эриб кетар, оғзининг таноби қочиб, дўмбирани сайратиб, даврадагиларнинг дилини яйратиб, бўйдоқларнинг юрагини куйдириб, ўзи билан ўзи бўлиб, айтиб ётаверарди. Айтгандаям шундай маромига етказардики, биргина Келинойнинг шунча таърифи-тавсифи борлигига, айтган билан охири кўринмаслигига, сатрлар маржондай тизилиб келаверишига ақллар тонг қоларди. Бахши Келинойни то умрининг поёнигача ҳам тинимсиз таърифлавериши, куйлаверишига ишониб қолардингиз.

«Келиной»да ўзбек аёлининг нуқул ташқи қиёфаси тасвирланиб қолган эмас. Бу ташқи гўзаллик аёл маънавиятининг, халқимизнинг ранг-баранг урф-одатларига уйғун ҳолда ифодалангани. Баъзи одамлар дostonдаги айрим жиҳатлар бачкана, дейишади. Бачкана хаёлга борган кишилар гўзалликни ҳис қила билмаслиги кўринади. Биз ғарб тасвирий санъатида яланғоч аёллар тарҳи гавдалантирилган кўплаб асарларни кўрганмиз. Улар жаҳон маданиятининг нодир намуналари бўлиб қолган. Шундай экан, «Келиной» ҳам жаҳон фольклорининг, адабиётининг ўлмас асари бўлиб қолишига шубҳам йўқ.

Биргина бу эмас, бошқа дoston, термаларидаги сингари Келинойда ҳам бахши Қашқа элидаги, ҳали бадий адабиётдан жой олишга улгурмаган, кўп маъно ташуви, ифодали, бошқа ҳеч қандай сўз билан тасвирлаб бўлмайдиган шева сўзлари, иборалари, ўхшатишларини моҳирлик билан ғоят ўринли қўллаб, бу термаларнинг таъсир кучини, мазмунини янада ошира олди. Бахшининг зукколиги ҳам шунда эди.

Қодир бахши фақат дoston, термалар айтиш билан чекланиб қолган эмас, у бадий асарларни ўқиб борар, хусусан, ўзбек классик ва замонавий ёзувчиларнинг ижодидан хабардор эди. Яхши ёмон асарни фарқлай биларди. Бир гал у кишининг таниқли олим билан бир ёзувчи асари юзасидан тортишганига гувоҳ бўлганман.

Кўпгина олим ва ёзувчилар қаршилик кекса фольклорчи, адабиёт жонкуяри, қашқадарёлик бахши-шоирлар ижодини ёзиб олиб, элга ёйишда Чори Ҳамронинг хизматлари жуда катта эканини билади.

Шу одам Қодир бахши ижодини тинимсиз кузатиб борар, учрашиб қолганда халқ оғзаки ижоди бўйича бахшига керакли фикр, маслаҳатлар берарди. Баъзан матбуотда Қодир бахши айтган терма ва дostonдан парчалар босиларди. Унинг тагида эса албатта «Ёзиб олувчи»нинг фамилияси қўйилардики, буни ҳеч ҳазм қилолмасди.

«Фольклорнинг талаби бўйича қулоғидан кириб, юрагидан жой олган, ўздан қўшиб, бойитиб айтган одам халқ бахши-шоири дейилади, — дерди куюниб, — Қодир бахши олий маълумотли, СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси. Ундан матбуотга биров ёзиб олиши шарт эмас. Ўзи ёзиб, ўз имзоси билан бериши керак».

Бу гапларда маълум ҳақиқат бор. Буни Қодир Бахши тан олар, Чори Ҳамронинг жон куйдириб айтганларига мийғида кулиб, «олимлар ўз билганидан қолмаса мен нима қилай», — дерди. Аслида ички дард билан гапирарди.

Бахши-шоирнинг ниҳоятда ноёб қобилиятга эга эканлигидан ана шу нарса ҳам дарак беради: у фақатгина дўмбирага жон бағишлаб, айтганига юргизишдан ташқари қўбуз, най, чанқовуз, рубоб, тор, пиано каби музика асбобларида ҳам ажойиб ўзбекча куйлар чаларди. Бундан ҳайратда қолмай илож йўқ. Қолбуки, у ёлғиз дўмбиранинг ўзиде 30 га яқин оригинал куйлар яратган. Шуларни чалганда сурувнинг яйловда ўтлаши, чўпон ўйлари, содиқ итининг посбонлиги, поданинг кечқурун қишлоққа қайтиши, отнинг йўрғалашуи, чопиб кетаётгани, кўпқари суронлари, чавандозларга ҳайқириғи... бари-бари кўз олдингизда яққол пайдо бўлади. Афсуски, унинг жуда кўп дostonлари, термалари, куйлари ўз овози билан олимлар томонидан магнит ленталарига, грампластинкаларга ёзилмасдан қолди. (Қоғоздагиси бошқа.) Бундан халқимиз катта маънавий завқ олган бўларди. Одамларнинг қўлидаги бахши овози ёзилган ленталарнинг техник жиҳатдан сифати эса жуда паст.

Юқорида айтганимиздек, Қодир бахши ниҳоятда саводхон эди, ўзаро суҳбатларда бунга амин бўлганман. У дилидагиларни бир бошдан ҳикоя қилаётганида мен бир кун асқотиб қолар, деган ўйда ён дафтаримга ёзиб қўйган эдим. Ниҳоятда тўғри қилган эканман. Бу гапларни бошқа ҳеч маҳал қайта эшита олмаслигимни бахшининг фожиали ўлимидан сўнггина англадим...

2. Қодир бахши монологи

— Узимнинг ҳисоблашимча, 1940 йили Деҳқонободнинг Хўжамаҳмуд қишлоғида туғилганман. Отам мактабга директорлик қиларкан. Уруш бошлангач, фронтга жўнаган ва дом-дараксиз кетган. У ҳақда билганларим шу. Оилада учов — икки қиз ва мен эдим. Бобом Турди, тоғам Ражаб бахши ўтган эканлар. Шерна дostonчилик мактаби вакиллари. Мактабда ўқиб, тоғларда қўй боқиб катта бўлганман. Етти-саккиз ёшимда, энам Норхол Турди қизи: «...уруғингда бор, бекорчиликда эрмак қилиб юрарсан», деб дўмбира ясаб берган. Шуни эрмакка чалиб юрардим. 1958 йили мактабни тамомладим, сўнг Бухоро педагогика институтини битирдим. Қишлоқдаги Бобур номли ўрта мактабда музикадан дарс бердим...

Аслида, бахши бўлишимга Умр шоир катта туртки, сабоқ берган. Қўй боқиб юрганымда, етим-қудуқлик Уста Юсуф деган одамникига Умр шоир келиб қўнганини эшитдим. Сурувни ташлаб, бориб қулоқ солганман. Дostonдан таъсирланиб, йиғлаган эканман...

Ҳеч эсимдан чиқмайди, ўн тўрт-ўн беш ёшда эдим. Пачкамар қишлоғида бир кишининг уйига гала катталар — колхоз раислари, фаоллар йиғилган экан. Умр шоир «Авазхонни» айтди. Қизиқиб тинглаганман, эрталаб бошлаб эди, қoш қорайганда тугатди. Қишлоқ одамлари уй атрофига йиғилиб, хотин, бола-чақаси билан эшитиб эди. Бахши ҳар замонда қуриган томоғини обдишда ҳўллаб, тинимсиз куйлайверди.

Бундан ҳам қизиғи, ҳозирги «СССР 50 йиллиги» совхозининг Тоғайтемир қишлоғида, бир тўйда бўлиб эди. Умр шоир келибди, деб эшитиб ўн беш километрга пиёда борганмиз. Яна қиш ойида. Шунда одамлар бахшини кўрамиз, деб ёпирилиб келиб меҳмонхонанинг эшик-деразаларни синдириб юборишди. Кун совуқ. Охири бахши ташқарига чиқиб айтди. Кундузи бошлаган дostonни ярим кечада тугатди. Шунгача халойиқ жойидан қўзғалмади. Баъзи бировлар чидаёлмай, йиғлаб юборди. Бора-бора Умр бувани излаб топмасам бўлмаслигини англадим. Йигирма ёшимда мени ўзи билан Сурхондарёга олиб кетди. Кўп кунлар бирга юриб, йигирмадан ортиқ дoston ўргандим. У кишини устоз деб, тан олдим. Дуо бердилар, отам ўрнида кўрдим. Умр бува борган даврага ҳамиша одам сизмас эди. Боботовнинг Шахшар деган қишлоғида девол йиқилиб тушар, меҳмонхоналарнинг ичи титилиб, капалар теп-текис бўлиб кетарди. Шундай қилиб, бахши бўлиб кетди. Кейинчалик устоздан ўрганган «Гўрўғли», «Алломиш» хилидаги дostonларга (жами 60 га яқин) ўзимам қўшиб, мазмунан бойитдим. Узим «Ленинни кўрдим, дўстларим», «Ойша», «Эшқора билан Дўстқора», «Партия фарзанди» деган янги дostonлар тўқидим. Термаларим ҳисобсиз.

Бир олим: «Бахшликнинг истиқболи йўқ. Бора-бора йўқолиб кетади», деб қолди. Асло ўйламай айтилган бу гап мени кўп кунлар беҳаловат қилиб юрди. Охири ўзимча хулосага келдим: бекорларни айтибди. Шу эл-халойиқ, бағри обод тоғларимиз, қишлоқлар бор экан, дoston айтиш, термалар куйлаш ҳеч қачон йўқолмайди. Мисол, менинг изимни ўғлим Абдуқаҳҳор олиб чиқаяпти. Бир куни у ҳам фарзандига дўмбирасини мерос қолдиради-да. Уйлаб кўрсам, ҳозиргача Қашка-Сурхон элида йигирмадан ошқик кишига бахшликни ўргатибди. Бир куни Чироқчидан Азим бахши келиб, қобилатли, талантли, деб ўғли Ёдгорни шогирдликка қолдириб кетди. Енимда икки йилча бирга юрди. Ҳозир бинойидай бахши. Шогирдларим Шоқул, Муҳаммади, Абдумурод, Рашид, Ислом, Тожи, Ҳожин, Эсон, Абдурасул, Ҳожимурод, Хуррам, Бобораҳим, Шодмонлар ҳар қайсиси катта даврани гуллабди юрибди. Туркман, тожик, қирғиз элларидаям шогирдларим бор.

Дoston айтишлар йўқолиб кетса, болаларимизни қандай тарбиялаймиз?! Дoston эшитиб, эртақ-ривоятлар тинглаб ўсган бола бошқача — юрак-бағри бутун, хаёлотни кенг, ақл-мушоҳадаси тоза бўлиб ўсади. Пушкин, Лермонтов, Ҳамид Олимжон бувиларидан эртагу дoston эшитиб катта бўлган, адабиёт тарихида мангу қолгани шундан эмасми?! Тўғри бизга адабий қаҳрамонлар Йўлчи, Гулнор, Гофирлар керак, шулар қатори Гўрўғли, Алломишлар ҳам керак. Дostonчилик — ботирлик, миллий ғурур дегани. Халқ ижоди катта денгиз бўлса, бахшилар шу денгизнинг ўзак дарёси. Унинг юксалгани миллий маданиятнинг юксалгани. Миллий маданиятнинг ялонғоч бўлиб қолгани — халқ ўзлигини йўқотгани демак. Буни эл оралаб юрган билади. Бундай одам халқ дарди, қувончидан хабардор бўлади. Бу гапни зиёли одамнинг айтгани менга алам қилади.

Дostonлар — халқни тарбияловчи, уюштирувчи, қаҳрамонликка ундовчи восита. Ҳеч қайси санъат тури унинг ўрнини босолмайди. Дostonларда она диёрни босқинчилардан ҳимоя қилиш, суюкли ёрга етиш машаққатлари, ҳур ҳаёт ҳақидаги халқ орзу-умидлари куйланади-ку?! Ҳозир замона яхши, ҳамма имконият бор. Дostonларни халқ бахшиларига куйлатиб, магнит ленталарига, грампластинкаларига ёзиб кўпайтириш керак. Аммо одам куюнмаса бўлмайдиган томонлари ҳам бор. Халқимизнинг маънавий олами қашшоқлашиб, миллий ғурури йўқолишгача бораяпти. Саводхонлик пасайиб кетаяпти. Менимча, аслида, қўшиб ёзишлар ҳам маънавий кўрликдан келиб чиқаяпти. Кўпчилик ўқиб-ўрганмай қўйди. Дostonларни қўлга олишмайди. Дoston воқеалари қадим бир замонда бўлгани билан, унда кўтарилган масалалар шу куннинг муаммолари билан узвий боғланади. Айрим одамларнинг дostonни ўқа билмагани ҳам шундан.

Ҳиндистон киноларини кўринг: ҳамма бирдай ёпирилиб киради. Халқ руҳига яқин. Қўшиқлари миллий. Фольклор уларда жуда кучли. Мазмунга сингиб кетган. Нега Алломишни кино қилиш мумкин эмас? Қирғизлар Манасдан фойдаланиб, миллий кинолар яратишди. Қозокларнинг «Қиз Жибек»ини эсланг. Киноларимизда миллийлик йўқ, қаҳрамонлари бир қолипда», деб нолиймиз.

Тошкентдан келган меҳмон бир қизиқ гапни айтди. Анча илгари киночилар Қўлёмалар институтига келиб, бизга Алломишни топиб беринлар, мультфильм қилайлик, дейишибди. Қанчалар кулгили ҳол.

Аёллардан ҳам бахши чиққанми, дейсизми? Чиқаяпти, битта-яримта, бизнинг Деҳқонободдан ҳам биттаси сал-пал терма айтиб чиқиб эди. Эри йўл бермади. Шароит бўлса, қобилатли хотин-қизларга ўргатиш, зўр бахшилар етишиб чиқади. Лекин аёлларимиз чанқовуни жуда келиштириб чалади. «Биёв-биёв» янграганда муз диллар эриб кетади-ку?! Сурхондарёдаги бир тўйда чанқовуз билан дўмбирани жўр қилиб чалишганини кўрдим. Зўр куй чиқаркан. Олдинлари бозорда чанқовуз ясовчилар кўп бўларди. Илгари қизлар, келинлар гала-гала бўлиб, чанқовуз чалишарди. Кейинги йилларда бу санъат ҳам йўқолиб бораяпти, чоғи. Ёшларимиз ўзлигини унутиб, ғарб мусиқа-

сига жон бергудай бўлиб қолган. Ҳар қандай мода ўткинчи эканини билишмайди. Узининг маданиятини билмаган одамга ўзганинг маданияти бир умр ошно бўлиб қолмасига ишончим комил. Қирғиз, туркменларда чанқовуздай миллий санъатга эътибор жуда кучли.

Ҳозир Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида фольклор секцияси ишлаб турибди. Улар бахшилар ижодини тўлиқ ёзиб олиши керак. Ҳамма техник имконлари бор.

Республика телевидениеси бахшилар ижоди билан қизиқиб, тез-тез кўрсатувлар ташкил қил-япти. Менинг ўзим бир неча марта чиққанман. Аммо радиодагилар бу билан деярли қизиқмайди. Яқин йилда радиодан биронта бахшининг ижоди ҳақида, бахшиларга доир эшиттириш берилганини билмадим. «Машъал» программасида ҳам Шоберди, Шодмон, Усар сингари бахшиларнинг терма, дўмбира куйларидан парчалар бериб бориш имконияти бор-ку. Хуллас, айтаверсак дардимиз кўп. Укалар-ов, муаммоларни санайверсак бармоқларимиз етмайди. Бизга ёрдам кўрсатадиганлар оз. Уларни айтган, ёзган билан кўпи ҳал бўлмаётганиниям биламан. Дардларим ичимда қолмасин дедим. Кўп фольклоршуносларнинг бахшиларга эътибори сусайиб кетди, унутиб юборди, десам ошириб таъна қилган бўлмасман. Улар ойда, йилда йўлидаги, марказдаги турувчи бахши олдига келиб, уч тўрт терма ёзиб олиб, тагга ўз имзосини қўйиб чиқаришдан нарига ўтмаяпти. Достон, термаларининг айтилиш усули, мазмуни ва шакли, фойдали маслаҳатлар билдирилган, таҳлили чуқур мақола, тақризлар йўқ. Матбуот, нашриётлар бахшилар ижодига қизиқса зап гўзал иш бўларди.

* * *

Қодир бахшининг тўлиб, дардларини эшитадиган одам топилмай юрган палласи экан. Ўзи айтгандек, юрагида қолиб кетмади. Орадан икки йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлсаям ўртада ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Бахшининг фикрлари шундайича эскирмай турибди. Қани, қайси мард, қандай журъатли ташкилот бунга дадил ёрдам бера олади? Маданият министрлигими? Республика Ёзувчилар союзи, ёки тил ва адабиёт институтининг фольклор секциясими? Балки улар бахши фикридан тегишли хулоса чиқаришар? Ўзбек киносидегилар-чи? Билмадим. Бу замонда ишни гапга айлантиришдан гапни ишга айлантириш оғир. Жуда қийин. Агар шунгача айтилган, ёзилганларнинг лоақал ярми ҳал бўлгандаям бошқача руҳда яшаган бўлардик. Амалий ҳақиқатдан кўра муаммо кўпайиб борапти...

Бахшининг уйдаги сўхбатдан таъсирланган шоир дўстим «Қашқадарё» деган терма яратибди. Тўртлик келтираман:

**Чўллар ҳам аслида юртнинг безаги,
Шундадир ўзбекнинг содда ўзбаги.
Бепоеъ даштига ўхшар юраги,
Қадрдон кел-кели бордир Қашқанинг.**


Ҳа, Қодир бахши элнинг тақдири, муқаддас, кўҳна урф-одатларнинг ҳимоячиси, фаол тарбиботчиси, жонкуяри эди. Юртнинг удумларидан — тўйдан, кўпқарисидан, курашидан, санъатидан қувонарди. Кўплар уни шундайлигиданам кўролмасди, ичи қоралик қиларди. Аммо, яхши одамларнинггина ғаними бўлиши азалдан маълум. Ойнинг юзига ҳеч ким парда тортолмаганидай у кимларгадир «ёмби» бўлса-да, эл уни севарди, давраларга олиб кетарди. Шодлигию дардларини айтиб маслаҳат оларди. Фақат яхшиларнинг умри қисқа деган гапнинг кўп ҳолларда тўғри чиққани одамга армон қилади. Шундай соғлом, бақувват одамнинг ҳаётдан бевақт, фожиали кўз юмишига ишонгинг келмайди. Уша кунги фожиани шамол узоқ-узоқларга, элларга, дараларга, тоғларга олиб кетиб, чўққилардан тошлар юмалагандай, даралар даҳшат солиб гумбурлагандай, табиат ҳам аза тутгандай бўлди назаримда. Хўжамаҳмуд қишлоғида, қабристонда элу халойиқ тўлиб тошди. Ҳеч ким куйчини, қўшиқни қора ерга беришни истамасди. Дийдалардан ёшлар қуриб битди. Овозлар чиқмай қолди. Халқ катта маънавий бойлигидан, дардқашидан, оила посбонидан ажралиб қолганини англаб етган эди.

Ойна юзини босган чанг артилгач, у тиник, равшан кўрсата бошлайди. Йиллар ўтган сайин Қодир бахшининг қадрлари янада билинаверади, давраларда у эсланади, шогирдлари ва ўғиллари дўмбирага солади, эл яшар экан, одамлар дилидан ўчмайди.

У дўмбираси билан одамлар қақбада ўзига нурли ҳайкал ўрната олган бахши эди. Ўзи айтганидай, шу бахшипараст эл, бағри кўркам ва обод азим тоғлар, қишлоқлар бор экан, унинг номи ўчмайди, дostonлари тиллардан тушмайди. Алпомиш, Гўрўғли, замонавий қаҳрамонлар саргузаштлари, термаларидаги ҳикматлар, ҳайратомуз сўз ўйинлари ва салмоқли мазмун дилларга руҳий қувват бағишлайверади. Осмони қуёшли, бағри бут бу юртда азалдан шундай бўлиб келган.

**Мангуликка кетди ўзи,
Мангу қолди қўшиғи.
Букун руҳи қулиб турар,
Дўстга очик эшиги.**

Абдулла Шоир Нурали ўғли хотирасига бағишлаб ёзган «Қайнарбулоқ булбули» термасида у шундай деган эди: рамзийликни қарангки, бу кўйма сатрлар бахшининг ўзи ҳақида айтилгандек бўлиб қолди...



АДАБИЁТ ТАРИХИ: МУВАФФАҚИЯТЛАР ВА МУАММОЛАР

Ўзбекистон Фанлар Академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти коллективи томонидан нашр этилган икки томлик «Ўзбек совет адабий танқиди тарихи» тўплами қизгин мунозараларга сабаб бўлмоқда. Мазкур илмий тадқиқот Ўзбекистон Ёзувчилар союзи қошидаги танқид советида муҳокама қилинди. Кенг адабий-илмий жамоатчилик иштирокида ўтган мунозарада сўзлаган ўртоқлар мазкур асарнинг ютуқлари ва камчиликлари ҳақида талабчанлик, холислик билан фикр юритдилар.

«Ўзбек совет адабий танқиди тарихи» катта қийинчиликлар, кўп йиллик изланишлар самараси сифатида майдонга келгани алоҳида эътироф этилди. Мазкур ишга ўхшаган тадқиқотлар ҳали иттифоқ адабиётшунослигида йўқ. У дастлабки тажриба сифатида қимматли бўлиб, кейин яратиладиган шундай тадқиқотлар учун йўл очиб беради.

Бу тадқиқот олдига ўзбек совет адабий танқиди тарихининг умумий, яхлит манзарасини чизиб бериш, унинг ўсиш, тараққиёт йўллариини белгилаш вазифаси юклатилган эди.

«Тарих» муаллифлари бу қийин ва шарафли, масъулиятли вазифани бажариш давомида ўзбек совет адабиёти босиб ўтган машаққатли ва ибратли йўлга қайта-қайта мурожаат этадилар. Унинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган турли ҳодисаларни жонлантиришга, ижтимоий-иқтисодий омилларни ёритишга, турли адабий қарашлар, баҳслар, мунозараларнинг чинакам манзарасини гавдалантиришга ҳаракат қиладилар. Адабиётимиз тарихида ўчмас из қолдирган йирик асарлар таҳлилига бағишланган барча катта-кичик мақола, тақриз ёки йирик илмий тадқиқот ҳақида озми-кўпми маълумот беришга, унинг қиммати ва ўз даврида ўйнаган ролин баҳолашга интиладилар. Тадқиқотда ўзбек адабий танқидчилиги қўлга киритган ютуқлар билан бирга маълум йилларда йўл қўйилган жиддий нуқсонлар ҳам анча кенг ва холис таҳлил қилинади.

Хуллас, ўзбек совет адабий танқидчилиги босиб ўтган йўлни илмий таҳлил қилиш ва умумлаштириш, системалаштиришга бағишланган мазкур тадқиқот ўз олдига қўйган мақсадни асосан бажара олган дейиш мумкин. «Тарих» маълум амалий аҳамиятга эга: республикамиздаги йигирмадан ортиқ олий ўқув юрти учун у жуда зарур қўлланма бўлиб қолди.

Ҳар қандай хайрли ишда маълум даражада нуқсонлар бўлганидек, мазкур тадқиқотда ҳам бир қанча жиддий камчиликлар мавжуд. Унинг қатор бобларида баёнчилик — юзаки обзор усули кучли. Чинакам маънодаги илмий академизм, теран таҳлил етишмаслиги яққол сезилиб туради.

Шунингдек, бугунги қайта қуриш, ошкоралик, шахсга сиғиниш иллатларига қарши кураш, адабиёт тарихига янгича қараш даври нуқтаи назаридан баҳо берсак, «Тарих»да ёритилган кўпгина масалалар ҳозирнинг ўзидаёқ эскириб қолганини кўраемиз. Бу, айниқса, 20—30 йиллар адабиётдаги сиймоларга, хусусан, Чўлпон ва Фитратнинг адабий-танқидий қарашларида берилган баҳо-ларда кўзга ташланади. Ҳозирги давр талаблари мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган, асарларида муайян камчиликлар мавжуд бўлса-да, кўп адашуварлар сўнгида тўғри йўлга чиқиб, совет воқелигини куйловчи ажойиб асарлар яратган бундай адиблар ижодига холис, ҳаққоний баҳо беришни тақозо этади.

Бугунги давра суҳбатида қатнашаётган олимлар, етакчи танқидчи ва адабиётшунослар «Ўзбек совет адабий танқиди тарихини яратган илмий коллективнинг меҳнатиини заррача камситмаган ҳолда билдирган танқидий фикрларини маъқуллаймиз. Холислик ва самимият, кескин талабчанлик руҳида айтиланган танқидий мулоҳазалар мазкур тадқиқотнинг кейинги нашрларида ҳисобга олинishi ва тузатилиши зарур деб ҳисоблаймиз. Редакция бундан кейин ҳам соғлом танқидий руҳ билан суғорилган, адабий жараённинг ривожланишига кўмак берадиган жиддий мунозаралар, баҳслар, эркин тортишувларга, кенг ўрин ажратади.

«Ҳақиқат — баҳсда туғилади» деган азалий, ибратли ҳикмат бор. Биз шунга амал қилиб, мазкур давра суҳбатида билдирилган ҳамма жиддий танқидий фикрларни ўз ҳолича қолдирдик. Уларнинг айримлари анча кескин, хатто бирёқлама туюлиши мумкин. Модомики, биз бугун ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида чинакам демократик мезонлар қарор топиши учун курашаётган эканмиз, баҳслашиш, мунозара қилиш маданиятини ҳам чуқур эгаллаб олишимиз зарур. Шунинг учун билдирилган танқидий мулоҳазаларни редакциянинг фикри, қатъий ҳулосаси деб қабул қилмаслигини сўраймиз.

А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ЎзССР Фанлар Академияси мухбир аъзоси И. О. Султонов таҳрири остида икки жилдлик «Ўзбек совет адабий танқиди тарихи» китобини эълон қилди. Бу китоб бугунги адабий-маданий ҳаётимизда катта воқеадир. Чунки, биринчидан, бу китоб шу сингари тадқиқотларнинг биринчисидир. Ҳали Иттифоқимизда ҳеч қайси республикада бирор миллий адабий танқиднинг тарихи яратилганича йўқ. Ҳатто рус совет танқидчилигининг тарихи ҳам бирон асарда яхлит ва тугал акс этган эмас. Иккинчидан, «Танқид тарихи»да адабий-танқидчилигимизнинг 70 йиллик ривожланиш жараёнида вужудга келган жуда катта материал жамғарилган. Айтиш керакки, бу мuddат давомида вақтли матбуот саҳифаларида, ҳар хил тўпламлар ва китобларда йиғилиб қолган адабий материал мисли денгиздай ҳудудсиз эди. Уни танлаш, тарих учун аҳамиятларини аниқлаш, илмий асосда таклиф қилишнинг ўзи ҳам маълум даражада илмий жасорат деб қаралиши мумкин. Бунинг устига 20-йилларнинг материаллари араб ёзувида эканини эсласак, бинобарин, улар тобора биздан узоқлашиб бораётганини, у материалларни қидириб топиб, бемалол ўқиб, илмий муомалага киритадиган кадрлар борган сари камайиб кетаётганини ҳисобга олсак, асарнинг аҳамияти янада аниқроқ бўлади. Ниҳоят, учинчидан, «Танқид тарихи»да адабий-танқидчиликнинг кўпгина намоёндаларига нисбатан илмий асосда, адолат билан муносабатда бўлишган, бугун номи унутилиб кетаётган мунаққидлар ва олимларнинг ҳақиқий хизматлари таъкидланган, шунингдек, иш давомида йўл қўйилган хатолар, адабий жараёнга зарар келтирган концепциялар ўрни-ўрни билан танқид қилинган. Ҳар ҳолда, китобда муаллифлар танқид тарихига нисбатан илмий объективликини сақлашга ҳаракат қилишган. «Танқид тарихи»нинг ижобий томонларидан бири сифатида унда олға сурилган даврлаштиришни айтиш керак. Гарчи бу даврлаштириш адабиёт тарихини даврлаштиришга тўла мос келмасда, гарчи унда ҳали эскича даврлаштиришнинг таъсири сезилиб турсада, ҳар ҳолда китобдаги «схема» (1917—1932, 1932—1941, 1941—1945, 1945—1956, 1956—1961, 1962—1972, 1972—1980) ҳозирги адабий танқиднинг кўпгина масалаларини ёритиб беришга имкон туғдиради. Хуллас, ана шу сифатлари учун «Ўзбек совет адабиёти танқиди тарихи»ни маданий ҳаётимизда воқеа деб атадик. Лекин бу бую «танқид тарихи»ни ҳар жиҳатдан мукамал, бекамикўст асар деб аташга асос бўлмайди, албатта. Коллектив томонидан ёзилган ҳар қандай йирик асарда бўладигандек, «танқид тарихи»да ҳам бақувват ёзилган, мулоҳазаларга бой, фикр уйғотадиган, чуқур илмий заминга эга бўлган боблар ва саҳифалар ҳам мавжуд, улар билан бир қаторда жуда юзак ёзилган, қуруқ баён ва тасвирдан нари ўтмайдиган, илмий умумлашмалардан маҳрум ўринлар ҳам анчагина. Бироқ мен ҳозир бу ўринда асардаги ана шундай жузъий камчиликларни таҳлил қилмоқчи эмасман. Мен бошқа бир жиддий нуқсон ҳақида гапирмоқчиман. Бу нуқсон шундан иборатки, «танқид тарихи» дунёга келиб улгурмай, мустақил қадамларини қўйиб улгурмай, бирданига эскириб қолди. Китоб дунёга келиши биланоқ уни қайта ишлаш ва янгидан нашр этиш зарурати туғилди. Бу фикрни ўқиган китобхон ҳайратга тушиши мумкин — қизиқ бўлдику, китобнинг иккала жилдида ҳам тақризчиларнинг бири сифатида Озод Шарафиддинов кўрсатилган. Шундай мулоҳазаси бор экан, уни китобни босмага туширишдан олдин айтса бўлмасмиди? Нега энди китоб чиқиб бўлгандан кейин дабдурустдан уни «эскирди, қайта ишлаш керак» деб эълон қилиш лозим? Китобхоннинг бу таянмас ҳақиқатан ҳам ўринли — шундай қилиш керак эди. Аммо бундай қилинмаганининг узрли сабаби бор — мен кўлөзма билан 1986 йилда танишиб, тақризни ҳам ўша вақтда ёзиб берган эдим. Ушандан бери ўтган салкам икки йиллик мuddат жуда қисқа бўлса-да, суръати шундай шиддатли бўлдики, ҳар хил воқеаларга шунақа бой бўлдики, натижада ўзимиз ҳам, тарихимиз тўғрисидаги тасавурларимиз ҳам гоятда бойиб, фикрларимиз, қарашларимиз ўзгариб кетди. Мана, биргина Октябрь революциясининг 70 йиллиги қандай нишонланганини олайлик. Тантанали мажлисда партияимизнинг Бош секретари М. С. Горбачев қилган доклад янгича таҳлил, янгича қараш, янгича баҳсларга шу қадар бой эдики, ва бу баҳслар, бу таҳлил ва қарашлар мантиқан далилланган эдики, ижтимоий фанларнинг вакиллари ўз илмий ишларида уларга таянмасликлари мумкин бўлмай қолди. Бу докладада босиб ўтилган тарихий йўлимиз ҳаққонийлик ва ошкоралик асосида таҳлил қилинди, унинг ютуқлари ҳам, жуда жиддий нуқсонлари ҳам айтилди, ҳаётимизга бир томонлама қарашлар, уни пардозлаб кўрсатишга интилишлар қораланди ва тарихдаги оқ доғларни тўлдириш вазифаси қўйилди. Сўнгги пайтларда марказий матбуот саҳифаларида тарихимизга бағишланган жуда кўп янги материаллар эълон қилинди, илгари тилга олиш мумкин бўлмаган муаммолар атрофлича муҳокама этилди, ўз вақтида «халқ душмани» деб репрессия қилинган юзлаб ва минглаб одамлар оқланди, уларнинг тарихдаги ўрни тикланди. Бу материалларнинг кўпчилиги шахсга сиғиниш муаммосига бағишланган, узоқ йиллар давомида жамиятимизнинг тепасида турган «жаҳон халқларининг буюқ доҳийси» И. В. Сталиннинг ҳақиқий қиёфасини фож қилишни, унинг қонхўрлиги ва шафқатсизлигини рўйи-рост очиб ташлашни кўзлаган. Табиийки, маънавий ҳаётимизнинг бирор соҳасига бағишланган ҳар қандай янги иш, айниқса, тарихни ёритувчи асар сўнгги йиллардаги тажрибаларни ҳисобга олмаслиги мумкин эмас. Қисқа мuddатда кўп нарсаларда кўзимиз очилди, бинобарин, ҳозир ёзилаётган асарларимизни очиқ кўз билан ёзмоғимиз керак. Албатта, бу ўринда гап модага риоя қилиб, янги асарда шахсга сиғинишни қоралайдиган жумлалар битиш ҳақида ёхуд Сталин тўғрисида бир саҳифа-ярим саҳифа танқидий гапларни илова қилиш тўғрисида кетаётгани йўқ. Масаланинг моҳиятига чуқурроқ киришмоқ керак. Моҳият эса шундаки, Сталин ҳокимият жловини қўлга олиши биланоқ йиллар давомида шундай бир сиёсатни изчилик билан амалга оширдикки, бунинг оқибатида бизнинг мамлакатимиз кўрқув салтанатига айланди. Сталин миллионлаб одамларни репрессия қилиш йўли билан ўзининг чексиз ҳокимлигини таъминлади, мурувватдан, шафқатдан, эзгуликдан, виждонийликдан мутлақо маҳрум бўлган шахсий диктатурани барқарор этди. Бунинг натижасида Ленин ўйлаган, орзу қилган социализм, Маркс ва Энгельслар назарда тутган социализм тобора айнаб кета бошлади. Сталин барпо этган социализм казармалик социализм эди, антигуманистик социализм эди. Унда одамлар йирик давлат машинасининг оддий бир парраги деб қараларди, алмаштириб бўлмайдиган бирор кимса йўқ, деб ҳисобланарди, фақат буйруққа итоат қилиш, кўр-кўрона честь бериб туриш, ўзлигидан кечиш

гина кадрларни. Тажрибамиз шуни кўрсатдики, бундай «социализм» муқаррар равишда тур-гунликка учрайди, халқни боши берк кўчага олиб киради. Эркинликнинг бўғилиши, ташаббуснинг оёқ ости қилиниши, маъмурий қўмондонликнинг авж олиши эса, албатта, жамиятнинг маънавий чирий бошлашига олиб келади. Оммавий порахўрликлар, кўзбўямачиликлар, товламачилик, бюрократизмнинг авж олиши ана шу чиришнинг аён нишонларидир. Бинобарин, бугун пайдо бўлаётган асарларда, тарихларда у ёки бу ҳодисаларни баҳолашда масаланинг шу томонини, албатта, назарда тутиш керак. Ленин орзу қилган социализм билан Сталин барпо этган социализмнинг фарқини ҳисобга олиш керак.

Гап шундаки, ўзбек танқидчилиги ўзбек совет адабиётининг таркибий қисми сифатида пайдо бўлгандан кейин ўз ривожига анча-мунча муваффақиятларга учради, аммо шуниси ҳам факти, 20-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлабоқ ўзбек танқидчилиги сохта ва ғайри марксистик «қоидалар» асосида ҳаракат қила бошлади. Тўғри, бу нуқсон ўша йилларда фақат ўзбек танқидчилигида эмас, балки Бутуниттифоқ танқидчилигида ҳам мавжуд эди. Аммо бу ҳол бизнинг танқидчилигимизнинг хатоларини ва зарарларини сира оқламайди. Танқидчилар синфийлик ва партиявийлик категорияларини сохталаштириб, жуда торайтириб, догматизмнинг авж олишига йўл очишди, кўп ҳолларда адабиётнинг образлигини инкор этишди, ундан фақат маддоҳ бўлиши, «ютуқлар»га қарсак чалишни талаб қилишди. Йиллар давомида бирин-кетин ўйлаб топилган «талаблар», социалистик реализмнинг сохта қолиплари ижод эркинлигини бўғди ва адабиётни ҳам боши берк кўчага олиб кирди. Бундай ғайри марксистик танқид кўмагида адабиётимизнинг истеъдодли намояндалари репрессия қилинди, қолган баъзи бир истеъдод эгалари чеккага суриб қўйилди (улар адабиётнинг «ғоявий софлиги» учун бот-бот ўтказилиб туриладиган компанияларда, асосан, танқид объекти бўлиб хизмат қилди), адабиётда ўртамаънавичилик салтанати бошланди. Афсуски, бу ҳолат урушдан кейин ҳам ва ҳатто, маълум даражада ХХ съезддан кейинги йилларда ҳам давом этди. Мен бу мулоҳазалар билан ўзбек танқидчилиги эришган ютуқларни рад этмоқчи эмасман, унинг ёрқин намояндалари бўлгани ва борлигига шубҳа билдирмоқчи эмасман. Мен айтмоқчи бўлган бирдан-бир фикр шундан иборатки, бутун жамиятимиз тарихи каби, адабиётимиз тарихи каби танқидчилигимиз тарихи ҳам бағоят мураккаб бўлган, унинг ҳар лаҳзаси ижодий фикр билан догматизм, ҳақиқат билан ёлғон виждонийлик билан муросасозлик ўртасидаги курашга тўла. Биз яратадиган тарих ана шу курашни, ривожланиш йўлларидаги кескинликни сира юмшатмай, сира бўямай, рўй-рост кўрсатиб бермоғи керак.

Ҳозирги икки жилдик тарих эса, афсуски, эски концепциялар асосида яратилган. Унинг заифлиги бугун рўй-рост кўриниб турибди.

Умарали Норматов

«Ўзбек совет адабий танқиди тарихи»нинг чиқиши, муайян кам-кўстларига қарамай, ижобий ҳодисадир. Уч томлик (4 китобдан иборат) «Ўзбек совет адабиёт тарихи», беш томлик «Ўзбек адабиёт тарихи», икки томлик «Адабиёт назариясидан сўнг шундай ийрик тадқиқотга эҳтиёж ниҳоятда ортган эди. Зотан, адабиёт тарихини адабий танқид тарихидан холи ҳолда тасаввур этиб бўлмайди; адабиёт тарихи, назарияси ва танқид тарихи яхлитликда адабий жараён ҳақида мукамал тасаввур беради.

«Ўзбек совет адабий танқиди тарихи» — бизда биринчи тажриба. Аммо у бўш жойда бирдан-нига пайдо бўлиб қолгани йўқ. Аввало, «танқид тарихи» авторлари ишнинг структураси, йўналишини белгилашда, илмий-адабий манбалар ва уларнинг талқинида «Ўзбек совет адабиёт тарихи» тажрибасига, кейинги чорак аср давомида яратилган адабий танқид масалаларига оид кўплаб илмий тадқиқотларга, диссертацион ишларга, чунончи, Ҳ. Екубов, Б. Назаров каби адабиётшуносларнинг ишларига, улардаги факт, илмий хулосаларга таянганлар, мавжуд фактларни маълум, системага солишга ҳаракат қилганлар. Бу икки томлик ўзбек танқидчилигининг етмиш йиллик босиб ўтган йўли ҳақида муайян тасаввур беради.

«Танқид тарихи»нинг барча боблари илмий, услубий-ифода жиҳатидан бир хилда, бир савияда эмас. Менинг назаримда, «Адабий танқид тарихи»ни ўрганишнинг методологияси ва методикаси масалалари» (И. Султонов), «Адабий танқид тарихида янги босқичнинг бошланиши (1956—1961)» (П. Қодиров) боблари нисбатан пишиқ ёзилган. «Адабий танқид тарихини ўрганишнинг методологияси ва методикаси масалалари» бобида танқиднинг адабий жараёнда, ижтимоий ҳаётда тутган мавқеи, танқид табиати, инқилобгача бўлган ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг характери, танқид тарихини яратиш зарурияти, танқид тарихини ўрганишнинг вазифалари, танқид тарихининг методикаси ва структураси каби масалалари ихчам, аниқ-равшан баён этиб берилган.

«Адабий танқид тарихида янги босқичнинг бошланиши (1956—1961)» бобида партия ХХ съездидан кейинги бутун мамлакатимиз маънавий-сиёсий, адабий ҳаётда бўлгани каби адабий танқидий тафаккур ривожига кескин бурилиш, юксалиш даври бўлганлиги, танқид тўлақонли, тенг ҳуқуқли адабий тур сифатида шаклланганлиги, энг муҳими, бу йилларда танқидчилигимиз догматизм, қироатхонлик, вулгар социологик хатолар таъсиридан қутула боргани, «ҳаётни пардозлаб кўрсатиш» тенденциясига, «конфликtsizлик назарияси»га зарба бергани, бадий адабиёт спецификасини тушуниб, чуқур ҳис этиб иш кўриш кучайгани, социалистик реализм ҳақидаги тасаввурлар хийла кенгайгани, бу методнинг бош вазифаси нуқул совет воқелигини улуғлаш, мадҳ этиш эмас, балки ҳаёт ҳақиқатини партиявийлик позициясида туриб, бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан кўрсатишдан иборат эканлигини эътироф этиш одат тусига кира бошлагани — танқидчиликдаги шу хилдаги характери, еттакчи тенденциялар чуқур илмий таҳлил этиб берилган. Уша йиллар танқидчилиги ривожига муҳим роль ўйнаган Матёқуб Қўшжонов, Эзод Шарафиддинов сингари истеъдодли мунаққидларнинг фаолиятига муносиб баҳо берилган. Иззат Султонов, Лазиз Қаюмовларнинг Ҳамза, Абдулла Қодирий ижодини янгича талқин этишдаги хизматлари алоҳида таъкидланган; адолат юзасидан Иззат Султоновнинг Абдулла Қодирий ҳақидаги дастлабки мақолаларида бу улуғ адиб ижоди, дунёқарашини баҳолашдаги айрим зиддиятли ўринлар эслатиб ўтилган.

«Танқид тарихи» чиққанидан ҳар қанча қувонмайлик, унда жиддий эътироз туғдирадиган, баҳс-мунозарара ундайдиган ўринлар ҳам борлигини асло инкор этолмаймиз.

Аввало, ўзбек танқидчилиги тарихини даврлаштириш масаласини олиб кўрайлик. «Танқид тарихи» муаллифлари, юқориде айтилганидек, бу борада тўғридан-тўғри «Ўзбек совет адабиёти тарихи»да қўлланилган принципга амал қиладилар: 20-йиллар, 30-йиллар, Ватан уруши, урушдан кейинги давр танқидчилиги ва ҳоказо. Гарчи танқидчилик тарихи адабиёт тарихи билан муस्ताқкам алоқадор бўлса-да, берган маҳсулот, уларнинг савия даражаси, тараққиёт тенденциялари жиҳатидан адабиёт ривожидан кескин фарқ қилиши ҳам мумкин. Масалан, 20—30-йилларда ўзбек танқидчилигининг савияси бадиий адабиёт — Ҳамза, Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор асарлари даражасида эмаслиги ўз-ўзидан равшан. Фитрат, О. Ҳошим, С. Ҳусайн сингари адабиётшунос-танқидчиларнинг қатор яхши ишларини инкор этмаган ҳолда мен ўша кезларда таниқли ёзувчилар билан тенг тура оладиган профессионал танқидчилар, умуман профессионал танқидчилик тўла шаклланиб улгурмаган эди, деб ҳисоблайман.

«Танқид тарихи»нинг иккинчи томидаги даврлаштириш принциплари яна ҳам жиддийроқ эътироз туғдиради. «Адабий танқид тарихида янги босқичнинг бошланиши» боби пухта асосга эга, унда партия XX съезидан кейинги адабий танқидий тафаккурдаги кескин бурилиш, янги жараёнлар таҳлил объекти қилиб олинган. Аммо 60 ва 70-йиллар танқидчилигининг лоҳида-алоҳида босқич сифатида ўрганилиши илмий жиҳатдан етарли далилланмаган. Эҳтимол, 70-йилларни махсус босқич сифатида текширганда 1972 йилги танқид ҳақидаги партия Марказий Комитети қарори ва унинг танқидчилик ривожига таъсири назарда тутилгандир. Бироқ 1962—1972 йилларнинг махсус босқич сифатида текширилиши, бу босқичнинг аини 1962 йилдан бошлаш учун қандай илмий асос бор — буниси номаълум. Бунинг устига, бобларнинг «Адабий танқиднинг тез ва кенг ривожланиши йўлига кириши (1962—1972)», «Ўзбек адабий танқиди янги босқичда (1972—1980)» деган ғайриилмий, бироз дабдабали номлар билан аталиши эриш туюлади.

Иккинчи томининг охирида берилган «Ҳозирги замон адабиётшунослиги (1970—1982)» боби «Танқид тарихи» учун шартмиди?! Аввалги даврларга бағишланган боблардаги сингари 80-йиллар адабиётшунослигига оид факт, фикр-мулоҳазаларни ихчам тарзда шу давр танқидчилигига бағишланган бобнинг таркибиде бериш мумкин эди-ку! Бунинг устига адабиётшуносликка оид бу махсус боб нуқул сон-саноқсиз фактлар йиғиндисидан иборат бўлиб қолган; муҳим ва номухим ҳодиса-фактлар суриштирилмай, сараланмай аралашига тилга олинаверган. Унда «Ўзбек адабиёти тарихи», «Ўзбек совет адабиёти тарихи»га берилган тавсифий тарздаги характеристикалар бутунлай ортиқча, бир неча ўринда аввалги бобда айтилган фикрлар, келтирилган фактлар бошқачароқ тарзда такрорланади.

«Танқид тарихи» авторлари асосан ижобий мисолларга таянганлар, аксари танқидчилик ривожидеги ютуқларни қайд этиш билан банд бўлганлар. 30-йиллар, хусусан, ўзбек танқидчилиги ривожидеги энг драматик палла — урушдан кейинги давр танқидчилигидеги қўпол хатоликлар, адашишлар, вульгар социологизм, догматизм кўринишлари, шахсга сиғинишнинг, маъмурий буйруқбозлик услубининг адабиётга, танқидчиликка етказган зарарлари, «хаётни пардозлаб кўрсатиш» тенденцияси, «конфликтсизлик назарияси» оқибатлари йўл-йўлакай айтиб ўтилади-ю, бу қусурлар бутун кескинлиги, драматизми билан тўлалигича очиб берилмайди. «Навоий», «Олтин водийдан шабадалар», «Қўшчинор», «Тобутдан товуш» каби асарларни, Зулфия, Уйғун, Мақсуд Шайхзода шеърларини, В. Жирмунский, Ҳ. Зарифов, А. Алимухамедов илмий ишларини баҳолашдаги қўпол хатоликлар, бедоликлар, бундай чиқишларнинг адабиёт, танқид ривожига учун келтирган фожий оқибатлари бор ҳолича кўрсатилмайди. Муаллифлар ўзбек адабий танқидчилиги тараққиётида «янги босқич» деб атаган, аслида турғунлик идеологияси ва психологияси кенг тарқалган, бу ҳол сўз санъати, танқидий тафаккур ривожига учун тушов бўлган давр қийинчиликлари, драмаси ҳақида, ўша йиллари танқидчиликда авж олган мансабга сиғиниш, мансабдор ёзувчилар шаънига ўқилган ҳамду санолар хусусида лом-мим демайдилар. Бундай кунгилсиз фактлар, аччиқ сабоқлар «Танқид тарихи»дек катта ишда айтилмаса қаерда айтилади!

Ҳозир ҳамма соҳада бўлгани каби «Танқид тарихи»да ҳам диалектик тафаккур, талқин ҳар қачонгидан кўра ҳам зарурроқ. Ҳозирги авлод тарихни бутун мураккабликлари, зиддиятлари, ютуқ ва камчиликлари, драмаси билан бор ҳолича кўришни истайди. Эришилган ютуқлар билан баробар йўл қўйилган хатолар, босиб ўтилган йўлнинг аччиқ сабоқлари фожияларини унутишга асло ҳаққимиз йўқ. Аччиқ сабоқлар унутилган жойда эски хатолар дарҳол такрорланади. Кейинги пайтларда бунга яна бир қарра амин бўлдик. Чунончи, маданий меросимизнинг айрим намуналарини, ҳозирги ёшлар шеърятини, «Юлдузли тунлар» романини баҳолашдаги бирёқламаликлар, вульгар социологик йўл тутишлар, бир чеккаси, тарих сабоқларини унутиш оқибатидир. Ҳақиқий илмий тарих босиб ўтилган йўлнинг ойнаси ва келажак учун сабоқ, компас бўлиши лозим.

Собир Мирвалиев

Чиндан ҳам катта ва машаққатли ижодий меҳнат асосида адабий танқид тарихи учун етарли замин тайёрланган. Бироқ матбуотда ва бугунги суҳбатда қайд этилганидек, бу борада «фундаментал тадқиқот яратилган» деб айтишга ҳали вақт эрта. Тўғри, ушбу икки томлик адабий танқид тарихининг ижобий фазилатлари анчагина. Хусусан, ишнинг «Кириш» («Адабий танқид тарихини ўрганишнинг методологияси ва методикаси масалалари» — И. Султон); «Ўзбек совет адабий танқидчилигининг вужудга келиши» (1917—1932) деб номланган иккинчи боби (М. Юнусов) ҳамда «Улуғ Ватан уруши даври ўзбек адабий танқидчилиги» (1941—45) деб номланган тўртинчи боби (Б. Назаров) фундаментал «тарих» учун жавоб бера олиши мумкин. Шунингдек, ўзга бобларда ҳам жуда кўп ва фойдали назарий-амалий хулосалар ва фактлар йўқ эмас. Уларни инкор этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, албатта. Бироқ биз «Институт ушбу «Ўзбек совет адабий танқиди тарихини кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйиб, танқидий мулоҳазаларни ҳисобга олиш йўли билан яна ҳам мукамаллашти-

риш ниятида» (таъкид бизники — С. Мирвалиев) эканлигини назарга олиб, у ҳақда кўпроқ танқидий фикрларимизни баён этишни маъқул кўрдик:

1. Ҳар икки жилддаги мақолаларни ўқиб, деярли кўпчилик боблар обзор характерида ёзилганлиги учун «тарих»дан кўра «очерк» тарзида баҳолаш маъқулдек кўринади. Нега? Сабаб, биз тилга олган уч бобдан ташқари қолган бобларнинг деярли ҳаммасида чинакамга адабий танқид тарихини ёритиб бера оладиган факт ва хулосалар етишмайди. Жумладан, «Улуғ Ватан урушидан кейинги давр ўзбек танқидчилиги» (1945—1956) ва ҳатто «Социализмни такомиллаштириш даврида адабий танқид» (1956—1982) қисмида ҳам адабий жараёндаги энг муҳим масалалар, хусусият ва тенденциялар етарли ёритилмаган. Хусусан, КПСС XX ва XXIV съезидан кейинги даврда адабиётимизда замонавийлик учун кураш, бу борадаги изланиш ва интилиш самараси, жанрларнинг ранг-баранглашуви, услубий янгиланишлар ва уларнинг ўзаро бойиб бориши, қаҳрамон яратилган бадий маҳоратнинг ошиши, мавзу ранг-барангли ва кенглиги, янги ижодкор авлоднинг кириб келиши билан янгича изланиш ва кашфиётларнинг туғилиши каби масалалар адабий танқидчиликда ёритилган бўлса ҳам, булар «тарих»да ўзининг изчили, фундаментал ифодасини топмайди. Жилдларда маълум бир даврда яратилган адабий асарларга обзор берилгани яхши. Бироқ, афсуски, бу характеристика ҳамisha ҳам адабий танқид тарихини ёритишга хизмат этмайди. Жумладан, урушдан кейинги даврда пайдо бўлган конфликтсизлик «назарияси», социологизм касали, теманинг актуаллигига ортиқча ружу қўйиш орқасида содир бўлган ғойий-бадий нуқсонлар ҳақида тўғри гапирилади-ю, аммо конкрет фактлар, далиллар, ҳужжатлар келтирилмайди. Ёки бундай нуқсонларни енгиб ўтиш қийинчиликлари, баҳслар, мунозаралар етарли очилмайди.

2. Адабий ҳаётда хусусан, 60—70-йиллар прозаси соҳасида, аруз вази масаласида, роман ва замон мавзусида, конфликтнинг икки тури ҳақида, драматургия борасида қанчадан-қанча баҳслар бўлиб ўтган эди. Мазкур тадқиқот улар ҳақида узук-юлуқ фикрлар билан чегараланади. Шу даврда «мода»га айланган «етти танқидчига бир савол» туркумидаги баҳслар ва улар натижаси ҳақида лом-мим дейилмайди.

3. Адабий мерос танқидига доир ўринларда ҳамisha ҳам изчиллик сезилмайди. Ишнинг «кириш» қисмида қайд этилганига қарамай, адабиётшунослик билан танқидчилик термини, тушунчаси аралаш-қуралаш ишлатилаверади. Ким адабий танқидга оид материал тополмаса ёки етказолмаса ўша ўринда адабиётшунослик материалларидан фойдаланиш йўлини тутaveraди. Бу ҳол жилдлардаги яхлит изчилликка ҳам пугур етказилади. Хусусан, адабий танқидчилик тарихида 60 ва 70-йиллардан бошлаб адабий мерос ва фольклор асарларини ўрганиш кенг қулоч ёзган эди. Айниқса, Фурқатнинг 100 йиллиги муносабати билан кўп баҳслар давом этганлиги маълум. Бу ҳақда эса, бирор бир дуруст фикр баён этиш у ёқда турсин, лоҳал эсланмайди ҳам. Айниқса бу давр фольклор танқидчилиги кадрлар жиҳатидан ҳам, масалаларни қўйиш ва ҳал этиш жиҳатидан ҳам кўтарилиш сари борганлиги маълум. Ишда эса, кўпроқ 20 ва 30-йиллар фольклор танқидчилигига оид фикрлар баён этилади, холос.

4. Ишни — ҳар икки жилдни сидирғасига ўқиган ўқувчи ҳар бобнинг услуб ва мазмуни жиҳатидан ҳар хил савияда ёзилганлигини тезда пайқашни қийин эмас. Мана шу ҳолат ҳам даврларни — даврларга боғлашда, изчиллиكنи таъминлашда «тарих» яратилиши қийинлаштирган. Масалан, «Ўзбек совет адабий танқиди социалистик реализм эстетикаси билан қуролланиш йўлида» (1932—1941) бобини олиб кўринг. Бу боб аввало ўзининг жарангдор номи даражасига етмаганлиги, фикрлар ва хулосаларда изчиллик ва савия етишмаслиги билан ажралиб туради. Жумладан, ушбу бобда Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон», Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романи атрофидаги баҳслар ҳақида фикр юритилади-ю, бироқ «Ўтган кунлар» романига доир мунозаралар хусусида лом-мим дейилмайди. Тўғри, бу ҳақда аввалги бобда озми-кўпми фикр баён этилган. Негадир ҳар икки бобда М. Швердин ва Ойбекнинг «Ўтган кунлар» ҳақидаги қарашлари четда қолган. Бу бобни ёзган автор ҳатто 30-йиллар адабий танқидига доир мавжуд ишлар билан яқиндан танишмаган ва ўрганмагандек туюлади. Хусусан, Ҳ. Ёқубов, Т. Солиҳов каби олимлар бу давр адабий танқиди ҳақида жиддий фикрларни алақачона айтганлиги малум.

5. Жилдларда ва кўпгина мақолаларда И. Султон, М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов каби танқидчилардан қариган ортиқ мисоллар келтирилади. Шунинг оқибатида таҳлил ўрнига обзор, баён асосий ўринга чиқиб қолади. Оқибатда ҳар бир боб ва мақолани ёзган авторнинг ўз шахсий-объектив илмий хулосалари етишмайди ёки сояда қолади. Ваҳоланки, худди шу даврларда улар қаторида В. Зоҳидов, Г. Владимиров, Ҳ. Ёқубов, В. Абдуллаев, Н. Маллаев каби етакчи танқидчилар ҳам баракали ижод билан машғул эди. Булар билан ёнма-ён Н. Владимирова, Б. Имомов, С. Мамажонов, У. Норлатов, О. Тоғаев, П. Шермухамедов, А. Ҳайитметов, Т. Собиров, Б. Ғуломов, А. Абдуғафуров каби бутун бир авлод ўзбек адабий танқидчилигида фаол иштирок этганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бу ерда бирёқламалик кўзга ташланади. Бир томондан бу даврга оид адабий-танқид муаммолари етарли қайд этилмайди, баҳс мавзулари, мунозаралар асарларини ёритиш ўрнига маълум танқидчилар асарлари баёни берилди, улар фикри изоҳланади, холос. Иккинчи томондан бу даврда озми-кўпми ижод этган ва кўпинча адабий танқид тарихига ўз улушини қўшган кўпгина муаллифлар умуман тилга олинмайди. Худди шу бобда М. Қўшжонов, Н. Худойберганов каби танқидчилар ижодига ҳам объектив баҳо берилганда яхши бўларди. Нега деганда худди шу даврда М. Қўшжонов бир томондан бир мақолани кўп марта чоп эттирган бўлса, иккинчи томондан Ш. Рашидов ҳақида энг қўллаб мақола ва ҳатто китоб ёзган эди. А. Одилов, А. Каримов каби халқимиз номига иснод келтирган собиқ раҳбарларни ва улар ҳақидаги асарларни кўкларга кўтарган эди. Худди шу гапларни Н. Худойберганов ҳақида ҳам такрорлаш мумкин. Нега, бутун бошли бир тарихда баъзи танқидчилар фақат мақталадио ҳамчиликлари рўй-рост айтилмайди?

Айниқса, ўн йиллаб давом этган роман ва замон, конфликт соҳасидаги изланишлар ҳақида лом-мим дейилмаслигини қандай баҳолаш керак? Чинакам «тарих» шу йўл билан яратилдими?

Китобда КПССнинг 1972 йилда «Адабий-бадий танқидчилик тўғрисида» чиқарган қарори ҳақида гап борса ҳам, бироқ бу қарордан сўнг республика адабий-танқидий ҳаётида рўй бера бошлаган ўзгаришлар етарли умумлаштирилади. Биргина «Ташкент ҳақиқати» газетаси қошида ташкил топган адабий танқид совети ҳақида гап айтилади. Бошқа бир қатор журналлар, газеталарнинг

фаолияти умуман тилга олинмайди, умумлаштирилмайди. Ҳатто, Ёзувчилар союзи қошидаги адабий танқид кенгаши фаолияти тилга олинмайди ҳам. Шу даврда янгидан ёки қайта ташкил бўлган бир қатор газета-журналларнинг адабий-танқид тарихидаги ўрни ва роли эса буткул эсдан чиқарилади.

Худди шу нуқсон «Ҳозирги замон адабиётшунослиги (1970—1982)» деб номланган бобда ҳам кўзга ташланади. Тўғри, китобнинг бу бобида бир мунча объектив ва ҳақиқатга яқин фикрлар, хулосалар учрайди. Бироқ бу ўринда ҳам «тарих» учун энг зарур бўлган факт ва фикрлар ифодасида изчиллик йўқ. Адабиётшуносликнинг бу даврдаги тараққиёт тенденциялари етарли ва чуқур таҳлил этилмайди. Баҳс ва мунозаралар ва уларнинг слараси етарли умумлаштирилмайди. Бу бобда ҳам бирёқламалик кўзга ташланади. Кимлардир мақталади, кимлардир умуман тилга олинмайди. Худди шу ҳол адабий мерос ва фольклор асарларига оид кузатишларда ҳам учраб туради.

7. Адабий танқид тарихида адабий материалларга обзор бериш унчалик ўзини оқламаётгандек кўринади. Агар бази бобларда бу хил обзор етарли хулосаларда берилса, баъзи бобларда йўлигагина у ёки бу асарлар тилга олиб ўтилади. Энг муҳими, у ёки бу давр тараққиёти ва хосиятини белгилайдиган асарларга хос белгилар кам ёритилади. Кўп ўринларда эса адабий материал обзорини адабий танқид тарихи учун бўйсундирилмайди.

«Тарих»даги яна бир масала — уни даврлаштириш, йиллар асосида бобларга бўлишда эътироз келиб чиқади. Нега бу масала адабиёт тарихида бошқача-ю, «Адабий танқид тарихи»да бошқача?

Азим Раҳимов

«Танқид тарихи»нинг ҳар бобида адабий жараёнга кўп ўрин ажратилганлиги тўғри эмас. Аслида «Танқид тарихи» ўзбек совет адабиёти тарихидан яхши хабардор кишиларга мўлжалланган. Шунинг учун унда совет адабиётининг ҳар босқичига қайтадан шунчалик кўп обзор бериб ўтириш керак эдимми? Ишда кўчирмалар жуда кўп. Бунинг устига, кўчирмаларнинг айримлари жуда жўн ва унча қимматга эга эмасга ўхшайди. Айрим ҳолларда эса авторлар ана шу кўчирмалардан муайян хулосалар чиқариш ўрнига, уларда айтилган тайёр фикрлар билангина қаноатланиб қолаверадилар. Қатор бобларда ёритилаётган фикрлар системалаштирилмаган. Аслида баён этилаётган фикрлар ё адабий танқид жанрлари бўйича ёки маълум масалалар бўйича системалаштирилиши керак эди. Шундай қилинмаганлиги сабабли баъзи бобларда гап нима тўғрида бораётганлигини англаб бўлмайди. Айрим ҳолларда эса бир масаладан иккинчисига ўтиб кетаверилади. Материалларнинг системалаштирилмаганлиги бу манбадан ўқув юртларида фойдаланишни анча қийинлаштириб қўяди. Тўғри, авторларнинг аҳолини ҳам тушуниш керак. Чунки танқидчиликнинг тарихининг барча босқичлари ҳам манбаларни муайян масалалар атрофида системалаштириш учун етарли материал беравермаслиги мумкин. Лекин бу ҳам авторларни материални системалаштириб бериш заруриятидан халос қилолмайди. Бизни ажаблантирган нарса шуки, «Танқид тарихи»да мунозаралар ё бутунлай четлаб ўтилган, ё силлиқлаб юборилган, ёки бўлмасам, мунозаранинг фақат биргина томонини кўрсатиш билан чекланилган. Ахир ўзбек танқидчилиги тарихида бундай жиддий мунозаралар озмунча бўлганми? Бу мунозаралар адабиётимиз тарихида чакана асоратлар қолдирганми? Жиддий мунозаралар ҳар ўн йилликда бир-икки мартадан бўлиб турган: 20-йиллардаги «Ўтган кунлар» романи атрофидаги мунозара (бу мунозара ҳатто 60—70-йилларда ҳам давом этди), 30-йилларда «Сароб» романи хусусидаги мунозара. Кейинчалик «Навойи», «Олтин водийдан шабадалар», «Қўшчинор», «Чинор» романлари, «Юрак сирлари», «Тобутдан товуш» драмалари атрофида ҳам мунозаралар бўлиб ўтди. 50-йиллардан бошланган конфликтсизлик, ижобий қахрамон, лирикада типиклаштириш масалаларига бағишланган мунозаралар ҳам шу сирага қиради. Давлат мукофоти билан тақдирланган, ўзбек адабиётининг жаҳоншумул шуҳратини таъминлаган «Навойи» романи ҳам бир вақтлар қанчалик «ур калтак» қилингани ҳақида гапирмай бўладими? Утмишдаги адабиёт соҳасидаги бундай ҳодисалардан мутахассисларгина хабардор. Кейинги авлод бутунлай бундан беҳабар. Унга бу асарларнинг тақдирини ҳозиргидек силлиққина қилиб етказиш тўғри бўлмайди. Уша асарлар тақдирини машъум роль ўйнаган С. Ҳусайн, В. Зоҳидов, М. Швердин ва бошқалар ҳақида ҳам бор гапни ёзиш керак деб ўйлайман. Маълумки, профессионал танқид билан ёзувчилик танқиди ўзининг маълум хусусиятларига эгадир. Танқидчилик тарихи масалаларини ҳал қилишда, айрим асарларни баҳолашда буни ҳисобга олмас бўлмайди. Зотан, ҳатто 50-йилларгача ўзбек танқидчилиги асосан ёзувчилик танқиди бўлиб, профессионал танқид анча кейин оёққа турганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу эса танқидчилигимиз тарихида маълум из қолдирди.

«Тарих»нинг бир қатор бобларида ўринли-ўринсиз адабиётшунослик билан танқидчилик муносабатлари масаласи кўтарилади. Баъзи авторлар уларнинг ўртасига аниқ чегара қўйишга, бошқалари бу чегараларни бутунлай йўқотишга уринадилар. Т. Расулов эса «адабиётшунослик» терминини адабиёт тарихи маъносидида ишлатишни таклиф қилиб, китобхонларни ҳайратга солади (1-том, 198-б). Аслини олганда, танқидчиликнинг ўзи адабиётшунослик соҳасидир. Шундай экан, ишда бундай ўринсиз мунозаралар билан овоза бўлиш самарасиздир. Мабодо «Танқид тарихи»да «адабиётшунослик» ҳамда «танқидчилик» терминлари ўртасидаги муносабатларни ойдинлаштириш зарурати бўлса, китобнинг бир жойида шуни қайд қилиб, адабиётшунослик илмининг танқидчиликдан бошқа соҳа материалларига муносабатидаги асосий принципларни белгила олиш ўринли эди. Китобнинг баъзи бобларида аллақачон эскириб, сийқаси чиқиб кетган хато тезислар такрорланган. Поэзияда бармоқ системасининг қарор топиши сабабларини «жўшқин ҳаёт ритми ғазаллар, рубоийлар оҳангига сиғмасдан қолганлигидан» деб кўрсатилиши (1-том, 96-б.) кишини ажаблантиради. Эллик йилдан ортиқроқ китобдан-китобга кўчиб юрган бу тезиснинг турган-битгани хато эканлигини 20-йиллардаёқ Ҳамза арузда ёзилган «Яша, Шўро!», «Ўзбек хотин-қизларига» каби асарлари билан исботлаб қўйган эди. Шунинг учун бу гаплар ҳозиргача кўтариб юрилганлиги кишига эриш туюлади. «Тарих»да Чўлпон ва Фитрат ижодига муносабат ҳам эскича. Авторлар қайта қуриш жараёнида маданий меросга муносабат масалалари ҳам янгидан кўриб чиқилагаганлиги, тафаккур

тарихига догматик нуқосабатдан воз кечиб, адабий ва тарихий ҳодисаларга марксча-ленинча илмий меодология нуқтаи назаридан ёндашиш қарор топа бошлаганлигини эътибордан соқит қилмасликлари керак. Шундай экан, мазкур ижодкорлар меросига бир томонлама ёндашиб, уларга далил-исботсиз айблар қўйиш бугунги куннинг руҳига тўғри келмайди. Қўлимизда энг адолатли мезон, илмий ҳақиқатни тўла очишнинг қудратли қуроли — марксистик илмий методология машъали бор. Бу ижодкорларга муносабатда ҳам эътиросларга берилмасдан, субъектив қарашлар доирасида чекланмасдан иш олиб бориш керак. Урни келганда, ишда учрайдиган баъзи бир назарий хатоликлар ва мунозарали ўринлар ҳам борлигини кўрсатиб ўтиш жоиз. Китобнинг биринчи бобида социалистик реализм иқтисодий (ишлаб чиқариш воситаларининг социалистик мулкчилиги), сиёсий (пролетариат диктатурасининг мавжудлиги), идеологик (марксча-ленинча дунёқараш) сингари уч асосий факторларга боғлаб қўйиладигани (1 т., 41-б.) бу, назаримизда, тўғри эмас. Янги типдаги адабиёт саналган совет адабиётининг дунёга келиши учун зарур бўлган бу уч факторни социалистик реализм учун ҳам шарт қилиб қўйишга қўшилиб бўлмайди. Социалистик реализмнинг пайдо бўлиши учун социалистик характердаги воқелик билан марксистик дунёқарашнинг бўлиши кифоядир. Акс ҳолда ҳозирги капиталистик мамлакатларда социалистик реализм санъатининг мавжудлигини нима билан изохлаш мумкин? Традиция ва новаторлик масалаларни ёритишда ҳам баъзи назарий ноаниқликларга йўл қўйилган. Ишда Чўлпоннинг бадий воситаларни реакцион мазмунга хизмат қилдирганлиги тўғрисида гапирилади (1 т., 62-б.). Бадий воситаларнинг санъаткор дунёқарашига бефарқлиги исбот талаб қилмайди. Бу қоида традиция ва новаторлик масалаларининг йирик тадқиқотчиси бўлган марҳум авторга бошқалардан кўра яхшироқ аён бўлиши керак эди. Традиция тўғрисидаги бошқа мулоҳазалар ҳам ўзининг бориб турган жўнлиги сабабли (1 т., 120-б.) ҳам кишини қаноатлантирмайди. Китобда эркин (сарбаст) шеърнинг характерли хусусиятлари яхши берилгани ҳолда, унинг аруз ва бармоқ қаторида турадиган алоҳида шеър системаси деб кўрсатилишига (1 т., 102-б.) қўшилиб бўлмайди. 20-йиллар охирида яратилган Миртемирнинг сочмаларига ортиқча баҳо берилганга ўхшайди.

Адабиёт ва санъатда миллийлик ва интернационаллик проблемаси 50-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб адабиётшунослик ва танқидчиликнинг диққат марказида турган масалалардан бирига айланиб қолди. Чорак аср давомида бу масала устида олиб борилган тадқиқотлар ҳамда мунозаралар натижасида санъатда миллийлик ва интернационалликнинг табиати, диалектик бирлиги ва ривожланиш қонуниятлари билан боғлиқ кўплаб масалаларга аниқлик киритилди. «Танқид тарихи» авторлари ушбу масалани ёритар эканлар, чалкашликларга йўл қўядилар, ўзларининг фаннинг бу соҳадаги ютуқларидан етарли хабардор эмасликларини ихтиёрсиз намоиш қилиб юбордилар. Китобда интернационалликни миллийликнинг мағзи, ички моҳияти эмас, ундан ажралган, аллақандай эришиб бўлмас мавҳум нарса сифатида талқин қиладилар. Уларча, интернационаллик бир жумбоқ, миллийлик эса уни очадиган бир қалит, интернационаллик миллийликни изоҳлайдиган бир восита бўлиб, усиз миллийликни чуқур билиб бўлмайди. Аслида эса миллийлик билан интернационаллик ҳодиса ва моҳият бўлиб, бир-биридан ажралмасдир. «Тарих»да негадир интернационаллик миллийликнинг тўғри-нотўғрилигини аниқлайдиган «тафтишчи», «ҳакам»га айлантириш қўйилади. Эмишчи, интернационаллик миллийлик белгилари билан тўқнашиб, уни суриб чиқариш вазифасини бажаради (1 т., 73-б.). Ажабо, бу қанақаси бўлди, деб ёқангни ушлайсан киши. Масалага бундай қарашнинг сабаби шуки, «Тарих» авторлари миллийлик ва интернационалликка бир нарсанинг икки томони деб эмас, бир-биридан ажралган ҳолда яшовчи алоҳида-алоҳида нарсалар деб қарайдилар. Улар миллийлик деганда ўзбек адабиётини, интернационаллик деганда эса ташқи традицияларни тушунадилар, адабий тараққиётни интернационалликни эгаллашдан иборат жараён деб талқин қиладилар. Бундай қарашларнинг методологик жиҳатдан хатолиги аллақачонлар исботланган.

«Тарих»нинг биринчи бобида 1917—1932 йилларда ўзбек танқидчилиги шаклланди ва ривожланди, деган хулоса чиқариладигани, бунга мутлақо қўшилиб бўлмайди. Чунки бу даврда танқидчиликнинг жанрлари ҳам, принциплари ҳам шаклланмаган, унинг фигуралари ҳам йўқ эди. Гапнинг сирасини айтганда, ҳақиқий ўзбек профессионал танқидчилиги фақат 50-йилларга келибгина шаклланганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бундан ташқари, китобда қатор бир-бирига зид фикрлар, такрорлар ва баъзи бир фактик хатоликлар ҳам учрайди. Масалан, 20-йиллар ўзбек адабиётининг ижодий методи масаласи ҳал қилинмаган бўлиб, «Тарих» авторлари бу босқичда социалистик реализм ягона ижодий метод бўлган, деган фикрга ҳайрихоҳлик билдирдилар (II т., 26-б.). 20-йилларда ўзбек адабиётини социалистик реализмдан ташқари бошқа ижодий методларнинг бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлар уларга мантиққа зид бўлиб кўринади (II т., 206-б.). Ваҳоланки, худди шу иккинчи томнинг бошқа саҳифаларида Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима» драмаси ўзининг қатор хусусиятлари билан социалистик реализм асари бўлолмалиги (II т., 65-б.), бу босқичда адабиётда буржуа-миллатчилик интилишлари, реакцион романтизм, формалистик метод ҳамда оқимлар бўлганлиги ҳақида гапириладигани (II т., 278-б.), булар ўз-ўзидан юқоридаги қатъий хулосаларни рад этади. Хуллас, икки томлик «Ўзбек совет адабий танқиди тарихи»ни яратиш тажрибасидан кўриниб турибдики, танқид тарихи бошқа соҳалар тарихидан фарқли ўлароқ, концепциялар, гипотезалар, проблемалар тарихидир, улар хусусидаги мунозаралар, мушоҳадалар ва муҳоқасалар тарихидир. Танқид тарихини яратувчи гарчи мафкура соҳасидаги бундай муаммоларни ҳал қилиб бермаса-да, ҳар ҳолда уларнинг барчасидан беш бармоғидек хабардор бўлиши ва фикрлар мусобақаси жараёнидаги энг тўғри, истиқболли тенденцияларни илғаб ола билиши, уларни қўллаб-қувватлаши зарур. Ишнинг нақадар масъулиятли эканлиги шундан ҳам англашилиб турибди.

Эрик Каримов

Танқид тарихининг муҳокамаси ҳолис ва ҳалол ўтятти. Уртоқлар конкрет мисоллар орқали тадқиқотда мавжуд бўлган хато ва камчиликларни тўғри кўрсатиб бермоқдалар. Олимларнинг танқидий фикр-мулоҳазалари танқид тарихининг янги, ҳозир Фанлар академиясининг Тил ва ада-

биёт институтида рус тилида тайёрланаётган янги варианты пухта бўлиши ва савияси кўтарилишига ёрдам беради.

Марксизм-ленинизм таълимоти танқид тарихидаги вульгар-социологик хато талқин ва кўри-нишларни бартараф қилишда бирдан-бир буюк манбадир.

Баъзи бир чиқишларда тўғри мулоҳазалар билан бирга баҳсли фикр ва баҳолар ҳам айтилади. Адабий танқид тарихининг даврлаштирилиши, умуман, тўғри. Лекин муайян бир адабий-тарихий даврлар ичида яна ажралиб турадиган маълум бир босқичларни кўрсатиб ўтиш зарурати бўлиши мумкин. 20—30-йилларда адабий танқид шакланмаган, деган қараш ҳам асло қўшилиш мумкин эмас. Чунки бу даврда адабий танқид ва адабиётшуносликка мустақкам замин солган ва бу фанларнинг яратилишига жиддий ҳисса қўшган Отажон Ҳошим, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Абдурауф Фитрат, Боту, Чўлпон, Олим Шарафиддинов, Сотти Ҳусайн, Ғози Олим, Абдулла Алайи, Абдураҳмон Саъдий ва бошқа унлаб адабиёт тадқиқотчилари бор эди. Тўғри, уларнинг адабий қарашларида даврда мавжуд бўлган хато, вульгар социологик, пролеткультчи-раппчи адабий-танқидий концепцияларнинг муайян таъсири ҳам сезилиб туради. Пролеткультнинг «назарий жиҳатдан чалқаш, амалий жиҳатдан зарарли» адабий қарашларини В. И. Ленин ўз вақтида жиддий танқид қилган. Афсуски, пролеткультчиларнинг хато адабий концепцияларини кейинроқ Россияда — РАПП, Узбекистонда — УзАПП ўзи учун қуролга айлантириб олади. Узбекистон пролетар ёзувчилари уюшмаси танқидчиларнинг энг катта хатоси ишчи синфини деҳқон ва зиёлиларга қарши қўйишида эди. Уларнинг манфаати бошқа синфларга, шу қатори, деҳқон, ва халқ ичидан чиққан зиёлиларга ҳам ёт, деган эътиқод олдинга сурилади. Бу марксизм таълимотида зид ва зарарли бўлган дунёқарашга Ленин кескин қарши чиққан эди. Лекин 20-йилнинг иккинчи ярмида бу хато адабий танқидчиликда кенг тарқала бошлади ва давр адабиётига, адиблар ижоди ва асарларига нотўғри баҳо берилишига асос бўлди. Шу сабабли бирон ўзбек совет ёзувчисининг — на Ҳамзанинг, на Абдулла Қодирининг, на Сўфизоданинг, на Абдулло Авлониининг, кейинроқ эса на Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжоннинг ижоди ўз баҳосини ола билди. Бу нарсалар, албатта, тасодифий эмас эди. Ҳозирги вақтда маълум бўлдики, бу хатолар И. В. Сталин ва атрофидаги одамларнинг деҳқонларга бўлган қарашлари, муносабати билан боғлиқ. Агар ўзбек адабий танқиди тарихи бутуниттифоқ адабий жараёнида бўлиб ўтган факт ва ҳодиса, сиёсий, эстетик қараш ва концепциялар нуқтаи назаридан таҳлил этиб чиқилса, ижтимоий ва маданий ҳаётдаги ижобий ва салбий кўринишларга тўғри марксистик баҳо бериларди. Бунга рус адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида яратилган ва методологик жиҳатдан илмий-назарий тўғри ҳал этилган тадқиқотлар ёрдам беради.

Фитрат улуг олим ва йирик жамоат арбоби бўлган.

Бу ерда Фитрат ижодининг 80 фоизи форс-тожик тилида кечган, шунинг учун Фитрат ижодини тузук билиш қийин, деб айтилди. Бу фикрга қўшилиш мумкин эмас.

Фитратнинг инқилобдан аввалги асарлари, асосан, тожик тилида ёзилган. Совет давридаги ижоди эса ўзбек тилида кечган ва баъзи бир асарларини адибнинг ўзи тожик тилига ўғирган. «Тожик тилининг грамматикаси» номли дарслиги бундан истисно. Асосий бадий асарлари ва йирик илмий-назарий тадқиқотлари ўзбек тилида яратилган. Динга қарши «Қиёмат» қиссаси, «Шайтоннинг тангрига исёни» поэмаси, «Рўзалар» комедияси, «Абдулфайзхон» тарихий драмаси, муваффақият билан ўтказилган ер ислохотига бағишланган «Арслон» номли театр асари, ҳинд мавзусида бўлган «Чин севиш» ва «Ҳинд ихтилочилари»¹, унлаб илмий-назарий монография ва мақолалари «Адабий қондалар», «Энг эски турк адабиёти», «Ўзбек классик музыкаси ва унинг тарихи», «Аруз тўғрисида», «Ўзбек классик адабиётининг намуналари», «Фарҳоду Ширин дostonи тўғрисида» ва яна жуда кўп асарлар «академент» муассасаларида ва олий ўқув юртларида ишлаган Абдурауф Фитрат томонидан ўзбек тилида ёзилган. Абдурауф Фитрат ўзи тузган рўйхатда 400 дан ортиқ илмий ишларини кўрсатган экан.

Йўқолиб кетган деб ҳисобланган «Восе кўзғолони» номли тарихий-инқилобий драмасининг тожик тилидаги вариантнинг нашри этилиб, сақланиб қолган экан. Таассуфки, 1937 йилги фожиавий воқеалар бу операнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлган.

Маълумот учун тагин бир нарсани айтиб ўтмоқчи эдим. Ўзбекистон Фанлар академияси доирасида Фитрат ва Чўлпон ижоди чорак асрдан кўпроқ вақтдан бери ўрганиб келиняпти. 1962 йилда нашр этилган икки томлик «Ўзбек совет адабиёти тарихининг очерклари»да Чўлпон ва Фитрат ижоди ҳам баҳо берилган. 1970 йилда Фитрат ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзилган икки босма табоқ ҳажмидан кўпроқ иш муҳокама қилинган. Бу муҳокамада академиянинг етакчи адабиётшуносларининг барчаси қатнашган. (Устоз олимлар И. О. Султонов ва Ҳ. И. Ёқубов, академиклар М. К. Нурмухамедов ва Ш. Ш. Шоабдурахмонов, фан докторлари М. Қ. Қўшжонов ва Ҳ. Ш. Абдусаматов, Узбекистон ФА Тил ва адабиёт институти партбюро секретари Т. М. Мирзаев ва профком раиси Э. Б. Бегматов ва бошқалар.) «Ўзбек совет энциклопедияси» учун ҳам Чўлпон ва Фитрат ҳақидаги мақолаларни академия олимлари тайёрлаб беришган.

Чўлпон ва Фитратнинг мураккаб, муайян хатолардан холи бўлмаган ижоди «Танқид тарихи»нинг янги нашрларида объектив баҳосини олиши зарур. Чўлпон ва Фитратларнинг ўткинчи бўлган миллатчилик хатолари мамлакатимизда миллий-давлат чегараланиши арафасида юзага келди. Уларнинг бу хатолари партияга миллатчилик руҳини олиб киришга уринган Турор Рисқуловнинг «Турк совет республикаси» ва турккомпартия лойиҳаси ва ғояларига бориб тақалади.

Бу хатолар Чўлпон ва Фитратнинг марксча-ленинча миллий чегараланиш ва ленинча миллий сиёсатни яхши ўзлаштирмаганлигидан келиб чиққан эди. Бу ҳақда Фитрат ва Чўлпон ўзларининг хатларида эътироф қиладилар.

«Ўзбек совет адабий танқиди тарихи»нинг янги нашрида ҳар бир давр танқиди, уларнинг асо-сий оқими ва йўналишлари, манба ва муаммолари пухта ва мукаммал ёритилиши керак.

¹ Жавахарлаъл Нерунинг айтишича, Фитратнинг Ҳиндистон театрларида қўйилган «Ҳинд ихтилочилари» драмаси мамлакатда ривож топаётган миллий ооздлик ҳаракатида қатнашаётган кучларни бирлашишига ёрдам берган. Умуман, ҳинд мавзуси 20—30-йилларда Бутуниттифоқ совет адабиётида салмоқли ўрин тутди.

Ушбу тадқиқотда адабий танқид адабиётшуносликнинг адабиёт тарихи, адабиёт назарияси қаторидаги бир қисми сифатида қаралади, танқид тарихи адабиёт тарихи ва адабиёт назарияси фониди ёритилади. Шу билан бирга бу тадқиқотда ҳар бир давр бўйича адабий мерос масалаларига ҳам жиддий эътибор берилади. Чунки замонавий адабиётнинг ривожланишини адабий меросдан узиб қараш мумкин эмас. Тадқиқотнинг биринчи томидаги «Адабий танқид ва классик мерос проблемаси» бобида 1919 йилдаёқ «Муслмон иштирокиюн фирқасининг ўлка бюроси ҳузуридаги нашриёт шўбаси» томонидан «Инсоният ҳақида Навоийнинг фикри» сарлавҳали рисола эълон қилинган, 1921 йилда эса Навоий, Лутфий каби классиклар асарларидан махсус мажмуа тузиш ишлари планлаштирилгани ҳақидаги маълумотлар қимматли ва муҳимдир. Йигирманчи йилларнинг ўрталарида адабий мерос юзасидан, хусусан Навоий мероси бўйича бўлган баҳсларда ўзбек адабий танқидчилиги ўсган, чиниққан. Бу баҳслар таҳлилига монографиянинг биринчи томида яхши ўрин берилган. Адабий меросни ўрганишга салмоқли ҳисса қўшган Абдурауф Фитрат, Абдурахмон Саъдий, Олим Шарафиддинов (Айн), Воҳид Зоҳидов, Воҳид Абдуллаев, Иззат Султон, Юнус Латифов ва бошқаларнинг хизматлари тўғри кўрсатилган. Бу масалага монографиянинг биринчи жилдида системали муносабатда бўлингани ҳолда иккинчи томда гоаят умумий баҳо берилган. Унинг ўзига хос ички проблемалари конкрет таҳлил этилмаган. Ваҳоланки, адабий меросни ўрганишда, хусусан, унинг назарий проблемаларини ечишда олимларимиз, айниқса 60—70-йилларда анча жиддий ютуқларга эришган эди.

Классик адабиётга муносабатда авторлар коллективининг яна бир камчилиги адабий меросни кўп вақт бир ёқлама тушуниши, Навоий меросига қайта аҳамият берган ҳолда ўзбек адабиётининг бошқа намоёндалари ижодини етарли ёритмаслигида кўринади. Ўзбек адабий мероси фақат Навоий асарларидангина иборат эмас-ку! Ўзбек адабиётининг юзага келиши, ривожланишида Аҳмад Яссавий ва Юсуф Ҳос Ҳожибнинг, Юсуф Амирий ва Лутфийнинг, Бобир ва Муҳаммад Солиҳнинг, Сайқалий ва Хувайдоннинг, Мунис ва Оғаҳийнинг, Нодира ва Увайсийнинг, Машраб ва Турдиннинг, Гулҳаний ва Махмурнинг, Муқимий ва Фурқатнинг, Анбар отин ва Авазининг, Завқий ва Шавкатнинг (ва бошқалар) ўз ўрни бор. Турди, Ҳофиз Хоразмий, Махмур, Анбар Отин каби шоирлар ижоди совет даврида кашф этилди. Уларнинг ўзбек адабиёти тарихида тикланиши унутилмас бир воқеа бўлди. Бу ишда мутахассисларгина эмас, Ойбек, Фафур Гулом, Садриддин Айний, Собир Абдулла, Шайхзода каби ижодкорлар, ўзбек адабиётининг совет даврини ўрганувчи олимлари ҳам четда турган эмас. Бинобарин, бундай ҳодисалар танқидчиликдан ташқари турган воқеа деб саналмаслиги керак эди.

Таҷриба шуни кўрсатадики, адабий меросни чуқур ва атрофлича тадқиқ этиш илмий аҳамиятагина эга бўлиб қолмасдан, ҳамма вақт замонавий адабиёт ва танқид ривожига хизмат қилган. Масалан, қирқинчи йилларга келиб биз Навоийни ўрганиш бўйича В. В. Бартольд, Е. Э. Бертельс, О. Шарафиддинов, С. Айний, Ойбек, Ҳ. Олимжон, М. Шайхзода, Т. Жалолов ва бошқаларнинг тадқиқотлари тўғрисида жиддий ютуқларга эришдик. Бу ўз навбатида адабиёт ва адабий танқидчиликнинг ҳар қачонгидан ҳам юксакроқ даражага кўтарилишига олиб келди. Навоий ҳақида Ойбек романи, Уйғун ва И. Султон пьесаси яратилди. Шундай экан, адабий меросни ўрганишнинг аҳамияти умумий гаплар билан эмас, балки мумкин қадар конкрет мисолларда кўрсатиб берилиши мақсадга мувофиқ эди. Адабий танқид тарихига оид ушбу монографиянинг келгуси нашрларида бу ҳисобга олиниши даркор.

Мен «Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари» мавзуда илмий-текшириш олиб борганимда шунга амин бўлдимки, ўтмишда бизда ўзига хос адабий танқидчилик бўлган. Чунки адабиёт ривожланган жойда адабий танқиднинг бўлмаслиги мумкин эмас. Буни кейинчалик адабиётшуносларимиздан Б. Валихўжаев, Б. Назаров, Ҳ. Қудратуллаев ва бошқаларнинг шу йўналишдаги тадқиқотлари ҳам тасдиқлади. Масаланинг бу томонига ўз вақтида Ойбек, А. Саъдий ҳам аҳамият берганлар. Ўтмишдаги танқидчиликнинг ҳозирги танқидчилик билан келишадиган, туташадиган нуқталари ҳам йўқ эмас. Хусусан, адабий маҳорат масалаларида. Лекин монография муаллифлари бу ҳақда лом-мим демайдилар, бу икки танқидчилик ўртасидаги алоқаларни очишга заррача бўлса-да уринмайдилар ҳам. Ўтмишдаги бой адабиёт бўлмаса, ҳозирги адабиётимиз бу қадар тез ривожланмас эди. Навоий, Бобур кабиларнинг адабий-танқидий фикрларини ҳисобга олмасак, кўп нарса ютқашишимиз, адабиётимиз сарчашмалари билан боғловчи ипларни йўқотиб қўйишимиз мумкин.

Ушбу икки томлик тадқиқотда ўзбек адабий танқидига оид бой материал тўпланган. Лекин бу материаллар адабий танқиднинг ўзига хос хусусиятлари бўйича таҳлил этилмаган. Ҳамма замонларда адабий танқиднинг икки душмани бўлган. Бири адабий асарни гоҳ ғараз билан, гоҳ тушунмасдан ўринсиз ҳақдан ортиқ мақтаб юбориш, иккинчиси, субъектив ҳиссиётларга берилиб, замонасозлик қилиб камситиш. Бу ҳол бизнинг адабий танқидчилигимизда ҳам яққол кўринади. Кўп ижодкорларнинг ноҳақ бурни қонагани, жабр торганини биламиз. Ана шундай ҳоллар бу монографияда қаттиқ танқид қилиниши, адабиёт учун жиддий зарар келтиргани кўрсатиб берилиши лозим эди.

Норбой Худойберганов

Дарҳақиқат, «Тарих»нинг ҳар икки жилдидаги бир қанча саҳифаларда ўтмиш ва ҳозирги замон адабий-бадий жараёнидаги ижобий ҳамда салбий ҳодисалар, муҳим тенденцияларни ёритишга, етакчи ижодкорларнинг ютуқларини кўрсатиб, йўл қўйилган айрим нуқсонларни очишга ва бу борада мунаққидларимиз қандай вазифаларни бажариб, қандай салмоқли, кучли ёки бўш мақолалар, тақризлар ёзганлиги ва шу тариқа илмий-эстетик тафаккур равақига қандай таъсир ўтказганлиги ёхуд ўтказмаганлигини қайд этишга интилишни кўрамиз, бироқ бу интилиш қандай натижаларга

олиб келди? 1917—1932 йиллар адабий танқидчилиги тарихига бағишланган биринчи боб «Ўзбек совет адабий танқидининг вужудга келиши ва илк қадамлари» деб аталади.

Табиийки, бу ном реал воқеликда рўй берган ўзгаришларга мос тушади. Чунки профессионал ўзбек танқидчилиги Октябрь революциясидан кейин туғилиб, шакллана бошлагани ҳаммамизга аён, бироқ бу жараён қандай кечганини ўша тарихий шарт-шароит мазмунидан келиб чиқиб ёри-тиш ва баҳолаш талаб қилинади. Бу борада, айниқса, бир муҳим нарса диққат марказида туриши керак: тарихни ҳозирги нуқтаи назардан баҳолаш, «тафтиш» этиш, ундаги ҳар хил ўзгаришларни талқин қилишда нималарнидир қўшиб чатишимиз ёки нималарнидир олиб ташлашимиз мумкин эмас.

Масалага шу жиҳатдан ёндашилса, биринчи бобда муайян фазилатлар мавжуд, деб айтиш мумкин. Бу кўпроқ бир қанча адабий-танқидий фактлар тўплангани ва уларни талқин қилишда го-явий мазмунга урғу берилишида намоён бўлади. Зотан, ўша пайтларда совет ҳокимиятини ички ва ташқи душманлар тазйиқидан сақлаш ҳаёт-мамонт масаласи эдики, унга ёзувчиларнинг муносаба-тини аниқламасдан бадий ижод, адабий-танқидий тафаккур тараққиёти йўналишини билиш, идрок этиш мумкин эмас эди. Аммо янги тузумни қўллаб-қувватлашга қаратилган асарларда давр ҳақи-қати мавжуд мураккабликлари, зиддиятлари билан ёритилганими? Танқидчилик бу масалага қандай ёндашди? Қандай фазилатларни ёритиб, қандай нуқсонларни очиб ташлади?

20-йилларда ўнлаб, юзлаб адабий-танқидий мақолалар, тақризлар эшон қилиниб, уларнинг бир қисмини профессионал танқидчилар, қолганларини ёзувчиларнинг ўзлари ёзиб, танқидчи ва-зифасини бажаришга ҳаракат қилганлар: «Кундалик жараёнга оид танқидий ва илмий-маърифий ишлари билан газета ва журналлар саҳифаларида тез-тез куруниб турган ёзувчи ва адабиётшунос-лардан Абдулла Қодирий, Лутфилла Олимий, Абдураҳмон Саъдий, Элбек, ёшлардан Ҳамид Олим-жон, Фафур Ғулом, Миртемир, Уйғун, Шокир Сулаймон, Боту, Кашшоф Тригулов, Сотти Ҳусайн, Абдулла Қаҳҳор, Олтой, Отажон Ҳошим, Юнус Латиф ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Улар ўзбек совет адабиётининг шаклланишига доир энг ақтуал проблемалар устида баҳс юритганлар».

Энди биз бу ёзувчилар, танқидчилар қандай ақтуал проблемаларни ҳал қилганлигини би-лишни истаймиз, аммо бу умидини пучга чиқади ва диққатимиз қуйидагиларга тортилади: «...со-вет матбуоти саҳифаларида энди «Танқид ва адабий муҳофазасалар», «Фанний текширишлар», «Мат-буот ва адабиёт», «Санойи нафиса оламида», «Театр ва концерт» каби янги рубрикалар остида тур-ли адабий-бадий тўпламлар, саҳна асарлари, спектакллар, концертлар, дарсликлар, нашриёт ва матбуот ишларига оид обзорлар эълон қилинди».

Шундай обзорлар босилиб чиққанига ишонайлик, бироқ улардан қайси бири салмоқли, қайси бири бўш чиққан, қайси бири илмий-эстетик тафаккур тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди, қайси бири тараққиётга монелик қилдики, вазиятнинг мана шу томони ёритилмайди-да, бунинг ўрнига та-ғин умумий йўсинда мулоҳаза юритилиб, йигирманчи йиллар танқидчилигида икки тенденция бор-лиги қайд этилади. Улардан бири «илмий изланишлар йўлидан бориш» деб таърифланади. Яна ўндан ортиқ номлар тилга олинди, улар «илмий изланишлар йўлидан бориш» тенденциясини таш-кил этади, дейилади, «илмий фикрлаш» борасида улар нималарни кашф этгани-ю, нималарни кашф этолмаганига эътибор берилмайди. Умумий руҳдаги таърифу тавсифлар, шарҳлар қандай далилларга асослангани ёки асосланмаганлигидан бехабар қоламан.

Танқидчиликдаги иккинчи тенденция «вульгар социологизм»ни ташкил этади, дейилади-да, унинг нимадан иборат эканлигини исботлаш мақсадида яна қатор номлар саналади.

Табиийки, фақат йигирманчи йиллар танқидчилигидагина эмас, балки ундан кейинги даврда ҳам ижобий ва салбий тенденция мавжуд эди, деган фикр реал воқеликдан келиб чиққан, лекин буни шунчаки қайд этиш билан иш битмайди. Икки қарра икки тўрт ёки оғтоб кундузи, юлдуз, ой кечаси чиқади, деган оқдй ҳақиқатларнигина қайд этишнинг ўзи ўша тенденцияларнинг нималар-дан иборат эканлигини оидинлаштирмайди-ку, ахир! Шунчаки, мана, қанчадан-қанча танқидчилар, ёзувчилар «илмий изланишлар йўлидан боряпти», деб уларнинг номларини тилга олиб, ёзган ма-қолаларини умумий тарзда шарҳлаш ўрнига бир-икки конкрет мисол келтириб, уларнинг моҳияти чуқур, ҳаққоний илмий таҳлил билан ёритилса, нималар адабий танқидчилик тараққиётининг асо-сини ташкил қилаётгани кўз ўнгимизда гавдаланиши мумкин эди. Йўқ, уларни кўкларга кўтариб, идеаллаштириш керак эмас. Бор ҳақиқатларни очиб-ойдин кўрсатиш зарур.

«Тарих»да Чўлпон билан Фитратнинг танқидчилик фаолияти алоҳида диққат-эътибор қара-тилмагани, буни афсусланиб қайд этишга мажбурмиз.

Бадий ижод ижтимоий онг формаларидан бири эканлигини ҳеч ким инкор этмайди, бироқ у илгари суриладиган гоёларни, ижтимоий-сиёсий фикрларни тирик, ҳаққоний, оригинал образлар-га табиий равишда сингдириб юборган ҳолда, Фитрат айтганидек, «фигир туйғуларимиздаги тўлқин-ларни сўзлар, гаплар ёрдами билан тасвир қилиб, бошқаларда ҳам худди шу тўлқинларни ярат-моқ»дир, деб талқин этилиши керакки, бунга эътибор бермаслик фақат 20—30-йиллардагина эмас, кейинги пайтларда, ҳатто ҳозирда ҳам ўзига хос қатъий талаб, ҳатто қонун даражасига кўтарилиб қоляпти. Айтилик, «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1984 йил 23 декабрь сониде эълон қилинган редакцион мақола «Гоёвийлик — адабиётимизнинг бош мезони» деб аталиб, унда бадийлик, образлилик талабларига риоя қилинмасдан бир қанча ҳаётий, жонли асарларнинг социалистик реализм адабиётига ёт, деб асосиз қораланишини эслатишнинг ўзи кифоядир (Мазкур мақола таҳлили билан «Вопросы литературы» журналининг 1987 йил январь сониде босилган мақолаимизда танишишимиз мумкин).

Ажабланарлиси шуки, бир қанча истеъдодли ёш ва тажрибали ижодкорларимизга сиёсий ёрлик ёпиштириб, уларни адабиётимизнинг қарийб душманлари сафига чиқариб қўйган мазкур мақола икки жилдлик «Тарих»да тилга олинмайди. Ваҳоланки, ўша мақола бу тадиқот босилиб чиқмасдан уч йил олдин чоп этилганди. Лекин гап бундагина эмас. Гап гоёвийликни бадийликдан, образлиқдан ажратиб олиб талқин қилиш сўз санъатини вульгарлаштиришга, ҳақиқатни бузиб кўрсатишга замин ҳозирлаши ҳақида боряптики, бу пировардида истеъдодларнинг инқирозини, уларнинг ҳалокатини таъминлайди, талантсиз қаламкашларнинг кенг қулоч ёзиб, равнақ топишга йўл очиб беради, қўлай шарт-шароит яратади. Ахир, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий ижоди, уларнинг бир қанча баркамол асарлари 20-йиллардаёқ «вульгар социологизм» талаблари асосида

талқин этилгани, пировардида йўққа чиқарилгани бежиз эмас-ку! Бинобарин, истеъдодларнинг ашаддий душмани бўлган бу иллатнинг чуқур илдиз отиши, ҳозиргача яшаб келаётганини ҳисобга олиб, унинг моҳиятини очиб ташлаш танқидчиликнинг муҳим вазифаларидан бири эдики, афсуски, «Тарих»да бунга етарли даражада эътибор берилмайди. Тўғри, С. Ҳусайннинг А. Қодирий ижоди унинг «Ўтган кунлар»и ҳусусида туркум мақолалар, кейинчалик махсус китоб чоп эттиргани айтилади, аммо бу масала ҳам чуқур таҳлилдан ўтказилмайди. 30-йиллар адабий танқидчилиги ҳам, жумладан, «Сароб» романи ҳақидаги мунозара материаллари тавсифи ҳам юзаси ёритилган. Устига-устак ўша мунозара материалларига асосланиб, қуйидагича хулоса чиқарилади: «Юқорида келтирилгандан кўриниб турибдики, ўзбек адабий танқидчилиги ўттизинчи йилларнинг сўнги чорагига ўтилганда савия жиҳатидан яна бир поғона юқори кўтарила олган».

Ана холос! Абдулла Қаҳҳорнинг энг баркамол асарларидан бири йўққа чиқарилиб, унга «лой» чапланяпти-ю, бу ҳақдаги асосланмаган, вульгарлаштирилган танқидий мулоҳазалар «ўзбек танқидчилиги савия жиҳатидан яна бир поғона юқори»га кўтарилганини исботлайдими?!

Гап бу мантиқсизликдагина эмас. Гап «вульгар социологизм» сингари дахшатли манфур иллатнинг хаспўшланиб, уни кескин фош этишга етарли даражада эътибор берилмаётганида. Наҳотки, А. Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби истеъдодларнинг бевақт ва асоссиз ҳалокати га сабаб бўлган, уларнинг бирқанча етук асарлари, хусусан, «Ўтган кунлар»нинг ерга урилишини таъминлаган дастаклардан бири ўша «вульгар социологизм» бўлганини унутиш керак?! Ахир худди шу иллат ўша истеъдодларнинг қайси изланишлари баракали яқунланиб, қайси изланишлари муваффақиятсиз тугалланганини, қандай ижодий ютуқларни қўлга киритиб, қандай нуқсонларга йўл қўйганини ҳаққоний, етук, оригинал илмий-эстетик таҳлил орқали ёритишга халақит берган-ку!

Йўқ, «вульгар социологизм»нинг зарарли оқибатлари бу билан чекланмайди. Ахир, 50—80-йилларда Ойбекнинг «Навоий», А. Қаҳҳорнинг «Қўшчинор», «Тобутдан товуш», Шайхзоданинг «жалолиддин Манғуберди», Б. Раҳмоновнинг «Юрак сирлари», А. Ориповнинг «Тилла балиқча», «Куз хаёллари» каби асарлари ҳаёт ҳақиқатини бузиб кўрсатди, деб қораланишида, Шайхзода, С. Аҳмад, Шукрулло, Шухрат каби ёзувчиларнинг ноҳақ қамалишида ҳам унинг «муносиб ҳиссаси» бор-ку, нега энди бунга бефарқ қараш керак? Тўғри, ҳозир тилга олинган асарлардан айримлари қаттиқ танқид қилинди, деган эслатмаларга дуч келамиз, бироқ саёз, бўш, юзаси асарлар эмас, талантсиз қаламкашлар эмас, балки кўпинча истеъдодли ижодкорларнинг салмоқли мевалари тупроққа булғандики, бунда «вульгар социологизм» ҳал қилувчи омиллардан бири вазифасини ўтади.

Тан бериш керакини, деярли барча бобларда айрим асарларда баёнчилик, иллюстративлик, қуруқ дидактика, конфликтсизлик каби иллатлар мавжудлиги айтилади, баъзи ижодкорларга бағишланган сифатсиз мақолалар, тақризлар танқид қилинади, аммо бу иллатларнинг аксарияти «вульгар социологизм»га келиб тақалишига эътибор бермасдан туриб йўл қўйилган камчиликларга барҳам бериш, уларнинг келгусида такрорланмаслигини таъминлаш, пировард натижада тараққиётнинг юқори довоиларини забт этиш мумкин эмас. Зотан, «вульгар социологизм» келтириб чиқарган дахшатли фожиалар, муваффақиятсизликлар, йўқотишлар моҳияти биринчи галда икки жилдлик «Тарих»да ёритилиб, бизга шундай унутилмас сабоқ берилиши зарур эди.

Хуллас, икки жилдлик «Тарих»да анча қизиқарли, салмоқли фактлар тўпланган, бирқанча фойдали, ибратли мулоҳазалар, яхши кузатишлар мавжуд, эътироз туғдирмайдиган ҳукм-хулосаларни учратамиз, аммо адабий танқидчилигимизнинг қарийб етмиш йиллик тарихини мавжуд фазилатлари, қусурлари, нуқсонлари билан ёритишга қаратилган материаллар кўпинча изоҳлаб, таърифлаб, тавсифлаб берилгани, ягона муҳим илмий-эстетик мақсад, яъни аниқ, яхлит концепция асосида теран, ҳаққоний таҳлилдан ўтказилмагани ачинарлидир. Лекин танқидий мулоҳазалар фақат «Тарих» муаллифларигагина тегишлидир, деб бонг уриш ноҳақлик бўлур эди. Зотан, асарларнинг мазмунини қисқача баён этиб, нималарнинг мақтовга, нималарнинг танқидга лойиқ эканлигини умумий йўсунда шарҳлаб берадиган, бугун ўқилиб, эртагаёқ бутунлай унутилиб кетадиган адабий-танқидий мақолалар, тақризлар, ҳатто кўламли тадқиқотлар оз эмас. Изоҳлар, шарҳлар қанчалик асосли бўлмасин, улар ҳеч қачон таҳлилнинг ўрнини босолмайди, энг муҳими, адабий жараёнда рўй бераётган ижобий ҳамда салбий ҳодисалар моҳиятини чуқур очиб ташлаб, бадий ижод равнақигагина эмас, балки ижтимоий тараққиётга таъсир кўрсатадиган илмий-эстетик ҳақиқатларнинг туғилишига имкон яратмайди. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, шу жумладан, сўз санъати, адабий танқидга инқилобий қайта қуришни таъминлаш учун кураш кучайтирилаётган ҳозирги пайтларда масаланинг шу жиҳати алоҳида эътибор бериш талаб қилинаптики, бунга бир лаҳза унутиш мумкин эмас.

Маҳмуд Назаров

Ўзбек совет адабий танқидининг илк босқичи ҳақидаги боб марҳум М. Юнусов томонидан ёзилган. Бу қисмда пролетар адабиёти ҳусусидаги мунозаралар, социалистик воқелик, янги қаҳрамон масаласи, танқиднинг ўзига хослиги, жанрий изланишлар, танқид куролини янгилаш, мерос ҳусусидаги тортишувлар зарурий ўрин олган. 20—30-йиллар танқидчилиги ҳақида гап кетганда, беихтиёр Абдулҳамид Чўлпон ва Абдурауф Фитрат ёдга келади. Бу қисмда шу сиймолар бўйича кўп фактлар эскича қарашларда намоён этилади. Фитратнинг кўпгина асарлари тожик тилида ёзилган. Мавжуд тадқиқотларда Фитратнинг фақат ўзбекча асарлари бўйича айтилган фикрлар қўлдан қўлга ўтиб юради. Ваҳоланки, Фитратнинг тожик тилида ёзган асарлари унинг ғоявий эволюциясидаги кўпгина қоронғи нуқталарни ойдинлаштириб беради. Мазкур ишда ҳам Фитратнинг тожикча адабий бисотиға мурожаат қилиб, янги гап айтиш ўрнига, фанга аллақачон маълум бўлган ҳақиқатлар такрорланади.

Қайта қуриш, ошкоралик мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйганига бир неча йил бўлди. Мазкур тадқиқот эса, 1987 йилда нашрдан чиққан. Хўш, мамлакатда рўй бераётган ҳаётий воқеалар танқид тарихига алоқадор эмасми? Иззат Султон ва Умнат Тўйчиевларни мустасно қилганда, автор-

лар коллективи ҳатто КПСС XXVII съездининг улғувор руҳини ўз ишларига сингдирган ҳам эмаслар. Ишда Шароф Рашидов танқидига доир қарашларни олиб ташланишига улғурилибди-ю, қайта қуриш талабларига жавоб беролмайдиган догматик андазалардан воз кечишга вақт етмабди!

«Ўзбек совет адабий танқиди социалистик реализм эстетикаси билан қуролланиш йўлида» (1932—1941 йил) деб номланган бобда заиф ёзилган мақолалар камситиш билан қаралади, уларнинг авторларига «саводсиз», «чаласавод», «тутуруқсиз» деган эпитетлар тақаладики, бу танқид маданиятига хилофдир. Муаллиф Т. Расулов ўзбек адабиётида марксистик танқиднинг илк қадамлари 1932—1941 йиллар ичида бошланган, деган фикрни илгари суради. Аслида эса, 20—30-йилларнинг бошларидек, бир қанча адабиётшунослар, жумладан, Отажон Ҳосим, Сотти Ҳусайн, Айн ва Ойбеклар кўп масалаларда марксистик позициясида туриб тадқиқотлар яратишга интиланганлар. Шу маънода ўзбек совет танқидида марксистик йўналишнинг илк қадамларини 20-йиллардан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Бу давр адабий мухитини Чўлпон ва Фитратлар ижодисиз тасаввур этиш қийин. Бироқ мазкур қисмда ўша давр танқидчилигига катта озуқа берган бу икки сиймо тадқиқот объектидан бутунлай тушириб қолдирилган. Усмон Носир ижоди танқидига алоқадор материаллар ҳам негандир қамраб олинмаган. Муаллифнинг «Обид кетмон» ва «Сароб» романига дахлдор таҳлиладан қаноат ҳосил қилса бўлади. Бироқ автор бунда ҳам ҳар икки асарни мақташга тушиб кетиб, баъзи танқидчиларни беҳуда камситади. Гўёки, бу асарларда ҳеч қандай нуқсон йўқ. Масалан, «Обид кетмон»ни олайки. Бу асар Қодирийнинг машҳур романларига тенглаша олмайди, албатта. Повесть натуралистик тафсилотлардан холи эмас, воқеалар ҳам хроникал тарзда акс этади. Бунинг устига қаҳрамон ва персонажларнинг ўзгаришида ҳам ёрқинлик етишмайди. Биз ёзувчинини кўр-кўрона мактайвермаслигимиз керак. У ҳақда ёзилган танқидий фикрларни изчил таҳлил қилиш йўлидан боришимиз зарур.

Эстетик таҳлил бўшаган саҳифалар 1956—1961 йиллар танқиди тадқиқиға ҳам хосдир. Догматизм таъсирида адабиётимизга кириб келган дабдаба, мадҳиябозлик, ваъзхонлик каби иллатларни фош этишда (Пиримқул Қодиров) етакчи танқидчилар И. Султонов, М. Қўшиқов, Ҳ. Ёқубов ва О. Шарофидиновларнинг асарларига бевосита суянади. Бироқ у ҳам танқидчилар йўл қўйган камчиликларни чуқур очмайди. Танқидчилигимиздаги догматик қарашлар кеча ёки бугун туғилган тасодифий ҳодиса эмас. КПСС Марказий Комитети секретари А. Н. Яковлев догматизмнинг бугунги ҳаётимизга кўрсатаётган салбий таъсири ҳақида шундай дейди: «Қайта қуришни ғоявий назарий жиҳатдан амалга ошириш учун, ижтимоий онг сферасидаги тормозланиш механизмининг асосий элементи бўлган догматизмни таг-томири билан қўпориб ташлаш зарур. («Правда», 11 апрель, 1987 йил). Zero, догматизм ўз табиатига кўра тараққиётга бутунлай қарама-қаршидир. Ҳар бир автор ўзи ёритган даврдаги догматизм, вольгар социологизм иллатларини фош этиб ташлаганда, бу илмий асар катта ҳаётини салмоққа эга бўлган бўларди.

Ҳамза танқиди таҳлилин алоҳида сарлавҳага чиқарилиши китобнинг умумий тузилишига мос келмайди. Масалала У. Тўйчиев ҳал этгандай ёндашганда, А. Қодирий, Ҳ. Олимжон, А. Қаҳҳор, Ойбек, Ғ. Фулом каби ёзувчилар танқиди ҳам шундай алоҳида ўрганилиши зарур эди. Тўйчиев ёзган қисм салкам икки юз саҳифани ташкил қилади. Автор бу ўринда салқиликка йўл қўймай, умумлаштириш йўлидан бориши зарур эди. Адабий танқид ўз номи билан баҳслашувни талаб қилади. Танқидчилигимиздаги ўпирилишларга чурқ этмасдан кўшилиш, уни фақат келишувчилик билан ҳал қилиб қўя қолиш танқид тарихини юзаки баҳолашга олиб келади.

Тадқиқотнинг Жамол Камол ёзган қисмида таҳлил ўрнига тавсифийлик янада кучаяди. Бу бобда бирор танқидчи билан мунозара йўқ. Афсуски, танқидчиликдаги нопокликлар, дасти узун мансабдорларга ҳамду саноалар ўқиб, шу орқали ўзларининг ишларини ростлаб олишлар худди шу 70—80-йилларга келиб газак олиб кетган эди. Бундай неготив ҳолатларнинг танқидчиликдаги зарари бирор ўринда эслатилмайди. Гўёки бу даврда ҳамма фақат партиявий позицияда туриб, халқ мудоаларини ҳалол бажариб борган... Одатда бировни танқид қилмай силлиқ йўл билан кетилганда сиз ҳам кўймайди, кабоб ҳам. Китобхонга танқид тарихининг шунчаки йилномаси эмас, ибратли танқидий тафаккур намуналари керак.

Абдуғафур Расулов

Қўлимиздаги «Танқид тарихи» назарияни бойитиш учун янги материал беради. Ундаги «Адабий танқид тарихини ўрганишнинг методологияси ва методикаси масалалари» (И. Султонов) номли мақола назарий характерга эга, у «Танқид тарихи»ни яратувчилар учун йўл кўрсатувчи вазифасини ўташи лозим эди. Афсуски, «Танқид тарихи» заминиде изчил назарияга амал қилиш, аниқ қонунқоидалар асосида материалларни танлаш ва тартиблаштириш сезилмайди. Мухим назарий қарашлар нуқтаи назаридан «Танқид тарихи»га ёндашсак, ундаги кўплаб фактлар — мақолалар номи нима мақсадда киритилганлиги аниқлашмай қолади. Аксинча, назарий проблемалар янги, «тарих»га кирмай қолган факт — мақолаларни излашни талаб қилади. Ўзбек адабиётшунослари адабий танқидни ўзига хос, назарий асослари ишланган соҳа сифатида қарашни унчалик истамайдилар. Бунинг объектив сабаблари бор: адабий танқид адабиётшуносликнинг бир қисми, холос. У бадий адабиёт тарихи, назарияси билан узвий боғлиқ. Шундай экан, «адабиётшунослик ўтмиш адабий мерос устида сўзлайди, адабий танқид жонли адабий жараён устида сўз юритади» (И. Султон), «Адабий танқид бадий ижоднинг замонавий конкрет асарлари тўғрисида муҳокама юритади» (М. Юнусов) дейиш тўғри бўлармикин? Қизиғи шундаки, И. Султонов Ғафур Фуломнинг «Совет Ўзбекистони» газетасида босилган Машраб ҳақидаги мақоласини мақтайди. Л. Қаюмовнинг шу мақола ҳақидаги: «Шундай вақтда айтилган битта сўз қалин илмий китобларга қараганда кўпроқ иш қила олади» деган фикрини келтиради. «Танқид тарихи»да мунаққидларнинг адабиёт тарихи, ўлмас асарлар ҳақидаги мақолалари саналадики, бу ҳам адабий танқид фақат ҳозирги адабий жараён билангина чекланиб қолмаслигини кўрсатади.

«Танқид тарихи»нинг 2-томида «Танқид Ҳамза традициялари тўғрисида» номли мақола бор. Унда Ҳамза ҳақидаги ўнларча мақолалар юзаки саналади. Муаллиф бунинг ўрнига Ҳамза илмий би-

ографиясининг яратилишига ҳисса қўшган уч-тўртта мақолани жиддий таҳлил қилганда «тарих»нинг илмий таъсири ошган бўларди.

«Танқид тарихи» профессионал, етук танқидчиларнинг етишиб чиқишини кўрсатувчи ойна вазифасини ўташи, моҳир танқидчилар ижодий эволюциясини кўрсатиши, йирик мақолаю тақриزلарни ҳар томонлама таҳлил қилиши керак эди. «Тарих»да моҳир мунаққидлар, асосли мақолалар ҳақида фикр юритилган. Лекин улар кўплаб номлар, ҳар хил мақолалар саноғида «бўғилиб» қолган. «Танқид тарихи»ни изчил назарий проблемалар нуқтаи назаридан ёритиш, ўткинчи мақола, номлар саноғидан қутқариш, аксинча, муҳим адабий воқеа, жиддий назарий-танқидий баҳс, эскирмайдиган тақриз-у мақолаларни жиддий урғу билан таъкидлаш керак эди.

Анвар Жабборов

«Тарих»нинг кириш қисмида ушбу йирик тадқиқотнинг аҳамияти ва мақсади тўғри белгилангани ҳолда, айрим баҳсталаб фикрлар ҳам учрайди. Масалан, ўзбек адабиётшунослигининг ютуқлари ҳисобланган фундаментал тадқиқотлар санаб ўтилади-да, кейин шундай бир хулоса ўртага ташланади: «Ниҳоят, икки томлик академик «Адабиёт назарияси»нинг яратилиши (1978—1979 йиллар) ҳамда республикамиз ўрта ва олий мактабларининг адабиёт тарихи ва назариясидан ёзилган махсус дарсликлар билан таъмин этилганлиги — ўзбек адабиётшунослиги фанининг **янги парвозидан гувоҳлик беради, унинг назарий изланишларини яқунлайди**» (таъкид бизники — А. Ж.).

Мазкур хулоса билан келишиб бўлмайди. Бунинг асосан, икки сабаби бор. Биринчидан, яратилган «Адабиёт назарияси» ўз савияси ва қамраб олган масалалари нуқтаи назаридан бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди. Иккинчидан, янги давр, янгича тафаккур қилиш бадиий тафаккур ҳақидаги фандаги қатор назарий масалаларни қайта кўришни, баҳолашни, изоҳ этишни, назарий фикрларни чуқурлаштиришни талаб этиб турган бир чоғда, «...назарий изланишларни яқунлайди» дейиш ҳақиқатни бузиш демакдир. Масалан, марказий матбуотда эълон қилинаётган социалистик реализм ҳақидаги қизгин баҳсларни писанд қилмаслик мумкинми?!


Тадқиқотда яна шундай бир умумий камчилик кўзга ташланади: бир қатор ўринларда адабий танқидий маҳсулотга муносабат билдириш ўрнига унда таҳлил этилаётган бадиий асарни баҳолаш тенденцияси устулдик қилган. Мисол тариқасида тадқиқотнинг «Ижобий қаҳрамон проблемаси — диққат марказида» бўлимидаги (муаллифлари — М. Қўшжонов, А. Қулжонов, С. Мелиев) Т. Жалоловнинг «Уйғун лирикаси ҳақида мулоҳазалар» номли мақоласи таҳлилни келтиришимиз мумкин. Бу ўринда муаллифлар бадиий асарга ўзларининг ва бошқаларнинг муносабатларини билдириш орқали адабий-танқидий мақоладаги хулосани рад этадилар. Бу йўл уларнинг фикрлари даъволигича қолиб кетишига олиб келган. Худди шундай фикрни «Адабий танқидда замон ва қаҳрамон талқини» бўлимидаги (II том, муаллифи Ж. Камол) қатор адабий-танқидий мақолаларнинг таҳлилига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Айрим ўринларда ғоят қатъий ҳукмлар чиқарилади-ю, лекин исботланмайди. Тадқиқотнинг «Адабий танқиднинг тез ва кенг ривожланиш йўлига кириши» (1962—1972) деб номланган бобида (муаллифи У. Тўйчиев) шундай дейилади: «Н. Сафаров, Ҳ. Назир, С. Кароматов, С. Анорбоев, Т. Пўлатлар очерк тарихига кирадиган асарлар яратдилар. Бу жанрда пахта усталари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, ишлаб чиқариш илғорларининг ўлмас образлари юзага келди». (II том, 59-бет). Биргина шу парчани ўқиган ўқувчида «Қайси асарлар очерк тарихига киради?», «Қайси Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларининг ўлмас образлари яратилди?» деган саволларнинг туғилиши табиий. Бунинг устига, бундай хулосалар ёритилаётган даврнинг ҳаққоний манзарасини чизиб беролмаган.

«Танқид тарихи»да адабий алоқалар ҳақида яхлит бўлимнинг йўқлиги кейинги йилларда жуда кенг ривожланган миллий адабиётларнинг ўзаро алоқаларини ўрганувчи танқидчиликнинг талай муаммоларидан кўз юмишга олиб келган. Ваҳоланки, кўпгина тадқиқотларда адабий алоқалар, бадиий таржима хусусида умумлаштирувчи фикрлар айтилган.

«Танқид тарихи»нинг тузилишига оид яна бир фикрни ҳам ўртага ташламоқчиман. Кириш сўзида айтилганидек, «Танқид тарихи» ўзбек адабиётининг 70 йиллик тарихи давомида танқидий тафаккур ривожининг кўзга ташланган муҳим тенденцияларини кўрсатишни ўзига вазифа қилиб белгилаган. Худди шу хусусияти унинг «Адабиёт тарихи»га ўхшаб қолишига сабаб бўлган. Агар масалага адабий танқиднинг жанрлари ривожини ва хусусияти нуқтаи назаридан ҳам ёндашилганда, мазкур тадқиқот анча тўлақонли чиқар эди.

Сўхбатни уюштирувчи **Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ**



МАТН МАСЪУЛИЯТИ

Лутфий. Сенсан севарим. Фафур Ғулом
номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,
Тошкент — 1987 йил.

Ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксак шеърлари ва дostonлари билан адабиётимиз тарихидан муносиб ўрин олган улкан сўз соҳиби, маликул калом Лутфий ижодига бағишланган «Сенсан севарим» тўплами ҳам кенг китобхонлар оммаси томонидан мамнуният билан кутиб олинди.

Мутафаккир шоирнинг лирик шеърлари ва «Гул ва Наврўз» дostonини ўз ичига олган мазкур китоби олдинги нашрларга қараганда анча мукамал. Тузувчилар — таниқли адабиётшунос ва тилшунос олимлар С. Эркинов, Э. Фозилов, Э. Аҳмадхўжаевлар шоирнинг Лондон ва Париж кутубхоналарида сақланаётган нодир қўлёзмалари фотонусхаларини ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмалар билан қиёслаб чиққанлар. Лирик шеърлар қисми янги топилган 57 ғазал, 32 туюқ ва 32 фард билан тўлдирилган. «Гул ва Наврўз» дostonига ҳам Наврўзнинг Булбулни излаб топиши ва у билан бирга Гул қошига боришини тасвирловчи 23 байтли уч боб янгидан қўшилган. Девондаги шеърлар ва дoston қўлёзмалар асосида қайтадан ўқиб чиқилган ва олдинги нашрларда йўл қўйилган анчагина хатолар тузатилган.

«Сенсан севарим» тўпламини варақлар эканмиз, Лутфий асарларининг 1965 йил нашридаги бир қатор матн нуқсонлари бартараф қилинганига гувоҳ бўламиз. Жумладан, олдинги нашрдаги:

**Эй азалдан жонима зулфунг қазо бўлган бало,
Қошу кўзунг бир-бирининг келган бало, —**

байтидаги иккинчи мисра:

Қошу кўзинг бир-бирининг устина келган бало, —
тарзида тузатилган.

**Бу Лутфийи бечорага гаҳ-гаҳ назар айла,
Эй турки сумансоид, вой, сарви паризод, —**

байтидаги «сумансоид» сўзи «сумансоиду», «вой» сўзи «в-эй» тарзида;

Айиттимки: «Бу Лутфийга жафо қилма, вафо қил!»

Айтурки: «Бизнинг даврда ул расм қолибтур», —

байтидаги «айиттимки» сўзи «айттимки» тарзида;

Чун ҳосили умрин ҳисоб айласа Лутфий

Дарди дил изофат, доғи ғам боқий кўринур, —

байтидаги «умрин» сўзи «умрини» тарзида тўғрилланган.

Дostonнинг қатор байтларидаги мантиқий хатолар бартараф қилинган. Масалан, олдинги нашрда Баҳмоннинг кечаси Наврўзга хиёнат қилиб, уни ташлаб кетганини ҳикоя қилувчи бўлимда туманли тун тасвирига бағишланган байт шундай берилганди:

**Ҳаминким, кўкради тун аждоҳоси,
Тутун бирла ёйилди тун лиқоси. (353-бет)**

Кўриниб турибдики, байтнинг хусусан иккинчи мисраси мантиқан асоссиз. «Туннинг юзи тутун бирла ёйилди» тарзида ифода ўқувчига ғализ туюлиши табиий. Ҳозирги нашрда иккинчи мисра:

Тутун бирла ёйилди кун лиқоси (374)

тарзида тузатилган. Шундан кейинги бўлимда тонг отишини тасвирловчи байт олдинги нашрда:

**Чу Юнус чиқди болиқ курсоғиндин,
Хўтан тинди Ҳабашнинг булиғиндин (353)**

сифатида берилган бўлса, ҳозирги нашрда бу байтдаги «булиғиндин» сўзи «булғоғиндин» (375) тарзида тўғрилаб ўқилган.

Наврўз ўз навкарларига ижозат берганидан сўнг уларнинг ҳаракатини ифодаловчи байт янги нашрда:

**Аёғин ўптилар барча саросар,
Ким: «Эй шашаншаҳи дорою довар» (375)**

тарзида берилган. Ваҳоланки, бу байтдаги «ўптилар» сўзи олдинги нашрда нима учундир «турдилар» (354) тарзида ўқилган эди.

Тўпламда бундай ўринларни кўплаб учратиш мумкин.

Айни вақтда бир қатор эътирозларни ҳам айтиб ўтиш зарур. Китоб билан танишганда ундаги тўртликларнинг жанрларга ажратилиши диққатни тортади. 20 шеър «тўртлик», 27 шеър «рубойи», 16 шеър «туюқ», 9 шеър эса «қитъа» тарзида берилибди. Туюқ жанрига нисбатан берилаётган асарлар ўз хусусиятларига кўра шу жанрга мансуб эканлиги шубҳа уйғотмайди. Чиндан ҳам уларнинг барчаси тажнисли туюқлардир. Лекин тўртлик ва рубойи деб аталган асарларнинг аксариятини бу жанрларга нисбат бериш асоссиздир.

Рубойилар сирасига киритилган асарлардан фақат биттасигина:

**Гар сайр учун ул моҳи тобон чиқаду,
Қўл солиб этак йиғиб хиромон чиқаду.
Чун жилва қилиб [ки] ногаҳон боқса қиё
Ҳар бир боқишига юз сучук жон чиқаду, —**

шеъри шу жанрга мансуб бўлиб, бошқалари туюқдир.

Тўртлик деган жанр ўзбек классик шеърлятига хос эмас. Икки байтли шеърлар рубоий, туюқ, қитъа, тарих каби жанрлардан бирига нисбатан берилиши мумкин. Тўпламдаги тўртлик деб атаётган асарлар эса асосан туюқ бўлиб, фақат биригина:

Эй авжи малоҳат устида ой юзлук, —

деб бошланувчи шеърини уч вазни рубоийдир.

Биз туюққа нисбат бераётган шеърларнинг барчаси шу жанрга мансуб рамали мусаддаси маҳзуф ва рамали мусаддаси мақсур вазнларида битилган. Икки қофияда тажнисга риоя қилинган шеърларни қитъа деб аташга асос бўлмаганидек, уч қофияси тажниссида юқоридаги асарларни рубоий жанрига нисбат бериш ҳам тўғри эмас.

Эътибор берилса, тузувчилар томонидан тўртликлар деб аталган шеърлар орасида икки ёки уч мисраси тажнисли туюқлар ҳам борлигини кўриш мумкин.

**То ишим тушти бир оғзи тор ила,
Кўнгулуми асрор ғами бир тор ила.
Кўз туторменким, кўзумнинг суйидин
Кўнгли, ваҳ, тўхми муҳаббат торила.**

**Мен кўнгүл бердим янгоқинг олина,
Бўлмадим воқиф бу макру олина.
Эмди лобуд чора йўқ кўрмак керак
Ҳар не тенгри солмиш ўлса олина, —**

каби туюқлар шулар жумласидандир.

Бинобарин, юқорида келтирилган икки шеърни рубоий жанрига нисбат бериб, қолган барчасини туюқ деб аташ учун илмий асослар етарлидир.

Қитъа жанри намуналари сифатида талқин қилинаётган 9 шеър ҳам аслида қофияланган туюқлардир. Уларнинг дастлабки иккитасидан бошқа еттитаси икки мисраси тажнисли қофияланган туюқ эканини кўриш қийин эмас. Неши (ниши) ва неши (нима иши), бўйла дур — бўйладур, қилма зор — қил мазор, жононадин — жон онадин, то ёнмадим — тоёнмадим, ё пари — ёпари, ёлғузун — ёлғузун қофиялари буни яққол кўрсатиб турибди.

Тўплам тузувчилари туюқ жанри хусусиятларини белгилашда мисрада тажнисли қофия келиши ҳақидаги эскича талқинга асосланганлари туфайли юқоридаги шеърларни тўртлик, рубоий, қитъа жанрларига нисбат берганлар. Ваҳоланки, Бобурнинг «Мухтасар» асаридаги туюқ хусусиятларига доир фикрлар асосида бу жанр янги талқин қилина бошланганига ўн йилдан ошди. Бобур ўз асарида туюқнинг муайян вазн асосида битилиши, икки ёки уч қофияда тажнисли, шунингдек, икки ва уч қофияда риоя қилинмайдиган турлари мавжудлигини таъкидлаб ўтган эди.

Қизиғи шундаки, шоир туюқ турларини санар экан: «Яна бир улким, қитъадек бурунги байтнинг аввалги мисравида қофия риоят қилмай байтларнинг қофиясида тажнис келтирурлар», — деб таъкидлар экан, мавлоно Лутфийнинг:

**Берма дерлар ул вафосизга кўнгүл
Ким анинг нишига ортуқ неши бор.
Мен тамаъ узмасмен ўлсам лаълидин,
Жон менинг жонимдур элнинг неши бор, —**

шеърини мисол сифатида келтирганди. Тузувчилар бундай шеърни ҳам қитъага нисбат бериб юборганлар.

Матн устида иш олиб борилар экан, ҳар қайси байт, ҳар бир мисра мазмунини, шоир фикрини, унинг ниятини англаб олиш муҳим эканлиги барча

матншуносларга аён. «Сенсан севарим» тўпламида аксарият байтлар шу принцип асосида тўғри ўқилган. Айни вақтда эътиборсизлик туфайли ўтиб кетган мисралар ҳам учраб туради.

**Гарчи душвор ўл азиз жон бермак одам
ўғлига,
Ғамзангга қилгин тафарружким, не хуш осон
олур (76)**

мисраларидаги «душвор ўл» сўзлари байт мазмунини тушунишга имкон бермайди. Уларни «душвордир» тарзида ўқилсагина мазмун ойдинлашади.

Баъзан айрим сўзларни қўшиб ёки ажратиб ёзилишининг ўзбек мазмунга путур етказиши мумкин. Жумладан:

**Ҳарифлар ичра «мим»нинг нуқтаси чунким
ҳеч йўқ,
Ҳайрат ичинда мен ушул оғзи қошинда
ҳолидин (200)**

байтининг иккинчи мисраси маъносини илғаб олиш қийин. «Мен ўша оғзи қошидаги ҳолидан ҳайрат ичда» деган фикр англашяпти мисрадан. Ваҳоланки, «ҳайрат ичиндамен» тарзида ёзиш билан байт мазмунини тўла ифодалаш мумкин.

**Лоф урса кун юзунг билан айни газоф эрур,
Кўрлук сен, ўқсен, ўзга киши сўзи лоф
эрур (71)**

байтининг иккинчи мисрасидаги «ўқсен» сўзи маъносини қандай тушуниш лозим? Маъшуқага қарата: «Сен ўқсан» демоқчими шоир? Севгили ёрни ўққа ташбеҳ этиш қанчалик асосли? Ё унинг тўғри қадди ўққа ухшатиляптими? Эътибор қилинса, шоир «фақат сенинг ўзинг гўзалсан, кун сендан гўзалроқ деганларнинг сўзи лофдир» деган фикрни ифодалаётганини сезиб олиш қийин эмас. Уқувчи бошини қотираётган муаммо эса «сен-ўқсен» тарзида ёзилиши керак бўлган сўзнинг «сен, ўқсен» тарзида хато битилиши туфайли келиб чиққан, холос.

**Кўнглимиз вайрону қошу кўзда чиндур бу
масал
Ким, «Қолур масжид агар бузилса меҳробининг» (133)**

байтининг мазмунини англаб етиш маҳол. Чунки, мазмунига етарли эътибор қилинмагани туфайли байтни «кўнглимиз вайрон, қош билан кўзда эса «масжид бузилса меҳробини қолар» масали чин кўринади» тарзида тушунилади. Ваҳоланки, шоир «Кўнглимиз вайрон бўлди-ю, қоши-кўзимда (қоши кўз ўнгимдан кетмайди); «Масжид бузилса меҳробини қолади», — деган мақол рост экан, чунки кўнглимиз вайрон бўлса ҳам қоши тасвири кўз ўнгимда қолди», — деган фикрни ифодалаш учун меҳроб ва қош образларидан моҳирона фойдаланган эди. Бинобарин, биринчи мисрани «кўнглимиз вайрону қоши-кўзда, чиндур бу масал» тарзида бериш лозим эди.

Баъзи ўринларда 1965 йилги нашрда тўғри ўқилган сўзлар муаллифлар томонидан асоссиз ҳолда «тузатирилган»лигини кўраимиз. Жумладан:

**Гулшанга назар қилки, сени кўрмак учун гул
Олтин кетурур ўртада ҳар кун табақ ичра
(235)**

байтидаги «кетурур» сўзи «келтурур»га (221) ўз-

гартирилгани оқибатида вазн сакталиги келиб чиққан. Ваҳоланки, Лутфий мазкур сўзни вазн талаби билан шу тарзда битган эди.

Шунингдек, олдинги нашрда тўғри ўқилган «лаҳзаи» (267-бет) сўзи тўпламдаги:

**Мен бу кўз бирла ўётлиқман хаёлинг юзидан,
Ким келур ҳар лаҳза ул гўшанинг бордур
нами (252-бет).**

байтида «лаҳза» тарзида ёзилиши туфайли вазн сохталашган.

«Сенсан севарим» тўпламидаги бир ғазалдан:

**Гўшаларда қон қилур эди кўзинг, олдин
қошинг,
Чин черикни чеки ул жодуи қаттол устина
(220)**

байти ўрин олган. Унинг мазмунини англаб етиш маҳол. Олдинги нашрда «олдин» сўзи «ондин» (234-бет) тарзида берилган, бинобарин, байт мазмунидан «кўзинг ҳар чекканда қон тўкарди, шунинг учун ҳам қошинг у қотил устига Чин черигини — аскарларни юборди» маъносини осонгина ўқиб олиш ҳамда маъшуқа қошларини қатор-қатор қора кийимли аскарларга ташбеҳ қилиб, ўз давридаги типик ҳодиса — чекка жойларда қароқчилик қилиб қон тўкаётган қотилларни қўлга олиш учун аскар юбориш ҳодисасига ишора қилаётган Лутфий маҳоратига таҳсин айтиш мумкин эди.

**Қоним тўқорсен, дағи ўзр қилурмен,
Бу меҳру вафо қайси вафодорда бўлғай (238)**

байтининг биринчи мисрасида сезилиб турган сакталик ҳам аввалги нашрда «дағи» сўзидан сўнг келган «мен» олмошининг (253) туширилиши оқибатида юз берган.

Маълумки, қўлёзмани тўғри ўқишда асарнинг вазн хусусиятларига таяниш қўл келади. Шеър ёки достоннинг қайси вазнда яратилганини аниқлаб, ҳар қайси мисрани ўқишда унинг ритмик хусусиятларига диққат қилинса, кўп хатоларнинг олдини олиш мумкин. Ваҳоланки, «Ўзбек адабиёти бўстони» туркумидаги асарларнинг ҳар қайсида хилма-хил вазн сакталиклари учраб туради. «Сенсан севарим» китобида ҳам шу хил камчиликлар анчагина.

Маълумки, муаллиф ўз тахаллусини вазн талаби билан гоҳ Лутфий, гоҳ Лутфи тарзида қўллайдди. Хусусан, тўпламдаги ғазалларнинг 135 тасида шоир тахаллуси вазн талабига мувофиқ Лутфи тарзида ёзилиши керак эди. Нашрга тайёрловчилар тахаллусни уч ғазалда Лутфи тарзида, қолган 132 ғазалда Лутфий тарзида берганлар. Бинобарин, шунча ғазалнинг мақтаида сакталикка йўл қўйилган. Масалан:

**Борди бермай шарбати васлин бу хаста
Лутфийға
Умр борди-ю, ҳануз ул ранжи ҳижрон
тортадур (66)**

байти билан тугалланувчи ғазал рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилган. Шунинг учун ҳам унинг охири рукни ўрнидаги «Лутфийға» сўзи «фоилун» рукнига мос ҳолда «Лутфиға» тарзида ёзилиши керак эди. Ҳозирги туришида «Лутфийға» сўзи «мафзулун»га тенг ўқилиши туфайли вазн бузилиши рўй беради.

**Кўзум назари токи юзунгиз бирла тўшубтур,
Жон бирла кўнгул ишқинг ўти ичра куюбтур
(68)**

байтининг биринчи мисрасидаги сакталик яққол сезилиб турибди. Бунинг сабаби «юзунг» тарзида ўқилиши керак бўлган сўзнинг вазнга хилоф равишда «юзунгиз» тарзида ўқилганлигидир. Кейинги мисрадаги «ишқинг» сўзи ҳам бу фикрнинг тўғрилигига далилдир.

**Этак йиғиб юрса жилваси бало қиладур,
Утарда енг солиши элни мубтало қиладур
(97)**

байтининг биринчи мисраси сакта эканлигини сезиш қийин эмас. «Юрса» сўзи «юруса» тарзида ўқилса, сакталик бартараф қилинар эди.

Ундалмаларда қўлланувчи «эй» сўзи вазн талабига мувофиқ «эй» ва «э» тарзида ўқилиши керак, акс ҳолда сакталик юз беради. Жумладан:

**Қадиннинг нахли, эй сарви сарафроз
Ниҳоли дипраболиқтур, бари — ноз (104)**

байтида «эй» тарзида қўлланган. Лекин:

**Шевада оники тўкар эл қони
Хуни тутиб сиз эй бегим, онисиз (105)**

байтида бу сўзни «эй» тарзида ўқиш сакталикка олиб келади, чунки «сиз эй бегим» сўзлари «муф-таилун» рукнига тенг ҳолда, яъни иккинчи бўғини қисқа ўқилиши лозим. «Эй» сўзи чўзиқ бўғинга тенг. Бинобарин, вазн билан бу сўз «э» тарзидагина ўқилиши мумкин. Балки бундай ҳолларда мазкур сўзни «э (й)» тарзида ифодалаш маъқулдир. Ҳар ҳолда «эй» тарзида ёзиш тўғри эмас. Тўпламда бу хил сакталиклар 127, 148, 157, 159, 213-бетларда ҳам учрайди.

**Мендурманки кўрарман сен тўлин ойнинг
юзин,
Офаринлар ушбу бахту толеъи сайёраға
(231)**

байтининг биринчи мисрасидаги сакталик «мендурманки» сўзини «мендурманки» ёки «мендурманки» тарзида ўқиш билан тузатилиши мумкин эди.

Профессор Алибек Рустамов Алишер Навоий «Бадойиъ ул-бидоя» девонининг нашри ҳақидаги мақоласида тиниш белгиларининг қўлланишидаги эътиборсизликини ҳақли равишда таъкидлаб ўтган эди. Бу хил муносабат «Ўзбек адабиёти бўстони» туркумидаги барча нашрларга хос бўлганидек, «Сенсан севарим» китобида ҳам кўзга ташланиб туради.

Мазкур нашрларда вергулнинг ўринсиз қўйилиши байт мазмунига жиддий пугур етказишидан далолат берувчи камчиликлар учраб туради. «Сенсан севарим» тўпламида ҳам баъзи ўринларда шу хил нуқсонга йўл қўйилган. Жумладан:

**Дуняни кездиму зебо, сени — ўқ кўрдум
бас,
Бу малоҳат бирла, ҳаққо, сени-ўқ кўрдум
бас (109)**

байтининг биринчи мисрасида вергулнинг «зебо» сўзидан сўнг қўйилиши туфайли бу сўз лирик қаҳрамонга нисбатан қўлланган бўлиб чиқапти. Ваҳоланки, вергул «зебо» сўзидан олдин қўйилиши лозим эди. У ҳолда «Дунёни кездиму, сенига зебо кўрдим» деган маъно ўқилган бўларди. Кейинги байтлардаги қофиялар ҳам шу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Анчагина ўринларда тиниш белгилари қўйилмагани байтлар мазмунини тушунишни қийинлаштиради. Масалан:

**Эй «мим» оғизли белингга кўнглум кўюб дедим,
Ваҳмим келурки қилча белинг юки қоф эрур (71)**

байтининг биринчи мисрасидан «мим» оғизли белингга кўнглимини кўйиб, «деди маъноси англашилади. Наҳотки, маъшуканинг бели «мим» оғизли» бўлса? Белнинг ҳам оғзи бўладими? Диққат қилинса, шоирнинг «мим» оғизли» маъшуқага мурожаат қилаётганини кўриш қийин эмас, бинобарин, мисра «Эй мим оғизли, белингга (бу сўзда ҳам битта «г» ориқча ёзилган) кўнглим кўйиб, дедим» тарзида ўқилиши керак эди. Ошиқнинг мурожаати ҳам кўчирма гап қондаси асосида қўштирноқ орасида берилиши, «дедим» сўздан сўнг икки нуқта ишлатилиши лозим эди. «Келурки» сўздан кейин ҳам вергул қўйилиши зарурлиги кўриниб турибди.

**Қилгай не тил била сенинг оғзингни Лутфий вазф,
Чун тор эрур қавофи-ю, бўлди радифи йўк (116)**

байтидаги сўз ўйинларини англаб етиш учун ҳам «тор» ва «йўк» сўзларини қўштирноқ ичида бериш шарт, акс ҳолда иккинчи мисрани «қофиялари тор-у, радифи йўк бўлади» маъносида тушунилади.

Классик шеърятимизда айрим сўзлар ўртасидаги ёки охиридаги ундош товушлар вазн талаби билан қўшалоклаштириб қўлланиши ҳам мумкин. Масалан, «қадинг» сўзи бир ўринда «қадинг», бошқа бир ўринда «қадинг» ёзила беради.

136-бетдаги ғазалнинг учинчи байтида эса бу сўз «қадинг» тарзида ёзилиши керак бўлгани ҳолда «қадинг» тарзида берилган.

Тўпламда вазн талабига кўра «назора», «дури», «ҳаду», «пароканда» тарзида ёзилиши керак бўлган сўзларнинг «назора» (163), «дури» (163), «ҳаду» (175), «пароканда» (212) тарзида ёзилиши туфайли сакталикларга йўл қўйилганини кўраимиз.

Кўлёмани тўғри ўқишда қофия илми ҳам матншуносга қадри ёрдам беради.

«Сенсан севарим» тўпламида берилган бир рубойи қофияларига эътибор қилайлик:

**Эй авжи малоҳат устида ой юзлик,
Гулзори латофат аро наргис кўзлук.
Қошингда агарчи эгрилик бор, вале,
Ул сарв киби қадингга бордур тузук (337)**

Эътибор қилинса, «юзлук», «кўзлук» сўзлари билан қофияланиб келаётган «тузук» сўзи «тузлук» тарзида ёзилиши кераклигини кўриш мумкин. Байт мазмунига диққат қиладиган бўлсак ҳам, «қошингда эгрилик бор-у, лекин сарв каби қомагингга тузлик, яъни тўрилик хосдир» деган фикр ифодаланётганини, шоир маъшуқа қошига хос эгриликка унинг сарв каби қаддига хос тўриликни қарама-қарши қўяётганини кузатамиз. Бинобарин, ҳам рубойи мазмуни, ҳам қофия хусусиятлари мазкур сўзни «тузлук» тарзида ёзиш лозимлигини таъкидлаб турибди.

Турли хил матн хатолари «Гул ва Наврўз» дostonи текстида ҳам кўзга ташланади. Жумладан, олдинги нашрда тўғри берилган айрим байт ва мисраларнинг мазкур тўпламда нима учундир

ғализ ифодаланганини кузатамиз. Масалан, Гулнинг Савсанга мурожаатини ифодаловчи бўлимидаги:

**Ки бу дам кундагидин ўзгача мен,
Басе ошуфта дилман бу кеча мен (369)**

байтидаги «дам сўзи ҳозирги нашрда «ҳам» тарзида ўқилган. Матн устида ишлаш жараёнида ижодкор услубини атрофлича ўрганиб, унга изчил амал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Кўпинча шоир ижодида қўлланган санъатлар байтларни тўғри ўқишга ёрдам беради. Маълумки, дoston ижодкори ўз асарига тажнис санъатига тез-тез мурожаат этиб туради. Жумладан, Лутфий асарларининг 1965 йилги нашрида Гул билан Наврўзнинг Чин ҳоқони ўлимидан кейинги ҳолатини тасвирловчи бобда:

**Сужуд этиб дедилар: «Эй яратқан,
Ёмонларни карам бирла ер этқан (396)**

байтига дуч келаемиз. Достоннинг бу йилги нашрида эса «ер этқан» жумласи «бор этқан» (406) тарзида берилибди. Қайси бири тўғрироқ? Эътибор қилинса, мисралар қофияси тажнис санъатига асосланганини, шоир мазкур байтда мураккаб тажнисдан фойдаланаётганини кўриш қийин эмас. Бинобарин «бор этқан» тарзида ўқиш шоир услубига зид келган бўлур эди.

Тўғри ўқиш, асар матнини ҳозирги ёзувимизда тўғри акс эттириш шоир томонидан қўлланган талмеҳлар мазмунини, ишора қилаётган шахслар номларини билишни ҳам талаб этади. Достон нашрида Савсаннинг Гул қошида Наврўз сифатини айтишини ифодаловчи:

**Карам ичра эрур Ҳотам гадоси
Берур бир дамда минг жўна баҳоси (391)**

байтидаги «жўна» сўзи кичик ҳарф билан ёзилган, шунинг учун ҳам мисра маъносини англаш қийин. Ваҳоланки, бу ерда гап Ҳотам каби саҳийлик билан ном чиқарган Ҳиндистонлик Жўна ҳақида боряпти. Шундай экан, унинг номи бош ҳарф билан ёзилиши керак эди.

Китобга Лутфий шеърлари ва «Гул ва Наврўз» дostonида учрайдиган изоҳталаб сўзлар луғати илова қилинган. Лекин улар орасида тумой, сусмор, кўрө, текма, сиххак, дарюза, кўки, нибтос, жигиламоқ, кената, дарин, карда, қумуғон каби анчагина сўзлар учрамайди. Бу сўзларнинг аксарияти биронта ҳам луғатда берилмаган. Бинобарин, уларнинг мазмуни китобхон учун мавҳум бўлиб қолаверади. Бу сўзлар албатта изоҳланиши лозим эди, деб ўйлаймиз.

Шубҳасиз, матншунослик — машаққатли иш. Ҳар қанча эътибор қилинганда ҳам хатоларнинг ўтиб кетиши мумкин. Балки юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларнинг бир қисми босмаҳона ходимлари айбидир. Шунга қарамай, кейинги нашрларда ҳар қандай нуқсонларни бартараф этишга интилоқ даркор. Бунда эса таҳрир ҳайъати ҳам фаол иштирок этиши лозим. Ўзбек, форс, араб тиллари, аруз илми мутахассисларини таҳрир жараёнига жалб этиш ҳам нашрга тайёрланган ишлардаги камчиликларни тузатишга ёрдам берган бўлур эди.

**Анвар ҲОЖИАХМЕДОВ,
филология фанлари доктори**



«ҚАЙТА ҚУРИШ ВА МУАЛЛИМ» МАҚОЛАСИ (1988 ЙИЛ, № 6) ЖУРНАЛХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

Ўқитувчи И. Расуловнинг мақоласида қишлоқ мактаби ҳаётида юз берган воқеалар қаламга олинган, маориф олдида бугунги кунда турган муаммолар баён этилган. Шу муносабат билан менда ҳам айрим фикр-мулоҳазалар пайдо бўлди.

Ўқитувчининг ишини мактаб раҳбарлари ҳам, турли жойлардан келадиган комиссиялар ҳам текширади. Кўпинча бу расмийат учун қилинади. Бир соат дарсни кузатиб, ўқитувчи фаолиятига баҳо бериш у қадар тўғри эмас. Текширишда қоғозбозлик устунлик қилади. Жонли дарс, ўқувчилар билими (аслида ўқувчилардан сўралса яхши бўларди) эътибордан четда қолади.

Ўқитувчилар ҳар хил. Шунинг учун уларга турли унвонлар таъсис этилиб тўғри иш қилинган. Ҳар кимнинг обрўси ўз қўлида. Лекин обрў орттириш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун аввало ҳалол ва фидокорона меҳнат, қолаверса, чуқур билим талаб этилади. Баъзи ўртоқларда шу талабларнинг қайси биридир етишмайди.

Қишлоқ мактабларининг кўпчилигида техника воситалари етарли эмас. Борлари ҳам яхши ишламайди. Ўқитувчининг ўзи ҳам кўргазмали қуроллар тайёрлаши лозим. Лекин сифатли кўргазмали қуроллар яшаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Наҳотки ҳозирги шароитда она тилидан сифатли стандарт таблицалар, адабиёт дарси учун ёзувчиларнинг портретларини нашр этиш қийин бўлса! Шуларсиз тил ва адабиёт дарслари қуруқ вазхонликдан иборат бўлиб қолади.

Ўқитувчи ўз билим ва тажрибасини тинимсиз ошириб бориши, изланиши лозим. Мактаблардаги методик йиғилишлар эса расмийатчиликдан бошқа нарса эмас. Метод алмашув семинарлари, илмий-амалий конференциялар район миқёсида йилига бир-икки марта ўтказилса, уларда область малака ошириш институтлари ўқитувчилари қатнашиб, янгиликлардан ахборот беришса яхши бўларди.

Қишлоқ мактаби кутубхоналари камбағал. Керакли адабий асарлар топилмайди. Натижада мустақил ўқиш дарслари кўпинча самарасиз ўтади. Мактаб кутубхонаси туркумида адабий асарлар нашр этиб, кутубхоналар таъминланса яхши бўларди.

Аттестациялар юзаси ўтаётганлиги ҳам ҳақиқат. Уни ўқитувчи билими синовига, муҳим сиёсий-тарбиявий тадбирга айлантириш керак. Ҳозирги демократия ва ошкоралик даврида аттестацияни бутун педагогик коллектив, райОНО, жамоат ташкилотлари иштирокида, ўқувчилар фикрини ҳам ҳисобга олган ҳолда ўтказиш лозим.

Ҳақиқий ўқитувчи — новатор шахс. У жамиятни революцион янгилашга хизмат қилади. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

А. ХОЛИҚУЛОВ,

Жиззах область, Фориш районидаги 72-мактаб.

Мен Икром Расуловнинг «Қайта қуриш ва муаллим» мақоласини қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Мақола муаллифининг мактаблар, айниқса қишлоқ мактаблари тўғрисида куёнчанлик билан айтган гапларига тўла-тўқис қўшиламан. Зотан саводхонликнинг асоси бўлган она тили ва адабиёт фанининг ўқитилиши ёмон аҳволда эканлиги, қишлоқ мактаблари тажрибали ўқитувчиларга муҳтожлиги, мактабларга раҳбарлик қилаётганлар орасида чаласавод, бюрократ шахслар анча-мунчаллиги ҳар бир кишини ўйлантиради.

Бугунги қишлоқ мактабларидаги муаммоларни ўйласам, ўқитувчи бўлиб дастлаб мактабга ишга келган кунларим — 60-йилларнинг бошлари ёдимга тушади. Уша даврдаги ёшларнинг илмга ташналиги, тиришқоқлиги, педагогика коллективининг меҳнатсеварлиги, изланувчанлиги ҳозир ҳавас қиладиган даражада эди. Уша йилларда мактабимизда ишлаган Л. Усмонов, М. Орипов, Ч. Арслонов, Б. Турдиев каби ўқитувчилар ҳозир олим. Уларнинг илмий изланишлари қишлоқ мактабида куртак отган десам муболаға бўлмайди.

Тўғрулик йилларида маорифга эътибор сусайганлиги, ноҳақликлар, ўқувчилар ва ўқитувчиларни қишлоқ хўжалиги ишларига ялпи сафарбар қилавериш оқибатида қишлоқ мактабларидаги кўпгина малакали эркак педагоглар касбларини ўзгартириб, бошқа ишларга ўтиб кетдилар. Номигагина ўқиган дипломли ўқитувчилар сафи эса кўпайди. Беш йил ўқиб дидактиканинг принциплари асосида консепт туза олмайдиган, тузган консептида фикр-фикр хато қалашиб ётган, ўқувчи психологиясини билмайдиган ўқитувчилар оз дейсизми?! Олимпиада масалалари нарида турсин, ўрта мактаб программаси ҳажмида математика, физика, химиядан масала ечишда қийналадиган, оғзаки нутқ санъатини тўла эгалламаган олий маълумотли мутахассислар озми?!

Мен ўзим туғилиб ўсган қишлоқ мактабида кўп йиллардан бери илмий бўлим мудирини бўлиб ишлаб келмоқдаман. Бу даврда талайгина яхши ва ёмон кишилар билан ишлашдим. Яхши ўқитувчилардан ўргандим, ёмонларни тўғри йўлга солишга ҳаракат қилдим.

Лекин кейинги пайтда қишлоқ мактабида ишлаш (айниқса раҳбарлик лавозимида) қийин бў-

либ қолди. Ҳуқуқчилар контингентини сақлашнинг ўзи катта муаммога айланди. Турли хил отпускарларнинг кўпайиши (мен бунга қарши эмасман) дарс жадвалининг тез-тез бузилишига сабаб бўлмоқда. Уриндошлик соатлари кўпаймоқда. Бу эса дарс сифатига таъсир кўрсатмоқда.

Вазифам тақозоси билан ўқитувчилар дарсини таҳлил қилгани кирганимда юрагимни ҳовучлаб тураман. Сабаби, айрим ўқитувчилар 45 минутлик дарсни ўқувчига танбەҳ бериш билан ёки тёмани гапириш, ёзиш, ўқиш билан ўтказиб юборади, ўқувчилар билан амалий иш кам бўлади. Китоб устида ишлаш, ўқувчилар қизиқишини ошириш, назарияни амалиётга тадбиқ қилиш кабилар иккинчи даражали иш бўлиб қолади.

Район партия комитети ўтган йили мактабимизда ислоҳот қандай амалга оширилаётганлигини текширди. Бу текширув натижалари район газетаси саҳифаларида эълон қилинди. Аммо бирон-бир амалий тадбир белгиланмади. Мактабда меҳнат тарбияси, жисмоний тарбия, эстетик тарбиянинг аҳволи аянчли, ўқувчилар билими саёз. Кўргазмалли техника воситалари деярли йўқ ҳисоби, спорт анжумлари етишмайди. Меҳнат ва музика дарсларини ўқитувчи қандай ўтишини билмайди.

Мактабимизда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг овқатланиши ҳам муаммо, чунки ошхонамиз йўқ. Мактабда кунли узайтирилган гуруҳлар ташкил этилган. Аммо уларга шароит йўқ. Гуруҳ раҳбарлари маош олишяпти, лекин болаларнинг кун бўйи овқатсиз юриши ҳеч кимни ташвишлантирмайди.

Ўқитувчининг обрўси, аттестация ҳам долзарб муаммо. Маълумки, обрў ўз-ўзидан келмайди. Ўқитувчининг обрўси ўқувчи билан муаллим ўртасида юзага келган меҳр-оқибат билан ўлчанади. Мен ана шундай меҳр-оқибатга сазовор бўлган кўпгина ўқитувчилар билан ишлашдим. Ҳатто улар шароит тақозоси билан касбларини ўзгартириларида ҳам собиқ ўқувчилари олдидаги ҳурматларини йўқотганлари йўқ. Бироқ шундай ўқитувчилар ҳам борки, улар ўз фанларини мукамал билишади, аммо ўқувчи олдида ҳурматлари йўқ. Бунинг сабаби, уларда педагогик қобилият ночор, методикани пухта эгаллашмаган.

Ҳозирги аттестация давр талаби асосида бўлаяпти, деб бўлмайди. Аксарият раҳбарга ёққан ўқитувчигина аттестациядан ўтади, унинг дарслари чуқур таҳлил қилинмайди.

Ислоҳотда йигитларни педагогика институтларига кўпроқ қабул қилиш кераклиги айtilган эди. Эҳтимол, олий ўқув юрларида бу масалага эътибор берилаётгандир. Аммо ҳали натижаси сезилаётгани йўқ. Қишлоқ мактабларига йигитлар келишмаяпти. Хотин-қизлар билан ишлаш эса, дарс жадвалининг тез-тез бузилишидан ташқари, таълим сифати ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бошланғич синфда — таълимнинг энг масъулиятли даврида ўқувчилар 2—3 ўқитувчини кўришмоқда. Ҳатто баъзи фанлардан ўқитувчи топилаб қолган вақтлар ҳам бўлади.

Мен ишлаётган мактабда илгари текширишлар кўп бўлар эди. Бу бир жиҳатдан тўғри тадбир эди. Чунки назорат бор жойда тартиб-интизом бўлади. Педсоветлар қизгин мунозара билан ўтар, ҳар бир текширишдан ўқитувчилар янги-янги хулосалар чиқаришарди. Кейинги беш йил мобайнида мактабимизда райОНО ёки облОНО томонидан умумий текшириш ўтказилганлигини эсламайман. натижада ўқитувчилар А. Қаҳҳор айтганидек, танқид кўрмай, нозик бўлиб боришяпти. Қаранг, 700 га яқин ўқувчиси бўлган мактабга муносабат мана шундай. Оталиқ ташкилотнинг эса ўқувчиларга иши тушганидагина мактаб эсига келади.

М. БОБОЖОНОВ,

**Қашқадарё область, Қарши районидagi
Чернишевский номидаги 15-мактаб илмий бўлим мудир.**

«Шарқ юлдузи»нинг 1988 йил 6-сонида босилган «Қайта қуриш ва муаллим» мақоласини ўқиб юракларим зирқираб кетди. Айниқса мақоланинг сўнгги абзаци худди менга тегишлидек туюлди. Чунки, Иқром Расуловнинг бошидан ўтган ишларга ўхшаш воқеалар менинг ҳаётимда ҳам юз берган.

Мен бир нарсага таажжубланаман. Партия ва ҳукуратимиз ошкораликни талаб этаётган шароитда нега маориф соҳасидаги айрим раҳбарлар бунга қарши туришибди? Ахир камчиликлар рўй-рост айтилмас, қачон маориф ишида ўзгариш бўладию, қачон ислоҳот амалга ошади?

Иқром Расуловдек ўз фанининг устаси бўлган, куюнчак, изланувчан, ташаббускор ўқитувчилар бизнинг Андижон областимизда ҳам кўплаб топилади. Ана шундай ҳамкасбларим билан баъзан учрашиб, дардлашиб тураман. Буни қарангки, уларнинг кўпчилиги раҳбарларнинг тазйиқи остида ишлаб қийналаётганликларини айтишади. Маорифни қайта қуриш учун интилишларида яққаланиб қолаётганликларини гапиришади.

Маълумки, турғунлик даврининг раҳбарлари қўл остиларидаги кишиларни қандай бўлмасин ўзларига тобе қилиб олишга интилардилар. Ташаббус кўрсатмоқчи бўлсангиз ҳам аввал бошлиққа таъзим қилиб, розилигини олиш керак эди. Бу иллат маорифдаги раҳбарлар орасида ҳамон учраб турибди.

Мен 26 йиллик меҳнат стажига эга бўлган ўқитувчиман. Ўз фикрим ва Иқром Расуловнинг фикрларидан келиб чиқиб, шундай хулоса қиламан: аксарият мактаб, райОНО раҳбарлари изланаётган, ташаббус кўрсатаётган, камчиликларни ошқора гапираётган муаллимларга лоқайд қарайдилар, янгиликни илғамайдилар ёки илғасалар ҳам ўзларини пайқаманганга олиб юраверадилар. Бунақада маориф ишини қайта қуриш қийин-ку!

Ўтган ўқув йили давомида ўқувчилар формасининг етишмаслиги, ҳатто оддий дафтарнинг ҳам тақчиллиги, яъни дарсликларнинг яроқсизлиги ва бошқа жуда кўп муаммолар ҳақида матбуотда қатор танқидий мақолалар ёзилди, ваъдалар берилди. Аммо ҳамон бу борада дуруст ёзгариш сезилмаяпти.

Баъзан ўйлаб қолсан: партия ва ҳукуратимизнинг маориф соҳасидаги қарорларини, газета ва журналларда босилаётган ўқитувчининг обрў-эътиборини ошириш тўғрисидаги ҳаққоний гаплар-

ни маорифдаги раҳбарлар ўқирмикан? Агар ўқишса нега бу масалага дуруст эътибор беришмаяпти, оддий ўқитувчига юқоридан туриб муомала қилишмаяпти? Нега ўз ишига ҳалол муносабатда бўлаётган Ҳ. Солиев сингари педагоглар яққаланиб қолишмаяпти? Нега маорифни ислоҳ қилиш йўлида бутун билими ва тажрибасини аямаётган Икром Расулов сингари муаллимлар тазйиқ остига олиниб, бошлиқ олдида бўйнини қисиб турувчи манқурт педагоглар «аллада азиз» бўлмоқдалар?

Менимча, ҳозирги қайта қуриш шароитида сидқидилдан меҳнат қилувчи, ҳалол ва пок одамларнинг қалб тўғени жамоатчиликка тезроқ аён бўлмоқда. Улар қайси соҳада бўлмасинлар, сўз ва иш бирлигини талаб қилишмоқда. Неча йиллардан бери давлат маошини жонини койитмай олиб, ёш авлоднинг истиқболига зомин бўлаётганларнинг айбларини юзига дангал айтмоқдалар. Бу қувонса, қўллаб-қувватласа арзийдиган ижобий ҳодисадир.

Ҳамон педагогика институтларида қабул талаб даражасида эмас. Талантли, педагог бўлишга лаёқатли ёшлар олий ўқув юртларига ўқишга киролмай заводлар ва қурилишларда ишлаб юришибди. Мактабларда эса билими саёз, методик жиҳатдан лаёқатсиз муаллимлар сафи камаймаяпти. Олий ўқув юртларининг домлалари эса бутун айбни мактабга ағдарадилар, институтга келаётган ёшларнинг билими саёзликдан шикоят қилишгани-қилишган. Уларда институтга ёшларнинг 5—10 нафаридан бирини танлаб олиш имконияти бор-ку, шу имкониятдан тўғри фойдаланиш керак. Аслида ундай бўлмаяпти, порохўрлик, таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик келган жойидан яна давом этказилаяпти. «Классик» порохўрлар янги шароитга мослашиб олишмаяпти. Айтишлари-ча, эндиликда улар ҳам билими яхши, ҳам ҳамёни катта абитуриентларни излашмаяпти, чунки бундай қилганда сих ҳам, кабоб ҳам куймайди, яъни гап тегмайди, жиноят беиз қолади.

Менимча, педагог дипломи билан мактабга ишга келаётган ёш мутахассисни узоғи билан беш йил кузатиб, ўрганиб, фаолиятида ижобий томонга ўзгариш бўлмаса, бу соҳадан четлатиш керак. Ҳамон мактаб ёш инсонни тарбиялайдиган маскан экан, ўқувчилар ёнига жомалари пок, аммо маънавий олами нопок шахсларни йўлатмаслик керак.

У. ҚОРАБОЕВ,
Андижон область, Хўжаобод район, Нодира
номидаги 44-ўрта мактаб она тили ва адабиёти ўқитувчиси.



БҰЛИМГА ҒАФУР ҒУЛОМ АСОС СОЛГАН

Ваҳоб Мамадалиев

ҚУЛОҚ

Соч-соқолни тартибга солиш учун сартарошхонага кирдим. Таниш уста юзимга ҳайрон тикилиб туриб сўради:

— Яқинда соч олдирибсиз-ку, кимга учраган эдингиз?

— Ҳеч кимга. Ушанда ўзингизга олдиригандан бери энди келишим, — дедим.

— Қўйинг-э, сизга ёлғон ярашмас экан, — ранжигандек бўлди уста. — Бировнинг устидан ёзгандан кейин айбдорнинг исм-фамилиясини аниқ кўрсатиш керак-да! Уша ёзган танқидингиз бўйича бошлиқ бизларни уч соат тергаса-я! Қулоғингизни кесиб қўйганини ҳеч ким бўйнига олмади. Тўғри-да, ана жойида турибди-ку, қаққайиб...

Бу гапга устахонадагилар барабар кулиб юборишди. Тушунтириб ўтиришнинг мавриди эмасди. Сочни номигагина олдириб, соқолни қиртишлатишни эса унутиб кўчага зинғилладим. Барибир ишга сал кечикдим. Хонага киришим билан бошлиқ йўқлаганини айтиб қолишди.

— Келинг, — деди у кўришишни ҳам насия қилиб, қўлидаги газетани силкитар экан. — Сизданми?

«Оббо, бунга ҳам ҳажвия ёқмабди-да». Шу нохуш ўй таъсирида билинар-билинемас бош силкидим.

— Унча ёмон кесмадимми? — деди бошлиқ ачинганнамо.

— Нимани? — сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Қулоғингиз-да, — у ҳам менга тикилди. — Шикоят дафтарини сўраш керак эди, устидан ёзиш керак эди.

Бу ҳажвия эканлигини бошлиғимизга тушунтириб, хонасидан чиқдим. Уйга келсам, аптекачи қўшним ўтирган экан. Бир қўлида ўша газета.

— Бормисиз, қўшни, қулоқ тузукми? Уқидиму мана бу мазни ола солиб югурдим. Бахтингизга бир дона қолган экан. Импортнийсидан. Бир суртсангиз кўрмагандай бўлиб кетасиз.

Қўшним ҳам қулоғим тўғрисида гапираётганини дарров сездим-да, ҳажвия нима эканлиги тўғрисида иккинчи лекцияни бошламоқчи эдим, гапиришга имкон бермади. «Кечирасиз, — деди уйига чиқиб кетаётиб, — шошиб тургандим, кейинроқ яна хабар оларман...»

Кечки овқатни энди еб бўлгандим, етмишга кирган аммам ҳаллослаб келиб қолди.

— Қўлгинанг сингур, кўзига қараса бўлмайдами? Гулдай боламни айбдор қилиб қўйган қўлларини синдирмасамми! — аммам мени қучоқлаб олганича бошимни, қулоқларимни авайлаб силарди. — Бугун соч оламан деб қулоғингни кесибди, эртага соқол оламан деб бўйнингни кесар. Сен яширганинг билан ҳаммасини билиб олдим. Газетада ёзибди. Ҳабиб (аммамнинг тўнғич невараси) ўқиб берди. Уша қўлгинанг сингур сартарошни нақ судга бермасамми! Ушанда кўради бировнинг қулоғини кесиш қанақа бўлишини...

Шу воқеадан кейин кўчага чиқишдан безор бўлдим, ким кўрса қулоғимга ачиниб, кўнгил сўрайди...

Ҳажвия ёзишни эса йиғиштирдим. Қулоғим тинчигани яхшида, нима дедингиз?!

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИ 1988 ЙИЛ СОНЛАРИНИНГ УМУМИЙ МУНДАРИЖАСИ

НАСР

| | |
|---|---------------------|
| С. Анорбоев. Қора икра. Ҳикоя. | 12—19 |
| Э. Аъзамов. Байрамдан бошқа кунлар. Қисса. | 7—7, 8—85 |
| З. Аълам. Афандининг қирқ бир пашшаси. Қисса. | 2—16, 3—26 |
| С. Аҳмад. Жимжитлик. Роман. | 10—10, 11—54, 12—33 |
| А. Жўраев. Юрак бўронлари. Ҳужжатли қисса. | 9—91 |
| А. Мамарасулов. Телба муҳаббат. Ҳикоя | 10—143 |
| М. Мирзараҳимов. Тумандаги одамлар. Ҳикоя. | 4—122 |
| Қ. Мирзо. Келин тушди. Ҳикоя. | 12—135 |
| О. Мухторов. Эгилган бош. Роман | 4—11, 5—115 |
| М. Муҳаммад Дўст. Лолазор. Роман | 5—13, 6—30, 7—53 |
| М. Муҳамедов. Ҳикоялар. | 12—137 |
| Ҳ. Назир. Ҳамият. Ҳикоя | 1—16 |
| Э. Раимов. Ҳожи ташвиш. Ҳикоя. | 1—3 |
| И. Раҳим. Дилхирож. Қисса. | 6—10 |
| Х. Султонов. Уч ҳикоя. | 1—61 |
| Ҳ. Тўйманова. Бегона. Ҳикоя. | 3—72 |
| Х. Тўхтабоев. Мунгли кўзлар. Романдан боблар. | 11—107 |
| У. Усмонов. Тераклида тўй бўлди. Ҳикоя | 9—122 |
| Р. Файзибоева. Учрашув. Ҳикоя. | 3—20 |
| Ш. Холмирзаев. Ҳикоялар. | 11—5 |
| Чўлпон. Кеча ва кундуз. Роман | 2—61, 3—79 |
| Н. Қиличев. Икки ҳикоя. | 1—87 |
| П. Қодиров. Авлодлар довони. Роман | 8—7, 9—14, 10—74 |

ШЕЪРИЯТ

| | |
|--|--------|
| У. Абдуазимова. Мен сени шу қадар ёниб севаман. | 3—68 |
| М. Абдулҳакимов. Бедор тут, шиддатни, жанговар руҳни. | 5—6 |
| А. Абдураззоқ. Мен ҳаётни севганим каби. | 1—12 |
| С. Аваз. Ҳақиқат энг буюк кашфдир | 9—138 |
| У. Азимов. Ватандан бошқа бир сўз қалбима мос тушмади | 9—6 |
| М. Али. Рамаёна оҳангларида | 2—7 |
| Ҳ. Асқар. Мен сени ҳамиша севиб яшадим. | 9—127 |
| А. Ахматова. Марсия. Туркум. | 3—75 |
| Ҳ. Аҳмедова. Мезонларнинг узун йўллари аро. | 8—136 |
| Х. Бобомуродова. Кўзимдан ёш эмас, олов тўкилар. | 6—8 |
| Б. Бойқобилов. «Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?». | 12—28 |
| М. Бекжон. Кўзларингга бораман қайтиб | 8—148 |
| О. Бўриев. Сенга талпинарди қалбим беором. | 9—120 |
| Э. Воҳидов. Биздан кейин ҳеч бир авлод қайта қурмасин. | 10—3 |
| Ж. Жабборов. Бир бутунликда жаҳон | 6—3 |
| А. Жалил. Бағрингга бардошлар тилагин ердан. | 4—145 |
| Ю. Жумаев. Сени хаёлимдан юлолмайди вақт. | 10—71 |
| Т. Жўра. Юлдузлардай эрир нафасим. | 4—7 |
| О. Икромов. Ерни ёриб чиқар тоқатлар туби. | 10—151 |
| А. Исроилов. Буюк ганжинадир кўкдаги қуёш. | 6—25 |
| Д. Исҳоқова. Сиздан сўраганим бир ҳовуч меҳр. | 3—70 |

| | |
|---|---------------|
| Иқбол. Ишонч. | 1—184 |
| А. Каримов. Усаётган вақт. | 9—125 |
| М. Кенжабоев. Руҳимда бир ҳайрат қуюни тўзар. | 1—24 |
| С. Мадалиев. Руҳимни, қалбимни поклар бу мақом. | 9—86 |
| Г. Матёқубова. Нафасимиз қолган тоза боғларда. | 10—155 |
| Т. Мирзо. Бир буюк армон бор қўшиқ қаърида. | 4—127 |
| Ҳ. Нейматов. Йўлимни ёритар бир нур | 10—141 |
| И. Нормуродова. Ҳар кун мени йўлларим кутар. | 8—151 |
| З. Обидов, Р. Бекниёз, Ш. Орифий шеърлари. | 5—109 |
| С. Очил. Севги сенинг бахтинг дейди кимлардир. | 11—102 |
| Н. Парда. Юрак тўфон, тўлқин бўлиб уради. | 9—118 |
| А. Пардабоева. Юрак, шундай бир майдон бор. | 3—143 |
| М. Ражаб. Куч сезади дарёлар ирмоқларнинг мавжида. | 6—108 |
| Қ. Раҳимбоева. Қишнинг охирлари. Достон | 4—113, 5—102 |
| З. Рўзиева. Оқиб келаверар кунларга зиё. | 4—130 |
| Ш. Содиқ. Бахт муқим қолади абадиятдай. | 6—113 |
| Р. Равшан. Бир дардим қолмади ўзимдан улкан | 11—162 |
| И. Субҳон. Кел, охужон, кел, дардимга шериккинам бўл. | 11—104 |
| Р. Субҳон. Сенга ётмоғим шарт бир кун, келажак! | 2—55 |
| А. Суюн. Сарбадорлар. Драматик достон | 11—34, 12—117 |
| Я. Тоға. Исмингни айт ҳайқириб сен. | 5—9 |
| И. Тўлаков. Қуёшли уфққа тикаман нигоҳ | 9—86 |
| И. Тўхтамишев. Изтироб. | 9—11 |
| М. Улуғова. Тонгда уйғон мунаввар бўлиб | 3—22 |
| Р. Файз. Ухлаётган одам. Поэма. | 12—12 |
| О. Холдор. Сочпопуклар фаслига ҳамиша интизорман. | 10—139 |
| Д. Шамс. Бул ҳақнинг қуёши, сизгадир фидо. | 8—134 |
| Шуҳрат. Шеърлар. | 4—149 |
| Ч. Эргаш. Қария. Баллада. | 1—58 |
| Й. Эшбек. Мен мангу масофа сари оққайман. | 4—3 |
| И. Юсупов. Булбул уяси. Достон. | 2—149, 3—152 |
| Қ. Утаев. Узгаларнинг бахти жонингда турсин. | 2—52 |
| Ш. Қурбон. Бир қалб манзараси. Шеърлий қисса. | 7—45, 8—78 |
| М. Қўшмоқов. Ҳали суюкли навбахорлар келадур. | 8—3 |
| О. Ҳакимов. Ватан даъвати. | 6—28 |
| Д. Ҳасан. Баҳор келар боғларга. | 5—149 |
| О. Ҳожиева. Дард. | 7—3 |

ДРАМАТУРГИЯ

| | |
|--|--------|
| Ш. Бошбеков. Эски шаҳар гаврошлари. Пьеса. | 1—64 |
| Т. Тўла. Қабул қуни. Драматик қисса | 12—144 |

БОЛАЛАР ДУНЕСИ

| | |
|--|--------|
| Улуғбек Абдусаломов. Қоравой. Ҳикоя | 6—111 |
| П. Мўмин. Гул эканан сизлар билан | 10—164 |
| Ҳ. Саъдулла. Эътиқод. Достон. | 6—125 |
| Шамол менга ёқади. Т. Йўлдош, Ҳ. Раҳмат, | |

С. Жаббор, Д. Жабборов, М. Абдулла,
Д. Ражабов, Сарвар шеърлари. 2—187
Яхшига эл кулиб боқар. Ҳ. Имонбердиев,
Р. Толиб, А. Акбар, Ж. Раҳим, О. Расул,
Д. Отаева, А. Турдиев, О. Абдурахмон,
Э. Дўстматов шеърлари. 11—151

МУШОИРА

Шивирлаб йўлингга чиқар чечаклар. М. Эрдо-
нова, М. Эммурадова, Ҳ. Солиҳова, В. Ибро-
ҳимова, М. Ғаниева, З. Бобоева шеърла-
ри. 3—145
Мунаввар бир офтоб билан учрашай. Т. Жў-
рабоев, Ф. Усмон, М. Ҳайдар, О. Юсупова,
З. Комилов, Р. Каримов, Ғ. Қурбонov, М. Ға-
ниев шеърлари. 5—152
Қўшиқ айтгум ёниқ, забардаст. И. Аҳрор,
Т. Раҳимов, Ҳ. Мирзаёров, Б. Бекматов,
Ҳумоюн, А. Бобоҳўжаев, Ҳ. Каримов, Н. Пан-
жиев, А. Мўминов шеърлари. 7—127

ЖАҲОН АДАБИЕТИ ДУРДОНАЛАРИ

Байрон. Дон Жуан. Достондан боблар 1—119
Э. Золя. Тошқин. Ҳикоя. 1—129
Х. Л. Борхес. Улмайдиган одам. Ҳикоя 6—116
Н. Кубро. Рубоийлар. 7—139
Абул Фароғ Ал Исфажоний. Абу Там-
мом ҳақида ҳикоятлар. 8—138
Куба шеърляти. Р. Ф. Ретамар, Н. Гильен,
Э. Флорит шеърлари. 9—140
Турк классик шеърлятидан. Ю. Эбро, Қулўғли
шеърлари. 11—165

НОДИР САҲИФАЛАР

А. Р. Беруний. Ҳикоятлар. 4—182
А. Навоий. Ғазаллар. 3—3
Шайхзода. Шеърлар. «Ал-Беруний» драма-
сига қайдлардан. 10—170

ОЧЕРК, ПУБЛИЦИСТИКА

А. Абдуразоқов. Бозор ва нарх. 4—165
З. Акрамов, А. Қаюмов. Қишлоқ ва таби-
ат. 2—181
В. Артёмченко, Ю. Шакутин. Рўзматов сабоқ-
лари. 1—145
А. Аҳмедов. Сўнмас жасорат. 5—176
Е. Березиков. Тирик афсона. Эссе. 8—153
И. Воробьев. Социализм ва тинчлик посбон-
лари. 2—3
О. Ершов. Хива — кўриқхона шаҳар. 7—142
О. Жуманазаров. Деҳқон ташвиши. 9—144
Б. Маҳмудов. Меъмор. 7—150
С. Мирзаев. Оролни кўтқариш мумкин. 7—134
И. Мунаев. Қардошлигимиз сарчашмала-
ри. 6—131
Ш. Нуралиев. Чала дўстлашув. Қарорда —
янгича, амалда — эскича. 1—140, 9—153
Д. Нурий. Бўстонликни кўтқаринг! 3—6, 4—132
Отаёр. Сурхон соҳилларида. 10—156
И. Расулов. Қайта қуриш ва муаллим. 6—139
Н. Раҳмат. Сўқмоқлар ва сабоқлар. 5—164
И. Сулаймон. Бир дарёнинг икки қирғоғи 8—167
Ҳ. Шайхов. Замин шайдоси. 12—163
А. Эгамназаров. Дўппидаги доғ. Эссе 11—168
Э. Юсупов. Миллий муносабатлар ва мил-
лий муаммолар. 12—3
Ф. Қиличев. Исловатхона «малика»лари 11—194
У. Ҳошимов. Авлодларга нима деймиз? 2—152

САНЪАТ

Ш. Абдусаломов. Ташналик. 1—132
Ш. Бўтаев. Шуқур Бурҳон. Эссе. 4—157
З. Муҳаммаджонов. Телеэкран ва ҳаёт ҳақи-
қати. 2—163
Г. Раҳмонова. Қалб кенгликлари. 12—160

Ж. Сайдалиева. Ранглардаги дилрабо кў-
шиқ. 3—168
Ш. Шоёқубов. Классик миниатюраамизнинг ик-
кинчи ёшлиғи. 6—147

ТАНҚИД, АДАБИЕТШУНОСЛИК

Адабиёт тарихи: муваффақиятлар ва муаммолар.
О. Шарафиддинов, У. Норматов, С. Мирва-
лиев, А. Раҳимов, Э. Каримов, А. Ҳайитме-
тов, Н. Худойберганов, А. Расулов, М. Наза-
ров, А. Жабборов. 12—184
Т. Адашбоев. «Кашфиётнинг» йўли осон 8—180
Б. Акрамов. Ошкоралик — ҳақиқатнинг уй-
ғоқлиғи. 1—185
А. Абдуразоқов. Бир кун. 11—184
Ҳ. Абдусаматов. Ҳалоллик. 7—178
А. Абдуғафуров. Муқимий ва рус шарқшу-
нослари. 8—183
Н. Аҳмедов. Мангу барҳаёт образ. 6—153
Н. Бекмирзаев. Ҳис этиб яшайман. 12—175
М. Жуманов. Беором юраклар йўлдоши 9—167
Х. Зайниддинов. Асрлар солномаси. 7—175
М. Зокиров. «Шул диёр дилбандиман...» 11—190
Т. Зуфаров. Келажак меросдан бошлана-
ди. 10—167
Горький мактублари. 6—176
М. Имомназаров. Ҳақиқат ва мажоз. 4—176
Ғ. Каримов. Дилорому Дилорою Дило-
со. 2—188
А. Каттабеков. Теранлик ва холислик йўли-
да. 8—189
С. Мамажонов. Парвозга шайланамиз. «Юр-
тингиз, унинг одамларидан сўзлаб бе-
ринг...». 6—170, 10—184
М. Маматвалиев. «Жалолиддин» ҳақиқат
излайди. 10—180
М. Маҳмудов. Асрлар кўшиғи. 5—197
У. Норматов. Қалбдаги чироқ. Ҳақиқатнинг
машаққатли йўли. 4—153, 7—169
Б. Назаров. Жасоратда тобланган ижод 9—172
С. Носирхўжаев. Буюк таълимот асосчи-
си. 5—161
Р. Отаев. Қандай ёзмаслик керак?. 4—187
Отаёр. Камарбасталик. 12—142
Пушкиннинг рафиқасига мактублари 6—174
А. Рустамов. Мустанад. 4—172
А. Расулов. Тақризни ҳимоя қилиб. 4—192
М. Солиҳ. Дулбаржин. 8—195
Н. Тилавов. Дараларни гумбурлатган дўм-
бира. 12—179
Т. Турдиев. Халқ донишманди. 7—161
Т. Тўрабоев. Бир образнинг икки талқи-
ни. 9—172
Т. Л. Толстая-Сухотина. Отам кундалиғи 8—160
Э. Шодиев. «Ҳамса»нинг тожик элидаги шўх-
рати. 2—194
Ш. Холмирзаев. Мўъжиза бўлиб қолсин 6—162
М. Холмуҳамедов. Шижоатли ва ҳалол
адиб. 9—3
Н. Худойберганов. Ҳаммаси таҳлилда кўри-
ди. 3—180
Ш. Юсупов. Комил ҳақида янги маълум-
мот. 7—165
И. Ғафуров. Тозариш. 5—183
Ҳ. Ғулom. Буюк шоир. 5—3
У. Улжабоев. Масофа билмас ижод 7—157
А. Қаюмов. Устоз хотираси 11—182
Р. Қўчқоров. Кўш роман ва айрича қараш-
лар. 3—170
М. Қўшжонов. Қайта қуриш ва ўзбек рома-
ни. 1—167
С. Ҳасанов, Р. Шарафутдинова. Оловли йил-
лар шаҳодати. 3—149

ТАҚРИЗЛАР

- Р. Баракаев.** Болаликнинг теран нигоҳи 10—192
С. Барноев. Болаликнинг беғубор олами 3—193
Н. Жумаев. «Ухлаётган ботирдир — минор». 6—180
А. Йўлдошев, О. Абдуллаев. Зулматдаги нур. 10—187
Т. Йўлдошев, Ж. Хўжакулов. Олимнинг янги мажмуаси. 6—182
Р. Иномхўжаев. «Порлоқдир келажаги бу йўлнинг». 9—183
М. Мирзаев. Мулоқот. 7—182
Т. Рўзиев. Орзумандлар фожиаси. 10—168
С. Саидов. «Синчалак» немис тилида. 9—189
Т. Собитова. Маънавий мулкимиз. 8—198
Ф. Сулаймонова. Энди навбат асл нусхага. 9—185
Б. Тўхлиев. «Сўзнинг ўрни — сир». 10—190
Б. Қосимов. Оҳангдошлик. 7—183
Ж. Қўшбоқов. Руҳий олам манзаралари. 9—181
А. Ҳожиаҳмедов. Матн масъулияти. 12—197

ИЖОДХОНАДА БИР СОАТ

- Э. Воҳидов, Н. Каримов.** Шеърят — меҳр демакдир. 1—159
Г. Нуруллаева, Ю. Жумаев. Ҳар қадамда муаммо, муаммо... 6—156
И. Раҳим, Э. Худойбердиев. Ҳаёт чорраҳаларида. 10—172
О. Шарафиддинов, О. Абдуллаев. Умр бўйи давом этадиган синов. 2—172
Шукрулло, Н. Раҳимжонов. Халқ дардини жойладим дилга. 9—159
Ҳ. Худойбердиева, Н. Боқиев. Оқибат деворлари. 3—160
М. Қўшжонов, Н. Раҳимжонов. Бадиият — бош мезон. 11—155

ДИЛЛАРДАН — ДИЛЛАРГА

- Улжас Сулаймонов, И. Отамуродов.** Замин-

нинг ҳар бурчи муқаддас менга! . . . 5—158

- М. Юнусов, С. Каленикин.** Бир том остида яшаганда. 9—130
Р. Ҳамзатов, Ф. Медведев. Бургут қано-тида... 1—185

- АКС САДО** 1—204, 2—199, 4—195, 5—202, 6—184, 7—185, 8—200, 9—191, 10—195, 11—203, 12—201

САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА

- С. Равшанов.** Дўзах. Қисса 1—194
Ф. Қиличев. Икки ҳикоя. 3—195
Р. Қодиров. Янги одам. Қисса 6—190, 7—191
Ф. Ҳожиқулова. Куборо ва ярим одам. Қисса. 9—195

ГУЛҚАЙЧИ

- А. Абдуғафуров.** «Оғир йиллар» эмиш 6—207
Т. Адашбоев. «Бойчечак» ансамбли 1—205
Т. Ашуров. Ҳажвиялар. 11—205
О. Бегалиев. Йўқолган табассум 7—206
С. Воҳидов. Мулоқот 10—205
Н. Дусанов. Дўстона пайровлар. 2—207
В. Мамадалиев. Қулоқ. 12—204
А. Обиджон. Аспан Атторнинг аризалари. 10—200
И. Оллоберганов. Хатобойнинг саргузаштлари. Қисса. 2—203, 3—201, 4—199
Онор. Менинг тақризчиларим. 5—203
М. Ражаб. Рўмол ҳақида ким қандай ёзарди? 3—206
А. Раҳмонов. Яқин кишинг. 4—207
Й. Солижонов. Адабий консультация 8—204
Й. Султонов. Роман ёзди. 4—207
М. Худойқулов. Масаллар. 10—198
А. Юнусов. Тундаги воқеа. 9—206
Я. Қурбон. Масаллар 6—206
Х. Ҳасанов. Санъаткор бўлай дедим 5—207

Мундарижа

| | |
|---|-----|
| ПУБЛИЦИСТИКА | |
| Эркин Юсупов. Миллий манфаатлар ва миллий муаммолар | 3 |
| ШЕЪРИЯТ | |
| Равшан Файз. Ухлаётган одам. Поэма | 12 |
| Барот Бойқобилов. Ким сокин яшайди Ўзбекистонда? | 28 |
| Азим Суюн. Сарбардорлар. Драматик дoston | 117 |
| НАСР | |
| Суннатулла Анорбоев. Қора икра. Ҳикоя | 19 |
| Саид Аҳмад. Жимжитлик. Роман | 33 |
| Қўлдош Мирзо. Келин келди. Ҳикоя | 135 |
| Мумтоз Муҳамедов. Ҳикоялар | 137 |
| ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ | |
| Отаёр. Камарбасталик | 142 |
| ДРАМАТУРГИЯ | |
| Туроб Тўла. Қабул куни. Драматик қисса | 144 |
| САНЪАТ | |
| Гулнора Раҳмонова. Қалб кенгликлари | 160 |
| ОЧЕРК | |
| Ҳожиакбар Шайхов. Замин шайдоси | 163 |
| ҲАМЗАХОНЛИК | |
| Норқул Бекмирзаев. Ҳис этиб яшайман | 175 |
| ПОРТРЕТГА ЧИЗГИЛАР | |
| Норқул Тилавов. Дараларни гумбурлатган дўмбира | 179 |
| ТАНҚИДНИ ТАНҚИД | |
| Адабиёт тарихи: муваффақиятлар ва муаммолар. Давра суҳбати Озод Шарафиддин- нов, Умарали Норматов, Собир Мирвалиев, Азим Раҳимов, Эрик Каримов, Абдуқо- дир Ҳайитметов, Норбой Худойбергандов, Маҳмуд Назаров, Абдуғафур Расулов, Анвар Жабборов | 184 |
| ТАҚРИЗ | |
| Анвар Ҳожиаҳмедов. Матн масъулияти | 197 |
| АКС САДО | 201 |
| ГУЛҚАЙЧИ | |
| Ваҳоб Мамадалиев. Қулоқ | 204 |
| «Шарқ юлдузи» журнали 1988 йил сонларининг умумий мундарижаси | 205 |

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
{Звезда Востока}
№ 12

Орган Союза писателей Узбекской ССР
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1988

Техник редактор **А. Ҳайдаров.** Рассом **Ф. Алимов.** Корректор **М. Имомов.**

Редакцияга келган бир босма тобоқчада бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.
Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

Теришга берилди 03.10.88 й. Босишга рухсат этилди 24.11.88 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆.
Р-14239. Фотонабор. Офсет босма усули. Босма листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт
ҳисоб листи 20,2. Тиражи 167132. Заказ 4479.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли
босмаҳонаси. Тошкент — П, Ленин проспекти, 41